



# Шарқ Юлдузи

ЎЗБЕКИСТОН ЁЗУВЧИЛАРИ УЮШМАСИНИНГ  
АДАБИЙ-БАДИИЙ, ИЖТИМОЙ-СИЁСИЙ ОЙНОМАСИ

---

7 '1991


*Бош муҳаррир:*  
Ўткир ҲОШИМОВ

*Таҳрир ҳайъати:*  
Неъмат АМИНОВ  
Саид АҲМАД  
Салоҳиддин МАМАЖОНОВ  
Омон МУҲТОРОВ  
(*бош муҳаррир ўринбосари*)  
Мурод МУҲАММАД ДУСТ  
Умарали НОРМАТОВ  
Гулчеҳра НУРУЛЛАЕВА  
Муҳаммад СОЛИҲ  
Хайриддин СУЛТОНОВ  
Зоя ТУМАНОВА  
Улмас УМАРБЕКОВ  
Носир ФОЗИЛОВ  
(*масъул котиб*)  
Азиз ҚАЮМОВ  
Ҳамид ҒУЛОМ

60-йил чиқиши

---

МУАССИСЛАР: «ШАРҚ ЮЛДУЗИ» МЕҲНАТ ЖАМОАСИ ҲАМДА  
ҒАФУР ҒУЛОМ НОМИДАГИ НАШРИЁТ-МАТБАА БИРЛАШМАСИ



Сирожиддин Сайид

Шеърнам

## ЁКИ БИР БЕГОНАНИНГ ИЗТИРОБЛАРИ

**БЕГОНА**

**СОЯ**

**ЧЕХРА** (фақат бир марта намоён бўлади)

**ТАНГА КЎЗЛИ ОДАМ**

**ОШХЎРЛАР**

**«ФАРМОН» ИШЛАБ ЧИҚАРИШ БИРЛАШМАСИНИНГ ХОДИМИ**

**КАМПИР**

**ХОДИМ**

**БРИГАДИР**

**МЎЙСАФИД**

### БИРИНЧИ КЎРИНИШ

*Шом чоғи. Минора. Кўкда ҳилол кўриниб турибди. Теварак жимжит. Миноранинг олдида Бегона келади. Унинг ғамгин жуссаси, ғуссали юзи шом гира-ширасида янада сўлгинроқ кўринади. Миноранинг атрофида сопол парчалари, нақшин кошинларнинг синиқлари сочилиб ётибди.*

**БЕГОНА**

(ўзича)

Минг йиллардан буён мени қийнайди ҳаёт,  
Минг йиллардан буён хору сарсондурман, мен.  
Кеча кўрган тушимга ҳам минг йил бўлибди,  
Гоҳи сароб, гоҳи обиравондурман мен.  
Кўнглим ичра мақбар кўрган дарду аламлар,  
Кечгандирлар гўё минг йил аввал бошимдан.  
Шу ҳолатга тушгандирман минг йиллар аввал,  
Мен минг йиллар олдиндаман асл ёшимдан.  
Ўшал осмон, ўшал шому ўшал ярим ой,  
Қўлларимни беихтиёр юзга суртгайман.  
Азон янглиғ интиҳосиз, қадимий, кўҳна  
Ҳасратларнинг хирқасига ўзни буркайман.  
Келаверар оқ от минган оппоқ мўйсафид,

Лекин менга яқинлашмай яна қайтади.  
Мен иккига бўлинганман:  
Бир мен бундадир.  
Бир мен эса мозийларда такбир айтади.  
Бироқ, булар бир-бирига бегонадирлар.  
Бундаги мен ундагидан гарчи олддадир,  
Гарчи кетган бўлса ҳамки минг йил илдамлаб,  
Лекин меҳру эътиқодда минг йил ортадир.  
(Сиёҳдай ёйилиб Соя пайдо бўлади).

### СОЯ

Ўз-ўзинга нималарни сўйлаётирсан,  
Ёш бошингда минг йилларнинг шўри, савдоси?  
Овозинг ҳам танишдайин. Сен эмасмисан  
Мен — Сояни ташлаб кетган каснинг гавдаси?

### БЕГОНА

Сен адашдинг. Мен соямни йўқотмаганман.  
Тўғрироғи, сенга ўхшаб мен ҳам бир соя.  
Шундоқ кўйга солмиш мени эътиқодсизлик,  
Сояларнинг найранглари бўлмишлар доя.  
Мени тинч қўй.

### СОЯ

Сояларни пастга урмагил.  
Тегиб кетар бу ҳол менинг ҳамиятимга.  
Сал адашган кўринасан, яхшиси, келгин,  
Аъзо бўлгин сен «Соялар жамияти»га.  
Сояларнинг келажаги порлоқдир, билсанг,  
Ўшал порлоқ манзилларга бирга борамиз.  
Эплаб кетсанг, ўз ишингни дўндириб борсанг,  
Улуш кўшсанг умумсоя қасидамизга,  
Сени бир кун муҳаррир қиб сайлаймиз, укам,  
Ўзимизнинг «Соя сари» рўзномамизга.

### БЕГОНА

Мени тинч қўй.  
Ўзи бунга сенлардан қочиб,  
Беш-олти кун танҳо юрай дея келгандим.  
Бу минорнинг ҳарфлари-ла руҳимни ювиб,  
Қадим-қадим ўйлар сурай дея келгандим.  
Кет бу ердан.

### СОЯ

Э, қўйгил, бу қизил гапларни.  
Қадим-қадим ўйларингдан менга не фойда?  
Яхшиси, юр, гўзал-гўзал сояқизлар бор,  
Кўнгилхушлик қилайлик бир,  
Ош бор бир жойда.  
Сўнг эртага «Жамият»га бирга борамиз.  
Кенгаш бордир. Утирасан, кўриб, биласан.  
Муҳокама қилгайдурмиз дастуримизни,  
Қаққайган бу минорани нима қиласан?  
Ҳарфларини барибир ҳам тушунмайсан-ку?  
Ота-бобонг билган бўлса ўзи етгайдир.  
Бухоройинг тамом бўлган.  
Миноранг ҳам биз  
Омон бўлсак, бир кун ўзи нураб кетгайдир.  
Сен бунчалар тушкун кетма, кўнглингда агар  
Доғинг бўлса, нафсинг ила шуваб ташлагил.  
Оғзингдаги синиқ тишдай синиқ сўзларни,  
Яъни, «Имон», «Эътиқод»ни туфлаб ташлагил.  
Кўрибсанки, жулдур жаҳон ёришгай бирдан,  
Кўз олдингда нозлангайдир танноз бир ҳаёт.  
Қийнамайди кўнгил деган ортиқча гаплар,  
Чунки, унда кўнгил бўлмас, бўлмас хотирот.  
Мана, мендан қиёс олгил.

Мен ҳам бир пайтлар  
 Баргга томган шудринг янглиғ пок бола эдим.  
 Пода боқиб юрар эдим зумрад қирларда,  
 Уз кўнглимнинг тоғларида шалола эдим.  
 У, бу кўнгил не кўйларга солмади мени?!  
 Аҳмоқ бўлиб изларидан кетаверибман.  
 Девонадай, худо менга кўнгил бермиш, деб  
 Дунёнинг бор ғурбатини ютаверибман.  
 Дўстлар мenden юз ўгирди.  
 Хешу ақрабо  
 Телба, дея рафторимни дoston қилдилар.  
 Қоним билан ўстирганим меҳрим гулларин  
 Юрагимнинг гўшти билан юлиб олдилар.  
 Боролмадим етиб отам жанозасига,  
 Кўнгил, дея кириб чиқдим не маҳкамага.  
 ...Бир кун келсам, ишхонада, деворда эълон,  
 Менинг кўнглим кўйилганди муҳокамага.  
 Алқисса, мен ўшал куни ишдан ҳайдалдим.  
 Билолмасдан юрдим хийла: тушми, ўнгимми?  
 Сўнгра ғалат сояларга қўшилиб кетдим,  
 Шунда ишдан ҳайдаганман ўжар кўнглимни.  
 Кейин десанг...  
 Кейин қизик бир гаплар бўлди.  
 Қозонгандим сояларнинг ҳурмат, меҳрини,  
 Улар мени бир маҳаллар ишдан ҳайдаган  
 Идорага бошлиқ қилиб кўйдилар мени.  
 Шундан буён хотиржамман.  
 Катта соялар  
 Олдига ҳам аҳён-аҳён кириб турибман.  
 Ёш соялар даврасида иззатим баланд,  
 Кўнгилларни муҳокама қилиб юрибман.



*Бегона жавоб беришга улғурмайин, минорадаги мажруҳ ёзувлар шуълалана бош-  
 ийди, нақшларга нур югуради, атроф ёришиб порлоқ Чехра намоён бўлади. Соя мино-  
 ранинг ортига чекинади.*

#### БЕГОНА

Фақатгина сен бегона эмассан, эй нур,  
 Минг йиллардан буён фақат сени кутгайман!  
 Уйловдимки, тушимда ҳам кўрмай бир умр  
 Уйқуларнинг зиндонида чириб кетгайман.

*Чехра индамайди. Таралаётган нур иплари қайтиб Чехрага сингий бошлайди.  
 Бегонанинг кўнглида бир тола нур қолади. Чехра ғойиб бўлади. Бегона буни сезмайди.  
 Соя чиқади.*

#### СОЯ

Телба, яна нелар дея ғўлдирайдирсан,  
 Анграйганча туриб қолдинг, қочмадинг нега?  
 Қанақа нур, ҳозиргина сенинг қаршингда  
 Қўниб ўтди уч оёқли учар тарелка?!

*Бегона ўзига келади. Қаршисида Сояни кўриб ҳайрон қолади. Газабланади.*

#### БЕГОНА

Ҳалигача кетмадингми?  
 Ошинг ланж бўлди.  
 Сояқизлар соясида, бор, айшингни сур.  
 Гум бўл бундан, ўйларимга соя ташлама.

*(Минорага қарайди. Ёзувлар шуълалангандай бўлади)*

Фақатгина сен бегона эмассан, эй нур!

#### СОЯ

Минг йил ўқитса ҳам сендан Соя чиқмайди,  
 Сен у нурни бу тупроқдан топмай ўтгайсан.  
 Токи биз бор, бунда зиё ёйилмагайдир,  
 Уйларингнинг гирдобига чўкиб ўлгайсан.  
 Майли, вақт бор.  
 Уйлаб кўргин, имкон бор ҳали,

Сояларнинг умригина фониймасдир, бил.  
Фақат... келсанг, ўйларингни унутиб буткул,  
Кўнглингни ҳам шу ерларда дафн этиб келгил.

*Нарироқдан қийқчириб ошхўрлар ўта бошлайди. Соя кетади.*

## БЕГОНА

(ўзича)

Қайга борай?  
Минг йиллик бир фарёд келади,  
Тушунмайман минг йилларнинг фарёдини мен.  
Ҳаром-ҳариш даврон сурган бу сарзаминда  
Кўрдим меҳру эътиқоднинг барбодини мен.  
Қайга боргум? Қайдан йўқлаб, қайдан топгайман  
Боболарнинг пок, муқаддас нафосатини?  
Ҳар бир кўлка миноранинг ортига ўтиб,  
Нақшларга сочиб кетса нажосатини.  
Гумбазлар ҳам гумбаз эмас,  
Мағлуб лашкардан  
Нишон қолган дубулғага ўхшарлар кўпроқ.  
Ер қаъридан оятларнинг ингроғи келур,  
Қатлам-қатлам имло бўлиб ётган бу тупроқ  
Яна қайта туғармикан Бухорийларни?!  
Мен ўйлайман,  
Калималар тўкиб ўйлайман.  
Бадбахт Соя тўғри айтди, гар ўлсам бир кун  
Ўйларимнинг гирдобига чўкиб ўлгайман.  
Қуббалардан ярим ойни узиб отганлар,  
Узолмагай лекин уни фалак тоқидан.  
Мақбаралар сукутини қарс-қарс синдириб,  
Авлиёлар чиқиб келгай бир кун хокидан.  
...Мана, минор. Олинганмиш муҳофазага,  
Кошинлари кўчган, ҳарфлар садпорадирлар.  
Таъмирчилар неча йилки асл ҳолига  
Қайтаролмай сарсондирлар, оворадирлар.  
Улар лекин бир нарсани билмаслар асло,  
Бу минора қолсин учун сарбаланд, солим —  
Ҳасдай бешон лавҳалару фармонлар эмас,  
Эътиқоддан бўёқ керак, меҳрдан елим.  
Мен ҳам кезиб юргувчи бир минорадурман,  
Муҳаббатим нақшлари бўлмиш хору зор.  
Ўйлаб кўрсам, емирилиб кетган руҳимда  
Уч-тўрт узуқ-юлуқ сўздан бошқа нима бор?  
Туғилганда бошим узра нутқлар сўйлаб,  
Ҳар хил ёлғон дастурларга йўргакладилар.  
Юртни ғорат айлаб юрган соялар, юртни  
Қандай севмоқни ҳам тағин ўргатадилар.  
Таълимотлар нигун кетди,  
Ғоялар поймол.  
Чорам бору аро йўлда бечорадурман.  
Жаҳолату жаҳаннамнинг оралиғида  
Ўз руҳимни таъмирлолмай оворадурман.  
Қайга борай?

Темир уйлар қуршовида ёт  
Минорадек замонларни бўйлаб тикилдим.  
Мавҳум, мубҳам истиқболдан ўзни тополмай,  
Яна ўзни мозийларга бадарға қилдим.  
Мусофирдай ўтиб бордим «Девон»лар аро,  
Тарихим-ла сўзлашолмай гунг янглиғ кездим.  
Тан олмади мени қутлуғ, кўҳна шажарам,  
Чунки, мен ўз ўтмишимга бегона эдим.  
Чинорларда йиғлар оқу қизил латталар,  
Азизлари ер қаърига кетган, эй Ватан,  
Миноралар узра кезган уйғоқ руҳларга  
Букун етти ётлигимни билдим дафъатан.  
Бегонаман ўз аждодий ҳикматларимга,  
Улар дондай товонимда янчилгандирлар.

Даҳмаларга яқин борсам, туғлар чинқириб,  
Найза янглиғ кўкрагимга санчилгайдирлар.  
Сезмоқдаман фоний жисму жаҳоним аро  
Кечмоқдадир ҳалокатга элтгувчи бўҳрон.

(Сукут)

Лекин, қизиқ, кўнглимнинг кўр ҳужраларида  
Бир тола нур пайдо бўлиб қолмишдир бу он.

(Ошхўрларнинг маст-аласт кийкириғи эшитилади. Улар тобора узоклашиб боради).

Бир тола нур.

Мен бу нурни қайга элтгайман,  
Кимнинг кўнгил бўстонига сочгайман уни?  
Рўшноликка чиқармоққа етгайми бу нур,  
Жаҳолат ва кўланкалар босган мулкимни?  
Лекин аввал бир нарсани ўйламоғим шарт:  
Ўзим нурни асролгумми саломат, омон?  
Фаҳшу риё бижғиб ётган муҳитда, зеро  
Нурнинг ўзи рўшноликка чиқмоғи гумон.

(Кўкка қарайди. Кетаётган булутларни кўради).

Тарк айламиш бу масканни тиниқ азонлар,  
Замонлар ҳам карахликда ўтаётирлар.  
Узун-узун булутлардай сокин, улуғвор  
Рухлар бизни балки ташлаб кетаётирлар.  
Бир маҳаллар жойнамоздай пок бўлган тупроқ  
Сувсизликмас, руҳсизликдан қақрагай, куйгай.  
Фарзандлари боболарин фазлин унутган,  
Усватлари курсиларда кўпкари сургай.  
Зиёлиси беэйдир — таратгай зулмат,  
Салтанатин моҳияти шайтанат эрур,  
Қайга борай? Ҳаммаёқда соялар базми,  
Банд-бандимга игна янглиғ санчилмоқда нур.

*Бегона кетмоққа шайланади. Лекин, шу он қадам товуши эшитилиб, Танга кўзли одам пайдо бўлади.*

#### ТАНГА КЎЗЛИ ОДАМ

Ким бор бунда?

Ҳой, сен кимсан, инсми ва ё жинс,  
Нега бунча минғирлайсан куйиб, тутоқиб?  
Галварсмисан эшагини йўқотиб қўйган,  
Бобонг бунга тилло кўмиб кетганми ёки?  
Ўтаётиб кўриб қолдим, кузатдим бирпас,  
Ўз-ўзингга неларнидир сўзламоқдасан.  
Бу хилватда ниятинг-ла тил бириктириб,  
Бир балони бошлашни ё кўзламоқдасан?

#### БЕГОНА

Аҳволимни сўрамаган бир сен қолувдинг.

(Ўзини гўлликка солади)

Раҳмат сенга! Тўғри топдинг, шумдир ниятим.  
Минорани таг-тубидан қўпориб тунда,  
Йироқларга олиб қочиб кетмоқчи эдим.

#### ТАНГА КЎЗЛИ ОДАМ

Дарҳақиқат, айтганимдай галварс экансан,  
Олиб қочиш мумкин отни ва ёки қизни.  
Лекин... қизиқ... минорани, минорани-я,  
Биринчи бор эшитишим бунақасини?!  
Мадраса-чи? Ҳужралар-чи? Кучинг етмайди!

#### БЕГОНА

Ҳаммасини карвон янглиғ олиб кетаман,  
Сенларнинг кир пойқадамнинг етмас жойларга.

## ТАНГА КЎЗЛИ ОДАМ

Ё сен жинни, ё мен буткул оздим ақлдан.

### БЕГОНА

**[авзойи бузилади]**

Кўзларингнинг тангасини жиринглатма, бас!  
Вақт борида йўқол тезроқ бут ва бешикаст.

## ТАНГА КЎЗЛИ ОДАМ

**[ўзича]**

Эшагини йўқотган бир галварс десам, бу —  
Ақлини, эс-хушини ҳам йўқотган экан.

**(Бегонага)**

Одам дея сўз қотибман сенга мен нодон,  
Сенинг жойинг бунда эмас, телба, қумларда.  
Бу бинони ижарага олгандирмиз биз,  
«Видеобар» очгайдирмиз яқин кунларда.  
Ҳужраларга ўрнатгаймиз рангин чироқлар.  
Киноларни кўрсатгаймиз,  
Беғам, беармон  
Бир хонимлар келгайларки, қирқ йил мук тушиб  
Ҳарамида кўрмагандир Амир Олимхон.

**(Сукут)**

*Танга кўзли одам кетади. Бегона ёлғиз қолади. Энди унинг кўзлари юмук, хаёл саҳросида миноралар, гумбазли ру мдрасилар карвон каби унга эргашиб, оҳиста юриб борадилар.*

## ИККИНЧИ КЎРИНИШ

*Чойхона. Ошхўрлар. Даврага «Фармон» ишлаб чиқариш бирлашмасининг ходими таклиф қилинган. Бегона ҳам шу ерда, лекин у бу даврага мутлақо ёт. Ўзини ортиқча сезиб ўтирибди. Ҳар замонда бир чой хўплаб қўяди. Ошхўрлар қизиб қолган. По-йинтар-сойинтар гаплар, латифагўйлик. Бегона ўз ўйларига гарқ.*

### БЕГОНА

Булар билан бирга ишлаб нима кўрдим мен?  
Тақдир менга мудом хато ёздиғин битди.  
Ўз умримдан саккиз йилни қусиб ташлайми?  
Саккиз йилим кекириклар ичида ўтди.  
Ишхонада бир-бирининг кетини ковлаб,  
Бунда эса мақтайдилар тойгунча қолдан,  
Ёғли, силлик башаралар!  
Ош еявериб,  
Кўзлари ҳам думба ёғга айланиб қолган.  
Булар учун ёлғиз давлат — пайшанба эрур,  
Шиорлари — ўйнинг ҳасип, норинларидир.  
Шунча йилдан буён асраб авайлагани,  
Ардоқлаган жамияти — қоринларидир.  
Булар билан бирга ишлаб нима топдим мен,  
Уч катакли темир-бетон кафасдан бошқа?..

*Шу пайт қўш лаганда ош келтирилади. Ҳар хил хитоблар, овозлар.*

### ЗУЛМОН ОШХЎР

Ҳидларингдан айланай, оҳ!  
Қани, ўртоқлар!  
Ҳамма гапга чек қўйилсин, сўз энди ошга!

**(Шеригига)**

Қуймайсизми, биратўла қуйинг ҳаммага,  
Ошдан кейин бу савилни ичиб бўлмайди.

### СЕМИЗ ОШХҰР

Ҳафтасига икки-уч бор думба ёғига  
Дамланган ош еб турмасам кўнглим тўлмайди.

### ОРИҚ ОШХҰР

Биз ҳам кеча ош егандик гаштак айланиб,  
Бугун ҳам ош, эртага ҳам бир нозик жойга  
Қиз ошига айтилганмиз.

### СЕМИЗ ОШХҰР

Индин пайшанба.

Ютардингиз — ўтказсайдиқ ошхўрлар пойга.

### СИЛЛИҚ ОШХҰР

(жомсўз айтади)

Совумасин шу ўрнимиз, дўстлар, ичайлик,  
Бу дунёда улфатчилик борлиги учун!

*Пиёлалар жаранглайди. Бегона ва яна «Мен рўлдаман» деган ходимдан бошқа ҳамма ичади.*

### ЗУЛМОН ОШХҰР

Ўрнимиз-ку совимайди, ош совир бироқ,  
Қани, қани, ёппасига лаганга хужум!

*Ҳамма ошга қарайди. «Оҳ-оҳ-оҳ!», «Бай-бай-бай!», «Аҳ-ҳ-ҳмм!» деган хитоблар.*

### СИЛЛИҚ ОШХҰР

Мойни қаранг. Сўйган қассоб қандини урсин,  
Жон-ла шундоқ ўпишади томоғдан бориб.

### ОРИҚ ОШХҰР

Бир тининг, бир кунинг қолса — ош егин дея,  
Тўғри айтган экан ўртоқ Охунбобоев.

### СИЛЛИҚ ОШХҰР

Ошни асли Зулмон акам дамласин экан,  
Дона-дона ўрмалайдир ҳар бир гуручи.

### ЗУЛМОН ОШХҰР

Раҳмат. Раҳмат. Миннатдорман. Олинг, ош бўлсин,  
Улфатларни шод айламак фақирнинг бурчи.

*Ҳамма иштаҳа билан ош туширади. Бегона ҳам олиб туради. Орадан бир-бир ярим соатча вақт ўтади.*

### ХОДИМ

Бу ерларда сиз хор бўлиб юрган экансиз,  
Ишга олсак бўлар экан корхонамизга.  
Сиздай ошпаз керак эди бизнинг нозиктаб  
Зотлар келиб кетгувчи хос ошхонамизга.  
Ҳурматингиз тахтадамас, амалда бўлгай,  
Ҳеч нарсадан кўрмагайсиз камчилик асло.

*«Майли денг», «Рози, бўлинг», деган овозлар. Зулмон ошхўр тавозе сақлаб ўтирибди.*

### СИЛЛИҚ ОШХҰР

Москвада фестивалда акам дамлаган  
Ошдан тотиб кўрган ҳатто Фидел Кастро.

### ХОДИМ

Салом бериб ўтгай сизга катта вазирлар,  
Ман-ман деган қозиларга тўшаб кўрпача,  
Улар борар манзилларга бирга боргайсиз  
Лос-Анжелес, Сизтлу Туркиягача,  
Бунинг учун қойиллатиб, ишни дўндириб,



Ошни шоҳу ўзни ғулом санамоқ керак.  
Сув қуйибу сочиқ тутиб ҳар зотга, унинг  
Бошмоғига ёғ томса гар яламоқ керак.

### ЗУЛМОН ОШХҲҮР

(ўша тавозе билан, қўли кўксида)

Раҳмат. Раҳмат. Миннатдорман эътибор учун,  
Шу сўзларнинг ўзи бизга етиб ортади.

*Томдан тараша тушгандий Бегона луқма ташлайди.*

### БЕГОНА

Ростин айтсам, бошқасини билмайман, лекин,  
Яламоқни акам жуда қойиллатади.

*Ошхўрлар бу тасодифдан биқрайиб қоладилар. Зулмон ошхўр тавозе ҳолатида қотганча турибди, Ходим ҳайрон, ҳамма эс-ҳушини йиққач, англашилмовчилик, овозлар.*

### СЕМИЗ ОШХҲҮР

Озроқ ичсанг бўлмайдими кўтаролмасанг.

### СИЛЛИҚ ОШХҲҮР

Қаёқданам кўтаролсин арақни, ахир,  
Бу ўзини юрибди-ку зўрға кўтариб.

### ОРИҚ ОШХҲҮР

Айтмовдимми айтмайлик деб, бу бола — баҳил.

### СИЛЛИҚ ОШХҲҮР

Ўзи буни аввал-бошдан ёқтирмаганман.  
Ҳавобаланд, ҳеч кимсага қўшилмай, ёлғиз,  
Каттани ҳам, кичикни ҳам менсимасдан, жим  
Юришлари, энди билсам, эмаскан бежиз.

### СЕМИЗ ОШХҲҮР

Аслида, жим юрганлардан кўрқинг ҳамиша.

### СИЛЛИҚ ОШХҲҮР

Иштаҳани қоқ белидан синдирди, сўтак!  
Бундайларни улфатчилик, ош тугул, ҳатто,  
Азага ҳам бирга олиб бормаслик керак.

*Зулмон ошхўр ҳам ниҳоят ўзига келади.*

### ЗУЛМОН ОШХҲҮР

Ҳечкиси йўқ, кўп кўрганмиз умр йўлида  
Тузни ичиб, тузлиғига тупурганларни.

### БЕГОНА

Мен ҳам саккиз йилдан бери кўриб келяпман  
Ишқаланиб, совун янглиғ кўпирганларни.

### СЕМИЗ ОШХҲҮР

Ўпкангни бос! Ўв, оғзингга қараб гапиргин!  
Бир бечора бола десам, нонкўр экансан.  
Ёшсан ҳали. Ҳушёр бўлгил, шу қизил тилинг  
Билан қора бошгинангга ўзинг етгайсан.

### ХОДИМ

Майли энди, бас қилайлик муҳокамани,  
Бу укамиз ёшлик қилди ўзи билмасдан.

### ОРИҚ ОШХҲҮР

Бунинг ўзи бўлгани шу. Боя айтдим-ку,  
Юрар доим назарига бизни илмасдан.

## ХОДИМ

Майли, майли. Бас-да энди, сиз ҳам қизишманг.  
Бу гап-сўзлар шунда қолсин бўш шишалардай.

(Соатига қарайди)

Энди секин кўзгалсак ҳам бўлар шекилли.

СИЛЛИҚ ОШХҲҮР

(Ўзига)

Ҳаҳ, номард-а! Расво қилди шундай базмни.

*Ошхўрлар бирин-кетин ташқарига чиқа бошлайдилар. Бегона ҳам кетмоққа тараддулланади. Ходим уни тўхтатади.*

## ХОДИМ

Шошмай туринг. Сизда икки оғиз гапим бор,  
Кейин ўзим машинада элтиб қўяман.  
Бунда ўтган ҳар хил гапга қилманг эътибор.  
Келганимдан буён зимдан сизни кузатдим.  
Ухшаяпсиз хўп бамаъни, сипо йигитга,  
Хафа бўлманг. Мен буларни яхши биламан.  
Тош отмоқ ҳам шарт эмасдир ҳурган ҳар итга.

*Силлиқ ошхўр киради. Бегонага атай қарамасликка ҳаракат қилади.*

СИЛЛИҚ ОШХҲҮР

(Ходимга мурожаат қилиб)

Сўзингизни бўлдим, узр. Кетмоқчи эдик,  
Ташқарида барча сизга илҳақ, интизор.

## ХОДИМ

Ҳозир. Ҳозир. Майли. Бўпти, яхши боринглар.  
Кутиб қолманг. Мен кетарман ўзим. Мошин бор.

*Силлиқ ошхўр Бегонага маъноли қараб хайрлашиб чиқиб кетади.*

## ХОДИМ

Хулласкалом, мен буларни яхши биламан,  
Бари бир гўр — ичиқора, ҳийлакор, айёр.  
Иложини топса агар бир-бирин ғажиб,  
Бир-бирининг гўштини ҳам ейишга тайёр.  
Лек буларнинг битта яхши томони бордир,  
Ҳар замонда булар бизга керак бўлади.  
Ўз сўзидан қайтмайдиган, ўжар касларни  
Йўқотмоққа шулар бизга тирак бўлади.  
Яъни, дейлик, тасодифми, омадим кулиб,  
(Хато бўлгай, ахир, даврон гардишида ҳам)  
Идора ё ташкилотга — фарқи йўқ — ногоҳ  
Бошлиқ бўлиб қолар шундай ўжар бир одам.  
Энди у ўз виждонини ўртага қўйиб,  
Тепани ҳам, қуйини ҳам писанд қилмасдан,  
У ундоқ деб, бу бундоқ деб эл кўзин очиб  
Ғашга тегиб айюҳаннос солар тинмасдан.  
Ҳаммага ҳам ёқавермас бундай фидолар,  
Бошлар қотиб, дўппилар тор келган бир дамда,  
Қанча қору кирдикорлар фош бўлар маҳал...  
Шунда... Шунда ҳалигилар келар ёрдамга.  
«Ҳалигилар», яъни, боя ўзингиз кўрган  
Кимсаларнинг тўрт оғиз гап, тўрт энлик хати  
Билан шундоқ, кўрибсизки, фидойингизнинг  
Бир пул бўлгай бор тоату бор ибодати.  
Ҳалигилар, аслин олсак, бари ҳўл ўтин,  
Ҳўл ўтинга сиз мой сепмай олов ёқдингиз.  
Дангалини айтсам агар, шу қилиғингиз,  
Шу феълингиз билан менга жуда ёқдингиз.  
Энди бир гап.

(Курсига яхшилаб ўрнашиб олади)

Мен «Фармон»да фармонбардорман,  
Яъни, ҳар хил фармонларни бичиб, оҳорлаб,  
Кам-кўстини текшириб, сўнг имзо чектириб,  
Ишлаб чиқаришга тарқатаман тайёрлаб.  
Нуфузимиз баланд эрур. Бирлашмамизнинг  
Шон-шухрати таралгандир етти иқлимга.  
Бу дунёда корхоналар бор, маҳсулоти  
Ярайди на кийим-бошга, на бир тўқимга.  
Бизники сал бошқачароқ, бизнинг маҳсулот  
Ҳар доим эл орасида талош бўлади.  
Дейлик элда тугаса гар сабру қаноат  
Бизнинг моллар ҳам далда, ҳам бардош бўлади.  
Беқиёсдир олинажак даромадимиз,  
Бизга ишга кирай деган шикорчилар кўп.  
Яширмаиман, сохта савлат сумбати учун  
Ойлик олиб юрган беку бекорчилар кўп.  
Кейинги пайт кенг истеъмол фармонларини  
Кенг миқёсда тайёрлашни йўлга қўйганмиз.  
Ҳозир ҳамма «пудрат» дейди, «ижара», дейди,  
Биз хўжалик ҳисобига аввал ўтганмиз.  
Кўрганми ҳеч замон бундай фаровонликни?  
Мақсадимиз: юртни доим севинтиргаймиз.  
Оч қолмагай, юпун қолмас элимиз, хил-хил  
Фармон билан тўйдиргаймиз, кийинтиргаймиз.  
Сўзим адо қилсам энди.

(ўрнидан туради)

Бирлашмамизда

Бир ўрин бор, тоза ўрин, анчадан буён  
Сиздай сипо бир йигитни излаб юргандик.  
Хўп десангиз буёғи ҳам бўлмасди ёмон.

*Бегона сиқилиб кетади, лекин буни билдирмасликка ҳаракат қилади. Ходимдан тезроқ қутулиш илинжида босиқ-вазминлик билан жавоб беради.*

## БЕГОНА

Авалламбор таклиф учун ташаккур. Лекин,  
Менинг қунту тажрибам йўқ фармончиликда.  
Қолаверса, қишлоқдан ер олиб қўйганман,  
Тез орада кетсам керак.

## ХОДИМ

Деҳқончилик-да...

Маъқул. Лекин, беш йил ўқиб, яна ўн йиллар  
Бировларнинг эшигида хор бўлиб, бирдан  
Ҳаммасини ташлаб кетмоқ. Узингиз ўйланг!  
Бирон нарса ундириг-да сиз ҳам тақдирдан,  
Бизга ишга ўтсангиз гар — хоҳиш бўлса, бас.  
Тажрибанинг кераги йўқ.  
Бари жўн ва соз:  
Ўттиз-қирқ йил аввал чиққан, тахланиб ётган  
Фармонлардан нусха олиб юргайсиз, холос.  
Бу томони ўзингизга боғлиқ.

## БЕГОНА

Йўқ, раҳмат.

Менда йўқдир ҳатто ўша сиз айтган хоҳиш.  
Тақдирдан ҳам оларимни олиб бўлганман.  
Бу томони... бўлса басдир битта зўр говмиш.

## ХОДИМ

Замон сенга боқмаса, сен замонга боққин  
Деган гап бор. Бундоқ боқинг замонангизга.  
Бола-чақангиз бўлмаса...

## БЕГОНА

Бола-чақанинг  
Қандай алоқаси бордир корхонангизга?

## ХОДИМ

Рўзғорингиз катта эмас.

## БЕГОНА

Қайдан биласиз?

## ХОДИМ

Шошманг, шошманг. Қулоқ солинг сўзимга жиндак.  
Таъна эмас, мен чин дилдан демоқчиманки,  
Сизга говмиш нима керак? Ер нима керак?  
Ўқимишли, эсли-хушли йигит бўлсангиз,  
Юрасизми тезак ташиб бадбўй қишлоқда.  
Қолаверса, бизнинг номдор ва олиймақом  
Бирлашмамиз қаёқдаю қишлоқ қаёқда?

## (Сукут)

Майли, ҳозир асабингиз бузилгандир, ҳам  
Ишдан чиқиб келгандирсиз, чарчагандирсиз.  
Бундай ишлар чойхонада ҳал қилинмайди.  
Бир келсангиз, сўнг бафуржа гаплашгайдирмиз.  
(Ходим телефон рақамларини ёзиб беради)  
Энди кетдик. Вақт кеч бўлди. Элтиб қўяман.

## БЕГОНА

Узр, яна рад этгайман таклифингизни.  
Озроқ юмушим бор эди чойхоначида.

## ХОДИМ

Бўлмаса, гап шу. Кутаман ташрифингизни.

*Хайрлашиб жўнайди. Бегона ёлғиз қолади.*

## БЕГОНА

## (Ўзича)

Олиймақом бирлашмамиш. Сайра, кўбизим,  
Сайра. Айш қил, маишат қил, даврон сеники.  
Пода янглиғ олдга солиб қувгил ҳаммани,  
Дастурлардан ясалган зўр гаврон сеники.  
Ётиб сайра, туриб сайра, сайраб-сайраб ўл,  
Минбарларда ҳеч ким келиб ёқангдан тутмас.  
...Нега бунча уруғи кўп, нега буларни  
Қарғиш урмас, яғир юртнинг уволи тутмас?  
Сояларнинг харсанглардай исканжасида  
Кўнгил мудҳиш хавотирни ногоҳ англагай.  
Умидларим рўшноликка чиқмагай ҳаргиз,  
Бир тола нур бигиз янглиғ дилда занглагай.

*Бегона қўлидаги телефон рақамлари ёзилган қоғозга қарайди. Бир оз ўйланиб тургач, қоғозни парча-парча қилиб йиртиб ташлайди-да, чиқиб кетади.*

## УЧИНЧИ ҚҰРИНИШ

Тоглар орасидаги нимхароба Жувонз қишлоғи. Баъзи уйлардан чалдеворларгина қолган, холос. Юртни ташлаб кетгиси келмаган уч-тўрт хонадоннинг ўчоғидангина тутун ўрлайди. Бегонанинг ота-бобоси ҳам шу қишлоқда ўтган. Ташландиқ ҳовли. Қийшайиб ётган эрганақ. Улкан харсанг. Нураган тандир ва ўчоқлар. Қора офтоба. Қамарга ёндош қурилган уйнинг деворларини сел ювиб кетган, синчлар кўриниб ётибди. Пачақ оғилхоналарнинг томида юрган эчкилар Бегонани кўриб сергакландилар. Тарвақайлаб кетган баланд-баланд ёнғоқ, тут, ўрик. Азамат чинорлар. Кўнгли хуфтон Бегона қийшайган эрганақ олдиди бир алфозда турибди.

## БЕГОНА

## (Ўзича)

Мана, келдим.

Ўн беш йилни елга совуриб,  
Барбод бўлиб, фарёд бўлиб, зор бўлиб келдим.  
Гўё чил-чил синиб кетди ўн беш ойина,  
Вайрон бўлиб, ҳайрон бўлиб, хор бўлиб келдим.  
Ота уйнинг синчларидай менинг ҳам хароб  
Жисмим аро кўриш мумкин устихонимни.  
Бор-йўғимни ювиб кетмиш тақдир селлари  
Қолдирибон танда фақат қаттиқ жонимни.  
Ў, ота юрт, боболарим сиғинган макон,  
Боғдай кетиб, хазон янглиғ изғиб келдим мен.  
Шунча йиллар кўзларимнинг халталарида  
Фақат ёду соғинчингни йиғиб келдим мен.  
Сўқмоқларим иплар мисол бир-бир узилди,  
Узилдилар бирин-кетин дил ришталари.  
Ташлаб кетган оҳулардай наҳот юз бурмиш  
Бундан меҳру эътиқоднинг фаришталари.  
Сўриларга қайтмас энди мангу гурунглар,  
Мўсафидлар тоғлар каби кетмишлар чўкиб.  
Қайга борай?

Ҳар бир кулба, ҳар битта девор  
Чинқирадир бошим узра надомат тўкиб.  
Ўчоқларга ғамимдан ўт ёқайми энди?  
Фалакларга тош отайми айлаб маломат.  
Қумга сингиб кетган биллур булоқлар мисол  
Ватандан ҳам кетмиш энди файзу фароғат.

(Сукут)

*Бегона қийшайган эрганақни ростлаб ҳовлига киради. Ҳаммаёқ хазон, хас-чўп, бир чеккада тўзғиб кетган бўйро ётибди, ток айрисидидаги ўроқни занг босган, уйнинг эшик-лари йўқ, кесакида қулфнинг зулфинигина осилиб турибди, деразалар синиқ, девор дарзлари бўйлаб калтакесак югуради. Бегона бог томонга қарайди — ариқлар ҳам кўмилиб кетибди, бог теграсини ўраган талоқлар<sup>1</sup> сочилиб ётибди. Бўғзига йиғи келади — йиғлолмайди, шартта ҳовлидан чиқади-да, сўқмоққа тушиб равона бўлади, ортидан тугун кўтарган кампир ҳаллослаб югуради.*

#### КАМПИР

Тўхта бирпас. Ҳай, шошилма, тўхта, ҳай болам!

(Бегона тўхтайтиди. Тугун кўтарган кампир етиб келади. Бегона салом беради).

Дунёга қўл силтаб қайга кетмоқдадирсан?  
Ўз юртингда мусофирдай бошгинанг эгик,  
Нега бунча афтодаҳол, бунча фақирсан?  
Шу чопаман, чақираман, ҳеч эшитмайсан,  
Жўнаб қопсан ўтганимча кесиб ёнани<sup>2</sup>.  
Чой-пой ичиб кетгин, ахир!  
Нега бунча тез?!  
Келганмидинг ёки бунга олов олгани?  
Отангни ҳам, бобонгни ҳам билардим, улар  
Худо раҳмат қилгур яхши одамлар эди.  
Дейдиларки, тегирмон ҳам навбати билан,  
У тегирмон, у навбатлар қайтмагай энди.  
Сени кўриб мен уларни кўргандай бўлдим.  
Кўзинг, бурнинг қуйиб-қуйган отангинг ўзи,  
Қоматинг ҳам отангники ва лекин юзинг —  
Юзинг худди Мамасайид бобонгинг юзи.  
Майли, булар эски гаплар.  
Уйга юр, бирпас  
Нафасингни ростлаб олгил, мусофир юртлар  
Ғуборини ювиб ташла кўнглингдан, кейин  
Бир-икки кун қолсанг агар фарқ пишгай тутлар.

*Сўри. Мўсафид, Кампир, Бригадир ва Бегона чой ичиб ўтиришибди. Дастурхонда нон, қанд-қурслар, чинни косада асил.*

<sup>1</sup> Тошдевор дегани.

<sup>2</sup> Бўртиб чиққан улкан қоя дегани.

## БРИГАДИР

Сувомбормас, аслида, бу бир бало бўлди,  
Бесаранжом қилди элни, хору саргардон.

## МУЙСАФИД

Рўзгордан ҳам, меҳнатдан ҳам барака кетган,  
Одамларнинг кўнгли вайрон, юрт бехонумон.

## БЕГОНА

Қишлоқ тамом сув остида қолгайми энди?

## БРИГАДИР

Ким билади? Биров келиб кўчинлар дейди.  
Яна биров елка қисиб ўтади, холос.

## КАМПИР

Ростин айтсам, шу ғурбатлар жонимга тегди.  
Бу нима гап, қайга борсанг миш-миш, машварат,  
Ҳаммаёқда ғимир-ғимир, жанжал кўпайган,  
Қариндошлар ёқаталош,  
Кўрмайсан бирон  
Кулиб турган иссиқ юзни, ҳамма ҳўмрайган.  
Тунов куни Эшонқулни кўрувдим, хафа.  
Чорбоғидай у ҳам гўё қуриётгандай,  
Бир оғиз гап сўрайман деб балога қолдим,  
Сувомборни гўёки мен кураётгандай,  
Ич-ичига тўлиб кетган, мадда боғлаган  
Бор заҳару заққумини менга сочди, сўнг,  
У-ў, кимсасиз бошим, дея тошга ўлтириб,  
Кўнглим эзиб анчагача йиғлади ҳўнг-ҳўнг.  
Бунақада кун кечириб бўладими, а?

## (Бегонага)

Болам, бундоқ олиб тургин, нонга қарагин.  
Сафарлардан гапир, қани,  
Кўп вақтлар бўлди,  
Кўринмайсан, эшитилмас ҳатто дарагинг?

## БРИГАДИР

Тунов куни чиққан экан «Адабиёт»да,  
Ўқиб жуда қойил қолдик.

## КАМПИР

Э, бу замонда  
Адаб қолибдими дейсиз, ёд қолибдими?

## (Бегонага)

Келиб туриш керак шундоқ ҳар-ҳар замонда.  
Минг қилса ҳам ўз Ватанинг, ўз элу ҳешинг,  
Сени кўриб хира кўнглим ёришди чандон.

## МУЙСАФИД

Отанг чиллак ўйнар эди анов чимзорда,  
Кечагидай кўз олдимда турибди ҳамон.  
Оқар сувмас, умр асли тийра шом экан,  
Бир лаҳзада чангтўдадай ўтдию кетди.  
Шунча ҳою ҳавасларни охир бир тутам  
Хашак қилиб қўлларимга тутдию кетди.

## КАМПИР

Бирор кампир энди сизни чол эмас, йиртиқ  
Калишига патак қилиб олса ҳам жон денг.

## (Кулади)

## БРИГАДИР

Ўҳ-ўҳ-ўҳ-ўҳ! Боплади-ку кампир баччағар!

(Мўйсафидга)

Қани тўзган шу патакни сен аввал ол денг.

(Кулади)

КАМПИР

Болам, олгин, чойдан ичгин, ҳориб келгансан.  
Бобо йўллар шундай узок, чарчатади, ҳа.

БРИГАДИР

Бу тоғларга тил битсайди, бир кун дод солиб  
Қўзғолурди қанча тошу қанча пайраҳа.<sup>1</sup>

БЕГОНА

Мирзоҳасан юрибдими? Бола-чақаси  
Тинч-омонми? Кўринмайди?

КАМПИР

Э, юрибди-да,  
Чақасию кўч-кўрони, мол-ҳоли билан  
Даштга чиқиб кетган, ҳозир ўт ўримида.  
Чолдан кейин у ҳам жуда ғалати бўлган,  
Уялгандай юрар доим, ғам қоматида.

БРИГАДИР

Уялсин-да, икки ўғил — икки барзанги,  
Сўнгги дамда чолга, ахир, қарамади-да!

МЎЙСАФИД

Бу дунёи дунда ҳар ким азал-азалдан  
Ўз бошига ёққан қорни ўзи курайди.  
Ҳасанга ҳам қийин,  
Ҳар кун етти жон етти  
Томонидан чирқирайди, ош-нон сўрайди.

КАМПИР

Бир гап айтсам: оқибат йўқ, йўқдир юз-хотир,  
Одамлардан инсоф кетган, қолмаган савоб.  
Андишанинг уйи куйган.  
Қиёмат куни,  
Билмам, булар қандай қилиб бергайлар жавоб.  
Биров ёрса эчкисининг бошин бировнинг,  
Бошқа бири унинг кўзин ўймоққа тайёр.  
Яна бири гўр қазиса, бошқаси уни  
Тириклайин гўрга элтиб қўймоққа тайёр.  
Ўзи асли феъли ёмон жувозликларнинг,  
Сувомбор бир баҳона.  
Бу қиёмат-қойим,  
Бунча хору сарсонликлар бежизмас, аввал  
Элга боқиб сўнгра ерга боққай худойим.


МЎЙСАФИД

Шу-да. Мана, Ватанида энди беватан.  
Худо ҳатто итни бундай кўйга солмайди.  
Бўғжомаси елкасида,  
Қозон осишга  
Жой тополса, тандирига топа олмайди.

БРИГАДИР

Ўттиз йилдан бери шунда биргад бўлсам мен,  
Эслолмайман бирор кунни ғавғосиз ўтган.  
Булар бунча талашади?!  
Битта уруғ-ку?!

<sup>1</sup> Сўқмоқ маъносида.



## КАМПИР

У уруғни аллақачон қора ер ютган,  
Хонавайрон бўлди булар ёмонлигидан.

## МҮЙСАФИД

Яхши бўлса қабристони бузилармиди?  
Боболарин суяклари икки дунёнинг  
Орасида гўрсиз қолиб чўзилармиди?

## БЕГОНА

Қабристонни бузишдими?

## БРИГАДИР

Сувомбор бўлса,  
Яхшимаскан сув остида қолса қабристон.  
Суякларни кўчиришди ярмин, ярмиси,  
Ҳали кампир айтганидай, хору саргардон.  
Қаердан ҳам топиб кепти тўрт ландовурни,  
Касофатлар қарсиллатиб булдузур солиб,  
Уч ойчами ишлади, сўнг икки-уч кунда  
Келаман деб шу кетганча, кетди йўқолиб.

## БЕГОНА

Индамадингларми, ахир?

## БРИГАДИР

Ижроқўм, шўро  
Борсак, нуқул «хўп-хўп» дейди, ваъда беради.  
Ҳалигача дараги йўқ, бошимиз қотган.

## МҮЙСАФИД

Ваъданими? Улар халта-халта беради.

## (уҳ тортади)

Худойим-ай, бу кўргулик, бу шармандалик  
Келиб-келиб бизнинг бошимизга тушдими?!

## КАМПИР

Авлодлари ёмон бўлса, тириги тугул  
Гўрида ҳам тинч кўймайди етти пуштини.

## БРИГАДИР

Кўчирсак ҳам бўлар эди ўзимиз, лекин,  
Тоғли жойда бундай ишни қийин бажармак.  
Беш юз йиллик мазорат-а, ўзингиз ўйланг,  
Қанча дову дастгоҳ керак, парпарак<sup>1</sup> керак.

## МҮЙСАФИД

Отаси ё бобосининг қабрин билганлар  
Ўзи келиб яқинларин ўзи дафн этди.  
Лекин кўплар... Тавба! Тавба!.. Ўз отасию  
Онасининг мазорини тополмай кетди.  
Биттаси шу ўзимизнинг Сафарали-да.  
Бузрукворин мазорини топмайин сарсон,  
Дара бўйлаб тоғу тошни бошга кўтариб  
«Отам-ай!» деб фарёд солиб жўнади чунон.  
«Ҳай-ҳай»лашиб, кўпайлашиб зўрға тинчитдик.  
Лекин энди нима фойда бундай йиғидан?

## БЕГОНА

Мен ҳам...

<sup>1</sup> Вертолёт демоқчи.



(Сукут)

Мен ҳам билмасканман бобом қабрини.

МУЙСАФИД

Сенга майли, сен бобонгни тириклигида  
Кўрмагансан, сен йўқ эдинг, бобонг ўлганда  
Отанг жангдан эндигина қайтиб келганди.

КАМПИР

Ҳозиргилар қабристонга бориб худодан  
Ўлганларнинг гуноҳини сўрашни билмас.  
Бир калима қайтаролмас...

МУЙСАФИД

Ҳозир буларга  
Арак бўлса, наша бўлса, ишрат бўлса, бас.  
Жувоз қандай Ватан эди!..

КАМПИР

Қандай мулк эди!  
Одамлари оқил эди, хоксор, покдомон.  
Эсиз, бари яксон бўлди, хоктўда бўлди.

МУЙСАФИД

Ундай Ватан энди насиб қилмас ҳеч қачон!..

(Сукут)

*Бир тола нур — Бегонанинг кўзида томчи ёш ялтирайдди.*

(Сукут)

*Нохос қўйган ҳофизнинг утлуғ овози янграйди:*


«Бу дунё азалдан ёлғончи дерлар,  
Не берса қайтариб олмоқчи дерлар,  
Ёмонни яхшига айғоқчи дерлар,  
Ажални борлиққа пойлоқчи дерлар,  
Қаён кетмоқдасиз, қаён?  
Савоб дарёсида сузмаган жонлар,  
Тавоф дунёсида кезмаган жонлар,  
Ҳалолни ҳаромдан излаган жонлар,  
Ҳаққидан айрилиб бўзлаган жонлар,  
Қаён кетмоқдасиз, қаён?  
Очликни акадан, укадан кўриб,  
Дўстга от солдингиз ғанимлар бўлиб,  
Қўлга не илинса чанг солиб, юлиб,  
Яна ўз танангиз нимталаб бўлиб,  
Қаён кетмоқдасиз, қаён?  
Минг йиллаб қурганни бир йилда бузиб,  
Аждодлар дарахтин томирин узиб,  
Неки муқаддасдир тепкилаб, эзиб,  
Ҳар ким ҳар томонга йўл солиб, тўзиб,  
Қаён кетмоқдасиз, қаён?  
Кўзингиз очганни сиз айлаб таъқиб,  
Сизга йўл кўрсатса лаънатлар ўқиб,  
Оёқ-қўлин хочга сиз михлаб қоқиб,  
Юрган йўлингиздан разолат оқиб,  
Қаён кетмоқдасиз, қаён?  
Чўкди имон тоғи, оқибат тоғи,  
Йиғлаб япроқ тўкар андиша боғи,  
Юракда нураган жомелар доғи,  
Олдинда жаҳаннам ўти қийноғи,  
Қаён кетмоқдасиз, қаён?»<sup>1</sup>

(Сукут)

<sup>1</sup> Шерали Жўраев шеъри

## МУАЛЛИФ СЎНГСЎЗИ

Барча ғам-ғурбатдан безган бир пайтда,  
Мен бошладим нечун ғамгин бу таронани?  
Дилсўз ёру ошнолардан қочиб, бу сафар  
Ошно тутдим қайлардаги бир бегонани.  
Менинг ҳам кўзимда томчи ёш қолар:  
Дўстлар, Бегонанинг Ватани қани?..



Акс едо

Севимли ойномамнинг 1990 йилги олтинчи сонини қўлга олганимда дарров ёзувчи Тоҳир Маликнинг «Сўнгни ўқ» қиссасига кўзим тушди. Бир-бирларининг ўлимларини битта баргнинг узилишига қараб кутиб ўтирган ака-укалар — Оламгир ва Жаҳонгир ҳақидаги бетларини ўқимаёқ энсам қотди. То еттинчи сон қўлимга келиб етгунча, қиссани ўқимай қўйдим. Уша сонда берилган бадиий асарлару мақолаларнинг ҳаммаси билан танишиб чиқсам-да, қисса мутолаасига таваккалига киришдим, киришдим-у, бир ўтиришда қиссани ўқиб тугатдим. «Сўнгни ўқ»ни ўқимай туриб хаёлимга келган нотўғри фикрларимдан (бунинг учун ёзувчидан узр сўрайман) ўзим ҳам воз кечдим.

Т. Малик ўзига хос йўлдан боришга интилаётган ижодкорлардан бири эканлиги мени хурсанд қилди. Қиссада ўтмишимизнинг бизлар учун қоронғи, мураккаб бўлган, ҳалиям кўпчилигимизнинг онгимизда салбийлик қобиғига ўралган воқеалар, одамлар тақдири ҳақида ҳикоя қилинади. Асар бир томондан детектив саргузашт қиссага ўхшаб кетади.


«Сўнгни ўқ»да ҳақиқий мусулмон ўзбек қиёфасини кўрдим. Бу ўзбек ўзининг яхши фазилатлари билан ўйлайманки, кўпчилик эътиборига тушади. Бошига тушган энг оғир, қийин дамларда ҳам, манаман деган «буюк»ларни синдирган талотўпларда ҳам ўз эътиқодидан кечмаган, имони бут бардошли Жаҳонгир сиймосини ёзувчи маҳорат билан тасвирлаган.

Қиссадаги олим Комлев образи ҳам неча ўн йиллардан бери бадиий асарларимизга мажбуран киритилаётган, партия томонидан «йўлланган» кишилар сийратига сира ўхшамайди. Комлев инқилобдан олдин ва кейин Ўзбекистонга келган, шу юртнинг урф-одатини ҳурмат қилган, тилини ўрганган, юртимизга меҳр қўйган рус зиёлиларини эслатади, шунинг учун ҳам у бизга қадрдондек туюлади. Бу образ ҳозирги кунда ҳам ўзбек тилини тан олмаётган руслашган ўзбекларга ўрناق бўлади ва кишилар ўртасида дўстлик, биродарлик туйғуларини мустаҳкамлашга хизмат қилади. Асар бошқа тилларга таржима этилса, фақат ютади деб ўйлайман.

«Сўнгни ўқ» поэтикасидаги нуқсонларига қарамай, бардошли, халқимизнинг тарих йўллари-дан нақадар азоб-уқубат билан қанчадан-қанча қурбонлар бериб, қонлар тўкиб ўтиб келганлигини кўрсатувчи ҳаққоний асардир.

Тоҳир Малик ижодига баркамоллик тилаб:

Шоира АҲМЕДОВА, тадқиқотчи



Музаффар Мирзо



Қисса

Фазлуллоҳ Абулайсий Самарқанд акобиридур. Фақих Абулайс авлодидан... Фақир икки йил аларнинг қошида сабоқ ўқидум. Онча илтифотлари бор эрдиким, фарзанд дер эрдилар...

Алишер НАВОИЙ

— Аъвузу биллахи минашшайтонир рожийм, бисмиллаҳир роҳманир роҳийм... Шаҳри мунавварага омон-эсон етказганингга шукр... Илоҳо ҳазрат Амур Темур Кўрагонийнинг, инчунин, шул табаррук заминда ётган азиз-анбиёларнинг руҳлари шод бўлсин, тангри тирикларни саломат қилсин... Омин!..

Тақя устидан оқ салла ўраган, сабза мўйлаби чўзиқ чеҳрасига жуда ярашган, эгнига заррин тўн кийган йигит ҳам сарбон билан баробар фотиҳа учун очилган қўлларини юзига тортди. Кафтларига инган ёмғир томчилари жисмига тетиклик бахш этди. Чўккалаб ўтирган кўйи, туришга шошилмай олдга, уфқда кўриниб турган шаҳарга юзланди. Кўкдаги қора булут, майдалаб ёғаётган ёмғир дорулсалтанатга ғарибона тус берарди.

Кўҳак тепалиги бағирлаб ўтган йўлнинг чап тарафидан Шоҳизинда қабристонининг этагидан мақбараларнинг гумбазлари, Абдулазиз Мирзо шарафига қурилган аркона дарвозахона ва масжид пештоқидаги мовий, тилла нақшлар кўзга ташланади.

Симобранг туманлик ичида нилий гумбазлар, мақбара ва миноралар орасида салобати билан ажралиб турган Амир Темур зиёратгоҳи кишида ҳайрат уйғотарди.

Йигит ҳазрат Жомийнинг «Илоҳо Амир Темур ҳазратларининг сағаналарини зиёрат қилсангиз, мушкулларингиз осон бўлғай», деган сўзларини эслади. Кўнглига алланечук илиқлик югурди.

— Мавлоно Алишер, карвон илҳақ бўлмасун!

У карвон мулозимининг босиқ овозидан сергак тортиб, ортиқча хаёлга берилганидан хижолат чекди:

— Узр.

— Ҳечқиси йўқ, тангри назари тушган бу шаҳар ҳар бир мўъмин-мусулмоннинг дилида иштифоқ уйғотадур. Ҳусну таровати кишини мафтун қиладур...

Алишер йўрғасининг жиловидан тортиб, эгарга минди.

«Соҳибқирон ҳазратнинг дидлари нозик эркан, Сангзор дарвозаси учун жуда

кўркам жойни танлабдурлар... Наҳот шул муаззам шаҳар ҳам Абу Саид Мирзонинг таҳдидли ҳукми остида эрур?!»

Алишер чуқур тин олди, бир зум кўзларини юмди. Оҳиста қадам ташлаётган от уни беланчакдек тебратарди. Киприкларига уйқу инди.

Алишернинг тасавурида, худди тушдек, бундан бир неча кун илгариги воқеалар жонланди...

## Ихромж

Билмон, не жарима била Султон Абусаид Мирзо  
[Алишербекни] Ҳирийдин ихромж қилди.

«Бобурнома»дан

Устози Саййид Ҳасан Ардашер ҳузуридан қайтган Мавлоно Алишерни Ҳирот кузакнинг изғиринли, майда ёмғири билан қарши олди. У Инжил дарвозасидан тўғри Шоҳрухия майдонига элтувчи йўл бошида отдан тушди.

Учраган ёру биродарлари билан дам қучоқлашиб, дам қўлини кўксига қўйиб саломлашаркан, Боғи баланд даҳасига етганда, ҳаммаҳалларининг мулоқотдан қочаётганларини англади. Сабабини билмай, кўнгли зил кетди.

Ота ҳовлисига етгач, қўлидаги қамчининг учи билан эшик ҳалқасига бир-икки урди. Бир неча фурсат жавоб бўлмади. Сабри чидамай яна тақиллатган эди, ичкаридан «ҳозир» деган жавоб эшитилди. Сўнг нақшин эшикнинг кичик табақаси очилиб, қорачадан келган бир ўсмир чиқди:

— Сизга ким керак?

Алишер боланинг сўровидан ажабланди.

— Ўзингиз кимсиз?

— Шул хонадоннинг хизматкоримен.

— У ҳолда нечун ўз бегингизни танимассиз?

— Кечиринг, амирзода, бироқ...

— Ажаб, ё мен адашдимму? Бу ҳовли Фиёсиддин бекнинг боғими?

— Шундай. Локин, бу ҳовлида эмди Анварбек соҳиб истиқомат қилурлар...

Алишернинг таажжуби ортди.

— Ким?!

— Абу Саид Мирзо ҳазратларининг амирлари...

Алишернинг кўз олдида шопмўйлаб, башараси чўтир, кўзлари қаҳрли бекнинг қиёфаси намоён бўлди.

— ...Соҳиб уйда йўқлар, шу боис, сизни боғга киритсам хожам койийдилар. Бегонани киритманг, деб тайинлаганлар...

«Бегонани киритманг?!» — Алишернинг кўз олди қоронғулашди. Ичида бир нарса узилгандек бўлди.

— Вазифангиз мушкул эркан... Хожангиз келганда айтинг, Алишербек келиб...

— Алишер Навоий...

— Ҳа.

— Алишер оға... — Ўсмир ҳовлиқиб қолди. — Мени афв этгайсиз. Исму шарифингизни кўп эшитганман, локин ўзингизни... Ҳозир дағвозани очаман.

— Ҳожати йўқ...

— Ахир, ўз ҳовлингизга...

Алишер жавоб бермай, отининг бошини орқага бурди. Уни етаклаб, масжид майдонига чиқди.

«Бегонани киритманг... Ахир, ўз ҳовлингизга...»

Бу гап Алишернинг дилига тигдек ботган эди.

«Аввал салтанатдин бадарға қилдилар... Эмди не, ўз уй-жойимдин қувмишлар... Анварбек... Не ёмонлик қилиб эрдим?! Ҳусайн Мирзога суиқасд уюштироқни режаллаганигни ошкор қилганимму? Ё Бойқарога ҳаммаслақлигимму?! Жабр ва ситамдан сабр косаси тўлган авомни исёнга ундаган Шоҳ Бадахшонга хайрихоҳлигимму?! Бундай саяъи ҳаракат, дадиллик... Фақирнинг кўзини кўр, онгини мажруҳ деб ўйлайдурларми?!»

У шу хаёллар билан Ихтиёриддин арки қошига бориб қолди. Кўнглига Абу Саид Мирзо билан рўбарў бўлиш фикри келди-да, сарой дарвозасидан дадил ичкари кирди. Бирок, сарой эшигидаги соқчилар қўлларидаги найзаларининг учини энгаштириб, унинг йўлини тўсдилар. Эшик оғасини кутишдан ўзга чора йўқ эди.

— Дабир қаердалар?

Барвастандан келган, мўйлабли соқчи ғулдураб жавоб қилди.

— Онҳазратнинг ҳузуридалар...

Алишер бўшашиб, боғга қараган ойнавандли равон ёнига келди. Нигоҳни оҳанрабодек тортувчи гўзаллик, нима учундир, кўнглида ғашлик уйғотди. «Орт пароканда,

беклар ҳаддидан ошган... Бу ерда эса осойишталик, гуллар очилган, қушлар сайрай-дур... Кўрғон ташқарисидаги бечоралар ғурбатда фарёд чекадурлар...»

— Мавлоно Алишер, келинг.

Дабирнинг ёқимли овози эшитилди ордан. Алишер ўгирилди.

— Офтобваш онҳазратнинг чеҳраларини кўрмоққа муҳтожмен...

Алишернинг муомиласида самимиятдан кўра кесатиқ кучли эканини пайқаган эшик оғаси бир зум жавобсиз тургач:

— Султонимизнинг қабулларига кирмаганингиз маъқул кўринадур, — деди хижолатпазлик билан.

— Боиси?!

— Жонингизга жабр қилурсиз...

— Жабборлиғдин жабр кўрғон бандамен!

— Ўзингиз билурсиз...

Алишер яна боғ тарафга ўгирилди.

«Нега огоҳлантирадур... Абу Саид Мирзонинг кўнгли мендин шул қадар совуганму? Жабр деғонда не кароматларимга ишора қиладур?... Ҳар не бўлғонда ҳам дилимдагини анга ошкор айтмасам, кўнглим тинчимас...»

...Абу Саид Мирзо Алишерни тунд кайфиятда қарши олди.

— Хизматингиздамен...

Кутилмаган бу киноядан Алишер айтадиган гапини йўқотиб қўяёзди.

— Паноҳсиз қолган бир шоирни беватан қилмасиз, деғон умидда қошингизга келган эдим.

— Не учун паноҳсиз бўлурсиз?

— Бугун ўз ҳовлимга киргизмадилар, — Алишернинг овози титради. — Бегона эрканмен...

— Анварбек... — Абу Саиднинг ғазаби сохта эканлиги унинг кўзларидан сезилиб турарди. — Барибир айтганини қилибди-да. Катта боққа шоирнинг ёлғиз ўзини қўйибсиз, деб айтиб эрди...

— Нечун... Шоир...

— Ҳа, локин, каминанинг назарида шоирдан шоирнинг фарқи бор кўринадур.

— Қандай?!

— Фарқи шулким, сиз каби, ижодни сиёсат бирлан адаштирамай...

— Онҳазрат... Ҳақиқий шоир халқи хурсанд бўлса, астойдил қувонғай, азият чекса, иштиробда ёнғай... Тангри таоло шоир ул-каломни авомнинг тили ва дили қилиб яратибдур...

Абу Саид Мирзо тахт томон ўгирилди.

— Шоир ул-каломнинг вазифаси Оллоҳни ва унинг ердаги соясини мадҳ қилмоқлиғдур...

Абу Саиднинг нимага ишора қилаётганини англаган Алишер оғринди. Дилидагини очиқ айтишдан ўзини тия олмади:

— Халқининг бошига кулфатлар солган подшоҳни қандай қилиб мақтамоқ мумкиндур!

— Сиз Шоҳ Бадахшоннинг сўзларини такрорлайдурсиз...

— Ҳақиқат ҳар тилда бир хил айтилуру!

Абу Саид Мирзо бир неча дақиқа Алишерга сўзсиз орқа ўгириб турди. Сўнгра тахтига ўтириб, қарсак чалди.

— Яхши... Бораберинг, фақир вазириаъзамга айтурмен. Маслаҳатлашиб кўрармиз.

Унинг бу сўзлари Алишерга «Отамерос боғдан умидингни уз» қабилида эшитилди. Эшик оғир очилиб, дабир кириб келди.

— Амрингизга мунтазирман.

— Мавлоно Алишерни тавозе билан кузатиб қўйинг. Сўнгра айтинг, вазири аъзам ҳузуримга кирсинлар.

Алишер сарой таомилига кўра ҳукмдорга таъзим қилиши лозим бўлса-да, ўзгача йўриқ тутди. Эшик оғасининг таклифини кутмай ташқарига чиқди.

Арк дарвозаси ёнида, отига минаётган вақтида дабир ҳовлиқиб етиб келди:

— Муаззам ошёндин ҳеч бир банда ноумид кетмаслиги лозимдур. Тухфани қабул қилғайсиз.

— Қандай тухфа?

Дабир тилларанг ипак билан тикилган ҳамённи Алишерга узатди:

— Бари олтин танга.

— Демак, шоҳимиз мусодара қилинғон боғнинг камоматини тўлаш бирлан дилларини поклаб олмоқ ниятинда эрканлар-да... Инсоний қадр-қиммат ҳам тилла бирлан ўлчанурму?

— Ундай деманг, мавлоно Алишер. Онҳазрат ранжимасинлар.

Алишер хаёлига келган фикрдан мийиғида кулумсираб, ҳамённи белбоғи орасига қистирди:

- Шоҳларни ранжитмоқ гуноҳи азимдур.
- Шундай...

Вазири аъзам султоннинг сўзларини диққат билан тинглагач, бир муддат ўйга толди.

— Мавлоно Алишернинг иқтидорига тан бермоқ лозимдур, онҳазрат. Илло тангри назари тушган бул йигитга жабр қилмоқликдин сақланмоқ жоиз. Пиримиз ани ўғлим деганлар...

— Қариганда онги айниган чолнинг раъйига қарашим керакму?

— Тавба денг, онҳазрат, тавба денг... Илло ул кишининг маърифатлиғ меҳрлари ила саодатманд бўлдингиз.

— Алишер ҳаддидин ошур... Иқтидорига тан бериб, пиримизнинг руқъаларига эътиборан, салтанатдан нуфузли мансаб бердик... Натижаси ўзингизга маълумдир. Онинг Ҳусайн Мирзога садоқати чексиздур.

— Иккиси болалиқдин бирга катта бўлгонлар.

— У ҳолда, куни кеча хуфиялар келтиргон мактуб хусусинда не дейсиз?

— Тўғри, Алишернинг гумроҳлиги...

— Шоҳ Бадахшоннинг фаолиятини қўллаб-қувватлаши, анинг тоғаси Мир Саиднинг исёнга мутасаддилиги ҳам Алишернинг гумроҳлигиму?

— Аларнинг қатли хусусиндаги режангиздан қайтғонингиз йўқму?

— Аларнинг қатли ўзгаларга ўрناق бўлғусидур.

— Зиндонбанд айлаш бирлан чекланганингиз маъқул деб ўйлармен...

— Асло.

— Онҳазрат, қалтис вазиятда жаҳлдан тушмоқ...

— Қўрқоқсиз... Йўриғи бирлан айтингки, Мавлоно Алишер бир ҳафта мобайнида дорулсалтанатни тарк этсун...

— Алишербекда не гуноҳ?..

— Гуноҳи шулки, амакиси исёнкор, бир тоғаси Ҳусайн Мирзо қўшинида лашкар-боши!..

Вазири аъзам эътироз билдиришга улгуролмади.

— Тамом! — дея Абу Саид Мирзо суҳбатга яқун ясади.

\* \* \*

...Абу Саид Мирзо ҳузуридан кўнгли чўкиб чиққан Алишер устозининг суҳбатини ихтиёр этиб, ўз ўйлари билан банд, эгарда чайқалиб бораркан, йўл четида тиланчилик қилиб ўтирган, уст-боши ямоқ, ўсиқ сочлари ёмғирдан патила-патила бўлиб қолган гадонинг илтижоли овозини эшитиб тўхтади.

«Шоҳи хунхўр юрт вайрона бўлур, бахил шоҳ авомни гадо қилур».

Алишер эгардан тушиб, белбоғига қўл узатди-да, дабир берган ҳамённи гадонинг қафтига ташлади. Гадо ҳайрат тўла нигоҳини отга минаётган Алишербекдан узолмай:

— Эй мурувватли, кимнинг шаънига дуои калима қилай? — деди ҳаяжонланиб.

Алишер эгарда ўтирган кўйи, гадо томон ярим ўгирилди:

— Уй-жойсиз, ватансиз бир мусофирга иймон ва омонлик тиланг...

Кафтидаги бир олам бойликка ҳамон ишонмай турган гадо баттар жунбушга келди. Фишт ётқизилган майдондан узоқлашиб бораётган хушбичим отлиқдан нигоҳини узолмай қолди.

«Илоҳо, бошингга гадонинг куни тушмағай, Алишер!»

Ғойибдан келган бу овоздан ғалати бўлиб кетди. Кўз олди қоронғулашди.

— Гуноҳим не?! Ҳусайн Бойқарога меҳрим буюклиғиму? Бу дўстликка асло хиёнат қилолмаслиғимму?!

Алишер ортига қаради. Бироз тезлашган ёмғир остида, тиллаларни сиқимлаганча турган гадодан бўлак ҳеч ким йўқ эди.

Баҳоуддин Нақшбандий ҳазратнинг шогирди Саййид Саъиддин Кошғарий сағанаси яқинидан ҳовли-жой олиб, тарки дунё қилиб яшаётган Абдурахмон Жомий Алишернинг ташрифидан боши осмонга етди:

— Кўзим тўрт бўлиб сизни кутиб эрдим, ўғлим...

— Тангри ҳузурингизга келмоғликни дилимга солди, ҳазрат.

— Шукрим, сизни соғ-омон кўрдим.

— Хавотирга не боис, устоз?

— Сизнинг хусусингизда салтанатдан турли гаплар келтирурлар. Ишонмасликни ҳам, ишонини ҳам билмай гаранг эрдим.

— Келтирган хабарларида жон бор...

— Сўзларингиз надоматлиғ? Кўнглингиз безовта?

— Паноҳсизмен, — деди Алишер ўксиниб. — Ҳовлингиздин мўъжаз хона ажратсангиз, сиз каби дунёдан юз ўгирсам...

— Алишер, ўғлим, сўзларингизни англамасмен... Наҳот ота ҳовлингизни сотгангиз бўлсангиз?!

— Асло, устоз. Машҳадга кетғонимдин фойдаланиб, ани мусодара қилибдурлар. Уйнинг янги мулозими ўз ҳовлимга киритмади...

— Мусодара... — Жомий астойдил куйинди. — Не боис менга нотўғри хабар келтирибдурлар?!

— Бундай режани сиз ила маслаҳатлашурларму, устоз? — деди киноя билан Алишер.

— Абу Саид Мирзо ўз эркини номақбул беклар ихтиёрига топшириб, хато қиладур... — Абдурахмон Жомий бир нуқтага тикилганча хаёлга чўмди. — Дўстимиз Хожа Аҳрор фақирга нома йўллаб, султонимизни тариқат йўлига ундашимни илтимос қилибдурлар. Ул киши «кисён қилган авомнинг шахид кетганлари камлиғ қилурми, асирларга ўлим таҳдидини соладур», дея ранжиганликларини изҳор этибдурлар... Уғлим Алишер, тоғангиз Мир Саид ҳам асирда эрканлиғидин огоҳмусиз?

— Устоз... — Бу хабардан Алишер ўзини йўқотаёзди. — Не учун султонимиз бул ҳақда менга ҳеч бир гап айтмадилар?..

— Ул кишига рўбарў бўлдингизму?

— Қошинғизга ҳукмдорнинг ҳузурларидан келяпман... — Алишер бир фурсат ўйга толди. — Қизиқ, меҳрвашлиғни қарангим, паноҳсиз қолмаслиғимни буюрмишлар... Ортимдан эрса, бир халта танга туҳфа этмишлар... Туҳфани олишга ориятим йўл қўймади. Ани гадога раво кўрдим.

— Нималар деяпсиз, Алишер?.. Бунчалар қароюзлиғ бўлурму?

— Устоз, наҳот тоғам...

— Алишер, ўғлим, хавотирга берилмангиз. Иншооллоҳ, чорасини топамиз...

— Сизнинг раъйингизга юрармикинлар?

— Менинг, раъйимга юрмасалар, Хожа Аҳрорнинг саъй-илтимосларини бажармоққа мажбурлар...

— Абу Саидга ишонмасмен... Тоғамизни ўзга йўл ила қутқармоқлиғ даркор деб ўйлайдурмен...

— Алишер, кўп чарчаган кўринадурсиз. Кўзларингиз киртайиб қолибдур. Ҳордиқ олинг, тонгда бафуржа суҳбатлашурмиз...

...Нонуштадан сўнг, устозини Ихтиёрдин қалъасига кузатгач, Алишер хонақода ёлғиз ўтира олмади. Дўсти, ҳамдарди Султон Алининг ҳовлисига отланди.

Султон Али уни хушнуд қарши олди:

— Э-э, Алишербек! Бормусиз?

Иккиси бир-бирларини узоқ вақт кучоқларидан чиқармадилар.

— Она шахримдан қандай хабарлар келтирдингиз? Устоз Ардашер омонмулар?

— Ёру дўстлар соғ-саломат. Омонлиғ, хотиржамлиғ тилаб қолмишлар. Ҳазрат Ардашер барча шогирдларига сихатлиғ истадилар...

— Мавлоно Алишер, фақирни афв этгайсиз, — суҳбатга қўшилди Юсуф мешкобчи. — Сафарда эрконингизда турли миш-мишлар тарқалмиш?!

— Қандай?

— Ота мерос мулкингизни, яъни боғ, уй-жойни сотган эрмишсиз?!

Мешкобчининг саволига жавобан мийиғида кулди:

— Сотиш? Ажаб... Кирдикорларини яшириш учун шул гапни тарқатибдурлар-да?!

Сиз бу миш-мишга ишонурмисиз?

— У ҳолда нечун боғингизда бегоналар...

— Бегоналар... — Мешкобчининг соддалиғи Алишерни қийин аҳволга солди. — Кеча шул бегоналар мени ўз ҳовлимга киритмадилар.

— Алишер, бу не аҳвол?! — Султон Али куйиниб сўради. — Очиқроқ сўзласангиз-чи?!

— Нени сўзлай?! — Алишер оғир хўрсинди. Пиёладаги чойга узоқ тикилиб, деди: — Машҳад сафари фақирнинг бошига кўп кулфатлар келтиришини, бу ишга фитна аралашганини билғанимда эрдим... Сўнгги надоматдан не наф?.. Дили қора кишилар фақирни Ҳирийдан чиқариб, ўз режаларини амалга оширмоқ ниятида эрканлар. Уйимизга Абу Саиднинг амири Анварбек... эғалик қилур...

— Амир Анварбек?! — Султон Али тўнининг уқасини ғижимлади. — Бул золимнинг кимлиғи элга маълум-ку? Бу қандайин бедодлиғим, кишини куппа-кундузи кўчага ҳайдасалар...

— Энди не қилмоқчисиз? — ачиниш билан сўради мешкобчи.

— Пешонага ёзилгани-да...

— Наҳот фонийликни ихтиёр этсангиз?!

— Ҳа, Жомий ҳазратларининг паноҳларидан жой олмоқчиман. Агар фақирни Ҳирийдан қувмасалар...

— Балким, султонимиз жаҳл шитобидан совуб қолурлар?

— Жаҳолат дўзахи ўтини ўчириш мушкул. — Алишер бир зум ўйга толди. — Султон Али, дўстим...

— Лаббай... — Биродарининг овозида самимий илтимосдан кўра, илинж яширинганини сезган Султон Али унга қаради.

— Сўнги қораламаларимни ихтиёрингизга келтирдим. Мўъжаз бир девон тузсангиз...

— Бош устина...

— Саъий ҳаракатдан мақсад шулким, даромаднинг бир қисмини тағойимиз оилаларига юбормоғингиз, бир қисмини Ҳирийнинг бева-бечораларига тарқатмоғингизга умидвормен...

— Не боис бу шарафли юмушни ўзингиз бажармайдурсиз? — ажабланиб сўради Султон Али.

— Девонга охириги нуқтани қўйғонингизда Ҳирийда бўлмасмен.

— Уткинчи гаплар билан кўнглингизни бузманг, Алишер...

— Бошга ёғилиши аниқ маломатлардин нега кўз юммоқ керак?

— Шундай обод боғни, кўркам уй-жойни ташлаб кетурмусиз? — деди мешкобчи ажабланиб.

— Юсуфбек оға, — дастурхонга фотиҳа ўқиб, ўрнидан турган Алишер қўлини мешкобчининг елкасига қўйди. Унга меҳр билан тикилди. — Соддалигимиз оқибатидин хокисоримиз. Локин, оллоҳнинг муқаддас номи ила зулм қилаётганларга тик боқа олмаимиз... Бағрингизга яхши кунларда қайтишимга ишончим собитдур. Шул боис, режамда қатъийлик сезурмен.

— Иродангиз кучли эркан, — деди мешкобчи Алишернинг мағрур чеҳрасига ҳавас билан тикилиб.

Султон Али Алишерни кўчагача кузатиб, изига қайтаркан, дарвоза кесақисига сўяниб турган мешкобчига қаради:

— Мавлоно Алишер анчайин ёш эрса-да, ақли нур каби дилга шукуҳ соладур... Шунга айтадилар-да, ақл ёшда эмас, бошда деб!

...Тасбеҳ ўгириб ўтирган Жомий остонада қадам товушини эшитиб, бошини хиёл кўтарди, лекин кўзларини очмади:

— Келдингизму, ўғлим?

Алишер пирининг овозида ғайритабий босиқликни, илҳақлик ва бу ташрифдан қониқиш ҳиссини сездди. Бироқ, кайфияти тушкун эди. Энди сўзламоққа журъат этганида, жўмрагидан буғ кўтарилиб турган қумғон билан, мулозим кириб келди. Тузалган дастурхон устидаги сочиқни олиб, пиёлаларни арта бошлади.

«Мунча имирсилайдур... Тезроқ холи қўйса, не бўлур...» Алишер тоқатсизланиб, ўрнидан кўзғалиб қўйди. Соқол-мўйлабини силаб, аста йўталди. Мулозим аввал Жомийга, сўнг Алишерга чой қуйиб узатди:

— Тақсир...

Алишер устозига тикилди.

— Кайфиятингиз суст, устоз?

— Уткинчи...

— Овқатланмайсизму?

— Сиз бафуржа тамадди қилиб олинг, сўнгра...

Жомийнинг ғарибона кўриниши Алишерни ажаблантирди.

— Устоз... Тинчликми? Абу Саид Мирзо сизни мен туфайли ранжитдими?

Жомий Алишернинг саволини гўё эшитмади:

— Мир Саид Мирзони оллоҳ бизга кўп кўрмиш...

Алишернинг кўксига оғриқ турди. Кўз олдини чулғанган парда ортида Жомийга боқаркан, унинг серажин чеҳрасида ёш доналарини кўрди.

— Абу Саид Мирзо ҳатто қабул қилмадилар... Вазири аъзамдин тоғойингизнинг Сарахс кўрғонида қатл этилгонини эшитиб, олам зулумотига рўбарў бўлмишмен... Овозадан ҳайиққан султон ани тонгда жанозасиз дафн этишга фармон берибдур...

Алишер жонсиз, руҳсиз бир кайфиятда ўрнидан турди. Хаёлидан ушбу мисралар кечди:

**«Ғурбатда ғариб шодмон бўлмас эмиш,  
Эл анга шафиқу меҳрибон бўлмас эмиш...»**

Кўзига ёш тўлиб, гўё туман ичида қолган кишидек, эшик ҳалқасини аранг топди. Ташқарига чиқди...

Жомий боғ ичкарасига кирганида, Алишернинг мунгли овозда пичирлаб нола қилаётганини эшитди:

**«Эй муҳиблар, етсангиз гар ёза сиз,  
Гул адоқинда хумори ёзасиз.  
Гар мен ўлсам, турбатимнинг тошига,  
«Кўштаи бир шўх эрур», деб ёзасиз.»<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Бу туюқ Алишер Навоийнинг катта тоғаси Мир Саиднинг қаламига мансуб.



Пешонангизга не ёзилгонини билур эркансиз, тағойи, не учун маслаҳат солмадингиз?!»

У йўлак бошидаги устозини кўриб, ўрнидан турди. Кўз ёшларини салласининг учига артди. Устоз Алишерни бағрига босди:

— Тавбаи тиловатдин ўзга чорамиз йўқ, ўғлим...

— Ғариб бошга шунча мусибатлар каммиди, устоз?!— деди ўпкаси тўлиб турган Алишер, йиғлашдан ўзини базўр тийиб.

— Одатда қўрқоқ султонлар шундай йўсинда қасд оладилар.

— Абу Саид кўрқарму?!

— Ҳа. Вужудингизга жо бўлган матонат ани кўрқувга соладур... Шукрки, авом сизни севадур. Шу боис, ул сизга зулм ўтказишдан кўрқадур. Шул сабаб бундай жазо усулини ўйлағон эрса, ажаб эрмас... Вазири аъзам яна айтмишким, сизнинг ихрожингиз ҳақинда фармони олий тайёрланган...

— Астағфируллоҳ...

— Фақир, келмасингиздин бурун бир режани ўйлаб қўйгондим...

Алишер Жомийга қаради.

— Дўстимиз Хожа Аҳрор ҳазратларига мактуб қораладим...

Алишернинг чеҳрасида ҳайрат жилваланди.

— Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларига?!

— Бир фалокатга дучор қилмасунлар. Эртага тонг ила ишончли сарбон Самарқанд карвонига бош бўлиб йўлга чиқур.

— Самарқандга?

— Ул ҳазратнинг турбатига бош қўйсангиз, мушкулотингиз осон кечур. Илло, Аҳмад Ҳожибек мурувватли шоҳдур. Фақиҳ Абулайсий, Хожа Хурдлардин маънилар хазинасига қалит олурсиз...

— Устоз... Аввал Машҳадга...

— Мир Саидбек оиласининг ташвишини камина билан Ардашернинг зиммасига юклағайсиз...

## Фирдавсмонанд Самарқанд

Искандар атади Самарқанд ани.

Самарқанди фирдавсмонанд ани...

Алишер Навоий

...Саҳар чоғида, турли хаёллар қуршовида толиқиб, уйқуга кетган Алишер муаззиннинг тиниқ овозидан уйғонди. Кўзини очиб, ғира-шира хонага кўз югуртирди. Сарбоннинг ўрни бўш эди. Алишер ҳам устидаги кўрпани олиб, кийиниш тараддудига тушди.

Ноғоҳ эшик очилиб, сарбон кириб келди.

— Ҳайрият, турдингизму, иним Алишер? Табаррук масжидда ўқиладирғон бомдод намозига кечикмайлик, деган ниятда сизни уйғотмоқчи эрдим...

— Табаррук масжид?— Алишер сарбоннинг гапига тушунмади.

— Ҳа... Бибиҳоним масжиди... Ҳар келганда беш вақт намозни шул масжидда ўқийдурмен.

Сарбон, Мавлоно Жомийнинг илтимосига биноан Хожа Аҳрор хонақосига киши юборганини Алишерга айтишдан ўзини сақлади. Хожа Аҳрор ўз жавобида «Алишернинг ихтиёрига изн берайлуғ, андин сўнг бағримизни очурмиз» дегани учун ҳам у бўлган гапни сир сақлашни лозим кўрганди.

...Бибиҳоним масжидининг улуғворлиги, ҳовуз лабидаги катта мармар лавҳа очиб қўйилган зарҳал Қуръони карим Алишернинг ҳайратини оширди. Учинчи қатордан, тизила бошлаган сафдан жой оларкан, «Биҳамдика фатху абвабил маоний» калимасини шивирлаб, ихлос билан такрорлади...

— Илоҳо, июнотингдан бенасиб этмағайсен...

Йўлга чиқиш зарур бўлса-да, сарбон Алишерни ёлғиз ташлаб кетгиси келмади. Иккиси бозор этагида, Регистон майдони кафтидаги чойхонада бирга нонушта қилишди.

— Иним Алишер, асло ёлғизланиб қолмайдурсиз. Не юмушни режаласангиз, қўллагувчилар бордур.

Алишер Мирзо Улуғбек мадрасасига ишора қилди:

— Марҳаматини дариг тутмаса, мана шу мукаррам мадрасада тарбият олмоқ истагидамен.

— Иншоолло, ниятингизга еткайсиз.— Сарбон ҳамёнини олиб, бир нечта тилла тангани ажратиб, Алишерга узатди.— Мана буни олинг, кам-кўстингизга яратурсиз.

Алишер унинг қўлини қайтарди:

— Асло, йигит кишининг моли ерда дейдилар... Сизга камоматдор бўлишни истамасмен,— деди астойдил норози бўлиб.  
 — Покиза ният ила берилгон иноятдан асло бош тортманг.  
 — Қум кечиб, қуёш тобида қуйиб топгон оқчангизни яримта қилишни истамасмен.  
 — Сизни ўз ўғлимдек кўрдим... Рад қилманг, олинг!  
 Алишернинг кўнишдан ўзга чораси қолмаганди.  
 — Оға, Ҳирийга Машҳаддан қайтурсизму?  
 — Ҳа.  
 — Ул ҳолда бир илтимосим бор.  
 — Бош устина.  
 — Мана шул номани ҳазрат Ардашерга етказгайсиз, омон-эсон Самарқандга кўнғоним хабарини бергайсиз.— Алишер шундай деб, кеча тунда қоралаган мактубини узатди.  
 — Кўнглингиз таскин топсин. Мактуб ўз эгасига албатта етгусидур.

\* \* \*

...Алишер сарбонни Сангзор дарвозасигача кузатиб, Регистон майдонига қайтди. Мирзо Улуғбек мадрасасига яқинлашди.

Мадраса пойида қироат билан байт ўқиб, тиланчилик қилиб ўтирган дарвеш Алишернинг диққатини тортди.

**Кўкрагимдур субҳнинг пираҳанидин чокроқ,  
 Кипригим шабнам тўкилгон сабзадин намнокроқ...**

Байтнинг мағзини чақмоқ ниятида тўхтаб қолди. Дарвеш қироатининг дурустлиги, байтни маржондек териб айтилгани уни маҳлиё қилди. Байтни дилида такрорлади. Ҳатто ёд олишга ҳам улгурди.

«Дарвеш байтни англай олмайин такрорлайдурму?! Ёки... Наҳот шул тафаккури ила тиланчилик бирлан машгул эрса? Юзидан нур ёғилур... Телбалигига киши ишонмас. Балки мен каби шаҳри муаззамга келиб, охир-оқибат...— Алишер беихтиёр тўнининг уқасидан тутди.— Йўқ, йўқ! Илоҳо, мендин бу азобингни йироқ тутгайсен...»

Мирзо Улуғбек мадрасасининг салоҳияти Алишернинг дилида ҳайрат уйғотди. Мадраса бўсағасида бир нафас иккиланиб турди, сўнг вужудида дадиллик сезиб, нақшин эшикнинг кумуш ҳалқасига қўл узатди-да, остона ҳатлаб, зинадан тор йўлакка ўтди.

— Ҳа, йигит, бу даргоҳга кимни йўқлаб келдингиз?

Алишер орқасига ўгирилиб, чап тарафдаги ҳужра остонасидаги чўққи соқол, ранги тиник, бақувват қарияни кўрди. Билдики, мадраса дарбони. Қўлини кўксига қўйиб, таъзим билан салом берди:

— Ота, улуғ ҳазратимизнинг азиз руҳлари мени шу остонага бошлаб келмиш. Ижозатингиз бирлан, ўзимни танитсам...

Қария Алишернинг ёнига келди ва кўришиш учун иккала қўлини узатди:

— Мусофирмусиз?

— Ҳа, Ҳирийдинмен, падарим Абулқосим Бобур умароси эрди, исми шарифлари Ғиёсиддин, камина ул мўътабар зотнинг фарзандлари Алишер...

— Тўхтанг, тўхтанг...— деди қария, кўрсаткич бармоғини чаккасига тираб.— Навоий тахаллуси ила машҳур бўлгон Алишерму?

— Шунақа, тақсир.

— Сиз ила кўришғонимдан бағоят хурсандмен.

— Ташаккур, тақсир...

— Каминага қандай юмушлари бор?

— Илм олмоқ истагинда...

— Билим тангри инъом этган мўътабар офтобдурким, киши ҳаётини то абад ёритур. Аммо узр, Хожа Хурд жаноблари зарур юмуш бирлан шайх-ур-раис ҳузурига кетиб эрдилар.

— Маъқул, у ҳолда мен бир бозор айланиб келайин...

— Самарқанд бозорлари машҳур ва манзурдур,— деди дарбон.— Сиз ҳақингизда мударрисга албатта айтурмен. Муаййид соатда ул киши бирлан учрашурсиз.

... Алишер мадрасадан чиқиб, саҳхофлар дўкони томон юрди. Теварак ораста эди. Растадаги нақшинкор муқовали китобларни кўздан кечира бошлади. Ногоҳ кўзи чақнаб кетди. Янгигина тортилган муқовани кафтлари билан силаб, лабига теккизди:

Жаҳонни бир кесак англа, ҳавоси гарди бало.

Бу гарддин қутулуб, ҳар киши ани йироқиб...

Ичкаридан дўкандор чиқиб, ёддан ғазал ўқиётган йигитга ажабланиб тикилди. Алишер китобни жойига қўяётганда:

— Фақирни бу борада камситмагайсиз... Англолмадим...— деб ўз таажжубини изҳор қилди.— Бу китоб куни кеча Ҳирийдан келмиш. Дўконим жавонидан бугун жой олмиш. Ҳирий шоирларининг девони. Ҳали киши кўриб улгурмаган девондаги

ғазалларни ёддин мутолаа қиладурсиз? Навоий тахаллуси ила ном топғон шоирни танирмусиз?

Алишер саҳхоф берган саволдан кўнгли яйраб:

— Ўз кўнглимда мухтасар бўлган, Султон Али Машҳадий хаттотлиғ қилғон илк девоннинг ғазалларини ёд олмаслиғ фаросатсизлиғ бўлмасму?— деб жавоб қилди кулумсираб.

— Бу муболағангизга тушунмадим. Сизни дўконим қошида биринчи бор кўришим.

— Камина Ҳирийдан. Кеча сиз айтғон карвон ила шаҳрингизга келдим.

— Кулбамга марҳамат қилғайсиз... Бир пиёла чой баҳонаси, суҳбатингиздан баҳраманд бўлсам...

— Дўконингиз бой эркан. Ўзингизни танитсангиз?

— Каминани Мир Қарший деб қақирурлар... Аҳли фозил орасинда Хатой тахаллусим бор.

### Нест ойини муҳаббат кардан аз ёре гила

#### Варна з-он бадахд мекардам бисёре гила. 1

Ғазалининг бир байгини Алишернинг кироатида эшитган Мир Қарший ҳайратда: — Наҳот ғазалиётим Ҳирийга ҳам етиб, доруссалтанада машхур ўлғон эрса?— деб сўради.

— Фақир икки дорулсалтанада неча туркигўй шоир бўлса, аларнинг ғазалларини ёд олғонмен.

— Нега ўзингизни танитишдан қочадурсиз?

Алишер мийиғида кулди.

— Фақир ўқиган ғазал сизга ҳеч сўз айтмайдурми?!

Мир Қарший бир дақиқа каловланиб қолди.

— Сиз ўша... қутлуғ ниятли фозилларни дийдорига муштоқ қилғон Навоий?..

Мир Қарший ҳиссиётини идора қилолмай, Алишерни кучоқлади.

— Иним, Алишер, камтарлик ҳам меъёри бирлан-да...

— Фақирни маъзур тутғайсиз...

— Қани, юринг кулбамга...

Мир Қарший дўкон атрофида юмуш билан банд бўлган мулозимга топшириқлар бериб, Алишерни дўкон ичкарасидаги ҳовлисига бошлади.

Кечаги ёмғирдан сўнг ранги сақиф тортган боғ кишини тўлқинлантиради. Афшон, қизил атиргулларнинг ҳиди димоққа урилади.

Алишер Мир Қарший кўрсатган кўрпачага ўтирди.

Дастурхонга фотиҳа ўқилгандан сўнг, Мир Қарший кунгай уйлардан бирига кириб кетди. Алишер ёлғиз қоларкан, боғга қараган равонга кўз югуртирди. Аркона қурилган токчалардаги сопол чинилар, бир неча китоблар бу оила аҳволининг ночорлигидан далолат берарди.

— Узр,— деди Мир Қарший, ичкаридан мевалари янгиланган патнис кўтариб чиқаркан.— Қаерга кўндингиз, иним Алишер?

— Юкларимни Сангзор карвонсаройида қолдирдим. Мирзо Улуғбек мадрасасига борғон эрдим. Хожа Хурд ҳазратлари зарур юмуш ила чиққан эрдилар. Ўшал ерда маҳтал бўлмоғликни эп билмай, бул томон йўл солдим.

— Хўп маъкул иш қилибдурсиз. Самарқанднинг неча шоири бўлса, сизнинг таърифингизни Лутфий ҳазратларидан тинглаб, учрашмоққа орзуманд эрдилар. Бу орзуга камина биринчи мушарраф бўлғонидин бошим кўкка етди. Кулбамга офтоб кирди.

— Ҳазрат омонмулар? Эшитишимча, бошқа ердин ҳовли-жой қилғон эрканлар.

— Ҳа, айни кунда Улуғбек Мирзо ҳазратлари ул киши учун бунёд этғон боғ ва хонақога кўчиб ўтғонлар.

Иккиси бир фурсат суҳбат қурдилар. Алишер уни бемаврид юмушидан қўйганини сезиб, кетишга рухсат сўради.

— Мен борай, Хожа Хурд ҳазратлари келган эрсалар, илҳақ қилмайин... Илло, сизнинг ҳам вақтингизни олдим...

— Сира,— деди Мир Қарший.— Хожа Хурд ҳазратларини йўқлаб тўғри иш қилибсиз... Ул киши Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларининг этақларини тутғонлар. Илло, ул мўътабар зотнинг рухсорларини кўрмоқ сизга насиб айлаган бўлсин.

— Иншоолло!

— Оқшом сизни бир мўътабар хонадонга олиб борсам... Кўп нуфузли кишилар бўлур. Янги ғазалларингиздин тинглаб, шояд уларнинг баҳри дили очилса. Шу баҳона сизга орзуманд фозиллар бирлан ҳам танишурсиз...

Алишер мадрасага қайтиб, Хожа Хурднинг хосхонасига кирганида, мударрис соқол-мўйлаби қора, ёш чўзиқ юзли бир йигит билан суҳбатлашиб ўтирарди.

— Тақсир, боя сизга айтган кишим шул бўладур.

Хожа Хурд Алишер билан ўрнидан туриб кўришди.

1 Муҳаббат қондасида ёрдан гина қилиш йўқдур, бўлмаса у вафосиздан кўп гина қилардим.

**Оразин ёпғоч кўзимдин сочилаур ҳар лаҳза ёш,  
Бўйлаким, пайдо бўлаур юлдуз, ниҳон бўлғоч қуёш.**

Иним Алишер, таъриф-тавсифингизни ғойибдин эшитиш бирла ўтирмизму, дея афсусда эрдим. Шукрки, орзуиймиз ушалди.

Хожа Хурд Алишердан йўл тафсилотини ҳазрат Жомий аҳволини сўраб бўлгач, ёнидаги йигитни таништирди:

— Бу киши Чигатоу улусининг нуфузли табақасидин эрурлар. Бобокалонлари Амир Темур саройида, падалари Мирзо Улуғбек ҳузуринда эътиборли лавозимларда хизматда ва ҳурматда бўлгонлар. Сухайлий тахаллуси ила шеърлар битурлар...

Алишер жилмайиб Сухайлийга қаради, сўнг унинг ғазалидан байт ўқиди:

**Хастаҳол ошиқни, дил, ўлтириб етказма ғам,  
Отма жафолар тошини асло мажруҳ қушга ҳам.**

Буни кутмаган Сухайлий ҳаяжонланиб, унинг елкасидан қучди:

— Тасанно, иним Алишер, хотирингиз тийрак эркан.

— Тахаллусингиз каминани мафтун этғони каби, туркийдаги шеърларингиз кўнгил китобатига ёддан ёзилғандур.

— Ташаккур.

— Бу кишининг тахаллуслари ҳам бир ажабтовур воқеадур,— Хожа Хурд, мийғида кулиб суҳбатга қўшилди.— Қани, ўзларидан тинглайлиғ.

— Зарурати борму, устоз?

— Камтарлик Мир Алишерга ярашур,— деди Хожа Хурд қатъият билан.— Сўзланг!

— Бу тахаллусни бизга маърифатли шайх Озарий бергонлар...— деди Сухайлий босиқ оҳангда.— Ёшлик чоғимда, маърифатли шайхнинг шарофатлиғ хизматига бордим ва онҳазратнинг ҳимматида бош урдим. Таъбим шеър айтишга қодир эрди. Локин, муносиб тахаллус топа олмадим. Шайхдин мени бирон тахаллус ила мушарраф этишларини сўрадим. Шайх қўлидаги китобга ишора қилиб: «Китобни очайлиғ, шояд муносиб сўз чиқиб қолса» дедилар. Китобни очишлари ҳамано, аввалги сиҳафадаёқ «Сухайл» сўзи чиқди. Ани бағоят чиройли топиб, менга «Сухайлий» тахаллусини қўйдилар. Андин сўнг каминага маънилар эшиги очилди ва муруватлиларнинг ҳимматидин файзга етишдим...

— Илло, бизга ҳам сизнинг изингизни берсун,— деди Алишер ихлос билан.

Хожа Хурд ҳам, Сухайлий ҳам Алишернинг бу гапидан ажабланишди.

— Ўғлим, ғазалиётда ўз салоҳиятингизни топиб олғансиз... Бу афсуснинг маънисини не?— жиддий сўради Хожа Хурд.

Алишер Ҳирий воқеалари тафсилотини сўзлашдан ўзини тийиб, базўр:

— Тангри инъом этган илмдин баҳраманд бўлиш ҳар кимга насиб эта бермас,— деди паст овоз билан.

— Иншоолло, тўғри,— деди Хожа Хурд Алишернинг гапидан мамнун бўлиб.

— Бундай дейишимнинг боиси, ул кишининг шайх Озарий каби муҳтарам зотнинг этагини тутғонликларидир. Мени ҳам шул истак қошингизга бошлаб келмиш.

— Сиздек шоғирдин даргоҳимга албатта қабул қилурмен.

— Ташаккур.

— Алишер, иним,— Сухайлий Алишердан самимий нигоҳини узмай сўради,— доруссалтананага қачон таширф буюрдингиз, қаерга қўндингиз?

— Кеча келдим. Карвонсаройга қўндим.

— Машҳадда бўлибдурсиз. Ҳасан Ардашер ҳазратларининг турмушлари қандай?— сўради Хожа Хурд.

— Надоматлар бўлсинким, Самарқанд сафари олдин ул муҳтарам зотнинг рухсорини кўриш насиб этмади. Хайрлашиш истагинда йўқлағон эрдим. Ул киши заруратдин шаҳар қалъасидин чиққан эрконлар. Устозга нома қолдиришдин ўзга чора топа олмадим. Самарқанд сари йўл солғанимдин ул киши беҳабар қолмишлар. Агар нома қўлларига етса...

— Кўп афсусланманг,— Хожа Хурд мақсадга кўчди.— Мадрасанингни ўзига молик тартибот бор. Менга бир фурсат муҳлат берадурсиз. Сизнинг таърифи тавсифингизни тавриҳ айлаб, шайх-ур-раисга сўз солсам. Асло ташвиш тортманг... Сухайлий ихтиёрида бўлурсиз. Мулозимлар хос хона ажратурлар. Юкларингизни бу ерга келтиришингизга кўмак берурлар,— Хожа Хурд ўрнидан турди.

Мадраса ҳовлисига чиқиб, иккиси холи қолишгач, Алишер хўрсинди:

— Наҳот умидларим бенишон сўнса?!

— Бу афсуснинг не ҳожати бор?! — деди Сухайлий Алишернинг елкасидан тутиб, кўзларига боқаркан.— Ундоғ эрса, Мирзо Улуғбек мадрасасининг нуфузи қайда қолур?

— Шайх-ур-раис...— Алишер «ким» дея сўрай олмади.

— Наҳот билмасангиз?— деди ажабланиб Сухайлий.— Умрлари зиёда бўлгур Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратлари-да.

— Наҳот?— Алишер ҳайрат билан Суҳайлийга қаради.— Мирзо Улуғбек мадрасасининг тартиботи ул зотнинг изнларидаму?

— Шайх-ур-раис борасиндаги миш-мишдан хабардормусиз, дейман,— деди Суҳайлий хиёл жилмайиб.— Асло ишонманг.

— Подшо бирлан шаҳзода ўртасиндаги зиддият боиси не?

— Бул зиддиятга Хожа Убайдуллоҳ Аҳрор ҳазратларининг асло алоқалари йўқдур. Бу инқирознинг манбаини Ҳирийдин изламоқ керак.

— Сўзларингизга эътирозим йўқдур. Билъакс, каминанинг билишича, Абдуллатиф Мирзо савдойи мижоз, васвастабъ ва девонсор киши эркан. Бундан ўзга ғалат бадфеълликлари ҳам бор эрканким, зикридин беҳижобилиғ лозим келур. Утар дунё маслаҳати учун донишманд, кексайғон подшоҳ отасини ўлдурмоғига ҳамон ақлим бовар қилмайду...

— Кўп яшанг... Англар эркансиз,— деди Суҳайлий, унинг фикрини маъқуллаб.— Хожа Убайдуллоҳ ҳазратларининг беназир марҳаматлари ила расадхона ва муқаррам мадраса шу кунгача фаолият кўрсатмоқда. Бундин ортиқ футувват бўлмас, ахир...

\* \* \*

...Кечга яқин мадрасанинг ўнг қанотидаги хос хужралардан бирига жойлашган Алишер ҳузурига Суҳайлий кириб келди. Унинг кайфияти хуш, қорамтир юзида табасум ўйнаб турарди.

— Алишер, иним... Бу ерга менинг туриш-турмушимни назорат қилғони келибдур, деб ўйламанг. Инчунун, бу ҳам вазифамдур. Локин, мақсадим бўлак. Мир Қарший бозорда каминани тўхтатиб, сиз билан мулоқотда бўлганидин огоҳ этди...

— Оға, ул кишига узр айтсам бўлар экан. Ваъда бериб, хаёл фаромуш бўлибдур. Бул оқшом мусохабага таклиф қилиш истагида эрдилар.

— Хижолат бўлманг, мен ҳам шул истак ила ҳузурингизга келдим,— кулди Суҳайлий.— Қани, отланайлиғ, мезбонлар мунтазир бўлмасунлар...

— Мир Қарший хонадонига борурмизму?— деб сўради Алишер.— У ҳолда, бозордин бирор емак харид қилайлик?

— Бу мушкулот сизни қийнамасин. Чунки, бизни Жавҳарий ўз хонадонларига таклиф этғонлар...

Жавҳарийнинг хонадон Улуғбек Мирзо бунёд этган «Чиннихона боғи»нинг этагида, Кўҳак дарёсининг ўнг соҳилида жойлашганди. Бу маҳаллани фақиҳ Абулайс номи билан аташларини Алишер Суҳайлийдан билиб олди. Алишер Фақиҳ Абулайс ҳақида эшитган. Бу оиланинг сарсулоласи Абулайс Носирнинг икки китобини —«Тафсир-ул-Қуръон» ва «Бўстон-ал-орифин»ни устози Саййид Ҳасан Ардашернинг тавсияси билан ўқиган, улардан оламжаҳон завқ олганди. Худди шу сабабдан ҳам Суҳайлий тилга олган Фазлуллоҳ Абулайсий Фақиҳ Абулайсининг нечанчи авлоди эканини сўрашга жазм қилди.

Суҳайлий Алишер кутганидан ҳам зиёда жавоб берди:

— Хожа Жалолиддин Фазлуллоҳ Абулайсий фақиҳ Абулайс Носирга чевара бўлурлар... Бобокалонларининг изини фақат шул киши ўзларига кунт қилғонлар. Саид Шариф Жўржоний тарбиясида етишиб, андин дарс айтурга ижозатнома олғонлар. Фиқҳда ул кишини Абу Ҳанифаи соний, арабиятда Ибн Ҳожибга қиёс қилурлар. Ул муҳтарам зотнинг оталари Амир Темур ва Улуғбек Мирзо салтанатида вазири аъзам бўлғонлар. Фазлуллоҳ Абулайсийнинг фазилатлари кўп бисёрдурким, доруссалтанада «аъламул-уламо» шарифига эришғонлар... Бобокалонлари бунёд қилғон мадрасага мударрисдурлар. Мирзо Улуғбек мадрасасинда фиқҳдин дарс айтурлар...

— Ҳазратнинг таърифлари Ҳирийга ҳам етмишдур...

Ташқари эшикда уларни Мир Қарший билан Жавҳарий кутиб олишди. Жавҳарий меҳмонларни кенг боғ ҳовлидан тоқилари нақшинкор равонга бошлади. Пешайвон деворлари баҳорий ранглар билан безалган, тоқчалар уста дурадгорнинг қўлидан чиққанди. Пешайвондан ички хонага киришди. Даврадагилар меҳмонларни ўрниларидан туриб, тавозе билан кутиб олишди. Бу ҳурмат Суҳайлийга бўлди деб ўйлаган Алишер, бундай мулозиматдан хижолат бўлди. Бир пиёла чой ичилгач, суҳбат мавзуси назмга кўчди:

— Алишер, мушоирани бошланг, биз давом эттирайлик,— таклиф қилди давра пойида ўтирган ўрта ёшлардаги, чўққи соқолли йигит.

— Бул киши Фикрий Самарқандий бўлурлар,— деди Суҳайлий.

— Фикрий...— деди Алишер, бир зум ўйга толиб.— Чиройли, маъноли тахаллус танлабсиз. Узр, ғазалларингизни ўқимағон эрканмен.

— Фикрий кўп ғазалларга ҳозиржавоб назиралар битадурлар.— Изоҳ берди Мир Қарший.— Синамоғингиз мумкиндур.

Алишер ўйга чўмди. Бир фурсатдан сўнг, ўқиди:

— Бир пари пайкар ғами ошуфтаҳол этмиш мени.  
Элга аҳволим демакдин гунгу лол этмиш мени...



Машварат аҳли, ғаройибот кутгандек, Фикрийга қаради. Фикрий қўлидаги пиёла раҳини силаганча, бир нафас ўйланди. Кейин бошини кўтариб, Алишерга юзланди:

**Оҳким, бир бемурувват беқарор этмиш мени,  
Дардманду хаставу зору низор этмиш мени.  
... Бор эди мен телбага ҳам заррача ақлу шуур.  
Бул замон лолу хирадсиз ҳажри ёр этмиш мени...**

— Тасанно,— деб юборди Алишер, ҳайратини яширмай.  
Фикрий билан ёнма-ён ўтирган Риёзий суҳбатга қўшилди:

— Мирзо Улуғбек мадрасасига қўнибсиз. Сиздек шоирнинг толиблиғ хирқасини қиймоқлиғи...

— Ярашмас, демоқчисизму?— сўради Суҳайлий, шошиб.

— Ҳа, ҳазрат Сайид Ҳасан Ардашер таълимотини олғон кишининг яна толибликни ихтиёр этиши ажабланарли эрмасму?

Алишер Риёзийнинг нимага ишора қилаётганини англади. Унинг саволи «иҳрожлиғ мусибатини толиблиғ жандаси билан яширмоқчи эрмасмусан?» дегандек туюлди. Аввалига жавоб беришни ўзига лозим кўрмади, бироқ кўпчиликнинг нигоҳи унда эканлигини англаб:

— Расули акрам ўз ҳадисларида билим олмоқлик ақл даражасини, киши ёшини белгиламайдур, дея қайд этгонлар... Шу раиятга риоя қилурмен...— деди босиқ овозда.

Алишернинг бу қалтис саволга ўринли жавоб бериши бошқаларни жонлантириб юборди. Суҳбатга қўшилишга қимтиниб ўтирганлар уни кетма-кет саволга тута бошладилар.

— Ҳирийда вазият оғир дейдилар,— деди мўйлаби энди ниш урган ёш йигит.— Доруссалтана аҳли фозилу аҳбобларга торлиғ қилғон кўринадур. Мана, сиз ҳам Самарқандда илм олмоқни ихтиёр қилибдурсиз... Боиси не?

— Ҳар бир аҳли толиб бу муаззам шаҳар томон талпиниши асло сир эрмас. Тартиботи пароканда салтанатнинг юмушлари ҳам пароканда бўлур. Шул сабаб, Ҳирий офтоби ботгон, қаро тун қўйнидаги шаҳарни эслатур...

— Саодатманд кунларнинг қайтишига ишонмайсизму?— яна сўради ўша йигит.

— Ишонурмен,— деди Алишер дилини ўртаётган армон билан.— Ҳирийга яхши кунлар келишига, албатта, ишонурмен...

. . .

Бомдод намозидан қайтаётган толиблар тўпининг орқароғида бораётган Алишернинг қулоғига яна таниш байтлар эшитилди:

**Кўрагимдур субҳнинг пираҳанидин чокроқ,  
Кипригим шабнам тўкилгон сабзадин намнокроқ...**

Алишер нигоҳини ердан узди. Бир неча қадам нарида кечаги дарвиш унга томон келаётган эди. У ҳам қарши юрди. Дарвиш, йигитга «мақсадинг не» дегандек норози қиёфада қаради.

— Беодоб йигитнинг саъй-ҳаракатини айбга буюрмағайсиз,— деди Алишер, кайфиятидан дарвишни суҳбатга тортиш мушкуллигини англаб.— Сиз истагида ёнаётган нарсага арзигулик ҳада беришга қурбим етмас, локин...

— Аслзода оиланинг фарзанди кўринасиз.— Дарвиш Алишернинг фикрини англади.— Аммо, айна чоғда ночор толиби илмдурсиз.

— Тўғри англадингиз, оға,— Алишер унинг босиқ овозидан дадиллашди.— Шул тонг кавкаби сайёрингиз кўнгилга шуъла солмиш, сиз ила суҳбатлашишни дилимга тугмиш.

— Суҳбати дилкушога орзумандмен.

— Маъзур тутсангиз, сизни нонуштага таклиф этсам...

— Бажонидил. Локин, хонақоҳингизга кирмасмен...

— Боиси?

— Кейин...

— У ҳолда, чойхонага борайлиғ.

Нуфузли, офтобрў чеҳрали бир йигитнинг жандаси қирқ ямоқ, соч-соқоли пахмоқ дарвиш билан чойхонага кириб келиши, нонушта қилаётганларнинг айримларини таажжубга солди. Пойгақдаги сўри ёнидан ўтаётганларида «Ажаб, Мир Алишер?» деган овоз келди. Алишер ўша тарафга қаради. Тамадди қилаётган савдогар йигитнинг:

— Наҳот, ашъорлари билан Хуросону Мовароуннаҳрни забт этган шоир гадо ила чой ичмоқни лойиқ кўрса,— дегани Алишерга оғир ботди. Кўнглига «Эй гумроҳ, у ҳам, сен ҳам инсон. Фарқ шулки, сен савдогар, бул дарвиш... Балки, фазилатлари сеникидан зиёдадур?» деган ўй келди. Бироқ савдогарга жавоб қилишни лозим кўрмади. Чойхоначи патнисда қанд-қурс, нон ва чой келтириб қўйгач, дарвиш Алишерга мамнуният билан тикилди:

— Уткинчи дунёни сароб деб билган кимса билан нонушта қилишни лозим кўрдингиз. Ориятли, мард йигит эркансиз.

— Тақсир, ўткинчи ва жаннати дунёнинг ўз қонуниятлари бордур. Локин, тангри таоло бандаларини тенг қилиб яратган. Бас, шундай эркан, нечун сиз ила ҳамсухбат бўлмоқлиғни ор билгаймен?

— Тасанно, илтимосингизни рад этмадим. Камина измингизда.

Алишер дарвишга чой қуйиб узатди:

— Бетакаллуф савол учун каминани маъзур тутгайсиз...

— Қулоғим сизда, умри азиз.

— Такрорлайдурғон байтингиз кишининг дилига хуш ёқадурғон эркан. Не сабаб бошқа мисраларини ўқимайдурсиз?

Дарвиш пиёладаги чойнинг сатҳида ўйнаётган нурга тикилганча бир нафас ўйга чўмди, сўнгра:

— Саволингизга жавоб бермоқлиғ мушкулдур... Аммо сизни жавобсиз илҳақ қилмоқлиғ ножоиз бўлур, умри азиз. Такрорлайдурғон байтим отамдин мерос... Қолғон сатрларини билмайдурмен,— деди.

— Не учун соғлиғингизга, ёшингизга маъқул касб-кор қилмайдурсиз?

— Пешонасига ноҳақ тўхмат, қувғинлиғ ёзилғон киши қандай қилиб бир касбнинг бошидин тутсин?

— Тақсир, ёзуғимиз бир эркан. Мен ҳам сиз каби қувғинлиғ ихрожига гирифтор бўлғон бандамен. Маъзур тутгайсиз... Локин, хирқадин кўра, яхшиларга, илми-фозилларга талпинишни ўзимга касб этдим...

— Эй-й, куйган кўкрагимга ўт пулкайдурсиз,— дарвиш тундлашиб, пиёлани дастурхонга қўйди.— Отам назмдин йироқ бўлғонлар. Ул киши Мирзо Улуғбек ҳазратларининг Дилкушо боғинда боғбонлиғ қилғонлар.

Алишер таажжуб ва афсусини яшира олмади.

— Гулдек касби бўлғон кишининг...

— Тўғри, отамнинг гулдек касблари бор эрди. Сиз каби толиби илм эрдим. Энди эса, уст-бошим ямоқ, аҳволим ночор... Локин, қул эмасмен, беклардин ҳам бекроқмен, умри азиз!

Бу гапни дарвиш шу қадар дадил ва баланд айтдики, чойхонадагилар ажабланиб, улар томонга қарадилар. Вазиятнинг бундай тус олишини кутмаган Алишер дарвишни тинчлантиришга уринди.

— Кўнглимга ўзгача ўй келганда, тангри сиз ила суҳбат қуришни дилимга солмағон бўлурди.

Дарвиш ҳовуридан тушиб, Алишерга қаттиқ тикилди:

— Суҳбати дилкушо, зукко йигитга ўхшайдурсиз, умри азиз. Нечун сиз ила дардлашмай?!— Дарвиш пиёлада совуб қолган чойни бир сипқоришда бўшатди.— Улуғбек ҳазратларининг қотили ила илк бор юзма-юз бўлғон, ани кафанлағон киши менинг отам бўлурлар... Андин сўнг аҳли маҳалланинг падаримга бўлғон эътибори ортди. Билъакс, тангри таоло ул кишини бизга кўп кўрди. Тирик гувоҳдин қўрққан қотил отамни қатлга буюрди...

— Отангиз тўхмат ўтинда куйибдурлар...— деди куюнчаклик билан Алишер.— Не сабаб бу ҳолга тушдингиз?

— Ўша пайтда сиз таълим олаётган мадрасада толиби илм, анчайин ақлимни таниб қолган эрдим... Катта гуноҳга ботғон киши, ани яширишдин ўзга яна қандайин чора топадур, умри азиз...— Дарвиш оғир хўрсинди.— Охир-оқибат, юзи қаро бўлғон, ярим умри зиндонда ўтғон, уй-жойиндин айрилғон, соғлиғи кетғон бир бечора дарвишга тангрининг ризолиғини тиламакдин ўзга қандай юмуш даркор?

— Кечмишингиз оғир эркон, оға,— деди Алишер ҳамдардлик билан.

Дарвиш Алишербек қуйиб узатган чойдан ҳўплади:

— Ҳеч бир кимса ўткинчи дарвиш ила ҳамсухбат бўлмағай, муддаонгиз не, умри азиз?

— Байтингизга харидор бўлдим,— деди Алишербек жиддий тортиб.— Анинг муаллифи номаълум эрса, менга сотинг, муддаом шул!

— Харид қилмоқлиғга қурбингиз етарми?

— Ақчам етмаса, тўнимни сотиб тўлай...

— Тўнингиз қимматбаҳо эркан... Ҳойнаҳой, ёдгорлиғдир? Ундоғ эрса, муқаддас нарсалар сотилмайдур, умри азиз.

— Не бебахтлиғким, шул байтингизни ҳатто тушларимда такрорлайдурмен.

— Шеърятнинг ҳақиқий ошиғи эркансиз, умри азиз. Матлаъни харид қилиш ниятидин кечинг-у, текинга олинг... Ёддан ўқуб юра беринг, мен рози.

— Хариднинг шарти шулким,— Алишер мақсадини очиқ баён қилди.— Бу матлаъни куйлаб, тиланишдин маҳрум бўлгайсиз...

— Шарти оғир эркан,— деди дарвиш бутун суҳбат давомида илк бора жилмайиб.— Ул ҳолда байтимни ярим шоҳлиғга алишмасмен!



— Фақирнинг сайъ-ҳаракатини айбга бюурмайсиз...— деди Алишер, ўрнидан кўзғолиб.

— Асло, сиздек мард йигит бирлан танишганимдин ғоят бахтиёрмен,— дарвиш фотиҳага кафтини очиб, Алишербекни узундан-узоқ дуо қилди.

\* \* \*

Мадрасага қайтиб, ўз ҳужрасида ёлғиз қолган Алишербекнинг фикр-ёди яна ўша ғазал матнида банд эди. Тўнини ечиб, қоziққа илди-да, курсига ўтирди. Патқаламини олди.

### **Кўрагимдур субҳнинг пираҳанидин чокроқ, Кипригим шабнам тўкилғон сабзадин намнокроқ...**

«Бағоят нафис байт,— кўнглидан ўтказди Алишербек.— Кўракни тонгнинг йиртиқ кўйлагига, киприкка кўнган ёшларни шабнамли майсага қиёслаш... Инсон тафаккури беқиёсдур. Нечун бу байтга назира боғламайин... Ахир, дарвишнинг ўзи, ёдлаб юра беринг, деди-ку?!»

Алишер фикрини қоғозга хатлай бошлади. Бир қанча фурсат ўтганидан сўнг, ёзганларини овоз чиқариб ўқиди:

**...Бу кўнгил ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,  
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокроқ...**

### **Абулайс хонақосида**

871 ҳижрийнинг муҳаррамида Мовароуннаҳрдаги вазият бир қадар қалтис тус олди. Балхдан туриб, дам Хуросон, дам Мовароуннаҳр сарҳадларига тез-тез ҳужум қилаётган Султон Ҳусайн Бойқаронинг қўли баланд кела бошлади. Абу Саид Мирзо сиёсатидан норози бўлган бекларнинг кўплари Ҳусайн Мирзо қўшини томонига сира иккиланмай ўтардилар. Самарқанд тахтининг соҳиб ихтиёри Аҳмад Ҳожибек Ҳусайн Бойқаро тутган сиёсатга хайрихоҳ бўлса-да, уни очиқдан-очиқ қўллаб-қувватлашга вазият йўл кўймасди. Самарқанд салтанатининг идораси мутлақ Аҳмад Ҳожибек қўлида, аммо тахтнинг асосий вориси Султон Аҳмад — Абу Саид Мирзонинг тўнғич ўғли бўлиб, йигирма ёшлик бу йигит салтанат сиёсатида аралашмасди, атрофидаги васий бекларнинг шаҳзодага таъсири кучли эди. Хуросон ва бошқа, Абу Саидга тобе бўлган эллардан, зулм-жабридан Самарқанд заминини ихтиёр этган олим-уламоларнинг кўпайиши тахт ворисини кўпроқ ташвишга сола бошлади. Аҳмад Ҳожибекнинг фозилу аҳбобларни ўзига яқин тутуши, айрим ҳолларда уларнинг маслаҳатига юриши Султон Аҳмаднинг ғашини кўзғарди. Бу хусусият у тарбия олган муҳитнинг инъикоси эди. Султон Аҳмад учун отасининг йўриғи қонун. Чунки Хуросонни муваққат ушлаб турган куч — Мовароуннаҳрда, мамлакатнинг доруссалтанасида. Бу муаззам шаҳарда ҳукмдорнинг бобокалонларининг, отасининг руҳи собит. Абу Саид Мирзонинг Самарқандга боғлиғлиқ томони яна шундаки, Хожа Убайдуллоҳ Аҳрорнинг қароргоҳи худди шу шаҳри азимда. Хожа Аҳрорнинг қудрати унинг темурий шаҳзодаларга суяниғлиги билан белгиланибгина қолмай, қилган кароматининг рўй-рост амалга ошишида ҳамдир... Худди шу боис, Самарқанднинг Амир Темур ва Улуғбек Мирзо даврларидаги мавқеини ҳозирги кунгача сақлаб қолиши Хожа Аҳрор Валий номи билан чамбарчас боғлиқ.

Ривоят қилишларича, Абдуллатиф Хожа Аҳрорнинг «Ал қасос-ул минал-ҳақ...» деган икки оғиз калимаси ила охиратга равона бўлган. Бу даҳшатли ақиданинг рост ёки ёлғонлигига ҳеч ким кафолат бермайди. Хожа Аҳрорнинг ўзидан сўрашга эса ҳайиқишарди. Шайх-ур-раиснинг нафаси ўткирлиги, дуоסי ижобатга ўтиши кўп бекларнинг изини унга тутқазганди. Султон Аҳмад отасидан эмас, Хожа Аҳрордан кўпроқ кўрқарди.

Хуллас, Аҳмад Ҳожибек билан Султон Аҳмад ўртасидаги зиддият тарозусининг посангиси «илоҳий қудрат»га эга бўлган Хожа Аҳрор қўлида эди. Муаммонинг яна бир қирраси, Шайх, бек ва амиру умаролардан олган инъомларини оддий халққа раво кўрар, бу ҳол авомнинг шайхга бўлган муҳаббатини оширарди.

Шайх-ур-раиснинг ўз ҳузурига Хожа Хисрав ва Хожа Хурдларни чорлашига Регистонда, тонгда рўй берган воқеа сабаб бўлди.

— Алишер кўп бамаъни йигит кўринадур,— деди Хожа Аҳрор томоқ қириб.— Ардашер ҳазратларига мактуб ёздириб, анинг феълени англамоқ истагинда эдим, ниятим аввалроқ вожиб бўлди.

Гап мазмуни қай мавзуда эканини фаҳмлаган Хожа Хурд эркин тин олиб, шайхга миннатдор боқди:

— Гадою дарвишу фозилу арбоб — ҳаммаси яратганнинг иноятидан бирдек баҳ-

раманд бўлур. Инсон бир-бирини тенг кўрмоғи лозим. Мадраса тарбиятига лойик билган йигитингизда худди шу хислатни кўрдим,— деди Хожа Аҳрор Валий Хожа Хурдга диққат билан тикилиб.

— Алишер билан кўришдингизму? — сўради Хожа Хурд.

— Йўқ, кўришмадим,— деди Хожа Аҳрор.— Аммо мавриди бўлса, у билан ҳам-сухбат бўлмоқлиғни дилимга тугиб кўйдим... Бир дарвиш билан чойхонада бирга нонушта қилғонидан огоҳ эрдим,— деди Хожа Аҳрор.— Баъзилар бундай ҳаракатдин ўзларини йироқ тутадурлар, бильякс, гуноҳга ботадурлар... Анинг бул байти менга маъқул,— шайх-ур-раис икки мисра ғазал ўқиди:

**Гадое ки нон аз дари шоҳ жушт,  
Бибояд зи оби худаш даст жушт.**

— Мир Алишернинг таърифин бисёр манзур қилурсизлар,— деди Хожа Хисрав, суҳбатга қўшилиб.— Ул йигит ила мулоқотда бўлмадим. Локин, тоғаси Мухаммад Али Самарқандга қилинган ҳужумда иштирок этғонини қандай баҳоламоқ даркор?!

— Тоғанинг йўриғи учун жиян сира жавобгар бўлмас.

— Тақсир,— Хожа Хисрав дилидаги эътирозини зўрға тийди.— Гапларингиз ҳақ, аммо акси бўлиб чиқмасмикин?

— Бунга асосларингиз борму?— деб сўради шайх.

— Ҳа...— Хожа Хисрав фикрини очиқ айтишга иккиланди.— Билурсизки, Ҳусайн Мирзо бирлан Алишер Навоий дўст эрурлар... Бир-бирларини қўлламоғлари табиий. Балки, шул боис шоирнинг тоғаси Султон Ҳусайн ихтиёрига бош уриб боргандур?

— Билмаган нарсангиз хусусинда сўзлашдан олдин мулоҳаза юритмоғингиз жозир, Хожа,— деди шайх-ур-раис, мударрисдан жиддийроқ фикр кутганини яширмай.— Абу Саид Мирзо жаҳолат устинда Мир Саидни қатлга буюрғон. Ҳукм ижро этилган. Тоғаси қатл этилган киши қай йўлни танласун? Ёки қотилга садоқат бирла хизмат қилсунми?

...Алишер Самарқанд тафсилоти ҳақида Машҳадга, устози Саййид Ҳасан Ардашер ҳазратларига шеърни мактуб ёзаётган вақтда пойтахт карвонсаройига икки чопар кўнди. Бири вақтни ғанимат билиб, тўғри Фақиҳ Абулайс маҳалласи томон от сурди. Униси эса, тунда мадрасага боришни маъқул кўрмай, сафарини тонгга қолдирди. Иккиси ҳам бир-биридан беҳабар — бири Балхдан, иккинчиси Машҳаддан, уларнинг илкидаги икки мактубда эса бир кишининг тақдири хат этилганди...

Фақиҳ Абулайс боғининг дарбони отнинг дупуридан, безовталанган итларнинг вовиллашидан ташвишланиб, қоронғи ҳовлига чиқди. Шовқиннинг боисини англаб улгурмасидан, ташқари дарвозанинг ҳалқаси шиқирлади.

— Ким у? Ҳозир...

Ярим тунда ҳазратни фақат амиру л-умаро безовта қилиши мумкин, деган хаёлда дарвоза очган дарбон дашти чўпонлар кийимидаги чопарга қандай муомила қилишини билолмай, иккиланиб қолди.

— Фазлуллоҳ Абулайсийнинг хонадонлариму?— паст овозда сўради йигит.

— Худди шундай.— Дарбон англадики, отлиқ ўзга юртдан. Талаффузи ҳам бошқача.— Келинг, меҳмон.

— Бевақт келганим учун фақирни авф этгайсиз. Локин, тонг ила Машҳад томон йўлга отланмоғим шарт.— Йигит отдан тушди.— Хайрият, эшигингизни мушкулотсиз топдим.

Дарбон билан изма-из келган мулозим йигитдан тизгинни олди. Узоқ йўлда ҳориган йўрғанинг бўйнига бир-икки шапатилаб, отхона томон етаклади. Дарбон эса меҳмонни икки тарафи боғ, тор йўлакдан ичкарига бошлади.

Пешайвон зинаси бўсағасида елкасига тўн ташлаб олган, қўлидаги шам оқ соқолини, салоҳиятли чехрасини ёритган Абулайсий турарди:

— Наби?? Ким эркан ул?

— Машҳаддан келдим дейдур,— деб жавоб қилди дарбон.

Чопар икки қадам олдга юрди. Таъзим қилди:

— Бехосият соатда хонадонингизни безовта қилғоним учун узр. Вақтим зиқ... Тонг қоронғусида қайта йўлга чиқмоғим даркор.

— Саодатли хабар келтирган эрсангиз, узр сўрамоғингизга ҳожат не?!

— Қутлуғ хабар, тақсир...

— Наби,— мезбон дарбонга қаради,— меҳмонни хос хонага бошланг.

— Юринг, меҳмон,— дарбон чопарни пешайвонга туташ уйга бошлади.

Хонтахта атрофига банорас кўрпачалар солинган, тоқчаларида бир неча жинчирик ёниб турган кенг хонага кирдилар. Дарбон дастурхон ёйди-да:

— Сиз бемалол...— деб, ташқарига чиқиб кетди.

Ҳаял ўтмай мулозим мурч гулли чойнақда чой келтирди. У дастурхонни тузаб улгурмасидан, остонада Фазлуллоҳ ҳазратлари кўринди. Йигит ўрнидан турмоқчи эди, Абулайсий елкасига қўлини қўйди:

— Асло безовта бўлмағайсиз. Узоқ йўлнинг заҳмати кўп бўлур.

Абулайсий курсининг йигитга қарама-қарши тарафига ўтиргач, фотиҳа учун қўл очди. Сўнг чопардан йўл таассуротларини сўради:

— Қандай хабарлар келтирдингиз, ўғлим?

Йигит чопонининг барига яширилган мўъжаз мактубни олиб, Абулайсийга узатди:

— Султон Ҳусайн Мирзо бирлан ҳукмдоримиз Абу Саид Мирзони мурасага келтирмоқ ниятида Ардашер ҳазратлари Балхга келиб эрдилар. Ушал кун Алишер Навоий Мирзо ҳам Балхга кўнибдурлар. Локин, ҳазрат бирлан юз кўришолмай Самарқанд сари йўл солибдурлар... Ҳазрат Машҳадга қайтганларидин сўнг, шоғирдларининг доруссалтанага келғонидин огоҳ бўлдилар. Алишер Мирзонинг бу режасидин беҳабар қолғонларидин надомат чекдилар. Ушбу номани битиб, сизга етказишимни буюрдилар...

— Уқинг, ўғлим.

Чопар номани овоз чиқариб ўқиди:

— Салому иноятдин сўнг шул нарсани маълум қилурменки, пуристеъдод фарзандим Алишер шаҳри мунавварага кўнибдур. Дўстлигимиз ва ҳаммаслақлигимиз ҳақи, шул йигитнинг тарбиятини ўз назоратингизга олғайсиз... Ғариб-мусофирчиликда ташвишга ботиб, иқтидорини ҳою ҳавасга совурмаса...

— Навоий...— деди Абулайсий, ҳайратда,— Алишер Самарқандда?! Қачон келибдур? Қаерга кўнибдур? Нечун мен беҳабармен?!

— Адашмасам, Алишернинг доруссалтанага келғонига салкам икки ой бўлди...

— Шундай фозил йигитнинг ташрифидан беҳабар қолғонимни қаранг...

Тонгда, нонуштадан сўнг чопарни Ҳасан Ардашерга жавоб номаси билан Машҳадга жўнатган Абулайсий, мулозимларидан бирини Мирзо Улуғбек мадрасасига юборди. Хожа Хурд билан холи суҳбатлашиш истаги унинг хотиржамлигини ўғирлаганди.

## Худо ёрлақан йигит

— Пиримиз, ат-тавоҳир Шарафиддин Алининг ғайритабиий руҳлар хусусиндаги китобатининг илк қораламаларини мутолаа учун бериб эрдилар. Анда бир ҳикоят бор эркан.

Абулайсийнинг қизиқиши ортди.

— Қани, қани?

— Яздийнинг баён қилишларича, Табриз сари йўл олган карвон манзилга яқинлашиш олдидан, норта устида мудраб ўтирган бир бола қум устига қулабдур. Карвон йўлида давом этибдур. Чунки, болакайнинг йиқилганини ҳеч ким сезмабди. Бола қум бархани устинда бир фурсат ухлабдур. Қуёш таъсирида уйғонибдур. Атрофни кўрқув билан кузатибдур. Баногоҳ уфқда нуқта кўринибдур. Ушал томон югурмоқ истабди-ю, бир неча қадамдин сўнг яна қумга қулабдур. Юришга ҳоли асло келмабдур, тамоғи қақраб, лоҳас бўлибдур. Бир маҳал эса қулоғига момосининг «Чанқадингму, болам, ол, сув ич!» деган овози эшитилибдур. Кўзини очса, қум устида кўза тўла муздек сув турганмиш... Атрофда ҳеч ким йўқ!.. Ҳайратдан не қиларини билмабдур. Ниҳоят, ташналигини қондириб, карвон изидин югуриб, анга етиб олибдур.

Битикни пиримизга қайтарғон чоғимда, «Бул ҳикоят ким хусусиндалигини англагандирсиз?» дея сўрадилар. Елка қисмоқдин ўзга жавобим йўқ эрди. «Шул йигит тарбиятингизни олмоқдадур». Сездимки, сўз Навоий ҳақида. «Бул йигитга гўдаклигидаёқ тагнинг муборак нигоҳи тушган. Илло, раҳмат нури анинг қалбини тарк этмағай», дедилар пиримиз.

— Тасанно!— Фазлуллоҳ Абулайсий ёш боладек қувонди.— Яратганнинг муруввати беқиёсдур.

— Иншоолло.

— Сиз келмасингиздин бурун бир режани ўйлаб қўйғон эрдим. Алишерни хонадонимга, бағримга олсам. Фақиҳ Абулайсий мадрасасинда тарбиятни давом эттирса-ю, бул иқтидорлиғ йигитга ўз боғимдан уй ажратсам.

— Саъй-ҳаракатингизнинг боиси не?— сўради Хожа Хурд бу гапдан ҳайрон бўлиб.

— Сабаби шулким...— Абулайсийнинг Ардашер ҳазратларидан олган мактуб борасида Хожа Хурдга сўз очгиси йўқ эди.— Бир неча фурсат илгари Алишернинг икки ғазалини ўқиб эрдим. Анда ҳадис талқинига андак мойиллик бордур.

— Боғингиздан уй ажратишингиз маъқул. Локин...

Хожа Хурднинг ланж жавоби Фазлуллоҳ Абулайсийнинг ғашини қўзғади:

— Менинг раъйимни қайтарманг.

— Мен эътироз қилмасмен. Локин, пиримиз Алишернинг Мирзо Улуғбек мадрасасинда таълим олаётғонларидин огоҳлар-ку?

— Пиримизнинг ризолиғини олишни каминанинг ихтиёрига ҳавола қилурсиз.

— Бу қатъиятингизнинг бошқа бир сабаби йўқму?!— деди Хожа Хурд, суҳбатдошининг кўзлаган мақсадини пайқолмай.

Абулайсий суҳбатдошининг саволида таассуфни сезиб, изоҳ беришни лозим кўрди:

— Кеча Ардашер ҳазратларидан мактуб олдим.

— Ажаб,— Хожа Хурд ҳайрон бўлди.— Ардашер жаноблари Мирзонинг мадрасада таълим олаётгонидин беҳабар эрканларму?

— Алишер Мирзо мактуб ёзгонидин сўнг огоҳ бўлибдурлар.

Бу гапдан Хожа Хурд бир оз таскин олди. Надоматини яширмай:

— Хўп, яхши. Оқшом Суҳайлий иккисини ҳузуринғизга юборғаймен,— деди.

Хожа Хурдни кузатиб, яна боғдаги сўрига қайтаётган Фазлуллоҳ Абулайсийга боғ юмушлари билан банд бўлиб юрган мулозим рўбарў бўлди.

— Бирор гапингиз борму?— сўради Абулайсий.

— Ҳа, тақсир,— Наби таъзимга эгилган қаддини бироз ростлади.— Уйни меҳмон учун тайёрлаб қўйдим. Бироқ...

— Тинчликми?

— Тушда бозордин қайтишда саҳрофлар растаси қошида тўхтаб эрдим. Хонадонимизга келадиргон йигит хусусинда турли гаплар айтурлар.

— Хўш?— қизиқиб сўради Абулайсий.

— Ани Ҳусайн Мирзо бирлан ҳаммаслак, ёш султоннинг доруссалтанадаги хуфияси дерлар...

— Ажаб гаплар,— фақиҳ бошини тебратди.— Бундай сўзларга асло парво қилманг. Бу ғайр кишилар тарқатган миш-мишдур.

...Фақиҳ Абулайс хонадонига Суҳайлий билан бирга келган Алишер остона ҳатлаётиб, ҳаяжондан энтикиб кетди. Фазлуллоҳ Абулайсий таърифини у устози Ардашердан кўп эшитганди. Айни вақтда, бу учрашув дилига ғурур ва иштифоқ солганди.

Боғ этагидан оппоқ ятак, устидан яшил барқут тўн кийган хушбичим қария кўринди. Юзидан нур ёғилиб турган бу қария ўша, фақиҳ...

Алишер Абулайсий билан қай тарзда сўрашишни билмай, қадам босган ерида туриб қолди.

— Самарқандга келгонингизга кўп вақт бўлибдур, лекин каминанинг кулбасига нечук қадам ранжида қилмайсиз?— деди Абулайсий Алишернинг елкасидан қучиб.

— Тақсир, қуёшга тик боқмоқ учун ўткирроқ кўз, анга дош бермоққа лойиқ журъат лозим.

— Тасанно...— Абулайсий йигитнинг ҳозиржавоблигидан яйради.— Дўстим Ардашер мактуб ёзмағонида, рухсорингиздин бенасиб бўлур эрканмен-да.

Алишер Абулайсийга ҳайратланиб тикилиб қолди:

— Ҳазратдин нома олдингизму?

— Нима, бу ҳол сизни ажаблантирурму?— Фақиҳ хиёл жилмайди.— Яхши-ёмон кўздин асрамоқлиғни илтимос қилиб мактуб йўллабдурлар.

— Устоз тавсифингизни кўп сўзлаб эрдилар...

— Дўстим «ихрожнинг боисини Алишернинг ўзидин билуб олғайсиз», деб ёзибдурлар,— Абулайсий Алишердан бу ҳақда очиқ сўрашга ботинолмади, уни ранжитиб қўйишдан чўчиди.

— Тақсир...— Алишер гапни қай йўсинда бошлашни билолмай қийналди.— Бир неча ой ҳукмдоримизнинг давлати сояларинда саркотиблиғ лавозимида ишладим. Ул олий зот Балхга вазифа бирлан юбориб эрдилар. Шул вақт ичинда Ҳирийда амаким Муҳаммад Алини бадахшонийлар сардори Шох Бадахшоний ила дорға осибдурлар...

Алишер хўрсиний, сўзини давом эттирди:

— Қўлимдин кўп ғайриинсоний фармонлар, мактублар ўтди. Маълумингизким, султон Ҳусайн Мирзо бирлан дўст эрурмиз. Болалик чоғимизданоқ доимо бирга бўлгонмиз. Абу Саид Мирзо онҳазратлари иккимизнинг орамизга нифоқ солмоқни ният қилмишлар ва ниятларига етмишлар... Ҳусайн Мирзо шохимизнинг баъзи хунхўр, жаҳолатлиғ беклари раъйига қарши иш кўрди. Анинг саяъ-ҳаракати соҳиби давронга маъқул бўлмади... Султонимизнинг тарихи сизга маълумдир...

— Султон Ҳусайн Мирзо темурийлар ичинда кўп фазилатли, иқтидорлиғ шаҳзодадур.— Абулайсий меҳмонларни боғ ўртасидаги сўрига бошлади.— Қани, азияларим, дастурхонга ўтайлиғ... Остонада суҳбатлашмоқлигининг хосияти бўлмас...

Улар боғ ичидаги баланд сўрига тайёрланган дастурхон атрофига ўтиришгач, Абулайсий узилиб қолган гапини давом эттирди:

— Султон бирлан Самарқанд ҳибсидин озод бўлгон чоғинда мулоқотда бўлгонмен. Ақли тиниқ, фаолияти равшан. Эзгу ниятларини амалга оширмоқ учун баъзида қурол ила курашмоқ лозимлиги ани кўп қийнаб қўйгон. Лек, юрт осмонидан нурли офтобнинг чиқишига биз ҳам муштоқмиз. Алқисса, сизни бу ерга чорлашдин муддао...— Фазлуллоҳ Абулайсий Алишерга зимдан тикилди.— Алишер, изнингиз каминанинг ихтиёрида бўлур. Монелиғ билдирмасангиз, бугундин эътиборан мен ота, сиз фарзанд...

— Сиз оталик қилурмен десангиз, нега қарши бўлай,— деди Алишер, ўксик кўнгли тоғдек кўтарилиб.

Абулайсий мулозимни чақирди:

— Наби!

Мулозим сўри зинаси бўсағасида тўхтаб, таъзим қилди:

— Лаббай.

— Мир Алишерни ҳозирланган уйга бошлаб борурсиз,— Абулайсий Алишерга қаради.— Агар уй сизга маъқул бўлмаса Набига айтурсиз, ўзга чорасини кўрадур... Бу такаллуфдан Алишер ноқулай аҳволда қолди. Хожэ Хурднинг таъбирича, Фазлуллоҳ Абулайсий уни фақат суҳбат учун чорлаганди. Ул эрса...

— Тақсир, ижозатингиз бирлан мадрасадаги ҳужрани маъқул кўрсам...

— Асло,— Абулайсий унинг сўзини бўлди,— Сизга мадраса хонасида яшаш ярашмайду. Мана, Суҳайлий айтсун.

Суҳайлий кўлини Алишернинг елкасига қўйди:

— Самарқандга келдингизу барчанинг диққатини тортдингиз. Ҳазратнинг таклифига кўнаберинг.

Алишер индамай туриб қолди. Орзуманд бўлган кунларига осонгина эришганига ишонгиси келмасди.

\* \* \*

Бу нуфузли хонадонда аввалига Алишер пича тортиниб юрди. У мадрасадан қайтагач, ёлғиз қолар, баъзида мутолаа қилишдан зерикканида, қандай юмуш билан банд бўлишни билломай Набини суҳбатга тортар, шундан бир қадар таскин оларди. Мулозим Алишерга боғланиб қолди. Ҳеч бир дардини ундан яширмай сўзлар, баъзида ўзидан ўн беш яшар кичик йигитдан маслаҳат сўрашдан ҳам тортинмасди.

Бир кун Наби чивитсават тўла мева билан Алишернинг хонасига кириб келди. Алишернинг мутолаа билан банд эканлигини кўриб, изига қайтмоқчи эди. «Бирор гапингиз бор эрдими, оға?» деган сўров билан Алишер уни тўхтатди.

— Хаёлингизни бўлмайин дегандим...— деди мулозим, гуноҳкор оҳангда.

— Гапингиз зарур кўринаду.

— Ҳа, ҳа,— деди Наби бироз дадиллашиб.— Бозорга бориб эрдим. Мевафуруш бирлан савдолашиб тургон чоғимда, навкар кийимидаги йигит қаршимда пайдо бўлди. «Сиз Абулайс хонадонига яқинмусиз?» деб сўради. «Ҳа», дея жавоб қилдим. Ул йигит яна «Мир Алишерни шул муборак хонадонга кўнғонини билиб эрдим, шу ростму?» дея саволга тутди.

Набининг бир зум жимиб қолиши Алишерни сабрсизлантирди.

— Сиз не деб жавоб қилдингиз?

— Ҳусайн Мирзо бирлан дўст эрконлигингиз бутун Самарқандга маълум. Йигит амирул-умаролардин бирининг хуфияси эрмасмикин, дегон уйга бордим. Бегона кимсага елка қисидин ўзга чора қилолмадим...

«Оқ кўнгил кишилар одатда содда бўладилар,— дилидан ўтказди Алишер.— Абу Саид Мирзо ҳазратлари фақирга муҳтожлиғ сезсалар, хуфиялари ҳеч бир мушкулотсиз каминани ҳам, алқисса, бошқа бировни ҳам осон топулар. Наҳот шу ўй бу банданинг фикрига келмағон?! Йўқ, ҳадиги бўлак...»

— Менинг бу хонадонга кўнғонимни билғон киши нечун бу ерга келмайду?

— Қайдам,— Наби елка учирди.— Бул гапни ўринсиз айтғонимни қаранг. Айни чоғда, бозордин қайтишимда кулбангизга кириб, сизни нонуштага таклиф этиш ниятим бор эрди. Ҳазрат кутаётган эрсалар, ажабмас.

— Устоз таклифларини асло рад этмасмен, локин,— Алишер бироз хаёлга чўмди.— Бозорга яна бориб келмоқ учун имконият топурсизму?

— Муддоингизни англадим,— Наби кўлидаги саватга ишора қилди.— Не учун имконият топмасмен?! Лекин ўшал йигитни учратиш яна насиб этурмикин?

— Мен бирлан кўришиш истаги кучли эрса, сизни албатта кутаду.

— Балки...

Алишер устози бирлан нонушта қилмоққа, мулозим эса яна бир баҳонада бозорга бормоқ шаштида боғга қараган пешайвон томонга йўл олишди.

... Нонуштадан сўнг, Фақиҳ Абулайсий бесаранжом Алишернинг дилидагини англамоқ истагиде уни саволга тутди:

— Алишер, ўғлим, фақирнинг хонадонига қадам ранжида қилғонингизга кўп бўлди. Кўнглингизни хижил қилмоққа лойиқ камчилик йўқму?

— Асло, устоз,— деди Алишер, ўтирган еридан бироз кўзғалиб қўяркан.— Бу хонадон боғи эрамнинг ўзи эркан. Улуғбек Мирзо ҳазратлари бино қилғон боғдин ҳеч кам ери йўқ. Ани бу қадар меҳр ила парварш қилғон боғбонга ташаккур.

Фазлуллоҳ Абулайсий Алишернинг жавобидан мийиғида кулди, уни яна синаш учун байт ўқиди:

**Чун беҳишт оят фатҳ аз рўйи боғ,  
Булбулаш гар гум шавад ёбад шикаст.<sup>1</sup>**

<sup>1</sup> Маъноси: боғнинг кўринишидан кўз ўнгингда жаннат очилгандай бўлади, агар бу боғнинг булбули бўлмаса, унинг кўринишига шикаст етади.

Абулайсий бу байт билан Алишернинг ушбу хонадонга ташрифига тавсиф берганди. Алишер ҳам байт билан жавоб беришни лозим кўрди:

**Тобга тушти куёш панжаси ҳусннинг қўлидин,  
Сидра гар ҳамқадинг ўлса, қуёш ўлғай ҳамдаст...**

Абулайсийнинг қўли дили очилди:

— Алишер, сиз ила мусобаҳа қилиш учун шоир бўлиш даркор.

— Устоз, сизнинг айтғон байтингиз жуда нафис...

— Бироқ, сизнинг ашъорларингиз ила беллаша олмас.

— Устоз,— Алишер дилига тугиб қўйган саволни беришга узоқ тараддудланди.— Фикримни аниқ баён қила олмадим чоғи. Хонадонингизда бебаҳо бойликнинг шоҳиди бўлдим...

— Қандай бойлик?! — ажабланиб сўради Абулайсий.

— Онги мажруҳ кишилар учун олтун, зебу зийнатлар бойлик саналур.

Фазлуллоҳ Абулайсий аввалига Алишернинг нимага ишора қилаётганига тушунмай, ҳайрон бўлди. Кеча оқшом китобхонада мутолаа билан машғул бўлганини эслаб:

— Э, гап китобхонада денг, ўғлим?— деди хурсанд бўлиб.— У тўлуғича ихтиёрингиздадур.

— Ташаккур,— Алишер муддаосига эришганини ҳис қилиб, миннатдор оҳангда деди.— Рухсат берсангиз, Улуғбек Мирзо ҳазратларининг мўъжаз девонларини қўлга олиш бахтига муяссар бўлсам...

— Уғлим, нияти эзгу бўлган фарзанд қутлуғ иш учун рухсат сўрамайдур. Бемалол.— Абулайсий яна ёстиққа ёнбошлади.

Алишер Абулайсий ҳузуридан эҳтиросли бир илинж билан ўз хонақосига қайтди. Хонасида сипоҳ кийимидаги ийигит ҳамда мулозимни кўриб, хижолат бўлди:

— Узр, бироз ҳаяллаб...

Эшикка орқа ўгириб ўтирган сипоҳ, Алишер томонга кескин ўгирилиб, чаққон ўрнидан турди. Алишер Ҳусайн Мирзонинг сипоҳтовачисини кўриб, бир фурсат тек туриб қолди:

— Абдухалил оға? Сизни ҳам кўрар кун бор эркан-ку?!

Иккиси қучоқлашганча узоқ ҳол-аҳвол сўрашишди. Алишер сипоҳтовачининг бағрида юрт нафасини, биродарининг меҳр тафтини туйди:

— Балхдин қандай хабарлар келтирдингиз?

— Узр, иним, саволингизга жавоб бермоққа ожизмен.

— Омонлиғму, ахир?

— Балхни султонимиз ила тарк этғонимға ярим йил бўлмиш,— деди товачи тушкун бир кайфиятда.— Нишопурга кўндик. Ушандан бери ёру дўстлар рухсоридин бенаибмиз.

— Иккимизнинг дардимиз бир эркан,— Алишернинг кўнгли чўкди. Кайфиятини сездирмасликка уриниб, сўради.— Мирзонинг аҳволи нечук? Тағойимизнинг сиҳатлари қандай?

— Балх қўлдин кетгандан сўнг, Ҳусайн Мирзо бир фурсат майга ружу қилмишдурлар. Локин, Ардашердин мактуб олиб, Самарқандда эрконингизни билиб, кўнгиллари равшан тортмиш. Шу илинж ила мактуб бирлан ҳузурингизга юбормишлар.

Товачи бирлан Алишернинг бу учрашувидан ҳайратга тушғон Наби уларни бир фурсат кузатиб турди. Кейин мулозимат қилди.

— Дастурхон мунтазир бўлмасун...

Товачи берган номани ўқиб бўлгач, Алишер қимматли нарсасини йўқотган кишидек карахт бўлиб қолди. Ҳеч бир сўз демай ўрнидан турди. Остона томон икки-уч қадам ташлади. Сўнгра орқасига кескин ўгирилиб:

— Наби оға, қайтгунимга қадар меҳмон ҳурмат ва иззатда бўлса...— дедида, чиқди.

Алишердаги бу ўзгаришнинг сабабини англаб етмаган товачи ажабланиб мулозимга қаради. У ҳам ҳайрон эди.

— Ажаб, Мирзода бундай фаромушлиғ хислати йўқ эрди,— деди мулозим.

— Балки, мактуб...— деди-ю, сирдан мулозимни огоҳ қилиб қўйгандек, товачи лабларини қимтиди...

\* \* \*

...Алишер Самарқанд фозилларидан шаҳар қўрғонига ҳужум қилган сипоҳлар, асирлар ва қурбонлар ҳақидаги узуқ-юлуқ миш-мишларни эшитар, аммо уларга деярли эътибор қилмасди. Чунки тахт таллашиб, жанг қилаётган бекларнинг тарих ва таърифи кўплар қатори Алишерни ҳам қизиқтирмасди. Бироқ, бугун Нишопурдан келган мактуб унинг фикри хаёлини телба-тескари қилиб юборди. Ўз номасида Ҳусайн Мирзо Самарқанд сарҳадлари бўсағасидаги жанг тафсилотини баён қилган, сўз сўнгида асир

тушган сипоҳбандлар орасида Алишернинг амакиси Муҳаммад Али ҳам борлигидан огоҳ этганди.

Хабар Алишерга қаттиқ таъсир этди. Бу вазиятни тасаввурига сира сиғдира олмасди. У доруссалтананинг нуфузли хонадонида роҳатда бўлса-ю, амакиси шу шаҳар зиндо-нида азият чекса...

... У қалбини ўртаётган ўйлар исканжасида Мирзо Улуғбек мадрасаси рўпарасига келиб қолганини сезмади.

Қулоғига таниш бўлнинг оҳанги эшитилди. Мадраса майдонидаги чинор соясида ўтирган дарвишни кўриб, аста яқинлашди.

**Кўкрагимдур субҳнинг пираҳанидин чокроқ,  
Кипригим шабнам тўкилган сабадин намнокроқ...**

Алишер ғам-андуҳ гидробида дилидан қуйилиб келаётган мисраларни овоз чиқа-риб ўқишдан ўзини тўхтата олмади:

**Бу кўнгил ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,  
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокроқ...**

Дарвиш қироатдан тўхтаб, ҳайратдан лол бўлган Алишерга тикилиб қолди. Али-шер ўқиётган мисралар уни бутунлай ўзига ром қилиб қўйганди.

— Ўғлим, сиз менинг байтимга харидор бўлғон эрдингиз. Энди эрса, мен сизнинг ғазалингизга ошуфтамен!

— Ани сотмасмен...

Дарвиш, ёдига Алишер билан бўлган ўша учрашув тушиб, мийиғида кулди. Унинг синиққан, рангпар чеҳрасида илк бора қувонч нишонаси кўринди:

— Бебаҳо денг?

— Ҳа,— Алишер ўрнидан турди.— Баҳоси бекиёс... Мен ани фақир учун азиз бўлғон кишининг ҳаёт — омонлиғига алишгум...

Дарвиш Алишернинг гапини англолмай, унинг изидан узоқ кузатиб қолди...

Хонада ҳеч ким йўқ. Боғ сув кўйгандек жим-жит. Сукунат. Хонани чулғай бошлаган қоронғулик, зудлик билан ҳал қилинмоғи шарт бўлган юмуш ташвиши Алишерни ўз зулумоғига олганди.

У амакиси билан бўлган охирги учрашувини эслади. Ушанда анча ёш эди. Отасининг қирқи ўтгандан кейин амакиси Алишерни ўз ҳовлисига, Машҳадга олиб кетди. Саййид Ҳасан Ардашер тарбиятига берди. Оғаси Мир Саид бадахшонийлар сафида исён кўта-риб, асирга тушгандан кейин бу оила Абу Саид Мирзо беклари томонидан қувфинга олинди. Ана ўша таҳликали кунларда Алишер Самарқанд зиндонидан озод бўлган, ўз қўшини билан Балх музофотини эгаллаган Ҳусайн Мирзога мактуб йўллаб, амакиси Муҳаммад Али оиласини бағрига олишни илтимос қилди. Илтимоси инobatга ўтди...

Бўлиб ўтган аянчли воқеаларнинг сабабчиси Алишернинг назарида фақат бир киши — Абу Саид Мирзо эди.

Дилини ўртаётган алам Алишерни қўлига қалам олишга мажбур қилди. У жинчи-роқнинг пилигини юқорироқ кўтариб, қоғозни яқинроқ сурди. Ёзажак фикрини ичида такрорлади:

— ...Ҳар тонг то қуёш нурлари гўзаллик юртининг сипоҳлари ҳимояти учун тонг дарёсидан ҳандақ қазиб, зулмат қўшинини дафъ этгай ва ҳар кун то ҳандақдин чиқиб, қора туннинг гулчеҳралари сунбул зулфидек паришон қўшинини тору мор қилиб, осмон кўрғонини қўлга киритсун. Ул очик, офтобдек яхши ниятли отлиқлар шоҳи учун тангри таоло дарё-кўллардан ҳандақ қилиб, душман қўшинини ўз домига тортсун. Нусратнишон шоҳимизга ҳушёрлиғда мағлублиғ дарёсидан тонг шамолидек ўткариб, хокисор душманнинг туфроғини кўкка совуриб, юрту мамлакат кўрғонини қўлга кири-тишни насиб қилсун!...

Алишер номани ёзиб тугатаётганда, товачи билан мулозим кириб келишди. Али-шер қоғозни китоблар орасига яшириб, ўрнидан турди:

— Оға, бормусизлар?! — деб сўради хавотирини яширмай.

— Меҳмон билан шаҳарга бориб эрдик.— Мулозим шундай деб, хонтахта устида-ги чойнакни олиб ташқарига чиқди. Алишер билан товачи ёлғиз қолишди.

— Алишер,— деди товачи, босиқлик билан.— Азиятингизнинг боисидин огоҳмен. Шул ташвиш бирлан шаҳарда бўлдим. Асир тушғон сипоҳлар хусусинда сўраб-суриш-тирдим. Наби менга рўбарў қилғон кишининг айтишига қарағонда, асирлар қатл қили-нур, аларнинг бошлари Ҳирийга юборилур...

— Наҳот яна бир тағойимнинг ҳам бошига етсалар?! — Алишер ич-ичидан эзил-ди.— ... Кимнинг ҳузурига бордингизлар?

— Амир Тархоннинг...

— Нима? — Алишер таажжубдан овозининг бир парда кўтарилганини сезмай қол-ди.— Жаллоддан жон омонлиғини сўрамоқ...

— Мушкулингизни осон қилмоқ...

<sup>1</sup> Бу матн 1467 йили Алишер Навоийнинг Ҳусайн Бойқаро Мирзога ёзган жавоб мактубининг бошлама-сидир.

— Мундин мулозим огоҳму?— сўради Алишер хавотирда.

— Асло.

Алишер ўйга чўмганча, паришон бир кайфиятда узоқ ўтирди. Товачининг васийноиб ҳузурига борганлиги сира кутилмаган ҳол эди. Амир Тархон Султон Аҳмаднинг ўнг қўли эканлиги, баъзи масалаларда Аҳмад Ҳожибекка зид иш тутиши Алишерга сир эмасди.

— Сипоҳбанднинг кимлиги ноибга аён бўлгандур?— сўради Алишер.

— Сипоҳбанднинг хешингиз эрканлиги ул кишига қоронғу. Алқисса, Ҳусайн Мирзо бир суҳбатда Амир Тархонга ҳурматини аён қилгон эрдилар... Султонимизни зиндондин ноиб жаноблари озод қилгон эрканлар...— Бу жавоби билан товачи, ўз хатти-ҳаракатини оқлаган бўлди.

— Ферузабегим<sup>1</sup> ўз қўллари ила ёзган мактуб сизга ҳеч ишора бермайдурму? — деди Алишер, куйиниб.— Амир Тархон жанобларининг илгариги хислатларига собитлиликка шубҳам бор. Айни чоғда, бошқа бир марҳаматлиғ султоннинг кимхоб тўнларини кийиб юрибдур.

Товачи ўйланиб қолди.

— Мендин хатолиғ ўтибдур-да...— деди сўнг гуноҳқорона оҳангда.

— Ул жаноблари мулозимни кўрмаган эрса, бир нави... Агар кўрган эрса... хуфиялари ани сиз бирлан биргалигини хабар этсалар-чи?!

Ўзи айтган бу гапдан Алишернинг дилига ғулғула тушди. Унинг назарида қатл худди шу дақиқадаёқ амалга ошадигандек туюлди.

— Не чора кўрмоқ керак?

— Ноиб жаноблари сизга қандай жавоб қилмишлар?— товачининг саволига эйтибор бермай сўради Алишер.

— Чораси мушкул, аммо бор, деди...

— Чораси...— Алишер хаёлига келган фикрдан ўйланиб қолди. — Мушкул, аммо бор...

Алишер «ҳукми қози» деган нарсалардан узоқ, кўп ҳолларда буни айнан англаб етмасди. Лекин хаёлида ўрнашиб қолгани шуки, ҳар бир юмуш «ҳукми қози»сиз амалга ошмайди. Худди шу ниятда Мир Қаршийнинг дўконига боришга аҳд қилди.

Дўкон ичкарасидаги мўъжаз пешайвонда Суҳайлий билан Мир Қаршийнинг суҳбатлашиб ўтирганини кўрган Алишер бемаврид келганини ҳис қилди.

— Алишер, иним, Самарқандга қадам ранжида қилгонингизга салкам йил бўладур. Таассуротларни сўрамоқнинг айни фурсатидур,— деди Суҳайлий, Алишернинг чехрасидаги тундликни кўтариш ниятида, қувноқлик билан.

— Таассуротларим бир жаҳон. Куни кеча ашўор битиб эрдим.

— Сиздин нафис ғазал тингламоққа орзумандмиз.— Хурсанд бўлди Мир Қарший. Алишер бир нуқтага тикилган кўйи, кеча тунда битган ғазалини ўқиди.

Телба кўнглума хирад аҳли маоши қайдадур,  
Телбага рўзий бажуз афтол тоши қайдадур.  
Субҳу шомим саъб эканин билғай улким, билмағай,  
Ким, кеча ойи қаён, кундуз кўёши қайдадур.  
Ул кўзи қоши қорага ойни ташбиҳ айламанг,  
Ойнинг офатлиғ кўзи, пурфитна қоши қайдадур.  
Бетаҳоший жон олур деб мани кўп кўрқитмангиз,  
Жон берарда менда ҳам таҳоши қайдадур.  
Гар кўёш ҳажрида тун юзинда анжум ишқи бор,  
Мендек ул гул ҳажрида гул ранг ёши қайдадур.  
Даҳр гулзорида гул ишқиға булбулнинг уни,  
Гар бийик бўлғай фиғонимдин ҳароши қайдадур.  
Кўйида итлар узуштилар Навоий хастани  
Ким эмас, зоҳирни, жисми қайда, боши қайдадур...

Алишернинг қироат билан, нафас ютмай ўқилган ғазалидан ҳам Суҳайлий, ҳам Мир Қарший ўйга толишди.

— Иним, айтинг, бул ғазалингизда нечук тушкунлик сезилур? — сўради Мир Қарший.

Бу саволга жавобан, Алишер не мақсадда келганини қисман ошкор этишни маъқул кўрди.

— Шаҳри азимда сиздин ўзга дардкашларим йўқдур. Айни чоғда кўмагингизга муҳтожман...

— Муҳтожлик ҳусусинда сира ўйламанг,— деди Суҳайлий, кескин тарзда.— Сизни қўлламоқлик бурчимиз...

— Тортинманг, не мушкулот сизни қийнайдур, Алишер? — астойдил сўради Мир Қарший.

<sup>1</sup> Ҳусайн Бойқаро Мирзонинг онаси.



— Қисқа фурсат ичинда бир китобат тайёрлаш мумкинму?  
— Ҳа,— деб жавоб қилди Мир Қарший.  
— Тақсир, Самарқандда битгон ғазалларимни жамлаб, бир девон тузмоқ истагидамен.

— Жуда маъқулдур,— деди Мир Қарший, мамнун бўлиб.

— Аҳли назм ва фозил анчадан бери шундай девонга муҳтождур,— Суҳайлий Алишернинг ниятини тўла қувватлади.— Султон Али ҳаттотлиғ қилгон девонингиз қўлдин-қўлга ўтиб, ғазал ошиқларининг дилини чаман айламоқда.

— Каминанинг бетакалллуфлиги учун айбситмагайсизлар.— Алишер айтажак гапидан минг бир хаёлга бориб.— Фақирни тузилажак девоннинг даромади кўпроқ қиқтирадур.

— Даромади? — Мир Қарший, Алишерга хос бўлмаган бу гапдан ажабланди.— Иқтисоддин қийналгон эрсангиз, кўмак берурмиз.

— Оға,— Алишер Суҳайлийнинг сўзларидан баттар хижолат тортди.— Қарз-ҳавола қилмоқчи эрмасмен, асло... Бўлажак девоннинг даромадини бир савоб юмушга сарф қилмоқ истагидамен...

— Сир бўлмаса, бизга очикроқ сўзланг, балки сиз ўйлагон харажатнинг ҳожати бўлмас...

— Харажатсиз чораси йўқ кўринадур. Ҳукмдоримиз Аҳмад Ҳожибек ўрдасинда нусратнишон шоҳимизнинг сипоҳлари авахтада эркан. Ана шу асирлар орасиндаги икки сипоҳбандни ҳибсдан қўтқармоқ ташвиши мени қийнайдур...



Гап нима хусусида эканини Суҳайлий тушунди:

— Иним Алишер, устоз Абдулайсий бирлан маслаҳатлашдингизму?

— Устозга бу ҳақда гапирмоқча ориятим йўл қўймас,— жавоб берди Алишер.

— Хато ўйлайдурсиз. Ахир ул киши кўпни кўрган фақиҳдур. Нечун устоздин маслаҳат олмоқликдин тортинадурсиз?

— Иним Алишер, устоз сизни ўз фарзандим деганлар,— Суҳайлий астойдил куйинди.— Бас шундай эркан... Агар кўнглингизга олмасангиз сўз солайин...

— Асло...— Алишер жиддий тортди.— Сизга ноҳонидур.

— Оқшом мени кутинг, устоз бирлан бирга ҳамсуҳбат бўлурмиз,— деди Суҳайлий, гап тамом, мен айтгандек бўлади, қабилида.

— Яхши,— Алишер Суҳайлийнинг таклифига кўнди.— Локин, бу хусусда устозга ўзим сўз очурмен.

... Алишер Навоийнинг ҳар қадамда эҳтиёткорлик билан иш кўришига асосли сабаб бор эди. Самарқандда, Фақиҳ Абулайсий хонадонидида яшаб, атрофида рўй бераётган воқеаларни тушуна бошлагач, тахт учун қилинган ҳар қандай таҳдиднинг оқибати ёмон тугашини ўз тоғаси мисолида ҳис қилди. Кейинчалик, Набидан ҳам бироз ўзини тортадиган бўлди. Бу мулозим телбанамо бўлса-да, худди тийрак кишилардек, кўп нарсаларни икир-чикиригача сўраб, билиб олишга уринарди. Товачини Амир Тархон ҳузурига бошлаб боргандаёқ, Алишер бунда бир асрор борлигига шубҳа қилганди...

\* \* \*

...Фазлуллоҳ Абулайсийнинг меҳмонлари — Амир Тархон ва Хожа Хурд рўй беражаги мумкин бўлган воқеалардан фақиҳни ўз билгиларича огоҳ қилиб қўймоқ истагида эдилар.

— Кеча тонгда қўлимга мана бу мактуб тушмиш,— деди Амир Тархон қўлидаги қоғозга ишора қилиб.

Абулайсий таажжубланиб мактубни олди. Уни ўқишни ҳатто истамади ҳам:

— Бир бекнинг иккинчисига ёзғон номасидур... Шунга ҳам ташвишму?! — деди эътиборсизлик билан.

— Мактуб муаллифи ким, деб сўрамайсиз ҳам?! — Амир Тархон Абулайсийнинг бепарволигидан хуноб бўлди.

— Кимдин эркан!

— Тақсир, ўқимоғингиз лозимдур...

Амир Тархоннинг бу истагини Хожа Хурд бажаришни маъқул кўрди:

— Менга беринг,— деди у,— мен ўқийин...

Мактубни ўқиб бўлгач, Хожа Хурд уни ноибга узатди:

— Номаълум амирга битилғон нома...

— Номаълум?! — деди энсаси қотиб Амир Тархон. Икки қариянинг фикри бир хиллигидан хуноби ортди.— «Нусратнишон султон» калимаси наҳот ҳеч бир сўз айтмаса?! Яна, мана бу жумлаларга ҳам эътибор қилинг — «хокисор душманнинг туфроғин кўкка совуриб, юрту мамлакат қўрғонини қўлга киритиш насиб қилсун...»

— Бу салтанатимизга очиқ таҳдид-ку? — деди ўқиган хатининг маънисини шу сўзлардан сўнг англаб етган Хожа Хурд, капалаги учиб.— «Нусратнишон султон» дегонда Ҳусайн Мирзони назарда тутмасларму?

— Худди шундай,— деди Амир Тархон.— Муаллифи эрса Алишер Навоий!

Бу гапдан Фазлуллоҳ Абулайсий ўтирган ерида бир кўзғалиб олди:

— Ишонмасмен! Кўпгина ашъорнависларни ўз иқтидори, фазилатлари, назми ила орта қолдирғон шоир сиёсат бирла шуғулланса?! Ишонмасмен! Бир бегуноҳга тухмат қилиб, даввосига қолмангиз!

— Менга ахборот берғон кишилар кўп чиғириқдан ўтғонлар,— деб жавоб қилди Амир Тархон Абулайсийнинг фикрини қатъий изҳор қилишдан оғриниб.

— Агар сўзларингиз рост эрса,— деди надомат билан Абулайсий,— Алишер бул ишга қўл урғон эрса, номақбул иш қилибдур. Анинг вазифаси қунт ила илм олмоғлиғ, ашъори бирлан халқнинг кўнглини равшан этмоқлиғдур...

— Мен ҳам шундай деб ўйлайдурмен,— суҳбатга қўшилди Хожа Хурд.

— Икки калима мактубни асос қилиб, кишига баҳо бермоғлиғ ожизлиғдур,— деди Абулайсий.— Ҳасан Ардашер ҳазратлари Алишерни каминанинг бағрида таълим олмоғига бесабаб орзуманд бўлмағонлар, Алқисса, Алишер куни кеча Ардашер ҳазратларига йўллаган шеърый мактубидан нусха бериб эрди.— Абулайсий ўрнидан туриб, нақшин токча жавонидаги китоблардан бирининг саҳифаси орасига яшириғлиқ қоғозни олди. Жойига қайта ўтираркан, уни Хожа Хурдга узатди:— Мана, тақсир, бу мактубни бехуфия ўқимоқ жоиздур.

Абулайсийнинг кесатиғига жавобан Амир Тархон бир сўз айтмоқчи эди, бироқ Хожа Хурд мактубни овоз чиқариб ўқий бошлади:

Ҳам эл манзилини шоҳ катакдек бузиб,  
Товуғ ўрнига чўғз ўлтурғузуб...  
Қаро пул учун айлабон қатл фан,  
Ўлукдин тамаъ айлаб аммо кафан.  
Ўлим келса бир зор бедил сари  
Мадад айлабон лек қотил сари...

— Бу мисраларда ҳам киноя мужассам.— Амир Тархон яна ўз фикрини маъқуллади.

— Киноя бўлса бордур. Локин, хатнинг назм-ла битилғони кишини мафтун қиладур. Амир Тархон Абулайсийга монелик қилиш бефойдалигини тушуниб, эътироз билди-

ришни истамади. Алишернинг шаънига айтилган ҳар бир сўз, ҳақиқат бўлишидан қатъи назар, фақиҳ учун тухматдек туюлишини сезди...

Меҳмонларни кузатган Абулайсий Алишер яшаётган уй томон юрди. Хонага яқинлашганда, ғазал ўқиётган Сухайлийнинг тиниқ овози эшитилди:

**...Ошиқ ўлғоч, дониш куйидин туштум йироқ,  
Ваҳ, бу кофирнинг мундоқ айш эрур хосияти.  
Дўстлар, келманг Сухайлийнинг мазори бошига,  
Ким кўнгул бузгувчидур, онинг бузулгон турбати.**

Фақиҳ томоқ қириб йўталди-да, остона ҳатлади:

— Икки шоир анжуман қилса, албат шеър ўқилур.

Йигитлар қутилмаган ташрифдан ноқулай вазиятга тушиб қолдилар. Чунки, улар меҳмонларнинг кетишини кутишаётган эди.

— Нечун ҳайрон турурсизлар? — сўради Абулайсий, таклифни кутмай тўрға чиқиб ўтираркан, фотиҳа учун кафтларини очиб.

— Ҳузурингизга бормоққа орзуманд эрдик,— деди Сухайлий, гапни нимадан бошлашни билмай.

— Ниятингиз фақирга вожиб бўлуб, ўзим келмоққа жазм қилдим.

— Алишер бирлан маслаҳатингизни олмоқ истагида эрдик,— Сухайлий дўстига маъноли қараб қўйди.

Абулайсий «диққатим сизда» дегандек Алишерга юзланди.

— Устоз, фақирни ўғлингиздек кўрғонингиз учун... фикримни ойдин баён қилсам бўлурму?

— Саволга не ҳожат, Алишер? — Абулайсий далда берди.

— Устоз, пойтахтдаги барча воқеалардин огоҳсиз...

— Албатта.

— Эътиборли султонимизнинг сипоҳбандлари ҳукмдоримиз Аҳмад Ҳожибек ўрдасинда авахтада эркан... Ана шу асирлар орасинда қатлга маҳкум этилгон икки сипоҳбандни асраб қолмоқнинг ташвиши қийнайдур.

— Алишер, ўғлим,— Абулайсий Амир Тархоннинг кесатиғини эслаб, бир зум ўйга толди.— Мушкул саволни рўбарў қилдингиз. Ким ҳақинда сўзлаётгангизни англаб турибмен. Омонлиги сўралаётган сипоҳбандларингиз соҳибихтиёрга қарши бош кўтаргонлар... Муаммонинг ечими оғир. Султон Аҳмад Ҳожибекка кунда киши юбориб, асирларнинг бошини оёқлари остига келтиришни талаб қилаётғонидин ҳам хабардормен...

— Еш эрса, бунча хунхўр бўлмаса,— Сухайлий нафратини базўр ичига ютди.

— Хунхўр муҳитнинг тарбиясини олгон... Билъанкс, Аҳмад Ҳожибек ҳазратлари ақл бирлан иш юритишни маъқул кўрмоқдалар.

— Омонлиги сўралаётган сипоҳбандлардин бири фақирнинг тағойиси бўлурлар.— Ниҳоят, Алишер дилини ёрди.

Сухайлий ўрнидан туриб кетаёзди. Базўр ўзини босиб чўккалади:

— Нималар деяпсиз, Алишер? — деди у гапнинг моҳиятини тўла тушунмай.— Тағойингиз?..

— Устоз,— Алишер ҳаяжонини яширолмади.— Тоға ҳам падар демақдур...

— Шундай, ўғлим.

— Бир тағомни дордан асраб қололмадим. Наҳот ягона жигарбандимни кўз олдимда қатл қилсалар-у, томошабиндек кузатишдин ўзга чора тополмасам?!.

Алишер, киприкларига қўнган ёшларини яшириш мақсадида, салласини тўғрилаган бўлди.

— Ҳузуримда Амир Тархон бўлди,— деди Абулайсий, вазминлик билан.— Сиз ҳақингизда баъзи эътирозларини изҳор қилди.

Алишер Абулайсийнинг кўзларига боқди:

— Амир Тархон? — деди тушкун овозда.— Ноиб ҳазратларининг ниятлари не эркан?

— Ниятини ўзи ҳам англолмайду. Икки султон ўртасинда, аросатда қолғондур. Гапи рост эрса, қатл жума кунга тайинланмиш.

— Нима?— Алишер даҳшатга тушди.— Қатл... аёнму?

— Асирларнинг умрини сўрагон киши, шубҳасиз, ҳукмдорнинг ғазабига учрамай...— деди Сухайлий хўрсиниб.— Наҳот чораси йўқ, устоз?

— Азизларим...— Абулайсий, айтадиган сўзлари Алишерга малол келишини ўйлаб, биров хаёлга толди. Босиқлик билан фикр баён қилишни маъқул кўрди.— Сочсоқолим фикихлиғ илмини ўрганиш бирлан оқарди. Бироқ амирзодалар орасиндаги келишмовчиликка асло аралашгон эрмасмен... Расулуллоҳ саллоллоҳу алайҳи ва саллам айтмишларки, «зулм қилувчи золим биродарингга ҳам, зулм қилинувчи биродарингга ҳам ёрдам қил». Сўрадиларки, «золимга ёрдам бериш қандай бўлади?». Жавоб бердиларки, «золимнинг қўлидан тутиб, зулмдан қўтқариб қолишинг анга қилган ёрдамнинг бўлур»... Султон Аҳмад Ҳожибекнинг гапига ҳам юрмаслиғи мумкинду.

— Ҳукмдоримиз Ҳусайн Мирзонинг олижаноб фазилатларига мойиллик изҳор қилишлари ростму? — сўради Суҳайлий.

— Давримиз Амир Темурхон, Улуғбек Мирзо каби султонларга муҳтождур. Каминан Ҳусайн Мирзонинг саъйи ҳаракатларида шу улуғларимизнинг хислатларини кўрмишмен,— деб жавоб қилди фақиҳ. Сўнг таскин берувчи режага илҳақ бўлиб ўтирган Алишернинг елкасидан кучди:

— Уғлим, азият чекманг. Чорасиз юмуш йўқдур. Эртага саройга бориб, соҳибихтиёр фикрини олурмен...

## Амир Аҳмад Ҳожибек хонақосида

Эшик оғаси Самарқанд ноиби Амир Тархон келганлиги ҳақида хабар берганида, Аҳмад Ҳожибек билан Фазлуллоҳ Абулайсийларнинг суҳбати охирлаб қолганди.

Остонада қуллуқ қилиб тўхтаган Амир Тархон тахт ёнидаги вазири аъзам курсисида ўтирган Абулайсийни кўриб, ҳукмдор қандай юмуш юзасидан чақирганини англади. Тахт сари юраркан, беихтиёр кеча оқшом Абулайсий хонадонидида бўлган суҳбатни, ундан сўнг Султон Аҳмад ҳузуридаги мулоқотни эслади.

...Ёш бўлишга қарамай, жиртаки, асабий Султон Аҳмад уни дўқ билан қарши олди.

— Қандай ноиби муҳтарамсизки, арзимаган вазифани бир ҳафтадан бери бажаролмасангиз... Ёки қурбингиз етмасму?

— Қатл қилмоғлиғ, сизнингча, осон юмушму?— Тархон унинг муомиласидан оғринди.

— Қатлни қотиллик ила чоғиштирасиз шекилли,— жиккакдан келган султон тахтдан туриб, Амир Тархоннинг рўбарўсига келди.— Салтанатимиз душманларини ўлдирмоғлиғни қотиллик санамасмен!

— Тўғри, султоним,— деди Амир Тархон, ётиғи билан фикр баён қилишга уриниб.— Қатлга қарши турғон кучлар бор... Алқисса, асир сипоҳбандлардин бири Алишер Навоийнинг хеши-тағоси эркан. Бу масалага Абулайсий ҳазратлари ҳам аралашилари аниқ.

— Яна Алишер Навоийму? Султон Ҳусайн кучни қайдин оладур? — деди Султон Аҳмад норози оҳангда, Амир Тархонга кескин ўгирилиб.— Алишер ул амирзода бирлан ҳамон мактуб алмашиб турибдурму?

— Ҳа,— дея, Амир Тархон аччиқ жилмайди.— Бул хати учун Алишер заррин тумор тиктирибдур...

— Тумордаги зафарнома... Наҳот шоирнинг мактублари Ҳусайн Мирзога мадаккор бўлаётган эрса? Иримларга ишонмасмен,— деди Султон Аҳмад жаҳл билан.— Ақраболарингизга айтинг, қатлни эртага бажарсинлар!

— Фармон учун Аҳмад Ҳожибекнинг муҳри даркор.

— Қўрқоқсиз...— Султон Аҳмад бўғилиб ўрнидан турди.— Шоиртабиат кишининг тахтда ўтиришини жинимдан ёмон кўрурмен. Агар бу иш амалга ошмаса, отамнинг ҳузурига сенинг каллангни юборурмен!

— Бу ишни амалга оширишдин олдин отангизнинг йўриғини тутмоғингиз лозим.

— Қандай йўриғи? — ажабланиб сўради Султон Аҳмад.

— Алишер Самарқанддин ихрож қилинмоғи даркор.

— Баҳона зарур!

— Навоийнинг Ҳасан Ардашерга ёзган номаси, падарингиз шаънига айтилган нолойиқ сатрлар баҳона бўлмасму?!

— Бу гапни қайдин олдингиз? — деб сўради Султон Аҳмад, бироз юмшаб.

— Кеча фақиҳ Абулайс хонадонидида бўлиб эрдим. Ул киши шоирнинг шеърй мактубини Ҳожа Хурд талаффузинда даврага ошкор қилмиш... Қатл хусусинда Валий ҳазратлари бирлан келишмоқ даркор.

— Яхши,— деди ҳовридан тушган Султон Аҳмад.— Пиримиз ҳузурларига ташриф буюрурмен...

\* \* \*

— Не учун маҳбуслардин бири Алишер Навоийнинг тағоси эрканидин мени огоҳ этмадингиз? — сўради Аҳмад Ҳожибек, Амир Тархонга ўтириш учун жой кўрсатиб.

Амир Тархон бу саволни кутган эди.

— Фақир ҳам кеча билиб эрдим.

— Ҳукми олий қатл олдидин қозига рўбарў қилинганму?

— Қозига не муҳтожлиғи? — Амир Тархон ҳатто пинагини ҳам бузмади.— Салтанатимизга хавф солган ҳар бир исёнкор қатлга маҳкумдур.

— Мир Алишернинг фикрича, алар бегуноҳ эрмишлар,— деди Аҳмад Ҳожибек, Амир Тархонни синаш учун.

— Алар ўз гуноҳларига иқрор бўлганлар,— деди Амир Тархон.

— Ихтиёрсиз равишда иқроп бўлмағлиғ бошқа, далили иқроп бошқа,— дея суҳбатга қўшилди Абулайсий.— Далилингиз борму?

— Салтанатимиз сарҳадларига қўшин ва қурол ила келганлиги далил эрмасму?!

— Ҳақ гап.— Абулайсий ёшига хос вазминлик билан деди.— Алишер ила суҳбатдин сўнг, аларнинг гуноҳкорлигига шубҳа қилдим.

— Фармон эълон қилинган!— деди «гап тамом» қабилада, Амир Тархон.

— Фармонни бекор қилмоғлик ҳукмдорнинг субтсизлигинини нишонадур.— Аҳмад Ҳожибек шундай деб Абулайсийга қаради.— Соҳибхитиёр, гап қонун-фармон ноҳақ эрса, анинг бекор қилинмоғидан халқ шаънингизга таҳсин ўқур.

— Тақсир, ҳаётнинг оқу қорасини фаҳмлашда таълимингизга муҳтожмен. Бас, шундай эркан, сўзингизни чорасиз қолдиролмамен. Шаҳри муаззамнинг бош қозисини чорлайлиғ. Ул киши асирларнинг кўнглидагини билсин...

Аҳмад Ҳожибек уч бора қарсақ урди. Остонада тавозе бирлан пайдо бўлган эшик оғасига зудлик билан Хожа Хурдга одам юборишни, уни салтанатга олиб келишни буюрди.

Ҳукмдорнинг қарори қатъийлигини сезган Амир Тархон эътироз билдиришдан ўзини тия олмади:

— Ҳожим,— деди у «ҳожим» сўзига алоҳида урғу бериб.— Бир шоирнинг сўзи бирлан Абу Саид Мирзо ҳазратларининг раъйларига қарши бормаилиғ...

— Абу Саид Мирзо жанобларинингму ёки шаҳзода Султон Аҳмаднингму? — дея, киноя билан сўради Аҳмад Ҳожибек.— Алишер сиз айтган «бир шоир» эрмас. Анинг таърифидин, ғазалиётидин наинки икки салтанат, балки жумлаи жаҳон огоҳ эрур. Алишер Навоийни салтанатимиз душмани Ҳусайн Мирзога дўст бўлгани учун камситмоғлиқни носамимийлиғ деб билурмен. Ҳусайн Мирзонинг йўриғи ўзгача. Алишерники ўзгача...

— Бу дўстлиғ замирига сиёсат аралашган эрса-чи?! — киноя билан сўради Амир Тархон.

— Шубҳалар кишининг хотиржамлигини ўғирлайдур...— деди Абулайсий.

— Ноиб жаноблари,— деди Аҳмад Ҳожибек, жиддий.— Салтанатимизда турли миш-мишлар, аллақандай фитнали номалар ҳақида гап-сўз кўпаймиш. Фисқу фасодларга нуқта қўймоқ жоиздур.

— Ҳақ гап.

— Сиз Хожа Хурд ҳазратларига пешвоз чиқинг. Иккинги асирлар бирлан суҳбатлашиб, мулоқот натижасидин бизни огоҳ этгайсиз.

— Маъқул,— деди кетишга тараддудланиб Амир Тархон. Унинг хатти-ҳаракатидан «барибир мен айтганча бўлади» маъносини англаш қийин эмасди.

— Амир Тархон тўғри айтадур,— деди Аҳмад Ҳожибек, ноиб чиқиб кетгандан сўнг.— Абу Саид онҳазратлари шул икки сипоҳнинг бошини Ҳирийга юборишимга фармон берганлар.

— Соҳибхитиёр,— деди Абулайсий куйиниб.— Алишербекни ўз ўғлимдек яхши кўриб қолдим. Анга меҳрим бекиёс, кўмак бермоқ истагинда ҳузурингизда ўтирибмен...

— Илмлиғ киши — адолатнинг дояси, дейдилар. Барча фозиллар пойтахтни тарк этиб, Самарқандни маъқул кўрмишлар. Хабаримча, Саид Ҳасан Ардашер ҳазратларининг Ҳирийни ташлаб, Машҳадни ўзларига муносиб кўрганлари бежиз эрмас. Ахир Навоийнинг тақдири шу йўсин Самарқандга боғланмиш...

— Таъкидингиз ўринли. Ҳирийдин қалтис хабарлар келмишдур.

— Кеча Абу Саид Мирзодан мактуб олдим,— Аҳмад Ҳожибек хўрсинди.— Ироқ юриши учун ўн минглиғ сипоҳимни ихтиёрига йўллашимни сўрабдур...<sup>1</sup> — Ё раб,— деди Абулайсий, надомат билан,— мунинг ўрнига мамлакат мушкулотини ҳал қилмоғлиғ жоиз эрмасму?!

— Мен ҳам шунга ҳайронмен.

Тўсатдан сарой эшиги очилиб, ҳаяжондаги эшик оғаси кирди.

— Шоҳим,— деди у, нафасини базўр ростлаб.— Пиримиз, Хожа Аҳроп Валий ҳазратлари саройга ташриф буюрмоқни лозим кўрибдурлар.

Эшик оғаси гапини тугатиб улгурмасидан, эшиги ярим очиқ остонада Султон Аҳмад кузатувида узун банорас тўн кийган, нақшин ҳасса тутган Хожа Аҳроп Валий кўринди.

Аҳмад Ҳожибек тахдан туриб, пирига пешвоз чиқмоққа шошилди. Абулайсий ҳам эшик томон икки-уч қадам ташлаб, шайхга таъзим қилди.

Хожа Аҳроп Валий Аҳмад Ҳожибекнинг тахдан жой кўрсатишига жавобан:

— Тахту бахтингиз насибангиз бўлсин! — дея тахт пойидаги курсилардан бирига ўтирди. Шайх Аҳмад Ҳожибекни, Султон Аҳмадни узундан-узоқ дуо қилди, уларни имонга, инсофга, диёнатга чақирди. Аҳмад Ҳожибекни ўз ўрнида ўтиришга буюриб, Султон Аҳмадга чапдаги курсидан жой кўрсатди. Давранинг улуғи бўлгани учун Абулайсийга юзланди. У билан ҳол-аҳвол сўрашгач:

<sup>1</sup> Аҳмад Ҳожибек худди шу юришда ҳалок бўлган.

— Тарбиянгизга зукко йигитни олғонингиздин бағоят хурсандмен,— деди босиқ оҳангда.— Алишербекнинг янги ғазалини ўқиб беришди. Анда ҳадис маънисини чақмоқлиғ фазилати борлиғи фақирга маъқул бўлди.

— Кўп иқтидорлиғ йигит эркан...— Абулайсий қўлини кўксига қўйиб, миннатдорчилик билдирган бўлди.— Жомий дўстимизнинг назарлари ёруғликка ошно кўринадур...

— Мен ҳам ул кишидин нома олдим,— деди Хожа Аҳрор Валий, тасбеҳ ўгиришдан тўхтамай.— Сизга, қозикалонимиз Хожа Хурд жанобларига ўз ташаккурларини изҳор қилибдулар.

— Тангри умрларини зиёда қилсун...

Хожа Аҳрор Валий аввал Султон Аҳмадга, сўнгра Аҳмад Ҳожибекка «салтанат нечун нотинч» дегандек, синчков тикилди.

— Ҳазрат,— деди Аҳмад Ҳожибек, мулойимлик билан.— Кеча асир олинғон сипоҳлар хусусинда Абулайсий ҳазратлари ила суҳбатда бўлдик.Фақир Хожа Хурд ва Амир Тархон жанобларини аларнинг ёнига юбориб эрдим...— Хожа Аҳрор Валийнинг Абулайсийдан нигоҳини узмай ўтириши Аҳмад Ҳожибекка ғалати туюлди. Бундан ҳукмдор «Бу ерда фақиҳ не учун...» деган маънони англади ва ўзини оқлаган оҳангда жавоб қилди.— Инсон тақдири бир чиннидурким, дарзини чегалаш мушкул. Шу сабаб ул кишининг маслаҳатларини олиб эрдим.

Фазлуллоҳ Абулайсий ҳукмдорни оғир вазиятдан қутқариш мақсадида ўта босиқлик билан сўз бошлади:

— Шайхим, хабарингиз бор, фақир Алишерни фарзандим деганмен. Йигитнинг бир хешини ўлим жазосига маҳкум этғон эрканлар. Анинг хунини сўраб келғонмен.

— Хабарим бор,— деди Хожа Аҳрор Валий.— Муҳаммад Али Мир Алишернинг тоғаси бўлур. Кўп фазилатли кишидур. Локин, тахту салтанат равнақиға қилич кўтарғон лашкарбоши...

— Пойдеворини ноҳақ сиёсат кемираётғон салтанатнинг равнақини сақламоқ истагида ёнаётган бир султоннинг жангари лашкарбошиси,— дея изоҳ берди Абулайсий.

Хожа Аҳрор Валий бу гапдан безовталаниб, ўрнидан туришга чоғланган Султон Аҳмаднинг елкасига қўлини қўйди:

— Фақиҳнинг таъкидлари ўринлидур. Султон Ҳусайн Мирзо мендан фотиҳа сўраб, совға-саломлар йўлламиш... Локин, табаррук калимани кутмай қўлга қурол олмиш. Шаҳзоданинг йўриғи маъқул. Ҳеч бир шаҳидсиз жанг ила Нишопур ва Астрободни саодатманд айламиш...

Бу гапдан Султон Аҳмаднинг хуноби баттар ортди.

— Ёшлик қизиққон, ғайратга молик бўлур,— деди Хожа Аҳрор Валий Султон Аҳмадга норози боқиб.— Бу ғайрат ақл чироғига парда тортадур.

— Худди шундай,— Абулайсий шайхнинг фикрини маъқуллади.

— Масалага ойдинлиғ киритмоқ истагинда Алишерга киши юбордим.— Аҳмад Ҳожибек Валийга «Нима дейсиз?» дегандек қаради.

— Яхши ўйлабдурсиз. Алишер ила дийдор кўришмоқ орзуим бор эрди.

— Пирим, соҳибихтиёр кўп кўнгилчанлиғлар қилурларким, поёни йўқдур. Бу хислат тахту салтанат сиёсатига панд берур.— Султон Аҳмад ўзини ирода қилолмай, ўридан турди.

— Уғлим,— уни ҳовуридан тушириш мақсадида Хожа Аҳрор Валий босиқлик билан сўз бошлади.— Аҳмад Ҳожибек кишини қатл қилмоғлиғдин аввал дилидагини англамоғ истагидалар. Алқисса, Муҳаммад Али падарингизнинг сипоҳбанди бўлғон. Доруссалтанани алам ила тарк этғон. Балки, анинг дилида шохимиз сиёсатига мойиллик бордур? Шул истакда эрса-ю, биз ани англамай қатл қилсак, гуноҳ кимга бўлғай?

Эшик очилиб, дарбон кўринди.

— Не гап?— сўради Аҳмад Ҳожибек.

— Алишер Навоий қабулингизга мунтазир.

— Чорланг!

— У мени танимагани маъқул,— деди Валий.

Алишер дадил юриб келиб, тахт пойида тўхтади. Унга пешвоз чиққан Аҳмад Ҳожибекка, тахтнинг икки ёнида нигоҳини узмай ўтирган Фазлуллоҳ Абулайсийга ва Хожа Аҳрор Валийга таъзим қилди. Лекин, иккинчи нуруний қариянинг кимлигини билмай, ҳайрон бўлди. Уни қаердадир кўрган, ҳатто суҳбатлашгандек туюлди.

Ёш шоирнинг бу хатти-ҳаракати Хожа Аҳрорга жуда маъқул тушди.

— Мир Алишер,— деди Аҳмад Ҳожибек, ҳурмат билан,— иним, сизнинг нурли рухсорингизни кўрмоққа муштоқ эрдим.

— Мен ҳам соҳибихтиёрнинг, инчунин, шоир калом Вафойининг суҳбатларига орзуманд эрдим.

Алишернинг бу жавобидан Аҳмад Ҳожибек тўлқинланиб кетди. Чунки, саройда ҳеч ким унинг шоирлиғига ишора қилмасди.

— Самарқанд таърифидин сўзланг...

— Шаҳри азим дилимга нур солмиш...— Алишер ҳиссиётини тия олмади.— Бу не синбатки, улуғларимиз — соҳибқирон Амир Темурнинг, Улуғбек Мирзо ҳазратлари-

нинг покиза руҳлари онгимга равшанлиғ бермиш. Алқисса, фозиллар раҳнамоси пиримиз Хожа Аҳрор Валий, устоз Абулайсий ҳазратлари бу муаззам шаҳар осмонининг қуёшидурлар...

— Шоирлар хусусинда қандай фикрдадурсиз? — деб сўради ҳукмдор.

— Улуғбек Мирзо Кўрагонийнинг шеърӣ девонларини ўқиб эрдим,— деди Алишер, Абулайсийнинг меҳр билан боқаетган кўзларига тикилиб.— Азиз кишилар бирлан ҳамсуҳбат бўлдим...

— Офарин,— деди Хожа Аҳрор, суҳбатга қўшилиб. У Алишернинг ўз шаънига айтган таърифидан мамнун эди.— Онҳазратларининг шеърлари хусусинда фикрингиз қандай?

— Руҳлари шод, жойлари жаннатда бўлсин!— Алишер фикрини баён қилишдан аввал бир Абулайсийга, бир Хожа Аҳрорга қараб олди. Ҳамон синчков, ўйчан нигоҳидан «чеҳраси жуда таниш бу қария ким?» деган саволни англаш мумкин эди. Танимаган кишининг саволига қандай жавоб беришни билолмай, бир зум ўйга толди.— Онҳазратнинг шеърлари муаммога молик.

Алишер Улуғбек Мирзонинг ғазалидан байт ўқиди:

**Ҳарчанд мулки ҳусн ба зери нигини туст,  
Шўхи макунки, чашми бадон дар камини туст.<sup>1</sup>**

— Назокатли байт...— Аҳмад Ҳожибек самимият билан Алишернинг елкасидан кучди.— Англашимча, айнан шул мисраларни ўқиб, каминига ишора қилмоқдадурсиз?!

— Ниъти покиза ҳукмдор фуқароларига яхши хислат тарқатадур.

Уларнинг суҳбатига Фазлуллоҳ Абулайсий қўшилди:

— Ўғлим, Алишер, келишингиздан аввал сиз хусусингизда мулоқотда эрдик. Соҳибхитиёр Ҳирий ихрожининг боисини сўраб эрдилар. Фақир тавсифни ўзингиздин эшитишларини лозим кўрдим...

Алишер кутилмаган бу гапдан бироз каловланди: «Барча асрордин огоҳдурлар, локин каминани синаш истагиндалар...» Бир нуқтага тикилганча сўз бошлади:

— Фақир султонимизнинг саодатманд илкида муҳрдорлиғ вазифасинда ишладим. Қўлимдан кўп инсоний, фитнали фармонлар, мактублар ўтди. Маълумингизким, Абулғозихон<sup>2</sup> бирлан дўст эрурмиз. Болалиғдин ҳамдилмиз. Абу Саид Мирзо ҳазратлари...— Алишер ҳукмдорнинг исми шарифини эҳтиром ила тилга олишни истамасада, шунга мажбур эди.— Баъзи хунхўр, жаҳолатпараст беклар раъйига қараб иш кўриш соҳибқиронга маъқул бўлмади. Ул киши салтанатни тарк этди. Абулғозихоннинг бу саъй-ҳаракатини тахту салтанат учун ғайри ва хавфли деб билдилар. Ҳусайн Мирзони ҳибсга олиб Самарқандга бадарға қилдилар. Худди шу муддатда қўлимга дўстимизни йўлда, хуфиёна йўл ила ўлдириш режаси тузилғон нома тушди. Мен асрорни аёнлар қошида фош қилдим ва бул ҳукмни зиндонбанд айлаш режаси ила алмаштиришга эришдим... Шохимизнинг ўйлагон ниъти эрканму, очик баёнотим ихрожга, фақирлиғга рўбарў қилди... Бу муборак даргоҳга келмоғимдин мақсад, яна бир хатолиғни тўғриламоқдур...

Хожа Аҳрор тасбеҳ ўгиришдан тўхтаб, жимиб қолган Алишерга тикилди.

— Баъзи онларда киши, у хоҳ риёзий, хоҳ фозил бўлсин, хатолиғларга йўл қўюр...

Алишер овоз келган томонга қаради:

— Локин, тақдир ўйининда хатолиғ инсонни безамайдур...

Алишер Хожа Аҳрор ёнига яқинлашди:

— Бу юмушни кўрлиғ ила бажаряпти, деган ўйга борманг, асло... Авом устидан ҳукм юриатадурғон кишининг хатоси аввало Оллоҳга, сўнг они қўллайтғон пирларига аёнду...

— Маъқул...— Алишернинг дадиллиги ва фикрининг теранлиги Хожа Аҳрорнинг ҳавасини кўзғади.

— Куни кеча Жомий ҳазратларидин нома олдим. Ул киши икки бегуноҳни зиндондин ва қатлдин қутқармоқликни сўрабдурлар.

— Дўстимиз бизга ҳам...— Хожа Аҳрор сирни ошкор қилишдин чўчиб, тилини тишлади. Сўз мавзуини бошқа ёққа бурди.— Айтингизчи, нечук қатлга маҳкум этилғон сипоҳларнинг қавну умрини сўрайдурсиз? Алар сизга қариндошму?

— Ҳа, бири тағом бўлур... Баҳодирхон ҳам, Муҳаммад Али ҳам, гарчи менга хеш бўлсалар-да... Абулғозининг суянғон тоғларидур...

— Ҳусайн Мирзо сиёсати бирлан сизнинг ижодиётингизда боғлиқлиғ сезмасмен,— суҳбатга қўшилди Аҳмад Ҳожибек.

— Дўстлиғ ила сиёсатни чоғиштириш фазилатга путур етказур... Илло, Абулғозининг фаолиятида темурийлар салтанатининг келажагини кўрурмен. Тахтада ўтирғон шох билимлиғ бўлса аъло нур, иқтидорлиғ бўлса юрт равнақидур. Шул икки хислат султонимизга жо бўлғон, анинг кўнгил дунёсини ёритғондур...

<sup>1</sup> Маъноси: «Гўзаллик мулки қўл остингда бўлса-да, шўхлиғ қилмағилким, ёмонларнинг кўзи сени кузатмоқдадур.»

<sup>2</sup> Султон Ҳусайн Бойқаро.

— Бундай тарбиятли йигитни кўришдин, ҳамсуҳбат бўлишдин бағоят хурсанд-мен,— Хожа Аҳрорнинг Абулайсийга қарата айтган гапи Алишернинг руҳини кўтарди.— Мавлоно Алишер...

— Лаббай!

— Ушал сипоҳлар қатлининг Аҳмад Ҳожибекка алоқаси йўқ эрсачи?

— Бундай ноҳақлигга соҳибхитёр йўл қўймаслар...

— Тасанно...— Аҳмад Ҳожибек ҳаяжонини яшира олмади.

— У ҳолда нечун гуноҳкорларнинг хунини бул кишидин сўрайсиз?

— Бу ҳукмда кимнинг муҳри борлиғи фақирга аён. Шул боис...

— Тўғри,— деди Хожа Аҳрор, Султон Аҳмадга синчковлик билан тикилиб.—

Балки, султонимиз бир нарса дерлар...

— Мавлоно Алишерга айтадурғон сўзимиз йўқдур.

Султон Аҳмаднинг зуғумидан сўнг орага жимлик чўкди. Бу жимликни Алишер бузди:

— Шаҳзода...

— Шаҳзода эмас, Аҳмад Ҳожибек бирлан мавқеимиз бирдур...

Султон Аҳмаднинг бу кинояси Алишернинг ҳамиятига тегди.

— Онҳазрат,— у атайин шундай сўз бошлади.— Ҳаёт бир шатранждурким, тахта устида сиёсат юргузувчининг маҳорати паст эрса, кучини пиёдага кўрсатишдин ўзга чора топа олмас...

— Тасанно,— деди Хожа Аҳрор астойдил. Абулайсийга мамнуният билан қаради.— Тақсир, шогирд танлашда хато қилмабдурсиз...

Хожа Аҳрорнинг баҳосидан Аҳмад Ҳожибек дадиллашди:

— Султон Ҳусайннинг шундайин дўст, қаноти борлиғига ҳавасим келур... Мавлоно Алишер, салтанатимизда илму урфон нозирлиги вазифаси мутасаддиға муҳтождур. Сиз каби тийрак кўмакдошга орзумандмиз.

Алишер суҳбат мавзуи бундай тус олишини кутмаганди. Абулайсийга савол аломати билан қаради.

Абулайсий ҳам Аҳмад Ҳожибекка, дам Хожа Аҳрорга аланглаб, деди:

— Соҳибхитёр, Мавлоно Алишерни мушкул аҳволға қўйманғиз. У қунт ва сабр-тоқат ила илм олмоғи даркор.

Алишер «мушкулотимнинг ечими не бўлғай» дегандек, ҳукмдорга қараб турарди.

— Тағойинғиз ила кўришмоғинғизга тилакдошмен,— деди Аҳмад Ҳожибек, Алишернинг маънос чеҳрасига тикилиб. Шунча таърифу таҳсиндан сўнг ҳам кўнгли кўтарилмаганини англади, шунинг учун, дилидагини очиқ ошкор қилди:— Кўнглимиз эшиги сиз учун доим очиқ...

— Шезрий базмларинғизнинг қулимен,— деди миннатдор оҳангда Алишер...

Хожа Аҳрор Алишерга тикилиб, сўз бошлади:

— Мавлоно Алишер бир мўъминға меҳр-шафқат кўрсатишга мойилдур... Биз ҳам фуқаро учун ўз вақтимизни, меҳру мурувватимизни аямаймиз.

— Худди шундай,— Абулайсий Хожа Аҳрорнинг сўзларини тасдиқлади:

— Ҳақ қарор топмоғи учун киши азият чекмоғи табиий... Ҳақ таоло гуноҳни асло кечирмағай...

Хожа Аҳрор ўрнидан туриб, йигитнинг рўпарасига келди:

— Бир кишининг гуноҳиндин кечмоқликни сўраган кишининг ўзи гуноҳкор бўлишини тушунурмисиз?

— Албатта. Тоғамнинг сағирлари етим қолмасликлари учун ул кишининг гуноҳларини бўйнимга олишга тайёрмен... Ҳатто бошимни кундага қўйишга-да розимен...

Алишернинг дадиллиги Хожа Аҳрорнинг меҳрини оширди:

— Локин, Абу Саид Мирзо асирга олинғон икки юз сипоҳдин иккитасининг бошини сўрағонлар... Сизнинг бошинғиз камлиғ қилур...

Йигит нима деб жавоб беришини билолмай қолди.

Аҳмад Ҳожибек уларнинг ёнига келиб, қўлини Алишернинг елкасига қўйди:

— Алишер, иним, ортиқча азиятга берилманғиз...

— Соҳибхитёр, бу сўровим амалга ошиши мушкул кўринадур... Фақирда дағи бир илтимос бор эрди.

— Қандай илтимос?

— Шаҳри мунавварага келғон чоғимда, бир гадога рўбарў бўлғон эрдим...

— Гадо?— Хожа Аҳрор гап ким хусусинда кетаётганини тушуниб, Алишерга табассум билан қаради.— Хўш, хўш?

— Ушал гадонинг гапи рост эрса, падари Дилкушо боғининг боғбони эркан. Тўхмат орқасидан қатл қилинубдир. Ўғлини эрса илм олмоқлиғ бахтидин бенасиб айлабдурлар... Илмдин бабаҳра этғунча кўзларини ўйсалар бўлмасмиди?

Алишернинг бу гапи кўпчиликни ўйлантириб қўйди.

Аҳмад Ҳожибек тахтга ўтирди:

— Яхши, айтурмен... Чорасини кўрурлар...



— Соҳибхитиёр, машварат...— Алишер қўлини кўксига қўйди.— Менга рухсат берсангизлар... Бемаврид безовта қилғоним учун узр...

— Даврамуз сизнинг суҳбатингиз ила кўркемдур.

— Фақирга ҳам рухсат!

Абулайсий ҳам кетишга чоғланди.

Устози билан изма-из чиққан Алишер:

— Ул нуруний кексани танимадим, устоз,— деди қошини чимириб.

Абулайсий ажабланиб, Алишер томон ўгирилди:

— Нечун, пиримизни танимадингизму? Хожа Аҳрор Валий ҳазратлари-ку?

Алишер қадам ташлаган ерида тўхтаб қолди.

— Чеҳрасидин нур ёғилур... Гумроҳлиғ қилибман-да...

— Ҳали ул киши бирлан кўп мулоқотда бўлурсиз.

— Иншоллоҳ.

... Алишер ёлғиз қолгач, Регистон майдонига қараб кетди. Саройдан унинг кўнгли тўлмай чиққан, тинчликка ташна эди. Муҳаммад Алини дор остидан сақлаб қололмагани елкасига тоғ бўлиб ағдарилганди.

«Илоҳо», тақдир қилганингни қилурға не ихтиёр, қилмасмен демакка кимнинг ҳадди бор... Эмди есирларнинг ҳоли не кечур?.. Наҳот бир муаммога чора топмоқлик шул қадар мушкул?..»

— Мирзо!

Алишер овоз келган тарафга ўгирилиб, қаршисида гадони кўрди.

— Э, тақсир, сизму?

— Мирзо, фаромуш кўринасиз?

— Дунё сирларини англамоққа ақлим калталиғ қилмоқда...

— Дунёнинг сирларига ким етибдурким, сиз етурсиз?

— Етмоқнинг чораси бор.

— Не эркан ул?

— Оллоҳ инъом этган илми ўрганмоққа лоқайдлик қилмаслик! Мана бу дастхат сизга!— Алишер белбоғидаги буклоғлиғ қоғозни гадога узатди.— Лозим кўрсангиз, Аҳмад Ҳожибек ўрдасига борурсиз, иншоллоҳ, тилакларингизга етурсиз.

Гадо ажабланиб, дастхатни қўлига олди. Сўнг паст овозда ўқий бошлади:

**Кўрагимдур субҳнинг пираҳанидин чокроқ,  
Кипригим шабнам тўкилган сабзадин намнокроқ.  
Бу кўнгил ғамнокидин то шодмон кўрдим сени,  
Истарам ҳар дамки, бўлғай хотирим ғамнокроқ.**


— Э, воҳ...— Гадо нигоҳини қоғоздан узганида, қаршисида Алишер йўқ эди. У Регистон майдони этагига етиб қолганди. Кўнгли бузилиб, мижжаларига ёш қалққан гадо яна ўқишга тутинди:

**Лайли андин қўйди Мажнун кўнглида роҳат ғамин,  
Ким, йўқ эрди манзил ул водийда андин покроқ...  
Одабийлиғ түфроғин берса фано елига чарх,  
Оҳким, йўқтур киши аҳли вафодин хокроқ.  
Неча ўқлосанг Навоий...**

— Во дариғ, Навоий?! — гадо яна Алишер кетган томонга ҳайрат билан тикилди.— Наҳот шул йигит... Навоий эрса?!.

**Неча ўқлосанг Навоий кўнгли заҳмин бўлур,  
Кўрмадук, заҳмики теккан сойи бўлғай чокроқ...**

— Офарин... Саодатманд йигит эркан...— Гадо ўйланиб қолди.— Ул ҳолда нечун ранги заъфарон, кайфияти синиқ...



Носир Муҳаммад

## ЭЗЗДЫЛД

Кел эй, токай фироқингдан туну кун изтироб айлай,  
Қуёшдек тийра тунни қув, ки мен ҳам тарки хоб айлай.  
Агар, ногоҳ, ғам тоғи йўлингга хавф солар бўлса,  
Ани оҳим кучи бирлан йиқай, зумда хароб айлай.  
Қошинг меҳробига ёққил ики кўзинг чироғини,  
Бу меҳробга қўйуб бошимни севгимдан жавоб айлай.  
Мени оташпараст деб қувмасинлар сени ёнингдан,  
Бу оташдан дилим дардига дармон интихоб айлай.  
Ҳамиша фикру ёдимда сенинг номинг, уни тинмай  
Дуо янглиғ этиб ёд, куфри пинҳоним ниқоб айлай.  
Келиб дилбар ҳузуримга, бир оғиз сўз десанг басдур,  
Шу бир сўз мазмунин, Носир, умр бўйи китоб айлай.

\* \* \*

Бу жаҳонда, дўстларим, минг битта орзу истадим,  
Гоҳида илму китобот, гоҳи гулрў истадим.  
Маъни дуррин тергали чўмдим ҳаёт уммониға,  
Сезмадимки, ул билан ҳамроҳ қайғу истадим.  
Ўзни кўрсам дер эдим мен ёр кўзин кўзгусида,  
Энди билсам, уйқу ичра тунда кўзгу истадим.  
Гоҳи этса пора-пора бағрими ағёрлар,  
Эзгу тушлар кўргали мен кўзга уйқу истадим.  
Тушда ҳам гар ўт сочар бўлса аламлар аждари,  
Орзуимни қалқон этдим, тонгги ёғду истадим.  
Долғали ушбу замон тўфонлари бошимдадур,  
Шеър ёзиб билдимки, Носир, жонға оғу истадим.

\* \* \*

Мен дедим: айтгин, гўзал, не ҳол муҳаббат бошидур?  
Ул деди: кўзларда ёнган учқун ишқнинг фошидур.  
Мен дедим: не хислат ортиқроқ зарур ишқ аҳлиға?  
Ул деди: ҳижронда ошиқнинг вафо, бардошидур.  
Мен дедим: кўнгул чиройи ишқ-ла ортар не учун?  
Ул деди: чунки муҳаббат дил уйин наққошидур.  
Мен дедим: ошиққа қай вақт завқ берур кўзларда ёш?

Ул деди: васл онида келгучи шодлик ёшидур.  
Мен дедим: у не фазилат, ортса бўлғуси зарар?  
Ул деди: ҳадд..н зиёд рашк — оғули бахт ошидур.  
Мен дедим: қандай жафо чил-чил этар дил кўзгусин?  
Ул деди: бу бевафоликнинг аёвсиз тошидур.  
Мен дедим: Носир муҳаббат домида гирён эрур,  
Ул деди: ошиқнинг афғон доимо йўлдошидур.

\* \* \*

Гаҳи шодлик, гаҳи қайғу,  
ажаб дунё экан, дўстлар,  
Бу бир бошда неча ғавғо,  
неча савдо экан, дўстлар.  
Пишарму қайнамай одам  
тирикликнинг қозонида,  
Синолда ким музаффардир,  
ўшал доно экан, дўстлар.  
Ҳаёт устод бўлиб доим  
мени кўп имтиҳон этгай,  
Унинг ҳар бир сабоғида  
неча маъно экан, дўстлар.  
Дилимда қанча доғ қолди,  
муҳаббат ташнасидурман,  
Агарчи ишқ адо бўлмас,  
азим дарё экан, дўстлар.  
Гаҳи оби ҳаёт истаб,  
саробга дуч келиб қолдим,  
Мен интилган маёқлар  
гоҳида рўё экан, дўстлар.  
Сафарлар завқига ошиқ,  
неча элларни кездим мен,  
Ахир билдим, азиз юрт —  
баридан аъло экан, дўстлар.  
Ҳамиша куйлагай Носир  
диёру ёрнинг васфин,  
Улар ишқи юракда  
доимо танҳо экан, дўстлар.

\* \* \*

Ловиллар қалбда ишқ ёққан олов,  
пинҳон тутиб бўлмас,  
Ёнар тобора равшанроқ,  
уни ҳеч маҳв этиб бўлмас.  
Ахир, ишқ ўтли бир денгиз,  
самодек сирлию чексиз,  
Вужудингга туташмай ўт,  
бу денгиздан ўтиб бўлмас.  
Менинг кўнглимга ҳам тушмиш  
шу оташдин кичик учқун,  
Кеча-кундуз ёқар жоним,  
ширин дардин ютиб бўлмас.  
Унинг тафтида ҳислар  
қуш каби парвозга шайлангай,  
Ўзим сархуш, тилим лолу  
қувончимни битиб бўлмас.  
Гаҳи ҳижронда ёшим —  
кипригимда томчи маржондир,  
Бу маржон — ўй, бу маржон — дард,  
бу маржонни ситиб бўлмас.  
Фироқ тоғи тўсибдир,  
ёр эшитмас созу овозим,  
Учарга не қанотим бор,  
висолига етиб бўлмас.  
Агар эл кўнглида, Носир,  
ширин нағманг садо топса,  
Қувонгил, бу садони  
тоғ билан ҳам беркитиб бўлмас.

\* \* \*

Бу ҳаёт дарёсида сўзмоқни билган шон топар,  
 Шон недир, озурда жисмига у балки жон топар.  
 Бахту толе бу заминда йўқ экан деб чекма оҳ,  
 Бахт қушини заҳматидин қўрқмаган инсон топар.  
 Юрту эл ишқида ёнган жонга ором қайдадир,  
 Мисли Қақнус — ўт ичида у ажиб даврон топар.  
 Бир сариқ пулдек эмас наздида Қорун ганжи ҳам,  
 Маърифатнинг чашмасидин ким туганмас кон топар.  
 Бос ғуруринг, кибр ила кўкларга парвоз айлама,  
 Ерга бош урган юракдан, шубҳасиз, осмон топар.  
 Носиро, беҳуда шуҳрат ортидан интилма кўп,  
 Яхши инсонлар ҳамиша эътиқод, имон топар.

\* \* \*

Ҳамиша сақлагил аксимни, жоним, кўз қароғида,  
 Қайиқдай сайр этай уммон кўзинг мавжи қучоғида.  
 Ғазаб-ла боқмаким, тўфон бўлур ул ўтли уммонда,  
 Мисоли қумда ботган кемадек қолмай қироғида.  
 Нечун тундек қародир кўзларинг деб сўрдинг, эй жоно,  
 Қораймиш кўзларим оташ нигоҳинг иштиёқида.  
 Кўнгил мулкин, ҳаётим йўлини ҳам айлагил равшан,  
 Не тонг, бахтимни топсам мен, бу кўзларнинг маёғида.  
 Хато қилдим, ахир, ошиққа бундан ўзга бахт борму,  
 Меҳр бирлан тикилса ёр кўзига васл чоғида.  
 Неча ўргулсам арзир пурзиё кўз бирла қошингдан,  
 Кишининг кимлиги бўлғай аён қошу қабоғида.  
 Агар, Носир, сенинг мадҳингни юзлаб дoston этса,  
 Кўзинг васфи бўлур шаксиз унинг аввал-адоғида.



Абдулла Қўшбоқ

# Юрагимни сенга олиб бораёяман



## Исмга қасида

Исминг мени дунёларга рақиб этди,  
Тенг кўрмадим уни неча тенгсизларга.  
Гулим, исминг дарёларда оқиб кетди,  
Гулим, исминг чўкиб кетди денгизларга.

Дарёларни кечиб-кечиб чопажакман,  
Денгизларнинг тубларига бошлар йўлим.  
Марваридлар, тиллоларни топажакман,  
Лекин сенинг исминг қайда қолди, гулим?!

Хаёт шуми? Қўл чўзаман кўкка, ё раб,  
Кута-кута айланади музга кўлим!  
Дунё кулар сочларини тараб-тараб,  
Сенинг исминг дунё эмас, ахир, гулим!

Атиргуллар гуллайверар чорлаб-чорлаб,  
Менга жоду ўқир сирли саҳарларда.  
Сенинг исминг гул эмас-ку,  
бахтим порлаб—  
Топсам уни келинчақдай баҳорлардан.

Кунлар ойга, ойлар йилга дўнар ўсиб,  
Гулим, сенинг исминг қолди қаёқларда?  
Тоғлардаги оҳуларнинг тили кесик,  
Садо йўқдир саҳродаги гиёҳлардан.

Садо бергин, кўзим сўнди, совиди тан,  
Уфқларга йиғлаб-йиғлаб қараяпман.  
Вужудимнинг лопиллаган тобутида  
Юрагимни сенга олиб бораёяман.

\* \* \*

Фалакда еттита қароқчи,  
Ҳулкарлар қочолмай лолмикин?!  
Бу савдо ҳукмингдан даракчи,  
Ёзиғим ҳақида фолмикин?!

Осибди бир соҳиб каромат  
Тумморлар-ҳар гулнинг шохига,  
Кўринар энг ёвуз аломат  
Кўз очсам ёзиғим ҳақида.

Куйласам кўлимда най синди,  
Силкинди ҳаётим — тўзиғим.  
Сулувжон, ҳукмингни айт энди,  
Ёзиғим не менинг, ёзиғим?!

Булбуллар қон қилар дилимни,  
Нажот йўқ бот синиқ найлардан.  
Берасан оҳ қандай ўлимни,  
Жонимни оларсан қайларда?!

Кўзларим қарғишли кўл каби  
Қурийдим. Шўр қолар манглайда.  
Ичаман ҳасратлар гулобин  
Ҳукмингни заррача англамай.

Худоба ялиндим бахт сўраб,  
Ўзимча ёлғонлар тўқидим.  
Сулувжон, кўзимга тик қараб  
Бешафқат ҳукмингни ўқигин.

Олдим-ку ҳижрондан ҳаққимни,  
Ҳозир жон кетади узилиб.  
Сен нега айтолмай ҳукмини  
Йиғлайсан эзилиб-эзилиб?!

\* \* \*  
Қоп-қорадир тўрт тараф,  
Юрак гўё сағирдир.  
Юлдузларсиз яшасанг  
Бир кеча ҳам оғирдир.

Бу қандайин тун бўлди.  
На юлдуз, на ойи бор?!  
Қўролмайсан, эҳтимол,  
Енгинангда хоин бор.

Оғир бўлса бу кеча,  
Синар бардош-қалқонинг.  
Эшитасан чорасиз  
Аллақандай ёлгонни.

Бу қандайин кўргилик,  
(Музлар тананг онггача).  
Кўрмоқ учун хоинни  
Кутиб ётсанг тонггача.

\* \* \*  
Атрофга бир яхши хабардай,  
Хўшбўйлар таратди жийдалар.  
Ҳасратлар тўкилиб бошлади  
Ва эриб бошлади дийдалар.

Паришон кокиллар силкинди,  
Ивиди чўл бўлган ёстиқлар.  
Бу ҳолни тақдирлар хатига  
Ёздилар парилар тасдиқлаб.

Нигоҳлар ташлади тиғини,  
Ёноқлар шабнамдан ҳўлланди.  
Фалакдан сулувнинг дилига  
Шафқату раҳмлар йўлланди.

Қиёмат тугади, қиёмат,  
Бу олам қайтадан яралди.  
Бахтиёр вужуднинг сирлари  
Лаблардан пичирлаб таралди.

Кўнглини сув қилди, сув қилди,  
Муҳаббат дарёси айқириб.  
Бир мунглиғ кечада сулувнинг  
Тушига яримта ой кирди.

Юз берди яна не синоат?  
Билмайман. Айтишга кучим йўқ.  
Мен буткул йўқотдим ҳўшимни,  
Дунёнгиз билан ҳеч ишим йўқ.

\* \* \*  
Ҳуришлари тинди қишлоқ итларининг,  
Олисдаги чироқлар ҳам қолди ўчиб.  
Ғуруримни қўймоқ учун оёғингга,  
Ҳузурингга бормоқдаман қорлар кечиб.

Қўлларимдан етаклайсан — саробми шу,  
Саробми шу — очиласан чаман-чаман?!  
Қоқиламан ногоҳ қорлар ҳазилидан,  
Тирикдирман, тирикдирман, демак ҳамон..

Бормоқдаман,  
Йўллар бунча олислашган,  
Бунча аччиқ экан, гулим, қасосларинг?!  
Саробми шу — кўринасан кўзларимга,  
Қулоғимга урилади овозларинг.

Бормоқдаман, тунлар ўтар, кунлар ўтар,  
Вужудимни музлатади қорлар, охир.  
Ўзинг қўлла, оқ чойшабни юзингга бос,  
Кўзингни юм, дуо ўки, мени чақир.

Қорлар қалин,  
Толдиради оёғимни,  
Қаердадир қашқир мунгли увиллайди.  
Қаҳринг каби бу поёнсиз биёбонлар.  
Хувиллайди, хувиллайди, хувиллайди.

\* \* \*  
Кунларим ўтади фаромуш,  
Кўнсимда юракмас — совуқ тош.  
Айланиб ҳамон қор, музларга,  
Мен сени севаман, қорақош!

Қорақош, мен сени севаман,  
Излайман дунёдан изингни!  
Сен эса, эҳтимол, бу маҳал  
Суясан ўғлинг ё қизингни.


Беш йилми, ўн йилми ўртада,  
Кўмолмас сенинг ой чехрангни.  
Ҳамон бир хаёлий куёшдай,  
Ёритиб турибсан теграмни.

Жодугар фалакка боқмасман,  
Ўлимга бермасман ўзимни.  
Қорақош, энг қора кунда ҳам  
Бир кўргим келади кўзингни.

Йўлимдан чиқади неча бахт—  
Кирмайман мен бундай қабрга.  
Оҳ, сени севаман, севаман,  
Айланиб туганмас сабрга!

Қорақош, эригим келади,  
Сув бўлиб кулгиннинг тафтида.  
Янчилгим келади тош янглиғ  
Қалбингинг ҳар битта зарбидан.

Яшайман бир бемор телбадай,  
Дардларим ҳар лаҳза бўлар фош.  
Мен сени тобора қаттиқроқ  
Севаман, севаман, қорақош!



Омон Мухторов

## Омондан тушган одам

Қисса

1

### БИРИНЧИ КИШИ

Дастурхон йиғиштирилгандан кейин уйга келган бир даста янги рўзнома-ойномаларни кўтариб, у ўзига мутолаа учун ажратилган хонага кирди. Аммо дам ўтмай хонадан қайтиб чиқиб, апил-тапил кийина бошлади.

Куни бўйи ишда бўлган эрларнинг кечқурун яна кўчага чиқиб кетиши аёлларга ёқмайди, албатта. Айниқса, лом-мим демай отланишганида аёлларнинг беихтиёр хаёли қочади.

Эри кийиниб олганини кўриб, эндигина идиш-товоқни ювиб, уйни йиғиштиришга тушган Замиранинг ҳам авзойи ўзгарди:

— Ҳа, Мансур ака, тинчликми?

— Бир нарса эсимдан чиқибди. Идорага тез бориб келишим керак...

Унинг шундай аниқ-таниқ жавоб қайтарганига қарамай, Замира яна алланималар деб жавради. Лекин, ҳозир хотинининг гапи Мансурнинг қулоғига киргани йўқ. Тўғрироғи, бунга атайин эътибор бермади. Чайналиб ўтиришнинг мавриди эмас, керак бўлса, кейин ҳаммасини тушунтиради.

Лабига папирос қистирганича, шошиб эшикка йўналди.

Аллақачон қуёш қайтган, аммо ҳаво ҳамон кундузгидек иссиқ, дим эди. Барча ўзини уй-уйга, соя-салқин боғларга урганми, кўчада одам сийрак, машиналар ҳам камайиб қолганидан, шаҳар деярли бўм-бўш.

«Ишқилиб, фалокат рўй бермаган, ўт чиқмаган бўлсин! Худойим, ўзинг асра!»

Боядан бери Мансурнинг ўй-хаёлини шу таҳликали илтижо эгаллаган эди.

У идорадаги кабинетда яйраб чекиб ўтирганди. Уртоқлари эшик оғзига келиб: «Уйга кетмаймизми? Етар энди!» дейишганини аниқ эслайди. Бироқ шундан кейин, кўлидаги папирос нима бўлди? — ўйлагани билан сира ёдига тушмаётган эди.

Мансур уйда ҳам, ишхонада ҳам кўпчиликнинг раъйига қарар, ҳамма нарсада одамлар билан ҳисоблашар эди. Фақат... чекиш борасида у бировнинг

истак-хоҳишини инobatга олмаслик одатланган. Уйда боласини тиззасида эркалатиб ўтириб ҳам папирос тутатади. Ишхонада тўрт томон қоғоз эканлигига парво қилмай, кул сепгани сепган. Хўп, буларни қўйинг... Қайсидир йили учоқда сафарга кетаётиб, қўлида 50 сўм пул, хизматчи қизни ёнига чақириб, олдиндан жарима учун мановини олсангизу мен биттагина чекиб ташласам майлими, деган одам худди шу — Мансур бўлади!

Айни сонияда — дилгир ёз оқшомида ҳам, лабида папирос, ҳовлиққанича автобус бекатига йўл олган эди.

Бекатда анча туриб қолди. Ниҳоят, сабри чидамай, такси ёллаб идораси жойлашган Эски шаҳарга қараб жўнади.

Машина қадим қалъа, Самарқанд дарвоза томондан юриб, ахийри беш қаватли гиштин иморат ёнига келиб тўхтади.

Мансур машинадан туша солиб, қаршисидаги бинонинг бешинчи қаватидаги ўз хонаси деразасига тикилди. Бўйдор акас туплари халал бераётганига қарамай, дераза очиқ эканлиги, хонада ҳам осойишталик ҳукм сураётгани кўриниб турарди. Хайрият! Кўнгли бироз таскин топди.

Лекин у ўт чиқмаганига тугал қаноат ҳосил қилмагунча, бу ердан кетолмас эди. Шошганича ичкарига йўл олди.

Бошини кўксига солинтириб мудраб ўтирган қоровул чолнинг ёнидан зипиллаб ўтиб, зинадан юқорига чиқа бошлади.

Бино бўшаб, чироқларнинг барчаси ўчирилиб қўйилганидан, зина йўлаги деярли қоронғи эди.

Мансур бирон нарсага қоқилиб-суқилмаслик учун, эҳтиёт бўлиб, аммо олдинги шаҳд билан бешинчи қаватга кўтарилди.

Узун йўлак — икки ён томонда каттакон ойналар борлигидан, — аксинча, ғира-шира ёришиб турарди.

Бошлиқнинг қабулхонаси олдидан ўтаётиб, Мансурга негадир эшик яхши ёпилмагандек туюлди. Бироқ, бунга шу пайт ортиқча аҳамият бермади. Ўз кабинети остонасига бориб, чўнтагидан калит чиқарганча, эшикни очди.

Хона йўлакка нисбатан ҳам ёруғроқ эди. Лекин Мансур барибир чироқни ёқди. Атрофга олазарак қаради.

Ёзув столида уюлиб ётган қоғозлар устида ҳалқа-ҳалқа кул... кулдон тўла эзилган папирос қолдиғи... Хонада тамаки ҳиди — куюнди бир ҳид ўрнашиб қолган, бироқ Мансурнинг бахтига ўт чиқмаган, ёнғин рўй бермаган эди!

У кўнгли тинчиганидан суюниб-бўшашиб, каттакон стол орқасидаги юмшоқ креслога — ўз ўрнига бир нафас ўтиб ўтирди. Шу аснода мириқиб-роҳатланиб биргина папирос чеккиси келди! Ҳатто чўнтагидан қути билан гугуртни ҳам олди! Аммо ўзини тийди. Ташқарига чиқиб чекканим маъқул, деган мулоҳазага борди.

Ўрнидан туриб, стол устини папирос қолдиқлари, кулдан нари-бери тозаланган бўлди. Яна нима қилсам экан, деб столга тикилиб қолди. Столнинг бир четида чойнак-пиёла турар, уларнинг ёнида электр сим гажак бўлиб ётарди.

Мансур хонада чекишдан ташқари, ўт ўчирувчилардан яширинча чойнакка электр қайнатгич солиб, кунига уч-тўрт марта чой ҳам дамлаб оларди. Ҳозир, уйдан бир гал, симни узиб қўйганмидим, йўқми, деб худди шундай ҳаяжонланиб келганини-ю, бекорга овора бўлганини эслади. Ўзича, менинг шу ишларим барибир яхши эмас, бир кун ўт чиқиши ҳам мумкин, деб ўйлади. Электр қайнатгични стол тортмасига жойлаб қўйди.

Ниҳоят, чироқни ўчирди.

Тун кириб қолган эди. Лекин кўча чироқлари ёқилганидан, хона боягидан ҳам ёруғ, ҳамма нарса кўзга ойдин ташланиб турарди.

У эшикни қулфлаганича, тезроқ бинони тарк этишни мўлжаллади. Бироқ йўлакдан изига қайтаётиб, беихтиёр...

...бошлиқнинг қабулхонаси олдида тўхтади. Унга яна негадир эшик яхши ёпилмагандек туюлди.

Мансур яқинлашиб, ҳалқани тортди.

Эшик ҳақиқатан ҳам очиқ эди.

Мансур котиба қизнинг баъзан эшикни беркитмай уйига жўнаб қолишини олдин ҳам кузатганди. Гарчи бунинг ўзига ҳеч дахли бўлмаса ҳамки, у ҳозир алланечук ғижинди. Бу одамлар ўз ишини ҳам тўғри бажармайди, деб ўйлади.



Кейин, шунчаки қабулхонага мўралади.

Бошлиқнинг кабинетини эшиги ҳам негадир очиқ эди.

Мансур шуурсиз ҳолатда бир қадам олдинга босди.

Ҳалигина унинг хонасида бўлганидек, кўчадан тушган нурдан кабинет ичи ёришиб турарди. Ҳамма нарса кундуздаги сингари ўрни-ўрнида. Қизиқ жойи... бошлиқ ҳам шу ерда эди. Уларнинг бўлим бошлиғи — Рустам Қўрғонов, столдан ён томонда, креслода бошини орқага ташлаб, қандайдир қийшайиб ўтирарди. У майкачан, яланг оёқ эди. Оқ кўйлаги бериорқадаги курсилардан бирига «кийдирилган». Туфли билан пайпоғи ерда «сочилиб» ётарди.

Мансур эсанкираб, бир лаҳза донг қотиб қолди.

Қўрғонов бугун бошқалардан ярим соатча бурун хайрлашиб ишхонадан чиқиб кетган эди. Умуман, у ишга кечроқ келиб, эртароқ кетаверарди. Бошлиқнинг қачондир иши кўпайиб, оқшомлар идорада қолганини ҳеч ким эсламасди. Айниқса, унинг бу ерда ҳозиргидек алпозда ўтириши ақлга сиғмайдиган ҳол!

Мансурнинг ўрнида шу пайт журъатли, қатъиятли бир киши бўлганида, албатта, остонада ҳайратланиб-гангиб турмасдан, нима гап эканлигига қизиқсиниб, чироқни ёқар, жилла қурганда келганини билдириб, йўталиб қўярди. Лекин Мансур табиатан камсуқум, ўта мулоҳазали йигит эди. Бунинг устига, у аввалдан ҳар қандай каттароқ лавозимдаги кишидан ич-ичида кўрқар, оддий бир муносабатда бўлишдан ҳам баъзан ҳайиқарди. Қўрғонов тўғрисида Мансур бемаҳалда нега бу ерда ўтирипти, бирон кўнгилсиз воқеа рўй берганими ёки бекорчиликдан келиб ҳордиқ чиқаряптимикин, деган хаёлга борди. Аммо бу саволларга жавоб топишдан кўра, унга ўзининг бу ерга бехосдан келиб қолганини ошкор қилмаслик ўнғайроқ туюлди.

У соядек сурилиб, қайтиб йўлакка чиқди.

Мансур зинадан пастга тушганида, боя пинакка кетган қоровул чол, энди хаёл сурибми, кўча эшиги олдида серрайиб турарди.

— Ҳа, ўғлум, нима гап?!

Қария, афтидан, уни ишхонада бир оз тутилиб қолган, деб ўйлаганди. Қоровул чолга разм солиб, Мансурнинг хаёлидан, бу менинг кирганимни пайкамаганидек, Қўрғоновнинг қайтиб ишхонага келганини ҳам сезмаган, албатта, деган гап ўтди.

У бир кўнгли, қарияга бошлиқ тўғрисида кўрган-билганини айтмоқчи ҳам бўлди. Лекин, шу ондаёқ бу фикрдан қайтди. Тилидан илиниб нима қилади!

Кўчага чиқиб, папирос тутатди.

Унинг хаёлини — балодан нари, деб қочгани билан, барибир, Қўрғонов тўғрисидаги саволлар тарк этмаган эди. «Бемаҳалда нега кабинетида, ажиб бир алпозда ўтирипти? Бирон кўнгилсиз воқеа рўй бермаганмикин?!»

Кўчанинг иккинчи бетига ўтиб, шошмасдан, дарахтлар панасидаги ўтириғида ярим соатлар чамаси чекиб ўтирди. У панадан Қўрғоновнинг кабинетини деразасига тикилиб, балки ўрнидан туриб чироқни ёқар, деб кутди. Аммо чироқ ёнмади.

Мансур деразадан ташқари, ишхона эшигини ҳам пойлади. Бошлиқ ахир идорадан уйига чиқиб кетиши мумкин-ку!

Лекин эшикда ҳам ҳеч ким кўринмади...

## 2

### ЯНА УША БИРИНЧИ КИШИ

У Замирага Қўрғонов тўғрисида гапириб ўтирмади.

— Менинг одатимни биласан-ку, баъзан чекаман, баъзан чой ичаман, — деб, ишхонага қандай хавфсираб бориб-қайтганини хотинига обдан тушунтирди.

— Менимча, ёнингизда кулдонингиз бўлса, битта-яримта папирос ҳеч нарса қилмайди. Электр ёмон! — деди хотини куюниб. — Электрдан истаган пайтда ўт чиқади. Бир-икки шиша сув олиб бориб қўйсангиз бўлмайдимми?!

— Йўқ, сув билан иш битмайди! Чойсиз қийин. Айниқса, бунақа ёзда! — деди Мансур. — Ўзи бутун идораларда биттадан самовар қўйиб, ўша ўт ўчи-

рувчилар қараб туришса-ю, бемалол қайнатаверса бўларди. Биров буни ўйла-майди! Уз кунингни ўзинг кўришга мажбур бўлиб қоласан...

Шундан кейин, у қайтиб мутолаа учун ажратилган хонага кирди.

Бирон соат чамаси ўтирди. Бироқ ҳеч нарса ўқий олмади, хаёли чалғий-верди. Идорадаги креслода бошини орқага ташлаб, қандайдир қийшайиб ўтирган Қўрғонов унинг кўз ўнгидан нари кетмас эди.

Мансур, Қўрғонов тўғрисида ўйлаб, бундан уч кун бурун рўй берган кичик бир воқеани эслади.

Тушликка ўртоқлари билан кўчага чиқишди. Унинг ўртоқлари — Наби, Рамазон, Отахон деган йигитлар эди. Тамадди қилишгач, соя-салқин боғ ичида, қадимий ёдгорлик ёнида жойлашган чойхонада ўтириб, ҳар кунгидек, ундан-бундан суҳбатлашишди.

Уша куни нимадир сабабдан Қўрғоновнинг ёнига хотини келиб кетган эди. Гапдан гап чиқиб, йигитлар уни беихтиёр тилга олишди. Чиройли, эртақдаги Зуҳрани, тўғрироғи, кинога олинган Юлдуз Ризаеванинг ёшлик йилларини эслатади, деб мақташди. Кимдир беғараз кўйда, баъзан кўзга яқин аёллар эрақнинг шўри бўлади, деди. Бошқаси, ҳамма нарса аёлнинг ўзига боғлиқ, деди. Бутун-бор гап шу билан тугади.

Мансур ўшанда бу гап-сўзларга эътибор қилмаганди. Қўрғоновнинг бу-гунги ажабтовур ҳолатига бу воқеанинг алоқаси йўқ, деб билганидан, ҳозир ҳам аҳамият бермади. Эслади-қўйди, холос. Бизнинг қайси биримиз ҳақимизда ахир қаерларда кимлар нималар демайди! Умуман, суҳбат содда, самимий эди.

Шуларни хаёлидан кечириб, хонада бироз ўтиргач, толиққанини-ю, энди барибир ҳеч нарса ўқиёлмаслигини ҳис этди. Вақт ҳам алламаҳалга борган эди.

Тун шу йўсинда ўтди...

Эртаси куни эрталаб Мансур идора эшигида тасодифан Қўрғоновнинг котибаси — Мадина деган қизга тўқнаш келди. Улар ҳол-аҳвол сўрашиб, зинадан бирга юқорига кўтарилишди.

Сўнг...

Мансурни ҳайратга солиб, Мадина қўлидаги қопчиқдан калит чиқарганича, берк қабулхона эшигини шарақлатиб очди.

Буниси майли.

Орадан ярим соатча вақт ўтиб, ҳар кунгидек қалин қизил чарм жилдни қўлтиқлаган Қўрғонов ишга келди. У кўринишидан уйда одатдагича мириқиб дам олган одамга ўхшарди.

Мансур бошлиқнинг соғ-саломат, тинч эканлигига (тунда у нима бемаъни хаёлларга бормаганди!) шукр қилиб, осойишталик туйғандек бўлди. Бу ҳам етмагандек, эс-ҳушидан айрилган, ҳақиқат ва рўенинг чегарасини билмай қолган телба эмаслигига қарамай, кеча кўрганларим шунчаки бир туш, бир хаёл бўлиши керак, йўқ нарсалар кўзимга чалингандир, деб ҳам ўйлай бошлади. Мансур бошлиқ тўғрисида аҳмоқона, ножўя фикрларга боришдан кўра, шундай деб ўйлашга кўпроқ мойил эди.

Лекин...

Тушга яқин Мадина Мансурнинг хонасига кириб, сизни Рустам ака чақир-яптилар, деди.

Мансур бир оз гангиб, бўлим бошлиғининг кабинетига йўл олди.

Қўрғонов биргина оқ кўйлақда бўлса ҳамки, бўйнига йўғон бўйинбоғ таққанди. У стол орқасида ҳар қачонгидек ўйчан ва сипо ўтирарди.

— Хўш, ишлар нима бўляпти? — сўради Қўрғонов.

Уларнинг идораси турли корхоналардан келган хатларни кўриб чиқиб, керак бўлса, маълум тузатишлар киритиб, марказга юборадиган, бошлиқларга баъзан маъруза, баъзан вақтли матбуот учун мақолалар ёзиб берадиган маъмурий ташкилотлардан эди. Мансур ишнинг қандай бораётганини қисқача тусунтирди.

Қўрғонов унинг сўзини бир нуқтага жим тикилганча эшитди. Кейин ўрнидан туриб, хонада нари-бери юра бошлади. Ниҳоят, ўз ўрнига эмас, нима учундир, Мансурнинг рўпарасидаги курсига келиб ўтирди.

У Мансурга разм солиб, шунинг баробарида, сал паришонланган кўйда тикилиб қолган эди.

Мансур, кеча оқшом ишхонада айланиб кабинетга мўралаганимни бошлиқ



пайқаган, пойлоқчига ўхшаб юрганимдан ичида ранжиган албатта, мана энди ғалвани кўрасиз, деган хаёлга борди. Шунинг учун бир оз саросималиниб қолди.

Йўқ, Қўрғонов жуда дўстона оҳангда гап бошлади:

— Сизнинг ишларингиз яхши кетяпти. Мен хурсандман! Яқин орада, бир йил-ярим йил ичида, мен бу ердан бошқа ёққа ишга ўтаман... Иккимизнинг ўртамизда қолсин, биласиз, ҳар хил одам бор. Қисқаси... сизни ўз ўрнимга мўлжаллаяпман! Сиз қобилиятли, камтар йигитсиз. Усишингиз керак!.. Эътироз билдирманг. Гапни бўлманг. Мен шундай қарорга келганман. Лекин... — У ўзининг олижаноблигидан хижолат чеккандек қизариб-тутилганича сукутга чўмди. Сўнг олдингига нисбатан тез, суръат билан сўзини давом эттирди. — Сиздан фақат бир илтимос. Арзимаган, дўстона... Гапиришга ҳам ноқулай, муҳим бўлганидан... Мени тушунарсиз, деб ўйлайман. Қисқаси... душанба куни, бундан роппа-роса тўрт кун бурун сизлар туш пайти чойхонада ўтиргансизлар. Мен кимлар бўлганини биламан. Нималар дейилганидан ҳам хабарим бор. Фақат, ростдан шундай бўлганини айтсангиз. Кейин, ким нима деганини сўзма-сўз, аниқ! Менимча, бу қийин эмас. Айниқса, мен сиздан ўтиниб сўраяпман...

Мансур кутилмаганда ғалати бир ҳолатга тушиб қолди.

У гўёки йўл четида гулларга анқайиб турганида, биров орқасидан келиб, уни тепиб юборгандек эди.

Бу — жуда эски, разил услуб. Қўрғонов унинг териси остига кириб олиб, гап ташиш, чақимчилик қилишга ундаяпти. Бир пайтлар худди шундай бўлган. Бизга ёрдам берсангиз, фикрингизни билдирсангиз, деб одам орқасидан одам қўйиб, шубҳа туғдириб, жирканч уйдирмаларга асосланиб минг-минглаб кишиларнинг ёстиғи қуриган. Хонумони куйган. Қанчадан-қанча кишилар кундалик мулоқотлардан қочиб, кўнглидаги оддий бир дардларни ҳам айтишдан ҳайиқиб, журъатсиз тўнқага айланган. Илоннинг жилпанглашига ўхшаган муомала, ёлғон-яшиқ ваъдаларга алданиб, бировларни қурбон, бировларни майиб-мажруҳ қилган кишиларнинг ўзлари ҳам уларнинг изидан тубсиз жарларга қулаб кетишган. Одамлар бошида қор-ёмғирли аёвсиз совуқ бир шамол гирдибод

урган! Бутун ҳаёт хиёнат ва тухматдан иборат бўлган!.. Энди у маломатли, машъум замонлар орқада қолгандек. Бироқ, қони-жонида ўша кунларнинг асорати сақланган хасталар, қуллар бўлганидек, у даврларнинг ҳамонки ўрнида турган посбонлари ҳам бор экан-да! Баракалла, ўртоқ Қўрғонов!

Мансур биргина дақиқа ичида жуда кўп нарсаларни ўйлаб, ҳис этса-да, энди саросималаниб-ҳаяжонланмади.

— Нимаики илтимос бўлса, бош устига, Рустам Камолович, — деди у босиқлик билан. — Айтганингизни бажаришдан қочмаймиз. Ҳалиги гапга келсак, биз ҳар куни чойхонада ўтирамыз. Суҳбатлашамиз. Бундан жиддийлик қидириш, билмадим. Менинг гап териб, гапни кўтариб юриш одатим ҳам йўқ...

— Демак, бўйин товляяпсиз. Тушунарли! — деди Қўрғонов бирдан ранги ўзгариб, асабийлашиб. — Билиб қўйинг, сиз учун иккита йўл бор. Ёки ҳаммасини эслаб, бугун бўлмаса бошқа кун, менга кириб айтасиз... ишларингиз яхши бўлиб кетади! Ёки, шу идоранинг ўзида ҳам бундан буёғи ишлашингиз ҳақида ўйлаб кўришингизга тўғри келади. Мен қўл остимдаги одамларнинг ўйин кўрсатишига лоқайд қараёлмайман! Гап тамом!..

Мансур Қўрғоновнинг ҳузуридан бўшашиб чиқди.

У ўз кабинетига қайтиб келиб, руҳсиз бир ҳолатда ўрнига ўтирганича, кетма-кет папирос тутатиб, ютоқиб чекишга тушди. Унга Қўрғоновнинг кечаги ҳунари ҳам, бугунги ялтоқланиб тўр ташлашию дағдағаси ҳам тушуниксиз эди. Мансур раҳбарлар қачондир олий бир табақадек шаклланганини билар, улардан оддийроқ кишиларга нисбатан марҳамат кутиш ортиқча эканлигига ақли етар эди. Қўрғонов ҳам бундан мустасно эмасди. Шу боисдан, Мансур аксар, кечагига ўхшаб, қўрқиб, кўзга ташланавермаслик пайидан бўларди. Бироқ Қўрғоновнинг антиқа хатти-ҳаракатлари уни барибир ажаблантирган эди. Бошлиқ нега ўзини бундай тутаётганини ақлига сиғдиролмасди. Фишт қолипдан кўчиб, иш жойида муносабат бузила бошлаганидан ҳам у хижил эди. Қўрғоновга тегишли воқеалар бир ипга тизилиб келаётганию бунинг унга ҳам дахли борлиги Мансурни эсанкиратиб қўйганди. Ҳозир хонада чекиб ўтириб, ўзи нима бўляпти, туппа-тузук ишлаб юргандим, бу бало менга қаердан ёпишиб қолди, худойим, деб ўйлаганича, ич-ичидан зил кетди.

Мансур ўзича, ҳарҳолда ўша куни чойхонада яхши бўлмаган экан, бировнинг хотини тўғрисида сўзлашиб нима қилардик, деган хаёлга ҳам борди. Бироқ бу фикр унга дарҳол асоссиз туюлди. Ахир, улар пасткашлик қилишмаган, қуюшқондан чиқишмаган эди-ку! Кўз бор экан — одам кўради. Оғиз бор экан — гапиради! Буни тақиқлаб қўйишга дунёдаги энг улуғ салтанат эгалари ҳам қодир эмас!..

Бошлиқ ҳузурига кириб-чиққанидан буён, хаёлининг аллабурчида муҳим бир савол уймаллашиб, бунинг нима эканлигини аниқлаёлмай қийналарди. Бехосдан унинг фикри ёришгандек бўлди: Қўрғонов бўлимдаги йигитларнинг қачон, қаерда, қандай суҳбатлашганини қаёқдан билди экан? У осмондан олиб гапирмайди-ку!..

Беихтиёр ўрнидан туриб кетди...

Суҳбатдошлар тўрт киши эди! Ораларидан кимдир жосуслик, хоинликка юз тутиб, хушомадгўйлик қилиб, бутун гапни оқизмай-томизмай, ҳатто ёнига қўшиб-чатиб бошлиққа етказганмикин? Ким?!

Мансур олдингидан баттар паришонлашиб қолди.

Тушлик вақти аллақачон етиб, жилла фурсат ўтган ҳам эди.

Лекин ҳозир бу эмас, бошқа бир ҳол Мансурнинг кўпроқ диққатини жалб этди. Кўнглида ўртоқларига нисбатан шубҳа туғила бошлаганига қарамай, у ўртоқлари бугун нега ҳар кунгидек тушликка таклиф қилиб келишмаганига таажжубланди.

Вақт зиклигини инобатга олиб, Мансур ишхонанинг ўзида, биринчи қаватдаги ошхонада овқатланиб қўяқолишга қарор қилди. Аммо у ошхонага кириб, кутилмаган қизиқ бир манзарага дуч келди: унинг жонажон ўртоқлари бугун айри-айри; Наби бир томонда, Рамазон иккинчи, Отахон учинчи бурчақда ўтириб овқатланишар эди. Мансур шу асно кўнглида йигитларнинг ҳамма гапдан хабари борлигини ҳис этди. Демак... демак, Қўрғонов буларни ҳам бирма-бир чақириб гаплашган!

Мансурнинг хаёлида бундан бир неча дақиқа бурун айланган савол энди унинг бутун фикрини банд этди: ким?!

### 3

## ҚЎРҒОНОВ

Кеча унинг учун кўнгилсиз кун эди.

Кечки пайтда бўлимдаги йигитлардан бири ўт чиқишдан қўрқиб ишхонага бош суқиши-ю, кабинетга беихтиёр мўралаша Қўрғоновнинг етти ухлаб тушига ҳам кирмаганди.

У ҳар кунгидек идорани эртaroқ тарк этган, лекин оёғи тортмай, оилали бўлганидан бери ўтган ўн йил бадалида биринчи марта уйига бормаган эди. Янги шаҳардаги ҳашаматли меҳмонхона пинжида жойлашган ресторoнга кириб овқатланган, бир оз ичиб ҳам олганди. Бироқ олдин кўнглидан кечириб мўлжаллагани бўйича меҳмонхонада қолиши ноқулай, қийин, бунинг устига бўш жойнинг ўзи йўқлиги эҳтимолга яқин эканлигини ўйлаб, кўчаларда анча тентираб юрганди. Ниҳоят, ишхонага қайтиб, бу ерда менга ҳеч ким халал бермайди, менинг аҳволимни ҳам кўрмайди, деган фикрдан таскин топганди.

Қўрғонов шу хаёл билан устини, оёғини ечиб, ўзини креслога ташлаган эди.

У ичганиданми, асаблари қақшаб, толиққаниданми, ўрганмаган одамга унча тўғри келмайдиган шароит бўлса ҳамки, кўп ўтмай тахтадек қотиб қолганди.

Қўли қаттиқ бир нарсага кескин урилиб, тахминан тун ярмига борганида, чўчиб уйғонди. Мана энди юрагини ҳамон тошдек эзиб ётган алам етмагандек, бутун суяклари ҳам зирқираб оғриётганини сезди.

Иродасини жамлаб ўрнидан сапчиганча, қафасга тушган шердек, хонада, узун тўшалган гилам бўйлаб яланг оёқ, шип-пип нари-бери юра бошлади. Нимадир қилиш керак! Нимадир қилиш керак!..

Қўрғонов талабалик йиллари ҳар хил ижара уйларда турганини эслади. Ўша пайтларда бу қандайдир табиий ҳол эди! Энди сени ҳар ким ўз уйига киритавермайди. Сенга ҳали жой беришининг тайини йўқ — аҳволингни сўраб-суриштириб, бутун ичингни қоқиб олгандек иш тутади. Тинкангни қуритади! Ҳозир уй топиш олдинги пайтлардагига ўхшаб осон ҳам эмас. Хўп, топган тақдирингда ҳам, ижара уй ҳеч қачон ўз уйингдек бўлолмайди!..

Булар ҳаммаси тушунарли... Шунга қарамай, бошпана қидирмай илож йўқ! Қидириш, топиш керак! Белинга камаринг бор экан, ўз уйингдан этак қоқиб чиқиб кетган экансан, худонинг берган куни барибир буёққа келиб, лаънати креслода бундай ётолмайсан-ку!

Шу палла у ўзича уйда хотини, болалари қандай ухлаётганини тасаввур қилишга уринди. Қизчаси билан ўғилчаси кечқурун унинг йўқлигини кўриб, дадам қани, нега келмаяпти, деб тоза инжишгани аниқ. Улар арзимаган нарса устида бир-бирлари билан аразлашиб, иккиси ҳам йиғлаб, кейин уйқуга кетишган. Ичкари бўлмада устларини очиб, тушларида алланечук хўрсиниб ётишибди. Малоҳат... Малоҳат ухламаётган бўлиши ҳам мумкин. Шуниси ҳақиқатга яқин! Хонадан-хонага ўтиб, чироқни дам ўчириб, дам ёқиб, эҳтимолки, деразадан кўчага аланглаб ўтиргандир?! Рустам бир гал огоҳлантирмай кеч қайтганида, хайрият, эсим чиқиб милицияга хабар беришимга оз қолди, деган эди. Унинг қийналиб, изтироб чекаётгани турган гап! У шунақа хотин!..

Хотини, болаларига кўнгли ачиб, Қўрғоновнинг кўзларига жиққа ёш тўлди. У қўлининг орқаси билан кўзларини артганича, қайтиб креслога келиб ўтирди. Нима қилганда ҳам, тезроқ уй-жой топиб, ҳисоб китобни тўғрилаш керак! Ўзини йигит деб билган ориятли киши ҳар қандай шармандаликдан кўз юмиб, тупроққа қоришиб яшаёлмайди. Албатта ўз обрўси, ғурури, ҳамияти учун курашади! Аламлар, саргардонликлар эса бир куни унутилади. Орқада қолиб кетади!..

О, бу захри-заққум ўтган йиллар давомида томчи-томчи тўпланди!..

Бутун даҳмаза у Малоҳат билан танишган ёз кунларидан бошланди.

Улар бир-бирларини ёқтиришган, ўша йили кузда тўй ўтказишга қарор қилишганди. Уйланадиган бўлдим, деб ҳовлиқиб кетиб, сабри чидамай, Рустам

шаҳардан бирон соатча масофадаги ўзи туғилиб-ўсган қишлоққа бориб, ойиси билан катта опасини бошлаб келган, икки ўртада қуда-андачиликка рози-ризолик бериб, нон ҳам ушатилганди.

Лекин мана шу — икки томон ҳам тўйга тараддуд кўраётган пайтда, Малоҳат бир куни томдан тараша тушгандек қизиқ гап қилди:

— Мен дам олгани кетяпман. Дугонам билан! Ҳар йили бирга борардик. Охири марта! Ваъда берганман... — Сўнг негадир нафасини ичга ютиб, секин қўшиб қўйди. — Хоҳласангиз, сиз ҳам юринг. Путёвка топиш мумкин. Учов бирга бораверамиз...

Рустам кутилмаган бу гапдан доврираб, кўнгли ғашланиб қолди. У, келин бўлаётган қизнинг тўй олдидан бундай сафарга чиқиши шарт эканми, бормаса нима қиларди, деб ўйлади. Аммо Малоҳатга бунини айтмади. Қизни барибир шахтидан қайтариб, олиб қололмаслигини ҳис этди. Ўзича, Малоҳатнинг сўзига кириб, йўлланма дараклаб, қўшилиб бораверишни ҳам чамалади. Бироқ одамлар обрўли деб билган шу идорага янги ишга ўтганди. Айни ёз кунларида жавоб ола билишига кўзи етмади. Бунинг устига, ўшанда қўли қисқа эди. Тўйга деб жамғарганини кўкка совуриб, эски уйнинг мўрисидек сўппайиб қолишдан қўрқди.

Сирасини айтганда, бу оддий бир воқеа эди. Ҳозирги замонда қизлар, жувонлар кўнгиллари чопган томонга бемалол бориб, айланиб келишаверади. Уларга ҳеч ким монелик кўрсатмайди! Аёллар паранжи-чиммат ёпинганда ҳам нуқул тўрт девор ичида ўтиришмаган! Уйланмай туриб, Малоҳатнинг оёқ-қўлига кишан солиши инсофдан бўлмаса керак!..

Рустам Малоҳатнинг дугонасини танирди: Гулгун! Буларнинг иккиси ҳам ёш врач, бирга ўқишганми, олдинма-кейинми, шунақа эди.

Қизлар бир-бирларига сира ўхшашмасди. Малоҳат ўзини босиқ-вазмин тутар, хатти-ҳаракати бир оз суст, гапни ҳам салмоқлаб гапирарди. Гулгун, аксинча, нотинч, шўх, шум, жуда эрка ва афтидан, ўғил болалар орасида ўсган эди.

Феъл-атворида бир-бирига яқинлик кўринмаса ҳамки, қизларнинг муносабати жуда қалин эди. Улар бир-бирини ялаб-юлқарди. Иккисини болта билан ҳам ажратиб бўлмасди. Яна қизиғи шундаки, улардан ҳар бирининг бошқасига қиладиган муомаласи қандайдир йигит кишининг қиз болага нисбатан илтифотига ўхшаб кетарди.

Малоҳат дам олишга мана шу дугонаси билан бормоқчи эди!

Турли томондан сайёҳлар Москвада тўпланишиб, пароходда Волга бўйлаб сайр қилишга жўнаб кетишлари керак эди.

Лекин қизлар йўлга отланишганида, шароит бир оз ўзгарди. Малоҳат Москвага бир кун олдин, Гулгун бир кун кейин борадиган бўлди. Гулгуннинг шаҳарда нимадир ташвиши чиқиб қолганди.

Рустам Малоҳатни самолётга кузатиб қўйди.

Малоҳат Рустамга йўлдан ора-сира хат ёзиб турди. Унинг хатларида Гулгун тўғрисида бир оғиз ҳам сўз йўқ эди. Аммо Рустам бунга ажабланиб ўтирмади. Қизнинг ўзи турмушга чиқаётган йигитга йўллаган қисқагина дил изҳорида дугонасининг таржимаи ҳолига бало борми!

Малоҳат ниҳоят сафардан очилиб-сочилиб қайтди. Рустамга яна у билан Гулгун бирга кўриниш бера бошлади. Рустам қизларнинг сайри-саёҳати қандай ўтганига қизиқсиниб ҳам юрмади.

Кузда улар тўйни ўтказишди.

Тўй кечаси Гулгун ҳеч кимга парво қилмай, ичиб, минг мақомда ўйнаб, кўпчиликни даврага тортиб, тоза қизиқчилик қилди. Кейин кайфи ошиб, негадир йиғлади. Кейин эса, бўш бир хонага кириб, ухлаб қолди.

У эртаси куни, мендан хафа бўлманглар, кеча сал жиннилик қилибман, деб Малоҳатни ҳам, Рустамни ҳам бўйнидан қучиб, ўпди. Кулумсираб, бироқ одатдагига ҳеч ўхшамаган тушкун кайфиятда уйига кетди...

Малоҳат билан Гулгун энди кундан-кунга олдингидан кўра анча кам кўришадиган бўлишди...

Орадан тўрт йил ўтди...

Рустам бахтдан алланечук сармаст эди. У, менга ўзи ҳам, қалби ҳам гўзал бир аёл насиб этди, тавба, нима эзгуликларим эвазига тақдир бундай бахт

буюрди экан, деб ўйлар, телбаланиб, кўксини тўлдирган севинчдан баъзан боши айланиб, кўзларига ёш қалқар эди.

Зарурат туғилиб, бирон ерга борганида ҳам, иложи борича тезроқ қайтиш ташвишида бўлар, уйга рўйирост югуриб-чопиб кириб келарди.

Ўтган давр ичида қизчалари — Азиза туғилиб, секин-аста оёққа тура бошлади. Ойисидан ҳусн, дадасидан меҳр олган қизалоқ хонадон ҳаётига янги бир файз, янги бир ёруғлик бахш этган эди!

Рустам баъзи бировлар одатда қишлоқи, дейдиган гўл йигит эди. У оининг ўн беши ёруғ бўлса, ўн беши қоронғи эканлигини ҳали билмасди. Ҳа, дунёда худди шундай тескари бир шакл ҳам борлигини хаёлига келтирмаганди...

Бир куни у ҳар қачонгидек уйга ошиққанича келиб, негадир Малоҳат билан Гулгун ошхонада қизаришиб, фаромушланиб ўтиришганини кўрди.

Аввалида Рустам ўз кўзи билан кўриб турган бу ҳолатга эйтибор қилмай, Гулгунга, ўртоқчилик ҳам шунақа бўладими, оғайни, кўринмай кетдингиз, деб ҳазил-ҳузил қилишга уринди. У даврага қўшилиб, осойишта қанд-қурс чайнаб, хўриллатиб чой ҳам ичди. Лекин бояги «булут» тарқамаётганини ахийри ҳис этиб, беихтиёр, ўзи нима гап, деб қизиқсинди.

— Гулгун ҳозироқ путёвканинг пулини топиб беришимни сўраяпти, — пичирлади Малоҳат. У эрининг юз-кўзига қарамай, бўйни, елкаларини қисганди.

— Қанақа путёвка?

— Бундан тўрт йил бурунги. Куйиб кетган...

— Нега куйиб кетар экан? Куйган бўлса, кўрсат! — жеркиниб деди Гулгун.

— Қаергадир ташлаганман. Эсимда йўқ... — яна пичирлади Малоҳат.

— Тўхтанг! Сиз ўшанда сафарга бормаганмидингиз? Мен тушунмаяпман... — деди Рустам.

— Мен борганим йўқ, — энди Рустамга зарда қилди Гулгун. — Аввалдан бораман, деб аниқ айтганим ҳам йўқ. Кўрамиз, деганман. Пулни бўлса, тўлаганман. Ҳисобли дўст айрилмас, дейишади. Бир йил кутдим, икки йил, уч йил, мана, тўртинчи... одам ўзи ўйлаши керак!...

— Мен ой бўйи сенинг йўлингга қарадим, дугонажон! Сен келмадинг, — шафқат кутибми, Гулгунга илтижоли оҳангда деди Малоҳат. — Ахир, бу менинг айбим эмас-ку!

— Нима, сенинг эсинг йўқми? Одам уч кун келмагандан кейин, келмайди-да! У эмас-бу эмас, тўғриси тани олгинг келмаяпти. Путёвкани сотгансан. Балки, бировга бергандирсан! Биронтани бирга олиб кетмаганмидинг ишқилиб?!

Гулгун сўнги тошни ўртага қўйган эди! Айни чоқда у худди шу тош билан Рустамнинг бошига ургандек бўлди.

Рустам, бас, етар, деганича ўрнидан асабий қўзғалиб, ичкари хонага йўналди.

Ойликка қараб кун кўрадиган ҳар қандай оила учун бир даста пулни бировга шартта чиқариб бериш ҳазилакам гап эмас. Аммо Рустамнинг наздида, хотини ва у боисдан ўзининг шаъни орага тушган эди. Йигит киши бундай пайтда пулнинг юзига қарамайди!

Рустам ичкаридан олиб чиқиб, стол четига қўйган пулни Гулгун ижирғангандек бир кўйда икки бармоғининг учи билан тутганча, худди ахлат қутига нарса ташлаётган одамга ўхшаб, сумкасига солди. Кейин, ишшайиб, уйдан чиқиб кетди.

Бир пайт ўзи уйланган йилдаги сафар воқеасига яна қайтилади, деб Рустам ҳеч қачон ўйламаган эди. Бироқ, не иложки, ҳаёт деганимиз буюк бир занжирнинг ҳалқаларидан иборат экан!

У ич-ичидан Гулгунни бирданига ёмон кўриб қолган эди.

Унинг юрагида хотинидан инжиш ҳам йўқ эмасди. Шундай дарди бор экан, вақтида ёзмайдими? Хўп, қайтиб келгандан кейин, бир оғиз индамайди-ми? Шу ҳам эр-хотинчилик бўлди-ю!

Рустам ўша куни кечгача хотинига лом-мим демай, қош-қовоғи солиниб юрди. Аммо тунда Малоҳат одатдагидек унинг пинжига кириб, мушукка ўхшаб суйканди.

— Мени кечиринг, хўпми? Мен аҳмоқман. Сизга гапиришга қўрқдим, — деди Малоҳат. — Мана, пальто олмоқчи эдингиз, костюм... пул бекорга кетиб

қолди. Лекин хафа бўлманг, яна ишлаймиз... — у бир дам ўйланиб туриб, сўзида давом этди. — Гулгундан ҳам инжиб юрманг. Уларнинг оиласи учун пул пўчоқдай гап. Аламидан жиннилик қиялпти! У бизни бир-биримиздан қизғанади! Ёши ўтиб боряпти...

— А, тегсин биронта эрга! Ким унга тегма депти? — бўғилди Рустам.

— Оладиган эр йўқ! Бунақа қизларнинг қанчаси юрибди судралиб. Сиз билмайсиз! Ачинади киши...

Рустам ўзича Малоҳатнинг гапларида жон борлигини ҳис этди. Бироқ унинг кўнглидан энди барибир Гулгунга нисбатан теран бир адоват жой олганди. Бу қиз юзини гўёки сидириб ташлаб, унинг инига чўп суққан, ҳаловатини бузиб, бахтини ўғирлаганди. Бундай нарсалар осонликча кечирилмайди!

У Малоҳатга шу кунни ортиқча зуғум ўтказмаганига қарамай, кўнглида хотинидан ҳам норизо эди. Хотини ҳозиргача ундан нималарнидир сир сақлаб келгану, бугун ойна беҳосдан чил-чил синган эди. Бундай нарсаларнинг узоқ йилларгача асорати қолади!

Лекин булардан кўра ҳам муҳимроқ гаплар бор эди!

Рустам йигитман деб, илк қарашда валломатлик намунасини кўрсатган, амалда эса, уйдан Гулгуннинг думини туғиб, икки дугона ўртасидаги можарога шунчаки нуқта қўйган эди, холос. У ўз-ўзига жабр қилган, ҳамма нарсанинг устига парда тортиб, аслида бундан тўрт йил бурунги сафар пайти воқеа қандай кечганини билмай қолаверган эди. Рустамга, Малоҳат дугонасини илҳақ кутгану у ҳақми ёки Гулгун ҳақ, чиндан айб Малоҳатнинг ўзидами, бу — қоронғи эди. Рустам буни аниқлашга эринганди. Эриниш ҳам эмас, тўғироғи, машъум бир ҳақиқатнинг очилишидан кўрққанди! Рустам шошиб-пишиб, хотинини, ўзини обрўсизланишдан асрагандек иш тутганди! Гулгуннинг оиласига ўхшаб, улар учун «пул пўчоқдай гап» деб бўлмайди. Аммо пулнинг падарига лаънат, даҳшатли жойи: Рустам ҳақиқатни аниқлаш ўрнига, кўмиб ташлашга, ор-номусни, шаъни бировдан сотиб олишга уринган эди!

Хўп, Гулгун айтганини айтиб, икки ўртада чиққан можарода ўзиникини ўтказиб кетгач, у нега қош-қовоғини солинтиришдан нарига ўтмади? Нега Малоҳат келиб пинжига суқилганида, силтаб ташламади? Ҳақиқатни суриштирмади? Малоҳатни қийин-қистовга олмади? Хотини суйканганига эриб, тилига қулф тушдимми? Кеч тунда эркаланиб айтилган сўзлар, лоқайд тавба-тазарруга паққос ишондимми? Яна кўрқдимми?

Йўқ, Рустам бу гапларнинг барини англаган ҳолда, Малоҳатни тергаёлмаслигини ҳис этди. Малоҳатга кўп йиллик жонажон дугонаси ишонмаганида, ўзи ҳам ишонмай, хотинини тупроққа қориб, камситиш, ҳақорат қилишга ботинмади! Бундай хатти-ҳаракат Рустамга инсофсизлик ва қандайдир номардлик бўлиб туюлди!...

Шундай қилиб, Рустамнинг дарди ичида қолди.

Вақт ўтиши билан ҳар қандай ғашлик тарқайди. Ҳар қандай кўнгилсизликдан инсон узоқлашади.

Уларнинг хонадонида рўй берган дилсиёҳликдан ҳам аста-секин узоқлаша бошлашди.

Рустам энди Гулгуннинг куз шамолидек ҳаммаёқни тўзитиб кетганини гоҳ эслаб, гоҳ унутиб юборгандек бўларди.

Касби-кори юзасидан, Малоҳат ҳамон баъзан Гулгун билан кўришиб турар, афтидан оз-моз гаплашиб ҳам юрарди. Бироқ Гулгун ортиқ уларниқига келмас, уйда унинг номи ҳам тилга олинмас эди.

Аҳён-аҳёнда Рустам кўча-кўйда тасодифан Гулгунга дуч келиб қолар, икковлари ҳам бир-бирини кўрмаганга солиб, ўтиб кетишар эди. Аниқроғи, қилган ишидан хижолат чекибми ёки Рустамни мазах қилибми, Гулгун унинг ёнидан қандайдир иржайиб ўтиб кетар эди.

Рустам туйган олдинги бахт, сурур энди ўз-ўзидан йўқолгандек эди. Лекин у Малоҳатни яхши кўрар, уйим, хотиним, болам деб яшар, турмуш, умуман, қайтиб муайян изга тушганга ўхшар эди.

Азизадан кейин уларнинг ўғилчаси Азамат туғилди.

Болали уй — бозор. Бола — ҳаёт гули.

Бора-бора Рустамга ўзини маълум муддат ўртаган ўйлар, азобли кечинмалари асоссиз, аҳамиятсиз туюлиб, бунга у ишонч ҳам ҳосил қила бошлади!...





Мана, орадан ўн йил ўтиб, ҳозирги кунлар етиб келди...

Рустам ўтган ҳафта Малоҳатни озиб-ёзиб кинога олиб борадиган бўлди. Болаларнинг эси кириб қолди, ўзлари уйда ўтираверишади, юр, хотин, бир айланиб келайлик, деди.

Шаҳар марказидаги кинотеатрда чет эл фильми кетаётган экан. Улар амаллаб билет топиб киришди.

Фильмни Рустам тўлқинланиб томоша қилди. Унга фильм ёқди. Фақат, лаҳза ичида ўтиб кетган чигал бир қисмат ўйини хаёлини қочириб, уни сал паришонлантирди.

...Қиз эрга тегяпти. Бироқ унинг бошқа севгани бор. У ҳаммадан қочиб, ўша севгилиси билан махфий учрашади. Мен сенга ўзимни топширгани келдим, биринчи навбатда сеники бўлишим керак, дейди. Аллақандай қоронғи сомонхонада йигитнинг бағрига киради ҳам. Кейин, тўйхонага қайтиб, турмуш қуриб кетаверади...

Рустам барча томошабинлар сингари қизга ачинди. У қизнинг ночор бир кўйга тушганини ҳис этди. Бу — фильмда ҳам яхши тасвирланган эди! Лекин Рустам шу билан бирга, негадир уйланган йигитга янада кўпроқ ачиниб қаради. Бу йигит, нима бўлганда ҳам, алданган эди!

Кинодан уйга қайтишаётганида, Рустам Малоҳатга беихтиёр шу тўғрида сўз очди.

— Сиз тушунинг! Қиз биринчи йигитни яхши кўради, ахир! — деди Малоҳат. — У виждони олдида пок...

— Дунёда бурч деган нарса бор, — асабийлашди Рустам.

— Муҳаббат-чи? Муҳаббат йўқ жойда бурч ҳам бўлмайди, — бўш келмади Малоҳат. — Баъзан Ғарб, Шарқ, деймиз... Мен ўзимизнинг қизларимиз шундай иш тутишган пайтлар борлигини биламан! Тўйи олдидан севгилисининг кўксига бошини қўйиб йиғлаган қизларни-ку, айтмай қўяқолай. Унақалар сон мингта!..

Рустамнинг фикрига қўшилмаганда ҳам, Малоҳат шу палла жилла қурганда индамагани, баҳслашмагани дурустмиди?! Унинг оқланиш оҳангидаги ўй-

мулоҳазаси Рустамни, гўёки дафъатан қирғоқдан-қирғоққа отгандек, яна хаёлан ўзи уйланган кунларга қайтарди. Рустам вақтида ҳақиқатни очиб ташлашга журъат қилмагани-ю, шунча йил бирга яшаб, хотинининг кўнглини билмаганидан энди алланечук ўқиниб, нотинчлангандек бўлди. У хотини билан томоша кўргани чиқиб, баҳра топиш ўрнига, қайтиб ўз оиласи бошида бўлган эски савдони сотиб олгандек эди!

Рустам уч-тўрт кун кўнгли хижил, биров ўласи қилиб тепкилагандек ланж юрди. Бу жароҳат ҳам вақт ўтиши билан балки битарди! Аммо кутилмаганда янги бир саҳифа очилиб, воқеа ўз-ўзидан тезлашди.

Якшанба куни Малоҳат болаларни олиб, ота-онасини кўргани кетди. Рустам уйда зерикиб, китоб варақлагани жавон олдига борди. Китобларни кўздан кечираётиб, тасодифан улар орасида тиқилиб турган альбомга кўзи тушди. Рустам суратпараст эмасди. Суратга кам тушар, альбом билан ҳам иши йўқ эди. Ҳозир шунчаки қўлига олиб, очди. Беихтиёр яшил бир конверт Рустамнинг диққатини тортди. Унинг юзига «Волга бўйларида олинган суратлар» деб ёзилган эди.

У неғалигини ўзи ҳам тушунмаган ҳолда, ҳаяжонланиб, нафаси бўғзига тиқилиб, суратларни кўздан кечира бошлади ва бирдан... юраги қинидан чиқиб, ерга гурсиллаб йиқилишига оз қолди. Мана... мана, то ҳозиргача ундан гоҳ олисда жонланиб, гоҳ кўмилиб келган ҳақиқат! Мана, Малоҳат йиллар бўйи ундан пинҳон тутган сир!..

Суратлардан бирида Малоҳат қандайдир ариқнингми, чуқурликнингми бўйида туриб, олдинга қўлини чўзган, иккинчи томонда қомат тиклаган хушбичим бир йигит унинг қўлларини маҳкам тутган эди. Икковлари ҳам бошларини орқага ташлаб, қотиб кулишарди.

Суратдагиларни унутиб, Рустам шу дамда кўпдан буён кўринмай юрган Гулгунни эслади. Гулгун аввалдан бу тўғрида билиб гапирган экан-да!

У суратни чўнтагига солиб, альбомни қайтиб жойига қўйди.

Шу оқшом Малоҳатга ҳеч нарса демади. Лекин тунги бўйи илон чаққандек тўлғаниб чиқди. Эртаси куни эрталаб яна лом-мим демасдан ишга жўнади.

Малоҳат унинг тундаги лоқайдлигига ҳам, эрталабки қош-қовоғи осифлигига ҳам парво қилгани йўқ. У гап нимада эканлигини билмаслиги аниқ, аммо болалар билан ўраллашиб, эрида бир ўзгариш рўй берганини сезмадимми... ҳарҳолда, одатдаги муомаласини давом эттиргандек бўлди. Бу етмагандек, болаларга нимадир олишни мўлжаллаб, кундузи ишхонага пул ҳам сўраб келди!

Рустам, кейинги куни ишхонада йигитлар хотини тўғрисида орқаворотдан гапиришганини эшитди. Бу — сўнги томчи эди! У, аҳволни мендан бўлак ҳамма, идорадагилар ҳам билишар экан, мен бўлса лаллайиб юрган эканман-да, деб ўйлади. Ўзини ҳақоратланган ҳис этиб, нафрат-адоватга тўлди.

Унинг яна икки кеча уйда қолишга сабри етди. Хотини билан бир оғиз ҳам гаплашмади. Хотини ҳам ундан ҳеч нарса сўрамади. Бироқ Рустам ўз ёғида ўзи қоврилиб, асабийлашгани сайин, Малоҳат энди ўзини бепарво тутаётгандек қиёфага кирди. Рустамга аҳамият бермай, ишдан кейин, уйда болаларга қараб, бемалол телевизор кўриб, китоб ўқиб, идиш-товоқни ювиб юраверди!

Ниҳоят, Рустам бундай хўрликка ортиқ чидаёлмаслигини сезди.

У саҳарлаб туриб, ювиниб-кийинди. Болалар мактабга кетиб, эр-хотин нонуштага ўтирганча бир пиёладан чой ичишгач, чўнтагида олиб юрган суратни чиқариб, индамай Малоҳатнинг олдига ташлади.

Шу фурсатда Малоҳат мабодо бир дунё ёлғон-яшиқ ишлатиб, ўзини оқласа майли эди! У йиғлаб-сиқтаб, Рустамнинг оёғига йиқилиб, ўзининг бир пайтлардаги гуноҳини тиласа ҳам майли эди! Рустам тушунарди. Бутун гапни энди бир йўла тамоман кўмиб ташлашга ҳаракат қиларди.

Йўқ, бу — ҳар қачонги, пинагини дарров бузавермайдиган, эҳтиросга берилавермайдиган Малоҳат эди!

У одатига шошмасдан суратга тикилиб, бир қатла қизариб олгандек, бир нафас хаёлга берилиб, ёнида Рустамнинг борлигини ҳам унутгандек бўлди. Сўнг суратни шунчаки бир четга суриб қўйди.

— Ҳали шунгамиди? Мен нима экан, деб ҳайрон бўлиб ўтирибман! — пичирлади ниҳоят Малоҳат. — Қаёқдаги қолиб кетган гапларни кавлаштириб юрганингизни қаранг! Еш катта бўлганда одамга бунақа ишлар ярашмайди!..

У, қандай йўсинда бўлмасин, ақл бовар қиладиган жавобни кутаётган Рустамга ланжлик билан, беписанд кўйда, ўзини дахлсиз тутиб, шундай деди.

Малоҳат учун гўёки уларнинг ҳаётида даҳшатли ҳеч нарса рўй бермаганди! Малоҳатнинг сўзларидан, шу билан бирга, у эмас, ҳаммасига Рустам айбдор, у эмас, Рустам уялиши керакка ўхшар эди!

Рустамга унинг сўзлари замирида, кўнглимга келганини қилганман, бундан кейин ҳам қиламан, сенга ҳисоб бериб ўтирмайман, сен галварс, бачканалик билан гап кавлаштириб, нимага ҳам эришардинг, деган маъно яшириниб ётгандек туюлди. Одамлар баъзан ҳазиллашиб: «Ўпган, қучган — шамол билан учган!» дейишгани сингари, Малоҳат ҳаётни жўн тушуниши-ю, бунинг устига, писмиқ эканлигини ўйлаб, Рустамнинг қони қайнаб кетди! Хотини уни бурнидан ип ўтказиб ўйнатгани, шунча йил олдига похол солиб юргани кам, ҳозир яна пичоқсиз сўйгандек бўлди!

Бироқ Рустам ўзини йўқотмади. Аламини, кўзига қўйилиб келаётган ёшни ичига ютди. У Малоҳатга зулм-зуғумсиз, фақат, мен ортиқ бундай яшаёлмайман, деди.

Рустам, кетдим, деб айтгани йўқ. Кўлига уйдан арзирлик бирон буюм олгани ҳам йўқ. Лекин унинг хайрлашгани шу эди!

Албатта, Малоҳатга ачинмаслик мумкин эмас. У суюкли хотин эди! Оғзидан чиққанини эри бажарарди! Мана, энди иккита бола билан эрсиз қолди!

Малоҳат ҳали кўп пушаймонлар қилади! Рустамни қайтармикин, деб кутади! Рустам қўли остидаги — Мадианами, бирон ёш, ундан чиройли қизга ўйланганини эшитиб, туллари совуқ тўшақда тўлғаниб чиқади! Кўз ёш тўкиб, бошини деворларга уради! Аммо, натижа бўлмайди! Малоҳат ўз гуноҳи учун жавоб беради!..

Кабинетдаги креслодан сапчиб туриб, Қўрғонов узун тўшалган гилам бўйлаб яна яланг оёқ нари-бери юра бошлади.

Малоҳат бир нарсани тушуниши керак эди. Рустам хотинини шунчаки рашк қиладиган аҳмоқ эмас. Бекордан-бекорга оила бузилиб, болалар чирқираб тирик етим қолишини Рустам истамайди. У яхши биладики, дунёда гуноҳсиз одам йўқ. Шу боисдан, олижаноб инсон ҳар қандай оғир шароитда ҳам маълум даражада кечиримли бўлади. Бироқ буни суиистеъмол қилиш, гуноҳинг бўйнингда бўлатуриб, мен шунақаман, қўлингдан келса осмондан ташла, деб безбетларча серрайиш ярамайди! Малоҳат худди шундай қилди! Ўн йил бир ёстиққа бош қўйиб, Рустамнинг юрагини топтаб келгани етмагандек, сўнгида ҳам уни тушунмади. Рустамга қўшиб ўзини, бегуноҳ болаларни ҳам мушкул қўйга солиб қўйди!..

Ташқарида кун ғира-шира ёриша бошлади.

Қўрғонов креслога қайтиб келиб ўтирганича, яна бир оз мизғиган бўлди. Ниҳоят, графиндаги сувни тўкиб-сочиб, наридан-бери ювиниб олди. Шошмасдан кийиниб, қалин қизил чарм жилдни қўлтиғига қистирганича ташқарига йўналди.

Қоровул чол йўлакдаги диванда кўрпа-тўшак қилиб, худди уйидаги сингари бемалол пишиллаб ухларди.

Қўрғонов қариянинг ҳеч нарсани сезмаганига суюниб, унинг ёнидан эҳтиёткор қадам босиб ўтганча, эшик ҳалқасини тушириб, кўчага чиқди.

Кеча кечқурун ишхонани тарк этганида иккиланиб, жилла ўйланиб қолганди. Нима бўлганда ҳам уйга бориб, Малоҳат билан қизишмасдан яна бир гаплашиб кўрсаммикан, унинг ўзидан ҳақиқатни билишга ҳаракат қилсаммикин, деб кўнглидан кечирганди. Лекин бу фикридан тез қайтиб, ресторанга қараб кетган эди.

Ҳозир ҳам Рустам, уйга бир кирсаммикан, хотин нима қиляпти, болалар нима қиляпти — билиб, шунга қараб иш тутсаммикан, деб ўйлаб, кўчада сал иккиланиб турди. Лекин бу унга яна қўнимсизлик, йигит кишига ярашмайдиган бачканалик бўлиб туюлди.

Уч-тўрт бекат пойи-пиёда юриб, йўл устидаги чойхонага кирди. Бу ерда қуёш ёйилгунча чой ичиб ўтирди.

Ниҳоят, шошмасдан ишхонага қайтиб келди.

## ЯНА ҚҮРҒОНОВ

Сирасини айтганда, у бўлимдаги йигитларнинг бир ерда ўтиришиб Малоҳат тўғрисида гапиришганига аҳамият бермаса ҳам бўларди! Одамларнинг тилини пойлаб, ҳамманинг оғзига бирма-бир қулф солиб чиқишнинг иложи йўқлигини Қўрғонов албатта яхши биларди! Айниқса, шу кунлар Малоҳат ишхонага келиб-кетганидан, бўлимдагиларнинг у ҳақда гаплашиши табиий ҳол эди!

Бироқ Қўрғоновнинг хаёлига, булар бир нарсани биладики, гапиради, деган бемаъни фикр беихтиёр ўрнашганди. У қудуқдан сув тортганга ўхшаб, қўли остидагиларнинг ичидагини чиқариб олишга жазм этганди.

Қўрғонов Малоҳат тўғрисида ўзича хунук бир ҳақиқатни — Малоҳатнинг қачон, қандай бўлмасин, хиёнатга юз тутганини англаган, унга энди шу ҳақиқатнинг иқрорими, исботими, керак эди! У Малоҳатдан ҳеч нарса «ололмагани» учун, буни бошқалардан аниқлайман, деб, телба бир кўйга тушганди.

Хотинидан ажралиб кетган тақдирда ҳам, бировлардан у ҳақда сўраб-суриштириш пасткашлик эканлигини Қўрғонов кўнглининг аллабурчида ҳис этарди. Лекин шунга қарамай, обрў, номусни сақлаб қолишнинг бирдан-бир йўли шу бўлиб туюлар, бундай хатти-ҳаракатни у ўз шаъни учун кураш деб тушунар эди.

Малоҳатдан ташқари, у билан қўл ушлашиб, кулишиб суратга тушган йигит Қўрғоновнинг бутун хаёлини эгаллаганди. Бу йигит ким? У ҳозир қаерда? Унинг Малоҳат билан муносабати нимадан иборат эди? Қўрғонов энди шу тўғрида ўйлагани ўйлаган, ўша йигитни — қай йўсинда бўлмасин, бир кўрмоқчи эди! Кўриб нима қилади, нима дейди — буни Қўрғонов билмасди. Фақат юзма-юз келишни ўзи учун ниҳоятда муҳим деб ўйларди.

Ишхонада куннинг биринчи ярмида Қўрғонов бўлимдагиларни гоҳ эшилиб, гоҳ асабийлашган намойишда тергаш билан банд бўлди. Аммо унинг меҳрибонлик кўрсатгани ҳам, дағдаға қилгани ҳам наф бермади: қулоғига етиб келганидан бошқа ҳеч нарса билолмади. Тунни уйқусиз ўтказганидан баттар толиқиш сезгани қолди, холос! Тушдан кейин, кечгача вақт идора бошлиғининг кабинетида мажлис билан ўтди. У мажлис давомида уйқу босиб, бехос мункиб кетишдан қўрқиб ўтирди.

Кўёш уфққа ёнбошлаб, кеч кира боргани сайин уни ғам-ташвиш чулғай бошлади. Тунни қаерда, қандай ўтказиш керак! Ёшинг бир ерга борганида бошпанасиз одам кўйига тушиш кишига малол келар экан! Бирдан унинг кўз ўнги ёришди.

Кун — жума эди. Қишлоққа бориб, чол-кампири, қариндош-уруғни хурсанд қилиб, дам олиш кунларини ўша ерда ўтказиш, баҳонада ўзи нима бўлди-ю, нима бўлаётганини бафуржа ўйлаш мумкин-ку, ахир!

Қўрғонов хаёлига келган оддийгина шу фикрдан терисига сиғмай севиниб кетди...

## 5

### БИРИНЧИ КИШИ

Хонада қоғозга кўмилиб папирос тутатганича ўтиравериб, Мансур зерика бошлади.

Унинг ўртоқлари бугун ҳар бири ўзича тушликка чиққани етмагандек, ишхонада ҳозир уларнинг бор-йўқлиги ҳам сезилмаяпти! Инига кириб кетган сичқонга ўхшаб, ҳаммаси ўз хонасига беркиниб олган! Ҳеч ким, қалайсан, ўртоқ, деб мўралаб, афтидан, аҳвол ҳам сўрамоқчи эмас! Хўп, оғайниларни сотган бўлсанг, биттанг сотгандирсан! Ҳамманг хоин эмассан-ку! Бунча тиззаларинг қалтираб, бўйниларингни ичларингга тортиб қолдиларинг?!

Мансур беихтиёр бўғилиб-асабийлашди. Унга ўртоқлари ўзича нисбатан ҳам эҳтиёткор, журъатсиз бўлиб туюлишди. Бошлиқлар мажлис қилишаётган шу палла, ҳамкасблари билан гаплашиб, бир йўла уларнинг юрагига қўл солиб кўргиси келди.

Чекаётган папиросини ўчириб, эшикни ёпганича, Мансур тўғри рўпарадаги Набининг кабинетига кириб борди.

У олдиндан кутганидек, Наби хонада алланечук эзилиб, отаси қазо қилган одамдек, мотамсари бир ҳолатда ўтирарди.

— Иш кўпайиб кетдими, жўра?! — сўради Мансур, дўстининг қош-қовоғига эътибор бермасликка тиришиб.

Наби унга ғамгин, шу билан бирга, разм солгандек қаради:

— Нима, «разведка» қилиб юрибсизми?!

Мансур тахтадек қотиб қолди. Бу гап илк қарашда ҳазил-мутойибага ўхшаса ҳамки, тагида, пойлоқчилик қиялсанми, деган зил маъно бор эди. Мансур бошқа ўртоқларидан кўра Набига кўпроқ ишонар, уни ўзига яқин деб биларди. Юрагини ким, деган савол кемирганда ҳам, Набидан кам шубҳаланиб, азбаройи дардлашгиси келганидан, биринчи навбатда унинг хонасига кирган эди. Шу боисдан, дабдурустдан Набининг силтаб ташлаши Мансурга малол келди. Унинг нақ юрагига пичоқ санчилгандек бўлди!

— Осмон узилиб ерга тушган экан, жўра. Билмабмиз, узр, — деди Мансур ва шахд-шиддат билан ташқарига отилди.

У Набининг ҳар қачонгига ўхшамаган совуқ муомаласи мағзини чақолмай гангиб-эсанкираб, йўлакда бир оз айланиб юрди. Кейин, булар нега бунақа қиялпти, деб ўйлаб тоқатсизланганидан, ўзини тутолмай бошлиқ қабулхонаси ёнидаги Рамазоннинг кабинетига «бостириб» кирди.

Рамазонни Мансурга Наби даражасида яқин деб бўлмайди. Лекин унинг феъл-атворидаги яхши бир жиҳат: кўрслиги, ҳар нарсага сапчийдиган одати йўқ. Хушмуомала. Маданиятли. Мана, ҳозир ҳам у Мансурни бағри кенг одамларга хос беозор жилмайиб қаршилади.

Мансур тўлиб турганидан, Рамазонга дардини ёрди:

— Бирон фожиа рўй бердимиз? Нима бўлди?! Овқатга чақирмадинлар! Ҳамманг хонани эгаллаб ўтирибсанлар! Энди бир-бири билан гаплашиш ҳам мумкин эмасми?! Салом-аликни ҳам йиғиштириб қўяқоламизми шу боришда?!

— Ўзингиз ҳаммасини кўриб турибсиз, — деди ўйчан, мулоҳаза юритган бир кўйда Рамазон. — Яхши иш бўлмади, ўртоқ...

— Яхши бўлмаса, бунга мен жавоб бераманми?

— Ҳа, энди... ким билади... — Рамазон юзини секин четга бурди.

Мансур бу хонадан баттар бўғилиб-асабийлашиб чиқди.

У ўз кабинетига қайтиб, папирос тутатганича ўйга чўмди. Энди бир нарса дафъатан унга аён бўлиб қолганди: ўртоқлари ундан шубҳаланишяпти! Наби ҳам, Рамазон ҳам бошқа биров эмас, уни сотқин деб билиб, гаплашгилари келмаяпти!

Отахон...

Мансур унинг ҳузурига кириб ҳам ўтирмади. Наби билан Рамазонки, Мансурга ишонишмаётган экан, Отахон ўлганда ҳам ишонмайди. Бу йигитнинг аввалдан бадгумонлиги бор.

«Мендан нега шубҳаланишади? Қизиқ! Менинг Кўрғоновга қандайдир яқинлигим бўлмаса, шу ишда қимирлаб туришдан бўлак нарсани ўйламасам... Наҳотки, одамни тушунишмайди?! — Мансур шундай оғир, аламли хаёлларга борди-ю, секин-аста гўеки кўзи мошдек очила бошлади. — Сенинг бошингда шохинг борми? Сен бировлардан шубҳаланиб турганда, улар ҳам сендан шубҳаланади-да! Бунга ажабланиш ортиқча!..»

Шундан сўнг, унинг хаёлини яна, ким, деган савол эгаллади...

## 6

### ИККИНЧИ КИШИ

Кўрғонов бўлимдаги бошқа йигитларга қараганда Наби билан жуда қисқа гаплашган эди. У сўз очгани заҳоти, Наби чувак юзидаги ўткир кўзлари чақчайиб, нима, мен сизга шпионманми, деган ва Кўрғонов дарҳол, майли, жавоб сизга, дейишга мажбур бўлганди...

Эрталаб алла-паллада уйқудан турган Наби уйда хотини йўқлигини сизди. Бироқ дастурхонда нонушта тайёр эди. У чой ичаётиб, кечаги суҳбатни эслага-

нича ғижинди ва ҳозир ҳам, нима, мен Қўрғоновга шпионманми, деб ўйлаб, ўзи-ўзидан хафа бўлиб кетди.

Бу, хотин қаерда экан, деган хаёлдан безовталаниб турганида, ташқаридан хотинининг овози эшитилди:

— Наби ака! Бу ёққа қаранг, Наби ака...

У тўртинчи қават ойнасидан пастга — кўчага қаради.

Раънонинг ғалати одатлари бор! У усти ёпиқ қандайдир юк машинаси олдида турар, эри билан машварат қилиб ҳам ўтирмай нимадир харид қилган, ўшани уйга олиб келган эди.

Наби истар-истамас пастга тушди.

— Китоб жавони! — мағрурланиб деди Раъно.

— Ҳозир шу зарилмиди? — тўнғиллади Наби.

— Сизга ҳеч қачон зарил эмас! Китобларингиз оёқ остида сочилиб ётибди...

Наби ҳайдовчи билан машинадан амаллаб жавонни ерга туширди. Машина кетгач, энди нима қилдик, дегандек хотинига эзгин тикилиб серрайди.

— Улфати чор, деб юрасиз... Ўртоқларингизга қўнғироқ қилинг, — унинг ҳолатини тушуниб, дарҳол фикр билдирди Раъно. — Шунақа пайтда ёрдам беришмаса...

Одатда, ўзини хотини олдида осойишта тутадиган Наби, бирдан тутқаноғи тутган одамдек, титраб кетди.

— Менинг ҳеч қанақа ўртоғим йўқ! Тушундингми? Тўртинчи эмас, қирқинчи қават бўлсаям, ўзим олиб чиқаман. Ўзим!

Жавон катта, оғир эди. Аммо Наби уни орқалаб, йўлак томон судрала бошлади. Эрининг нега бундай бехосдан феъли айниганига тушунмаган Раъно унинг ёнида пилдираб, ёрдам беришга уринди.

Ниҳоят, жавонни уйга олиб киришгач, хотинига юзланиб:

— Нима, мен Қўрғоновга шпионманми? — деди ҳамон асабийлашиб турган Наби. — Бунақа ишда ишлагандан, ўлган яхши. Ариза ёзаман! Кетаман...

## 7

### УЧИНЧИ ВА ТЎРТИНЧИ КИШИ

Наби билан кетма-кет Рамазон ҳам ариза ёзиб, ишдан бўшади.

Кейин орадан кўп ўтмай, Отахон ҳам кетди.

Бу йигитлар ўрнида ишга янги хизматчилар келишди...

## 8

### ЯНА БИРИНЧИ КИШИ

Мансур, ким хиёнат қилгани маълум эмас, аммо ишдан кетмаса, бутун гуноҳ ўз бўйнига тушиб қолишини кундан-кунга чуқурроқ ҳис эта бошлади.

Ниҳоят, у ҳам ариза ёзди...

## 9

### ҚЎРҒОНОВ

Беш-ўн кун ётиб-турадиган аниқ жой тополмай кўчада қолганидан кейин, Рустам Қўрғонов уйга қайтиб, хотини билан ярашди. «Турмушда ҳар нарса бўлар экан. Оилада бир-бирингни кечириш керак!» — деб ўз-ўзига таскин берди.

Аммо шу кунлари у котибаси Мадинани Мансурнинг ўрнидаги ишга ўтказди.

— Сиз қайси ишда ишланган, олдингидек дўст бўлиб қолаверамиз, — деди Мадинага. — Менга доим хизмат қилиб турасиз. Одамларни сездирмай кузатасиз. Мен барибир бир куни хотинимдан ажралиб, сизга уйланаман...

## ТҶҮРТ ЙИГИТ ВА ГУЛГУН

Мансур билан унинг уч оғайниси — тасодифан дуч келганда, бир-бирларидан қочиб, кўришмаслик учун кўчанинг нариги бетига ўтиб кетишар, афтидан, бу энди уларнинг ҳаётида қолган бир умрлик савдо эди... Мансур бундан айниқса қаттиқ изтироб чекарди.

Кўрғонов ҳам кўча-кўйда Гулгунни учратганида, ҳамон аллақандай азобларди. Аммо фарқи... у кўнглида ҳар гал, қани, иложи бўлса, мен шу қизни албатта йўқ қилардим, деб ўйлар эди...

## КАМТАРЛИК — ЙҶҚЛИК ЭМАС

Бухорода бир аллома бўларди. Узун бўйли, оппоқ соқолли, кўзларида ақл ва донишмандлик барқ уриб турган бу хушсурат қария эшикдан чиқаётганида бараварига ўн-ўн беш чокли мўйсафид унинг калишини тўғрилаб қўйишга эгиларди. Ҳассага югурганлар қанча, у кишининг қўлларини олиб, қошларига сурмоқчи бўлганлар яна қанча...

Азал-азалдан «қуввати ислом» саналган Бухоройи шарифда оллоҳ йўлида ҳурмат-эҳтиром қозонган зотлар ана шундай улуғланиб келинган. Айтмоқчи, ҳар жума ва ҳайит кунлари узок-яқинлардан ўша алломанинг зиёратига келувчиларнинг сон-ҳисоби бўлмасди. Отахон Хўжа Зайниддин масжидида амри маъруф қилганларида минглаб сомелар бошларини кўксиларига солинтирганча пиқ-пиқ йиғлаб ўтиришар, илоҳий сўзлар сеҳридан ҳар қандай мушрикнинг ҳам баданлари жимирлаб кетар эди.

Атеистик-имонсизлик тарбияси авж олган олтмишинчи йиллар ҳам Бухорода дин пешволари у кишини пийрим деб бошларига тож қилишарди.

Худди ана шу табаррук зот бугунги ўзбек адабиётида ўзининг қатор шеърӣ мажмуалари, роман, кисса ва саҳна асарлари билан эл орасида машҳур бўлган Омон Мухторнинг падари бузрукворлари бўлган.

Мен Омонжондан уч-тўрт ёш катта бўлсам-да, унинг ўсмирлигини яхши биламан. Унинг оиласида «нонни ҳалоллаб ейиш» удум бўлган. Шунинг учун ҳам Омонжон болалигидан дурадгорга, сўнг этикдўзга шогирдликка берилди. Унинг усталарини ҳам яхши танирдим. Усто Маҳмуджон, Усто Очил, Усто Ориф... ҳаммалари хат-саводли, мулла, дунё кўрган кишилар эди. Абдулазизхон мадрасасига туташ бинода — «Қизил маъданчи» артелида кўнчилик бўлиб «ғарч» туфли тикишарди.

Омонжон билан худди шу йиллари Охунбобоёв номли ўрта мактабда танишганман. Биз иккинчи курс талабалари шу мактабга муаллимлик амалиётини ўташга келган эдик. «Энг яхши шеър ва монолоғ ўқувчилар танлови»да ўнинчи синф ўқувчиси Омонжон ва синфдоши, ҳозирда Ўзбекистон ССР халқ артисти Бахтиёр Ихтиёров «Оғрик тишлар» комедиясидан Заргаров ва Марасул саҳнасини ўйнаб, биринчи ўринни олишгани кечагидай эсимда.

Омонжон ўша йил Тошкент Давлат Дорилфунунига ҳужжат топширди. Омади чопмади. Бухорога қайтиб, босмаҳонага ҳарф терувчи бўлиб ишга кирди. Худди шу йил унинг дастлабки масали «Муштум» мажалласида босилиб чиққани ҳам эсимда.

Шу-шу, ўттиз беш йилдан бери руҳан бир-биримизга боғланиб қолганмиз. Эҳтимол, бундай боғланишга оталаримиз орасидаги пийру муридлик ҳам сабаб бўлгандир. Қизиги шундаки, ҳозиргача биз бир-биримизнинг суҳбатимиздан, дийдоримиздан сира тўймаганмиз. Баъзан хайрлашиб, қўл олгандан кейин ҳам яна икки соатлаб қолиб кетган пайтларимиз кўп бўлган.

Энди Омонжоннинг адиблиги хақида. Унинг акаси ёки дўсти бўлганим учун гапим-

ни тўғри тушунишларингизни истардим. Омонжон ўзига хос шоир. Унинг давраларда, катта йиғинларда шеър ўқиганини кўп кўрганман. У қаддини ғоз тутиб, қўл силкиб, мағрур, шиддатли оҳангда, сўзларни аниқ талаффузда шинавандалари онгига муҳрлай олади. Шеърлари ҳам шакли, ўйноқилиги жиҳатидан бошқаларникига сира ўхшамайди. Муҳаббат шеърларидаги ички нола, сўзларнинг такрорланиб келиши қироатга ўхшаб сеҳрли бир оҳанг касб этади. Шу жиҳатдан, унинг «Оҳанг», «Шиддат» тўпламларига кирган шеърларини алоҳида тилга олгим келади.

Омонжон адабиётнинг деярли ҳамма жанрида қалам тебратиб келмоқда. У болалар учун эртаклар ёзган, драмалари театрларда қўйилган, киносценарийлари экранларда намойиш этилган. Унинг «Йиллар шамоли», «Эгилган бош» романлари ва «Бухоро ҳикоялари» туркумидаги асарларини мен қайта-қайта ўқийман. Ва аллақачон шундай хулосага келганман: Омон насрда ҳам ўз услубига эга. Омоннинг романларини истаган даврда, истаган кайфиятда — қайта қуришдан ўн йил аввал ҳам, юз йил кейин ҳам бемалол ўқиш мумкин. Чунки бу асарларда биринчи режада давр, макон эмас, балки тирик одам қўйилади. Омоннинг насрдаги услубида мен Айнийга хос кўламини, қолаверса, эски жангномалардаги анъаналарни кўраман. У асар қуришда анча малака ҳосил қилган. Унинг ёзувида бемалоллик бор. Гоҳида баёнга ўхшаб кетадиган тасвирида ички бир эркинлик, бемалоллик уфуриб туради.

Бу усталик ва бемалоллик айниқса унинг кейинги «Эгилган бош» романида яққол сезилади. Омон китобхонни воқеалар гирдобига олиб киргач, уни турли қўйларга, турли ўйларга соладиган адиб. Романдаги Ғозиддин, Аброр, Нонла, Ҳақназаров, Қодир сингари характерлар тақдирига китобхон бефарқ қарай олмайди. Роман саҳифаларида воқеалар бўрттирилмайди. Ҳаммаси: эзгулик ҳам, мафия ёки саргузашт ҳам, муҳаббат ва хиёнат ҳам меъёрида тасвирланади.


Хуллас, ёзаман десам коғоз, айтаман десам, рост гап топилади.

Фақат укам, дўстим Омон Мухторнинг 50 йиллиги баҳонаси билан бир ҳақиқатни таъкидлагим келади. Омон жуда камтар, меҳнатқаш, камсуқум, ҳалол ёзувчи. Шунинг учун бўлса керак, ҳозиргача у ҳар хил сийлов ва мактовлардан четда қолиб келяпти. Давраларда у ҳақда гап кетганда «Омон яхши шоир, прозаси ҳам ёмон эмас», деган гапдан нари ўтилмаяпти.


У ўз дарди, ўз ижоди, ўз стихияларни билан умргузаронлик қилмоқда. Идорада ҳам, ижодда ҳам ўз нонини ҳалоллаб ейишга одатланган.

Пировардида ҳурматли, зукко адабиётшуносларимизга бир гапни эслатгим келади. Камтарлик дегани — йўқлик эмас. Омон Мухтор хақидаги бор гапни айтиш фурсати келди.

**Неъмат АМИНОВ**







Эркин Самандар

## Аждодлар Культу

Тарихий фожиа

ҚАТНАШУВЧИЛАР:

**ОНА** — волида қиёфасидаги замин  
**ЕВҚОЧ БОТИР** — халқ қаҳрамони  
**ЗАНКИЖА** — унинг севгилиси  
**ЖАЛОЛИДДИН МАНГУБЕРДИ** — Хоразмшоҳнинг тўнғич ўғли.  
**ОЙЧЕЧАН** — унинг онаси  
**МУЗАФФАР МАЛИК** — халқ қаҳрамони  
**ИБН УМАР** — аллома  
**АЪЛОИДДИН МУҲАММАД ХОРАЗМШОҲ**  
**ТУРКОН ХОТУН** — унинг онаси  
**ҚУТБИДДИН УЗЛОҲШОҲ** — Хоразмшоҳнинг  
ўғли, валиаҳд шаҳзода  
**НИЗОМУЛМУЛК**  
**ХУЖА БАДРИДДИН** — девонбеги  
**ЧИНГИЗХОН**  
**ЖУЖИ**  
**ТУЛИХОН** — Чингизхоннинг ўғиллари.  
**ЧАПА НҮЕН**  
**ҚАРИ НҮЕН** — Чингизхон қўшинининг сарҳанглари.  
**ИХТИЕРИДДИН** — халқ қаҳрамони  
**ЭЛЧИ**  
**ШАҲОБИДДИН УСТОЗДОР ҚАВОМИДДИН ШАШТДОР** — сарой  
мулозимлари  
**КОМРОН** — Хоразмшоҳнинг кенжа ўғли  
**ҲУР ҚИЗЛАР, САРБОЗЛАР, ЯСОВУЛЛАР, ҲУНАРМАНДЛАР,**  
**ДЕҲҚОНЛАР**

Воқеа 1220 йилларда Мовароуннаҳр ва Хуросонда бўлиб ўтади

### МУҚАДДИМА

Узоқ давом этган шафқатсиз жанг тақдири душман фойдасига ҳал бўлаётган машъум дамлар. Ерда қиличлар, дубулғалар ва қалқонларнинг синиқлари, кўкда ҳамон бурқиб турган қора тутунлар. Ендирилган уйлар, яқсон этилган истехкомлар. Отларнинг зорли кишнашлари, ярадорларнинг оғир инграшлари, хотинлар, болаларнинг фарёдлари. Тўрға тушган шердай ўкириб Жалолиддин қиради. Чап елкаси ва қўлидан тиркираб қон оқмоқда.

## ЖАЛОЛИДДИН

Эй сиз — баланд қояларда ўсган бургутлар,  
Бўронларнинг зурёдлари — алп навкарлар,  
Чавандозлар! Қинга солманг шамширингизни.  
Қайрилмасин яраланган қанотларингиз.  
Тисарилиб бораётган отларингизнинг  
Бошларини олға буринг, амр этурмен!

### МУЗАФФАР МАЛИК

Амрингиз вожиб найзабоз, чавандозларга.  
Арғумоқлар қанотланур овозингиздан.  
Локин ёғий сон-саноқсиз чигирткалардек.  
Тўп-тўп этиб устимизга ташлар шамоллар.  
Чингиз мисли етти бошли аждарга ўхшар.  
Битта бошин кессанг заҳар сочар бошқаси.  
Алалхусус, Жалолиддин, чекинмоқ даркор.

Жалолиддин тўп бўлиб ёпирилган мўғулларга қарши туради. Бир кўли билан қилич сермаб, кўпчилигини яқсон этади. Сарбозлар ёрдамга келиб ёв ҳалқасини ёриб ташлайдилар. Музаффар Малик иккинчи томонда найза жангига киради, ажал домидан фавкулудда омон чиқади.

## САРБОЗ

(Душманни бурчакка тираб)

Ҳа-ҳа, сариқ иблис, энди тушдинг илгимга,  
Энди қовоқ калланг билан видолашавер.  
Сенинг ҳаром тукларингдан фақат кўзиммас,  
Ханжарим-да этур ҳазар. Аммо на илож,  
Уни ҳаром қонинг ила бўйайман энди.

Бир зарб билан рақибининг бошини кесиб ташлайди. Сўнг Музаффар Маликка юзланиб:

Изн этинг. Оға, ҳожат эрмас чекинмак,  
Жонимизда гурлаётган қасосли ўтлар  
Тутун аро кўзимизни равшан этмакка,  
Говни ёриб йўл очмакка эрурлар қодир.

У қиличини ҳавода ўйнатиб, ёв тўдасига ўзини уради. Момогулдурак, чакмоқлар остида сохилдан болаларнинг, хотинларнинг қий-чуви эшитилади. Саросимада Ойчечан киради.

## ОЙЧЕЧАН

Жалолиддин, ўғлим, кўзим оку қораси,  
Ёвуз итлар қоптиларми елкаларингдан?!  
Кел, қўлингни бойлаб кўяй рўмолим ила.

## ЖАЛОЛИДДИН

Ҳожат эрмас, куюнмангиз асло, онажон,  
Сўзларингиз дилга ёвар,<sup>1</sup> ярамга малҳам.  
Ҳоли нечук ночорларнинг, норасталарнинг?

## ОЙЧЕЧАН

Улар дили булутлардан ваҳимададир,  
Гўдакларни чўчитмоқда момогулдурак.  
Улар васеъ<sup>1</sup> ва музайян<sup>2</sup>, мусаффо кўкни,  
Ой, қуёшни балки энди кўра олмаслар.  
Аёл қалби талвасага мойилдир, ўғлим,

<sup>1</sup> Ёвар — ёрдамчи, мададкор.

<sup>2</sup> Васеъ — кенг.

<sup>3</sup> Музайян — зийнатли.

Бундан асло синиқмасин қисиниб руҳинг.  
Сенинг ўткир нигоҳингни кўриб ўрганган  
Лашкарининг юрагига тушмасин ғулу.  
Шуни билки, инқирозга юз тутган юртнинг  
Сен суянчи ва охирги нажоткорисен.

### ЖАЛОЛИДДИН

Беғуноҳ ва мурғак диллар тасаллига зор,  
Уларни сиз яхши сўзлар ила юпатинг.  
Айтингизким, булутларнинг ортида қуёш  
Эрк қушидек қанотларин силкитиб турар.  
Заррин-заррин шуълалари йиртиб булутни  
Бизга етиб келажаклар саболар ила.  
Ҳозирча дош бермоқ даркор, она, тақдирга,  
Болаларни тез кемага олсинлар, айтинг.  
Йўл олурмиз шоядқарим нари қирғоққа,  
Тўлқинларнинг шиддатлари бизга эш бўлур.  
Худди аждар ҳалқасидан полапонларни  
Асрагувчи балогардон она қуш каби,  
Болаларни қанотингиз остига олинг.

### ОЙЧЕЧАН

Ўғлим, сени паноҳида ўзи асрасин.  
Бошинг омон чиқсин ўтдан Самандар мисол.  
Ўғлининг пешонасидан ўпиб, Ойчечан чиқади.

### ЖАЛОЛИДДИН

Она! Ундан хокисорроқ бир жон бормикин.  
Ундан ортиқ ғамхор борми фарзандлар учун?!  
Оқ сут бериб, оқ шуълага жисмим йўғирган  
Онам меҳри, жанг чоғида қалқон кўксимга.  
Аммо, бордур ҳаммамизга тенг волида — ер,  
Яралганмиз асли она-ернинг ишқидан.  
Дилимизга у сочган кўп уруғлар униб.  
Умримизга фараҳ ато айлар беҳисоб.  
Ҳаётимиз дор остида ё жар ёқаси,  
Ё гирдобнинг чангалида нидо берганда,  
Пайдо бўлар қошимизда волидаи зор,  
Руҳимизга нурлар сепар ҳовуч-ҳовучлаб.  
Маҳрум бўлса ким гар уни туймоқ бахтидан,  
Фарқ қилмагай умри асло хору хаслардан.  
Ана, ташриф айламоқда меҳрибон, мушфик,  
Бу гал шуъла кўринмайди ҳовучларида,  
Юзларида, э воҳ, мунгнинг сояси қуюк,  
Аввалгидек осойишта аммо кўзлари.

Оқ-хулла кийимда Она киради. Тепадан туриб Хур қизлар унга ҳамроҳлик қиладилар.

### ОНА

Фарзандлардир оналарнинг нури дийдаси,  
Она кўзи равшан бўлса, билинги, унинг  
Фарзандлари ёруғликка эрурлар ошно.  
Аммо, менинг кўзим хира тортар кундан-кун,  
Ожиз бўлиб қолмасам деб, ваҳм этурмен.

### БИРИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Гуфтори ўксик-ўксик.

### ИККИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Рафтори ўксик-ўксик.

## УЧИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Толелари талх-талх.

## ТҮРТИНЧИ ҚИЗ

Волидаи зорнинг  
Оҳи бисёр, ваҳ-ваҳ.

## ОНА

Нидо қилар юкорида, ана, Ҳур қизлар,  
Шудир забун толеимнинг акс-садоси.  
Улар менинг кўп мубарро<sup>1</sup> қизларим, ахир.  
Там-там ўйнаб оҳу каби чобук<sup>2</sup> эрдилар.  
Энди гулга кирган эрди думбул ғунчалар,  
Дудоқлари пайғом топганмасди бўсадан.  
Нурнинг ўзи каби тоза эди танлари.  
Юраклари билмас эрди не эрур журум<sup>3</sup>.  
Гулзорга чанг солди ногоҳ яъжуж-маъжужлар,  
Гулга кирган ғунчаларни этдилар пайҳон.  
Шабнам билан ювилган оқ кўйлаklarини  
Йиртиб, қаро айладилар кўкракларини.  
Етти буржни тутса ҳамки менинг оҳларим,  
Юрагимдан дарё бўлиб оқса ҳам қонлар,  
Қолаверди юм-юм йиғлаб очун афсурда<sup>4</sup>,  
Тураверди сарафканда<sup>5</sup> бўлиб гитийлар<sup>6</sup>.  
Сўнгра самум Ҳур қизларни тортиб домига  
Кўкка олиб чиқиб кетди худди калхатдек.  
Шундан бери кўкда изғиб юрар Ҳур қизлар,  
Нигоҳлари холи қўймас мени бир нафас.  
Қаранг, улар менга меҳр йўлламоқдалар,  
Юрагимга оғу тушган ушбу дамда ҳам.

## ҲҲР ҚИЗЛАР

Волидаи зорнинг  
Кўзлари хира-хира.  
Ҳудуд билмас оҳлари,  
Зорлари сира-сира.  
Волидаи зорнинг  
Юзлари сариқ-сариқ.

## ОНА

Ҳар не бўлган афзал эркан она бўлгандан,  
Фарзандларга омад ато айла, эй фалак!

Жалололидин оҳиста Онага яқинлашади.

## ЖАЛОЛИДДИН

Изн айла, Она, дариг тутма лутфингни,  
Аввал шуки, сенга қалқон бўла олмаган  
Бизни — ношуд фарзандларни авфу этгайсен.  
Пешонага битган чоғи мудҳиш ҳазимат<sup>7</sup>,  
Балки бордир ноком битик тақдиримизда.  
Йўқса жонин сенга тиккан жасур чериклар<sup>8</sup>

<sup>1</sup> Мубарро — пок.

<sup>2</sup> Чобук — шўх, ўйноқи.

<sup>3</sup> Журум — гуноҳ.

<sup>4</sup> Афсурда — тушкун.

<sup>5</sup> Сарафканда — ҳижолатманд.

<sup>6</sup> Гитий — олам.

<sup>7</sup> Самум — гармсел.

<sup>8</sup> Ҳазимат — чекиниш.

<sup>9</sup> Черик — қўшин.

Мағлубият иснодига бўлмасди маҳкум.  
Энди менинг истагимни бажар, она-ер,  
Энди менга ўлим афзал иштиноблиқдин<sup>1</sup>.  
Сени ёғий чангалига ташлаб кетолмам,  
Рухсат айла, қучоғингда жон бермоқликка.

### ОНА

Неча кундир, давом этар таваҳҳум қирғин,  
Қонларга ғарқ тўлғанмоқда, ана, баҳри Синд<sup>2</sup>.  
Неча тундир, қиличлардан чиққан чақинлар  
Куйдирмоқда ерда майса, кўкда юлдузни.  
Мен розиман, Жалолиддин, сендан тобада,  
Сен Чингизнинг шамширига сололдинг раҳна.  
Узим кўрдим кеча унинг музтар бўлганин.  
Оқ отинг-ла уни суриб майдон ичинда,  
Худди шердек орқасидан кувлаганингда,  
Терга ботган тиззаларин қалтироғидан  
Узангиси унинг чил-чил узилай, деди.  
Мен орқангдан тўхта, кувма, дея қичқирдим,  
Сўзларимни ёки шамол учуриб кетди,  
Ё эшитиб қулоғингга пандим олмадинг.  
Қува-қува бориб қолдинг жарнинг оғзига  
Ва отингнинг оёқлари тушди тузоққа.  
Шундай қилиб қари тулки сендан олди ўч,  
Бошинг узра ўйнатмоқда энди қиличин,  
Тилларимдан энди менинг учмоқда оҳлар.

### ЖАЛОЛИДДИН

Менинг малул<sup>3</sup> кўнглим сендан ўтинч истайдир,  
Юрагингга еткурганим сўнгсиз ранж ҳақи,  
Мени хокка айлантириб ташла, она-ер.

### ОНА

Сенинг сўзон умринг бугун тушмиш гирдобга,  
У тортмоқда ўз қаърига бебок ва густоҳ.  
Лекин, сенга кўлин чўзиб турар бир масиҳ<sup>4</sup>,  
Балки, у, бир қудрат эрур энган самодин.  
Балки, у, Хур қизлар айтган қўшиқ сеҳридир,  
Эҳтимол, у, менинг сенга бола меҳримдир.  
Эҳтимол, у, сенга анис<sup>5</sup> издиҳом<sup>6</sup> майли!  
Сен қалбингни иттисол<sup>7</sup> эт ўша масиҳга,  
Иккиланмай қўлларига бергил қўлингни,  
Олиб чиққай, албат, масиҳ сени гирдобдан.  
Менинг эса масиҳим сен, ўғлим, дилбандим.

### ҲУР ҚИЗЛАР

Волидаи зорнинг  
Дийдасидан ёш оқар,  
Волидаи зорга  
Ёвуз рақиб тош отар.  
Тошдан қўрқмас волида,  
Чин ўғли бор қошида.  
Волидаи зорнинг  
Кўзлари ўткир-ўткир.

<sup>1</sup> Иштиноб — узоқлашиш.

<sup>2</sup> Баҳри Синд — Синд дарёси.

<sup>3</sup> Малул — озорланган.

<sup>4</sup> Масиҳ — тирилтирмақ истовчи.

<sup>5</sup> Анис — дўст.

<sup>6</sup> Издиҳом — омма.

<sup>7</sup> Иттисол — пайвандлаш.

**ОНА**  
(Ўз-ўзига)

Менинг бахтим шуъла янглиғ мужалло<sup>1</sup> эрди,  
Қорайтирмоқ бўлди уни маҳзур<sup>2</sup> довуллар.  
Искандарнинг қўшинлари ёруғ кўнглимни  
Зимистонга айлантирмоқ бўлдилар буткул.  
Кундай равшан кўзларимга куялап сепиб,  
Сочларимнинг қораларин юлиб оқдилар.  
Спитамен нафасидан тирилдим қайта.  
Томиримга ҳаёт инди унинг меҳридан.  
Доро менинг гулларимга урганида чанг,  
Тўмариснинг юрагида уйғонди наъра.  
Кўзларимни кўр этмоқлик қасдида қолган  
Еғийларни кўр айлади Широқ саҳрода,  
Қутайбанинг панжалари бағрим эзганда.  
Юрагимни кул этганда маҳобат босқин,  
Муқанна ўз қўли ила бир пиёла сув  
Ичирди-да, муин<sup>3</sup> бўлиб бошим силади.  
Бугун Чингиз юрагимга ўқталганда тиф  
Жалолиддин пайдо бўлди қошимда, шукр.

**(Жалолиддинга)**

Нуридийдам Жалолиддин! Тўш ур қайновга,  
Юрагингда тўлқинларнинг шаҳдин айла жам.  
Дўстларингни қанотларинг остига олгил.  
Эрк деганни бирлаштир ва айлагил яқдил.

**ХУР ҚИЗЛАР**

Эрк деганни бирлаштир  
Ва айлагил яқдил.

Она ва Хур қизлар кетади. Жалолиддин ёлғиз, хаёлга чўмганча қолади.

**ЖАЛОЛИДДИН**

Эрк деганни бирлаштир ва айлагил яқдил...  
Кўп нуфузли саркардалар, аъёнлар, шоҳлар  
Ва ақтаблар<sup>4</sup> якка чопган отга ўхшарлар.  
Якка отдан чанг чиқур, донг асло чиққайму?  
Эҳ, паъдари бузрукворим, эҳ, отам, отам,  
Таазум<sup>5</sup> бир салтанатни яқдил айламоқ,  
Эл-элатни бирлаштирмоқ қурбидин маҳрум,  
Ғуж-ғуж ҳадик қушларига уя бўлган жон...

**БИРИНЧИ ПАРДА**  
**БИРИНЧИ КЎРИНИШ**

Аълоиддин Муҳаммад Хоразмшоҳ саройида машварат олдидаги баҳс-мунозара

**ХУЖА БАДРИДДИН**

Рост айтадур Низомулмулк — вазири аъзам,  
Қил устида турар гўё Доруссалтана.  
Нажот истаб инграб ётар Утрор қамалда,  
Бухоронинг халқумига келибдур жони.  
Бир ҳубобдек чайқалмоқда шаҳри Самарқанд.  
Шафеъ<sup>6</sup> йўқдур яъжуж-маъжуж қотағонийдин.

<sup>1</sup> Мужалло — ярқироқ.

<sup>2</sup> Маҳзур — қўрқинчли.

<sup>3</sup> Муин — кўмакчи.

<sup>4</sup> Ақтаб — гуруҳ пешвоси.

<sup>5</sup> Таазум — улкан.

<sup>6</sup> Шафеъ — ҳимоя.

## ЖАЛОИДДИН

Шафеъ бордир... Ватан ҳам бир вужуддир назих<sup>1</sup>,  
Бордур унинг қалби, кўзи, илги<sup>2</sup>, қулоғи.  
Бир-биридан улар айри яшай олмаслар.  
Магар жудо айласангиз кўзни юракдан  
Кўр бўлмасму, тўкилмасму нурлари дув-дув.  
Хурганж унинг қалби бўлса, Бухоро кўзи,  
Икки илги эрур унинг Шош ва Самарқанд.  
Биз ватанни бир вужуддек асрай олмасак,  
Бизга Она оқ сутлари бўлмасму увол.  
Тугал бўлса беш мучали магар вужуднинг,  
Танасидан яъжуж-маъжуж битдай тўкилур.  
Сиз, Мавлоно Бадриддин, илик ила оёқни,  
Кўз ва қалбни бир-биридан айирмоқчисиз.

## НИЗОМУЛМУЛК

Ҳақ сўзларни айтди чоғи Хўжа Бадриддин,  
Ҳиксон бўлган шаҳарларнинг инграшларидан  
Безовтадур, мажруҳ кушдек юракларимиз.  
Қамалдаги шаҳарларга имдод тилаймиз,  
Тилимга бир сўз келмайдур, дуодин бўлак.

## ИБН УМАР

Ҳифзул Ватан — мин ал-имон! Яъни, Ватанни  
Муҳофаза айламоқлик имон нишони.  
Уз кўксини қалқон этса ҳар ким Ватанга,  
Имонлидур, ёруғ бўлгай икки дунёси.  
Имонсизда Ватан бўлмас. Дарвоқе, бизнинг  
Бу кунларда имонсизлар кўпайиб кетган.  
Ёв устига лашкар тортиб бормоқ ўрнига.  
Писиб ётмоқликнинг ўзи имонсизликдур.

## ХУЖА БАДРИДДИН

Астаффурулло, бу менинг ўнгимми ёхуд,  
Мудҳиш қора зулмат ичра кўряпманми туш.  
Ибн Умар янглиғ улуг сиймо тилидан  
Бундоқ бад сўз эшитмоқни қилмасдим хаёл.  
Олий насаб, имони бут аҳли тижорат,  
Аҳли тожга шундай кунда имдод этмасдан,  
Тош отмоқлик бадкирдорлик эрмасму, ахир!  
Шаҳаншоҳни имонсиз деб айтди-я, тавба!

## ИБН УМАР

Сиз устасиз сўзни олиб қочмоққа, Хўжа,  
Фақатгина сўзни эмас, балки ўзни ҳам,  
Судлироқ<sup>3</sup> бир жойга олиб қочмоқ корингиз.  
Сиз ўхшайсиз — ниқоб кийиб олган кимсага.  
Бошқа-бошқа сизнинг гўё юз ва қалбингиз.  
Қанчалик кўп уринсангиз яширмоқликка,  
Шунчалар кўп аён бўлур сиздаги зиллат<sup>4</sup>.

## ТУРКОН ХОТУН

Эрк бермангиз тилга кўп ҳам, азиз мавлоно,  
Муддаимас<sup>5</sup> муин эрур бизга Бадриддин.

<sup>1</sup> Назих — пок.

<sup>2</sup> Илги — кўли.

<sup>3</sup> Судли — фойдали.

<sup>4</sup> Зиллат — пастлик.

<sup>5</sup> Муддаи — рақиб.

Бундай зотга сиз айтган ул бебоклик ётдур.  
У Чингиздан жабр кўриб, бизга ён босиб,  
Биздан паноҳ истаб келган малул бир мўмин.

### НИЗОМУЛМУЛК

Олампаноҳ унга меҳр оғоз этдилар,  
Кўтардилар Девонбеги мартабасига.  
Девонбеги Бадриддинга ишончсизликни  
Демоқ жоиз, шак келтирмоқ олампаноҳга.

### ТУРКОН ХОТУН

Кўп сирлардан огоҳ этди бизни Бадриддин,  
Чингиз макри, черик сони, қурол-аслаҳа,  
От-улови —барисини билдик биз ундан.  
Чексиз эрур Бадриддинга марҳаматимиз.

### ЖАЛОЛИДДИН

Девонбеги ўзини эл фарзанди санар,  
Шараф эрур буюк элга бўлмоқлик фарзанд.  
Киндик қони тўкилган шу Ватанни дея,  
Жанггоҳларда жон олиб жон берур ўғлонлар.  
Сир эмасдур, жангга кирмоқ гали келганда.  
Бадриддин ёв сари ўтиб-кетди... Таажжуб!  
Оқибатин изҳор этиб Чингизга беҳад,  
Заррин тўнлар кийиб қат-қат ёғий илгидан,  
Бугун энди уни айблаб, бизга садоқат,  
Меҳру вафо билдиради яна тўн кийиб,  
Аччиқ, аммо, ҳақ гапларни айтдилар устоз,  
Дарҳақиқат, ниқоб киймиш Хўжа Бадриддин.

### НИЗОМУЛМУЛК

Девонбеги хоин эрса жазога лойиқ,  
Локин онинг исботига далил ҳожатдур.

### ЖАЛОЛИДДИН

Юртимизни таламоқда ёғий тўрт ёндан,  
Истеҳкомлар, қалъаларга қўймоқдадур ўт.  
Дарёларда сув ўрнида оқмоқда қонлар,  
Оналарнинг, гўдакларнинг кўз ёшларидан  
Пайдо бўлган дарёларнинг йўқдир ҳисоби.  
Нечун ёрдам қўлин чўзмас қалъа қалъага.  
Салтанатнинг лашкарлари якқадам бўлиб,  
Нечун наъра тортиб бормас душман устига?!  
Қўрқармилар? Йўқ. Бу халққа қўрқув бегона,  
Шундай буюк салтанатни бунёд этган халқ  
Қурби етгай ҳар қандайин ёвни янчмоққа!  
Фақат уни бирлаштирмоқ, ягона бир саф.  
Бир оқимга айлантирмоқ даркор. Сиз эса  
Қалъаларни бир-биридан буткул ажратиб.  
Бўлак-бўлак қилиб юртни, ёвнинг олдига  
Хоҳлаганча ғажо дея, ташлатмоқдасиз.  
Бундан ортиқ хоинлигу хиёнат бўлмас.

Давоми келгуси сонда





Абдул Жалил

## Ҳар бағида мени дарғ дарғиғиғиғи

\* \* \*

Кунларим кўчада кечмоқда,  
Кўчада кечмоқда кунларим.  
Кўчада ёнмоқда, ўчмоқда,  
Кўчалар ичмоқда кунларим.

Гарчи кун — нур тўла эзгу жом,  
Гарчи кун — лиммо-лим рутубат,  
Танимда, руҳимда ҳар оқшом  
Туйганим тотли бир укубат.

Мен кимни соғиндим, нимани  
Беором излайман бунчалар?  
Йўлларни кучган тонг тумани  
Юракни аврарми шунчалар?

Гоҳо бой берганим — бу кунлар  
Тизилиб ўтади хаёлдан.  
Шунда мен кўрқаман, бағрига  
Мени яширган бир аёлдан.

Титрайман, кафтимга кўнади  
Сочининг муаттар толаси.  
Унинг бор шартига кўнади,  
Юрагим — муҳаббат боласи.

\* \* \*

Минг бир найза — минг бир саҳройи  
Тикон захми қолса ҳам танда,  
Булбул куйин қилдим хиргойи,  
Боғнинг деворидан ошганда.

Уйғонди ел — саргашта сулув,  
Тақди маъюс ғунчалар маржон.  
Уйғон, мени даргоҳингдан қув,  
Кўнглинг кўтарилсин, дилбаржон.

Қўйгил, ўйлаб ўтирма, ҳатто,  
Ким бўлдинг сен дея сўрама —  
Дилимнинг қон ярасин асло  
Ҳарир нигоҳ билан ўрама!..

\* \* \*

Атиргуллар аро топгандим сени,  
Умидсиз ғунчадек боқардинг сўлғин.  
Энди шўх, жафокаш кўзларинг мени  
Азобларга отмоқ шавқи-ла тўлғин.

Куларсан — ғамларинг осилгай дорға,  
Армонларни эзиб-янчиб куларсан.  
Менинг юрагимда дардчил баҳорға  
Севгисиз тиконлар санчиб куларсан.

Етмади, нақ ярим умрим етмади —  
Балки пешонамда собит ғам тахти.  
Нетай, менга сира насиб етмади,  
Бир зум сени қучиб йиғламоқ бахти...

Бўйсундим ел етакларига,  
Учкур хаёл отин кўйдим бўш.  
Юксалдим тоғ этакларидан,  
Муздай қояларга урдим тўш.

Уйлар эдим, мен — митти Қақнус,  
Муз элида не ҳам топарман?  
Фалакнинг ҳар бурчидан, ҳар тус  
От ўйнатиб келди чопарлар.

Муз қанчалар қувонса, офтоб  
Сўнар эмиш деган хабардан,  
Ялтирарди шунчалар атроф, —  
Қалтирардим совук назардан...

\* \* \*

Мен бул дунё билан чиқишолмайман,  
Бул тубсиз хуржунга сукмайман кўлим.  
Унинг тилла қарвонсаройи эмас,  
Чангалзор оралаб ўтади йўлим.

Кучиб ўполмайман мен бу аёлни,  
Ахир севганим йўқ уни эрмакка.  
Кўкни этак қилсам, йиртилиб кетар —  
Унинг кўзларидан юлдуз термакка...

\* \* \*

Шамол, шамол, тўймас қуш — Вақтнинг  
Қанотлари елпиган ҳаво,  
Ҳар баргида минг дард, дарахтнинг,  
Сен-чи, ундан истайсан даво.

Япроқмас офтобда олланаётган,  
Эрkning ҳаққа етмаган доди.  
Дарахтмас, бу маъюс солланаётган,  
Кўкламларнинг кўкка фарёди...

\* \* \*

Тақдир ўтдан олиб ташлайди ўтга,  
Сен-да гирёндирсан, мен-да оввора.  
Ҳансираб ҳовузлар лабидан ўпган  
Шамолмас, юрагим — олов фаввора.

Еқавер, бошимдан машаққатлар тўк,  
Кўксимга ҳилолдай ўярман сени.  
Ёруғ юлдуз каби қалбимнинг кўм-кўк  
Осмониға қадаб кўярман сени...

## Нидо

Ҳей, қотган нон кемирганлар,  
Ҳей, дилин дард емирганлар.  
Уқубатни ўғлим деган,  
Қизим деган қаноатни,  
Ҳей кўнгли бўш темиртанлар!  
Бахт сизларники,  
Аҳд сизларники!

Андух шалоласи тинар-ку,  
Армон пиёласи синар-ку.  
Қайғунгизни қаритиб,  
Ғамингизни аритиб  
Бир кун эрк жоласи инар-ку!  
Нур-нажот — сизнинг,  
Хур ҳаёт — сизнинг!...


Боғларимда дарахтлар юпун,  
Эсар етим ел.  
Шовуллайди андуҳ тўла тун,  
Оқар қора сел.  
Юлдузларни ютар пўртана,  
Чўқар мунгли моҳ.  
Фалаклар қон қақшар, ўртанар,  
Чекар ўтли оҳ...

## Гулнинг либоси

Қайғу қабосидир гулнинг либоси...  
Нетиб орзу билан ўрай мен уни?  
Қандай тоқат билан, қандай кўз билан  
Армон гулханида кўрай мен уни?..

Қани, ҳей, елларим, чалингиз шўх най!  
Қувланг қора хаёл лашкарини тез.  
Дунёға дунёча нур ато этгай  
Гулнинг ёноқлари ёғдуланган кез.

Қўйингиз кўзларда ёш каби сизган  
Муҳаббат шарорин бол дудоғига.  
Осмон денгизидан қалдирғоч тизган  
Маржонларни тақинг ол япроғига...



Омонулла Оллоёров

## МЕНИНГ ҚУРАЛАЙ ОПАЖОНИМ

Қисса <sup>1</sup>

1

Азонда, подага мол қўшиб қайтишда қирдан ҳаззувлаб чопганча сойликка тушардим-да, танаси бужур, кекса, ҳайбатли балхтут тагида дилдираб анча туриб қолардим. Баъзан елка суяклари туртиб чиққан, озғин, қўллари балхтутдай бужур почтачи Содиқ бувадан хат-хабарларни ола солиб, дунё топгандай, уйга ва қўни-қўшниларниқига зинфиллардим. Бундай пайтларда одамларга хушxabар етказишу хат ўқиб бериш завқи менга қанот бўларди. Хат ўқиётганимда ҳаммалари кўзларига филт-филт ёш олиб, севинч ва соғинч ўтида ёниб, энтика-энтика тинглашар эди...

Эрта баҳор. Туманли кунлардан бири. Подадан қайтишда, шудринг қўнган майсалар оралаб чопганча сойликка тушдим. Тут тагида анча туриб қолдим. Тонг салқини этимни жунжиқтира бошлади. Сабрим тугаб, кетмоқчи бўлиб турганимда, қишлоқ оралаб хат улашиб келаётган Содиқ бува кўриниб қолди.

Почтачи менинг саломимга бош ирғаб, кир босган сарғиш сурп халтасини титкилади-да, қўлимга биттагина хат тутқазди.

Юрагим ҳаприқиб, хатга тикилдим. Зулайҳо холага — Қуралай опамнинг онасига экан. Улар билан девор-дармиён қўшнимиз. Борди-келдимиз узилмайди.

Оёғимни қўлимга олиб, Қуралай опамларниқига зинфилладим. Улар эндигина нонуштага ўтиришган экан. Ҳовлиқиб, ҳансираб киришимдан она-бола иккаласиям шошиб қолди. Зулайҳо хола: «Холанг айлансин-эй, тинчликми?» деб ёқасига туфлади. Қуралай опам чўчиб, ўрнидан туриб кетди. Узига келиб: «Илҳомжон, совқотибсан», деб сандал тўридан жой кўрсатди.

Сандалга кирдим. Шудрингдан шалаббо бўлган иштоним сергиб, жунжиқкан баданимга ёқимли бир илиқлик югурди. Суюнчини ўйлагандим, оғзимнинг таноби қочди. Зимдан кузатиб турган Зулайҳо хола: «Ҳа-а, шайтон-эй», деб кулумсиради. Қуралай опам ўзини тута олмай: «Билдим, билдим» деб қийқирганча чапак чалди.

Улар менинг одатимни билишарди. Ҳар гал хушxabар келтирганимда илжайганча ўтираверардим. Суюнчисини қиказишгандан кейингина хатни узатардим. Менга бериладиган суюнчи бир-икки чақмоқ қанд-курс ёки бир сиқим-ярим сиқим майизми, туршакми бўлар, гоҳо насиягаям кўниб кетаверар эдим.

*Омонулла Оллоёров Жиззах вилоятининг Ғаллаорол туманида туғилган. Жамои хўжалигида ишлайди. «Менинг Қуралай опажоним» — муаллифнинг «Шарқ юлдузи»да эълон қилинаётган илк асари.*

Зулайхо хола тоқчада турган кичкина сандиқчани титкилаб, уч-тўрт чақмоқ қанд олиб қўлимга тутқазди.

— Холагинанг айлансин, хатни чиқар энди. Султон аканг келганда тўйдираман, худо хоҳласа, — деди-да, елкамга қоқиб эркалатди.

Пахталик пўрим чопоним киссасидан оч кўк-хаворанг конвертни чиқариб узатдим. Зулайхо хола уни олиб юз-кўзига, пешонасига суртиб, худди ўғлини қучиб эркалаётгандай қайта-қайта ўпди. Кейин ориқ, қоқсуяк бармоқлари титраб, хатни қизига узатди.

Қуралай опам уни кўксига босганча, кўзларини юмиб, бир лаҳза жимиб қолди. — Қуралай, хатни бер энди, — Зулайхо хола унинг хаёлини бўлди. — Илҳомжон ўқиб берсин.

Қуралай опам хатни менга узатди:

— Ма, ўқи.

Кўни-кўшнилариимиз хатларни фақат менга ўқитишарди. Уларнинг айтишларича, равон, тутилмай, қироат билан ўқир эмишман.

Султон акадан келган хатни ҳам очиб, одатдагича томоқ қириб, ютиниб олдим-да, кўз югуртира бошладиму... даҳшатдан ўзимни йўқотиб қўйдим. Қисқа, ярим саҳифалик қорахат титраётган бармоқларим орасидан сирғалиб тушиб кетди.

Хозиргина севинчдан гул-гул очилиб турган она-бола, авзойимни кўриб, ўзларини йўқотиб қўйишди. Мен телбаларча бир ҳаракат билан кавшандозга сакраб, ўзимни эшикка урдим. Ҳовлига чиқмасимданоқ уларнинг аччиқ дод-фарёди эшитилди.

Мени кўриб, ошхона айвонида айрон шопираётган энамнинг жонида жон қолмади, қўлларидаги бесўнақай катта чўмич қозон гардишига тарақлаб тушди. Ранги бўздай оқариб, мени бағрига босди-да:

— Энанг айлансин, нима гап? — деди. Упкамни босолмай, тутила-тутила:

— Султон акамдан қорахат... — дея олдим, холос. Энам гапимнинг давомини эшитмасданоқ, кўшнимизни кига югурди.

Шу кунги машъум хабар фақат Зулайхо хола билан Қуралай опамга эмас, бутун қишлоққа мотамсаролик келтиргандай бўлди, лочиндай Султон акамни эслаб ҳамма йиғлади. Қишлоқдан кўкка мунгли бир нола ўрлади. Қир-адир ва сойликлардаги майсаларда шабнамлар эмас, кўз ёшлари милтирарди. Мўрилардан буралиб чиққан кўкиш тутунлар муаллақ туриб, қайғудошдай, қишлоқ устида мудраб чайқаларди. Ҳали яйловларга энлаб улгурмаган сигир-бузоқлар, қўй-қўзилар зорланиб маърашарди.

## II

Кечки аёзли изғиринда Қуралай опам бизни кига кириб келди. Кўзларида филт-филт ёш.

— Энам келмадимми? — деди останада туриб.

— Йўқ, бошқа қўшнилари кига чиққандир, совқотибсан, сандалга ўт, қизим, — деб, энам унга далда берди.

— Илҳақ бўляпман. — Қуралай опам йиғлаб юборди. — Холажон, сиз билмайсиз, шу кунларда энам ўзгариб қолди. Кечалариям алаҳсираб чиқади.

Энам ўрнидан туриб унинг ёнига борди-да, кўксига тушган узун, майда соч ўримларини елкасига ташлаб, силаб-сийпаб овута бошлади:

— Қўй, йиғлама, холанг айлансин...

Мен ўша мудҳиш қорахатни элтганимдан бери Қуралай опамни кўрмагандим. Ростини айтганда, унгаям, Зулайхо холагаям кўринишга юрагим бетламас, негадир, ўзимни гуноҳкор сезардим. Содиқ буванинг йўлини пойлаб, хат-хабар сўрашним йиғиштириб қўйгандим.

Ҳозир ҳам Қуралай опамга кўринишдан чўчиб, сандал кўрпасига биқиниб ўғринча қараб-қараб қўяман. Бечора, эшикка суянганча елкалари дирдираб, эзилиб-эзилиб йиғлаяпти. Шу лаҳзада менинг ҳам унга қўшилиб йиғлагим келди, лекин энамдан ҳайиққанам учун ёш тўлган кўзларимни яшириб, тез-тез сандал кўрпасига босдим.

Қуралай опамни юпата олмай эсанкираган энам менга ўгирилди:

— Ҳой, Илҳомжон, тур ўрнингдан, опангминан чиқиб холангни излаб келинглар...

Қўшни уйларнинг кўпига кириб, Зулайхо холани тополмадик. Тўлғаной момодан жумбоқнамо: «Зулайхоми, бошқами, чопон ёпинган бир хотин кунботарда сойга тушиб кетаётганди», деган гапни эшитмаганимизда, ким билади, қишлоқдаги уйларнинг ҳаммасига кириб чиқармидик.

Икковлон югуриб сойликка тушдик. Марза ёнида бир қора шарпа кўринди. Юрагим орқасига тортиб кетди. Қуралай опам қўрққаниданми ёки таниганиданми, шарпага қараб:

— Эна-а! — деб бақириб юборди.

— Энанг ўлсинг, энанг!..

Бу — Зулайхо хола эди. Қоронғи бўлганидан унинг афт-ангорини кўриб бўлмасди. Бунинг устига, бошига Султон аканинг эскириб қолган қора лас тўнни делвагай ташлаб, ёпиниб олганди.

— Қаёқларда юрибсиз, энажон?! — деди Қуралай опам, ўпкаси тўлиб.

— Сўрама, болам. Султонжоннинг тошига бордим. — Унинг товуши сўник, мунгли эди. Орамин қисқаргани сари мени қўрқув босиб, хаёлимдан ажина, алвастилар ўта бошлади. Қўрқувдан қичқириб юбораёздим. Зулайҳо хола телбаланган бир ҳолда келиб, Қуралай опамни бағрига босди. «Энанг ўлсин, энанг-ов!..» Унинг елкалари силкиниб-силкиниб тушарди.

Назаримда, ўша фожиа юз берганидан бери ўтган беш-олти кун ичида у хийла ўзгариб қолгандай туюлди. Аввалги хушфёъл, оқкўнгил, дали-ғули Зулайҳо хола ўрнида энди бутунлай бошқа кампир турарди. Очиғини айтсам, унга кўринишдан чўчир, ҳозир ҳам: «Йўқол, шумқадам!» деб қувиб солмасайди, деган ўйда бир чеккада шумшайиб турар эдим. Нотўғри ўйлаган эканман.

— Илҳомжонмисан, холагинанг айлансин, Қуралайга эшлигинг чин бўлсин-да, илоҳим, — деб елкамга қоқиб қўйди.

Зулайҳо холани уйга базўр олиб бордик. Йўл-йўлакай нафаси қайтгандай уф тортиб, ҳансираб кетди. Қўлтиғидан олсак ҳам, қияликда икки марта ўтириб дам олди.

— Юрагим куйиб кетаётпти,— дейди-да, юзини шамолга тутиб, елпинади,— юрагим куйиб кетаётпти, Қуралай!..

Гоҳ ичкари кириб, гоҳ ташқари чиқиб, йўл пойлаб музтар бўлган энам бизни ҳовлида кутиб олди.

— Уйларингда нима бор, сандалларинг ҳам сув қуйгандай музлаб ётгандир, — энам кўярда-қўймай уларни ичкарига тортди. Сандалнинг кўри баланд бўлса-да, яна бир ҳоқандоз чўғ солди. Икки тол товоқда сутли сўк оши келтирди...

Илгарилари гул-гул очилиб юрадиган Зулайҳо хола шу кунларда чўп бўлиб қолганди. Еноқлари бўртиб чиқиб, кўзлари киртайган, қовоқлари тортилиб кетганди. Анча кундан бери туз тотмагани билиниб турарди. Энам уни зўрлаб-қистаб, иссиқ-иссиқ ош ичирди. Кейин ток баргидан чой дамлади. Зулайҳо хола сув-сув терлаб, ўзига келгандай бўлди. Улар кетамиз-кетамиз қилишган:

— Тер қотгани ёмон, опа, — деб энам уларга жавоб бермади, — шу ерда ёта қолинглар, бир кун минг кун эмас.

Тўртталамиз иссиққина сандал атрофида ётдик.

Кечаси алламаҳалгача «Зулайҳо хола нега бунақа бўлиб қолди? Нега сойга, анҳор бўйига тушади? Султонжоннинг тошига бордим, дегани нимаси?..» деган ўйлар менга тинчлик бермади.

Эрталаб мактабга кетаётиб, марза ёқалаб анҳор бўйига бурилдим. Анҳор катта-катта ясси тошларга урилиб, иланг-биланг йўл солиб, шитоб билан шовуллаб оқарди. Жар лабига етиб, ҳайратдан жойимда донг қотиб қолдим: нортую ўрқачидан каттароқ кўкиш тош ёнида Зулайҳо хола чўнкайиб ўтирарди. Бошига чопон ёпиниб олганидан, ўзи ҳам қоп-қора харсангга ўхшаб кўринарди. Қандай келган бўлсам, шундай сас чиқармай орқамга қайтдим. Мактабга етгунимчяма, мактабдаям хаёлимдан: «Зулайҳо хола нега бунақа бўп қолдйкин?» деган ўй кетмади. Шунинг учун, қайтишда болаларга қўшилмай, жар ёқалаб яна эрталабки жойга — харсанг тўғрисига бориб тўхтадим. Қай кўз билан кўрайки, Зулайҳо хола ҳамон ўша жойда чўнкайиб ўтирарди. Бу дафъа журъат қилиб, ёнига тушдим. Шарпамни сезиб, чўчиб ўгирилиб, мени кўрди-ю, зўрма-зўраки кулумсиради. Аҳволи шу қадар ғамгин ва маъюс эдики, юрагим увишиб, кўрқиб кетдим.

— Илҳомжон, менга келдингми? — у, келганимни ёқтирмагандай, ўзини «оқлаш»га тушди. — Холанг айлангур, бирпасгина шошмай тур, бирга кетамиз.

«Холажон, бу ерда нима бор сизга?» демоқчи бўлдим-у, ёлвориб, мўлтираб туришини кўриб, тилим айланмади.

Зулайҳо хола йиғлаётгандай туюлди. Шу боисми, мендан истиҳола қилиб, анҳор лабига чўнкайиб юз-кўзини юва бошлади: жазирама иссиқда қолиб, куйиб-ёниб кетаётгандай, тиниқ, муздай анҳор сувидан ҳовучини тўлдириб-тўлдириб олар ва анча фурсат юзларига босиб турарди.

— Илҳомжон, биласанми, Султон аканг доим мана шу ерда ювинарди, — у ўзига ўзи сўзлаётгандай эди. — Урушга кетар куниям эрталаб шу ерда ювинганди, болагинам... Худди мана шу ерда...

Зулайҳо хола тобора анҳорнинг ўртасига интилар, ҳовуч-ҳовуч сувни олиб, телбаларча юз-кўзига, уст-бошига севаларди. Шунда, бирдан қалқиб кетиб, йиқилиб тушишига бир баҳя қолди. Қўлтиғидан олиб, базўр ушлаб қолдим. Қўрқанимдан, журъат қилиб:

— Холажон, юринг энди, кетайлик, — дедим енгидан тортиб.

— Холагинанг айлангур, кетамизми, а? — деди-ю, негадир яна харсанг ёнига бориб ўтириб олди ва гапга тушди. — Илҳомжон, биласанми, бу — Султон акангни тоши. Энанг айлангур, ювинаётиб кийимларини доим шунинг устига ёйиб қўярди. Кўр-ряпсанми, мана бу қирраси бор-ку, дўпписини қоқиб-қоқиб шунга илиб қўярди...

Зулайҳо хола узун енг учлари билан ғадир-будур тош қирраларига озор етказишдан чўчигандай, авайлаб силаб-сийпалай бошлади.

Султон ака елкадор, ўрта бўй, қошлари туташ, буғдой ранг, ўн тўққиз-йигирма ёшлардаги бўз йигит эди. Киприклари Қуралай опамникидай узун, қоп-қора йирик кўзлари доим кулумсираб турарди.

Шу лаҳза жарликда — анҳор бўйида туриб, Султон акаларнинг чорбоғи томон кўз ташладим. Ҳали барг ёзмаган икки туп балхутунинг новдалари шамолда чайқалиб силкинарди. Булар ҳадемай кўм-кўк бўлиб барг ёзади, ғўра боғлайди, кейин, қозонга тушган маккадай оппоқ бўлиб, бодраб-бодраб пишади. Лекин, Султон акам энди унинг осмон-ўпар шохларига чаққон-чаққон сакраб, новдаларини силкитиб, дувиллатиб қоқмайди. Қуралай опам билан мен шолча тутиб, хурсандликда кийиришиб, кўла олмаймиз...

Султон акаларнинг чорбоғи ёзда жаннатдай бўлиб кетарди. Урик, бодом, ёнғоқ, шафтоли, олма, гилослар чаман-чаман гулларди, ёз бўйи ҳил-ҳил пишган мевалари «тўп-тўп» тўкилиб ётарди. Боғ ўртаси тоқзор бўлиб, чиллаки, шивилғони, ҳусайни шира боғлаб, карс-карс бўлиб пишарди...

Султон акалар чорбоққа ўтов тикиб, эрта баҳор кўчиб тушишарди. Тут тагидаги катта лойсупадан уззукун одам аримасди. Мен ҳам доим шу ерда бўлар эдим. Энди оқараётган тутниям, юз бериб қизараётган ўрикниям, ола бўлган чиллакиниям ҳаммадан олдин мен татиб кўрардим.

Шуларни ўйлаб ихтиёрсиз, ҳўнграб юбордим.

— Холанг айлангур, нима бўлди? Акангни соғиндингми, ўргилай болам?..

Зулайҳо хола билан қия йўлдан чиқиб, уйга етай деганимизда, қаршимиздан Қуралай опам чиқиб қолди.

— Яна борибсиз-да, энажон, — деди йиғламоқдан бери бўлиб. — Боягина опкелувдим-ку, бу нимаси?!

— Энанг ўлсин, энанг, — Зулайҳо холанинг ўпкаси тўлиб, энтикди, — мени жин урмайди, мана, келяпман-ку, болам...

Қўрганларимни энамга оқизмай-томизмай сўзлаб бердим. У ич-ичидан хўрсиниб, уф тортди:

— Худойим-эй, бу куйинчак холангнинг жигар-бағри ёниб, адойи-тамом бўляпти...

Қоронғи тушиб қолганди. Ўт солинган сандалда эна-бола қошиқ айлантириб, атала ичиб ўтирардик. Ташқаридан тасар-тусир товуш келиб, жимиб қолдик. Турими ғижирлаб, қия очилган эшикдан Қуралай опам мўралади:

— Холажон, тез чиқинг, энам чақиряпти, — деди-да, яна изига қайтиб, чопиб кетди. Хирагина милтиллаб турган лампа чироқ шуъласида унинг сарғайиб кўринган юзи кўз олдидан кетмасди.

Тол товоқдаги ҳали ҳовури пасаймаган атала ичилмай қолди. Энам шоша-пиша ўрнидан турди.

— Ёлғиз қўрқасан, сенам юр, болам, — деди менга.

Зулайҳо хола сандалда ўтирарди.

— Тузукмисиз, опа? — деди энам. — Кўпам куйинаверманг, опажон, куйиш ёмон... Бошга тушганни кўз кўрар, дейдилар. Опажон, бу кўпга келган... Ўзингизга жавр, Қуралайни ўйланг...

— Сингилжоним, нима қилай, адо бўлдим, — деди энтикиб-энтикиб у, — ичимга худди ўт тушгандай-у, сув ичсам ботмайди, туз тотгим келмайди...

— Худо хоҳласа, яхши бўп кетасиз.

— Илоё Илҳомжоннинг орзу-ҳавасини кўринг... Кунимизга сиз яраб турибсиз, ўргилай.

— Вой, оғир кунда ярамаган қўшни...

— Офтобой, кечалари босинқираб чиқяпман, — деди Зулайҳо хола ташвишланиб, — ёш нарса, яна Қуралай қўрқиб юрмасин. Уч-тўрт кун шу ерда тунасангиз, деб чақиргандим. Худога шукр, жойимиз кенг, Илҳомжонам ёта берса бўлади.

— Майли, опажон, бош устига. Кетинглар дегунингизча ёта берамиз, — деди энам чеҳраси очилиб.

Ташқарида шивалаб ёмғир ёғар, ҳар замонда момақалди роқ гумбирларди. Лампа чироқда хирагина ёришиб турган уй ичи чақмоқ шуъласидан яшнаб кетарди.

Зулайҳо хола билан энамнинг гаплари узилмасди. Қуралай опам уларга қулоқ тутиб, сандалнинг бир четидан мунғайбгина ўтирар, мен тўшака кириб, жонсарак бўлиб ётардим. Хаёлим гоҳ шитирлаб ойнага урилаётган ёмғирга, гоҳ зулмат қаърида сўнаётган яшин шуъласига чалғиб кетарди. Уларнинг гапи қулоғимга узук-юлуқ чалинарди.

— Офтобой, сингилжоним, сизга бир илтимосим бор...

— Айтинг, айтаверинг, опажон.

— Билмадим, неча кунлик умрим қолди... Шу Қуралайим ёлғиз, акаси ўқсиб юрмасин, Илҳомжон билан қиёматлик опа-ука тутинишсин...

— Вой, тилингиздан айланай, опажон, айтганингиз келсин!.. — Энам ўзида йўқ севиниб кетди. — Қанча ўғил, қанча қиз кўрдим, пешонамга сиғмади. Худойим энди шу ёлғизимни — Илҳомжонимни кўп кўрмасин...

Уларнинг кейинги гаплари қулоғимга кирмади, ширин хаёллар оғушида уйқуга кетдим. Тушимда Қуралай опам билан бодроқдай оппоқ бўлиб пишган тут тагида шолча

тутиб турган эмишмиз. Султон ака новдаларни силкитиб, кулармиш. Биз ҳам оппоқ тутларнинг дувиллаб тўкилишидан севиниб, қийқирав эмишмиз...

### III

Тушга яқин мактабда: «Қуралайнинг энаси чўкиб кетибди», деган гап тарқаб, болалар шивир-шивир қилиб қолишди. Хаёлимга ногоҳ тошдан-тошга урилиб, шовуллаб оқаётган анҳор, қирғоқ лабида омонатгина чўнқайиб ўтирган Зулайҳо хола келиб, баданим жимирлаб кетди. Томоғимга аччиқ бир нарса тиқилгандай бўлди. Ихтиёрсиз анҳор бўйига қараб чопа кетдим, югурганим сайин ёмғирнинг ҳалқобларида, лойларда тойиб-сирганиб, қадамим орқага кетаётгандай туюларди. Кўз олдимдан эса қутураётган анҳор, ясси тошларга урилиб, жон талвасасида оқиб бораётган Зулайҳо хола кетмасди...

— Эна-а, эна-жо-он!!!

Бу Қуралай опамнинг Зовтош қояларига урилиб, акс-садо бераётган мунгли ва аламли товуши эди.

Мен энди сойга эмас, юқорига — Қуралай опамларнинг ҳовлисига қараб югурдим. Зулайҳо холанинг жасади эндигина олиб келинган бўлса керак, йиғи-сиғи авжида эди.

Хотин-халажни оралаб, Қуралай опам ёнига аранг етиб бордим:

— Опа-а-жо-он!..

— Илҳомжон, энам кетиб қолди! Холанг йўқ энди!..

Қуралай опам мени бағридан қўймай, титраб, эзилиб фарёд чекди.

Ҳовли ташқарисида, девор ёнида қишлоқ кексалари индамай туришарди. Уларнинг ҳам кўзларида ёш. Қишлоқ оқсоқоли — раис Гулмурод бува у-бу билан шивир-шивир қилиб, дафн маросими ташвишлари билан елиб-югуриб юрарди. Унга қийин: бўз йиғитлар бўлмаганидан, болаларга, чоллару аёлларга иш буюрар, ишонмагандай қайта-қайта тайинлар эди.

Зулайҳо холани тупроққа топшириб қайтишгач, Қуралай опамларнинг ҳовлиси ҳувиллаб қолди. Йиғлай-йиғлай қовоқлари шишиб, ранги сўлган Қуралай опам энасининг ўлганига энди ишонгандай, остонада чўнқайиб, унсиз дилдираб ўтирарди. Биз — эна-бола юпатмоқчи бўлиб, ўзимиз ҳам унга қўшилиб йиғлардик.

Шундай кунларнинг бирида қишлоқ чолларини бошлаб Гулмурод бува келиб қолди. Улардан кейинроқда, судралиб Холтўрабой ҳам кўринди. Авзойларидан бирон муҳимроқ гап борлиги сезилиб турарди.

Йиғидан бошқа нарсани билмай қолган Қуралай опам уларнинг ҳурматини қилиб, ўрнидан турди. Ҳарчанд ўзини босмоқчи бўлса-да, елкалари титраб, ўксиб турарди.

Гулмурод бува насиҳатомуз гап бошлади:

— Қизим, кўп йиғлаб, ўзингни қийнай берма. Энангни руҳиям безовта бўлади.

— Ота-она ўлими фарзандлар учун Оллонинг иноятидир, болам, — деди чоллардан бири.

— Қизим, — Гулмурод бува яна сўзида давом этди, — одамнинг тафтини одам олади. Энди бу ҳовлида ёлғиз туролмайсан, тўғримми?

Қуралай опам индамади. Рўмоли учини кўзига босганча, ҳолсизлагандай деворга суюнди. Қишлоқ оқсоқолларининг, айниқса, Холтўрабойнинг улар билан бирга келишидан чўчиди шекилли.

Ундан садо чиқмаслигини сезган Гулмурод бува: «Айтсангиз-чи», дегандай, энамга имо қилди. Энам ҳам: «Ўзингиз айтаверинг», деган маънода лаб тишлади.

— Қуралай қизим, ўзинг яхши биласан, — деди Гулмурод бува, гапни узоқдан айлантириб, — онанг раҳматлигам айтган чиқар, қишлоғимиз урф-одатича сен Иброҳимга бешиккертисан. Мана, қайнатанг Холтўрабой сени ўз боласидай қанотига олмоқчи.

— Боламнинг ортидан буям болам-да, — Холтўрабой унинг гапини илиб кетди. — Уйимнинг тўри Қуралайники... Худое худовандо, Иброҳимжонни ўз паноҳида сақласин!

— Айтганингиз келсин, — деди чоллардан бири, унга далда бериб.

— Иброҳимга бешиккертисин Қуралайнинг ўзиям яхши билади, — энам гапга аралашди, — Раҳматли Зулайҳо опам буни тез-тез айтиб турарди... Холтўра ака, икки-уч кун шошмай турсангиз, Қуралай энасининг чироғини ўчирмай турса яхши бўларди.

Чоллар бараварига энамнинг фикрини маъқуллашди:

— Тўғри, тўғри. Ҳеч бўлмаса йигирмаси ўтгунча энасининг чироғини ёқиб турсин...

Зулайҳо холанинг йигирмаси ўтган куниеқ Холтўрабой кампири билан Қуралай опамни олиб кетишга келди.

— Юр, Қуралай, кетдик, — деди Холтўрабойнинг семиз кампири, томдан тараша тушгандай панғ товушда, — энанг тирилиб келмайди, энди энанг мен!..

— Ҳеч қаёққа бормайман, — деди Қуралай опам кутилмаганда.

Унинг бундай жавоб бериши ҳеч кимнинг хаёлига келмаганди. Холтўрабойнинг бўйин томирлари ўқловдай шишиб, кўзлари қинидан чиққудай олайиб кетди. Азбаройи газабланганидан тили айланмай, бўғиб ташлайдиган вазоҳатда унга томон юра бошла-

ди. Кўрқибми, уялибми, юзига икки кафтини босиб, Қуралай опам аввалги гапини так-  
рорлади:

— Йўқ, ҳеч қаёққа бормайман!

— Шунақами ҳали, уятсиз!..

Қаттиқ чинқириқдан Холтўрабойнинг охириги сўзлари эшитилмай қолди.

— Эй, худо-о, бу қандай кўргилик! Бу қандай шармандалик! Бу номусга қандай  
чидайман энди!..

Кампирнинг дод-войини эшитиб, ҳовлига тумонат одам тўпланди. Ҳеч нарсага  
тушунмаган болалар ҳам девор миниб, айиқдай лапанглаганча икки сонига шапати уриб  
йиғлаётган кампирга ҳайрон бўлиб термилиб туришарди.

— Бас қил! — Холтўрабой кампирига ўшқирди. — Нега йиғлайсан?! Бу мастонча, —  
қўлини бигиз қилиб Қуралай опамни кўрсатди, — ўлдига чиқарсаям, Иброҳимжон тирик!

— Илоё нияти ўз бошига етсин! — кампир аввалгидан ҳам баттар чинқириб, сан-  
нашга тушди.

Шу пайт қаердандир Гулмурод бува келиб қолди-да, Холтўрабой билан кампирни  
тинчитиб, жанжал сабабини суриштирди. Ҳозир юз берган гап-сўзларни гоҳ Холтўра-  
бой, гоҳ кампир, бири олиб-бири қўйиб тушунтирмоқчи бўлишарди. Лекин уларнинг  
гапидан ҳеч нарса англаб бўлмасди: чол ҳаяжондан титраб-қақшаб дудуқланар,  
кампир эса ўпкаси тўлиб, кўз ёши қиларди. Зардаси қайнаган Гулмурод бува энамга  
ўғирилди:

— Сиз айтинг, нима гап ўзи?

Энам юз берган воқеани қисқа қилиб, тез тушунтирди шекилли, Гулмурод бува  
Қуралай опамга юзланди:

— Қуралай, шунақа дедингми? Тузукроқ ўйлаб кўр, энди сен ёш бола эмассан...

Қуралай опам ўксик товушда жавоб берди:

— Уйлаб кўрдим, бўлмайди, буважон.

— Бу номусга чидай олмайман! — Холтўрабойнинг товуши титради. — Қишлоғи-  
мизда ҳеч қачон бешиккерт бузилган эмас! Энди сен бузадиган бўлсанг... билиб қўй,  
кўкармайсан, ҳа, кўкармайсан!..

— Холтўрабой, садқам мўйсафид кетинг-э, уялмайсизми шундай дегани! — Гулму-  
род бува уни жеркиб ташлади. — Бу бечора ҳали азадор-у, сизлар бемаврид гап қўзғаб  
турсаларинг...

Гулмурод буванинг сўзи бўғзида қолди. Кампир жиннилардай ўзини уриб-юлиб,  
сочлари тўзғиб, бор товуши билан додлай бошлади:

— Ун ийдан бери топганимни шунга тутаман. — У қўлини бигиз қилиб Қуралай  
опамни кўрсатди. — Рўза ҳайит борми, қурбон ҳайит борми, ҳаммасида мевадан-мева,  
кийимдан-кийим бериб келамиз. Илоҳим олганлари тешиб чиқсин, икки кўзи оқиб  
тушсин мочахарнинг!

— Бас қилинг-э! — деди Гулмурод бува, ғазаби қайнаб.

— Нега бас қиларканман! — У аввалгисидан ҳам баттар бобиллади. — Мол аччи-  
ғи — жон аччиғи, ўн минг қалин пулиниям қуртдай санаб олган қўшмозор ота-онаси!..

Қуралай опам кўз илғамас бир чаққонлик билан кампирнинг қаршисига бориб,  
унга шундай тикилдиди, кампир доддираб, тили айланмай ортига тисарилди.

— Етар энди! — Қуралай опамнинг вужуди ғазаб ва аламдан қалтирар, кўзига ҳеч  
нарса кўринмас эди. — Берган лаш-лушларингизни олиб кетинглар! Пулларингизниям  
узаман, фақат мени тинч қўйинглар!

Қуралай опам бошқа гапирмади, шахт билан бурилиб, уйига кириб кетди. Ичкари-  
дан туя сандиқнинг тарақлагани эшитилди. Шундан кейингина кампирнинг ҳуши ўзига  
келди, чўнқайганча ерни муштлаб йиғлай бошлади:

— Иброҳимжон, қандай кунларга қолдим!..

Кўзлари олайиб, кўкариб кетган Холтўрабой қиблага ўғирилиб, қўлини ёзиб, тит-  
раб-қақшаб омин қилди:

— Шу беҳаё қизни жувонмарг қилмасанг, сендан розимасман, эй худо-о!!!

— Холтўрабой, кексайган чоғингизда бировга ўлим тилагунча, ўзингизга имон  
тиланг, — деди Гулмурод бува бош чайқаб.

#### IV

Орадан кўп ўтмай, қишлоқда «Холтўрабойнинг Мамати келганмиш», деган гап  
тарқалди. Бу хабарни эшитиб, Қуралай опамнинг ранги доқадай оқариб кетди. Энам  
унинг кўнглини кўтариб, далда берди:

— Келса келипти-да ўша битлиқи, кўрқма қизим, қўлидан ҳеч бало келмайди. —  
Шундай деди-ю, аммо бунда бир шумлик борлигини ўйлаб, ўзининг ҳам авзойи бузилди.

Мамат Холтўрабойнинг тўнғичи эди. У ўзини одамлардан четга олиб, бошқа қиш-  
лоқларда чўпон-чўлиқлик қилиб юрарди. Одамларнинг айтишича, бир вақтлар тузукки-  
на бўлган, уйланган. Аммо ёмон дардга йўлиқиб, ҳамма нарсадан, ҳатто қишлоқда  
одамлар орасида юришдан ҳам мосуво бўлган. Уни ҳеч ким қишлоқдан чиқ деб ҳайда-



маган, ўзи кетган. Сабаби, унга кўзи тушган болалар чирқираб йиғлашган, одамлар бурун жийириб жирканишган... Шундаям ҳамма «худо урган» Маматни эмас, Холтўрабойни қарғаган...

Орадан анча йиллар ўтиб, бу гаплар унутилай деганда, Мамат келиб, ўчай деган кўр яна бурқсаб қолди. Одамларнинг бири қўйса, бири илиб кетади:

— Холтўрабойнинг қасами шунга урди.

— Қасамхўр, шундаям тавба қилмайди.

— Э, имонсизда тавба нима қилсин!

Бу адосиз гапларнинг хотимаси кўп йиллар нари юз берган даҳшатли воқеага бориб тақалади. Бу машъум воқеа ҳали-ҳануз одамларнинг юрагини эзиб, хуни-зардоб қилади.

Қишлоқда Элбек исмли алп қоматли, келишган йигит яшаган. Унинг хотини — Гулсанам ҳам ўзига муносиб, тенгсиз гўзал бўлган. Кунлардан бирида қишлоқда совуқ миш-миш тарқалади: «Ҳақёр Гулсанам билан ўйнашармиш...» Элбек билан худони ўртага қўйиб, дўст тутинган Ҳақёр бу номусга чидамай, ўзини осиб қўяди. Тухмат тавқи лаънатидан, дўстининг ноҳақ ўлиmidан кўзига қон тўлган Элбек алам устида арслондай бўкириб, ўз кўксига пичоқ санчади. Ун гулидан бир гули очилмаган гўзал Гулсанам эса, лочиндай икки йигитнинг ўлимига сабабчи бўлдим деб, ўзини Зовқўтон қоясидан ташлаб ерпарчин бўлади...

Вақти келиб, миш-мишларни Холтўрабой билан унинг кампири тўқигани ошкор бўлиб қолади. Қишлоқ оқсоқоллари Холтўрабойни ўртага олишади. «Қасам ич», дейишади. У эса, кўзини лўқ қилиб «Бола-чақам ҳақи, тухматчи эмасман», деб қасам ичади...

Зулайхо холанинг ҳали қирқи ўтмаганди. Ҳар куни қоронғи тушгач, Қуралай опам икковимиз бориб, уйларига чироқ ёқиб келардик. Энди Маматнинг дарагини эшитиб, чўчиб қолдик. Энам учаламиз чиқадиган бўлдик.

— Нега кўрқасан, Қуралай! — энам уни койиган бўлиб, далда берарди. — Худого шукр, ёлғиз эмассан, мен бор, мана, уканг бор...

Қуралай опамнинг сутга чайилгандай оппоқ юзида кулги ўйнайди, лекин чаросдай қоп-қора, беғубор, тиниқ кўзларидан мунг аримайди. Мени ўзига тортиб, энгашиб пешонамдан ўпади:

— Полвонгина укамдан айланай, сен борсанки, ҳеч нарсадан кўрқмайман!

Қуралай опамнинг бир зумлик қувончидан биз эна-бола ўзимизда йўқ севиниб кетамиз. Энам менинг қачон туғилганим, ҳадемай ўн иккига тўлишим ҳақида узундан-узоқ гапга тушиб кетади. Мен ўзимнинг «йигит» бўлиб қолганимни энди сезаётгандай, уларнинг олдига тушиб, қоронғи ҳовлига бемалол кириб бораман.

Энам бизни, айниқса, Қуралай опамни ҳеч нарсадан кўрқмасликка, кўнгилга ёмон ўй-хаёл келтирмасликка қайта-қайта ундарди. Аммо ўзининг хатти-ҳаракати, баъзи гап-сўзлари бунинг акси эди. Қандайдир шумлиқни юраги сезаётгандай, безовта, кечалариям боғлиқ турадиган Тарлонни кун ботиши билан занжирдан бўшатарди. Эшикни илгаллаб, яна оғир келисопни тираб, тамбаларди ҳам. Кавшандозга узун дастали болтани қия қилиб суяб қўярди. Қуралай опам билан мени сандал тўрига ўтказиб, ўзи пойгак томонда ётарди.

Биз алламаҳалгача гангир-гунгур гаплашамиз. Энам кўрқмаслик, ботирлик, тadbир-корлик ҳақида кўпдан-кўп эртак, ривоят ва афсоналар сўйлар, баъзан қишлоқда бўлиб ўтган муҳаббат можаролари ҳақидаям қизиқ-қизиқ воқеаларни айтиб берар эди. Булар ичида энг аянчлиси Элбек, Гулсанам ва Ҳақёрлар қиссаси эди.

— Бу қасамхўр Холтўрабойдан ҳар бало чиқади, — дерди энам, мудҳиш воқеани сўзлаб бўлганидан кейин. — Маматга айттириб, раҳматлик Гулсанамга совчи юборганди. Қиз томон унамаган. Билсаларинг, ҳалиги тухматлар шунинг зиддига бўлган.

— Нега унда Холтўрабойга ҳукумат чора кўрмаган? — деди Қуралай опам энтикиб.

— Қизим-эй, — деди, энам чуқур уф тортиб, — билмайсан, замонлар алғов-далғов эди. Бунинг устига қишлоқда ҳамма оми — оқ-қорани танимасди. У эса қасам ичиб тониб кетди...

— Ҳалиям бўлса ёзиб бериш керак ўша қилмишларини, — деди Қуралай опам, сандал ичида тўлғаниб.

— Эҳ-ҳе, қанча замонлар ўтиб кетди, — деди энам бирпас жимиб.

— Эндиям қилсин-чи шунақа тухматни, ўзини қамоқда кўради! — деди Қуралай опам ғурур билан.

— Тўғри айтасан, энди унақа қилолмайди. Лекин, ёмондан ҳазар қилиш керак, — деди энам. — Ҳалиги, Мамат манқа келганидан бери ўйланиб қолдим. Узингга эҳтиёт бўл, қизим. Отанг раҳматлик оқкўнгил, дийдаси бўш одам эди. Йўқса, шу доғули қасамхўрнинг алдовига учармиди... Бешиккертти бўлганинг чатоқ-да, қизим...

Мени уйку босди. Уларнинг гап-сўзлари қулоғимга узоқдан келаётгандай туюлиб, ухлаб қолдим.

...Гангир-гунгур суҳбатимиз қизиётган кечалардан бири эди. Уйимизнинг орқа деворини кимдур тепибми, урибми, ҳар қалай жон-жаҳди билан дукиллата бошлади. Ҳаммамиз бараварига сапчиб турдик. Қуралай опам чироқ пилигини кўтарди. Энам эса

апил-тапил кийина бошлади. Кейин ўртада анг-танг қотиб турган Қуралай опамга ўгирилиб:

— Қўрқманглар, кийиниб олинглар, — деди ўзини бепарво кўрсатиб.

Деворнинг дукиллаши эса зўрайиб борар, токчада турган идиш-товоқлар зирларди.

Энам бир кўзига фанер қопланган деразани қия очиб, Тарлонни чақира бошлади:

— Баҳ-бах, Тарло-он!..

Тарлон шу заҳотиёқ дераза ёнида пайдо бўлди. Бостирма айвонида, пичан устида мизғиётганмиди, қаттиқ керишди, ухлаб қолганидан хижолат бўлгандай, думини ликиллаб жилпанглади.

— Шошмай тур, Тарлон! — деди энам худди одамга гапиргандай. Уям тушунгандай чўнқайиб ўтирди ва кесик қулоқларини чимириб, ҳавони ҳидлаб ис олди: уй ортидаги «дук-дук»ни сезиб, олд оёқлари билан ер тимдалаб, энамнинг буйруғини кутганча, бетоқат ғингший бошлади.

Энам болтани олиб, бизга тайинлади:

— Икковингам жим ўтиринглар.

Энам ташқарига чиққан заҳотиёқ, Тарлон олдинга тушиб, ўқдай учди.

— Вой ўлмасам, холамнинг бир ўзи... — деди-да, Қуралай опам менга ўгирилди, — Илҳомжон, сен чиқмагин.

Мен хўп дегандай бош ирғадим-у, ёлғиз қолгач, юрагим ҳақкириб кетди. Ихтиёрсиз Қуралай опамнинг кетидан чопдим. Етиб олиб, маҳкам қўлидан ушлаб олдим. Қуралай опам ҳансираб шивирлади:

— Бекор чиқибсан, Илҳомжон.

Уйни айланиб, орқа тарафига етай деганимизда, энамнинг товуши эшитилди:

— Ол, Тарлон, бос!!!

Ер тимдалаб ғингшиётган Тарлон, энамнинг шу ҳукмини кутиб тургандай, деворга орқасини тираб турган одамга ташланди. Аммо етай деганда, нимагадир чап берди-да, ғовлаб кетган отқулоқ ва курмаклар орасига шўнғиб кетди. Шу лаҳзада қарсиллаган овоз эшитилди. Ҳалиги киши таёғини зарб билан сермаганидан, у Тарлонга тегмай деворга урилиб, синиб кетганди. Унинг ҳимосиз қолганини сезган Тарлон ўзини ўнглаб, қоплондай отилди. Икки қўлини юзига босиб, девор томонга энгашган кимсанинг елкасидан тишлаб, силтай бошлади; ҳар силтаганда бояги одам ингранар, чамаси додлашга мажоли қолмаган эди.

— Ҳой, кимсан? — деди энам. — Жонингдан умидинг бўлса, ёт! Бўлмаса ғажиб ташлайди. Пичоқ-мичоққа қўл чўзиб юрма! Биласан-ку, бу сиртлон-а...

Ҳалиги кимса букчайиб, девор тагига ётиб олди. Тарлон эса унинг елкасидан ҳамон босиб турарди.

— Баҳ-бах, Тарлон, буёққа кел! — деди энам, амирона буюриб. Тарлон энамнинг буйруғини ҳушламагандай, ёнимизга келиб чўнқайди ва ғингший бошлади. Энам, уни яна ташланиб қолмасин дедими, бўйнидаги тасмасидан тутиб, тинчлантирди:

— Бас энди, Тарлон, бас қил! — Сўнг ҳалиги кимсага буюрди: — Ҳой, номард, тур ўрнингдан!

Отқулоқ ва курмакларни шитирлатиб, кимса ўрnidан қўзғалди. Тепамизда тўлин ой баркаши сузиб борарди, аммо осмонни олачалпоқ булут қоплаган эди. Шунданми, девор ёнида без бўлиб турган кимсанинг афт-ангори кўринмасди.

— Кимсан?! — деди энам.

Ҳалиги кимса анчадан кейин йиғлоқи товушда минғирлади:

— Маматман.

— Нимага келганингни биламан, — деди энам. — Қасамхўр отанг қайраб жўнатган сени. Бориб айт, чучварани хом санабсиз, дегин! Тирик қолганинга шукр қил. Аммо яна бир марта қадам қўйсанг, итга ғажитаман!

Мамат бир нималар деб минғирлади, кейин қўрқа-писа йўлга тушди. Тез-тез биз томонга қараб қўярди. Оралиқ узайгач, жонҳолатда қир томонга қоча бошлади. Тарлон бир-икки бор қаттиқ силтаниб, энамнинг қўлидан чиқиб кетай деди. Энам жеркиб ташлагач, жонивор аламли ғингшиб, тинчиди.

Дафъатан Қуралай опам шарақлаб кулиб юборди. Кулгиси жарангдор, тиниқ ва завқли эди. Энамни қучоқлаб олди:

— Холажон-эй, бунчаям довураксиз. Бопладингиз, айланай сиздан...

Маматнинг сулайиб ётиши, кейин жон ҳовучлаб қочиши кўз олдимга келиб, мен ҳам кулиб юбордим. Қуралай опам кифтимга қоқиб, пешонамдан ўпиб, юзини юзимга босди. Ажабо, шу лаҳзада у ҳам кулиб, ҳам йиғлаётган экан. Кўзларидан дувиллаб келаётган ёш томчилари менинг ҳам ёноқларимни музлатиб юборди...

## У

Эрталаб энам Гулмурод буваникига кетди. Чошгоҳларда қайтиб келди. Авзойидан, раис билан ниманидир кенгашиб олгани сезилиб турарди.

Тушга яқин уйимизга оқсоқолларни бошлаб Гулмурод бува кириб келди. Таомилга кўра, Зулайхо холанинг арвоҳига фотиҳа қилишди. Сўнг чоллар, бири олиб-бири қўйиб, ўлим ҳамманинг бошида борлигини айтишиб, Қуралай опамнинг кўнглини кўтариб, насихат қилишди. Шу гаплар устида мендан икки-уч ёш каттароқ Яхшибой исмли бола эшикдан мўралаб, энтикиб хабар берди:

— Холтўрабой бува келолмасмиш.

— Нега? — деди Гулмурод бува, жаҳли чиқиб.

— Касалмиш.

— Бориб айт, — Гулмурод бува қўлини пахса қилиб, Яхшибойга тайинлади, — бўлмаса райондан милиса чақираман, ликиллатиб ҳайдаб келади!..

Яхшибой ҳўп, дегандай бош ирғаб, изига қайтди.

— Гулмурод оқсоқол, мен сизга айтсам, у қасамхўр касал эмас. Эрталаб кўрувдим, қўйларини ҳайдаб юрувди, — деди чоллардан бири.

— Келишга бети чидамаган-да, — кимдир унинг сўзини маъқуллади.

— Гапингиз қизиқ, — Гулмурод буванинг энсаси қотди. — Унда бет бораканми!..

— ...

Чолларнинг гурунги қизиб кетди. Гап айланиб, яна эски воқеага — Элбек, Гулсанам ва Ҳақёрларга кўчди.

Энам билан Қуралай опам югуриб-елиб хизмат қилишарди. Ток баргидан «аччиққина» чой дамлашди. Сандиқни очиб, дастурхонга тут талқон, туршак қўйишди. Бетига сариёғ қўйиб, қуртава қайнатиб келишди. Лекин энам уларнинг олдида уялиб, узр сўради:

— Айб тутмайсишлар, нонимиз қолмапти.

Гулмурод бува унинг кўнглини кўтариб, алқаб кетди:

— Офтобой, одамнинг жони-дилисиз-да, раҳмат. Зиёфат бундан зиёд бўлмайди.

Нон масаласига келсак, ҳаммамизам сиз қатори. Мана, эрталаб бизам олдингизга бир нима кўёлмадик, яхшиям аталамизга шерик бўлдингиз.

Чоллар кулишди.

— Энди нима бўлсаям, чидаш керак. — Гулмурод бува гапида давом этди. — Омборимизам хувиллаб қолди. Барини у ёқда жон олиб, жон бераётганларга жўнатдик. Азамат йигитларимизнинг егани ош бўлсин. Душманнинг таъзирини бериб қувиш-япти. Яқин қолди, уруш тугайди, биродарлар.

Ўтирганлар баравар гувраниб, тўлқинланди:

— Омин, айтганингиз келсин, оқсоқол!

Шу пайт занжирини узгудай бўлиб, Тарлон ҳурди. Зипиллаб ташқарига чиқдим. Ҳовлида ранг-қути ўчган Холтўрабой кўринди. Тарлонни тинчитиб, уни ичкарига бошладим. Гурунглашиб турган чоллар бирдан жимиб қолишди. Саломига алик олишмади. Эсангираган Холтўрабой кавшандозга чўнқайди.

Гулмурод буванинг бўйин томирлари бўртиб, калта, бир текис кузалган оппоқ соқоли титрай бошлади. Ҳамиша мулойим боқувчи кўзлари қинига сиғмай, унга бир муддат тикилиб қолди-да, зуғумли товушда:

— Сизни одам деб чақирсак, нега келмайсиз?! — деди.

— Азбаройи худо, ишонинглар, — деди Холтўрабой, ердан кўз узмай. — Тобим йўқ.

Гулмурод буванинг вазоҳати ўзгармади:

— Ҳеч кимнинг газзигига дори эмассиз! Кеча оқшом нима қилдингиз, шундан гапиринг!

— Худо ҳақи, — Холтўрабой Гулмурод бувага, кейин бошқаларга мўлтираб термилди. — Айтинглар гуноҳимни, нима гап ўзи?

— Билмайсизми? — Карим бува аччиқ кулумсиради. — Балки Маматниям танимассиз?

— Қайси Мамат?

— Ана, айтмадимми, — деди Карим бува. — Қайси бўларди, ўғлингизни айтаяпман-да!

— Ҳа, уми, — Холтўрабой талмовсиради, — нима қипти? Худо дард берди, шунақа бўп қолди, тонмайман.

— Гапни айланторманг! — Гулмурод бува ўрндан бир қўзғалиб қўйди. — Кечаси Маматни нега бу ерга юбордингиз?! Қуралайни кўрқитиб, қайириб олишгами ёки бошқа мақсадингиз бормиди, айтинг?

— Ўлимдан хабарим бор, аммо бу гапдан хабарим йўқ!

— Шундайми?! Маматингиз бемаҳалда келиб, уйнинг деворини тешгудай уриб, буларнинг юрагини ёриб кўрқитганидан хабарингиз йўқми?!

Холтўрабой гўё бундан беҳабардай ажабланиб бош чайқади, серканикидай узун оқ-кўкиш соқолини селкиллатиб мингирлади:

— Улай агар, раис...

Гулмурод бува аввалги шаштидан тушиб, вазмин товушда деди:

— Сизни яхши биламиз, қасам ичиб ўрганиб қолгансиз. Хў-ў, аввалги гапларим

эсингиздадир... Уларнинг қарғиши ўзингизга урмай, шўрлик Маматга урганига ҳайронман. Ҳа, майли, ўтган гапга салавот. Энди буёғини эшитинг. Мен сизни айбига иқроор бўлиб, кечирим сўраб, деб ўйлагандим, янглишибман. Яна қасам ичиб, тониб турибсиз. Ке, қўй, шу гап қишлоғимиздан чиқмасин, дегандим. Энди иложимиз қанча, пуркурорга оширамиз: айбдор Маматми, сизми, ўзлари аниқлаб олишади. Сизга жавоб, бораверинг.

Холтўрабой устидан бир челак совуқ сув қуйилгандек, ўрндан ирғиб туриб кетди. Кўзлари ола-кула бўлиб, шартиллатиб икки қўлини юзига босди-да, юзтубан бўлиб, ўзини кавшандозга ташлади. Карим бува билан яна бир чол унинг қўлтиғидан олиб силкилашди:

— Ҳой, Холтўрабой, нима жин урди сизни, туринг-э, эшилиб ётмай!

Холтўрабой ўлиб қолдими деб ҳамма кўрқиб кетди, кимлардир қўлтиғидан олиб, силкитишса ҳам мук тушиб, илондай кулча бўлиб ётаверди.

Карим бува Норкул сўфига ярми ҳазил, ярми чин қабилда буюрди:

— Туринг, сўфи, тепасида калима ўғиринг, имонсиз кетмасин энди...

Шу пайт ҳамма лол бўлиб қолди: Холтўрабойнинг елкалари титради, қўллари ҳаракатга келиб қимирлади, ниҳоят, бошини кўтариб, жиққа ёш кўзларини одамларга тикди. Чоллардан бири ёқасини тутиб пичирлади:

— Ё тавба, тирилик кетди... Буни жин ҳам урмайди!

Холтўрабой, шу зайлда бир муддат тургач, бўғизланган молдай хириллаб, ўкириб юборди:

— Мени кечиринглар... Тўғри, Маматга айтганман. Укангнинг хасмини алдаб-сўлаб қайириб ол, деганман. Лекин, бунақа... кўрқитгин демаганман... Биродарлар, айтинлар, менгаям осонми ахир! Бешиккертиси бузилиб, Иброҳимжон бадном бўлса... Ўн минг сўмга ўтдай куйиб ўтирсам...

Гулмурод бува унинг сўзини бўлди:

— Офтобой, Қуралай қани?

Энам ошхонага ўтиб, уни бошлаб келди. Қуралай опам юқорига ўтиб, дераза ёнига чўнкайиб ўтирди. Юзлари ловуллаб, ерга қаради.

— Қизим, буларнинг, — бармоғини бигиз қилиб Холтўрабойни кўрсатди бува, — латта-путталарини бердингми?

Қуралай опам бош ирғади. Энам аниқлик киритди:

— Ҳаммасини қайтарди, бу кишининг ўзи кампири билан кўтариб кетди.

— Баракалла, яхши бўпти, — деди Гулмурод бува. — Қизим, буларди яна ўн минг қалин пули даъвои бор экан, шунга нима дейсан? Уйларингда пул борми?

Қуралай опам тўқима қалами камзулининг этагини чимдиганча, қимтинибгина пичирлади:

— Йўқ, раис бува... — Қуралай опамнинг хўрлиги келди чоғи, йиғлаб юборди. — Ҳеч вақоимиз йўқ. Ишлаб қутуламан, албатта қарзини узаман.

— Йиғлама, қизим, — деди Гулмурод бува мулоий товушда, — сатқан кўз ёшинг кетсин... Ҳамма нарса топилади, одам топилмайди, йиғлама!

Гулмурод буванинг далдасиданми, Қуралай опам ўзини тутиб олди-да, дадил:

— Раис бува, боғимизни колхозга олинг. Даромадиям колхозга бўлсин... Мени шуларнинг даъвосидан қутқазинг, — деди.

— Баракалла, эна қизим, ақлли гап айтдинг. Ўзимам ўйлаб юрүвдим. Ток очиб вақти ўтаёпти. Ўзинг уддасидан чиқолмайсан. Майли, колхозга оламиз. Энди қарзинг-ниям колхоз ҳисобидан узамиз. Сен ўйлама... Гапни эшитяпсизми? — Гулмурод бува, безрайиб турган Холтўрабойга ўғирилди. — Ўн мингни кузда шахсан мендан оласиз.

Сир бой бермай турган бўлса-да, ўн мингнинг унишидан Холтўрабойнинг чеҳраси бир зумда ёришди. Аммо Гулмурод буванинг бояги гапи эсига тушибми, яна ёлвориб-га ўтди:

— Гулмуроджон, сиз элнинг отасисиз, инсоф қилинлар, яна ҳалигидай... Кексайган чоғимда суюгим турмада қолмасин. Шу элда ўлайн, ўзларинг тепкилаб кўминлар...

— Нега биздан узр сўрайсиз? — Гулмурод бува Қуралай опамни кўрсатди. — Ана, ундан сўранг, гуноҳингиздан ўтадим-йўқми, ўзи билади.

Холтўрабой Қуралай опамга ўғирилди, лекин юзига қарай олмай, ҳансираб ёлворди:

— Қуралай, Маматнинг қилмиши учун кечиргин бизни. Офтобой, сиз ҳам...

Опамдан ҳам, энамдан ҳам садо чиқмади. Гулмурод бува ўйга толди. Кейин «сук — аломати ризо» дегандай, Холтўрабойга ўғирилди:

— Буларга раҳмат нури ёғади. Ёшингизни, соқолингизни ҳурмат қилишди. Дунёга келиб, сизам бир жўяли гап айтдингиз: шу элда ўлайн, тепкилаб кўминлар, дедингиз. Хайрият-э, сизам элни тилга олдингиз... Энди ростини айтинг, ўрангизда қанча донингиз бор?

Холтўрабойнинг кўзлари ола-кула бўлиб, довдиради:

— Борини эл қатори урушга бердим-ку, ахир?

— Қўрқманг, тортиб олмаймиз, — Гулмурод бува тинчлантирди, — тўғриси айтинг, неча пуд бор?!

Холтўрабой минғирлади.

— Ҳа, энди, ўзимизга яраша, нари-бери йигирма пуд чиқар.

Ўтирганлар баравар гувранди. Гулмурод буваям нима дейишини билмай, бирпас анг-танг бўлиб қолди. Йўғон чўзилиб, ингичка узилган, ҳеч кимда, ҳатто колхоз омборида ҳам бир сиқим дон қолмаган бир пайтда, бу қурумсоқда шунча ғалла борлиги чиндан ажабланарли эди.

— Худога шукр, сизам энди тўғри сўзлайдиган бўпсиз, — деди Гулмурод бува, чеҳраси ёришиб, — шу донингизни бизга қарз бериб турасиз, хўпми? Қўрқманг, кеча далани айланиб келдим. Ғалланинг авжи яхши. Арпалар сут-хамир бўпти, яна уч ҳафта-нинг нари-берисида ўроққа тушамиз...

— Холтўрабой, ғаллангизга мита тушмаганми? — деди чоллардан бири.

Карим бува уни қайириб ташлади:

— Шу гапни болаям айтмайди, қўйинг-э... Ҳали-ку мита экан, қурт тушмайдимми! Борини айтинг, дори денг! Қўшнимиз Мамасобирнинг болалари исмалоқ, чиринг, отқулоқ еявериб шишиб кетишипти, бечоралар!

— Озроқ дон улашмасак, ҳамманинг бошига шу кун тушади, — деди Гулмурод бува.

Чоллар туришди. Кейин Гулмурод бува бошчилигида ҳаммаси Холтўрабойнинг ҳовлисига қараб кетишди.

## VI

Сандалга ўт солиб, нонуштага ўтирган эдик. Кимдир от қўйиб келди-да, эшик олдида тўхтади. От пишқириб депсинди-да, суворий товуш берди:

— Илҳомжон, тезроқ омборга! Колхоз ғалла бераде-е!

Бу — гоҳ ҳисобчи, гоҳ котиб бўлиб, мудом елиб-югуриб юрадиган Яхшибой эди. Сакраб туриб эшикни очгунимча, у бошқа ҳовлиларга отини елдириб кетди:

— Колхоз ғалла бераде-е!..

— Худога шукр-ей, — деди знам севиниб, — пишиқчиликка эсон-омон етадиган бўлдик, болаларим.

Ошхонамиз тўрида — тахмонда турадиган унқути тагида озгина, чорак пудча ун қолганди. Энам ҳар гал аталага ун олса, қути ёнида хомуш ўйланиб қоларди. Яхшиямки, жонимизга сут-қатиқ, қуртава оро кириб турибди. Ранги ўчиб бораётган унни авайлаб, нон у ёқда турсин, аталаниям ора-сира пиширардик.

Бу хабар, опамни билмадим, менга ҳозиргина тандирдан узилган, бозиллаб турган нонни эслатди, оғзимнинг суви келди. Энам шошиб ўрнидан кўзғалди.

Қуралай опам дик этиб турди-да, знамнинг йўлини тўсди:

— Холажон, қўйинг. Илҳомжон икковимиз бориб келамиз.

Чиқа солиб чопиб кетдик. Йўлда ҳеч ким кўринмасди. Ҳамма олиб, биз қуруқ қолгандай, ваҳимага тушиб тезроқ югурдик. Анҳор ёқасида уч ҳовли нари қўшнимиз Саломат холага етиб олдик. Унинг ортидан бири ялангоёқ, бири ялангбош, юпун, кўзлари киртайган, рангпар тўрт ўғилчасиям эргашганди. Саломат хола Қуралай опамнинг елкасидан қучиб, бағрига тортди:

— Эсонмисан, омонмисан... Ҳалиги, қасамхўрнинг боласи сени қўрқитмоқчи бўлганмиш... ростми, қизим?

Қуралай опам бош ирғади.

— Вой, холагинанг айлансин, — деди менга кўзи тушган қўшнимиз, энгашиб пешонамдан ўпаркан, — сенам келяпанми? Қуралай, эшитмадингми, Гулмурод ака ғаллани қаёқдан топдйкан?— Саломат хола саволига жавоб кутмасдан, яна сўзида давом этди. — Узиям савобга ботадиган бўлди. Машойихлар олтин олма, дуо ол, деб бекорга айтишмаган. Бечора Гулмурод ака одамларни деб, ўзини аямайди. Илоё, ёлғиз ўғли урушдан эсон-омон қайтсин!.. Ёмғир билан ер кўқарар, дуо билан эр кўқарар. Мен-ку, майли, мана шу гўдакларнинг дуоиси ижобат бўлса, Гулмурод ака икки дунёдаям кам бўлмайди... Аммо дуойибад ёмон. Мана, Холтўрабой — қасами ўзинга урмай, боласига урди! Сен кўрқма. У ўлгудай кўрқоқ. Мард бўлса, девор тешиб юрармиди? Худо олсин ундоқ писмиқларни!.. Шукр қил, Офтобой холанг бор, эркакдан зиёд. Ҳечам кўрқмагин, хўпми?..

Қуралай опам унинг гапларини маъқуллагандай, бош ирғаб қўйди.

Анҳорнинг омонат, одам ўтса лопиллаб силкинадиган осма кўпригидан ўтиб, қир беткайидаги молхонага туташ омборхонага етгунимизча Саломат холанинг гапи узилмади.

Омборхонанинг тор ҳовлисида одам тирбанд. Ичкарига сиғишмаган ёш-яланг қалдирғочдай тизилишиб, деворга миниб олишган. Чўнқайиб, сиқилишиб ўтирган чолу кампирлар бир-бирига гап қотади. Қиз-жувонлар кексаларнинг гапига қулоқ тутиб, индамайгина ўтиришибди. Биз омборхона ҳовлисига кирадиган ёғоч тўсиққа етишимиз билан ўтирганларнинг ҳаммаси гуврангандай, бараварига ўзини Саломат холанинг

қаватиға олди. «Нега ҳамманинг кўзи бизда? — мен ўзимча ажабландим, — кечикиб келганимизгами?...» Хаёлим чалкашиб, одамларга олазарак кўз ташлайман.

Қишлоқдаги ҳамма тўпланган. Кўпчилик Саломат холага ўхшаб, болалариниям эргаштириб келган. Фақат Холтўрабойнинг оиласидан ҳеч ким кўринмасди. Қуралай опамнинг қулоғига шуни шивирламоқчи бўлгандим, ўктам, эркакшода бир кампир келиб, мени четга сурди ва Қуралай опамни бағрига тортиб, алқай кетди:

— Шарофатли қизимдан айланай! Эсонмисан-омонмисан? Ҳамма гапни эшитдик. Сенинг шарофатингдан Холтўра жонсўхтадан ғалла олишпти...

Шундан кейин, кампирлар бирин-кетин келиб, Қуралай опамни ўраб, кўришиб-сўрашиб, алқашга тушишди. Ҳали ҳеч гапдан хабарсиз Саломат хола боя нега айтмадинг, деб ўпка-гинага ўтди. Шу пайт истараси иссиқ, қоп-қора кампир Саломат холани изза қилди:

— Саломатой, ўзингиз гапириб, бировга гал бермайсиз. Қуралайгаям навбат бермаганиз-да, айтолмаган.

Кампирларнинг гапи узилиб қолди. Гулмурод бува бошлиқ қишлоқ оқсоқоллари идора томондан келиб, омборхона ҳовлисига кирди. Ҳамманинг кўзи уларда. Гулмурод бува эшик ёнидаги лойсувоқ супага чиқиб, одамларга юзланди. Завқўтон қоясидан мўралаётган қўш нуридан кўзи қамашдими, қўлини соябон қилиб бир зум ўйга чўмди. Кейин қисқа қилиб, бор-йўғи ўтти пуд ғалла борлигини, шуни жон бошига қараб, расамади билан тақсимлаш, арпа ўроққа тушгунча бардош бериб туриш лозимлигини ва ниҳоят, эртадан ҳамма пичан ўримига чиқишини, тушликда атала ёки гўжа бўлишини эълон қилди.

Кейин ғалла улашилди, кечқурун энам охириг унимиздан биттагина қатлама пиширди. Ҳар қалай, оз бўлса-да, кўнгил тўқ — чорак пуд буғдойимиз бор.

## VII

Қуралай опам пичан ўримидан барвақт қайтиб келди. Эшикдан кириши билан очилиб-сочилиб, энамга юзланди:

— Холажон, суюнчи беринг, эртага арпа ўримига тушамиз.

— Суюнчи сендан айлансин, қизим, — энам ростданам севиниб кетди. — Тилиннга шакар, арпа пишиптими-а?

— Ҳа, Гулмурод бува айтди. Далага бориб кўриб кепти. Эртага ҳамма ўроқчилар Яккақайрағочга кўчиб кетамиз.

— Ҳа, болам, бусиз бўлармиди, — деди энам.

Қуралай опам шу куни кечгача ўтарга кетиш тараддусида кир ювди, таранди. Энам ҳам унинг ташвишида куйманиб елиб-югурарди. Опамнинг узун, қоп-қора сочларини майдалаб ўриб қўйди. Кейин сандиқни очиб, қалин, ҳаворанг, майда жийдагул газмол олиб, кўйлак тикиб кийгизди; у қўйиб қўйгандай ярашиб тушди. Қуралай опам негадир ийманиб, ўзини ноқулай сезган эди, койиб берди:

— Қизим, сендан айлансин бу матоҳлар, тепиб-тепкилаб тўздиргин...

Қуралай опам уй ичида наридан-бери бориб келиб, менга юзланди:

— Қандай, ярашиптими, Илҳомжон?

Мен илжайиб, бош ирғадим.

Қуралай опам хурсандлигидан эркаланиб, энамнинг бўйнидан қучоқлади:

— Раҳмат, холажон!

Энам унинг атрофида айланиб, кўйлагининг гоҳ елкасини, гоҳ енгини силаб-сийпалаб, нуқсонни йўқмикин дегандай қайта-қайта синчиклаб тикилар, мамнун жилмаярди...

Ширин тонг уйқусидан энамнинг қистови билан базўр уйғондим. Аллақачон туриб, тамадди қилиб олган Қуралай опам мени бетоқатланиб кутиб турарди.

— Илҳомжон, тезроқ бўл. Кечикиб қолмайлик!

Апил-тапил кийиндим. Кейин Қуралай опамнинг кўрпа-тўшаги, идиш-товоғи солинган жун қопни эшакка ортиб, идора томонга йўл олдик. Энам сой йўлига тушгунимизча эргашиб, Қуралай опамга ўзини эҳтиёт қилишни, қайғуравермасликни тайинлаб, фотиҳа берди:

— Ой бориб омон кел, қизим.

Қуралай опам ҳам пичирлаб, қаймоқдай тиниқ юзига кафтини сурди:

— Омин, айтганингиз келсин, холажон.

Негадир юрагим увишиб кетди. Назаримда, Қуралай опам узоқ сафарга кетиб, ҳали-бери қайтмайдигандай туюларди.

— Қуралай опа, тез-тез кеп турасизми?

— Нимаиди?

— Сизни соғиниб қоламан.

У ёнимга келиб, сочимни тўзғитиб эркалади:

— Ширинтой укамдан айланай, албатта келиб тураман...

Осмонда сўнгги юлдузлар сўниб, тонг ёришиб келар эди. Шовуллаётган сой то-

мондан муздай эпкин келиб, баданни жунжиктирарди. Теваракда тўрғайлар чулдирашарди.

— Илҳомжон, қулоқ сол, каклик сайраяпти.

Дўппимни пешонамга суриб, тепамиздаги Зовқўтон қоясига тикилдим. Баланд чўққи тагидаги чангалзордан ёлғиз каклик овози эшитилди. Она каклик бўлса керак, жўжаларини уйғотаётган чиқар. Зум ўтмай, унга қўшилиб, қолганлари ҳам «ка-как»лашди. Субҳидамда уларнинг сайраши жудаям ёқимли эди. Шунгами, Қуралай опам қора шоҳи дуррасини ушлаб, Зовқўтон чўққисига маҳлиё бўлиб тикилиб қолди.

— Жонивор, жудаям чиройли қуш-да, — деди ниҳоят. Сўнг йўлдан қолганига афсусланиб, мени қистади:

— Илҳомжон, эшагингни тезлат.

Олдинга ўтиб олгач, Қуралай опамнинг чўққи тагидаги тош уюмига қараб, кафтини ёзганча пичирлаётганини кўриб қолдим. Бу тош уюми, одам қараса боши айланадиган баланд Зовқўтон чўққисидан ўзини ташлаб ҳалок бўлган Гулсанамнинг қабри эди.

Пича вақтдан сўнг у менга етиб олди-да:

— Гулсанам опанинг арвоҳига фотиҳа ўқидим, — деди энтикиб. — Уйинг куйгур Холтўрабой... Шу ифво қилмаганда, бечора яшаб юрган бўларди...

Биз ёнма-ён кетиб борардик. Қуралай опам менга жудаям яқин келиб, пичирлади: — Илҳомжон, Содик бувамга учраб тургин. Юсуф акадан хат келса яшириб қўйгин, ҳеч ким сезмасин...

— Хат келса сизга обориб бераман, — дедим мен ҳам, ийиб кетиб.

— Ақлли укамдан айланай, — Қуралай опам кифтимга қоқди. — Сенга ишонаман.

У севиниб кетди. Қора нимчасининг чўнтагидан кичкина ойначасини олди-да, қизғиш жилдидан тирноқдайгина суратни чиқариб, узоқ тикилди, кейин менга узатди:

— Ма, қара, Юсуф ака. Кейинги берган хатингдан чиқувди, — Қуралай опам изоҳ берди.

— Сурати чиройли экан, — дедим.

— Ўзи-чи, ўзи чиройлимасми? — деди Қуралай опам, шўхлик билан.

— Ўзиям чиройлик...

— Ана, сен ҳам билдинг, — деди Қуралай опам энтикиб.

Қишлоғимизда йигит-қизларнинг бир-бирига хат ёзиши айб саналарди. Юсуф ака Қуралай опамга эна томондан қариндош. Шундай бўлсаям, у ёзган хатларини Зулайҳо холанинг номига юборарди. Қуралай опам эса мени «пишитиб» қўйганди: хатларни Зулайҳо холага кўрсатмасдан, опамнинг ўзига топширардим. Урушга кетганидан буён ундан тўрт-беш марта хат келди. Лекин анча бўлди, узилиб қолди...

Атроф боягидан анча ёришди. Қишлоқни бошига кўтариб итлар вовуллайди, сигир-бузоқлар маърайди, эшаклар ҳанграб, хўрозлар қичқиради. Шу пайт бу товушларнинг ҳаммасини босиб, йўғон, залворли бир товуш жаранглади:

— Тез-ро-оқ бўл-и-инг-лар-р, ҳо-о-й!..

— Илҳомжон, эшитясанми, ҳайда тезроқ, — деди Қуралай опам. — Гулмурод бува чақиряпти.

Биз идора ёнига етиб бордик. Утарга борадиганларнинг кўпчилиги тўпланиб, кечикканларни кутиб туришарди. Аравалар ўроқчиларнинг кўрпа-тўшак ва бошқа анжомлари билан тўлган. Қўш от қўшилган битта аравани кексайиб қолган чол-кампирлар эгаллашганди. Уроқчиларнинг асосий қисми ёшлар, қиз-жувонлар. Гулмурод бува менинг эшагимни калта-калта йўталиб турган оппоқ соқолли чолга олиб берди. Ҳамма тўпланиб бўлгач, ўроқчилар карвони Гулмурод бува бошчилигида йўлга тушди. Биз — бир тўп болалар ва мункиллаган кексалар, ўроқчилар сойдан ўтиб, қир беткайига ўрлашгунча ўрнимиздан жилмай кузатиб турдик. Қуралай опам орқасига ўгирилиб, менга қўл силкиди...

Уйга қайтишда, ўроқчиларнинг орасида Холтўрабой билан Мамат ҳам борлигини ўйлаб, юрагим увишгандай бўлди.

### VIII

Қишлоқ ҳувиллаб қолди. Мункиллаган чол-кампирларни, болаларни ҳисобга олмаганда, ишга яроқли ҳеч ким йўқ. Қуралай опам чорбоғини колхозга топширгандан кейин, боғбонлик қилиш, ҳосилини йиғиш ишлари энамнинг зиммасида эди. У кун бўйи тинмай ишларди. Токнинг тагини чопиш, суғориш, кесиш, хомток қилиш, бунинг устига, шу кунларда оппоқ бўлиб, бодраб пишган тутларни териш, қоқиб олиш ва Гулмурод буванинг рўйхати бўйича аҳволи ночор хонадонларга тақсимлаб бериш ҳам энамнинг чекига тушганди. Мен ҳам ўқишдан кела солиб, ишга киришардим.

Арпага ўроқ тушганидан бери Гулмурод бува дезрли ҳар куни мактабга келадиган бўлиб қолди. Чап оёғини силтаб босадиган, сочлари оппоқ кекса ўқитувчимизни четга олиб, узоқ гаплашади. Сабабини кейин билдик, ўқитувчимиз охириги имтиҳонларни тезлатиб, бизга муддатидан илгари жавоб берди. Шу кунийёқ уйимизга Гулмурод бува келди.

— Офтобой, синглим, худо ўзинга қувват берсин. Мен Илҳомжонни ўтарга олиб кетаман. Қўл кучи етишмаяпти.

— Нима қиласиз, муштдайгина болани ўзингизга дардисар қилиб? — деди энам кулиб.

— Ким айтади шундай йигитни муштдайгина деб, ўзимга муовин қилиб оламан, — деди Гулмурод бува ҳам кулиб. — Чоркўзада сув ташийди одамларга. Савоб иш.

— Билмадим. Уддасидан чиқмас-ов, — энам бош чайқади, — ўзиям новда-деккина...

— Э қўйинг-э, Офтобой, девдай йигитни шунақа дейсиз! — Гулмурод бува кулмурод, менга қаради. — Узинг нима дейсан, ўғлим?

Илжайдим.

— Кўрдингизми, жон деб турибди-ю, сиз бўлсангиз... Баракалла, ўғлим! Тезроқ тайёрланиб, эшагингни мин-да, идора ёнига бор. Болалар тўпланаёпти, — деди Гулмурод бува хурсанд бўлиб. Тушдан сўнг мактабдан бўшаган бир гуруҳ болалар, Гулмурод бувага эргашиб йўлга тушдик. Ҳаммамиз хурсанд, чуғурлашиб боряпмиз. Гулмурод бува тез-тез бизни қистаб кўяди:

— Ҳайданглар тезроқ, азаматлар.

Эшакларимиз бир муддат йўртишади-да, яна секинлаб қолишади. Ўртабўздан ўтгунимизча бўлмай, куёш кўтарилди. Болалар билармонлик қилишиб, бир-бирларига гап беришмайди:

— Йўлимизнинг энг узоғи мана шу — Ўртабўз, ҳадемай ўтарга етиб оламиз.

— Бэ-э, Қўзивой, йўлнинг узоғи энди келади, кўрасан.

— Эшонқул тўғри айтади, ҳали Терсбулоқсойдан ўтамиз, ундан кейин...

— Ўзинг ҳеч Терсбулоқсойни кўрганмисан, Турдивой?

— Ҳа, мен акамминан ўтганман, урушга кетар йили. Жуда узоқ, юраверасан, юраверасан.

— ...

Баҳслашув Терсбулоқсойга қиялаб тушадиган тик, нишаб йўлга етгунимизча давом этди. Сой тубидаги санглоққа қараган кишининг боши айланиб, кўзи тинади. Ҳаммамиз жимиб, эгарларга қапишиб олдик. Ўртабўздаёқ бизлардан ўзиб, илгарилаб кетган Гулмурод бува санглоқда жийрон-қашқа йўрғасидан тушиб, бизни кутиб турарди.

Болаларнинг чуғур-чуғури яна авжига чиқди. Терсбулоқсой биз учун кутилмаган, бошқа бир олам бўлиб кўринади. Очиғини айтганда, болаларнинг кўпчилиги, шунингдек, мен ҳам ҳали бу маҳобатли сойдан ўтмагандик. Ялпиз, қиёқ қоплаган жарлик тубидан сувнинг шалдираши эшитилади. Сойнинг икки томонидаги осмонга бўй чўзган қора-кўкиш қояларда бири учиб, бири қўнаётган бургуту калхатлар кўринади. Жарнинг икки бетида зағчалару кўкқарғалар чағиллашади. Ёввойи каптар ва қорабовурларнинг париллаб учидан эшакларимиз хуркиб, пишқиради. Ҳаммамиз жарга учиб кетишдан чўчиб борамиз, қир зигидан кесиб солинган сўқмоқ жарлик томонидан узоқлашишга тиришамиз...

— Тезроқ юринглар, ҳо-ой!

Бу товушдан болалар жонланишди. Баланд қояларда мудраб турган оқбош бургутлар, сарғиш калхатлар қанот ёйиб осмонга кўтарилишди.

Қирнинг соя бетидаги икки-уч қақиримлик энсиз арава йўлдан кўз очиб юмгунча ўтиб қўйгандай бўлди. Очиғини айтганда, бўласак-да, сой йўлининг тугашини ҳеч биримиз истамасдик. Гулмурод бува қистамаса, орамиздан жарга тушиб зағчалар инига қўл тикадиган, қоялар тагига бориб каклик полапонларини овлайдиган «мард»лар ҳам чиқиб қолиши турган гап. Феълимиз айниб қолишини сезгандай, Гулмурод бува сойдан чиқишдаги йўлда отини ўтлатиб кутиб турарди. Бизни кўриши билан, тезроқ юринглар, дегандай қўлини сермади.

Сойдан чиққанимиздан сўнг одамлар Яссиқир деб аташадиган ғаллазор бошланди. Эндигина сарғая бошлаган буғдой бошоқлари майин шабадада чайқалади. Ҳаммамизнинг юзимизда қувонч.

— Қаранглар, бу йил ғалланинг омади яхши, — дейди бўйи узун Умнат.

— Ҳамма гап ёмғирда, ёмғир сероб бўлди, — дейди миқтидан келган Искандар, иягини қашлаб.

— ...

Албатта, бу қишлоқ кексаларининг гаплари. Новча Уммату миқти Искандар ҳам, қолган «билимдон»лар ҳам ўшаларга тақлид қилиб сўзлашарди. Аниқроқ айтганда, ҳеч биримиз ҳали даладаги ғалла у ёқда турсин, қопдаги ғалланиям чамалашга ёшлик қилардик.

Яссиқирдан ошмасимиздан эшакларнинг ҳанграши, одамларнинг ғовур-ғувури эшитила бошлади. Севиниб кетдик. Қир теласига чиқишимиз билан сойнинг нариги бетидан ширали хиргойи эшитилди:

Туёқларинг тиллодан,  
Инқиллашинг ҳиллодан,



Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда,  
Майда қилиб хўп ҳайда.

Сомон йўли сеники,  
Майли, дони меники.  
Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда,  
Майда қилиб хўп ҳайда.

Босган изинг дон бўлсин,  
Душман кўзи қон бўлсин,  
Хўп ҳайда-ё, хўп ҳайда,  
Майда қилиб хўп ҳайда.

Хирмонда бўз от миниб, тўртта ҳўкизни қамчилаб айлантираётган «хўпчи»нинг бизга кўзи тушиб, хиргойисини тўхтатди. Атрофидагиларга бир нарсалар деди. Ғалла совраётганлар, хўкиз араваю лайлак аралардан боғ тушираётганлар — ҳамма қўлини соябон қилиб, бир муддат биз томонга тикилиб қолишди.

Аллақачон ўтарга етган Гулмурод бува офтобрўй қир беткайидаги чайла ёнида бизларни бетоқатланиб кутиб турарди. Этакроқдаги чуқурликка қурилган катта ўчоқдан бурқсиб тутун кўтарилади. Икки аёл бир келида нимадир тугишяпти; бирининг келисопи юқори кўтарилса, иккинчисиники пастга тушади.

Болалардан бири қийқириб юборди:

— Яшасин, сумалак тугишяпти!

— Утарда сумалак бўлармиди, — деди болалардан бири, ақллироқ чиқиб.

Аёллар биз томонга югуришди. Бири олиб, бири қўйиб кифтимизга қоқиб айланиб-ўргилишар, қишлоқдагиларни сўрашарди. Бундан Гулмурод буванинг жаҳли чиқиб, койиб берди:

— Вой бў-ў, бунчаям дийдаларинг бўш бўлмаса!.. Ие, Қундузой, бу нимаси? Қўй, йиғлама, ишинга бор... Азаматларга тушликка бир яхшилаб бўтқа қилинглари-чи... Эшакларингни боғлаб, бу ёққа ўтинглари, полвонлар, келишиб олайлик...

Бошқаларни билмадим-у, аммо менинг қулоғимга Қундузой опанинг ўксик овози эшитилгандай бўлди:

— Оти ўчсин-а урушинг. Энасининг қўйнидаги гўдаклар ҳам ишга чиқипти...

Ҳаммамиз чайла соясига ўтдик. Гулмурод бува ҳар бир боланинг бўй-бастига қараб, ишга тайинлаб бошлади. Кимлар эшак қарвонда марказга — тегирмонга ғалла ташийдиган, кимдир хирмонда — «хўп»да ишлайдиган бўлди. Менинг чекимга бошқачароқ вазифа — катта қудуқдан чоркўзада ўроқчиларга сув ташиш тушди. Бунинг устига, ҳар куни қишлоққа бориб, ким нима тайинласа шуни олиб келишим ва ўтардагиларга Қуралай опамлар чорбоғидан узум етказиб туришим керак экан.

Болалар дувиллаб ўринларидан туришдию иш жойларига кетишди. Гулмурод бува менга тайинлади:

— Илҳомжон, сенга ишониб, энг муҳим вазифани топширдим. Кичкина бўлсанг ҳам пишиққина кўринасан. Энди Саттор бувангдан чоркўзани ол. Ўроқчиларга ичгани сув етказиб турсанг бўлди. Овқатга, ювинишга, хирмондагиларга бўчқада олиб келишадими... Ҳа, айтгандай, сен катта қудуқ қаердалигини биласанми? Билмасанг Саттор бувангга айт, кўрсатиб, ўзи хирмонга ўтсин. Оёқ солишга одам етишмаяпти.

Саттор бувани излаб, питраган арпа боғларини оралаб йўлга тушдим. Кутилмаганда ўтарга келиб қолишимдан Қуралай опамнинг қандай севинишини ўйлаб, оғзимнинг таноби қочди.

## IX

Ўроқчилар тўпига етай деб қолганимда, нишаб йўлдан эшагини йўрғалатиб келаётган Саттор бува кўринди. У димоғида хиргойи қилиб келарди:

Асра қизил гулни, жўра,  
Баҳоларига етмаса,  
Сақла уни кўзга суриб,  
Даволарига етмаса,  
Даволарига етмаса...

— Ассалому алайкум, — дедим, яқинлаб қолганда.

Саттор бува чўчиб тушди. Даҳанини кўтариб, бир муддат тикилиб қолди-да, алиқ олди:

— Ваалайкум ассалом. Офтобойнинг ўғлимисан?

— Ҳим.

— Отинг нимаиди?

— Илҳом.

— Оббо сен-эй, Илҳомжон дегин. Қуралай опангнинг ёнига келяпсанми?

Яна «ҳим» дедим-у, тутила-тутила Гулмурод бува тайинлаган гапларни айтдим. Саттор бува оқ-қўкиш соқолини силаб, менинг сўзлашимдан завқлангандай, кулумсиради.

— Баракалла, ўғлим, баракалла! — деди-да, шу заҳоти чоркўзани менинг эшагимга ортди.

— Ҳайда энди, қудуқни кўрсатай...

У яна хиргойи қилганча йўл бошлади. Менинг эшагим эса, устига ноқулай юк ортилиб, икки биқинига чоркўза оғочи ботаётганидан тихирлик қила бошлади. Бўйнига бирикки «адаб чўп» туширганимдан кейингина «мулла» бўлиб, тупроғи кўпчиган ёлғизоёқ йўлдан йўрғалаб кетди.

Саттор бува мендан илгарироқда, бош чайқаб борарди. Унинг ашуласиданми, ё бу қир-адирларни биринчи бор кўраётганимданми, теварагимга орзиқиб термуламан. Кўзларимга ҳамма нарса сирли бўлиб кўринади. Юрагим ҳаприқиб, ўпкам тўлади. Нега? Буни ўзим ҳам билмайман. Кўз олдимда тандир ҳовридай саратон сели жимирлайди...

Кутилмаганда Саттор бува орқасига ўгирилиб, сўз қотди:

— Менинг минғиллашимдан зерикмадингми?

— Йўқ.

— Қўшиқ айтишни биласанми? Қани, битта эшитайлик-чи?

Бу таклифни кутмаганимдан, довдираб қолдим.

— Йўқ, унчалик билмайман, бува.

— Ол-а, кап-катта бўлиб қўшиқ айтишни билмайсанми-а, — у мени астойдил қистай бошлади. — Айт, билганингча айт! Бу овлоқ жойларда қўшиқ айтиб юрмасанг зерикиб қоласан, ўғлим.

Рости, биронтаям қўшиқни тўлиқ билмасдим. Уялиб кетдим. Орага жимлик чўкканидан кейин, Саттор бува ранжиган товuşда яна сўради:

— Бу нимаси, ҳеч бўлмаса бешқарсак байтларидан ол!

— Байтлардан биламан, — дедим ноилож.

— Айт, айтавер билсанг.

Бир муддат қизариб-бўзариб турдим-да, гап-гаштакларда эшитиб, ёдимда қолган байтлардан айта бошладим:

Олма гули нопарман,  
Ҳай ёр-ёр, айланай.  
Излаб сани топарман,  
Ҳай ёр-ёр, айланай.

Излаб сени топганда,  
Ҳай ёр-ёр, айланай,  
Унг бетингдан ўпарман.  
Ҳай ёр-ёр, айланай...

Саттор бува мақтовини ошириб, яна қистай бошлади:

— Уҳ-ў, овозинг ширали-ку, болам!

Имо қилиб қошлар билан,  
Ҳай ёр-ёр, айланай,  
Отма мани тошлар билан,  
Ҳай ёр-ёр, айланай.

Отсанг мани тошлар билан,  
Ҳай ёр-ёр, айланай,  
Учиб кетай қушлар билан,  
Ҳай ёр-ёр, айланай.

Бешқарсак Саттор бувага ёқди шекилли, «баракалла» деб, қайта-қайта алқаб қўйди. Кейин эшагини «хи-хи»лаб, ўзи хиргойисини бошлади. Негадир, унга жудаям раҳмим келиб кетди. Урушдан аввалги гап-гаштакларда бувани кўп кўрганман: устида янги тўн, оёғида хиром этик, бошида тархи бузилмаган дўппи бўларди. Гавдаси кичкина, аммо озғин кўринмас, кўзлари ҳам бу қадар ўйчан эмас, кулумсираб боқар эди...

Ҳишлоғимизда ҳар ҳафтада бир киши баҳолиқудрат зиёфат берар, базмлар Саттор бувасиз қизимас эди. Гап-гаштак бўлган ҳовли одамга тўлиб кетарди: қиз-жувонлар, ёш-яланглар эшик-дераза ва кавшандозда туриб, базм томоша қилишарди. Назар ака деган киши дутор чертганида, кўм-кўк адир-қирларда тўрғайлар чулдираб, каклик ва беданлар сайраётгандай бўларди. Алимқул аканинг танбури «тил»га кирганда, Зовқўтоннинг катта дарасидан ўйноқлаб дарё оқаётгандай туйиларди. Қосимжон ака най чалганда яйловларда қўй-қўзилар маърашиб, той-қулунлар кишнагандай, жониворлар бир-бирини излаб чорлагандай нола тараларди...

Бешқарсақни Саттор бува бошқариб борарди. У ширали ёки ёқимли овозда байт айтар, бошқалар эса «хай ёр-ёр, айланай», деб, баравар қарсақ уриб жўр бўлишарди. Байт ва қарсақ оҳангига монанд, йигитлар галма-галига ўртага чиқиб, ўйинга тушишарди. Уйин-кулги овози Зовқўтон қояларида акс садо бериб, тонгга қадар давом этарди.

Ҳозир эшак устида букчайиб, бош чайқаб бораётган Саттор бувага қараб, ўша тотли дамларни эслаб, юрагим орзиқиб, ўпкам тўлди.

Хаёлимдан кечаётган гапларни сезаётгандай, Саттор бува фикримни бўлди:

— Қара, Илҳомжон, қудуққа яқинлаб қолдик.

— Қани?

— Хў-у, ана. — У қўл сермаб сой томонни кўрсатди. — Якка садани кўраяпсанми?

Биз қиялаб тушиб бораётган чуқур сойнинг икки томонида ҳам баланд тизмалар чўзилиб кетганди. Икки қир оралиғи пичоқ дамида кесилгандай чуқур жарли. Жарлик устида гала-гала зағчалар, кўкқарғалар, ёввойи каптарлар, попишаклар учиб-қўниб, ҳар қайсиси ўз оҳангига чуғурлашарди. Атрофдаги гулхайри, оққуврай, шувоқ, янтоқ ва бошқа буталарда учиб-қўниб зарғалдоқлар, тўрғайлар сайрашади. Йўл четидаги буталарга қўйилган хас-хашак уяларда сап-сарик полапонлар оғзиларини очиб чирқиллашади. Сарғайган ёвшанлар тагида саратон чизловиқлари жон таслим қилаётгандай «виз-виз»лашади...

Сойни тўлдирган жониворлар овозидан юрагим ваҳимага тушганини сезгандай, Саттор бува менга ўгирилиб ғамгин кулумсиради:

— Буларгаям осонмас, ризқларини излашади...

Саттор буванинг гапи бўғзида қолди. Шу пайт милтиқнинг ўқидай бўлиб, осмонга кўкқарға кўтарилди ва қағиллаганча пастга шўнғиди.

— Кўраяпсанми, — деди Саттор бува бош чайқаб, — шўрликнинг уясига илон кирган.

Унинг қолган гаплари қулоғимга кирмади. Кўз олдимга кўкқарға полапонларини ямламай ютаётган турқи совуқ ола-чипор илон келиб, кўрқувдан аъзойи-баданним жимирлаб кетди.

Саттор буванинг товушидан ўзимга келдим.

— Иш-ш, жонивор, — деди у эшагини тўхтатиб, — мана, қудуққаям етдик.

Икковимиз қудуқ ёнидаги йўғон арчадан ўйиб ясалган, ичини яшил бақатўн босган, тўрт-беш газ келадиган новга энгашиб, юз-қўлимизни ювдик. Эшакларимиз ҳам новга интилиб, ютоқиб сув ичишди. Куюқ сада соясида турганиданми, сув муздайгина эди.

У Каттақудуқ номини олганича бор экан. Анграйиб қолганимни кўриб, Саттор бува кулумсиради:

— Кўрқма, чиғириғи қўпол кўрингани минан энгил айланади. Бошлайвер.

Қудуқ ёнидаги тошсупа устига қўйилган пақирни олиб, чиғириққа яқинладим.

— Ташла юборма, дастасини маҳкам ушлаб, авайлаб тушир.

Чиғириқни айлантириб, пақирни аста-секин тушира бошладим.

— Ҳар сафар шундай қил, — Саттор бува яна огоҳлантирди, — Бордию пақирни қўйиб юборсанг, урилиб пачоқ бўлиши ёки банди узилиб кетиши мумкин.

Арқон салқи бўлди-ю, пақир сувга чўкмади. Мўлтираб Саттор бувага қарадим.

— Арқонни силкит, арқонни.

Айтганини қилган эдим, арқон таранглашиб, пақир сувга чўкди. Чиғириқ дастасини айлантирдим. Унинг ёқимсиз ғижир-ғижирини айтмаганда, бу иш менга кўнгилли ва энгил туюлди. Сув тўла пақирни бемалол тортиб олиб, тошсупа устига қўйдим. Кейин эшак устидаги чоркўза ёғочидан тўрттала сопол кўзани олиб, текис жойга тахтладим-да, тиқинларини олиб, сувга тўлдирга бошладим.

Қудуқ бошига келганимиздан бери сада соясида ўтириб, хатти-ҳаракатларимни кулумсираб кузатиб ўтирган Саттор бува сув тўла кўзаларни чоркўза оғочига бемалол ортиб қўйганимни кўриб, ёш боладай чопиб келди-да, кифтимга уриб алқади:

— Баракалла, ўғлим, йиги: бўп қопсан. Бу юмушни менданам яхши уддалайдиганга ўхшайсан.

Шундан кейин Саттор бува амал қилишим лозим бўлган «нозик сир»ларини айтиб берди: эшак устида, мана шу қудуқ бошидаги сада соясида ухлаб қолмаслигим, тушгача икки, тушдан кейин икки, жами тўрт марта ўроқчиларга сув етказишим, йўл ёқасидаги қушлар уясига, полапонларига тегмаслигим керак...

Саттор бува қудуқ бошидаёқ мен билан хайр-маъзур қилиб, ҳар галгидай ўроқчилар ёнига эмас, Гулмурод бува тайинлаган хирмонга — «хўпчи»лар ёнига йўл олди. Кетаётиб, боя эсига келмаган энг муҳим гапини тайинлади:

— Илҳомжон, бу овлоқ жойларда қўшиқ айтиб юриш ёдингда бўлсин!..

## Х

Қуёш тик келай деганда ўроқчилар пайкалига яқинлашдим. Уларнинг ҳаммаси ўзларини эртароқ соя-салқинга олиш, тамадди қилиш ташвишида олди-ортига қарамай галла дасталарини боғлаш билан овора. Қайси бирлари мингбош, оққуврайдан боғлиқ

эшяпти, қайси бирлари боғлиқларга даста босиб, тиззалаб боғламоқда... Ҳеч биридан сас-садо чиқмайди. Ҳамма ўз ташвиши билан. Фақат саноксиз, питраб кетган боғларни оралаб бораётган, қўш — ҳўкиз қўшилган араванинг оғир ғижирлаши, боғчиларнинг бир-бирига хитоби эшитилади:

— Кўтар, жонинг борми?!

— Нега чиранасан, торт ўзинг!

Кўлимни соябон қилиб, ўроқчиларга бирма-бир термуламан. Кўзларим олазарак, ўзимча пичирлайман: «Қора дуррача ўраб, ҳаворанг кўйлак кийганди... Нега кўринмайди?..»

Яхшиям, ўроқчилардан бири ҳайқириб жар солди:

— Эй-й, яшасин, сувчи келде-е!

Унинг хитобидан ўроқчиларнинг ҳаммаси мен томонга ўгирилишди. Бири олиб, бири қўйиб қичқира кетишди:

— Ҳой, бу ёққа ҳайда!

— Йўқ, у ёққамас, бу ёққа!

— Саттор бува яшариб бола бўп қоптими?

— Қўй-э!

— Офтобой холанинг ўғли-ку!

Уларнинг гап-сўзлари қўлоғимга кирмайди. Жовдираб Қуралай опамни излайман... Ниҳоят, қувончдан кўзим тиниб, юрагим дукиллай бошлади. Ҳув узоқдаги, ҳаммадан илгарилаб кетган Қуралай опам қора дуррачасини бўшатиб, мен томонга тикилиб турарди. Одамларнинг «ҳой-ҳой»лашига қарамасдан эшагимни қистаб ўша томонга юрдим. Билмадим, орамизда қанча масофа қолганди, опажоним мени таниди шекилли, тирсагидаги боғлиқни отиб ташлаб, югура бошлади. Энтикиб-энтикиб, сўзланиб келарди у:

— Бўйларингдан айланиб кетай, укажоним!..

Унинг қаймоқдай оппоқ юзлари саратон ҳовуридан бўғриқиб, қизариб кетганди. Нақшин олмадай бўртиб чиққан ёноқларидан тер аралаш ёш қуйилиб келарди. Эшакдан тушишгаям улгуролмай қолдим. Келиб юз-кўзларини елкамга босиб, бўйнимдан қучганча титраб-титраб пичирлади:

— Опасини йўқлаб келган укажоним!..

Унинг ўтарга келганидан бери эндигина икки ҳафта ўтган бўлса-да, ойлаб-йиллаб дийдор кўришмагандай, икковимизнинг ҳам кўзларимиз жиққа ёш — ҳам йиғлаб, ҳам кулар эдик.

Ўроқчилар тушликка чиқишаётган, баъзилари боғлардан ғарам қилиб, ўзларига дам олиш учун соя ҳозирлашар эди. Мен билан андармон бўлиб қолган Қуралай опам қолган дасталарини боғлаб, шошилиб тайинлади:

— Илҳомжон, тезроқ сувингни улашиб чиқ, кейин гаплашамиз.

Қуралай опамнинг ёнидан жилмасимданоқ, атрофимни эркак-аёл аралаш, кўзача кўтарган ўроқчилар қуршаб олишди. Капалагим учиб кетди:

— Сувни сизлар қўйиб олсаларингиз, қолган ўроқчиларга нимани улашаман?!<sup>\*\*\*7</sup>

Улар менинг гапимдан дувиллаб кулишди. Ҳаммасидан кексароқ бир аёл уларни жеркиб берди:

— Болапақир билмайди-да, нега куласизлар?! Изза бўлма, Офтобойнинг ўғли. Шу ҳўқачаларни тўлдириб берсанг бўлди, ўроқчилар ўзлари шериклариминан баҳам кўриб ичаберишади.

Бу «сир»ни айтмаганлиги учун Саттор бувадан ичимдан хафа бўлдим. Ўроқчилар кўз очиб-юмгунча ҳўқачаларини тўлатиб, тарқалишди. Бўшаган кўзаларни чоркўза оғочига жойладим. Атроф сув сепгандай жимиб, ҳамма ғарам сояларига уриб кетди. Фақат узоқдан ҳўкиз араванинг ғижирлаши, қаердандир саратон чизловиқларининг тинимсиз «виз-виз»лаши эшитиларди.

Арпаси ўрилиб, боғи ташилган бўш ангорда эшагимни арқонлаб, чоркўза оғочини авайлаб туширдим. Энам бериб юборган, икки кўзи лиқ тўла ола хуржунни елкамга ташлаб, Қуралай опамнинг ғарамига қараб юрдим. Етиб бормасимдан, опам пешвоз чиқиб, елкамдан хуржунни олди:

— Бу ёққа ўт, ўргилиб кетай!

Арпа боғларидан териб тайёрланган ўзига хос «чайла»га ҳозиргина ўрилган барра мингбош гиламчаси тўшалган эди. Ўзимни таппа ташлаб, кўзимни юмдим. Қуралай опам пешонамга кафтини қўйди:

— Манглайингдан иссиқ ўтипти... Ҳали ўрганиб кетасан. Вой, бу хуржунингда нималар бор, Илҳомжон?

— Энам сизга берворди, — дедим лоҳасланиб. Сўнг қизиқиб, ўрнимдан турдим. Қуралай опам очган тугунчадан беш-олти бош оқ чиллаки, бир-икки ҳовуч ранг бериб саргайган зардоли, сариеғ суртилган тўртта қатпатир, бир даста гулисириқ, кўкпиёз чиқди. Қуралай опам ёш боладай қувониб, энамни алқар, бир кулиб, бир сўзлар эди:

— Эҳ, қандай холажоним бор-а! Қандай яхши-я!..

Мен эса, Қуралай опам тезроқ хуржуннинг иккинчи кўзидаги нарсаларни олишини бетоқатлаиб кутаётгандим.

— Очинг-чи, бунисида нималар бор экан?— дедим ахийри сабрим чидамай.

— И-е, қарамабман-ку,— деди-да, хуржундан оқ сурп тугунчани олди. Ундан бир жуфт этик, ҳаворанг шоҳи дуррача ва таги тўқ кўк-бинафша гулли кўйлак чиқди. Буюмларнинг ҳаммаси менга «таниш» эди. Оҳори кетмаган темир нағалли хром этик раҳматлик отамники. Энам уни авайлаб, қунжига ялпиз тиқиб, сандиқда сақлар, баъзан менга кўрсатиб: «Катта бўлганингда киясан», деб қўяр эди. Дуррача билан кўйлак эса, энамнинг ўзиники...

Қуралай опам довдираб қолгандай, гоҳ буюмларга, гоҳ менга тикилар, «тушимми-ўнгимми» дегандай, кўзлари пирпирар эди; ҳозиргина юзини яшнатиб турган кулгичлари чўқур тортиб, икки юзида қотиб қолгандай бўлди...

Бир маҳал дуррача билан кўйлакни қўлга олиб, аввал кўксига, кейин юзига босди-да, негадир елкалари титрай бошлади. У унсиз, тўлиб-тўлиб, эзилиб-эзилиб йиғлар эди.

Қуралай опамни қандай овутишни билмай қолдим. Унинг ранги ўчиб кетган қора шоҳи дуррасига, чакалак ва буталар тортқилаб, ҳилвираб қолган кўйлагига, тағчарми зигидан пайтаваси кўриниб турган этигига термулиб, ўзимнинг ҳам йиғлагим келиб, ўпкам тўлиб ўтирардим.

Ахийри Қуралай опам юрагини бўшатиб олди шекилли, туриб кўзини артди. Кейин кулумсираб, менга сўз қотди:

— Йиғлайвериб сениям юрагингни эзвордим, Илҳомжон. Холажонимнинг яхшиликларини улармиканман... Борсанг, айтгин: мингдан-минг раҳмат!.. Сенгаям раҳмат, ишонган тоғим — укажоним!..

Юз-кўзимдан ўпди. Кейин мен олиб келган егуликлардан озгина қолдирди-да, деярли ҳаммасини белбоққа тугиб, даврадош дугоналари ёнига кетди. Шу захотиёқ хуржунимни ёстиқ қилиб, кўзимни юмдим. Қундузой опа арава устидаги катта тоғордан коса-товоқларга овқат солиб, нон улашарди. Уларнинг орасида Қуралай опамни кўргач, кўнглим хотиржам бўлди. Яна ўзимни сояга олиб, кўзимни юмдим, бироқ уйқум келмади.

Шу пайт Қуралай опам келиб қолди.

— Уйғондингми, Илҳомжон?— деди у, қўлидагиларни авайлаб сояга қўяркан.— Мана, улущингни олиб келдим.

Ўрнимдан туриб, хуржунни ёзиб мингбош устига тўшадим. Қуралай опам каштали белбоғни ёзиб, косадаги бўтқани, арпа нонларни ва боя олиб қолган бир бош узум, бир сиқим зардоли, уч-тўртта гулисириқ, кўкпиёзни қўйиб, кулумсиради:

— Сенга тузаган дастурхоним шу, укажон, олавер.

Қуёш оғиб, соялар анча узайиб қолганди. Иккимиз мингбош устига бемалол жойлашиб, овқатлана бошладик. Қорним очикқаниданми, оқ арпа бўтқаси билан қора арпа нони оғзимда бол тотиб кетди. «Ош бўлсин» қилиб, ёнғоқ ёғочидан йўнилган, номи коса бўлсаям ўзи товоқдан қолишмайдиган идишни бир бурда нон билан сидириб, тозалаб қўйдим.

Қуралай опам гирдини гулчамбар қилиб, менга мингбош буюғидан соябон тўқий бошлади. Қўли ишда-ю, савол ёғдиради: қишлоқдаги кексаларни, болаларни номманом сўрайди, ҳовлисидаги, чорбоғдаги нарсаларни, юмушларни қолдирмасдан суриштиради, энамни соғинганини қайта-қайта айтади...

Гангир-гунгур суҳбатимиз узилиб қолди. Ғарам орқасидан отнинг пишқиргани эшитилди. Сўнг Гулмурод бува пайдо бўлди. Бошидаги қирғизча оқ кигиз телпагини олиб, мамнун кулумсираб сўз қотди:

— Ҳорманглар, болаларим!

— Саломат бўлинг,— Қуралай опам дик этиб ўрнимдан турди,— келинг, раис бува.

Мен ҳам шоша-пиша ўрнимдан турдим.

— Қалай, ўғлим?— У менга синчков тикилди.— Қудуқдан қийналмай сув тортолдингми?

Мен бош ирғадим.

— Баракалла, ота ўғил! Отангга тортсангам, Офтобойга тортсангам ёмон йигит бўлмайсан...— Гулмурод буванинг чеҳраси ёришиб, калта соқолини қашилади.— Оббо, жонивор-ей, дир-р!..

От ўйноқлаб кетди. Унинг феъл-атворини яхши билган Гулмурод бува сағрисини слаб, қайириб олди-да, Қуралай опамга юзланди:

— Қизим.. Ие-ие, Офтобой сени тоза ясантирибди-ку, қутлуғ бўлсин! Шу элатда яхши аёл иккита бўлса биттаси Офтобой, бордию битта бўлса, ўзи...

Гулмурод буванинг мақтаганича бор: Қуралай опамнинг чеҳраси гул-гул очилиб, гўзллашиб кетган эди.

— Боя Яхшибойнинг дафтарини кўрдим,— деди Гулмурод бува.— Қизим, кеча икки норма бажарибсан. Бу яхши-ку, лекин ўзингга эҳтиёт бўл. Ҳали олдимизда буғдой ўрими, яна десанг масар, зиғир-нўхатлар турипти. Човлаб қолмагин, энажоним... Ҳа айтгандай, Илҳомжон, қайтишингда хирмондан чори олиб кет, кечаси эшагингни тўқ-

лайн. Бўлмаса, йўлга — чоркўзага ярамай қолади. Майли, дам олаверинглар, кўёшнинг тафти баланд...

Гулмурод бува бошқа ўроқчилар ғарами томон отини йўрғалатиб кетди.

— Кўраяпсанми, Илҳомжон?— деди Қуралай опам сарғиш ангорни чангитиб бораётган Гулмурод бувадан нигоҳини узмай.— Жазирама тушдаям тиниб-тинчимайди, бечора. Одамлар йиғласа йиғлайди, кулса кулади. Биласанми, орамизда ҳеч бўлмаса ўз улушиниям бажармайдиган безбетлар кўп.

— Сиз қандайига икки ҳисса бажаряпсиз?— мен унинг нозик жуссасига кўз ташладим.— Ўзингизни унча қийнаманг-да...

— Ҳечам қийнаганим йўқ,— Қуралай опам мендай меҳрибон укаси борлигидан севиниб кетди.— Ўзгинам айланиб кетай сендан, энди ёнимдасан, ҳечам қийналмайман.

Қуралай опам энтикди, бошқа гапиролмади. Угирилиб, бояги «гулчамбар» соябонни олиб, дўппи устидан бошимга кийгизди.

— Жудаям ярашди, энди манглайингдан иссиқ ўтмайди. Ҳар кўни янгисини тўқиб бераман.

Севинчим жўшиб илжаяман: «Қандай яхши опам бор-а!»

Қуралай опам бирдан ташвишланиб қолди:

— Кечқурун қишлоққа қайтадиган бўлсанг, қудуққа тезроқ жўнагин. Ишдан эрта-роқ чиқсанг, ҳарна-да, кун ботмай Терсбулоқсойдан ўтиб оласан.

Терсбулоқсойдан ёлғиз ўтишимни ўйлаб, юрагим увишди...

## XI

Атроф зим-зиё. Терсбулоқсой жарлигидан бўриларнинг чўзиб-чўзиб увлаши, бой-қушларнинг шақиллаши, зағчаларнинг қағиллаши ва яна аллақандай парранда-даррандаларнинг узун-қисқа ваҳимали овозлари келади. Кўз олдимни туман қоплагандай, ҳеч нарса кўринмайди. Қўрқувдан жунжикиб, дир-дир титрайман, эшакка хала босмоқчи бўламан, товушим чиқмайди. Эшагим ҳуркиб, депсинади, ортига тисланади. Эгарга қапишиб, эшак ёлига тушиб кўзларимни юмаман.

Елкамдан тутиб, кимдир кетма-кет силкилайди:

— Тур, тур!..

Даҳшатга тушиб, кўзларимни баттар юмаман. Қулоқларимга увлаган-чувланган қўрқинчли товушлар орасидан энамнинг овози келаётгандай туюлади. Кўзларимни очолмай илтижо қиламан.

— Энажон-он, тезроқ келинг!..

Баданим жунжикиб кетди: устимдан кўрпани сидириб, кимдир танбеҳ бурди:

— Турсанг-чи, болам, тонг отди!

— Ие, қачон келдингиз?— кўзларим жовдираб, энамга қарадим.

— Вой, алаҳсирашинг нимаси?— энам елкамга қонди.— Тур, энанг айлансин, совуқ сувга ювин, уйқунг очилади.

Ювиниб қайтганимда, энам қандак ўрик тагидаги лойсупада дастурхон ёзиб, менга мунтазир бўлиб турарди: бўктириб нон тўғралган сопол косадан хушбўй сўт ҳовури кўтариляпти, катта товоқ тўла ҳўл мевалар...

Мени ўтарга жўнатиш ташвиши билан елиб-югураётган энажоним дилимдан кечаётган фикрни сезиб тургандай, устма-уст қистади:

— Ол, болам, булар сенинг ризқинг. Эрта туришнинг хосияти катта — фаришталар ризқ улашади... Ғафлат босган ялқовлар шундан бенасиб қолади.

— Эна,— мен фаришталарнинг тонг отмасдан безовта қилишганидан норози эдим,— дастурхондаги ҳамма нарсани ўзингиз тайёрлаб, яна фаришталар, дейсиз-а...

Узум тўла икки саватни жун арқон билан чирмаб боғлаётган энам қўрқиб кетди:

— Ҳе-э, эси паст, тавба де. Фаришталар ўзи келмайди, бу ишларни қилишни одамларнинг дилига солади... Иккинчи бор бундай дема, кофир бўласан!..

«Фаришталар улашган ризқ»дан чўкилаб, ўрнимдан турдим. Бориб, қўшалоқ қилиб боғланган саватни эна-бола кучаниб-чираниб, эшакка ортдик. Узумнинг салдори чоркўзадан оғирроқ шекилли, эшак жониворнинг бели майишгандай бўлди.

Кейин энам ичкаридан ҳар хил рангдаги бир тўп тугунчаларни кўтариб чиқди. Булар ўртадагиларга уйларидан берилган кийим-кечак ва егулик нарсалар эди. Энам кўз олдимда эгаларининг номини айтиб, уларни бирма-бир хуржунга солди. Адаштирмасдан, ҳар бирини ўз эгасига топширишимни тайинлади. Сўнг:

— Кечагидай кеч қолишинг бор... Қудуққаям Тарлонсиз борма. Хуржунга нон солдим, оч қолдирма, феълини биласан, аразласа уйга қочади,— деди Тарлонни бўша-тиб юбораркан.

Ит ёнимга келиб, думини ликиллашиб эркаланди.

Биз йўлга тушдик.

Санглоқдан чиқиб, қирга ўрлаб кетадиган йўлга етай деганимда, қишлоқ томондан кимдир чақириб қолди:

— Ҳой, Офтобойнинг ўғле-е, шошма!

Эшагимни қайириб, ўгирилдим. Бу — почтачи Содиқ бува эди; мен томонга мункиллаб, тўхтаб тур дегандай қўл сермаб келарди.

— Мана буларни олиб кет,— у ҳансираб, қўлимга уч-тўртта учбурчак хат тутқазди.— Эҳтиёт қил, йўқотмай эгаларига бер.

Довдираган бир алпозда хатлар адресига кўз ташладим. Кутилмаганда қувончдан ирғишлаб, эшакдан йиқилиб тушаёздим: хатлардан бири Юсуф акадан эди. У марҳум Зулайҳо холянинг номига ёзилган бўлса-да, биладан, Қуралай опамга аталган...

Юсуф ака нималар ҳақида ёзган экан? Хатни Қуралай опамга кўрсатсам, қувончдан ўзини йўқотиб қўймасмикан?..

Тонг ёришиб қолди. Атрофни қушларнинг сайроқи товушлари тутиб кетди. Негадир, йўлим унмаётгандай, эшагим юрмаётгандай туюлди. Тарлон ҳали унча сарғаймаган ним-қўкиш бўзда ўзаклаган чариф гуллари, қўзиқулоқ ва кўкшувоқ буталарини ҳидлаб, завқланганидан тили оғзига сиғмай ҳансирайди.

Қир ортидан ловуллаб қуёш мўралалганда қўшхонага етиб бордим. Одамлар аллақачон ишга чиқиб кетган. Чайлалар бўм-бўш. Хирмон томонидан хўпчиларнинг шовқин-сурони, араваларнинг ғижирлаши эшитилади. Нима қиларимни билмай, бирпас ағрайиб туриб қолдим. Саватларни туширишга ўзимнинг кучим етмасди. Шу пайт чайла этагига хас-хашак — тутатқи тўплаб, куймаланиб юрган Қундузой опага кўзим тушди.

— Қундузой опа-а, ҳў-ў!

У киши бунчалик эрта келишимни ўйламаган шекилли, ҳайрон бўлганча югуриб келди.

— Вой, опанг айлансин, қишлоқдан келдингми, мунча эрта?

Саватларни авайлаб тушириб олдик. Қундузой опа товланиб турган оқ чиллаки узум бошларига кўзи тушиб, ёш боладай севиниб кетди:

— Офтобой опамгаям, сенгаям, раҳмат, Илҳомжон!

Мен бош чайқадим.

Қундузой опа ўгирилиб, менга ҳайрон бўлиб тикилиб сўради:

— Нима деганинг бу?

— Раҳматни Қуралай опамга айтиш керак.

— Вой, сендай ширинтой, ақлли боладан опанинг айлансин-эй!— Қундузой опа бошимни силаб эркалади.— Қуралай опангаям раҳмат! Барибир, сен тушунмайсан, Офтобой опанинг йўриғи бошқа...

У бош чайқаб, чайлага кириб кетди. Кейин газетага ўроғлик дафтар олиб чиқиб, қўлимга қалам тутди:

— Ма, опкелган узумингнинг килосини ёзиб қўй, биласанми, ўзи қанча?

— Эллик кило, знам тортиб солган,— дедим.

Қундузой опа «кирим-қиқим» дафтарини варақлаб, очиқ бетига: «50 кило оқ чиллаки, Қуралайнинг боғидан», деб ёзиб қўйди.

— Гулмурод буванг тайинлади,— Қундузой опа изоҳ берди,— опкелган узумингни ҳар куни шундай ёзиб қўямиз... Қасамхўр Холтўрабойга Қуралайнинг ҳисобидан ўн минг бериш осонми?..

Хуржундаг тугунчаларни ва қўйнимдаги хатларни олиб, Қундузой опага тушликда эгаларига берарсиз, деб узатдим. Юсуф акадан келган хатни кўрсатмадим. Кейин Чоркўзани эшакка ортиб, қудуққа йўл олдим. Бу хатни Қуралай опамга тезроқ етказсам, унинг қанчалар севинишини тасаввур этиб, юрагим ҳаприқар эди.

## XII

Кун чошгоҳ бўлганда ўроқчилар ёнига етиб бордим. Ҳар томондан қувончли хитоблар эшитилди:

— Ҳой-й, сув келде-е!

— Нонуштага чиқинглар, ҳо-о-й!

— ...

Бирпасда атрофимни ҳўқача тутган ўроқчилар қуршаб, кўз очиб-юмгунча кўзаларни бўшатишди. Эндигина Қуралай опамни излаб, хатни бериш ниятида тургандим, ўзи келиб, кифтимга қоқиб эркалатди:

— Айланай укамдан! Яхши келдингми?

Оғзимнинг таноби қочиб, катталардай гердайиб, қўйнимга қўл тиқиб хатни пайпасладим... Қуралай опамнинг кулиб турган чеҳрасига кўз ташлаб, «суюнчи» демоқчи бўлган тилим тортилиб, танглайимга ёпишиб қотиб қолгандай бўлди. Кўз олдим бир зум тиниб, титраб кетдим...

— Вой, опанг айлансин,— Қуралай опам пешонамга кафтини босди,— нима бўлди, тобинг қочдимми?..

Кўзларимдан дувиллаб келаётган ёшни тутолмасдим. Қўрқиб кетган Қуралай опам атрофимда парвона бўлиб, айланиб-ўргилиб овутмоқчи бўларди. Менинг эса кўз ўнгимда Султон акадан қорахат келгандаги даҳшатли манзара жонланиб, қулоқларим тагида

дод-фарёд эшитилаётгандай, ўзимни ўнглолмай, безгак тутгандай титрардим... Қуралай опамга хатни узатсам, ўша кўнгилсиз воқеа яна такрорланадигандай туюлди.

— Одамлар кўрса нима дейди?— Қуралай опам ҳамон мени овутомқочи бўларди.— Кап-катта йигит ҳам йиғлайдими, қўй энди...

Ниҳоят ўзимни тутиб, зўрма-зўраки илжайдим. Қуралай опам севиниб кетди.

— Айланай, энди айт, нега йиғладинг?

— Узим, шунчаки...

— Алдама!

Индамадим. Иккаламиз ҳам ғамгин кулумсирадик.

Нонуштага қарамай, яна қудуққа жўнадим. Шу лаҳзада негадир ёлғизликни қўмсардим.

Офтоб тепага келмасдан оқ, саратон сели ловуллаб тўлқинланаяпти. Гулхайри, оққуврай, бурган, шувоқ ва бошқа буталар соясида бўзтўрғай, сўфитўрғайлар оғизларини каппа-каппа очиб ҳансирашади. Сарғиш зарғалдоқлар олов тафтидан ёниб бораётганда, учиб-қўниб зорланиб чулдирайдилар. Жимитдай чизловиқларнинг товуши тошни ёргудай.

Эшагим қудуқ йўлига анча ўрганиб қолди. Жонивор, иссиқнинг зўридан бошини эгиб, манзилга тезроқ етса жони ором олишини ўйлаб, йўрғалаётди. Тарлон эса ўзга бир оламга келиб қолгандай, тили осилиб, гоҳ илгарилаб, гоҳ ортда қолиб, буталарни ҳидлаб, ҳар томонга ҳайратланиб қарайди. Унинг шарпасидан соялаб ётган қушлар ҳуркиб учишади, баъзилари Тарлон тепасида жон-жаҳди билан чирқиллашади.

Итга танбех бердим:

— Тарлон, қушларнинг уясига тегма!

Ақлли жонивор гапимга тушунгандай, зийраклик билан менга термилиб, думини ликиллатди.

Мен яна Тарлон билан «сухбат» қуришим ёхуд Саттор бува айтгандай, бу овлоқ гўшада қўшиқ айтишим мумкин эди. Аммо, бояги лаҳза... Қуралай опамга хатни бериш азоби хаёлимни тарк этмасди. Қўйнимга қўл солган захотим, юрагим қандайдир бир совуқ хабарни сезаётгандай, қўлларим титради. Таваккал қилиб, хатни олдим: оддий дафтарнинг йўл-йўл варағи, тумор шаклида учбурчак қилиб букланган...

Қўлларим титрайди.

«Очайми, очмайми?»

«Қуралай опам сезиб қолса-чи?»

Эшагим пишқириб тўхтаганда ўзимга келдим. Жонивор қудуқ ёнига етган экан. Тарлон аллақачон нов тагидан жой олиб, ҳансираб ётарди.

Йўл-йўлакай ўй суриб, хатни очишни, яна аввалгидай қилиб буклаб қўйишни «кашф» этдим. Бошқа иложим йўқ, борди-ю, бу хат ҳам Султон акадан келгандақа бўлса?... Билмадим...

Тошсупага ўтириб, «тумор»ни очдим-да, ўқишга тушдим:

«Соғинчли салом хат.

Ул томонда — Завтош бағрида соғ-саломат юрган, жондан азиз Қуралайим, аввало ўзингга кўпдан-кўп саломлар йўллайман. Қандай, тинч-омон, ўйнаб-кулиб юрибсанми? Холам соғ-саломатми? Султонжондан хат-хабар келиб туриптими? Қишлоқдагилар ҳаммаси тинч-омонми, урушдан қайтганлар борми?

Мендан сўрасанг, худога минг қатла шукр, тирикман. Ҳозир Белоруссияга яқин ўрмонда — кўчма ҳарбий шифохонадаман. Кўп ўйлаб, сенга очиғини ёзишга жазм қилдим. Чап оёғим тиззадан кесилди. Балки кесишмагандир, жанг пайти бомбами, минами портлаганда узилиб тушгандир. Бунинг аҳамияти йўқ. Қуралай, нима қилгандаям, яримжон бўлиб қолдим... Энди сенга сўз қотишга аввалгидай ҳаддим сиғмаслигини сезиб турибман. Оғир жангоҳлардаям сенинг ўй-хаёлинг менга мадад бўлди. Энди эса... Мен сени ўйлайман, очиғини айтсам, мажруҳ одам билан бахтли бўлармикансан?

Қуралай, хат ёзиб юрма, тез кунларда ўзим бориб қоларман. Хат олганингни ҳеч кимга айтма, чўлоқлигимни знам билса... Қолган гапларни кейин гаплашармиз. Омон бўл, хайр. 1943 йил, 20 июнь.

Юсуф.»

Хайрият, қора хат эмас экан. Севиниб кетдим. Аммо Юсуф аканинг чўлоқ бўлиб қолганидан юрагим ачишиб кетди.

Апил-тапил қудуқдан сув тортиб, кўзаларни тўлдирдим. Хатга алаҳсиб қолганимдан, шошилиб йўлга тушдим. Негадир, руҳим тетик эди. Ўзимча пичирлайман: «Юсуф ака тирик!.. Қуралай опам севиармикан? Ёки чўлоқ деб...»

Кунлардан бирида Қуралай опам Султон акамни эслаб, знамга ҳасрат қилганди: «Эссиз, қўлсиз-оёқсиз бўлсаям, кўр-шол бўлсаям, тирик бўлганда бунчалар куймасдим, холажон. Шўрлик знамгаям бу кўргилик бўлмасди. Қайси гуноҳимиз учун бу кунларни бошимизга солди экан».

Знам уни овутомқочи:

«Бу — элга келган тўй. Бир сенми, болам, ҳамманинг бошига тушган савдо. Қўй, йиғлама, холанг айлангур...»



Уроқчилар бугун эртақор чиқишганми ёки мен озроқ кечикдимми, билмадим, ҳамма ғарам соясига ўтиб, тушлик қилаётган экан. Фақат Қуралай опам боғ уюмига суяниб, тик турганча менинг йўлимни пойлаб турарди. Уроқчилар ҳам ғарам тирқишидан мўралаб келишимни кутиб туришган шекилли, бир зумда атрофимни қуршаб, кўзаларни бўшатишди. Эшагимни арпа дасталари олинган ангорга арқонлаб, чоркўзани туширдим, хуржунимни елкалаб, йўлимга кўз тикиб турган Қуралай опам томонга юрдим.

— Опанг айлансин-эй,— унинг товуши гинали эди,— ухлаб қолдингми, деб хавотирланиб турувдим... Нега кечикдинг?

Ҳеч ёлгон гапирмаганимдан, баҳона тополмай қизариб-бўзариб, хуржундаги тугунчани Қуралай опамга узатдим. Унда икки бош узум, бир боғ барра пиёз бор эди. Кейин қўйнимдаги хатни олдим.

— Қуралай опа,— дедим чайналиб.— Манавини боя бериш эсимдан чиқипти...

У хатни қўлимдан юлқиб олди-да, сояга ўтиб чўнқайди. Шу лаҳзада бутун борлиқни, ҳатто ўзиниям унутиб қўйгандай эди: кутилмаган қувончдан, ҳаяжондан, шу билан бирга, қандайдир хавотирдан дир-дир титрарди...

Хуржунимни ёстиқ қилиб сояга чўзилдим. Биламан, бу қора хат эмас — кўнглим хотиржам. Бунинг устига, Қуралай опам хатни жуда узоқ ўқийди, негаки бошланғич синф боласидай ҳижжалайди: с-о-ғ-и-н-ч-л-и с-а-л-о-м х-а-т...

Қуралай опам лотин ёзувидан савод чиқазган-у, кейин мактабга бормаи қўйган. Ҳали кўзим уйқуга илинмаганди. Қулоғимга чуқур хўрсиниш, энтиқиш эшитилди. Индамай ётавердим.

Бир зум ўтгандан кейин, унинг ўзича пичирлаётгани эшитилди:

— Тирик, тирик!.. Илҳомжон, ухлаб қолдингми? Юсуф ака...

Мен бошимни кўтариб унга юзландим. Чанг-гард қўнган юзида из қолдириб тарам-тарам ёш сизарди кўзларидан. Лекин ёноқларида «кулгич» ўйнаб, ёш тўла кўзларида қувонч ёлқини порларди.

У ўрнидан енгил кўтарилди-да, келасолиб, пешонамдан қайта-қайта ўпди:

— Раҳмат, укажоним... Лекин бу ҳақда ҳеч кимга, ҳатто Офтобой холамгаям оғиз очма, ўқдингми?

Маъқуллаб бош ирғадим.

### XIII

Кунлар бир зайлда ўтиб борарди. Уроқчилар арпани тугаллаб, буғдой ўримга тушишди. Дастлабки кунлар ўзимга мароқли туюлган касбим эндиликда бадга урди. Утарга келгандан бери ўртоқларимниям учрата олмайман. Бўзчининг моксисидай, қудуқ йўлида қатнаганим-қатнаган. Эшак билан Тарлонга сўз қотмасам, сўзлашадиган кимса йўқ. Қуралай опамга эса, ўғил болаларга хос бўлган гапларни айтишдан истиҳола қиламан. Елғизланиб қолганимданми, хўрлигим ошиб, ўзидан-ўзи йиғлагим келаберади. Кўпроқ йиғлаган кунларим, кўзларим қизариб кетса керакки, Қуралай опам сезиб қолиб, танбеҳ беради:

— Илҳомжон, йиғлабсан-а?

Тан олмай, бош чайқайман.

— Қийналаётган бўлсанг айт, Гулмурод бувадан илтимос қиламан,— дейди Қуралай опам астойдил,— бошқа ишга ўтказайди.

— Йўқ, йўқ, айтманг,— дейман ориятим қўзиб,— ҳечам қийналганим йўқ...

Қуралай опамнинг кўнгли таскин топиб, кулумсирайди-ю, барибир менга ачинаётгани сезилиб туради.

Саттор бува айтгандай, зерикиб қолмаслик учун қўшиқ айтиб хиргойи қилмоқчи бўламан-у, урдасидан чиқолмайман. Негадир кўзларимни юмиб хаёл суришни хуш кўраман. Бу, эҳтимол, менга тенгқур болаларга хос қусурдир, балки ўзимдаги бир нохуш ҳолатдир?.. Ҳарқалай, хаёлларимнинг чек-чегараси йўқ эди.

Кўп кунлар хаёлан ўзим эшитган ҳамма эртақлардаги паҳлавонлар қиёфасига кириб юрдим; гоҳ жанг майдонида қилич сермаб кириб, ёвлар билан курашаман, гоҳ тоғларда девлар, аждаҳолар, шер ва қоплонлар билан яккама-якка олишаман. Ғолиблик нашъасидан энтикаман. Надоматлар бўлсинки, кўзимни очиб, ўзимни ожиз-нотавон бир ҳолда қудуқ бошида ёки ўроқчилар ёнида кураман.

Кўз юмиб, тинимсиз хаёл сураверганидан кейин нималарни орзу қилиб, эсламайди киши? Сўнгги кунларда эртақ-достонлардан қўл ювиб, ҳақиқатга яқинроқ — Хизр бува ҳақида ўйлайдиган бўлиб қолдим. Бу ҳақда одамлардан айниқса, энамдан кўп эшитгандим. Айтишларича, Хизр бува оппоқ соқоли, юзидан нур таралиб турадиган бир чол эмиш. Уни учратган киши, нима тиласа муродига етармиш.

Хизр бувадан сўрайдиган тилақларим ақл бовар қилмайдиган даражада ғалати эди.

...Қўлимни бигиз қилиб, «шу ердан булоқ қайнаб чиқсин!» деб фармон бераман. Шу заҳотиёқ ўша жойда булоқ кўз очиб, шишадай тип-тиник сув жазирама қуёш тиғида жимирлаб оқа бошлайди. Ўз кароматимдан ўзим ҳайратга тушаман. Шу лаҳза кимдир

мен томонга кўзини уқалаб қайта-қайта термилаверади, сўнг ўзини тута олмай, ғаллазорни бошига кўтаргудай бўлиб ҳайқиради:

— Ҳо-ҳо-ҳой-й, одамлар! Сув, сув... булоқ!

— Яшасин, Илҳомжон!..

— Қандингни ур, Илҳомжон!..

Хаёлим бўлиниб, кўзимни очаман. Ўзимни ё қудуқ бошида, ё ангорда — ўроқчилар ёнида кўриб, алам билан пичирлайман: «Вақти келиб шунақаям ажойиб кароматлар кўрсатайки... Хизр бувани эртароқ учратсам бўлгани. Унга, одамларга шундай-шундай яхшиликлар қилмоқчиман, деб мурод-мақсадимни айтсам бас...»

Менинг Хизр бувадан сўрайдиган тилакларим кундан-кун кўпайиб борарди.

Қилтиқли қоп-қора арпа нон, ёвғон бўтқадан бошқани билмайдиган, Қуралай опамлар боғидан келаётган узумдан ўзга мева-чевалар тушларига ҳам кирмайдиган ўтардаги одамлар менинг кароматим туфайли дунёдаги энг лаззатли таомлар ва янги узилган ширин-шарбат мевалардан баҳраманд бўладилар. Ҳеч қачон бундай тўкин дастурхонни кўрмаган барча завтошликлар ҳақимга дуо қилишади:

— Омин, бахтимизга Илҳомжон омон бўлсин!..

Кўз олдидан уст-бошлари жулдур одамлар ўтганда, ўзимни тиёлмай, йиғлаб амр қиламан: «Ҳамманинг либоси муҳташам бўлиб қолсин!..»

— Яшасин Илҳом-ж-о-о-н!..

Ғаройиб «кароматлар» туфайли одамлардан олаётган олқишларим хаёлий бўлса-да, руҳий тушқунликдан йироқ, некбин кайфиятда яшардим.

Яқинда юз берган тасодиф Хизр бувага бўлган ихлосимни янаям ошириб юборди.

Бир куни Қуралай опамга боғлиқ ўриб бераман деб, уйга кечикиброқ қайтдим. Ўша куни Терсбулоқ сойига тушмасимданоқ битта-иккита юлдузлар милтираб, атрофни сурма ранг қоронғилик қоплаган эди. Соининг нариги беткайдаги ёлғизоёқ йўлда эшак минган йўловчи кўринди. Кўнглим ёришиб, ундан аввалроқ сойликдаги катта йўлга тушиб олишни ўйлаб эшагимни қистадим. Ҳарчанд уринсам-да, орамиздаги масофа қисқармасди. Унга синчиклаб назар ташладим: устида оқ либос, бошида печи қайтарилган оқ дастор. Эшагиям оппоқ. Юрагим ҳаприқиб, севиниб кетдим. Тезроқ етиб олиш учун жон-жаҳдим билан эшагимга хала босдим. Қани энди етолсам! Гоҳо-гоҳо эшагимнинг туёғидан ялт-ялт қилиб ўт чақнаб кетади... Уртабўзга чиқадиган санглоқ йўлга етай деганда: «Хў-ў бува, секинроқ юринг, етиб олай» демокчи бўлиб оғиз жуфтладиму уни кўздан йўқотдим. Осмонга учдими, ерга кирдими, билмайман. Кўринган қорага ҳуриб, ўқдай ташланадиган Тарлон ёнимда жим йўртиб борарди.

Наҳотки, Хизр бувани кўрган бўлсам!..

#### XIV

Кейинги кунларда майда, арзимас «кароматлар» илинжида қимматли вақтимни беҳуда ўтказаетганимни сезиб қолдим-да, жуда афсусландим. Хаёлимга шу фикр келган куниек, кўзларимни чирт юмиб, осмони фалакка кўтарилиб, қизғин уруш кетаётган жанг майдонига қараб учиб кетдим. Қаҳр-ғазабга тўлиб, қўлларимни мушт қилиб, наъра тортиб амр қилдим: «Урмалаётган танклар, учаётган тайёралар жой-жойида портлаб кетсин!» Немислар жойлашган истеҳком-окоплардан қий-чув, дод-вой эшитилади.

Бир муддат жанг майдони устида парвоз қилиб, ўзимизнинг жангчиларни кузатаман. Улар менинг «кароматим» туфайли мағлуб бўлган душман устига қараб, ғалаба туғини ҳилпиратиб олға чопадилар. «Ура!» садоларидан замин чайқалгандай бўлади. Сон-саноқсиз жангчилар орасидан кимдир менинг исмимни айтиб, тинимсиз чақиради: «Ҳой, Илҳомжон, буёққа қара! Ҳой, Илҳомжон!..» Уйлайман: «Бу Яхшибойнинг товушику!..» Овоз тобора яқинлашиб, қулоқларим тагида эшитилаётгандай бўлди. Ноилж кўз очиб атрофга қарадим. Тавба! Кўзларимга ишонмай, эшагимни тўхтатдим. Дарҳақиқат, ангорда чанг-тўзон кўтариб, отини устма-уст қамчилаб, Яхшибой қуюндай учиб келарди.

— Ҳой, Илҳомжон, буёққа қара, шошмай тур! Нима бало, қулоғинг том битдими?— Яхшибой отини эшагимга тақаб, ёнимда тўхтади.— Шунча чақираман, эшитмайсан-а?! Суюнчини чўз!

Ҳайрон бўлиб, елка қисдим:

— Нима гап ўзи, Яхшибой ака, айтақолинг!

— Эҳ-э, шундай хушxabарни текинга айтаманми сенга!— Яхшибой ака довдираган бир қиёфада, қувончдан оғзининг таноби қочиб, илжайишдан ўзини тиёлмас эди.— Хасис экансан, бўпти, одамлардан эшитарсан.

У қамчисини ҳавода ўйнатиб, от жиловини бўшатмоқчи бўлди.

— Шошманг,— дедим ёлвориб.— Уйдаги каштали белбоғимни бераман.

— Бу бошқа гап,— деди Яхшибой ака.— Мана энди айтаман-да, Юсуф аканг урушдан қайтди, бугун кечга катта тўй!

У отига қамчи босиб, ўроқчилар томонга шамолдай елиб кетди. Кетар чоғи суюнчини янаям «ҳалол»лаб олди:

— Билиб қўй, бу хушxabарни далада биринчи бўлиб сен эшитдинг-а?!

Мен ҳам эшагимни кростаб, қир томонга ўрладим. Бу хушбардан Қуралай опамнинг қанчалик севинишини ўйлаб, Яхшибойга ўхшаб оғзимнинг танобини йиғиштиролмай қолдим.

Юсуф аканинг тўсатдан келиши ҳамма учун кутилмаган бир тасодиф бўлиб туюлаётган бўлса-да, Қуралай опам билан менга бу «сир» хат келган кундан бери аён эди. Қуралай опам иккимиз бўш қолдик дегунча, Юсуф аканинг ҳадемай келиб қолиши, кекса энаси билан синглисининг қанчалар севиниши, лекин тўй қилишга қурблари етмаслиги ва яна қанчадан-қанча тафсилотлар ҳақида гаплашардик. Бундай суҳбатлар, айниқса Қуралай опам учун жудаям мароқли: у бир гапириб, ўн кулар, кўзларида сўнгсиз бир қувонч ёлқини порлар эди. Очиғи, унинг кўзлари ҳар куни йўлда эди. Буни мендан бошқа ҳеч ким билмасди. Ҳар куни эрталаб қишлоқдан келган заҳотим Қуралай опам менга интизорлик билан боқарди. Унинг қарашидан: «Юсуф акам қачон келаркин-а, қачон?!» деган интиҳосиз соғинч туйғусини уқиб олардим. Шунда опажонимга жудаям ачиниб кетардим.

Одамларга хушxabар «улашиб» бўлган Яхшибой, ангорда чанг-тўзон кўтариб, қўшхона ва хўпчилар томонга от қўйиб кетди. Қишлоқ томонга қараб бир қиз, қизғиш дуррасини ҳилпиратиб чопа кетди. Орамиз узоқроқ бўлсаям танидим: Юсуф акамнинг синглиси — Анорхол. Унинг ортидан яна икки аёл уриниб-суриниб, ҳаллослаб боришарди.

Хаёлимда Қуралай опам ҳам шу алфозда улар ортидан югуриб-елиб йўлга туюладигандай туюлиб, эшагимга хала босдим. Қудуқдан келган заҳотим атрофимни ўроқчилар қуршаб олишарди, негадир, бугун менинг келганимгаям эътибор беришмади. Адир-далани одамларнинг ҳаяжонли шовқин-сурони қоплаган эди.

— Яхшибойдан сўрамабмиз, Юсуфжон қай маҳал кепти?

— Мен сўрадим. Келган заҳоти Яхшибой буёққа чопганмиш.

— Айтгандай, Яхшибой ҳаммани тўйга, деб айтдимми?

— Ҳа, ҳа, шундай деди.

— Юсуфдай йигит урушдан келса-ю, тўй бўлмайдимми?

— Тўйнинг ўзи бўладими, Ҳилол холанинг аҳволи...

— Эй содда, раиснинг ўзи бош-қош бўлса-чи?

— Тўғри, Гулмурод ака ҳеч нарсани аямайди, ёнидан кетсаям тўй қилади.

— Отасига раҳмат де, шундай одамнинг.

Гармсел ҳовури қайнаган ангорда ҳар куни ўроқларнинг «ғарч-ғурч»и, чизловикларнинг адоқсиз «виз-виз»и ва одамларнинг ҳансирашидан бошқа сас чиқмасди. Бугун эса ҳамма хуш-хандон, бир-бирига гап бермай сўзлашар, шарақлаб кулишар эди. Ҳамма ўз гапини маъқуллашга уринарди. Саломат хола эса атрофдаги бир тўп қиз-жувонларнинг «ичагини узиб» кулдиарди. Эмишки, Юсуфжон шўхлик қилиб, нос чекиб томорқаларидаги жўхоризорда ҳушидан кетиб ётиб қолибди. Бечора энаси Ҳилол буви боламга инс-жинс тегибди деб, «жинҳайдар» фолбинга эчкисини сўйдириб, Юсуфни терига ўраб, «жин»ларни қувлаб савалатган эмиш...

— Ҳа, менам эшитганман,— дейди аёллардан бири, Саломат холанинг гапини бўлиб.— «Сир» очилгандан кейин, Ҳилол буви ўғлини бир-икки шапалоқ урган экан, Юсуфжон урушга кетган кезлари шўрлик кампир шуни эслаб, «сени урган қўлларим синсин» деб йиғлабди.

— Ҳилол бувининг армони йўқ,— аёллардан яна бири гапни илиб кетди,— мана, нуридийдаси келди.

— Илоё, қолганларгаям Юсуфжоннинг йўлини берсин.

— Омин, айтганингиз келсин!

— Душманнинг уйи куйсин!

Эшагимни арқонлаб, ғаллазорга югурдим. Қуралай опам кўринмасди. «Наҳотки, Анорхолга ўхшаб, кетиб қолган бўлса» деб, юрагим ҳаприқди. Йўқ, янглишибман, ғарам соясида дам олаётган экан. Қувонч устида «Қуралай опа, суюнчи!..» деб юборишимга оз қолди. Хаёлимга лоп этиб, Зулайҳо хола келди-ю, тилимни тишлаб қолдим.

— Ҳа, Илҳомжон?— Қуралай опам менга кулиб қаради.— Энди қудуққа бормай, менга ёрдамлашсангам бўлар. Юсуфжон акам кепти, ҳали қишлоққа тўйга борамиз.

Қуралай опамдан буни кутмагандим. Тасаввуримда ҳозир у кутилмаган қувончдан елиб-югуриши, Юсуфжон акам келди, деб қулоч ёзиб ҳайқириши, ҳеч бўлмаса аллақачон қишлоққа — ўзи интизор бўлиб кутган кишининг истиқболига елиб-югуриши керак эди. У эса бир уюм оққуврай ва мингбош ёнида ўтириб, гўё ҳеч нарса юз бермагандай, бемалол боғлиқ эшиб ўтирарди. Авваллари эътибор бермаганманми ёки бугун шундайми, билолмадим, унинг қўл ҳаракатлари жуда чаққонлашиб кетибди.

Ростини айтсам, Қуралай опамнинг ҳаммадан ўзиб ўроқ ўришидан шу куни хафа бўлдим.

— Қуралай опа, нима зарил сизга,— дедим тилимни тиёлмай.— Ана, озроқ ўрганлар дастасини боғлаб, қишлоққа жунашди.

Опагинам менинг ғўр болалик шуурим «ҳазм» этолмайдиған можаро тафсилотини ғамгин ва ҳазин бир товушда пичирлади:

— Холтўрабойнинг ўн минг қарзини ишлаб узишим керак, Илҳомжон. Мерос қолған чорбоғниям қарзга беришни истамайман.

Гапирганимга пушаймон едим.

Ҳамма кетиб, атроф-теваракни сукунат босганда йўлга тушдик. Қуёш уфқ сари пастлагани сайин, тобора нурланиб, қонталаш тусга кириб қизариб борарди.

Қишлоққа ғира-шира қоронғи тушганда етиб келдик. Қуралай опамни билмадим-у, мен Юсуф ака билан бўладиган учрашувимизни, қайси йўсинда кўришувимизни ўйлаб тобора ҳаяжонланардим.

Елғизоёқ йўлдан ўрлаб бораётганимизда, Қуралай опам энтикди:

— Вой, Илҳомжон, қарагин, Юсуфжон акамларнинг ҳовлиси сим-сиёҳ, ҳувиллаб турипти-ку?!

Озроқ йўл босиб, қирга кўтарилганимиздан кейин, Қуралай опам сойликка — ўзларининг чорбоғи томонга ишора қилиб, қувноқ товушда кулиб сўзлади:

— Бизнинг чорбоққа қара, Илҳомжон, кундуздай ёришиб кетипти-я!

Бир муддат тикилиб, кўзим қамашди. Ростданам қучоқ етмас икки улкан балхтут тагида бир неча машъалалар ловуллаб ёнарди. Бир тўп ўрик тагидаги ўчоқ бошида эса юқорига учқун сочиб, катта олов ловуллар, одамлар шовқини эшитиларди.

Ҳовлига киришимиз билан Гулмурод бува эркалатиб, танбёх берди:

— Ҳай-ҳай, болаларим-а, шунчаём илҳақ қиласизларми!.. Утинлар, акаларинг билан кўришинлар.

Икки тут оралиғи анча кенг бўлсаям, одам сиғишмай тирбанд эди. Юсуф ака кўрнинг пойгак томонида, устига якандоз кўрпача ташланган сандал устида ўтирарди. Эғнида беқасам тўн, бошида тахи бузилмаган дўппи, қоп-қора сочлари машъаллар шуъласида ялтираб товланади.

Қуралай опам тортинчоқлик билан бориб Юсуф аканинг ўнг елкасидан олиб кўришди ва эшитилар-эшитилмас пичирлади:

— Эсон-омон келдингизми?..

Юсуф акаям паст товушда сўрашди:

— Қандай, Қуралай, соғ-саломат юрибсанми?..

Кўришув навбати менга келганда, Юсуф ака энгашиб белимдан олди-да, азот кўтариб пешонамдан ўпди:

— Оббо сен-эй, катта йигит бўп кетипсан-ку, Илҳомжон!

Ҳамманинг кўзи бизда эди. Нима деярини билмай, қувончдан ўпкам тўлди...

— Ие, ие...

— Э, акаси,— Гулмурод бува гапга қўшилди,— бу Илҳомжон ман-ман деган йигитлардан қолишмай ишляпти...

Юсуф ака мени ерга тушираётганда, оёғи ғижирлаб кетди. Шу лаҳза кимдир бетоқат лўқма ташлади:

— Шундай қилиб, кейин нима бўлди, Юсуфжон?

Афтидан, Юсуф ака жанг ҳақида ҳикоя қилаётган бўлса керак, қўр тўкиб ўтирган чол-кампирлар, қиз-жувонлар, ҳатто болаларгача унга термилиб туришарди.

Тўйга энам билан Гулмурод бува бош-қош эди. Анорхол, Ойсулув, Ойтилла опалар ва яна уч-тўрт қиз-жувонлар югуриб-елиб хизмат қилишарди. Дастурхонларга сават-сават узум, иссиқ, сўлқилдоқ буғдой нонлар даста-даста ташланарди. Менинг энг кадрдон жўрам Файзулла «кўча булоқ»дан муздай сув ташиб, тол чўмич билан қўр айланиб одамларга улашиб юрарди. Шўрва ташиётганимда ёнимга келиб шивирлади: «Борми-сан?» Менам пичирладим: «Ўзинг-чи?» Файзулла шипшиди: «Эшакдан йиқилиб, Эшон-қулнинг қўли синди... Карвонда зерикдим. Айтгандай, Юсуф ака жуда кўп юлдуз тақиб кепти. Биттасини менга илдирасан, жўра...»

— Файзулла, сув!

— Илҳом, товоққа!

Икковимиз икки томонга югуриб кетдик.

Ёз оқшоми бир тутам. Субҳи содиқ ёришдим, тамом, ловуллаб қуёш кўтарилади. Тун алламаҳал бўлиб қолди. Ҳали ўрилмаган қанча буғдойзор, зиғирзорлар, нўхатзорлар, хирмонда янчилмаган уюм-уюм боғлар турипти. Гулмурод бува шуларни ўйлаб, коса-товоқлар олиниши билан зиёфат-тўйга якун ясаб, фотиҳа ўқиб, омин қилди. Кўп дуоси кўл. Ҳамма тарқалди.

Кўзларим қум киргандай ачишарди. Сандал устида ўтирган Юсуф ака ва тўшалган якандозу шолча-наматларни йиғаётган Қуралай опам кўзимга тушдай бўлиб кўринарди. Назаримда бир-бирига сўз қотиб, кулишаётганга ўхшарди.

Ўрик тагида — лойсупада тошдай қотиб ухлаб қолибман. Устимга кимдир кўрпа ташлаб, бошимга болиш қўйибди.

Уруш бошлангандан бери ҳижрон азобида юзлари заъфарон тортган ғамгин чеҳраларда Юсуф ака қайтгач табассум балқиб қолди. Қора хат келганларга аза тутилавериб, ғамхонага айланган қишлоғимизга ҳам фаришта қўнгандай бўлди.

Қуралай опам эса, кунни кун, тунни тун демай, ўлар-тирилариға қарамай ишларди. Холтўрабойнинг қарзини тезроқ узмоқчидир-да... Тонг ёришмай далага чопода, бечора. Хуфтон чоғи қайтади. Озиб-тўзиб, ранги ҳам бир аҳволда бўлиб қолди. Бир куни, Гулмурод бува унга танбех берди:

— Қизим, мени раис демай, отанг ўрнида бил. Шу боисдан, бундай ишинг учун мен сени мақташ ўрниға койимоқчиман.— Гулмурод буванинг томоғи қуруқшаб, йўталди.— Ҳали ўн гулингдан бир гулинг очилмаган қизалоқсан, болам. Бу аҳволда ўзингни хароб қиласан-ку, ахир!

Қуралай опам чўнқайиб ўтирганча сукут сақлаб, ўроғи учи билан ер чизарди. Мен чоркўза оғочининг салқи бўп қолган арқонини қайтадан боғлардим.

— Гап шу,— Гулмурод бува жиддийлашди.— Узингни қийнама. Борди-ю Холтўрабойнинг ўн минг қарзини ўйлаб шундай қилаётган бўлсанг, янглишасан. Уни сен эмас, мен узаман. Чорбоғ ҳам ўзингники.

Қуралай опам, елкалари титраб, йиғлаб юборди.

— Йиғлама,— Гулмурод бува бўғзига бир нарса тиқилгандай, иягини кўтариб, томоғини силади.— Йиғлама, қизалоғим, раҳматли энангнинг арвоғи чирқирайди.

Назаримда Гулмурод буванинг кўзиям ёшлангандай бўлди. Терс бурилиб, отини елдириб кетди...

Шу куни Қуралай опам тайинлади:

— Илҳомжон, эртароқ қайтгин, бугун уйға бирға қайтамиз.

Севиниб кетдим.

Ҳар куни қишлоққа етишим билан Тарлон мендан олдин ҳовлиға кириб, энамдан «суюнчи» оларди. Бугун ҳам шундай бўлди. Тун зим-зиё эди. Кўчабулоқ ёнида Тарлоннинг бошини силаб, энам йўл пойлаб турган экан. Енимда Қуралай опамни кўриб, севиниб кетди.

Овқатланиб бўлганимиздан кейин, лойсуға четидаги ўрнимға ўтиб чўзилдим. Англамай қолдим, Қуралай опам энамға бир нарса деб, шипшигандай бўлди. Кейин улар супадаги тушакка ўтмай, ичкариға тошфонар кўтариб кириб кетишди. Мени ухласин, деб аяшдими ё суҳбатимизни эшитмасин дейишдими, билолмадим.

Ўрик новлари орасидан милтираб кўринган саноқсиз юлдузларға термилиб, жонсарақ бўлиб ётардим. Қулоғимға ичкаридан гангир-гунгур товуш келарди. Орадан қанча фурсат ўтди, билмадим, шу орада осмондан катта юлдуз учиб, Завтош ортида ғойиб бўлди. «Тамом, кимнингдир жони узилди», деб ўйладим. Марҳумға ачиниб, кўзимни юмдим. Лекин, шу заҳоти ичкаридан энамнинг ўктам товуши эшитила бошлади. Улар мени ухлаб қолди, деб ўйлашди шекилли.

Қуралай опамдан сас чиқмас, энам эса тинмай сўзларди:

— Болам, яхши қизнинг харидориям кўп бўлади, душманиям. Энанг ўрнида энам, ана, туғишгандай уканг — Илҳомжон сени «опа»лаб, оғзининг суви қурийди. Қиз боланинг бахтиям-тахтиям ибоси, ҳаёси. Ҳа, учрашувға чақирса чиқаверасанми? Шунчалик яхши кўрса, совчи кўйсин! Қизи борнинг нози бор. Менам бир ноз қип кўрай, Ҳилол кампир қандай қиб ялинаркан...

Юсуф аканинг энаси Ҳилол буви доим рўмолини чаккасиға суриб, таманно қилиб юрарди. Энам шунға тақлид қилди шекилли, Қуралай опам ўзини босолмай қиқирлаб кулиб юборди. Менам тўшақда ётиб ўзимча кулумсирадим. Қуралай опам: «Вой-ей, холажон, ўзи бўласиз-а», деб энтиқди. Энам эса, фахрланган товушда яна давом этди:

— Яқинда Гулмурод ака келганди. Нима дейди дегин? «Шу, Қуралай қайси хонадонға тушса, ўшалар ҳам қизли, ҳам келинли бўлишади», дейди. Яхши гап яхши-да. Бўйим бир қарич ўсди. Акам бечора, ҳеч бўлмаса бирдан эмас, икки ўғлиданам қоряхат келганини айтиб, ёш боладай бўзлайди.

Ҳаёлимдами, тушимда кўрдимми, аниқ эслай олмайман: кўз олдидан кимсасиз қир томонға от чопиб кетаётган Гулмурод бува, унинг ортидан юзини ёш ювиб қараб турган Қуралай опам кетмасди.

Эрталаб энамнинг овозидан уйғондим.

— Тур, болам, турақолгин...

Тонг ёришаётган бўлса-да, кунботар томонда ҳали милтираб юлдузлар кўринарди. Кўзимни ишқалаб теваракка қарадим.

— Энажон, Қуралай опам қани?

— Опанг шу палла Уртабўзға етгандиров.

Апил-тапил йўлга тушдим. Иложи бўлса, Қуралай опамға тезроқ етиб олишни ўйлардим.

Гулмурод бува танбех берганидан буён Қуралай опам икки норма атрофида ғалла ўрарди. Кўпинча қудуқдан кечки-охирги сувни олиб келишимда, ўрган дасталариниям боғлаб, сояда бемалол дам олиб ўтирган бўларди. Шунинг учунми, билмадим, у тез-тез уйға борадиган бўлиб қолди. Кўпинча ўзимам ёлвориб туриб олардим: «Қуралай опа, юринг, кетдик, ана, ўрган ерингиз ҳамманикидан кўп», деб.

Кейин йўлга тушардик. Бир куни, қишлоқ ўртасида, санглоқда кетиб борардик. Янги ой «ўроғи» тобора пастлаб, атрофда хуфтон қоронғиси қуюқлашиб борарди.

Кулбалар ўчоғида олов милтирайди. Ҳали соғилмаган сигирлар, томоғи қақраган бузоқлар зорланиб маърашади. Сойнинг ўнг томонидаги қирга туташ колхоз идорасининг биргина деразасидан шуъла таралиб турибди. Қуралай опам секингина елкамга қўл ташлаб, шивирлади:

— Илҳомжон...

— Нима дейсиз?

— Мен шетта тураман,— у шуъла таралаётган деразани кўрсатди.— Бориб қара-чи, Юсуф аканинг ўзимикан?

Тик қияликдан чопиб чиқиб, ичкарига мўраладим. Стол устидаги бир даста қоғозни титкилаб, Юсуф ака чўт қоқиб ўтирарди. Тезда изимга қайтдим. Етмасимдан Қуралай опам шивирлаб сўради:

— Ёнида ким бор?

— Ҳеч ким йўқ.

— Кетмай тургин,— у қўлимга эшакнинг нўхтасини тутқазди.— Дарров қайтаман.

Қуралай опам ўзини девол томонга олиб, дераза ойнасини чертгандай бўлди. Дераза ошиқ-мошиқсиз — очилмайдиган бўлса керак, бир мuddатдан кейин эшикдан чиқиб келган Юсуф аканинг қораси кўринди. Дарров қайтаман деган Қуралай опам анча ушланиб қолди. Ёнимга келгандан кейин, хижолат чекиб, узр сўради:

— Хафа бўлмадингми, Илҳомжон? Ҳалиям бўлса Юсуфжон ака ранжиб қолди.

— Майли-ю...— Нима деяримни билмасдим.— Шу, Тарлон боргандан кейин, энам алағда бўп йўл қарайди-да.

— Ҳа, Тарлонга худойим фақат тил бермаган,— Қуралай опам ҳаяжонланганидан титраб гапирарди.— Қайси куни ухлаб ётганида, аядингми, уйғотмай қудуққа кетиб қолдинг. Бир маҳал уйғониб, изингни олиб йўлга тушиб кетяпти. Чақирдим, сояни кўрсатиб, ёт, Илҳомжон ҳозир келади, дедим. Юзимга қараб-қараб, мен кўрсатган жойга бориб ётди. Шу орада бир қучоқ мингбош кўтариб Мамат ўтиб қолди.— Қуралай опам ёқасига туфлади.— Ҳеч кимга индамайдиган жонивор унга қараб шердай ташланди. Ҳой-ҳойлаб, орага тушиб базўр ажратиб қолдим. Мен бўлмасам ғажиб ташларди.

Уйга яқинлаб қолгандик. Қуралай опам ялинчоқ товушда қулоғимга шивирлади:

— Илҳомжон, Юсуф аканинг ёнига борганимни оғзингдан чиқазмагин, хўпми?

«Кўча булоқ» ёнида энам товуш берди:

— Ҳой, нега бунча кеч қолдинг? Тезроқ ҳайда эшагингни!

Унинг ёнида чўнқайиб ўтирган Тарлон ғингшиди.

## XV

Кунлар бир маромда ўтиб борарди. Бу орада саратон чиқиб, асад кирди. Аммо иссиқнинг шашти аввалгидан қолишмасди. Мен ҳамон қудуқдан сув ташиб, ўз «каромат»ларим оғушида яшардим. Хаёлан бўлса-да, одамлар мушкулени осон қилиб, уларга чексиз қувончлар бағишлаб, беҳад севинардим. Аммо, баъзан поёнсиз осмонга, сарғайиб қовжираган қир-адирларга қараб, ўзимнинг жудаям миттилигимдан, ожизлигимдан хўрлигим ҳам келарди. Ҳеч тутқич бермаётган кароматлар соҳиби Хизр бувадан ранжиб, гина қилардим. Баъзан кимсасиз овлоқ йўлларда кўзларим ёшга тўлиб, уни чақирардим: «Хизр бува-а-а!»

Сукунатни бузиб, акс садо берган товушимдан эшагим қулоқларини чимириб пишқираб, гоҳ олдинда, гоҳ орқада йўртиб бораётган Тарлон эса ёнимга чопиб келиб, «нима гап» дегандай эркаланиб думини силкитарди.

Шундай кезларда ўзимни овутиш, ҳеч нарсани ўйламаслик учун, Саттор бува айтгандек хиргойи қилишга тушардим. Мен билган қўшиқлар, байтлар оз бўлганидан дарров тугаб қоларди-ю, хаёллар яна ўз оғушига олиб кетарди. Шу кунлардаги хаёлларим Қуралай опам билан Юсуф аканинг никоҳ тўйлари ҳақида эди. Мен Қуралай опамга унча-мунча либосларни, зеб-зийнату тақинчоқларни тенг кўрмасдим. Эртақларда эшитганим маликалар ҳам Қуралай опам билан ёнма-ён турганда канизакларга ўхшаб қолишарди. Албатта, шундай тенгсиз соҳибжамол опажонимнинг ёнида Юсуф аканинг ҳам юпун кийиниб, бунинг устига ҳасса тутиб, оқсаб туришини ҳечам истамасдим. Аввало, каромат қилиб, тўрт мучаси тугал бўлсин дейман. Кейин шоҳона куёвлик либосларини инъом этман.

Хаёлан Қуралай опамни узатиб бораётган қиз-жувонларни, уларнинг ёр-ёр айтишини тасаввур этиб, пичирлайман:

Қат-қатгина қатлама, қатланипти, ёр-ёр,

Қизни олиб янгаси отланипти, ёр-ёр.

Қизни олиб янгаси тура турсин, ёр-ёр,

Оқ сут берган онаси рози бўлсин, ёр-ёр.

Кутилмаганда Зулайҳо холани эслаб, ёр-ёр айтишдан тўхтаб қоламан. Кўз олдимга

Кўчабулоқ бошида қўл очиб оқ фотиҳа бераётган знам кўринади. Кўнглим жойига тушиб, яна пишдирайман:

Йиғлама киз, йиғлама, тўй сеники, ёр-ёр,  
Остонаси тиллодан уй сеники, ёр-ёр.

Шу лаҳза кўз олдимга Юсуф акаларнинг кўримсиз, пастқам уйлари келади. «Остонаси тиллодан эмиш» дейман-да, қорнимни ушлаб, қотиб-қотиб куламан. Узимни базўр тийиб, Қуралай опам билан Юсуф акага муносиб, данғиллама уй қуришга «киришиб» кетаман.

Шундай ширин хаёллар оғушида юрган кунларимнинг бирида, Қуралай опам билан уйга қайтдик. Одатдагича, тўшақда ҳам то уйқум келгунча юлдузларга термилиб, хаёл сурдим. Шу кеча яна Қуралай опамнинг тўй «ташвиш»лари ҳақида ўйга чўмиб ётдим. Энам айтган нохуш хабардан хаёлим бўлиниб кетди.

Эмишки, Юсуф аканинг энаси Ҳилол буви кимгадир Қуралай опамни келин қилиш ниятини айтиб, оғзидан «гуллапти». Бу гап қўшилиб-эшилиб Холтўрабойнинг кампирига етибди. Шанғи кампирнинг беибо айюҳанноси қишлоқни тутибди. Бундан хабар топган Холтўрабой: «Қуралайни қўлдан чиқарадиган аҳмоқ эмасман» деб, хотинини тинчипти...

Бу гаплардан этим увишиб, баданимда чумоли ўрмалагандай бўлди. Қуралай опамчи, у не кўйга тушди экан?

Энам қасамхўр Холтўрабойнию имонсиз кампирни куйиб-ёниб қарғади. Юз берган бешикертининг хатолигидан, Ҳилол бувининг оғзи бўшлигидан нолиб, ҳасрат қилди. Кейин толиқиб, бир муддат жимиб қолди. Кўнгилсиз миш-мишларни айтиб, Қуралай опамни хафа қилиб қўйганидан афсуслангандай, узрли оҳангда ҳам насихат, ҳам далда бергандай бўлди:

— Болам, тез-тез уйга келаётганингням гап-сўз қилишаётганга ўхшайди. Юсуф-жон билан учрашади, деб ўйлашса керак-да. Майли, камроқ келгин. Узингга эҳтиёт бўл. Қўрқма, ёлғиз эмассан. Ана, укажонинг... Қолаберса, яхшилар бор, эл-халқ бор.

Опамнинг дили ёришиб, знамнинг гапини бўлди:

— Вой, холажоним-эй, улардан фақат ғийбат оласиз-да. Шундай қилсак қўрқади, деб ўйлашса керак. Лақмасини топиб бўпти!

— Болам, катта гапирма, душманнинг бириям кўп, дўстнинг мингиям оз.

— Хаҳ, холам-эй,— Қуралай опам завқланиб кулди.— Мени мунчалар аямасангиз...

Эрталаб барвақт уйғониб, Қуралай опамнинг жойини «пайпаслаб» қолдим. Қай маҳал жўнаб кетганини шу сафар знам ҳам сезмай қолибди. Одатдагидай узум саватларини эшакка юклаб, Тарлонни эргаштириб йўлга тушдим. Қишлоқдан ўрлаб кетадиган қир беткайида ҳам, Уртабўздаги ораси узоқ текис йўлда ҳам унинг қораси кўринмасди. Умидимни узиб, саватларни авайлаб, санглоқ томонга туша бошладим. Терсбулоқ-сойнинг бошланишидаги, бошқа қирларга туташ, аммо қоялари тикроқ қирнинг номини Чўнқол дейишарди. Унинг баланд чўққиларига доимо бургут, калхатлар учиб-қўниб турар, қиялаб бошланадиган йўл чеккаларида бир замонлар қулаб тушган катта-катта, сандиқ нухса тошлар қалашиб ётар эди. Санглоқдан ўтгач, эшагим негадир ҳуркиб, қулоғини чимирди. Ҳадисираб қарадим. Ҳали теварак ғира-шира, узоқдаги нарсаларни илғаб олиш қийин эди. Юрагим бир нарсани сезгандай, баданим увишди. Шундай бўлсаям, ўзимни дадил тутиб, нишаб йўлда искаланаётган Тарлонни чақирдим:

— Баҳ-баҳ, Тарлон!..

Тарлон тошларни шақирлатиб шамолдай елиб келди. Эшагим ҳалиям ҳуркиб турарди. Итга:

— Ол кишт, бос-с!— дедим.

У олдинга ўқдай отилди. Майда қум-шағаллар чирпирак бўлиб тўзғиб кетди. Йўл ёқасидаги туя ўркачидай катта тош ёнида тўхтаб, осмонга қараб увледи. Эшагим ҳамон ҳуркиб, бетиним пишқирарди. Тарлон безовта бўлиб искаланаётган тош тагига қарадим. Қандайдир қора нарса чўзилиб ётарди. Азойи-баданим титраб кетди. Шу маҳал Тарлон қия ёлғизоёқ йўлдан кўз илғамас тезликда юқорига қараб чопиб кетди. Қўрқув, ваҳима ичида тош ёнига етдим-у, даҳшатдан чинқириб юбордим:

— Қуралай опа-а!..

Овозим Чўнқол қояларида акс садо бериб жаранглади:

— Қуралай опа-а!..

Опажоним тош ёнида юзтубан тушиб, жим ётарди. Чилвирдай майда, узун соч ўримларидан сизиб тушаётган лоларанг қон томчилари шағал устига оқарди...

Чаккамга нимадир қарсиллаб урилди, кейин кўзларимдан ловуллаб ўт чиқиб кетди. Кўз олдим қоронғилашиб, қоялар устимга қулай бошлади...

Уч кундан кейин кўзимни очдим. Оғзим ўнг чаккамга тортилиб қолганди. Гапиролмай нуқул ғудранардим. Алаҳсирай берганимдан бўлса керак, чиллақдай нимжон оёқ-қўлларим латта-путталар билан танғиб ташланганди. Уззукун тепамда қадалиб ўтирган энажоним ҳўшимга келганим учун яратганга минг-минг шукроналар айтиб, севинчидан юм-юм йиғларди.

Уйимиздан фолбин, «жинҳайдар», азаймхонларнинг кети узилмасди. Уларнинг муолажаси ҳам фойда бермади. Тез-тез ҳушдан кетиб, тўлғонганим тўлғонган эди. Қоятошлари шақирлаб қулаб келаётган Чўнқолга жон-жаҳдим билан тармашиб, чилвир сочлари қонга беланиб ётган Қуралай опамни ўзимча ҳимоя қилмоқчи бўлардим.


Гулмурод бува кун аро келиб, ҳол сўраб турарди. Унинг айтишича, Қуралай опам шаҳиди аъло — жаннати пайкар эмиш. Мен ҳадеб алаҳсирай берсам, арвоҳи безовта бўлармиш.

Мамат Қуралай опамнинг чўйдасига<sup>1</sup> тош билан урган экан. Қасос қиёматгача қолмасмиш. Тарлон ҳам унинг шакар томирларидан ғажибди. Икки кун ётиб, ит азобида жон берипти. Бечора Юсуф акани, кўзига қон қуйилгани учун, шаҳар касалхонасига опкетишибди.

Алаҳсирашим босилавермагач, кимнингдир маслаҳати билан, юрагимга «сув се-пиш» учун энам бир қучоқ жамбил-райҳон кўтариб, мени Қуралай опамнинг қабрига олиб борди. Ҳали унча нами кетмаган тупроқни қучиб, ўкириб-ўкириб йиғладим. Майли, болагинам бир юрагини бўшатиб олсин, дегандай, энам мени юпатмади, бир чеккада узундан-узоқ тиловат қила бошлади. Изимиздан эргашиб борган Тарлон қабр ёнида чўнқайиб ўтирарди. назаримда, унинг кўзларидан ҳам милтираб ёш оққандай бўлди.

Беғубор болалик туйғуларим, одамларга, хусусан, Қуралай опажонимга олам-олам қувонч бахш этишни орзу қилган ширин хаёлларим кўз ёшига айланиб, қабрга сингиб кетди...

<sup>1</sup> Орқа мия.



А. Абдуразоқовнинг («Шарқ юлдузи», 1990 йил, 6-сон) «Иншони қандай ёзамиз?» мақола-сини ўқиб, кўпдан бери ўйлаб юрган мулоҳазаларимни баён этишни жоиз деб билдим.

Иншо, ҳақиқатан ҳам, ўқувчининг билимини, асар қаҳрамонлари, ҳаёт ҳақидаги мушоҳадаларини, атроф-муҳитга нисбатан муносабатини ўлчайдиган мезондир. Узининг фикрини икки-уч бетга мустақил тушира олмайдиган ўқувчи ўзгаларнинг ўлчови билан ишлашга, ўзгаларнинг фикри билан яшашга, яъни кўчирмақашликка ўрганади ва у бора-бора роботга айланади.

Хўш, ўқувчи нима учун кўчиради?

Бунинг биринчи сабаби, назаримда ўқувчининг асарни қизиқмай ўқишида. Натижада иншони у мужмал ёзади ёки яхшироқ баҳо олиш учун кўчиришга ҳаракат қилади. Асар катта қизиқиш ва эҳтирос билан ўқилса, ўқувчи, албатта таъсирланади. Таъсирланган ўқувчи эса, дарров бўлмасда, иншони ҳам мустақил, ҳам ишодий ёза олиш даражасига эришади.

Демак, дарсликлардаги ўқувчиларни зериктирадиган, мустақил фикрлашни сусайтирадиган сийқа асарларни Шарқ улуғлари ва бугунги куннинг бадиий баркамол асарлари билан алмаштириш керак. Ўқувчининг қизиқишини уйғотмаган асар бўйича ундан қанақасига яхши иншо талаб қилиш мумкин?!

Иккинчидан, кейинги йилларда иншо ёзиш соатлари мутлақо оширилмади.

Умуман, маориф соҳасини кейинги йилларда қайта-қайта ислоҳ қилиш, ўқувчиларимизга теран билим бериш ўрнига уларни «билимлар юки» остида эзиб ташлапти. Улар ҳар куни 6—7 соатлаб дарсга тайёрланшлари керак.

Ўқувчи бу фанларнинг бирига қизиқмаса, иккинчисига тушунмаса, унинг учун энг осон йўл — дарс тайёрламаслик. Сўнгра бунинг жабрини ўқитувчи тортади.


Иншони мустақил, мазмунли ёзишга ўргатишнинг яна бир шarti — таҳлил қилиш, қайта-қайта ёздириниш ва қайта-қайта текширишидир. Биз, ўқитувчилар, уни аранг бир марта текширишга улгурамиз, холос. Мақола муаллифининг иншо текшириш машаққатлари ва унга сарфланадиган вақт ҳақидаги мулоҳазалари ниҳоятда асослидир.

Шароит ҳар қанча машаққатли бўлмасин, ўз фарзандларини, ўқувчиларини келажакка тўғри йўналтиришни истаган ҳар бир ўқитувчи бунинг учун изланувчан, ижодкор бўлмоғи керак. Лекин бундай ўқитувчиларга эътиборнинг йўқлиги (иншоларга тўланадиган ҳақнинг камлиги, яхши ишлайдиган ўқитувчига ҳам, ёмон ишлайдиган ўқитувчига ҳам бир хилда ҳақ тўланиши ва ҳоказолар) уларнинг фаолиятига салбий таъсир кўрсатиши, шубҳасиз.

Бу масала юқори идораларда тезда кўриб чиқилиб, адолатли ҳал этилмас экан, ўқувчиларнинг фикрий баён этиш қобилиятини ўстириш даражаси амри маҳоллигича қолаверади.

Назира ФУЛОМОВА,  
Тошкент шаҳридаги 197-мактаб ўқитувчиси





## УЙҒУР ШЕЪРИЯТИДАН НАМУНАЛАР

\*

\*

Туркийзабон халқлар шеърияти ўзининг минг йиллик тарихий илдизларига эга. Бу шеърият замирида Юсуф хос Хожиб, Юнус Эмро, Аҳмад Ясавий, Лутфий, Алишер Навоий, Насимий, Фузулий, Сўфи Оллоёв, Абдурахим Низорий, Махтумқули, Ошиқ Умар, Огахий, Абай, Бердақ, Абдулла Тўқай, Нозим Ҳикмат сингари сўз санъаткорлари етишиб чикди, «Кўрқут Ота китоби», «Алпомиш», «Гўрўғли», «Қирқ киз», «Манас» сингари ўлмас халқ дostonлари яратилди.

Навоийнинг қутлуг номи ила зийнатланган йилда ойномамиз тахририяти яна бир хайрли ишга қўл урди — биз ўз муштарийларимизни ҳозирги замон туркий тилли халқлар шеърияти вакилларининг ижоди билан таништириб бориш ниятидамиз. Қўшни Хитой мамлакатининг Шинжон вилоятида яшаб ижод қилаётган уйғур шоирлари — меҳмонларимиз.

\*

\*

### Абдухолиқ Уйғур

#### Кўнгил хоҳиши

Шуҳрат эмас юксаклик, ном чиқарур тоғ кон билан,  
Унвон эмас теранлик, сув шуҳрати маржон билан.

Салтанат, бойлик, қаср ҳам зийнат баҳоси — мис чақа,  
Мос келмаса айтган сўзим дилдаги виждон билан.

Сўзлашурга, сирлашурга эр йигит, мардлар керак,  
Ошно бўлмасман ақли қосиру нодон билан.

Зим-зиё тун ичра ёлғизликка ҳамдамдир чирок,  
Ҳар томонга нур сочар ул илм билан, урфон билан.

Бул Ватан фирдавсу жаннат, тоғу дарё, гул-чаман,  
Тупроғи кўзимга сурма, таърифи дoston билан.

Тўлғаниб инграйди эл-юрт босқинчиларнинг зулмидан,  
Эр йигит, мардлар Ватани қутқазурлар жон билан.

Қийнагай виждон азоби, кўзларимда уйқу йўқ,  
Элни уйғотмоқ тиларман, тонгда бир имкон билан.

Ушбу йўлдан қайтма бошинг кетса ҳам, Абдухолиқ,  
Элни ғамдан эт халос, шамширни поклаб қон билан.

### Абдурахим Уткир

#### Харжланг, хоинлар, харжланг

Харжланг, хоинлар, харжланг, бу элнинг молини харжланг,  
Камдек туюлса агар, олиб сиз жонини харжланг.  
Жонимга ўсма деб харжланг, белимга тасма деб харжланг,  
Талон-торождан қолган бир бурда нонини харжланг.  
Деҳқонга очтириб бўзни, косибга тўкитиб бўзни,  
Зулмни ошириб минг бор, ичиб эл қонини харжланг.  
Кўлида балиғи кўп деб, ерида бойлиги кўп деб,  
Қадамда топиб минг ҳийла, очиб сиз конини харжланг.

Фалончи оқчию-кўкчи<sup>1</sup>, бу Ўткир ҳам ёмон дўкчи,  
Деб парчалаб бу миллатни, сотиб виждонини харжланг.

## Абдурахим Абдулла

### Темирчи сандонидан таралган садо

Нолакор бир садо кучар фалакни,  
Юрагим увишиб, тўхтайти қоним.  
Шунчалар кучли у, шунчалар аччиқ,  
Бамисли тутқуннинг оху афғони.  
Юзландим шу овоз келган томонга,  
Мени ҳайрон этди ажойиб бир сир.  
Овоз ҳам тўхтади,

турибди ана,  
Учоқда лағча чўғ — бир бўлак темир.  
Қийноқ хонасини эслатди менга,  
Асбобларга тўла қоп-қора дўкон.  
Учқунлар сачрайди тараф-тарафга,  
Ғолиб ва мағлублар кўтарар чуқон<sup>1</sup>...  
Бир қисқич темирни олиб сандонга,  
Алпкелбат темирчи урди аёвсиз.  
Сандон ҳам болғача бермоқда мадад,  
Эзилди зарбадан темир мажолсиз.

Англадим,  
темирни ўтда юмшатиб  
Итоат илқиға олган ҳам темир,  
Қисқич ҳам темирдир, болғага содиқ,  
Афсуски, сандон ҳам, болға ҳам темир.  
Англадим дунёнинг кўҳна сирини:  
Ўт зарбаси мардга ҳечдек туюлар,  
Оғриқ қақшатарди суяк-суякни,  
Ўзиники бўлса урган қўл агар.  
Чин ботир жаллодга асло ялинмас,  
Кесилган томирдан қонлар шарқирар.  
Билса гар дўстининг сотқинлигини,  
Кўкнинг пардасини йиртиб бақирар.  
Инсофга ундайман дўстларимни мен,  
Алафлар босмасин гулгун боғимиз.  
Эзилган юракни эзмайлик баттар,  
Биримиз сандондек, болға — биримиз.

## Абдуқодир Жалолиддин

### Семурғ кўшиғи

1

Қайга олиб кетди йўллар гирён бошимни,  
Тўзон ичра қолди ҳазин қўнғироқ уни.  
Пора-пора булутларнинг совуқ ёшини,  
Яширмоқда тунда учган кузнинг эпкинни.  
Излаб кўҳна масканини кўчди ёлқинлар,  
Кўчамдаги улкан тошга айтиб сирини.  
Хўш, деб аста тоғ ортига кетган ўрмонлар,  
Тушларимга юбормоқда япроқларини.  
Хушбўй атр қутилардан чўзиб бўйнини,  
Қорли тоққа тикилмоқда зиёда сумбат.  
Олиб кетди тошқин сувлар йироққа мени,  
Чумчуқларнинг изларини этганимда ёд.

2

Кўксимизга уриб қат-қат яшил тўлқини,  
Нечун кундуз оташида ўчди юлдузлар?  
Шафақларнинг тўлқинида учар киприклар,  
Кўрсатмайди қорачуғин нечун шўх қизлар?  
Оч қирғоқлар бир-бирига силкитишса қўл,  
Чақнар гавҳар беҳуш оқшом истакларида.  
Асалари кетдимикин тунашга бугун,  
Қора туннинг титраб турган чечакларида.  
Боғлар нечоғ унутдилар тоғлар куйини,  
Ётар сароб тўлқинида яшнаб сақич ўт.  
Кўм-кўк ўтнинг зумрад ичра қилган ўйинин,  
Пичир-пичир мақташади шўх қизлар беҳуд.

3

Қудратини кўрсатмайди нечун коинот?  
Нечун бунча лаззатлидир ишқнинг меваси?  
Қай маҳалда қилган экан кўзларни ватан.  
Учқунлардан либос кийган ҳаёт севгиси?

<sup>1</sup> Оқчи-кўкчи — фалондай-пусмадондай маъносига.

<sup>1</sup> Чуқон — шовқин-сурон.

Тўфон суви покламаса дунёни агар,  
Ялтирарми илоҳ нури тоблаган имон?  
Кун кечирар ботқоқларга беланиб бу чоғ,  
Қуртлаб битган юраклардан зериккан виждон.

4

Кумуш тоғлар шовкин солиб оққанда дилга,  
Сирли дарча соя ташлаб жилмаяр негә?  
Кўк қаърида арғамчидек силкинган чақмоқ,  
Ҳароратли гавдасини отади ерга.  
Чанокларнинг бурчагида ётган умидлар,  
Қарсиллаган муз устида ўт ёқар шодон.  
Туманларга сингиганда гулсафсар ҳиди,  
Юксакларга олиб қочар юлдузни осмон.  
Томар ёмғир томчилари — биллурий шода,  
Тешилмоқда тош ҳайкалнинг баҳайбат кафти.  
У дунёнинг юрагини улаб ҳаётга,  
Илдишларга югурмоқда ўйларим тафти.

5

Хаёлимда барханларни ютган қуюнлар,  
Юриб кетди мени кутиб турган шом гўрга.  
Қўлларимда ҳилпираган фаранг рўмоллар,  
Шуъласини ёғдирмоқда саҳрою чўлга.  
Унутилар мозийларда хароба шаҳар,  
Қишлоқларга бормоқдаман висолинг истаб.  
Равон йўллар, шинам қаср, оппоқ пиёла,  
Ичолмадим шаробимни қўлларим титраб.  
Бўлиб гўё биёбоннинг қувноқ юлдузи,  
Симирмоқда ой нурина ҳўмрайган тошлар.  
Шувоқларнинг юзларидан бўлиб қалбим маст,  
Ёстиғимга томиб кетди кўзимдан ёшлар.

6

Қумликларга менинг номим ёзилди қачон?  
Билолмадим шамоллардан сўраб сирини.  
Қайси тилда дардин айтди чинордек туғроқ<sup>1</sup>,  
Тушунмадим япроқларнинг шивирларини.  
Булутларнинг кўрфазига кўчган оққушлар,  
Ташлаб менга патларини, йўқолди қаён?  
Бу дунёнинг шунча чексиз жимжитлигида,  
Менинг номим аста-секин бўлмоқда аён.  
Сокин саҳар кирғоғида битган чуғлуқни<sup>2</sup>  
Кўролмадим опкелса-да атай узиб шом.  
Икки ҳаёт сарҳадида турибман ёлғиз,  
Этакларин ҳўлламоқда бу таниш оқшом.

7

Шовқинингни излаб келсам қатра ёшингда,  
Эгиб нозик белларини тебранар гуллар.  
Сенинг жонбахш нафасларинг сингиган ҳаво,  
Ҳасан-Ҳусан шуъласида титрайди унлар.  
Сени қучиб йироқларда ўйнатган қайиқ,  
Кўринмайди жимирлаган кўлнинг юзида.  
Шабнам тушган чаманзорда ўксик туйғулар,  
Қилмоқдалар ушбу саҳар кўнглимни зада.  
Ғофилликнинг тўлкинида кетган шу кеча,  
Туш қўрибман момикқина ой қучоғида.  
Сочларингнинг шамолларга тўкилган оҳи,  
Қотиб қопти юлдузларнинг кўз чаноғида.

<sup>1</sup> Туғроқ — дашт-саҳроларда ўсадиган чинорсимон дарахт.

<sup>2</sup> Чуғлуқ — тоғ тепасида битадиган чўғдек қип-қизил гул.

Кўнглим нурлар дастасига узатганда қўл,  
 Хотирада уйғонади сеҳрли кеча.  
 Ажир олиб юрганимда маҳалланг томон,  
 Милтирайди хира чироқ туманлар ичра.  
 Бутун шаҳар зулумотга чўмганда ғамгин,  
 Туйғуларим ювилмоқда покланиб бир қур.  
 Ёлбораман қимирламас битта пардага,  
 Деразалар тикилса-да мен томон ёвқур.  
 Туғилдим мен саҳар билан бўлиб эгизак,  
 Она бўлди шундан бери менга шу кеча.  
 Ажир олиб қайтганимда маҳаллам томон,  
 Милтирарди яшил чироқ туманлар ичра.

Кутавериб тоқатларим тоқ бўлди охир,  
 Шан деб боқдим ўлимларнинг оппоқ туғига.  
 Чарчаб кетдим, ёпинчиғин ташласин осмон,  
 Уйғотманглар, ухлаб қолсам қилич тиғида.  
 Қалбларимиз ҳаёт учун интиқ, хумордир,  
 Уйнатмоқда арвоҳини денгиз бетида.  
 Тиригимда ҳамроҳ эдим сизларга ҳар чок,  
 Видо айтдим тикланганда менга обида.

## Аҳмаджон Усмон

### Ошиқ қасидаси

1

Уфқ...  
 Олаговгум қўйнида нур.  
 Ёноғида томчи чирмовуқ гулнинг,  
 Чаманларда ям-яшил ёмғир.

2

Туғилдим,  
 Олаговгум билан эгизак эдим.  
 Қўшиқ айтдим ёмғирни куйлаб,  
 Болалик чоғим...  
 Шуъла кўрсам йироқдан  
 Югурдим унга.  
 Ошиқ бўлдим чумчуқларга,  
 Чумчуқлардек  
 Учсам, дедим йироқларга.  
 Тердим толларнинг  
 Тўкилган япроқларини  
 Анҳор бўйида.  
 Кўрдим тушимда юлдузларни  
 Ухлаб қолсам говгум қўйнида.

3

Уфқда нур.  
 Ёноғида жилва чирмовуқ гулнинг.  
 Сингиб кетдим тупроққа,  
 Ер остида кучоқлаб мени  
 Улади ёмғир.

### Она қасидаси

1

Ҳаққушмикин қўнган  
 Шоҳига лабингнинг?

Учдими олиб  
 Қолдиғини маржонларингнинг?

2

Ўқиб чиқди Чўлпон  
 Қанча чўпчакни  
 Номозшом гулидек сўлган кўзингдан.

3

Айтгин-чи, нечун  
 Бўзаради қорнинг юзи,  
 Боққанида ҳар сафар  
 Оқлигига сочингнинг?

4

Ростмикин, она,  
 Доғ тушди, дейди  
 Юзига ойнинг —  
 Ҳасратида  
 Учиб кетган гўзаллигингнинг?


5

Бир кун  
 Излаб келса сени фаришта,  
 Кетарсанми эмизгани  
 Болаларини жаннатнинг?  
 Йиғлармикин паризод  
 Утиб олиб қуёш ортига  
 Рўмол қилсам дея  
 Кафанингни?..

6

Она!..  
 Кўтаролмас қабрингни тупроқ!..

Эмин УСМОН ўзбекчалаштирган



Илҳом Зойиров

## ЖАННАТ

Хаёлий ҳикоя<sup>1</sup>

Эрматвой бора-бора ғийбат гапларга ҳам кўникди. Баъзан, аламзада бўлиб қолган пайтларида, хотини Хожарнисо унга далда бериб қўяди: «Дадаси, ҳар кимнинг гап-сўзини кўнглингизга олаверманг, бунақада ўзингизни қийнаб қўясиз. Оғзига эгалик қилолмайдиганлар ҳар нарсани гапираверишади-да». Шунда Эрматвой пича таскин топгандай бўлади.

У йил охиридаги ҳисоб-китоб чоғида ҳукуматдан яхшигина ҳақ олди. Ўзбекининг кўлига пул тушса ё том солади, ё тўй қилади. У кенжатойини уйлантиришни кўзлаб юрганди, ниятига етди. Энди оёғини узатиб, бир-икки ой дам олиб ётса ҳам бўлади-ю, аммо имкони йўқ. Йиғим-терим тугадими, дарров янаги йилнинг ҳаракатини қилиш керак. Ерни ғўзапоядан тозалаш дейсизми, чел олиб шўрини ювишми, хулласи калом, ҳамма-ҳаммасини бошидан бошлаш керак. Умр шу йўсинда ўтаверади.

Сувонкул тракторини тириллата-тириллата, бир ҳафта ичида саксон уч гектарли бригада ерининг ғўзапоясини қирқиб улгурди. Аслида ғўзапоя ер учун озуқа бўлиши керак, лекин қишлоқ шароитида бундай қилиб бўлмайди. Нимагаки, халқнинг қозонини қайнатадиган, тандирини қиздирадиган бирдан-бир нарса шу. Газ дейсизми? Э, йўқ, Эрматвойнинг қишлоғига ҳали табиий газ келтирилмаган... Гапингиз тўғри, қишлоқнинг шундоққина бўсағасидан газ қувури ўтган, бироқ бундан фойдаланиш учун юқорининг руҳсати керак. Ахир, аввал «оғаларимиз»нинг кўнглини овлашимиз лозим, мабодо улардан ортиб қолса, баҳоли кудрат ўзимизнинг ҳожатимизни ҳам чиқараверамиз...

Қишлоқдагилар сўнги бўлақлардаги ғўзапояларни йиғиштириб олаётган дамлар эди. Бўшаган ерларни эса занжирли тракторлар кечаю кундуз тинмай шудгор қиляпти. Эрматвой азонда туриб далага чиқди. Ерга меҳр билан боқди. Кўнглида кейинги йил ҳосилини чамалаб қўйди. Қўйнидан чизғич чиқариб, шудгорнинг чуқурлигини ўлчади, ҳайдалган тупроқдан бир сиқим олиб, кафтлари орасида эзиб кўрди: «Ер чарчабди!» Урнидан туриб, тинмай вағиллаётган тракторларга қаради. Уларнинг ишидан кўнгли тўлди чоғи, дадил қадамлар билан хўжалиқнинг дала шийпонига қараб йўл олди. Истиқ-болига чиққан қоровул Кўчқор чол уни сўрига таклиф қилиб, бир пиёла чой узатди. Эрматвой эрталабки нонуштани кўпинча дала шийпониди қилар, бу ер унинг иккинчи уйи бўлиб қолган эди. Кўчқор чол пиёладаги чойни ичиб бўлгач:

— Эрматвой!— деди бир тутам оқ оралаган чўққи соқолини силаб.— Сиз айтган гапларда жон борга ўхшайди!

— Қанақа гаплар?— деди Эрматвой бепарволик билан, чойдан ҳўпларкан.

— «Учар ликобча»лар ҳақидаги гаплар-да!— деди чол, Эрматвойга синчковлик билан қараб.

<sup>1</sup> Ҳурматли муштарийларимиз Илҳом Зойировнинг «Сирли кеча» номли ҳикоясини ойномаимизнинг 1990 йил 4-сонида ўқиган эдилар. Мазкур ҳикояда ёш ёзувчи ўша мавзунини давом эттирган.

— Кўйсангиз-чи, Кўчқор ака! Сиз ҳам менинг устимдан куляпсиз чоғимда?! Шу нарса ни эсимга солманг!— деди Эрматовой, қўлини силтаб.

— Э, йўқ, Эрматовой! Сизга бу гапларни кеча айтмоқчи бўлвудим, лекин андишага бориб индамагандим. «Бу пирсаги беимон ҳам мени калака қиляптими», деб кўнглингизга оласизмикин, дедим. Ҳар кимнинг кўнгли ҳар хил, Эрматовой. Эл оғзида юрган гаплардан хабарим бор. Кўнгли нозик нарса-да.

— Нега энди сизнинг гапларингизни кўнглимга оларканман, Кўчқор ака? Отам тенги одам бўлсангиз. «Ликобча» ҳақидаги миш-мишларга келсак, кўникиб кетганман! Нима бало, сиз ҳам тушингизда ликобча кўрдингизми?— завқланиб қўлди Эрматовой.

— Эй, йўқ, Эрматовой! Тушимда эмас, ўнгимда. Одамани кўрмадим-ку, аммо кеча кечқурун, худди шу шийпоннинг тепасидан оловсимон шар бутун осмону фалакка кумушранг ёғду таратиб учиб, Каттасойдан ўтдию кўздан ғойиб бўлди,— деди Кўчқор чол, бошини сарак-сарак қилиб.— Нималар бўляпти ўзи? Ҳамма нарса ер юзига чиқди-ми-а? «Учар ликобча»лар яна бизнинг қишлоғимиз тепасида ўралашиб қолишди. Бир гап борга ўхшайди, Эрматовой!

Эрматовой бир лаҳза хаёл суриб қолди. Кўз олдида сирли кечадаги бадбашара келгиндилар чарх ура бошлади. «Ваъдага биноан яна келишдимикин-а?» деб ўйлади у.

— Ҳа, Эрматовой, ўйланиб қолдингиз? Пиёлангизни тутинг, чойдан қуяй.

— Раҳмат, Кўчқор ака. Энди мен турай. Идорага ўтишим керак,— деб ўрнидан кўзғалди у.— Ҳа, айтгандай, Кўчқор ака, кўрганларингизни бировларга айта кўрманг, сизни ҳам жиннига чиқариб қўйишмасин!..

Кўчқор чолнинг гапларидан кейин Эрматовойнинг ичига ғулғула тушди. Қўли ишга бормай, уззукун самовий меҳмонлар ҳақида ўйлаб юрди..

Тун ярмида уйқуси қочди. Шуурида ўзга сайёранинг тасвири гавдаланарди.

Ниҳоят, кўзи илиниб, пинакка кетди. Фурсат ўтмай, яна уйқуси қочди. Танасига аллақандай иссиқлик югурди. Деразадан биров мўралагандай бўлди. Қараган эди, шарпа чекинди. Емон хаёллардан ўзини чалғитди-ю, лекин хаёл тизгинини бошқаролмади. Аллақандай куч уни ўрнидан турғазди. Елкасига чопонини ёпиб ташқарига чиқди. Ҳовли саҳни одатдагидан кўра ёруғроқ. Бирпас анграйиб атрофга боқди. Билагидан тутган иссиқ қўл Эрматовойни сескантириб юборди. Ёнбошига қайрилиб қараган эди, таниш башарага кўзи тушди. Бу ўша, уч кўзли самовий меҳмон эди. Униям таниди: ўртанча махлуқ. У қўлларини кўксига қўйиб, сал эгилди: «Ассалому алайкў-ў-ў!» Эрматовой алик олди. Негадир учинчи махлуқ кўринмасди. Эрматовой ўтган сафардагидек қалтирамади, кўрқмади ҳам. Нима учун кўрқсин, ахир улар Эрматовойга, эл оғзидаги гап-сўзларни демаса, айтарли бирор ёмонлик қилганлари йўқ-ку. Худо кўрқинчли қилиб яратган бўлса, буларда нима айб?

Эрматовой «бу ёруғлик қаердан келяпти ўзи, деган ўй билан юқорига қараган эди, ишқом баробар баландликда, ҳавода муаллақ ҳолатда оловсимон «тоғора»нинг кумушранг нур сочиб турганини кўрди. «Бу ёруғликни қўшнилар ҳам кўриб турган бўлса керак, ахир қуёшга ўхшаб чарақлаб турибди-ку», деб ўйлади. Эрматовойнинг хатти-ҳаракатларини кўзидан қочирмай кузатиб турган катта махлуқ:

— Йўқ, ерлик киши! Бу ёруғликни фақат сен кўряпсан!— деб қўлини ҳавода силқитган эди, ёруғлик кучсизланди.— Буни биз ва биз сеҳрлаган кўзгина кўриши мумкин.

Эрматовой ўз хаёлининг сўзлардаги ифодасидан ажабланди. Бу жараён махлуқлар учун ҳайратланарли эмас эди, чунки улар кўринмас нурлар билан Эрматовойнинг миясига таъсир этиб, унинг ўй-хаёлларини осонгина билиб олаётгандилар.

Эрматовой яна тепага қаради. Хаёлидан ўтказмаслик учун қанча тиришса ҳам, барибир учинчи бақалоқ махлуқни ўйлади: «Ҳойнаҳой, учувчи аппаратнинг ичида бўлса керак».

— Йўқ, ерлик киши!— катта махлуқ унинг хаёлини рад этди.— Сен ўйлаётган бақалоқ бу сафар биз билан кела олмади, тоби қочиб қолди.

— Нима бўлди унга?

— Касали оғир эмас! Ўтган сафар келганимизда, очкўзлик қилиб Наманганнинг олмасидан бир тишлам еган экан. Олмадаги ортиқча кимёвий моддалар ёмон таъсир қилибди. Хайриятки, олманинг ҳаммасини емаган! Бўлмаса..

— Ҳечқиси йўқ, олма ёқмабди-да. Худо шифо берса, тузалиб кетади,— деди Эрматовой, самовий дўстига соғлик тилаб.

— Уғлингни уйлантирддингми, ерлик киши?— махлуқларнинг қайси бири бу саволни берганини Эрматовой билмай қолди.

— Ҳа! Бизда тўй қилишинг ўзи бўлмайди. Униси топилса, буниси топилмайди. Буниси топилса, униси йўқ.. Завмаг оғайнилардан илтимос қилиб, тўйга керакли нарсаларни топдик. Тўй ҳам яхши ўтди,— деди Эрматовой, қувончини яшира олмай.

Келгиндилар «завмаг» сўзига тушунишмади чоғи, маъносини сўрашди.

— Завмаг деганинг нимаси? Сотувчимиз?

— Ҳа, шунга ўхшаш. Аслида, завмаг — заведующий сўзи билан магия сўзининг чатишгани. Агар буни бизнинг тилга таржима қилсак, «сеҳрарлар бошлиғи» деган тушунча келиб чиқади.

— Демак, сизларнинг дўконларингда сеҳргарлар ишларкан-да?

— Ҳа,— деди Эрматовой.— Масалан, дўконга кириб «фалон нарса борми?» деб сўрасангиз, сотувчи иккиланмай «йўқ» дейди. Шунда эҳтиёткорлик билан озгина қуруғдан чўсангиз, «йўқ» нарса пештахта остидан «мана ман» деб чиқади. Бу ҳам сеҳргарлик-да, тўғрими?

Махлуқлар бошларини қимирлатиб, бир-бирларига маъноли кулиб қўйишди, сўнг муддаога ўтишди.

— Биз сени олиб кетгани келдик, ерлик киши! Мана, ташвишлардан қутулиб олибсан!— деди катта махлуқ, кўкрагидаги сариқ чирогини ёқиб.

— Иш кўп. Бу ёқда шудгор тугамаган. Юмушларни ташлаб, қаёққа ҳам кетиб бўлади?— деди Эрматовой.

— Ахир ўзинг айтган эдинг-ку, «кейинги сафар бораман» деб. Уч-тўрт кун дам олиб келсан. Ўзимиз яна тушириб қўямиз,— деди катта махлуқ.

— Ҳеч иложи йўқ, ундан кейин, раисдан рухсат олмаганман. Сўроқсиз кетиб қолсам... Бадалбоевнинг феълени ўзларинг биласанлар!— ваз қидира бошлади Эрматовой.

— Бу томонидан кўрқма! Биз узоқдан туриб руҳий таъсир кўрсатиб, Бадалбоевнинг мия қобиғини маълум вақтгача гипноз қилиб қўямиз. У сен ҳақингда ўйламайди. Ахир сенинг ҳам дам олишга ҳақинг бор-ку,— деди ўртанча махлуқ, кўкрагидаги икки-уч тугмачани кетма-кет босиб.— Мана, колхоз идорасидаги ҳужжатлардан нусха олдим. Уларда кўрсатилишича, Бадалбоев ҳар йили бир марта энг яхши Қрим санаторияларида дам олиб келаркан. Сен нега бир марта ҳам у томонларда бўлмагансан?

— Бадалбоевнинг чўнтаги кўтаради. Бизники эса кундалик ташвишлардан ортмайди. Пахтанинг нархи ошади, деб эшитдим. Шунда балки бизнинг ҳам...

— Биз сени текинга олиб кетамиз. Пулинг керак эмас. Ўйлаб ўтиришга фурсат йўқ, борасанми?— Катта махлуқ уни кўндиришга урина бошлади.— Сен ҳам бундай дунё айланиб келгин. «Юрган дарё, ўтирган буйро», дейишадими сенларнинг тилларингда?

Эрматовой бир муддат ўйланиб қолди, сўнг:

— Борганим бўлсин! Ҳозир, кийиниб чиқай, хотинимни уйғотай, у-бу нарсаларни тайёрласин,— деб, уйи томон бурилмоқчи бўлди. Аммо жойидан қимирлай олмади.

— Кийинишингга ҳожат йўқ, биз томонлар иссиқ. Кетаётганингни биров билмагани маъқул.

— Нега энди? Уч-тўрт кунга борадиган бўлсам, хотин хавотир олади!

— Хавотир олмайди.

— Қандай қилиб? Бир кечада йўқолиб қолсам-у, хотиним хавотир олмаса! Бизнинг хотинлар эрларига бепарво бўлишмайди.

— Биз унга ҳам руҳий таъсир кўрсатамиз.

— Гапларинг рост бўлса, майли, кетдик!

Катта махлуқ кўкрагидаги тугмачалардан бирини босган эди, ҳавода муаллақ турган «ликобча» пастлади. Улар бирин-кетин учар ликобчага чиқишди. Нарвон кўтарилди, туйнук ёпилди. Эрматовой пахтадек юмшоқ курсига ўтирди. Унинг бошига темир гардишли мослама кийдиришди, кейин ҳар хил тугмаларни пайдар-пай босишди. Ликобча мисли кўрилмаган тезликда осмону фалакка кўтарилди. Орадан қанча вақт ўтганини билмайди, бир маҳал:

— Мана, етиб келдик, — дейишди улар, Эрматовойнинг бошидаги гардишни олиб.

— Қандай қилиб, ҳали қимирлаганимиз йўқ-ку, — ҳайратланди у.

Махлуқ бир нималар деди, аммо Эрматовой тушунмади.

У ўзга сайёрага қадам қўяр экан, мувозанатини сақлай олмай қалқиб кетди. Ўзини худди булутлар устида юраётгандай ҳис этарди.

— Эй, ерлик киши, сен жаннатмакон ўлкага келдинг. Ўзингни эркин тут. Бу ернинг одамлари сенга ҳеч қандай ёмонликни раво кўрмайдилар,— дейишди унга.

Эрматовой ҳанг-манг бўлиб қолди. Жаннатмакон ўлкадаги манзаралар уни ўзига буткул мафтун этган эди. Дарахтлардаги пиёладай-пиёладай келадиган қип-қизил олмалар, тонги шабнамдан тарс ёрилиб турган анорлар, ишқомларда осилиб турган тиллоранг ҳусайни узумлар, тиниқ булоқлару мовий кўллар, беғубор осмону анбар ҳидли атиргуллар, булбуллар сайроғию беданалар хониши, сўлим хиёбонлару дид билан қурилган иморатлар... Эрматовой худди «Боғи Эрам»га кириб қолгандай бўлди.

Юзларига ёқимли шабада урилди. Вужуди бироз жунжикди. Бироқ атрофдаги гўзалликдан, яшиллик оламидан, бокира кўкламдан дили яйраб кетди. Бу тароват, бу каби хилқатни қаердадир кўргандай, бир сония хаёллар оғушига шўнғиб кетди. Узоқ ўйлади, аммо қаерда, қайси мамлакатда кўрганлигини эслай олмади. Лекин тафаккурининг бир чеккасида: «Бундай жаннатни кўргансан, кўргансан, кўргансан», деган аллақандай илоҳий бир нидо уни янада чуқурроқ ўйлашга ундарди.

Хаёл жиловланган, қанотли тулпордек уни болалик йилларига томон олиб учди. Энди эслади. Бир куни отаси эшакнинг орқасига мингаштириб, Ҳожар аммасиникига олиб борган эди. Ушанда етти ёки саккиз ёшлар чамасида эди. Аммасининг ўзи тенги Аброр исмли ўғли билан қишлоқ боғига чиқиб, худди ҳозир кўриб турган манзаранинг гувоҳи бўлган эди. Уша боғда ҳам худди шу мевалар бор эди. Боғдан узиб еган олма-

анорларнинг таъми анча вақтгача оғзидан кетмаган. Кейин Аброр билан Каттасойда то баданлари кўкариб кетгунча мириқиб чўмилишган. Мана бу сой унга Каттасойни эслатди. Ҳозир Каттасойнинг номи бор, ўзи йўқ. Уша пайтларда катта-катта боғлар, зилол сувли сойлар деярли ҳар бир қишлоқда бор эди. Йиллар ўтиб, бу боғлар бузилиб, пахтазорга айланиб кетган. Сойлар қуриб, ўрнида ўлик жарликлар қолган. Уша йиллари ҳозирдаги техника қаёқда эди? Омоч билан ер ҳайдашарди. Химия бормиди...

Мезбоннинг турткисидан Эрматвойнинг хаёли бўлинди. Улар Эрматвойни ҳурмат ва эҳтиром билан унга таклиф қилдилар. У ичкарига кирар экан, оёқ остидаги чўғдек гиламларга, девордаги нақшинкор тоқчаларга, дид билан терилган биллур идишларга кўзи тушди. Узини гўё «Моҳи Хосса» даман деб фараз қилди...

Эшикдан тавозе билан кириб келган соҳибжамолни кўриб, кекса қалби ёшаргандай бўлди. Қизнинг шахло кўзлари, камон қошлари, ханжар киприклари, нур сочиб турган юзи, тақимини ўпиб турган билакдай сочларию эгнидаги бежирим кўйлаги унинг ҳуснига-ҳусн қўшиб турарди. Қизнинг ибо билан эгилиб, нозик қўлларини кўксига қўйиб салом бериши Эрматвойни эсанкиратиб қўйди... Эрматвой яхши эслайди: ўспиринлик йилларида тенгдош қизларнинг жамалак сочларидан тортиб қочарди. Бир куни кўшни қиз акасига айтиб, Эрматни калтаклатган ҳам эди. Ҳозир ўша кўшни қиз — ўзининг жуфти ҳалоли, Ҳожарнисо. Уша пайтларда қизлар бир-бирининг узун сочларини ўраётди, баҳри байтлар айтишарди. У қўшиқлар унут бўлиб кетди. Ошиқ йигитлар севгилисининг узун сочини бармоқларига ўрашни орзу қилишарди. Қани энди ўша қирқ кокилли жамалак сочлар. Бу қиз Эрматвойга ўспиринлик йилларини эслати.

Қизга мафтун бўлиб бироз тургач, бўғила бошлади. Лаблари кўкариб, юзи оқариб, кўз олди қоронғилашди. Худди ҳаво етмагандай, чуқур-чуқур нафас ола бошлади. Ҳолсизланиб, бахмал қопланган курсига ўтириб, кўксини силади. Эрматвойнинг бу ҳолатини кузатиб турган соҳибжамол, кўрқиб кетганидан қўлидаги баркаш тўла мевачеваларни ҳавода муаллақ турган хонтахтага қўйиб, чақонлик билан ташқарига отилди. Эшикдан барваста икки йигит кириб келди. Булар Эрматвойни шу ёққа олиб келган ўша махлуқлар эди. Йигитларнинг бири югуриб бориб Эрматвойнинг томирини ушлаб кўрди. Иккинчиси лаҳза ўтмай, ўрта бўйли, япалоқ бурунли, чўққи соқолли, тўлачадан келган бир кишини бошлаб келди.

— Муҳтарам Чичели! — деди беморнинг билагини ушлаб турган йигит. — Бу ётган киши, қуёш галактикасидаги Ер сайёрасига тегишли одам. Аҳволи ёмонлашиб қолди.

Жаноб Чичелининг кўрсатмаси билан Эрматвойни зудлик билан биологаторияга олиб боришди. Эрматвойни турли хил аппаратларга солиб кўришди. Бирорта аппарат касаллики аниқлай олмади.

— Охирги бирдан-бир чора, — деди жаноб Чичели, узоқ мулоҳазалардан сўнг. — Ер сайёрасидан олиб келинган тупроқ таркибини ўрганишимиз керак. Фақат шу усул билан меҳмоннинг касалини аниқлашимиз мумкин. Бундан бошқа чора йўқ.

Самовийлар зудлик билан тупроқ таркибини текширишга киришдилар. Текшириш аппаратининг экранида аллақандай ёзувлар пайдо бўлди. Аввалига бу ёзувларга тушунишмади. Қалин-қалин китобларни варақлашди. Охири экрандаги ёзувларнинг маъносини топишди.

— Бу ахир биздаги суварак ва каламушларни ўлдирадиган дорилар-ку, — деди йигитларнинг бири қўлидаги китобга қараб. — Мана буниси ёввойи ўтларни қуритадиган дори, — экрандаги яна бир ёзувни кўрсатди?

Узоқ ҳисоб-китобдан кейин Жаноб Чичели хулоса қилди:

— Демак, ёт киши, бизнинг сайёрамиздаги тоза об-ҳавога тезда мослашолмаган. Уни бир-икки кун бўшлиқда сақлашимиз керак. Бўлмаса ҳаёти хавф остида қолади. Бўшлиқ ичига заҳарли, кимёвий тутунлардан юбориш керак, чунки ёт кишининг жисми заҳарли моддаларни талаб қилаяпти. Бизнинг ҳавомизнинг таркибида бу хил заҳарлар йўқ. Бу эса бемор учун жиддий қийинчилик туғдирияпти. Бериладиган овқатларга ҳам кимёвий дорилардан кўпроқ қўшинглар. Бизнинг ширин-шакар меваларимизнинг таъми тилини кесиб юбориши мумкин. Меваларни ҳам кимёвий суюқликка бўктириб беринглар. Тиниқ булоқ сувини беришда эҳтиёт бўлинглар. Унга ҳам бирорта ўткир доридан қўшинглар, — деди Жаноб Чичели Эрматвойнинг касаллик варақасини тўлдирар экан. — Менинг кўрсатма билан иш тутинглар. Ҳар куни айтилган дориларнинг миқдорини камайтириб, бизникини қўпайтириб бериб турсангизлар, бир-икки кун ичида бу об-ҳаводан ҳам бемалол нафас олаверади диган бўлади.

Эрматвой тўрт кун бўшлиқ ичида даволаниб, ўзга сайёрага кўникма ҳосил қилди. Бўшлиқдан чиқиб, тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олганида бутун вужуди касаллик нуқсонларидан фориг бўлиб, қарийб ўттиз ёшга ёшарди.

Эрматвойнинг ҳолидан хабар олиш учун келган Жаноб Чичели унинг оёққа турганидан бениҳоя севинди. Эрматвой ҳам ўз навбатида халоскорига миннатдорчилик билдирди.

Меҳмондорчиликнинг бешинчи куни, эрталабки нонуштадан сўнг, самовий йигит билан Эрматвой бир-биридан чиройли ва озода кўчалар бўйлаб сафарга чиқишди. Юмуш билан елиб-югуриб юрган самовийлар бир муддат тўхтаб, Эрматвойга ҳайрат



билан қараб қолар эдилар. Уларни кўрган Эрматовой: «Буларнинг кўзига мен ҳам ажаб-товур махлуқ бўлиб кўринсам керак», деб ўйларди. Супуриб-сидирилган кўчаларни кўриб, Эрматовой унчалик ажабланмади.

— Бугун бу ерга тафтишчи келадими?— деб сўради.

— Қанақа тафтишчи?— хайрон бўлди йигит.

— Тафтишчидақа тафтишчи-да! Ёки бирорта каттакон...

— Сенга айтган эдим-ку, бизда каттакон бўлмади деб. Нега тушунмайсан?

— Кўчаларингизнинг супуриб-сидирилганини кўриб, айтяпман-да!

— Супуриб-сидирилган бўлса, нима қилибди?

— Каттакон учун атайин қилгансанлар-да! Обрў олиш ниятида,— деди Эрматовой бепарвогина.

— Нега энди, бари ўзимиз учун!— деди йигит.

— Бизда эса, «эртага бу ердан Палончиев ўтадилар» дейишса, ўша жой тозалаб қўйилади. Қайси кўчадан ўтадиган бўлса, ўша кўчадаги ҳовлиларнинг деворини колхоз ҳисобидан текинга оқлаб қўямиз. Бизда ҳамма нарсанинг усти ялтироқ бўлса бас, ичка-риси билан бировнинг иши йўқ,— деди Эрматовой.

— Айб ўзларингизда! Каттаконни алдаймиз деб, ўзларингиз алданиб қоласизлар!— деди йигит.

— Биз фақат бажарамиз! Каттаконлар бир-бирини алдайди. Бу алдов уларга обрў олиб келади. Колхоз раиси Бадалбоев тумандаги «катта»ни алдайди. Бунинг ҳисобига «тадбиркор раис» деган номни олади. Тумандаги каттакон вилоятдаги «катта»ни алдагани учун мукофотга тавсия этилади. Вилоятдагиси жумҳуриятдагисини алдагани учун кўксига нишон тақиб олади... Ўртада халқ азоб чекиб, уларни олқишлаб қолавереди,— деди Эрматовой.

Самовий йигит бир муддат тўхтади ва чуқур нафас олди.

— Ўтган сафар ҳам ўз дардинг билан бағримизни ўртаб юборган эдинг. Бу гал ҳам шу аҳвол,— деди йигит навбатдаги кўчага бурилар экан.— Ерларингиз шунчалик дард-манд экан, нега унинг давосини топмайсизлар? Наҳотки, обрў деб она ерни топтайверасизлар? Болаларингизни келажаги нима бўлади?!

— Бу дардларни бир-биримизга айтиб, таскин топамиз. Қўлимиздан нима ҳам келарди,— деди Эрматовой, маъюс.

— Хокисорлик билан ҳақиқатга эришиб бўлмади!— деди йигит, қатъий алфозда.— Қанчалик хокисор бўлсанг, шунчалик эгилаверасан. Қачонгача айбни каттаконларга тўнкаб, андишанинг отини кўрқоқ деб юрасизлар? Каттаконларни ҳам бузган ўзларингиз!

Бу гаплардан изза тортган Эрматовойнинг боши елкалари орасига кириб кетди. Мавзунини бошқа томонга бурмоқчи бўлиб, йигитга савол берди:

— Менга айт-чи, бу сайёра бизнинг еримиздан баланддами ёки пастдами?

— Баландда, нима эди?

— Унда биз қачон юқоридан мадад келаркан деб юраверарканмиз-да?— Эрматовой гапни кулгига олди.

— Қачонгача эгилиб ерга қараб юрасизлар? «Юқори»га қарашни ҳам ўрганингизларда,— беғубор жилмайди йигит ҳам.

Эрматовой бу қочиримнинг маъносига тезгина тушуниб, мулзам бир қиёфада жим қолди. Шу қўйи ярим чақиримча йўл босдилар. Бола-чақаси билан сайр қилиб юрган самовийларни кўриб, Эрматовойнинг кўз ўнгидан хотини, бола-чақалари бир-бир тизилиб ўтди. Юрагини соғинч ҳисси ўртаб, безовталана бошлади. «Беш кундан буён бу ерданман, ҳали хавотир олиб, мени қидиришаётган чиқар», деди ўзига-ўзи, маъюсланаб.

— Нега энди сени қидиришаркан? Ахир хотинингиз, «эрим муҳим иш билан шаҳарга тушиб кетган» деб юрибди. Бундан хавотирланма,— деди Эрматовойнинг фикрини уққан йигит, уни тинчлантириш учун.— Агар ўзингиз хавотирланаётган бўлсанг, мен шундай кодларни бераманки, сен улар билан бемалол гаплаша оласан.

— Код-подингни қўй, оғайни, уйни соғиндим! Меҳмондорчилик учун раҳмат! Бугун мени уйга элтиб қўйсанглар. Борғунимизча бизда кечқурун бўлади, сизларни ҳеч ким кўрмайди.

— Унда, уйга борайлик-чи, маслаҳатлашармиз, кейин хайр-хўшлашиб, сенга рухсат берамиз, ерлик киши,— деди йигит, орқасига бурилар экан.

Қайтишди. Дастурхон ҳозирлаб қўйилган, унинг атрофида улкан бир одам, соҳибжамол қиз, жаноб Чичели, яна уч-тўртта самовий ҳамда Эрматовой сўроқлаб юрган бақалоқ йигит ўтирар эдилар. Бақалоқ йигит Эрматовой билан эски кадрдонлардек қучоқлашиб кўришди. Ҳозиргина касаллик тўшагидан туриб, бу ёққа келганлигини айтди. Уйга таклиф қилганди, Эрматовой узрини айтиб, «келаси сафар» деб қўйди...

Меҳмондорчилик тугагач, Эрматовой ўрнидан турди. Мезбонлар ҳам унинг хоҳишини бажо келтирдилар. «Ҳар ким ўз оиласининг бағрида бўлгани яхши», деди жаноб Чичели. Эрматовой эшикдан чиқар экан, «кўрганларимни уларга айтсам, яна менинг устимдан кулишади, шунинг учун, бу ерда бўлганлигим ҳақида қоғоз ёздириб оламан», деб ўйлади.

— Бизга меҳмон бўлиб борганларингизда, бирорта қоғоз бермаган эдиларингиз.

Сизларнинг касрингиз уриб, одамларга кулги бўлдим. Ҳатто жиннига ҳам чиқариб қўйишди. «Агент», «ликочча» деган лақаблар олдим. Энди бу ерда бўлганимни айтсам борми, тўғри жиннихонага элтиб қўйишлари ҳеч гап эмас. Шунинг учун менга битта қоғоз тўғрилаб беринглар,— деди Эрматовой.

Катта йигит махсус электрон ҳисоблаш машинасига дастур тайёрлаб берди. Машинадан бир парча қоғоз чиқди. Эрматовой қоғозни олиб ўқиди:

«Маълумотнома

Берилди ушбу маълумотнома шул ҳақдаким, ҳақиқатдан ҳам оқраболик бригадир Эрматовой Икс галактикасига кирувчи Саккизинчи юлдузлар системасининг Гамма юлдуз туркумидаги сайёрада беш кун яшади.

Муҳр.

Бармоқ».

Имзо ўрнига бармоқ изи қўйилганини кўрган Эрматовой ҳайратдан ёқа ушлаб қолди.

— Ахир сизлар ғирт оми экансизлар-ку!— кулди у бошини қашиб.— Имзо ўрнига бармоқ босибсизлар. Бунақа имзони бизларда инқилобдан олдин қўйишган. У пайтда халқ саводсиз бўлган. Ҳозиргилар бу имзога ишонишмайди.

Катта йигит Эрматовойнинг гапидан ранжимади, аксинча, мийғида кулиб қўйди.

— Тўғри айтасан, ерлик киши! Шунчалигига ақлинг етганига ҳам шукр! Сенинг ота-бобонг худди шундай имзо қўйган эдилар. Сенлар эса «инқилоб қилдик» деб имзонию имлони ўзгартириб, мозий олдида гуноҳга ботдинглар. Ҳозирги қўядиган имзоларингдан сенлар албатта манфаатдорсанлар, чунки бу, сохта ҳужжатларга сохта имзолар қўйиб расмийлаштиришда жуда қўл келади. Ваҳоланки, бармоқ изи тушган ҳужжатгина ҳақиқий ҳисобланади. Бировинг бармоқ изини биров сохталаштиролмайди. Ахир сенларда бармоқ изига қараб жиноятчини топишади-ку. Буни сенлар криминалистика деб атайсанлар.

— Демак криминалистикани бизнинг ота-боболаримиз ўйлаб топишган экан-да, а?— деди Эрматовой ҳам фахрланиб, ҳам афсусланиб.

— Ҳа-да!— деди ўртанча йигит.— Сенлар буни билишларинг, ўрганишларинг шарт. Ана шундагина мозий олдидаги гуноҳларингни ювган бўласанлар.

Эрматовой бир қадар мулзам бўлиб, хижолат тортди. Ҳаммалари ташқарига чиқишди. Сайҳонликда уларни учар ликочча кутиб турарди. Йигитлар тезда ўз кийимларини кийиб, махлуқ шаклига кирдилар. Эрматовой кузатиб чиққанлар билан хайрлашиб, юқорига кўтарилди. Нарвон олиниб, туйнук ёпилди. Учар ликочча мўъжизалар мамлақати оша чексиз бўшлиққа қараб кўтарилди. Лаҳза ўтмай еримизга келиб қўнди.

Ер сайёрасида эндигина оппоқ тонг ота бошлаган эди. Эрматовойнинг баҳри-дили очилиб кетди. Махлуқлар у билан хайрлашар эканлар, бир муҳим сирни айтиб кетишга қарор қилдилар.

— Эй, ерлик киши!— деди катта махлуқ, учинчи кўзини ола-кула қилиб.— Сен бизнинг сайёрамизда беш кун меҳмон бўлдинг. Шу давр ичида сенинг ерингда унча кўп вақт ўтгани йўқ. Бу ердан тунда кетган бўлсанг, эрталаб келиб қўнъяпсан. Шунинг учун, бизнинг қоғозни қайтариб бер. Энди унинг сенга кераги йўқ. Чунки одамларга кўрсатсанг, яна устингдан кулиб юришлари мумкин.


— Демак, бизда ҳали бир кун ҳам ўтгани йўқ экан-да!— деди Эрматовой ажабланиб ва чўнтагидан бояги маълумотномани олиб, катта махлуққа узатди.

— Ҳа, сенларнинг ҳар бир соатингга бизнинг бир кунимиз тўғри келади. Сен бизнинг сайёрамизда гринвич вақти билан беш соат бўлдинг. Бунинг сирини ўзинг англаб ол!— деди катта махлуқ, орқасига бурилаётди.— Бу сенинг хаёлинг! Ахир сиз ерликлар Хаёл билан яшайдиган одамсизлар-ку!

Келгиндилар бир лаҳзада кўздан ғойиб бўлишди. Эрматовой сесканиб кетди. Қараса, ташқаридаги сўрида, елкасида чопони, самога қараб ўтирибди. «Наҳотки, хаёл бўлса», ўйлади Эрматовой ўрнидан тураркан...

Тонг ота бошлаган эди. Эрматовой тонг ҳавосидан тўйиб-тўйиб нафас олди. Танаси яйраб кетди. Чунки бу ҳаводан Она Замин, Ватан ҳиди анқиб турарди.

Эрматовой уйига кирганида хотини Ҳожарнисо ўрнидан туриб, кийинаётган эди. У хотинини биринчи марта кўриб тургандек, маҳкам бағрига босди...



# Булок кўз очди

## Шухрат Деҳқон



*Шухрат Деҳқон 1971 йилда Наманган туманида туғилган. Ҳозир Тошкент Давлат Дорилфунуни журналистика бўлимининг III-босқичи толиби. «Дарз» — унинг «Шарқ юлдузи»да чоп этилаётган илк ҳикояси.*

## ДАРЗ

### Ҳикоя

— Қизим. Мундо-оқ тананга ўйлаб кўргин, умринг елга совуриляпти, ахир. Сен тенгиларнинг бари турмушга чиқиб кетди. Эрта-индин шафтоли қоқига ўхшаб қоласан. Юрак-бағримни қон қилиб юбординг-ку, — она ҳар кунги одатий гапларини такрорлаб, куйиб-пишиб сўзланар, Муаттар эса бир нуқтага тикилганича жим ўтирарди. Хаёл оғушида эканлиги ўйчан ва масъум кўзларидан, чиройли юзидан шундоққина сезилиб турарди.

— Ҳой, мен кимга гапиряпман, деворгами? Нимага унинг чиқмайди? Онанга ҳурматинг шу бўлдими, унинг буғдойга тўлгур? — беозоргина оғринди Сарви хола қизидан.

— Эндигина йигирмага кирдим-у, ойижон, — уялинқираб жавоб қилди қизгина.

— Йигирмага кирдим эмиш! Менинг бувим ўн икки ёшида турмушга чиққан, билсанг. Узим даданга текканимда ўн еттида эдим...

Барибир, Муаттар онасига бас келолмайди. Унинг олдида қишлоқнинг уччига чиққан вайсақи аёллари ип эшолмайдилар-у, Муаттарга йўл бўлсин! Ҳар кунги дийдиёси битта: кенжа қизини ҳам эгасига топширсаю ғам-ташвишлардан фориг бўлиб, оёғини узати-иб ётса. Лекин, ҳарқалай, гапларида жон бор. Муаттар тенги қизларнинг олди иккитадан болалик бўлди. Ахир, қайси она ўз жигаргўшасига ёмонликини раво кўради? Опаларини мактабни битирган йиллариёқ узатиб юборгани учунми, кенжа қизим ўтириб қолмасин дея хавфсирайди-да. Бироқ, Муаттар... Иброҳимсиз яшашнинг кераги йўқ унга. Йигит ҳозир хизматда. Яқин орада келиб қолса ҳам керак.

Олтинчидами, еттинчидами ўқишарди, шекилли. Янги синф раҳбари жуда қаттиққўл экан, кирибоқ, биринчи қилган иши қизлару ўғил болаларни ёнма-ён ўтқазиб қўйиш бўлди. Муаттарнинг чекига Иброҳим тушди. Қишлоқ қизи эмасми, у билан бир партада ўтиришдан ийманиб, пича кўз ёши қилиб олди. Домла унинг илтижоларига қулоқ осмай, гап тамом дегандек, дарсни бошлаб юборди. Синфдошлар бора-бора бу аҳволга ҳам кўникишди. Муаттар Иброҳимга шу қадар ўрганиб қолдики, бир кун мактабга келмаса, астойдил куйнадиган, хавотир олиб, уйига йўқлаб борадиган, дарсга нима сабабдан қатнашмаганини ипидан игнасиғача суриштириб оладиган бўлди. Иброҳим лоқайд, бепарво бола бўлиб, қизнинг ортиқча куйди-пишдиларини кўпам хушлайвермас эди.

Май байрами арафасида, улар мактабни битирадиган йили синфдошлар Иброҳимларникида йғилишди. Синфнинг энг эрка, шаддод қизи Мунира шу ерда ҳам тинч турмай, қилиқ кўрсатди. Ликопчага ҳар хил саволлар ёзилган қоғозларни қўйди-да, даврани айланиб тарқатиб чиқди. Бир бурчакда қимтинибгина ўтирган Муаттар ҳам бир парча қоғозни аста олиб, кўз югуртирди-ю, чиройли, лўппигина юзлари уятдан қип-

қизариб кетди: «Севганингиз борми, бўлса ким?..» Аста лабини тишлади. Қаршисида ўтирган Иброҳимга ўринча қаради-ю, бор, деди эшитилар-эшитилмас қилиб.

— Ким экан? — истеҳзо аралаш сўради Иброҳим, атайлаб.

— Ким деганинг ўзи-да, — қиқирлашди қизлар. Иброҳим елкасини қисди. Шаҳд билан ўрнидан кўзғалиб, ташқарига йўналди. Ер ёрилмади-ю, кириб кетмади қиз! Бир-бирларига гап бермай, йигит-қизнинг «ғийбатини» қилаётган қизлар жим бўлиб қолишди. Негадир Муаттарнинг хўрлиги келди. Кўзларида ёш ҳалқаланди. Ўрнидан беҳолгина турди-да, орқасидан ҳай-ҳайлашларига қарамай, чиқиб кетди.

Уша кеча тун бўйи кўзига уйқу келмади. Иброҳимни хотиридан қувиб чиқармоққа қанчалик ҳаракат қилмасин, иродаси етмади. Узи унутаман дегани сайин, сиймоси шундоққина кўз ўнгида намоён бўлаверди. Бетизгин ўй-хаёллари ила олиша-олиша, тонгга яқин, эндигина хўрозлар қиққира бошлаган маҳал, кўзи илинди.

...Тушида унинг тўйи бўлаётган эмиш. Куёв эса Иброҳим экан! Қиз келинлик либосини кийгач, анаям очилиб кетибди. Узида йўқ хурсанд, тинмай кулармиш. Лекин бу хушнудлик узоққа чўзилмабди. Уша куни келинни олиб кетгани куёв тарафдан ҳеч ким келмабди...

\* \* \*

Кеч кузак. Ҳаво совуқ. Куёш нур сочгани билан тафти йўқ. Қишлоқларда пахта терими қизғин. Теримчилар дилдирашиб бўлса-да, бир-бирларидан орқада қолиб кетмасликка жон-жаҳдлари билан уринишади. Тонг қоронғусидан то шомгача дала гавжум бўлади. Муаттар ҳам кун бўйи теримда. Кунботар палла ҳа деганиям ҳоли бўлмай уйига қайтади-ю, сигир соғади. Сўнг овқатга уннайди. Сутни қайнатиб, қатиқ ивигунча вақт алламаҳал бўлади. Онаси рўзгорнинг барча майда-чуйда ишларигача унинг зиммасига юклаб қўйган. Қиз бола бировниқига борганида уялиб қолмасин, эмиш. Оёқ-қўли чақ-қонгина, ҳамма нарсага улгурадиган, ҳар қанақа ишнинг ҳам уддасидан чиқадиган бўлса, борган жойида илдиз отиб кетармиш.

— Иброҳим келибди бугун, — овқатланиб ўтиришганда онаси шундай деди. — Армия бирам ёқибдики... Қадди-қомати келишган, ўктам йигит бўпти. Ишқилиб, кўз тегмасин-да.

Муаттарнинг эндигина оғзига олган луқмаси лунжида қолди.

— Қайси Иброҳим? — деб сўради нима дейишини билмай.

— Қишлоғимизда неча Иброҳим бор, қизим? Синфдошинг-да.

Она қизининг руҳиятини барибир сездди. Аммо, шунчаки бирга ўқиб юришгани учундир-да, деб қўяқолди.

Эрталаб, далага кетаётиб, Иброҳимни кўргани ров кириб чиқишди.

— Омонмисиз? — Муаттар аввалгидек, уни «сен»лаб гапиролмади.

— Салом, Муаттар. Аҳволларингиз қалай? — таажжуб, унга ҳам «сиз»лаб мурожаат қилди Иброҳим. Ораларида кўзга ташланмас қандайдир тўсиқ пайдо бўлганлигини икковлон ҳам сездилар. Уша куни қизнинг сира иши унмади. Пахтани ҳаммадан оз терди...

Муаттарнинг Иброҳимларниқига «совчи» юборганлиги қиш чилласида бутун қишлоққа дув-дув гап бўлди. Ҳақиқатан ҳам, орада нимадир бўлиб ўтганди. Шамол эсмаса, дарахтнинг учи қимирламайди-ку? Қистайвериб қўймаганидан кейин, у аммасининг ўнинчида ўқийдиган қизи орқали ҳамма гапни онасига етказишга мажбур бўлди...

Сарви хола Оминахонниқига кириб борса, Иброҳим ҳовлида ювинаётган экан.

«Қизим тушмагур ҳам билади, кимни танлашни», деган фикр Сарви холанинг хаёлидан ўтди-ю, «Оминахон-увв» дея овоз берди. Иброҳим ортига ўгирилиб, холани кўргач, шоша-пиша сўритокка илиб қўйилган тўнини кийди.

— Келинг, хола, — деди сўнгга кампирга яқинлашаркан.

— Келдим, айланай, — йигитнинг елкасига қоқиб кўришди у. — Қалай, тан-жонингиз соғми?

— Раҳмат, хола.

— Онангиз уйдадилар?

Иброҳим жавоб қилишга улгурмай, остонада хамир юқи қўллари билан Оминахон кўринди.

— Келаверинг, Сарвинисо. Хамир қораётгандим.

Икковлари анчагача қишлоқдаги ҳар хил гаплардан гаплашиб ўтиришди. Сарви хола ҳадеганда мақсадини баён қилолмас, нима иш билан келдидикин деган ўй эса, Оминахонга тинчлик бермасди. Ахийри Сарви хола:

— Оминабону, шу, нима десам экан... — деб бир оз чайналиб тургач, лўнда-лўнда айтиб қўя қолди: — Уғлингиз билан Муаттархон яхши кўришиб юришаркан. Шунга... — Узини мажбурлаб, зўр-базўр илжайди.

— Нима дедингиз, айланай? — Бу гап Оминахон учун кутилмаган янгилик эди. — Совчиликка келдингизми? Ё тавба... — Унинг ғайритабиий, совуқ кулгисидан Сарви холанинг юраги орқасига тортиб кетди.

— Ундай деманг, айланай...

Оминахон бирданига сипо тортди:

— Кўйсангизчи, менинг ўғлим ҳеч кимни яхши кўрмайди. Онаси танлаган қизга уйланади у. Энди, бир вақтлар юрган бўлса юргандир, бу ёғи йигитчилик.

— Нима?! — кўнгли тўлиб кетди Сарви холанинг. — Ҳали менинг кўз очиб кўрган суюмли қизим Иброҳимингизга эрмак... — У сўзини охиригача етказолмади. Бўғзига бир нима тикилиб, гапиролмай қолди. Оминахоннинг мағрурона тикилиб турганини кўриб, баттар хўрлиги келди. Украб юбормаслик учун аранг ўзини босиб, эшикка йўналди.

\* \* \*

Иброҳимлар беш-олти киши бўлиб тўйхонага кириб боришганида, даврада ялла авжига чиққан, бир тўп ёш-яланг ернинг чангини чиқариб, депсиниб ўйнашаётганди. Тўрда ўтирган оппоқ либосли келинчак ҳадеб бетоқатланаверар, келинлиги ҳам ёдидан чиққандай, дам у ёққа, дам бу ёққа боқиб, одамлар орасидан кимнидир изларди. Гоҳ-гоҳ ёнидаги дугонасига келмадими, дея шивирлаб қўяр, рад жавобини олгач, жимиб қоларди. Лаҳза ўтмай яна безовталиги қайталанарди. У кимнидир интиқлик билан кутаётганди.

— Келди, — шивирлади бир пайт дугонаси унинг қулоғига. Келинчак севинчдан энтикиб, ширин бир орзиқиш ила у кўрсатган томонга қаради. Излагани, не бахтки, ундан нигоҳини узмай турган экан.

«Келишингизни юрагим сезувди...»

«Мана, келдим. Сени хурсанд қилай деб...»

«Шу... Кўзларингизда қандайдир сеҳр бор-да, Иброҳимжон. Ҳамиша чақнаб, ўтов сочиб туради.»

«Сенинг кўзларингизда эса масъумлик бор экан, Муат. Афсус, жуда кеч англабман. Кечикдим, эшитяпсанми?»

«Ҳа, кечикдингиз, афсус...»

«Мен энди қандай яшайман, Муат?! Биласанми, сени... севар эканман...»

«Мени алдаманг. Севишингиз... ёлғон!»

«Қанийди ёлғон бўлса! Рост, ишонгин, рост...»

«Йигитларнинг бари алдамчи, билсангиз. Лекин барибир сўзларингизга ишонгим келяпти, негадир. Мен сиздан кўнгли узолмас эканман, энди англадим, энди...»

«Мен аҳмоқ эса сендан... Кечир...»

«Ёнимда ўтирган мана бу бегуноҳ одамга ичим ацияпти, Иброҳимжон.»

«Нега ўзинг йўлимни тўсиб чиқиб, ҳаммасини айтмадинг. Муат?! Нега?!»

«Бундан бир нима чиқишига кўзим етмасди-да. Қолаверса, менда ҳам ғурур бор...»

«Мана шу мағрурлигимиз боис шу аҳволга тушиб қолмадикми, жоним?»

«Эҳтимол...»

— Муаттар, сенга нима бўляпти? — дугонасининг овозидан чўчиб тушди у. — Тўғри ўтирсанг-чи, ҳамманинг кўзи сенда, ахир.

Шундан сўнгина, атрофда Иброҳим икковидан бошқа одамлар ҳам борлигини, ўзининг тўйи бўлаётганини, бу одамлар шунинг учун тўпланишганини эслади. Бирдан қўрқув ичра куёвига қаради. Ҳеч нимадан хабарсиз бу йигит бошини ерга эгиб, оёғи тагига тикилганча одоб сақлаб, куёвлик «қонун-қоида»ларига риоя қилиб тинчгина ўтирарди. Шу топда келинчак ўзини хиёнаткор ҳисоблаб, ичида шум тақдирни қарғади. Аммо зум ўтмай, кўзи яна ўша томонга тушди-ю, ёнидаги бегуноҳини ҳам, бошқаларни ҳам осонгина унутди. Гуноҳкори ҳамон нигоҳида алам ва афсус, келинчакка тикилиб турарди.

«Мен энди нима қилай. Муат?»

«Кетинг...»

«Нега энди?»

«Ўтинаман сиздан. Кетинг бу ердан...»

«Не десанг, барига розиман, фақат ҳайдама, илтимос.»

«Унда менга қараманг...»

«Ўзинг қарамасанг бўлади-ку...»

Бегуноҳи унга пиёлада чой узатди. Келинчак қўлини қайтарди. Хонанданинг ғамгин қўшиғи энди қулоғига чалинди:

Хуш қол ёрим, тақдир сени

Менга кўрмади раво.

Бу дунёнинг исми гулмас.

Пул дунёдир, бу дунё...

Яна... қарагиси келди гуноҳкори турган томонга. Энди у ўзининг келинлигини ҳам тамоm унутганди. Қаради...

«Кўзларингиз... жудаям чиройли...»

«Кўзларинг... жудаям ғамгин...»

«Ушанда нега онамни хафа қилиб жўнатдингиз?»

«Мен хабарсиз эдим, ойим...»

«Сўнг... хабардор бўлдингизми?»

«Ҳа...»

«Демак, сиз...»

«Қип-қизил аҳмоқман! Бошимга қўнган бахт қушимни ҳайдаб солдим. У эса учиб бориб, манави тавиянинг бошига қўнди!..»

«Нимага кўксингизни чангаллаб олдингиз?»

«Юрагим...»

«Вой шўрим...»

«Ҳечқиси йўқ, ўтиб кетади...»

«Қаттиқ оғрияптими?»

«Э, йўқ. Қараб тургин, ҳозир бир иш қиламан. Муат.»

«Нима қилмоқчисиз, Иброҳимжон?»

«Тўйингни бузаман!»

«Йўқ, истамайман. Унақа қилманг!»

«Ҳалиям кеч эмас экан. Икков бош олиб кетамиз бу ердан.»

«Кераги йўқ, Иброҳимжон! Кечикдик!!»

«Кеч эмас... Мана қараб тур, ҳаммаси яхши бўлади.»

«Йўқ!!! Мени севсангиз, ундай қилманг!!!»

«Демак... Севмас экансан-да? Ҳаммаси, ҳаммаси саробмиди?»

«Мени тўғри тушунинг. Сиздан бошқасини севолмайман.»

«Унда қаршилиқ қилма-да, Муат. Биз узоқ-узоқларга кетамиз.»

«Бўлмайди... Дадамнинг феълини биласиз-ку. Аччиқ устида онамни бир нима қилиб қўяди... Мени севсангиз, тинчгина кетинг бу ердан. Узингизниям, мениям шарманда қилманг...»

«Наҳотки, кечиккан бўлсам?!!»

«Қўйинг, энди бари беҳуда. Сиз ҳам бахтингизни топиб кетарсиз...»

«Бас қил, Муат!»

Келинчак яна дугонасининг биқинига нуқишидан ўзига келди. Бўлди, бошқа қарамайман у томонга, деди ўзига-ўзи, қатъий қилиб. Тун ярмидан оғиб, тўйхонада ҳам одам сийраклашиб қолибди. Хонанда қўшиғини якунлагандан сўнг, келин-куёвга рухсат берилди. Чимилдиқли уй остонасига етганда, келинчак таққа тўхтаб қолди. Гуноҳорининг порлаб турган, ўтли, чақноқ кўзларини яна бир бор, сўнги бор кўргиси келди. Бегуноҳининг қўлтиғидан аста қўлини тортиб олди. Секингина ортига ўгирилди. Гуноҳори... ундан ўн қадамча нарида, шу ёққа талпинган кўйи жовдираб турарди. Чақноқ кўзларида эса, оқ марваридлар ялтирарди.

«Ҳалиям фурсат бор, Муат.»

«Йўқ, ке-чик-дик...»

«Энди қандай яшайман сенсиз? Телба бўлиб қоламан-ку?...»

«Мен эса сизни севиб қолганимдаёқ телба бўлгандим.»

«Алвидо... Аммо барибир севаман сени...»

«Мен ҳам, Иброҳимжон...»

«Бахтли бўл... Қўй. Йиғлама...»

«Хўп... Алвидо, Иброҳимжон!..»

Келинчак нима бўлаётганига тушунолмамай ҳайрон турган бегуноҳининг измига бўйсунди-да, гўшангага қадам босди. Ёнидаги дугонаси елкасидан тоғ ағдарилгандай, хайрият, дея чуқур нафас олди. Тўйхонада қулоқни қоматга келтиргундек бўлиб энг сўнги қўшиқ — «Ёр-ёр» янграрди...

## Улмас Ҳусайн

Улмас Ҳусайн — Самарқанд вилоятининг Ургут туманида туғилган. Армияда хизмат қилган. ТошДД журналистика куллитининг сиртқи бўлимида ўқийди. Ойномада биринчи бор чиқяпти.



# Тўнгда Регистонга кўнаркан хилал...

\* \* \*

Кунлар сўлий бошлайди такрор,  
Сув юзига ажинлар тушган.  
Мен-чи, сени эсладим зор-зор,  
Мен-чи, сени изладим тушдан.

Япроқларнинг юзларида доғ,  
Тушларида у яшил кунлар.  
Ёмғир эзиларкан кўп узоқ,  
Кўзларидан тўкилар мунглар.

Дилим, ипсиз боғлаган ўнгири,  
Тобе қилган оёғим сўқмоқ.  
Мен ортингдан боқиб негадир  
Елғизлигим ўйладим кўпроқ.

Йироқларга турналар билан  
Учиб кетмиш яшил майсалар.  
Мен-да, учиб кетардим бир дам  
Дилимдаги ғамлар кўйсалар.

## Қадимий кўшик

Топ-тоза, мовий бинафша  
гумбаздан томган томчи  
чеҳрангдир, далалар ошган  
майсалар эса сочинг.

Улар тўпиғингга тушган,  
ювсанг сув тутади чашма.  
Ҳино ҳады этади ранг,  
анбар мушк тутишга ташна.

Оппоқ капалак кўнган  
нигоҳинг борлиққа ёйилган.  
Уларни банд этмас бир ранг  
сарғайган, сарғайган, сарғайган.

Боз ўтиб кетяпсан кўрмай,  
даст кўтарса-да ёбон.  
Заъфарон рўйимни нетай  
буғдойзор яширса осон.

\* \* \*

Қоронғулик кўнар,  
боғларга сийрак,  
аралашиб кетар шабада унга.  
Ҳаяжондан энтикар,  
кўчада терак  
ненидир шивирлаб дилимга.

Кўшик айта бошлар қизалоқ шодон:  
«Вайишзор ям-яшил,  
пастдагина осмон.  
Сиз ҳам келинг ҳовлимизга,  
эртак айтиб беринг бизга  
О й м о м а ж о н !»

Субҳидамдан эринибгина,  
Ёғаётир зарралаб ёмғир.  
Қаён бормай, маъюс ва хира,  
Қаён боқмай, хазонли бағир.

Унинг ҳазин товшидан титраб  
Ўзин олар панага хазон.  
Ёмғир эса ҳамон зарралаб  
Ёғаётир нафис ва равон.

Катта-кичик бари бўлиб жам  
Кўчаларда ялтирар тошлар.  
Нақшинкор шарқ дарвозасидан  
Дарахт келар шамолни бошлаб.

Деразадан қизалоқ маъюс  
Термуларкан сарғимтир кузга,  
Кўзларини сочлари эмас,  
Сарғётган хаёллар тўсган.

## Самарқанд

Олдида сарғайган, қадимий китоб,  
Тарихдан дарс ўқир Афросиёб.

Ҳужраларда банди тил, одоб ҳам урф,  
Бу сирни ҳеч кимга билдирмайди қулф.

Тунда Регистонга қўнаркан ҳилол,  
Осмон ўз аксига термулади лол.

Қизлари зар дўппи кийишар бошга,  
Фақатгина Бибиҳонимдан бошқа.

Теракнинг ёллари тўзғиган,  
Шабада илқида тароқ.  
Сен-му гулоб билан бош ювган  
Ёмғир остидаги жийда?.. Оҳ!

Қўлимда қамишнинг танасидан  
Бир найлик олинган таёк.  
Сами пичоқчининг ҳовлисида  
Гулсафсан сотармиш пичоқ.

Ўтаман таниш кўчадан,  
Дарахтлар ростлашади бўй.  
Жилмайиб кўяди менга майин  
Пишиқ ёиштли уй.

Най қачон тилга кираркан,  
Ҳали атрофда жимлик.  
Шабада олмоқда ором,  
Теракнинг ёллари силлик.


## Аср деворидан мўралаб

Сўз «Ўтган кунлар»ни ташлаб,  
Топаркан эл оғзидан ошён.  
Муסיқа оёқларни михлаб,  
Бошни чайқалтираркан равон.

Оналар айтаркан алла:  
Маъюс, мунис, ҳазин.  
Қизлари билан бирга  
Сочлар ҳам ўсаркан узун.

Дил инжулари — ғазални  
Қарз беравераркан мозий.  
Келажак элининг насли  
Ҳозирча шунга рози.

Юввош, озғингина болалар  
Қолмаскан ғўзага ўралиб.  
Ҳозирча англаганим шулар  
Аср деворидан мўралаб.







## Абдурасул Жумақулов

Абдурасул Жумақулов Сурхондарё вилоятининг Шеробод туманида туғилган. 1990 йил Тошкент Давлат Дорилфундуининг журналистика кўллитини тамомлади. Айни пайтда вилоят «Ленин байроғи» рўзномасида хизмат қилмоқда.



# Олиб келди исминини шамол...

## Барглар узилиб тушади

Барглар узилиб тушади ерга —  
Сен бунга парво ҳам қилмайсан.  
Тушаётган баргларда балки  
Ҳисобланар умринг — билмайсан.

Барглар узилиб тушади ерга —  
Сен буни ўйлайсан хазон деб.  
Яхшироқ, эътибор берсанг-чи,  
Балки улар чорлар: «Ўйғон!» — деб...

## Ука

Бир куни, пахта даласида,  
Ўз опамнинг терган пахтасин  
Ўғирлаб, бажардим нормамни.

Шунда, мени роса мақташди,  
Опамни койишди уялмай  
Ишбоши ва муаллимимиз.

Эсласам, йиғлагим келаверади...

## Манзара

Олиб келди исминини шамол  
Ва қайтарди қушлар жўр бўлиб.  
Кўкка чиқди оппоқ булутлар  
Аскарлардай сафга тизилиб.

Чақмоқ чақди, момақалдирик,  
Гўё осмон кетди ўйилиб.  
Гурра ўчди, шунда, қушчалар  
Юраклари паққос суйрилиб.

Дарахтлар ҳам ўйғонди, сўнгра,  
Булутларни соғишга тушди.  
Шохчаларда жажжи куртаклар  
Тўйиб-тўйиб сутлардан ичди...

## Меҳмонхонада

— Жой йўк, — деди бизга  
Сочлари қирқилган  
Бир ўзбек қизи.

Кейин, кўз олдимизда  
Жой берди кулиб,  
Бир чет элликка...

— Булар меҳмон,— дея,  
Тушунтирди сўнг.

Шунда мен ўйладим:  
Балки бу чет эллик меҳмон ҳам  
Ачингандир бизларга роса,  
Четдан келмаганимизни билиб?!

\* \* \*

Кунлар ўтар йил каби узоқ,  
Соғинч ўти қийнайди ёмон.

Календарнинг ҳамма варағин  
Йиртиб ташлаганман аввалроқ.

Бу ҳам фойда бермади,  
Энди  
Қандай қилиб вақтни ўтказай?

### Ой

Осмон — бешик,  
Доғли ой — Она.  
Ухлатгани қўймас ҳеч,  
Шумтака болалари —  
Юлдузлар.  
Туни билан бешик тебратиб,  
Чарчамайди бечора Она...

### Ўзим эсимга тушиб...

Сени ўйласам...  
Яшагим келади ҳатто минг йиллар.  
Фикримдан қайтаман дафъатан,  
Ўзим эсимга тушиб!

### Кечикиш

Баҳор каби очилиб гулгун,  
Севги келса эшигим қоқиб,  
«Ҳали эрта», дея мен унга  
Қўймадим ҳам, ҳатто бир боқиб.


Бир кун келиб сездим ўзимда,  
Бир ўзгариш, бир ҳис ўзгача...  
Шунда аста севги эшигин,  
Чертсам,  
Деди: энди кеч жуда...

### Сен кетгач

Сен йиғладинг...  
Кўзларингдан тўкилди,  
Еш бўб юлдузлар.

Тонг бўлмаса-да,  
Гулларга тушди шудринглар.

Сўнг, сен кетгач,  
Юлдузлар-у, шудринглар  
Мен билан қолди...



Акбар Юнусов

## Хазончинак

Қисса

Етти иқлимнинг сардори азими Тошкент шаҳрини, шоир айтгандек, «сувини ичган чумчуқ ҳаждан келади», яъни атеист бўлади. Тошкентликмиз. Шаҳарлик ҳам боғсиз бўладими, боғ ҳовлимиз шаҳарнинг чеккасида — биқинида. Қай томондан келмоқчисиз? Яхшиси, эски шаҳардан, Самарқанд дарвоза йўлидан келинг. Дарвоза йўқ, керосин дўконининг ўнг тарафида, чапда сберкасса, яъни автобуснинг охири бекатида тушасиз. Мозордан кейин Захарикдан ўтиб, терифурушларнинг собиқ чойхонаси бор-ку, ўшани ёнлаб далага чиқасиз. Буёғига оёқдаги этикни ечиб олинг. Осма кўприкка келасиз, ўнгда Сқтепа электростанцияси йўли. Унгга буриладигани Чўпонотага олиб боради. Бизни десангиз чапга, тош терилган Байналминал кўчасига буриласиз. Билқ-билқ тупроқ. Кўркманг, тупроқда микроб йўқ, бодга даво. Хоҳласангиз анҳор ёқалаб, тепа ўстидаги илонизи сўқмоқдан юринг. Ҳазир бўлинг, сўқмоқнинг икки ёни чақиртиканак — янтоқ орасига ит қовунни олиб, найзали писмиқ шохларини сўқмоққа ташлаб, оёқяланларни кутиб ётади.

Шундоқ борасиз. Тепаликлар устидаги иккита тут дарахти орасига тахта қоқилган. Машина бекати. Озгина юрсангиз ариқ, чимзор. Тепаликда ёнғоқ бўй қўйган. Мақтанса арзийди, ёнғоғи зўр-да! Тунов куни катта танаффусда болалар билан ёнғоқ уриштириб бир дўппи мағиз ютиб олдим. Шундай мағизки, донасига юзта ёнғоқ ҳам кам. Уша ёнғоқнинг у ёғи — бизнинг маҳалла. Икки чети девор билан ўралган боғлардаги дарахт шохлари кўчага осилиб туради. Беҳи сизни қутлаб, олтинранг юзидаги кулдиргичини бекитгандек, пастга қараб, ноз ила мўралайди. Шира олиб, лунжи тўлган нокда димоғ йўқ. Оҳ кулча юзингдан!.. Йўлингизда паққа ёрилиб, оппоқ мағизини кўз-кўз қилаётган ғалвиракка-ку, бефарқ қаролмайсиз. Мирқуруқ тераклар гердайиб, баргларининг оппоқ томонини офтобда липиллатиб мақтанади. Бошқа ҳеч нарсаси бўлмаса қийин-да! Мингга кирган сададаги қирғийнинг инига нима дейсиз? Бўғчаси тушганда боласини олиб боқсангизми?! Э, ўйламай қўяқолинг, Қори аканинг боғи-я, бузоқдек ити бор, гўштингизни шилиб олса мактабдаги анатомия хонасига тушиб қоласиз.

Маҳалламизга Бешёғочдан, «Рот-фронт» кинотеатри бор-ку, ўша ёқдан Муқимий томошагоҳи ёнидаги сув ёқалаб келаверасиз. Тўқимачилик комбинатидан бўлса, Бўри-жар орқали юрасиз.

Бобокалоним жаҳонгашта бўлган экан. Бой бўлмаса ҳам беш-олти туяга мол ортиб Туркистон, Булғор, Астрахан; буёғи Фулжа, бу ёғи Бағдод, Жазоир, Маккатилло, ҳатто денгиз ошиб, Андулизнага ҳам ўтган экан. У мактабда ўқимаган, жўғрофияни билмайдди. Қандай бориб келган, ақлим етмайди. Қарқуноқ боққандим. Кузда учиб кетиб, баҳорда боғимизга қайтиб келади. Хўш, қарқуноқ ғирт саводсиз, устига устак забони йўқ. Поездга ҳам тушиб кела олмайди, пули йўқ. Йўлни қандай топган? Ана, кўрдингизми, маҳалламиз ернинг марказида. Ҳамма йўл бизнинг маҳаллага олиб келади. Ёмони —

маҳалламизда газ сув сотилмайди. Ҳар эллиқ қадамда ариқ шариллаб оқади. Дўппини олингда, уйдагилардан калтак ейишдан кўрқмасангиз, сув тўлдириб ичаверинг. Дўппи бошга ҳам, бошқа нарсага ҳам керак. Тут териб соласан — қораяди, сув ичасан — пилтаси чиқади. Ёнғоқ соласан — кўкаргандан баттар бўлади. Авра-астарини фарқлаш қийин бўлиб қолгач, ойинг ёки даданг бошингдан олиб улоқтиради. Маза, иккитасини оласан-да орасига пахта тиқиб тўп қиласан, токи бир кампир ёки чол ҳассасини отлиқ аскардек кўтариб қўламагунча кўча чангитиб ўйнайверасан.

Маҳалламизга шаҳардагидек даранг-дурунг соатнинг кераги йўқ. Азонда, соат бешда акамнинг «Гладиатор» хўрози қичқиради. Нур аканинг эшаги беш яримда ҳанграйди. У ёғига олти, еттиларда тўқимачилик комбинатининг гудоги овоз беради. Акбар махсум ишга ўтдими, молга терт қоравер. Одил гирён ашуласини ванг қўйиб, шаҳардан қайтдими, соат тунги икки деявер.

Биз болалар соат саккизда боқибёғам сигир ва қўйларимизни калтак билан илҳомлантириб, гўшт ва сут саноатини ривожлантириш учун кўзларимизни уқалаб, анҳор бўйига ўтамиз. Колхоз даласининг четида молни дарахтга боғлаб, ё қозиққа банди қилиб қўямиз-да, ўйинга киришамиз. Мол-да, экинзорга кириб кетаверади, бодрингни ҳам, сапчани ҳам тушириб, раҳматига палагини янчади. Гуноҳдор ким — биз! Калтак ҳам бизга насиб этади.

Мол боғландими, бу ёғи кечгача ўйна, кун ўтқаз... Кўкаргунча чўмиламиз. Аввал анҳорга калла ташлаб чиқамиз-да, кейин иштонни ечиб, қуритгани дарахтга осиб, яна ўзимизни сувга ташлаймиз. Диргизлай бошлагач, чиқиб иссиқ тупроққа кўмиламиз. Озгина қанд ёки шакар топсак, миндал пиширамиз... Ўрик-мўрик — кекирик, данакманак — тартарак... Гоҳо ўртоғимнинг кўзини шамғалат қилиб, сигирини дўппига соғиб ичсам, у аллақачон эчкимни эмиб қўйган бўлади.

Бу ёз Рихсевой аканинг Москвада ўқийдиган катта ўғли Ҳасанбой каникулга келди-да, бизни Тўғонларнинг уйи олдидаги чимзорга йиғди. Тўғонни билмайсизми, акаси бор-ку, Аҳмад чирмандақай! Стаканда чой ичолмайди: бурни халақит беради. Узиям бурунмасан бурун: ёнлаб турса Жинкўчага эшик бўлади-ёв.

— Хўш, йигитнинг кўрки, ғурури, салоҳияти, салобати нима? — деб сўради у.

Чуғурлашдик:

— Мўйлов.

— Велосипед.

— Соат.

— Брезент туфли билан каломинка шим...

— Йўқ, — деди Ҳасанбой кулиб, — йигитнинг кўрки куч-қувватида! Спорт билан шуғулланиш керак.

Маҳалланинг бошидаги ёнғоқ ёни тикан босган майдон. Молларни йиғиб, икки-уч марта пода қилиб чоптирган эдик, тиканларни эзиб ташлади. Кетмонни олиб текисландик. Футбол майдони бўлди-қолди. Иккита олма дарахтининг ораси — дарвоза. Иккинчи дарвоза тоғолча билан тут. Дарвозани ҳисоблагач, Абдужалил:

— Икки қадам тўрт энлик, дарвоза қисқа. Дарахтни кесиш керак, — деди.

— Аччиқ оқ олмани-я? — сўради Абдужаббор кекирдагини чўзиб.

— Футбол федерациясининг низомига ўғри келмайди.

— Олмани кесгандан кўра ўша низомни ўзгартириш керак. Хўш, бу ерда ким кўриб ўтирибди?

— Федерация олма борлигини билмаганда...

Бирдан Абдужалил кўйлагини ечишга тушди. Иккови даканг хўроздай — қўллари белда, кўкраклари олдинда. Уришмоқчи. Тўғри-да, муштлашганда бир еринг ёрилса бити кетади, кўйлак йиртилса уйдагилар соғ қўядими? Уларни ажратиб қўйдик. Абдужаббор ҳақ бўлса ҳам ёнини олмадик.

Тарафма-тараф бошланди:

— Аҳмад полвонми, ё Ҳожимуқон?

— Пачо Вилями, ё Григорий Сакадзе?

— Оқ ўрикми, тоғолча?..

Команда тузилди. Ўйин бошланди. Тайм йўқ. Ўйин муддати — йигирмата гол ургунча. Футбол командамизнинг довуғи етти даҳага тарқалган. Маҳаллалар командаси билан келади, копток қилиб дарвозага урворамиз.

Шон-шўхратимиз шаҳарга етиб, ҳақиқий команда келадиган бўлди. Тренери бор эмиш. Майка-трусикларда, бутсида ўйнар эмиш. Майли, куч синашиб кўрамиз. Тайёргарлик бошланди. Майдон қайта текисланди, чизиққа оҳак сепиб чиқдик. Форма йиғиш бошланди. Капитан Абдужалилга трусик, майка топдик. Султонга маза, байрамда киядиган Хомичнинг шапкасига ўхшаш шапкаси бор. Сўзсиз, дарвозабон.

Аҳмад капитан бўлмаса янги камерасини бермайдиган бўлди. Бир овоздан капитанга ўринбосар қилиб сайладик. Ўйин куни азонда уйдан чиқиб маслаҳатлашдик. Меҳмон-да, улар учун бир челақ, сал эзилган бўлса ҳам, шафтоли ва узум тайёрлаб, толзордаги сув ювган илдизлар орасига бекитиб қўйдик. Ўйинчиларни мол боқишдан озод

қилири тадбири кўрилди. Мен текинга «Тумпай» деган кўй билан «Ханжар» эчкини молимга кўшдим. Оёғим чўлоқ бўлгани учун ўйинда эмасман-да!

Меҳмон команда машинада — немисларнинг ўлжага тушган автобусида келди. Формаларини сумкаларига солиб олишган. Бизда бўлганида байрамда киярдик. Абду-жаббор бечора чеккасини ушлаб, бекорга коптокни пуфлаб юрибди. Уларнинг насоси бор экан. Ютқизамиз-ов...

— Қўрқмаларинг, ҳаммасини ўйин ҳал қилади, форма эмас, — далда беради Ҳасан ака.

Футбол шарҳловчимиз Қосим олхўрининг тепасига чиқиб, ўтириб олди. Мабодо рақиб командани мақтаб қолса, пастдан кесак ғириллайди-да! Узини эҳтиёт қилмаса орқаси соғ қоладими? Алам қиладиган ери шуки, Қосим кун бўйи данакни тошга еди-риб ҳуштак ясаган эди, керак бўлмади. Уларда магазинники бор экан.

Узун ҳуштак чалинди. Командалар майдонга тушди. Султон бешик говрапечлари-дан оёқ ва қўлига гетр тикиб кийиб олган, сакраб рақсга тушади. Қонини юритиши керак-да! Биз тўқимачилик комбинатининг лахтак дўконидан олинган, ранги номаълум кўйлак-иштонлардамиз. Меҳмонларники бир хил: кўзни қамаштиради.

— «Старт» командаси физкульт!

— Привет!

— «Қозиобод» командаси физкульт!

— Привет!

Уйин бошланди. Султон дарвозадан коптокни ўтказиб юборди. Нусрат чидай олмай меҳмонларга аталган шафтолидан биттасини Султоннинг орқасига чаплади. Иккинчи голдан кейин командада тортишув бошланди. Наҳотки ютқазсак?! Абдужалил серпайтава, пўлат қуювчиларнинг оёқ кийимига ўхшаш ботинкасини ечиб улоқтирди. Абду-жаббор белбоғини пешонасига танғиди. Аввал йиқилиб, кейин коптокни ушлайдиган Султон куртдек сўкишларни эшитиб олган. Йўқ, Абдужалил дарвозабон билан яккама-якка чиқиб, гол урди. Ура! Қучоқлашиб ўпишдик. Шодланганимдан эчки — «Ханжар»ни қучоқлаб, соқолига лабимни босган эканман, шохини ўқталаб қувлаб қолди-ку! У билан «гаплашишга» вақт борми, сакраб ариқ четидаги беҳи устига чиқиб кетдим-да, тилимни чиқариб масхара қилганча футболни кўра бошладим.

Ҳисоб иккино уч бўлганда ҳакам ҳуштак чалиб, танафус эълон қилди. Команда толнинг тагига йиғилди. Султон ерга ётиб олган, болалар устига чиқиб бел, куракларини уқалашмоқда. Буям массаж-да! Абдужалилни кўйлак билан елпишмоқда. Қўйнимдаги жиззали нонни бўлиб бермоқчи эдим, ваз ўқиётган Ҳасанбой:

— Тўхта, нон емаларинг — оғирлашасанлар... Сув ичма, сув ичма — оғирлашасан! Оғзингни чай... Одил, чап тарафни ташлаб кетма... Тўлқин, ошириб ўйна, ҳовлиқма... Абдуазим, алдашинг яхши-ку, бошқа ўйинчиларга қарагин-да... — деб қолди.

Иккинчи тайм. Ҳисоб учу уч. Шарҳловчиларимизга кесак отилмайди, бемалол сайрапти:

— Қозиобод маҳалласи ҳужумда. Тўлқин икки ўйинчини алдаб ўтди. И-е, и-е... Тўлқин ўтириб олди-ку! Ҳа, оёғидаги тиконларни оляпти. Вей, турсангчи, бемалолхўжа. Жабо, майдонда капитанимизнинг волидан меҳрибонлари пайдо бўлди. Кўлларида калтак, капитанимизни қувлаб... елкаларига... соляптилар...

Ҳақиқатан ҳам Абдужалилнинг ойиси савағичини кўтариб олган:

— Ҳой, яшшамагур, сигирни ҳозир топасан, — деб майдонда ўғлини қувлар, Абду-жалил бўлса:

— Ойижон, ҳозир... Вой урманг... Тўлқин ошир!.. — деб чопиб юрарди.

Калтакнинг ҳам фойдаси тегаркан, Абдужалил дарвозага гол урди. Айб қаровчиларда, ўйинга қизиқиб кетишган-у, мол ечилган-кетган. Абдужалилнинг сигири ўлғудай саёқ. Ечилди дегунча бошини ҳам қилиб уйига чопади.

— Кечқурун уйга боришингни ўйла.

— Хўп, ойижон. Одил ошир!

Биз юдик. Меҳмонларни мева билан сийлаб, қўл бериб хайрлашарканмиз тренерлари Тўлқин, Абдуазим, Одилларни ўз командаси машғулотига таклиф қилиб қолди. Абдужалилни ёши катта деб унамади.

Шомга яқин ярим оч молларни ҳайдаб, орқасида ўйинга тушиб келяпмиз. Султоннинг бўйнида ялпиз ва гуллардан ўзи ясаган гулчамбар. Учқулоққа етиб, команда билан таққа тўхтадик. Қаршимизда ота-оналар қаҳр-ғазаб билан кутиб туришибди. Ҳозир қарши ҳужумга ўтишади. Кимдир қочди, кимдир қулоғидан чўзма еб вой-войлади.

Уй. Супада камина бошни ҳам қилиб ўтирибдилар. Тепамда отамнинг сояси, чироқ пилиги билан бирга липиллайди. Товоқдаги охирги жазни қошиқ билан айлантираман. Қорин оч, лиқ этиб ютиб юборсам ҳам бўлади-ю, аммо отамнинг қонуни бор: оч ёки касал бўлсанг жазоламайдилар. Акам аллақачон мошхўрдани ичиб олиб, томошанинг пайида ўтирибди.

Ойим аҳволни юмшатишга ҳаракат қилади:

— Адаси, қўйинг, энди бошқа копток ўйнамайди.

— Ақлим бовар қилмайди! Коптокни қувлашдан қандай манфаат кўради, а?

— Спорт одамни кучли қилади, — деб тўнғиллайман.

— Овқат еса-да! Аҳмад полвон ўн коса норинни кўрдим демасди, — отам ўридан туриб кетди-да, солдат камарини белига соғ қўли билан сириб кулимсиради. — Йигит сакраб қочмайди. Кўзни кўзга қадаб, панжа солишиб курашади. Эсимда бор. Аҳмад полвон Нўғай маҳаллада ўриснинг аскар-полвони билан курашадиган бўлди. Тумонат одам йиғилган... Э, Аҳмад полвон йигитнинг сараси. Рақибини кўтариб урганида ҳамма ўридан туриб кетади. Олқиш, офариндан фалак титрайди. Тўнининг барига пул сиғмайди. Эски шаҳарда байрам...

— Оқ подшочи, индамадими? — деб сўрадим.

— Кенас Константиннинг ўзи елкасига чопон ташлаб, нақд сўмни чеккасига қистирганидан кейин ким кўз олайтиради?!

— Адаси, жўхориға сув қўйган эдингизми?

Отам йўталиб, мўйловини бураб, боққа кирди.

Ойимнинг сиёсатини яхши тушунадиган бизлар эса, оёқни ҳам ювмай ўринга уриб кетдик.

\* \* \*

Маҳалламиз — Қозиробод. Бу ном тарих санаси бўйича янгиси. Бир чеккаси Тахтакўприқдан ўтсанг Думаобод, Нўғайқўрғон. Тахтакўприқдан нарига ўтмаймиз, футболдан ютганмиз: алам қилганидан болалари кўплашиб уришади. Маҳалламизда энг қадимий кўрғон Обид аканики. Қалъадек катта. Эшиги ёнида кичкина иккита минораси бор. Кўрғони бор одамлар муқим яшайдилар. Оралари ҳам узоқ, бақирсанг эшитилмайди. Ташқаридаги ёзги шийпонлари ёнида ҳовузлири ҳам бор. Биз эса, шаҳардан бориб яшайдиганлар зичмиз, боғимиз ҳам девор билан ўралган, ҳовлилар ичида. Аксари шийпон тикланган, ёнида қазноқ. Баъзилар уй ҳам қуриб олишган.

Бобомнинг айтишича, аввал фақат қалъа кўрғонлар қурилган. Тепасида минора бўлиб, ёв босса тўйнуғидан пилта милтиқдан ўқ отишган. Биттаси ошхонамизнинг тўсинига қистириғлиқ ётарди. Узун, учида икки оёғи бор. Обид аканинг кўрғони қачонлардир генерал Черняевнингми, бошқасинингми қароргоҳи бўлган экан. Ҳовуздан сал нарида, таппи ёпилган девор ёнида бир вақтлар икки замбарак турган ерда кавш қайтариб ётган сигир сизга бақрайиб қарайди. Кўрқмасдан бораверинг, сигир замбарак эмас, ёнидаги таппини отадими!..

Бизнинг ҳовузими ҳовли ичкарасида. Уч-тўрт хонадон ўтсангиз яна ҳовузга дуч келасиз. Жамоатники, бобомнинг айтишича, ёзда ҳавони юмшатиб туришга, қишда сув ичишга қазилган эмиш. Ёзнинг охирида маҳалла аҳли йиғилиб, ҳовузни тозалайди. Сув тўлғазиб қўяди.

Маҳаллага кирдинг тамом, ўзингдан сал катта иш буюрса бажармай кўрчи! Етти хонадон каттаси тергаб қолади: ҳўв, сен кимнинг боласисан, отангга айттирайликми, ё?.. Шунақа, кўринган одам борки, тергагани-тергаган. Бу ёмонми-яхшими ўзингиз билаверинг. Э-ҳе, маҳаллада не-не одамлар бор... бири шайтонни опичлаб юрса, бошқаси миниб олган. Қайбири шайтон, қайбири одам — билиб кўринг-чи! Яна ҳаммаси бақра дастир. Билими ўзига етарли. Ёстиқдек-ёстиқдек китоблари бор. Азонни булбулдак илгари туриб ўқишни билади. Тонг отгунча мушоира қилади. Асал дўмлани танийди, «Тошкент ҳақидаги дoston»ни ўқиб таҳлил қила олади.

Буларнинг ичида бобом бошқачароқ. Мушоира, китобхонлик деса эринмасдан шаҳардан тушиб келади. Кечаси мулла Ғайбуллони уйғотиб, супада тонготар суҳбат қуради. Отамнинг эса, жаҳли чиқиб кетади: эринмаган сарт шундан шуюёққа шеърхонликка кептилар-а!..

Отам шеърятдан узоқ одам. Сўфи Оллоёр билан Ҳожи меровни гоҳида ўқиб қўймаса қўлига китоб олмайди. Тўйчи Ҳофиз, Сойиб Хўжаевлар маҳалламизга кейин кўчиб келишган. Хотини раққоса Мирза чирмандаканининг боғи ҳам шу ерда. Нур ака деган киши бўларди. Бугунги маишати бўлса, эртасини жаҳаннамга отадиган. Бошқаларга ўхшаб у дунёсини суғурта қилдириб, жаннатга тушиш учун намоз ўқимас, пул ҳам йиғмас, бугунги жаннатнинг қўли эди.

Қаюм отани айтмайсизми! Сал девонасифат. Шу одам кўчада кўринди дегунча ҳаммамиз ўйинни йиғштириб олдиға чопамиз. Озғин, қирра бурун, доимо покиза итёга кўйлак кийиб юради. Ёзда ҳам кўкраги орден-медалларга, значокларга тўла камзулини қўймайди. Раҳбарларга хос виқор тўкиб юришни яхши кўради.

— Ассалому алайкум, Қаюм ота, — деймиш чуғурлашиб.

Қаюм ота жиддий, салобат ила бош қимирлатади.

— Қаюм ота, бизга икки тонна кўмир керак эди...

— Шўроникими ё даргамил?

Ойим орзу қилган кўмирни номини билмай бурнимни тортаман.

— Майли, иккисидан ҳам ёзиб бераман, — дейди Қаюм ота ва эшик олдидаги супагами ёки ариқ бўйидаги тозароқ ерни танлаб ўтириб олади-да, чўнтагидан муҳр босилган кичик-кичик қоғозларни чиқариб, араб алифбосида ёзабошлайди.

— Бизга икки метр чит...

— Укамнинг дармони йўқ, битта соғин эчки бўлса...

— Акамга этик, эскиси оёғига сиғмай қолди...

Қаюм ота бош чайқаб қўяди, ҳеч кимни ноумид қолдирмайди. Ота-оналаримиз етишмовчиликдан нолиб саннаганларида қулоғимизга нима чалинган бўлса, биз ўшани сўрайверамиз. Қизиғи шуки, негадир копток ёки велосипед сўрамасдик.

Керакли нарсаларни ёзиб бергач Қаюм ота ўрнидан туриб, виқор билан кета бошлайди. Биз эса, қоғозларни липпага қистириб, дўппи коптокни тепакетамиз. Албатта у қоғозлар қаерлардадир тушиб қолади, йўқотамиз. Биламиз, қоғозга ҳеч ким ҳеч нарса бермайди. Бу одатни Қаюм отанинг ўзи ўйлаб топган, лекин биз уни кўрдик дегунча чопиб боришимизни, йўқ нарсаларни ёздириб олишимизни қўймаймиз. Биз-ку биз, ҳатто катталар ҳам Қаюм отадан қоғоз ёздириб олганини кўрганмиз. Қайдам, орзу қилганимиз тўкинчиликни у қоғозда олиб келганига ҳам шукр қилардикми...

\* \* \*

Тахтакўприқда Толиб ака деган шоир одам яшар эди. Тирикчилик оғир, урушдан кейинги давр. Бечора хотинини гапига кирибми, Усмон Юсуповга хат ёзибди. Қабулига қақришибди. Бинонинг олдига келса, милиционер тўхтатиб ҳужжатини сўрайди. Кейин оёғига қараб:

— Калиш ифлос-ку, ечиб чиқинг, — дейди.

Шоир икки қадам оёқяланг юрмай милиционер яна тўхтатиб, дейди:

— Оёқ калишдан ҳам баттар-ку, кийиб кирақолинг.

— Ока, калиш шу ергача қўлтиқда келган, — дейди у.

Усмон Юсупов уни қабул қилади. Ҳажвий шеърларини эшитиб, мириқиб кулади-да, унга Марказқўм ихтиёридан пул, кўмир, чит, яна оила аъзоларига беш жуфт калиш ёздириб беради. Шоир бозорга чопиб, калишни пуллаб, ош харажатини кўтариб уйга келса, хотини ғазабга минади: «Эртани ўйламай ошга бало борми? Ҳар куни мошхўрда қайнаса ҳам оёқ бут бўларди-ку?!» Хуллас, эр-хотин яна қирпичоқ. Шоир аразлаб, чойхонага чиқиб ётиб олади. Эртасига десангиз, чойхона олдига кўмир ортилган арава келиб, шоирнинг уйини сўрайди. Шоир эса, аравакашнинг олдига чиқиб, димоғ билан:

— Қайтариб кетаверинг, керак эмас, — дейди.

Аравакашга барибир эмасми, отнинг бошини буриб, шаҳарга йўртиб қолади. Чойхонадигилар ҳайрон. Узлари келиб шоирга ёпишадилар:

— Қизиталоқ, сендан пул сўрамади... Уйингга кўмир керак эмасми, болаларинг бор. Ортиқча бўлса сот, рўзғорга ярайди-ку!

Лекин Толиб шоир қани энди «эгардан» тушса...

\* \* \*

Маҳалланинг ҳамма одами билан таништириб бўлмайди. Адабиёт умумий ҳаммом эмас, келинг битта деб қақирадиган. «Адабиёт халқнинг қалбида, — дерди бобом. — Қанча китобларни сувга оқиздик, лекин улар бизнинг хотирамизда. Биттаси руғликка қолса, халққа манзур бўлса, бас, ўзи кўпайтириб олаверади». Адабиёт халқнинг қалбида — хоҳласа жой беради, хоҳламаса йўқ. Келинг, унга минг хил йўллар билан киришга уриниб юрмайлик-да, дилдан сўхбат қура қолайлик.

Бобом одам боласини табиатдан ажратиб бўлмайди, дердилар. Хўш, табиатнинг ўзи нима?

Қоқ пешин, аксиргани эринасан. Айвон олди ҳовуз, ёнидаги супада ётибман. Ҳовуз атрофидаги толнинг тепасида балиқчи қуш питрак учиб, бирдан жим қолди. Чала уйқуда қушга қарайман. Қуш мавж уриб ётган ҳовузга ўзини уриб, «чўлп» этиб сакраган балиқни тумшугида илиб толга қўнади...

Бобомнинг айтишича, жонсиз нарса йўқмиш. Пахса девордан кесак ушатиб қарайман. Оқ чиғаноқ, ичи қавак... Деворнинг пастида эса, чўл қурбақанинг ини. Кечаси чиқиб, сакраб-сакраб юради. Оёқяланг босиб олсанг, этинг сесканиб кетади. Уша пайтда ўйлардим: бобомга ўшаб одамларда савод йўқ-да, табиатдан инъом-эхсон кутиб ўтиришади. Бобом уч тилда гаплаша олади. Араб, форс ва ўзбек тилларида. Янги алифбодан хабардор эмаслар-ку...

Эрталаб қаймоққа тўғралган ноннинг бир бўлагини оғизларига соладилар-да, ойимга қараб:

— Сигирга қарамай қўйибсан. Қаймоғида шира йўқ, — дейдилар.

— Катта неварангизни мазаси йўқ. Кўнгилга сиғмади.

— Кўнгилни кенг қил. Бечорани қийнаб қўйибсан. Одамда раҳм-шафқат бўлиши керак.

Бобом эринмай сигирнинг олдига бориб силаб-сийпашга тушади:

— Хафа бўлма. Эгангнинг қулоғини бураб қўяман. Қарамаса худди кўради... Сен ҳам шайтоннинг сўзига кирма, гина-қудратни унут...

Ойим ҳам баъзан қўй ва эчкилар билан шундай гаплашиб кетадилар. Гоҳида куйиниб уришадилар, гоҳида қўшнилари ғийбат қиладилар. Моллар ҳам қизик: жуда сезгир бўлади-я! Мабодо узоқ ерга тўйга кетиб кечиксалар сигир маърадим, эшикка

қарасанг, ойм кириб келаётган бўладилар. Биз тугундаги чувараю қатламаларни хомталаш қилгунча ойм ечинмаёқ сигирнинг олдига кетадилар. Табиати нозик «Тарғилой» деган сигиримиз бўларди. Ҳар куни кечқурун ойм ювиниб-тараниб, янги кўйлагини киймаса, тоқчадаги атирдан кўлига, қулоғи орқасига суртиб олмаса, жонивор сўт бермай челақни тепарди.

— Кўнглингнинг кўчасига куйдирги чиксин, — деб қарғаганларини кўп эшиганман.

Биз қуш боқар эдик: қарқуноқ, миққий, укки, яна алламбалоларни. Ишқили тез ўрганса бас. Кечқурун ойм бир парча гўшт тутиб:

— Ариқнинг четига кўмиб, устига чўп тиқиб қўй, — деб буюрадилар.

Зах ер тузланган гўштининг тузини шимиб олади. Қарқуноқ жонивор тонгда ношушта қилмайдими, чиғиллаб жонга тегади. Биз уйқуда пайтимизда ойм озгин гўшт бериб қўядилар. Шунча тезликлари билан қуш боққанимизга уришмайдилар. Бу жониворларда руҳ бор эмиш-у, забон йўқмиш. Узимча ўйлайман: сигирни саводли қилсанг-у, гапирмаса ҳам ёзса борми!..

Боғимиз уч бўлак эди. Айвон атрофига гуллар экилган. Сал нарисни кўкатзор укроп, кашнич, райхон, гармдори... Кейингиси боғ — мевазор, охири экинзор. Эшикдан то айвонгача узум. Икки ёки уч туп тути бўлмаган хонадон — хонадонми?

Оймлар бир куни бобомга шивирлаб қолдилар:

— Ғалвирак ёнғоқ бу йил ҳам ҳосил қилмади-я?

— Шунақами, гап қор қилмабди-да. Ошдан кейин «гаплашиб» қўяман.

Кулгим қистаб уларга қарасам, кўринишлари жиддий. Ош ейилиб, чой ичиладигач, бобом ойм билан кўз уриштириб олиб, ёнғоқнинг олдига бориб, насиҳатлаш тушдилар:

— Сув ичасан, ернинг мойини сўрасан. Гердайган қоматингдан ўргилдим. Кўрсатган қароматинг қани? Мирқуруқ терак эксам тўсинлик олардим. Эшак олма эксам мол еб ҳузур қиларди. Э, сени, — бобом аzza-баzza дўқ қилишга ўтдилар. — Болтани олиб чиқ, баҳридан ўтиб қўяман!..

Мен болтани олиб келиб бераман, ойм эса, дарахтни қучоқлаб оладилар.

— Адажон, раҳм қилинг. Эси кириб қолади. Янаги йил кўрасиз, бу йилгисини ҳам қўшиб мева қилади. Гуноҳидан ўтинг.

— Қоч, бўлмаса қўшиб чопиб ташлайман!

Бобом ёнғоқни гир айланадилар. Ойм ҳам ёнғоқни қучоқлаб бирга айланадилар. Қўлларидан болтани сопи лиқиллаган, тушиб кетай дейди. Охири бобом чарчаган болтани олоқтирар экан:

— Охири марта кечирдим, кейин сўраб ўтирмайман, шартта кесаман қўяман ўтин бўласан! — деди ҳансираб.

Ёнғоқ эса, индамай туради. Онам мамнун кулиб қўйди.

— Ана тушунди, ичида бир нарсани ёғиллади...

Бобом дарахт тугул экинлар билан ҳам гаплашадилар. Гилоснинг танасини сиқиб олаб, бизга танбеҳ берадилар:

— Гумроҳлар, анови ортиқча икки шохни кесанг, танасига қувват бўлади...

— Вой, бу ток меҳрсиз, етим бўлиб қолибди-ку!.. Бечора ғамбода. Хомток қилинмаган, уволи тутмайдими?..

— Бобо, намунча куйинмасангиз, ҳосил бермагани кесилиб, бошқаси экилади қўйилади-да! — дейман.

— Тентакнинг гапини қараларинг, — жиғи бийрон бўлади бобом, — «Сақи» деган узум бўларди. Бир боши бир пуд келарди. Уша узумни ҳам инсон йўқ қилиб юборди. Ўзинг ўйла бундоқ, кейинги ўн йил ичида қанча хил мевалар йўқ бўлиб кетди мади!..

Бобомнинг ақли кўзидами дейман. Шаҳардан маҳаллага келсак, у киши нурали кетган вайрона қўрғон олдига тўхтаб:

— Вой, жонивор-эй, олтинга айланиб кетибди, — деб нураган тупроғини кафтанларига оладилар. — Шу тупроқни ерга тизза бўйи тўкиб, узум эксангми, оҳ-оҳ, ҳосиллигини йиғиб чарчайсан.

Бобомнинг башоратлари тўғри чиқади. Бир куни тоғамнинг олдига келиб:

— Пастдаги бедазор нимжонлашиб қолибдими? Ҳовуз қалай? — деб сўрадилар.

— Икки-уч йил бўлди, тозаланмайди, — деди тоғам.

Бобом кетмон билан ҳовузнинг ичидан лой олди-да, қўлида эзгилаб ҳидлаб кўрди.

— Тобига келган, жума куни бедазорга ташланглар!

Пешиндан кейин сувни айқиртириб, пайкалға ҳовузнинг лойидан оқиша бошладилар. Биз, болалар ичига тушиб, бўтана сувни челақда ариқча ағдариб турибмиз. Уч куни ўтмай бедазорга қарасак, диркиллаб-яшнаб кетибди. Бобом ҳақ, у кишининг айтишича, илм кўрсатма эмас, фаросатга қанот экан. Қанот эса — меҳр-муҳаббат. Буни ичимда айтаяпман. Қулоғингизга чалинса ҳеч кимга ошкор қилманг. Фалончи нега бундан деярли деб, кўзини лўқ қиладиганлар камми?



Бувим ўлгач, бобом уйланиш ҳаракатиға тушиб, пул йўқлигидан нолиб юрардилар. Отам ҳазиллашиб, носвой пулиға уйлантириб қўяман, деб қолди. Гап эгасини топдими, ойимнинг жаҳллари чиқиб, жанговор ҳолатға келиб, икки кўрсатгич бармоқларини туклари тўкилиб, оқариб кетган духоба нимчаларининг чўнтагиға тикиб, гўдайдилар:

— Тил теккизманг, сиз отамға тил тегизманг!..

Отам кулиб, мўйловини бураб қўйди. Билардим, улар бир-бирларини жуда ҳурмат қилишарди. Отам ишдан келганларида ойимнинг кутиб олишларини кўрсангиз:

— Яхши келдингизми, бой бўлгур!..

Кейин, зипиллаб елкаларидаги сумкани олар, кўрпача солиб ўтқазардилар. У кишим шошилмай ўлтириб, оёқларини чўзар, ойим этикларини тортардилар. Йўқ, отам феодал эмас, старшина. Старшина феодал бўлмайди. Сталинградға бир қўлини ташлаб келган. Ечинганларида кўрсангиз, ҳаммаёқлари бомба ташланган даладай ўнқир-чўнқир. Куракни арралаб ташланган нақ ғор дейсиз.

Бир куни ўрикка чиқиб ўтирсам отам пайдо бўлиб қолди. Қўрқиб кетдим. Тоғамни-киға ўроққа юборган эди, аканг қарағай пилдир-пис. Ойим эндигина жўхорини чопиб чиқиб, иссиқдан ҳарсиллаб, кетмонға суюниб дам оларди. Отамнинг бўйинлари эгилган, нимадир деб ялинди. Ойим виқор билан қараб қўйдилар-да, уйға юрдилар. Қараб турибман, отам демаган қаққайганча қолдилар. Қўрқоқ! Ким айтади, ботқоқликдан станковой пулемётни кўтариб чиққанида генералдан бир пачка папирос ҳадя олган одам деб?! Танкка граната отганмиш!..

Вақт ўтгач билиб қолдим. Умуман, эркак зоти аёл кишидан қўрқаркан. Тилида дўқ-у, ўзи эмаклаб қолади. Мана, ўзимнинг ҳам бошимға тушиб турибди. Дилбар борку, ўша кўзимға тик қараб, кулимсирайди. Бошим айланиб, кўзим тиниб кетади. Лекин ҳўрмайиб:

— Нима ишинг бор? — деб тўнғиллайман.

Дилбар кулади, мен эриб оқаман!..

Хонадонда ҳафтадан бери тиним йўқ: ғазалхонликка тайёргарлик. Неваралардан иккитаси шаҳарға тушиб, катта мис сатил олиб чиқди. Бутун маҳалла бир оиладек асбоб йиққан. Индамас, кўзи қаттиқ қассоб Қудрат ака қўй билан икки эчки сўйди. Бобомнинг кўнгли тўлмай яна қўй буюрди. Холамнинг ҳовлиси катта. Ҳовуз четида уч супа, ҳовуз устида катта сўри бор. Маҳалладаги барча янги гилам, шолча, кўрпачалар ташиб келтирилди. Ишқом орқасиға ошхона қурилди. Кечадан бери болалар кўчаға сув сепган, супирган. Пешинларға борганда ёш болалар чопиб келиб, суюнчи олишди.

— Келишвотти, келишвотти!..

Бобом оппоқ салла ва чопонда, устидан мударрислар тўнидан кийганлар. Тўн Муқимийдан эсдалик. У киши Тошкентға келиб, мадрасада турганларида улфат тўнганлар. Қайси ҳажвиячининг косаси оқариб, бир жойда муқим яшаган. Оз ўтмай Муқимий ҳам Тошкентнинг казо-казолариға ёқмай кетиб қолган. Шу-шу, бобом тўнни фақат ғазал кечаларидагина кияди. Бўлмаса у киши мударрис эмас, кийишға ҳаққи йўқ.

Бир кун илгари бобом берган ироқи совунға чўмилган бўлсак ҳам оёқ қоп-қора. Биз, болалар, қатор туриб, елкаға сочиқни ташлаб, дастшуда чолларнинг қўлиға сув қуямиз. Тўйда, зиёфатда икки киши ҳўшёр бўлиши керак: чойхоначи билан ошпаз. Бобом тайинлаган ошпазу чойхоначи тахт туришибди.

Қуёш ботиб, одамлар ҳордиқ чиқариб олгач, бобом катта, четларида попилтириқлари осилган ёстиқ устидаги китобни икки қўллаб кўтариб келиб бедилшунос олимнинг олдиға қўйдилар. Давра жим, ҳамма китобға ҳурмат ила боқади. Домла дуо ўқиб, юзларига фотиҳа тортгач, ўқишға киришди. Вой-бў, кўзини юмиб, хониш билан ўқишини, эшитган одам сеҳрланиб қолади. Даврада ҳар ким ҳар хил ҳолатда қотган: биров хаёлга ботган — Бедил билан гаплашган, биров бошини қўйи солган... Домла узоқ ўқиди, кейин машшоқларға қараб имлади ва улар Бедил ғазалларини ашула қилиб қуйлай бошладилар.

Саватда оби нон тарқатилгач сездимки, норинға ҳаракат. Ошпаз қозондан охири қазини олиб, тери дастурхонға ташлади. Эркаклар ариқ бўйиға бориб, қазидан қирқиб оғизлариға солишгач, тўғрай бошлашди. Норин кишининг овқати, локин бобом ғазалхонликни норинсиз тасаввур қилолмайдилар. Нодир ғазални ҳис қилиш учун норин бўлиш керак. Нориннинг қуруғи тортилгач, шом намози, кейин бомдодгача танаффус бўлди. Меҳмонлар ботин айланиб, мевахўрлик қилдилар. Дастурхондан эмас, дарахтнинг ўзидан ейишға не ёсди! Меҳмонлар кетидан челақда сув кўтариб юрамиз. Узумни ё олмани ёққанини кўрсатишса, олиб тушамизда, сувға чайиб берамиз.

Э, буюғи менға аён, ҳамма билан хайрлашиб бўлгач бобом ҳовуз бўйида сувға узоқ тикилиб ўтирадилар. Бундай пайтлари ҳаммадан бизға маза, тўйиб овқат ейдиган давр келади. Уруш даври оти ўчиб кетган овқатлар — қозон кабоб, думбали мошкичири, ошларни тоза таъзирини берамиз. Қани энди, ҳар кун бўлмаса ҳам ҳафтада ғазалхонлик бўлса, маза эди-ку!..

Маҳалламизнинг номи Қозиробод бўлгани билан қозилари йўқ. Инқилобдан кейин қозиларнинг боғлари мусодара қилиниб, уруш даврида ногиронларнинг ёрдамчи хўжалигига айлантирилган. Боғларнинг бағри кенг. Бизда пастки боғ, юқори боғ, полиз ва бедзор, толзор бўлган. Қариндош-уруғлар бир-бирига ўн беш-йигирма сотих ерни инъом қилиб юбораверган. У боғлар ҳозир қани?!

Бобо нолиб қоладилар:

— Нур аканинг ўригидан энди ҳосил олиб бўлмайди. Қариб, меваси майдалашиб кетди. Кўккултоннинг уч нави йўқолди. Пахта олма ҳам эрта-индин у дунёга равона бўлади. Қайта тирилтиришга оллонинг қудрати етмаса, бу эътиборсиз бандаларга йўл бўлсин...

Бир бошлиқ келди. Урушда отлик аскар бўлган экан, отини кўрсангиз, ялтирайди. У келиши билан шафтолиларга қирон келиб, бедзорга айланди. Тепасида туршак бўлиб тушадиган ўрикни ҳам қирқтириб ташлади.

— Давлат ҳам қизқи-а, — бобом елкаларини учириб қўйдилар. — Бултурги беш-олти қоп шафтолиқоқ қаерга кетди, туршаклар қани деб сўрамайдими?

Собир тоғам кулди.

— Давлатники қоғозда. Уч бошлиқ йиғилади, акт тузади: ё бор, ё йўқ...

Бобом соқолларини силаб қўйдилар. Нима қилсинлар, давлат ишига араллашиб бўладими?

Ногиронлар боғига янги бошлиқ бўлиб келган кишини айтсангиз! Кўкраги нақ эгри қилич, бурни кўзидан юқори. Одамга ижирғаниб қарайди. На салом бор, на алиқ.

— Уйимиз кўйди болам, фариштасиз одам бошлиқ бўлди. Энди барака кўтарилди деявер, — дейди бобом.

Ногиронлар боғга мева пишганда келишади. Аравадан тушаётган қўлсиз, оёқсиз, юзларини чандиқ босган, шиша кўз одамларнинг кўриниши жуда даҳшатли. Бир куни кечкурун улар боғдан чиқиб қолишди. Бири ариқдан ўтди. Иккинчиси эса, қўлтиқ таёғига сирғаниб йиқилди. Учинчисининг қўли йўқ, ерга ўтириб елкасини тутди. Бирининг оёқ ўрнига боғлаб олган араваси тупроққа тикилиб қолган. Қўлтиғидан ушлаб кўтаришади. У бўлса, эммаклагандек судралиб, лапанглайди. Мен ҳайрон тикилиб, томоша қилар эканман, элкамга кимдир кўлини қўйди. Қарасам отам, кўзлари таҳдид ила боқиб турибди:

— Мабодо ғалаба паради бўлса, мана шуларни ўтказиш керак! Улар томоша эмас...

Барибир бошлиққа ҳавасим келади. У бир кун хўжаликни Собир тоғам билан бирга айланди. Кейин ширяланғоч, фақат бир иштонда ҳовуз олдида ўтириб, қоғозларини ёзди. Яъни, икки кун шаҳарга тушиб, пивоҳонада пивога тўйиб келгач, ақл қопини очди. Ва ёзди: «Кўчалардаги ҳовузлар кўмилсин, толлар қирқилсин! Ишқомга тол керакми, томарқангда ўстир. Ҳовузнинг ўрнига экин экилади!..»

Томорқаларни ҳам тафтиш қилиш бошланди. Нишонхўжа аканинг ўзи етиштирган узум нави кесилди. Ишчиларнинг қўлига тушгач, боғ ўлимга маҳкум бўлди. Ким жонкуйдириб парвариш қиларди дейсиз. Умуман, ногиронлар боғидан олиннадиган маош ўзингизга маълум, ҳеч нарса бўлмайди. Тўғрида-а, ишга чиққанга пул тўлагандан кейин, ҳосилнинг кимга кераги бор. Хуллас, тафтиш устига тафтиш...

Отамнинг кўзи ваҳшийлашиб, болтани икки оёғининг ўртасига олиб чархлашга тушди. Ойим атрофида айланиб, сўзи ўтмаслигини билиб, мўлтирайди. Нима ҳам қилиши мумкин? Бир пайт бошлиқ кириб келди. Отамни кўриб, ранги ўзгариб кетди-ю, мураса қилиш учун бўлса керак, тиржайди:

— Солдат, қайси фронтдансан? Эшитишимча старшина экансан.

— Қозиробод фронтдан. Сталинградда жумлаи-жаҳонни ҳимоя қилганман, ўз уйимни ҳимоя қилишга кучим етади.

Муштлашишга келганда отам бир қўллаб бўлса ҳам майдонга тушиб кетаверади.

— Солдат, ўзинг биласан: устав ҳаммага битта. Томорқанг уч сотих ортиқча.

— Уша ердан камида уч қоп жўхори чиқади. Ушасиз қишда беш бола очдан тиришади. Ер керак бўлса ана, қирқ сотихча ер, янтоқ босиб ётибди. Нега уша ерга экмайсанлар?!

— Старшина...

— Гражданман! Қулоқ сол, бу уй меники. Эшик олдига келиб тақиллат. Рухсат берсам кирасан. Эсингдан чиқмасин, сен Қатортолни забт қилмагансан. Хўп, бу гал кечираман, ташқарига чиқиб рухсат ол, кейин кирасан. Бўлмаса, чопиб ташлайман.

Отам кўлидаги болтаси билан бошлиқ томонга юрган эди, у тисарилиб чиқиб кетди. Қойил, кўрқмади, аммо чиқиб кетди. Лекин қайтиб кирмади. Исмат ўғриникига ҳам кирмади. Гўшт дўконининг мудури Одил қассоб билан бўлса, қўл кўтариб саломлашганча ўтиб кетди. Йўқса, унинг боғи уч баробар кўп. Тавба, қай ақл билан одамларга ер тақсимлашади-а?! Маҳаллада уришмаган эр-хотин йўқ. Калтакни еган моллар, Нур аканинг эшаги ҳам вақтида ханграмай қўйган эмиш. Супаларда йиғилишиб баҳслашишади:

— Мош, ловиянинг фарқига бормайди-ку, яна бошлиқмиш.

— Хати бўлса бошлиқ бўлаверарканми?

Носвой туфлаб бақиришган, шолчани муштлашган. Фақат Собир тоғам жим, маънодор кулимсираб ўтиради. Исмаат ўфғри эса кулиб, экинзорни отида босиб-янчиб ўтади. У ўзини таҳқирлатиб қўймайди. Супадаги чироқнинг пилиги уч марта кўтарилди. Собир тоға ўрнидан туриб, қайта ўтирди.

— Бандалар, эшитинглар, бошлиқлар сайланмайди, тайинланади. Қўлингиздан келадиган ишни қилинглар. Гап қопини бўшатиб, ишга ўтайлик. Ақлга ҳам жой қолсин, ҳа...

Эртасига бир қўй билан бир эчки бозорга маъраб жўнади. Собир тоға Кўкалдош мадрасаси олдида ароқ дўконидан хуржинни тўлдириб харажат қилиб келди. Одамлар (бошлиқнинг уйи ўтмишда қозининг уйи бўлган) кенг айвонли ҳовли деворининг орқасидан қараб туришарди. Собир тоға ичкарига кириб кетгач, улар енгил нафас олишди...

— Хайрият, Собир чиқиб қозонга олов ёқди...

— Нафси аждаҳо, оламни ютаман дейди-я... — деб қўйди бобом.

Маҳалла ишга тушди. Қозининг қаровсиз хонадони уйга айланди. Уч хонали иморат. Собир тоға извошда ногиронлар уйдан стол ва стуллар олиб келди. Иморат оққа бўялди. У «Оқ уй» номини олди.

Бошлиқнинг тиржайишида маъно бор экан: ана, энди ерга экаверинглар, лекин, ҳосилнинг улишини эсдан чиқарманг... Қўй боқасанми, марҳамат, битта, қўшиб боқ. Мояна ҳам маълум. Унда бошлиқнинг улуши бор... У шаҳарда бир ҳафта бўлиб, ёшгина, оппоқ, гўзал жувонни бошлаб келди. Бирга яшайбошлашди.

— Уч ойга етмай уйли-жойли, бола-чақали бўлиб олди. Маҳалладаги бечоралар ўн йилда ҳам етиша олмайди, — дейишарди одамлар.

Бошлиқ боғ айланмай қўйди. Бобом бош чайқаб тўнғиллади:

— Халқни йўмзаш учун чиқарилган қонун қонунмас. Адолат номи билан адолатсизлик қилса... Худонинг ургани шу-да!..

Куз яқинлашиб, ҳосил пишган давр. Тоғам бирдан ўзгариб қолди. Бошлиққа болта кўтарганидан буён у отам билан майин гаплашадиган бўлиб қолган. Негадир жума куни тоғам извошни азонда қўшиб кетди. Пешин бўлмай извош ва аравада ногиронлар кўринди. Орқаларидан эргашдик. Извош билан арава «Оқ уй» олдида тўхтади. Ҳамма уй тарафга қарарди.

Эшик очилиб, ярқираган этик, галифе шим, ички кўйлақда, димоғи таранг бошлиқ кўринди.

Ўзини кўкиш ранг босган, бир кўзи кўк, шалвирарган енгини қайишига қистирилган ногирон унга яқинлашди.

— Константин!

Бошлиқнинг ранги ўчди. Ногирон унга ташланди. Танидан куч ёғилиб турган Константин ўзига келиб, уни итариб юборди. Қочмоқчи бўлганди, ногиронлар оёғига ёпишиб олишди. Бошлиқ ғазабкорлар тўдасининг ичида қолди. Ҳамма бакиради, ҳайқиради. Сўлақлар оққан, судралган... Тоғам билан Нишонхўжа ака уни ажратиб олишмаганда мом эди-я! Анқайиб турибмиз. Бошлиқ демаганини маҳалла олдидаги катта тутга маҳкам боғлаб қўйишди. Бу ёқда Тўлаган аканинг тутқаноғи тутиб ётибди.

Пешиндан кейин қилич таққан икки отлиқ милиционер келиб, бошлиқни олиб кетди. Маҳаллада гап тарқалди. Маълум бўлишича, Россиядан келган ногиронлардан бири бошлиқнинг номи ва фамилиясини эшитиб ҳайрон қолади... Акаси... Ахир у партизанлар билан бирга қўлга тушиб, қишлоғидаги полицией томонидан қийнаб ўлдирилган-ку! Лаънати бошлиқ ўша полицейнинг ўзи экан.

Кечқурун ишқомнинг ичида бобомнинг ўйинга тушаётганини кўриб қолдим.

— Ҳақ қарор топди. Қарс, қарс...

Уйнаганларини кўп кўрганман, бобомнинг ўйинида қандайдир таҳдид, шиддат бор. Ёнимга отам келиб қолганини ҳам сезмай қолибман. Отамнинг фикрича, ҳақиқий ўйинга қилич билан тушилади, бошқаси кўнгил очар, баччаларнинг ўйини... Отам елкамдан тутиб, четга сурдилар:

— Қарама, уят бўлади.

— Бобом ўйнаптилар-ку!

— Учир овозингни, бобонг ўйинчи эмас, худога сифиняпти, сен нимани биласан.

Ҳақиқатан ҳам бобомнинг рақси ўзгача эди. Кейин тушундим: рақс ҳам тил экан... Ариқ бўйига келиб, жилдираб оқаётган сувга қараб ўйлайман. Рақс— ашула... У шувиллаб оқаётган сувга ҳам ўхшайди.

Ариққа оёғимни қўйсам сув ҳалқоб бўлиб, тўпифимдан ошди-да, яна йўлига равона бўлди. Мен сувни экинга бураман. Буғланади. Аммо уни тўхтатишга қурбим етмайди... Рақс ҳам шундай бўлса керак. Уни ўзгартиришади, бўғиб, ҳовузга йиғган сувдай йиғишади. Гоҳида бобомга ўхшаганлар топшириб юборади. Инсон оз яшаса ҳам ота-боболарининг минг йиллик ақлини ўзида сақлаб, керак даврда бирдан намоён қилса керак-да!

Ҳақим ака баҳор чоғларида ашула айтиб, кетмон чопганида ўтлар орасида ётиб шулоқ солардим. Ашуласи самимий, дилга куч берарди. Ашуласининг сўзларини ўзи ҳам тушунмасди. Билсам, у Қуръон суралари экан. Ашула қилиб айтгани учун қариялар

уни айблай олмас эканлар. Олимларнинг айтишича, одамларни кишанга соладилар, улар кишанларни жаранглатиб озодлик қушиғини куйлайди. Қаранг, кишан музика асбоби. Хўш ашулада нима гуноҳ?!

Бобом ҳам Ҳаким аканинг ашуласини ёқтирадилар. Мақтаб қўядилар:

— Қизиталоқ, Ҳакимнинг дили тоза-да, куйлаганда ҳаммани маҳлиё қилади...

— Дилнинг ашулага нима алоқаси бор? — сўрайман.

— Тил кўп, дил битта. Ҳаким ялло тушмагур оханг билан сўзлайди.

— Демак, бу байналминал тил экан-да?

— Ҳа, Абу Наср Форобий шу масалада кўп меҳнат қилган.

— Қачон?

— Э, буни Абдулла Авлоний биларди. Бешёғочдаги Алманий мактабида куй билан тарбияни қўллаган эди.

Бобом менга қараб тилини тишлаб қолди.

— Болам, гапларим шу ерда, ичингда қолсин. Мен ҳеч нарса деганим йўқ.

Эшик тақиллади. Бобом ёш боладек югуриб қолдилар. Кейин, хотиржам овозлари эшитилди:

— Эй, Нишонхўжа келинг, келинг. Тинчликми? Шу денг, неварамга ҳалиги, Исмат ўғри ҳақида гапираётгандим. Узи эшитиб турибдими деб қўрқиб кетдим.

Бўйдор ва пайдор Нишонхўжа амаки соқолини силаб, кулимсиради.

— Собир саркор қаердалар? Маслаҳатли иш чиқиб қолди.

— Шаҳарга кетган, ҳали-замон келиб қолади.

— Шунақа денг.

— Нега «Оқ уй»га ёпишиб қолдингиз? — сўради бобом.

— Пастки боғнинг узуми баркашга сиғмас эди. Энди-чи? Ит узумга ўхшайди. «Оқ уй»нинг эски деворларини ерга солсангиз борми, олтин оласиз.

— Собир-ку хўп дер, аммо одамлар-чи? Ким уларга ҳақ тўлайди?

— Бунақада ернинг умри ўтиб ётаверади.

— Нима бўлибди, — бобомнинг энсаси қотиб кесатди. — Тўртта бошлиқ келади. Акт тузади, қўл қўяди, кетаверади. Уларга ернинг додини эшитиш зарил келибдими. Вей, Нишонхўжа дейман, «Оқ уй»нинг паҳсаси қулочга сиғмайди-я!..

— Аравани берса ўзим ташиб қўяман.

Бобом бош силкиди. Нишонхўжа амаки шаҳд қилган ишини бажармасдан қўймайди. Айтганини қилади. «Оқ уй»нинг тупроғини узумзорга ўзи ташиди. Ёмон бошлиқнинг касри билан уй вайрон бўлди. Бу фалокат отамнинг ҳам оёғидан тортишига озгина қолди. Отам фронтда власовчиларнинг кўпини кўрган, билмаганларга айтиб берган. Шуни кимдир бориб чаққан. Катталардан бири келиб, мажлис қилди:

— Ёпиғлиқ қозон ёпиғлигича қолсин...— деди у, сўзини жумбоқ қилиб.

— Нима, сотқинларда тили қисқлиқ жойимиз борми?— бақриб юборди отам,— улар келиб хўжайиндек юради. Биттаси анаву бошлиқми, нима каромат кўрсатди!

— Муросаю мадора керак, бир учи халққа тегиб кетиши мумкин, — деди катта.

— Фронтда бунақа гап йўқ эди-ку! Хўш, чарм папкани қўлтиқлаб, қорин қўйиб юрганлар қаердан билсин буни?

Отамнинг сўзи бошлиқча тегиб кетган экан. Кўп ўтмай чақирришди. Бирдан ҳамма бизга қўрқув билан қараб, четлаб ўтадиган бўлиб қолди. Болалар ҳам қочадиган бўлишди. Кечалари чор-атрофга олазарақ қараб қариндошлар келишади. Отамнинг дўсти Жабборқул ака бот-бот йўқлаб туради.

Отам қайтиб келди. Соқол-мўйловлари ўсиб кетган, ундан қўланса ҳид келарди. Маҳалладагилар ҳайрон: фронтдан соғ қайтиш мумкин-у, аммо отам борган жойдан соғ чиқиш мумкин эмас экан. Узи тегирмонга тушса бутун чиқадиганлардан-да, деб қўйишади. Отам бирор воқеа бўлса, боғнинг пастидаги катта тўнкага ўтириб, узоқ ўй сурарди. Бугун ҳам ярим кечагача тўнка ёнидаги чўғ дам ўчиб, дам ёниб турди. Ухлаб қолибман.

Эрталаб шаҳарга бориб, ҳаммомга тушиб келган отам кир бўхчасини супага улоқтириб, деди:

— Менга жойнамоз бер!

Ойим суюнганларидан югуриб қолдилар.

— Яхши ўйлабсиз, адаси, дилингиз хун бўлиб юргандан кўра...

— Насихат эмас, жойнамоз бер менга!..

Отам диндорларни ёмон кўрарди. Кутилмаганда қўлида таҳорат обдастаси, бошини эгиб юриши кулгили эди. Хўш, отамнинг ўрнида бўлган инсон нима қиларди? Душман билан курашадими? Ким билан? Отамни чақирган жой биланми? Ахир шу жойларни фронтда душмандан ҳимоя қилган-ку! Қонида жангарилик жўш уриб кетиб, кўзига ҳеч ким кўринмайдиган ҳоллар ҳам бўларди, аммо танасида куч йўқ, ҳаммаёғи илма тешик, осколкалар танида ўйнаб юрибди.

Хуллас отам, эрталаб янги кийимларини кийиб намозга чиқади, бўш қолдилар, дегунча Қуръон туширади. Бир куни қўлимдаги китобга кўзи тушиб, сўраб қолди:

— Қанақа китоб?

— Хурофотга қарши.

Отам ҳайрон. Қошлари чимирилди, қўллари мушт бўлиб тугилай деди-ю, яна мохорка ўрашга тушди. Дарахтга суяниб турибман. Кейин, намоз ўқиш таъсири бўлса керак, ўз-ўзига гапиргандек паст овозда сўради:

— Биласанми, сен қаерда яшайсан?

— Бешёғоч даҳасининг Новза мавзесида жойлашган Қозиробот маҳалласида.

— Жуда яхши. Барибир Совет ҳукуматида яшайсан. Ҳукуматнинг қонуни бўйича диний эркинлик бор. Ҳар ким ўз эътиқоди ва имони бўйича иш тутиб, ибодат қилиши мумкин. Сен менинг ўғлимсан.

— Ун олтига кирган бола давлат олдида, қонун олдида ўзи жавоб беради.

— Баракалла, ақлингдан ўргилиб кетай, лочиним. Шу, бир уриб дарахтга ёпиштириб қўйсам савоб иш бўларди-ю... Ҳай, майли эшит, сен ҳозирча давлат олдида эмас, менинг олдимда жавоб берасан!

— Сиз, давлат қўйган раҳбар эмассиз.

— Мен давлатнинг граждани бўламан. Уни ҳимоя қилганман. Катталар динни менсимаса ҳам, давлатнинг қонунига бўйсунуши керак. Ҳозирча ўзи хон, ўзи бек бўлиб билганини қилапти. Вақти келади, ҳақиқат қарор топади. Ақл-ҳушингни йиғ. Сен кимнинг ўғли эканлигингни эсингдан чиқарма. Бўлмасам, оталик меҳрим ўлиб, ёмонликка юз тутсам борми, кўзимга ҳеч нарса кўринмай кетади.

— Тарас Бульба бўлиб кетасизми?

— Бу нима деганинг?

— Ўз ўғлини отиб ташлайди!..

— Имонли одам экан, агар ҳақиқат учун қилган бўлса... Обиджон бўлиб ҳам Тарасингни ишини қилишим мумкин!..

Отамга қараб кўрқиб кетдим. Кўзи Исмат ўғриникига ўхшаб ёнади. Кўриниши нақ Қудрат қассобнинг ўзи. Офарин, жасоратини жойнамозга ўраб қўймаган экан. Отам бирдан юмшади:

— Ўғлим, айтчи, нега динни айблаёсан?

— Ҳамма шунақа дейди.

— Ҳамма томдан ташласа сен ҳам ташлайсанми?

— Дин одамни кўрқоқ қилиб қўяди.

У хохолаб кулиб юборди.

— Ақлинг калталиқ қилди. Ҳақиқат ва адолат измини тутиш асли динда бор. Одам нафс ва ҳирс балосидан кўрқиши керак.

— Ўзингиз ҳақиқатни айтганингизда олиб кетишди. Тонгандирсизки, қўйиб юборишган. Кейин, намоз ўқишни бошладингиз.

Отамнинг кўзлари катта очилиб, қотганча қолди ва бирдан даҳшатли бақирик билан олдидаги хонтахтани бир қўллаб боши узра кўтарди. Сал нарига қочиб тўхтадим. Қўлидаги хонтахта супага тушиб синди. У ҳайкалдек оқарганча турарди. Кўйлагидан қон сизиб чиқа бошлади. Лол қолдим. Қон кўпайиб, отам йиқилди. Бақириб юбордим. Ойим қаердандир югуриб келиб отамга ёпишдилар. Отам онамга аста шивирлади:

— Айт, кетсин!..

— Бор, йўқол!..

Ойим кўйлакни кўтарганларида, отамнинг яраси очилиб кетганини кўриб, секин ғойиб бўлдим. Холамникига кетдим. У даврларда қариндош-уруғлар орасида бола ажратилмасди, ҳафталаб яшайверардик. Холам менга қараб:

— Шу ерда юравер, уйингда нима қиласан, — деб қўйдилар.

\* \* \*

Ёнғоқ паққа бўлди. Қарқиноғим тутқич бермай ўзи тирикчилик пайига тушиб қолди. Буёғи, энди қиш келиб, «шаҳар ҳовлисига», бу ердан кўринмайдиган ерларга учади. Қушлар жамоати ҳам ўз қонун-қондаси бўйича яшаши керак-да, ўзинг учун ўл етим. Сув зиллоллашган. Ариқларда жимит балиқлар тўдаси кезади. Барглар тин олгандек қотган. Кўчалар кимсасиз. Куз, ҳамма ўзи билан овора. Эр-хотинлар кузда уришмайди, ғийбат эшитилмайди. Гоҳида битта-яримта узум ўғирлаб, қўлга тушган йигитни гузарда дарахтга боғлаб қўйишмаса бошқа янгилликлар йўқ. Иш кўп. Бобомнинг айтишича, меҳнат инсонни нажас ҳислардан поклар экан.

Қишда гап-гаштаклар бошланиб, қимор, ичкилик, жанжал-тўполон, ғийбатларни авж олиши— ҳаммаси бекорчиликдан-да! Ҳозирча, ким сабзига яхоб сув берган, ким жўхорини қопга солиб, донини тўкиш учун дўппослаган. Ойим ҳам кўрпа-тўшакларнинг авра-астарини сўкиб, жунини савалаптилар. Савағич, каминадан ортиб, энди ўз ишини қилапти.

Тоғам тепаликка кўмма қилиб қовоқ эккан. Тикон орасида олтиндек товланиб сетибди. Ҳеч кимнинг тергиси йўқ. Тиконзорда оёқ соғ қоладими, бунинг устига илон кўп. Бу ернинг илонлари жангари, орқасидан кесак отчи, бошини кўтариб, кимсан,

дегандек қараб қўяди. Бобом, шарий тадбир, яъни психологик эксперимент қилдилар. Ҳамма невараларини йиғиб ваз ўқидилар ва фатво бердилар:

— Кимки битта қовоқ ўғирласа икки гуноқидан фориг бўлади. Қанча кўп ўғирласа шунча савоб...

Ёнғоқнинг тагида ўтириб, гуноҳларни ҳисобладик: алдасанг-гуноҳ, қўшнининг шафтолисини ўғирласанг — гуноҳ, сувга туфладинг — гуноҳ... Эҳ-эй, гуноҳнинг ичида кўринмай қолибмиз-ку! Илондан ҳам кўрқмай тепаликка ҳужум бошладик. Икки аравадан мўл келадиған қовоқни териб, замбилларда ташиб олдик. Бобом кечқурун супада ўтириб олиб бошларини чайқадилар, кулиб қўйдилар:

— Инсоннинг шайтонни кучли, ақл ўрнига алдаш ишлатмагунча ҳаракат қилмайди...

Гапларига яхши тушунмадим. Кексалар тушуниб бўлмайдиган гапларни қилиб юришади. Эртасига отам ёзи билан боққан ғунажин билан қўйларни бозорга судраб қолдилар. Бир кун илгари акамни холамникига жўнатган эдилар. «Қашқа» қўй акамга ўрганиб қолган. Илож қанча, ҳаёт раҳмсиз, қўйни сотишди. Акам мўлтайиб қолди. Э, одамзотнинг хом сут эмганлиги рост. Қўйни яхши кўради — сўйиб ейди. Гулни севади — узиб, чаккасига тақиб, гердайиб юради-да, кейин сўлиса отиб юборади.

Бу йил тринка шим билан брезент туфли эгаси бўлдим. Бурун осмонга тиргович, акамнинг юзида эса, алам: занжирли курткеси сиғмай қолиб у ҳам бизга тегди. Ҳазончинак пайт. Боғ ва полизларнинг тўсиғлари олиб ташланган. Бемалол киравер, ҳеч ким додламайди. Топган топалоқники. Беҳининг энг тепасида бекиниб ётганини уриб туширасан. Бир марта қўйлакка артсанг тўки қилиб, олтиндек товланиб кетади. Оқ аччиқ олмалар дейсанми... Полизлардаги бурнидан шираси оқиб ётган қовунлар-чи!.. Фақат, палак титишинг керак.

Урикзор-чи?! Товланиб ётади-я! Шохини силкитиб, баргларига кўмилиб кетганиндан бахтиёрсан. Баргни йиғиш керак. Сигир тоғамникида қолади, қишда овқат. Супуриб айвонга тўкмасиз. Сигирга барибир, баргнинг гўзаллигига маҳлиё бўлиб ўтирмайди — санъатга муҳаббати қорнида. Егани билан ғурурланиб, кавш қайтариб ётаверади.

Далалар ҳувиллаб қолди. Жўхориқабобга думбул тополмайсан, бори ҳам қотиб қолган. Яхши бўлди, шақиллаб қайнаётган мошхўрданинг оловига жўхори тиқиб, ойингдан дашном емасан. Сувнинг заҳри ошиб, чўмилсан дирзиллатади.

Табиатнинг бир умри ўтди. Западан айвонга кўчдик. Якшанба куни шаҳарга жўнаймиз. Камбағал бўлсанг кўчиб боқ. Майда-чуйдалар икки кун йиғиштирилди. Якшанба куни азонда турганмиз. Кўчлар йиғилган. Қарасам, эшикнинг қулфи йўқ. Э, олдин маҳаллада қулф бўлмаган-ку! Фақат уйимиздаги икки сандиқда қулф бор. Бирида отамнинг ҳужжатлари, Сўфи Оллоёнинг китоби, иккинчисида онамнинг бойликлари: манпасе, попукли конфетлар, ширинликлар... Меҳмонгамиш. Алам қилади. Ширинлик меҳмонга. Ариқ четидаги хумчадаги гўшт меҳмонга. Кўрпача меҳмонга. Қани мени ҳам меҳмон ўрнида кутиб олишса. Иштаҳа ва нафсимиз ҳам меҳмонникидан қолишмайди.

Бир куни ойим бекитган калит ўрнини кўриб қолдик-да, акам иккимиз конфетларнинг айшини сура бошладик. Қарасак, ҳар тарелкада икки учтадан қолибди. Уни ҳам меҳмонларга қўйса уят деб еб қўяқолдик. Кейин, ўзингизга маълум, савағич ишга тушди. Яна ҳам боғ кенг. Ойим чопиш бўйича бизга етолмайдилар. Қочиб кетаётибману саннайман:

— Еқа ушлаш ўрнига бизни урасиз!

— Нима дейсан?

— Ахир бу худонинг иродаси-ку!

— Вой сурбет, уни сенлар егансанлар.

— Шундай илм борки, унинг гапича: йўқдан бор бўлмайди, бордан йўқ бўлмайди...

— Ҳали майна қиладиган бўлдингми? Китоб ўқийвериб мянғ айниб қолибди.

Ҳушёр тортаман. Ойим етолмаслигини билиб тўхтайти, икки қўлини белига қўяди-да, қўлига тушсам гўштимни бурда-бурда қилишга улғу бюрократлардек ваъда бериб қолади. Энди меҳмонлар сандиғига чиннилар тушган, эшик олдидаги ишқом тагида ётади.

Ойим зир югуради. Кўчиш киши учун имтиҳон деган гап.

— Ҳай, хотинларнинг кийими кўриниб қолмасин, кўрпани ичига ўраб ташла. Хитойи лаганни эҳтиёт қил! — оғизларининг таноби қочиб, мақтаниб қўядилар. — Умрим бино бўлиб кўчманан, ҳали битта сапол товокни синдириб, йўқотмаганман.

Соат саккиз бўлмай маҳалладаги автокачка ҳайдайдиган Шожалил ака келади. Отамнинг вужудида сарбоз қони оқмайдими, бирдан ўзгариб кетади. Соғ қўли билан белидаги камарини тўрилаб олади-да, ойим бошлиқ «лашқар»ларга жиддий кўз ташлаб, таҳдид қилган бўлади:

— Ҳовлиқмасдан! Тез-тез!

Арава тепасидаги Шожалил ака кўрсатган юкларни олиб берамиз. Аввал оғир сандиқлар арава олдига қўйилади. Ёнига қоплар жойланади. Устига кўрпа, ёстиқлар тушиб, гилам, шолча билан бекитилади. Карвон йўлга тайёр. Ойим ҳовлини бир айланиб чиқади. Ҳаммамиз арава устига чиқамиз. Қўлимизда чироқ, ойим челақ тўла чинниларни қучоқлаб олган.

— Қани, тайёрмисизлар?— отам фотиҳага қўл очади. Мен ҳам қўлимни очаман деб чироқни кўрпа устига қўйиб, оймдан туртки ейман. — Янаги йилга соғ-саломат, тинчлик, хотиржамлик билан, қатордан хато бўлмайд кўчиб келайлик. Оллоҳу акбар!

Қарасам, акам кўрпачалар орасидан чуқурча ясаб, кириб олган, тиржайиб ўтирибди. Мен ҳам остимни муштраб ўзимга чуқурча ясаб олдим. Шожалил ака тизгинни тортиди. Бўш, ҳувиллаб қолган айвонга қарайман. Боғимизни қиш совуғига ташлаб кетяпмиз. Пахса девор кўз олдимдан ўтади — аравадан боғга тушиш осон экан. Салдан кейин арава пастга энди. Ариқдан ўтапти. Икки ёнда келаётган эркаклар арава четига ёпишиб итардилар.

— Ҳа, жонивор...

Арава Захариқнинг йўлидан чуқур кўприк билан Чорсуга келади. Шожалил ака Хадрадан юриши керак эди. Йўқ, отлари бақувват, ишонган экан, банканинг олдидаги дўнгда бир зўр бериб Эскижўва даҳасига чиқиб олди. У ёғи олтинчи трамвайнинг йўли. ЮЗнинг олди билан парк. Хотин-қизлар клубидан ўтганингиздан сўнг Себзор тарафга буриласиз. Мактабимиз ўнг тарафда, чапда, кўрлар клубининг ёнида бизнинг маҳалла, ҳовлимиз ичкарида. Тор кўчани тўлдириб кириб борамиз. Қўшнилари кўчага тикилади.

Эркаклар бир пастда оғир юкларни тушириб, бирор қўшни тайёрлаб чиққан челақдаги мошхўрдани типпа-тик ичиб кетадилар. Қўшни хотин-қизлар уйга жой солиш билан овора. Акам билан мен обкашни қўлтиқлаб кўча бошидаги водопроводга сувга чопамиз. Ҳовуз боғда қолган. Ойим қопларни очади-да, ёрдам берган бермаган болаларга ёнғоқ, туршак улашади. Катталарнинг олдига барқаша узум, беҳи қўяди. Қоп-қоп туршак, ёнғоқ, беш-ўн қоп жўхори сўтаси жой-жойига саранжомланади. Уйимизнинг шипидаги майда михларнинг ҳаммасига узум бошлари, беҳи, олма осилади. Ойимнинг ҳисобича тўртинчи тўсин чиллага етиши керак.

Асрга етмай тинчиймиз, қўшнилари ҳам озми-кўпми боғнинг неъматидан олишиб уйларига тарқалишади. Маза, энди соат олтида туриш йўқ. Мактаб яқин. Шаҳар ҳовлимиз кичкина, тор. Тоғам ҳазиллашибми-чинми, ўнта тўсин билан тепасини ёпиб бераман деб юради. Бор-йўғи икки уй, бир даҳлиз. Ошхона ёнида айвон. Сулага кўмилган хумда ёғ ўрнига сув сақлаймиз. Маҳалладаги уйлар тор бўлса ҳам, одамларнинг бағри кенг: қай хонадонга кирманг, урушнинг касри теккан оилалар яшайди.

Ойимнинг Маруся синглиси икки ўғли билан юртига кетган. Бир марта хат ёзди. Қим жавоб беради? Ойим украинча уёқда турсин ўзбек тилида ёзолмайди, эски алифбеда ўқиган. Маруся холамиз эсдаликка битта қайчи ташлаб кетган. Ойим уни ҳеч кимга ишонмайди.

Кечқурун ойим отамга гап қилиб қолди:

— Адаси, сизга неча марта айтдим, икки килоча шакар олиб келсангиз, бир қоп туршакни повидилло қилиб олардик. Қанча хумлар бўш ётибди.

Отам хўмраяди. Уйиндан ўт чиқиб, жанжал чиқадими дегандим, йўқ, отам чойхонага суриб қолдилар. Балки, қиёматли дўстлари Жабборқулнинг уйига кетгандирлар. Ҳаммамиз жиммиз! Жанжал яхши. Икки-уч кун хўмрайиб юришади-да, кейин отам бир даста тешик кулча ёки пряник кўтариб келиб дастурхонга ташлайди, яраш бўлади. Ҳамма тиржайган. Биз пряникдан тушириб, лабни ялаб ўтираемиз.

\* \* \*

Қиш ёмон. Қор ёққанда маза қилиб ўйнасан-у, кейин-чи? Брезент туфлининг вақти ўтган. Резинка калишнинг ичида оёқ нина санчгандек ачишади. Қаерда ўйнасан? Сулаймон отанинг далонидами? Катталар келиб қолса уришади. Икки кишига ямоққа бой бир пахталик. Яхшиям акамнинг ўқиши эрталаб, тушдан кейин мен кийиб чиқаман.

Оилада олифтаси мен. Курткам бор, оёғимда ботинка. Калишни серпатак қилиб, катта акам оёғига илиб олган. Пахталикни киймай мактабга борсам отам бош чайқаб кулади: «Фасон ушла, осмон ташла...» Эрмагим китоб, журнал, газета... Қани энди, Эскижўвага тушиб, яйраб папирос сотсанг. «Беломорканал» уч сўм, «Север» икки сўм. Фойдаси саксон тийин. Икки пачка сотсанг битта перашка оласан. Харажати кўп. Паханга бериш керак. Бекитиб ўтирушнинг фойдаси йўқ, бошлиқ деганга (унинг кимлигини ўзи билади), кейин магазин сотувчиси ҳам уриб қолади. Қарабсанки, Ҳасангаю Ҳусанга, шимилдириқ қолди— ол санга!..

Бозорда ҳам қулоқ динг, оёқ чопишга тайёр. Қўлинг кўз бўямачининг қўлидек югурдак бўлмаса, «облава» бошланса пора олганнинг ўзи ушлаб кетади. Буёқда танишбилишларга ёрдамлашиб ҳам тураемиз. Нина билан папироснинг четини очиб, ичидан икки-уч донасини олиб, беркитаман. Отамнинг маҳоркасидан яхши, олифтагарчиликка чекса бўлади. Аммо китоб — асосий маҳсулот. Текин-да, ўқийвер секин. Гап сотиб юргандан кўра китоб яхши-да! Лекин, керосин масаласи чатоқ. Бир шишаси олти сўм. Отамнинг пенсияси етмайди. Яхшиям уйдагиларнинг ўқишга ҳафсаласи йўқ. Сандалнинг четига чўзилиб, тоқчасига бош тиқасан-да, ўқийверасан, худди дарс тайёрлаётгандек.

Икки-уч хўроз қичқиради. Отам йўталиб, уйғониб бақиради.

— Учир чироқни! Дарсингдан ўргидим, олим бўлгунча кўздан ажраласан-ку!

Ҳар куни бозорга тушаман. Тирикчилик-да, бир ош пишар ўтин ўн беш сўм. Утинни сотиб сабзими, картошками, хуллас бирор нарса олиб чиқаман. Нон билан бошқа қиммат нарсаларни отамнинг ўзи олиб келади. Ҳаётни ўқимоқчи бўлган одам бозорга тушин. Мен учун бозорнинг бозори УзГИЗ деган китоб дўкони. Кўзимни юмиб қаерда қандай китоб борлигини биламан. Олишга пул йўқ. Ҳаражатдан уриб, «Китобдан китобга» деган шапаракдек китобларни сотиб оламан. Ойим олиб келган нарсамга ва қўйнимдаги бекитиб турганим — китобга қараб уҳ тортиб қўядилар.

Бозорда «Найза гули» номли сайёр труппа томоша берарди. Санъатни пулга сотмасди. Ёқса тўлар эдингиз, баҳоли қудрат, ярим дўппи ёнгоқ ҳам, пул ҳам олаверарди. Бермасангиз хафа ҳам бўлмасди. Ҳозирги артистларга ўхшаб ихтисослашмаган: қирқ ёлғоннинг барини ўринлатиб намойиш қиларди. Мабодо ҳарбий шим кийиб олган кишини кўриб қолса, кўзбўямачилик ёки полвонлик машқларини қилар, топишмоқ айтар, тез айтишга ўтар, гоҳида ҳар бармоғига қўғирчоқ кийгизиб ўйнатарди.

Ғала-овур ичида Суннат кўр, «Шамшод тароқ, ўлдирилган симоб», деб ўтиб қолади. Бозорда нималар йўқ. Харита қидирмай Ўзбекистонни, Ўзбекистоннигина эмас, бутун Ўрта Осиёни кўрса бўлади. Тожиклар ўрик, майиз олиб келса, қозоқлар қимиз сотади. Туркманларнинг қовуни мацца. Ҳамма магазинга кирмай, кўпроқ эски бозорни айланади. Ёймачиларнинг молига қарайди. Тоғамнинг ўғли— қўли майиб Қаном ака ёймачи. Молини кўриб ҳайрон қоласан: патифоннинг карнайи, велосипеднинг ғилдираги, почапўстиннинг ёқаси, мис дашув, қорнида медали бор, икки чойнак сув кетадиган самовар, ҳатто генералнинг лампасли эски шими, похол шляпа, қалайи, кўзмунчоқ, чирманданинг гардиши, аччиқ тош...

Бозорда ҳар хил дарвишлар, маддоҳлар. Гоҳида айиқ ўйнатовчи давра йиғиб, айиғига буюради:

— Қани, бригадирнинг хотини қандай ишлайди? Кўрсатинг!

Айиқ ерга ётиб олади... Кейин, бригадир оймларнинг тўйга боришларини, бола эмизишларини кўрсатиб, ҳаммани кулдиради.

Бешикчилар растасида қатор бешиклар. Тани камар билан айлантириладиган дастгоҳларда чархчилар ишлайдилар. Тароқнинг ўнлаб хиллари: соқол-мўйлов тароқдан тортиб, хотинларниқигача. Яна шу растада жўвалар, кетмон, ўроқ, теша соплари, вассалар топилади. Темирчилар растасидаги сандонда ўт чақнайди. Бозор ўртасидан катта анҳор оқиб, Маҳкама масжид олдидаги ғишт кўприк тагидан ўтади. Баҳорда сув кўпайганда анҳор устига қурилган дўконларнинг остигача чиқади. Ҳаммадан қизиғи, заргарлик растасида болаларга қизиқ туюлувчи асбоблар орасида ўзига тўқ ва башанг кийинган заргарлар спирт лампаларини ёқиб, нимадир қиладилар.

Бозор йил сайин ўзгаради. Поякилик — тамаки бозор, саҳобфурушлар дўкони йўқолиб кетган. Бобом билан улфатлари қандайдир Қумушнинг мозори Пушту ҳаммому дўппи бозорнинг ўртасидаги рестораннинг ўрнида, йўқ, раҳматлининг хоки хотин-қизлар клубининг қоқ ўзида, деб баҳслашишган. Ушанда қандайдир Абдулла Қодирий деган ёзувчи борлигини эшитгандим. Қизиқ, бугун мозорни бузиб, эртага қурдиришади...

Эсимда, бозор ичидаги уч булоқдан иккиси қиш даврида ҳам ҳовури кўтарилиб, оқиб ётарди. Айтишларига қараганда Илҳом самоварчининг такяхонаси ёнидан чиқар экан. Ҳозир такяхона ҳам йўқ.

\* \* \*

Мақтабга кўрқиб борардим. Ҳамма — ўқитувчидан тортиб фаррошгача тергайди. Ички йўлакдан, хоҳламасанг ҳам чопгинг келади. Уша даврларда ҳайкалтарошлик санъати авж олган бўлиб, директорнинг кабинети ёнида иккита қўлбола, гипсдан ясалган ҳайкал турарди. Чопишиб келаётгандик, Ваҳоб ҳайкални туртиб юборди. У полга тушиб чил-чил синди. Даҳшатдан қотиб қолдик. Ўқитувчи югуриб келди. Айтишган бўлса керак, бир пайт ғазабдан даҳани бурнига ёпишиб кетган директор хонасидан отилиб чиқди-да, Ваҳобни дўппослай кетди. Ҳамма томошабин, бизга ачиниб қарайди. Ота-онани қақриб келишга жўнадик. Ўзбек халқининг омилиги, тарқоқлиги диндан деб юрадиган Содиқ ака менга қараб:

— Ишқилиб сенларни худонинг ўзи асрасин, — деб қолганида даҳшатга тушдим.

Демак, бизга худодан бошқаси ёрдам беролмайди. Онам воқеани эшитиб, бақрайиб қолди. Отамнинг тиккайган мўйловлари осилди. Индамай фронтда олган медал ва орденларини тақиб, этикларини мойлаб мақтабга келдилар. Қўллари кўксиларида. Ишқилиб сиёсий тус беришмаса бўлди. «Ревизионист», «фалсификатор»... Директорнинг дўқ-пўписаларига чидолмай ташқарига чиқиб кетдим. Отамнинг ўзи қолди. Хайрият, фронтда сиёсий ходим бўлиб, битта ҳам ўқ тегмай, елкасига юлдуз тақиб келган директор отамни юз-хотир қилиб, мени кечирибди.

Ҳайрон қоладиган ери шуки, отам менга ҳеч нарса демади. Ярим кечагача тўсинларга қоқилган михларга тикилиб ётдим. Ойнадан ойнинг нури тушиб турибди. Михлар-



га осилган беҳи, узумлар энди йўқ. Эрталабки дастурхонга ёнғоқ билан туршакнинг ҳам таноби тортилган. Ойим тўлганиб, отамга гапирдилар:

— Отаси, илик узилди пайт келди, ҳушёр қайнанг!

Отам дўппиларини олиб, тиззаларига уриб, қайта киядилар.

— Жўхорини тегирмонга олиб тушишсин. Қовоғинг бордир? Буёғига Шожалилнинг уйига сут-қатиққа одам юборавер. Ўзим ҳисоб-китобини қиламан. Ҳа, жийдани сувга солиб ейишсин.

Қани баҳор тезроқ келса, иссиқ тупроқда мазза қилиб юрсанг...

Ойимларнинг ҳисобларича чилла чиқди. Ярим қоп жўхорини акам елкасига ортиб, орқаларидан биз ушлаб, жинкўчалардан тирғана-тирғана Кадавотдаги тегирмонга тушдик. Навбат кут, тарозига қопни қўй... Тегирмон гувиллайди. Онам бизни роса қулоғимизга шишириб паризитганлар: тегирмончи ўғирламасин!.. Барибир уни келтириб, совуқдан сандалга бўйнимизгача кўмилиб ётганимизда онам қопнинг ичидан каттагина тош парчасини олиб кўрсатдилар. Акамни уришдилар:

— Кўзинг борми ўзи? Мана!.. Қачон одам бўласан?

Дирғизлаб ётган акам сандалга кириб кетди. Одам бўлиш учун сал исиниб олиши керак-да!

Бир куни пионервожатий Дамир Шокиров мени уйига чақириб қолди. Қўрқиб кетдим. Умуман, биз юқори синфдагилар билан гаплашишдан қочардик. Дамир ака эса, инчунун. Емон тергарди: нега дарс тайёрламай ошиқ ўйнайсан, ланка тепасан?.. Варрак учирасан?.. Нима иш қилиш керак? Ҳақиқий пионер планерлар ясаб, осмонга учиради. Унга керакли нарсаларни биз қаердан оламыз? Варракка сирач билан хитой қоғозини тополмаймиз-ку!..

Хуллас, пионервожатийимиздан нари юриш кераклигини билардим. Хойнаҳой мактабнинг бўғотидан қамиш суғуриб олганимни қоровул айтган ёки Бахтиёр билан жанжаллашганимизни кимдир сотган.

Уйдан дилим хира бўлиб чиқдим. Бўғотларга қарайман, сариқ сумалак кўринмайди. Қор билан сумалак бўлади-да! Қоронғи кўчада туртиниб, қачонлардир харсанг тошлардан ясалган йўлкадан юриб Шожалил аканинг узун долони ёнига келдим. Бурнимга гуп этиб зах уйдан олманинг ҳиди урилди. Бу ерда ўзига тўқ одамлар туради.

Майдондан ўтиб, кўрлар клубига келганимда алам билан ўйладим. Дамир оғани айтишича, исмининг маъноси: «Яшасин тинчлик!» экан. Қаранг-а! Эҳ-э, Дамир ака сиёсий жиҳатдан зўр. Соч қўяди, нақ бошида саватдек туради. Радиодан овози эшитилади. Мактабда деворий газета чиқаради. Шеърлар ўқийди, одамни сел қилиб юборади. Озғин, кўзлари катта-катта. Қалбингга боққандек қарайди. Шоир, режиссёр. Кимсан, Йўлдош Оҳунбобоев номли ёш томошабинлар театрининг директори, режиссёри Неъмат Дўстхўжаевнинг шогирди.

Дамир аканинг уйи юқорида, Ҳастимомга кетадиган кўчада. Қорасоч маҳалласидан ўтиб, нон дўкону кийим тикадиган ателье ёнидан ўнгга бурилдим. Дарвозани очиб, қоронғи долондан ўтиб, ичкарига кириб олгач қақирдим. Шинам ҳовли, топ-тоза супурилган. Деразалардан тушган нур ҳовлидаги мусулмон гишт ётқизилган йўлкани ёритади. Ҳовли ўртасидаги дарахт шохлари баргсиз, совуқдан қотиб турибди. Эшик очилиб, Дамир аканинг ҳурпайган боши кўринди.

— Ке, келавер!

Ёруғ айвонга кирдим. Сандалнинг юқорисида Дамир акага ўхшаган қирра бурун аёл ўлтирарди. Салом бериб, гумбир этигимни ечдим-да, мени кутиб турган Дамир ака билан пешанасига «Дарсхона» деб ёзилган хонага кирдим. Вой-бу, китобларнинг кўплиги! Ҳақиқий стол ва стул. Уртада нақшинкор печка, хонани иситиб юборган. Печ тепасида човғумда сув қайнаб турибди. Жаннат. Айниқса, чироғни айтинг-а, ҳаммаёқни ёритаб юборган. Бизнинг уйда биттагина ўнинчи лампа. Уни ҳам ёқишни ўйлаб қўй!

Дамир ака менга хоҳ ишонинг, хоҳ ишонманг нақшин ғилоф ичидаги стаканда чой қўйиб узатди. Уч дона қанд ташлаганини ўз кўзим билан кўрдим. Бизнинг уйда ҳам қант йўқ эмас, аммо онам иккитадан бўлиб берадилар. Шакар яхши-да, тақсимчага сепиб қўйилади.

Шу денг, стакандаги ингичка булут чиқариб эриётган қандни тамошо қилиб ўлтириб, бирдан Дамир аканинг қўлида шеър ёзилган дафтаримни кўриб қолдим. Йўқотиб қўйгач, қидириб ҳам кўрмагандим. Нима кераги бор қидириб, ўрнига янғисини ёзасан-қўясан. Шоир ким? Соч қўяди, галстук тақади. Кейин ёзаверади. Шеър баландпарвоз бўлса — зўрлиги. Шернинг ичидаги шерлар, яъни гиройлар пахтани қорнинг тагидан ҳам тераверади, булутларга дўқ уради, худони сўкади...

— Қачондан бери шеър ёзасан? — сўраб қолди Дамир ака.

— Анчадан бери, — дедим, иссиқ элитиб қўйибдими, уйқудан уйғонгандек чўчиб.

Дамир ака дафтаримни қўлида ўйнаб, ўйланиб ўтираркан, бирдан менга қаради:

— Шеър ўқиб берайми?

Уртоқларимга айтсам ишониймайди. Дамир ака-я!.. Адабий кечаларда гулдирос қарсақлар эвазига шеър ўқийдиган, радиода ўқиса пул оладиган одам менга, пастки синф ўқувчисига обрўсини тўкиб шеър ўқиб берса-я!

У ўрнидан туриб, узун ва нозик бармоқлари билан стол четини ушлаганча деразага тикилиб, шеър ўқий бошлади. Сўзлари ва шеърнинг номи ҳозир эсимда йўқ. Аммо мен ўшанда деразага урилган изгирин шамол билан ташқарига чиқиб, ҳовлидаги яланғоч тут новдаларига урилиб, юлқиниб осмонга кўтарилдим. Бир пайт, мундай қарасам, Дамир ака чарчаган кўзлари билан менга қараб турибди.

— Қойил!

Дамир ака сочларини асабий текислаб, ўтиргандан сўнг босиқ товушда сўради:

— Хўш, қанақа китоблар ўқийсан?

— Кўп... Хўш, «Фарғонада босмачилик ҳаракати»...

Дамир ака шарақлаб кулиб юборди. Қотиб-қотиб кулганидан кўзларидан ёш чиқиб кетди.

— Танлаб ўқиш керак-э!.. Майли, энди иш бундай. Шеър дафтаринг менда қолади. Эртага учрашамиз.

Эртасига Дамир ака мени кутубхонага аъзо қилиб, бир қанча китоблар олиб берди. Шеърим деворий газетада босилиб чиқди. Шундай қилиб, мен китоблар оламига кириб қолдим. Муқовасини очасану ўқийбошлайсан. Қаерларга бормайсан! Устоз Садриддин Айний билан кўҳна Бухоро кўчаларини айланаман. Сокторе қишлоғида деҳқончилик қиламан... Қани бир жойда кўним топсам! Горький билан Россия кезаман, калтак зирпачалари менга ҳам азоб беради... Кейин, ўзимизнинг Тошкентда Парда Турсун билан етимхонада яшайман...

Санъат олами кенг. Дамир ака кўрсатиб, очиб берган китоб дунёси мени бутун мўъжизалари билан кутиб оларди. Дамир аканинг кўзимга олифта бўлиб кўриниши бежиз эмас экан. Шеър аҳли ўзгача, бизникидан кўра руҳи гўзалроқ, тозароқ оламда яшаркан... Руҳ, биласизми, нима? Покизалик, ҳақиқатан... Дамир ака аллақачон ўлиб кетган бўлса ҳам шеър ёзсам тепамда тургандек бўлар, мен ундан уялар, қочар эдим. Руҳ деганлари — шу-да. Бўлмаса нега у мени қийнайди? Бобомнинг айтганлари ҳам тўғридир: «Ҳақиқат — худо, унинг адолатли ҳукмидан ҳеч ким қочиб қутилолмайди». Максим Горький мана, нима дейди: «Руҳ — худо эмас, худо — руҳ эмас». Тўғриси айтсам, ҳамманинг сўзига қулоқ солаверсанг борми, ўзингники қолмайди. Аммо китоб оламига ҳавасинг келади. Балки ёзувчилар ҳавас қиладиган оламни қўмсаб китоб ёзишар...

Сайлов яқинлашиб қолди. Тайёргарлик зўр. «Бурунги сайловлар» пьесасини қўйиб беришди. Хотин-қизлар клубига одам сиғмайди. Сайловнинг биз учун яхшилиги — ширин кулчалар бўлади. Эртага сайлов деган куни — кони байрам. Ҳатто кўни-кўшнилар ҳам бир-бирларидан кийим сўраб чиқишади. Онамнинг ёғим рўмолига икки киши навбатда тургани учун эрталаб соат бешда сайловга чиқди. Кўчада сайловга чақирган овозлар эшитилади. Маҳалланинг активлари бақирган, чақирган денг. Бу ёқда карнай-сурнай, нағора-чирманда уриб турибди. Отам сайловдан келганида онам самоварни потиллатиб уйга олиб кириши билан хонага файз кирди.

Файз деганим бу — отам олиб келган рўмолдаги прыниги билан конфети, сариёғи. Қайбирини ейишни билмай каловланиб қоласан. Онам дарров дастурхоннинг ярмисини бекитишга тайёрлар-ку, лекин отам кулиб:

— Камбағалнинг бир тўйгани — бой бўлгани, бугун бой бўламиз, — дегач ноилож қолади.

Отам кўчага чиқиб кетади. Ойим пешинга яқин ёғим рўмолини маҳалланинг нариги чеккасидан топиб келади. Қани энди, ҳар куни сайлов бўлса, биз сайлов ёшига етмаганлар дастурхон атрофида ўтириб яқдиллик билан овоз берганларни мақтаб ўтирсак.

\* \* \*

Байрамнинг яхшиси баҳорда бўлади. Дала ҳовлига кўчамиз. Ойимнинг айтишича, илик узилди, яъни юзимга темиретка тошган, Бобом келиб, лағмон қилиниб байрам бўлгач, онамга қараб:

— Туршагинг тугадими, болаларни ранги униқибди, — деб сўради.

— Пavidло қилган эдим, тамом бўлди, — жавоб берди ойим.

— Қариндошларникига одам юбор, бўлса ярим қопча туршак берсин. Кузда қайтарсан.

— Укки-Коша зиёратига оборсам дейман-у, ҳолвайтарга ҳам масаллиқ керак.

— Булоқнинг суви даво-ку, аммо буларга туршак керак. Талқонни еявериб, ичи қотиб кетган.

— Оқшоқ талқон, сарёғ билан қориштирилган, мағиз қаёқда, отлиққа йўқ-ку...

— Нолима, болам, яна ҳам дала боғимиз бор. Урушда ўлимдан сақлади. Ҳозир эса, саломатлиқни ушлаб турибди. Ялт этиб офтоб чарақлаб берса тутга оғиз тегиши билан юзи кўркаллашиб қолади. Ҳозирча сут билан қатиқдан қисма.

Баҳорнинг келиши менимча осмондан бошланади. Ҳаво топ-тоза. Кечқурун қалдирғочларнинг виж-вижи кўчани тутади. Мактабдан кела-солиб яримта гиждани онангдан

бекитиб қўйинга соласан-да, деворни ёриқларига тирмашиб томга чиқиб оласан ва чолиб кетасан. Пастдаги айвонларда тўйиб ўтирган кампирларнинг қарғаши ҳам қулоғинга ёқимли эшитилади. Узоқдан қорли чўққилар кўринади. Томда юрсанг катталар уришмайди: чакка ўтмаслиги учун нами кетмай тепиш керакда!

Кеча майса кўринган эди, бугун эса тўрт энлик бўлибди. Толлар баргаги кўриниб қолиб, олифта қизчаларнинг бошига чиқиб ҳам олибди. Ҳафта ўтмай баҳор офтобида исинса бўлади. Томда варрак учирадиган шамол эсиб қолади. Болалар тугул катталар болагини эслаб, қуроқ ясаб учиради.

Илик узилдиси шу бўлса керак-ки, лоҳасланасан, гоҳо сафро ўйнайди. Отам кашанда эмасми, йўтали қуруқ келиши билан онам тайёрлаб берган сувни қайноқ ичиб қафасдаги йўлбарсдек ҳовли айланиб сафросини ташлайди, тозаланиб олади. Билмадим, нимага шунақа қилади, аммо қуруқ йўтали қолади, қадди ростланади. Ойим шу маҳал менга кўрсатмали қуролдан фойдаланиб, чекишнинг зарари ҳақида ваъз ўқийди. Бўйнимни хокисорларча эгиб, бош силкитаман. Фойдаси бўлмаса нега ўзлари чекишади? Ақллари йўқ десанг ҳаммаси доно, насиҳатни тахлаб ташлашади. Катталарнинг айтганини қил-у, қилганини қилмаиш.

Ҳақиқий баҳор бошланди. Томларда чучмўма, лолақизғалдоқлар бош кўтарди. Шаҳар торлик қила бошлади, кўчиш олди, дам олиш кунлари дала ҳовлига қатнаймиз. Қор ва ёмғирдан бузилиб кетган ўчоқни тузатамиз. Далага кўчиш энгил кўчади. Икки сандиқ ошиқча нарсаларни қўшилларга ташлаб, бўш сандиқларни, қопларни бир аравага ортиб жўнаймиз. Борсак, аммалар бир пақир қайноқ суюқ овқат билан кутиб туришган бўлади. Айвон супирилади, жой солинади. Супанинг рахлари бузилган бўлса озгина сувалади. Тизза бўйи ўтларни тозалаб ташлаймиз. Боғни айланиб, довучча еб кўраман. Буёғи ўзимизники, тоқлар очилган, таралган денг. Яна эски ҳаёт бошланади. Орада мактаб тугайди, имтиҳонларни топширамиз, аммо далада қалбинг дам олади.

Мол боқ, ерни чоп, эк... Эй, қочишга баҳона ўйлаб топиш керак. Мен имтиҳонни пеш қилиб, китоб оламан-да, ўтларни орасига кўмилиб кетаман. Отам билан онамнинг кўзига кўринмасан дурс тайёрлаётгандай кўринаман. Баҳор ҳам кузга ўхшаган. Экиб-тикиб олгунча одамни эсанкиратади. Буёғи тут пишди. Катта. Бутун бошли маҳаллага ўхшайди. Узимча ном қўйиб олганман. Камчаткаси ён тарафдаги, ҳеч ким чиқолмайдиган учи — тирмашиб зўрға етиб оласан-да, ширага тўлганларини оғзинга соласан. Тутнинг энг зўри амманникида. Эски шохларини кесиб ташлашади, янги-ларидаги меваси бўлиқ, ширин бўлади. Сеники, меники йўқ, бемалол еяверасан. Холам, тоғамлар амманникида шинни қилишади, есанг бурнингдан қон келади.

Тутдан кейин ўрик қизаради. Бу ёғи — эркинлик. Эркинлик нима? Уйга овқат излаб келавермайсан. Тут овқат, ўрик овқат. Негадир китоб ўқишимга отам қарши. Ҳаёлида шу гап: «Китобдан илик чиқармиди? Йигит киши авваламбор кучли, тадбиркор, яшашга омилкор бўлсин. Ваҳима китобларни ўқиб, миясини бекорчи нарсалар билан тўлғазиб нима қилади?..» Уйлаб қарасам, қариндошлар орасида китоб тарафдорлари йўққа ўхшайди. Ғани тоғам кашшоф бўлган. Алманий мактабида ўқиган одам ҳозир қори, намозхон. Кесилиб ҳам чиққан. Бахти бор эканки, сиёсий тус беришмабди. Унинг гапини эшитсанг, қўриқиб-писиб қоласан. Маҳалланинг кечқурун тўпланадиган жойи — ҳовуз бўйида суҳбатлашишади. Утларни орасига бекиниб, тут дарахтига чиқиб олиб қулоқ соламан. Китоб ўқишимга қарши бўлмаган одам мулла Ғайбулла амаки.

— Қобилият қўймайди-да, — дейди чой хўплаб. — Уқийверсанг, китобда хислат кўп. Одамнинг ақлини ёритади, фаҳм-фаросатини уйғотади.

— Қизиталоқ китоб билан бўлиб молга қарамай қолди. Оч кишини доно чиқмаган!.. — дейди отам.

— Риёзат чекмай инсон доно бўлмайди. Илим — кони фойда. Уқиган одам аҳмоқдан ақлни, ёмондан яхшилиқ қилишни ўрганади. Тамизни бетамиздан ўрган деганлари шу-да!

Отам бошини қашийди. Даврага бошқалар қўшилгач суҳбат оқими ўзгаради. Катталарнинг баҳсини яхши кўраман. Айниқса, Ғайбулла мулланинг суҳбатига ҳамир-туриш қўшиб, вақти келганда бир сўз билан ҳаммани геллаб қўйиши кишини қойил қолдиради.

— Урушда нега ютиб чиқдик? Сабаби адолат учун курашдик!

Собир тоғам кулади.

— Амир Темир қиличига «Ҳақиқат қувватдадир!» деб ёзиб қўйган экан. Бизнинг танкларни қирқ иккинчи йилга келиб немис ўқлари тешолмай қолди... Гап шунда!

Отам асабий кулади.

— Искандарга: «Ўн баробар лашкари кўп душмандан ҳам ҳайиқмабмиз-а!» деса-лар. У: «Қассобга ўнтами, элликтами қўйни сўйиш барибир!» деб жавоб берган экан. Урушда жасорат керак. Ҳезалакни ўқитиб, танкка миндир-чи, душман устига бостириб борармикан!.. Ке, қўй бу гапларни, урушда ҳам овқат ўз вақтида бўлган. Қани, шўрван-ни суз!

Маҳалламизда Мутал деган индамас, қопқора киши бўлиб, ҳеч кимга кўшилмас, одам йиғилган жойдан четлаб ўтарди. Кўз очиб кўргани меҳнат. Азонда ҳам, кечаси ҳам кўлида кетмон, ё ўроқ. Қачон ухлашини ҳам билмасдик. Қўлларини кўриб ҳайратга тушардинг. Қопқора, темир қадоқнинг ўзи. Хотини эса чиройли, келишган. Маҳаллада ёмон гаплар юрарди. Отам уни кўрса тундланиб, тескари қараб оларди.

Бир куни отам ерда ётган, қўпол ишланган болтани кўриб, кимникилигини сўраб қолди.

— Муталники, — дедим сенсираб, беписандлик билан. — Анақа хотини бор-ку!..

Юзимга мушт тушди. Орқамдаги ёнғоққа урилиб, ҳушимдан кетибман. Кўзимни очсам, отам мени бутун кўли билан қучоқлаб олган, эсидан чиқарганми, нуқул ариқдан сув олмоқчи бўлиб кемтигини чўзарди. Ойим келиб, юзимдаги қонни кўрдилару бақириб юбордилар.

— Йўқол! — отамнинг даҳшатли овози эшитилди. Кейин, бўшашиб менга қаради. — Ўзинга келдингми, эшит, маҳалламизда боши осмонга етган дев келса ҳам тап тортиш нималигини билмайдиган йигитлар борлигини биласанми?!

Бошимни силкитиб ариққа қарадим. Қурт еган, ҳали пишмаган олма оқиб келарди. Олгим келди-ю, отамдан кўрқдим. У ўйчан гап бошлади:

— Бир вақтлар бизда босмачилар пайдо бўлган эди. Кимнидир уйини босади, шаҳар йўлида аравада кетган одам пиёда қайтиб келади... Ким бўлиши мумкин?

Йигитлардан биттаси босмачиларнинг кимлигини сезиб қолади. Пўлат эгарчидан нарида, қир тепасида кўрғон бўлиб, ўша ерда бекиниб яшар эканлар. Йигит ярим кечаси кўрғонга тик кириб боради.

— Маслаҳат шу, бу ердан кетларинг, бўлмасам ёмон бўлади, — дейди у.

— Милицияни бошлаб келгандирсан? — ўдағайлашади улар.

— Сотқинлик қонимда йўқ.

— Бу ерга келгани кўрқмадингми? — сўрайди кўрбоши.

— Йўқ.

— Сени ўлдирамай.

— Эркак бўлсаларинг қани, яккама-якка олишайлик.

Кўрбоши ўрнидан туриб, этик кўнжидан пичоқ чиқаради. Йигит ҳам белидаги пичоқни олиб, иккалалари ҳовлида бургутдай айланиб қолишади. Узоқ олишадилар. Фурсат келиб, йигит шердай ўкиради-да, кўрбошига пичоқ санчиб, қовурғаларини синдириб юборади.

— Ким қиқади даврага, — дейди у, мулойимлик билан.

— Қойил, мард экансан, — дейишади босмачилар. — Биз бу ерда қолмаймиз. Кетамиз.

Ўша йигит ким биласанми?

Мен елка қисдим.

— Мутал бўлади! — деди отам жиддий... — Сталинградда бўлган. Ўша ерда эр-каклигидан ажралган...

Оғзим ланг очилиб қолди. Отам ўта иболи, андишали бўлганидан сўкинмас, уятли гапларни оғзига олмасди. Фақат бундай пайтда: «Шафқатингдан ўргилай...», «Кўрсатган кароматинг шуми-я!»... деб кўяқоларди.

— Анқайма, ёш бола эмассан, — деди у. — Ҳақиқатни билишинг керак. Шундай одамни ҳақорат қилишинг қонимни қайнатиб юборди. Ўзимни тўхтатолмадим. Энди бор, яхшилаб ўйлаб, хулоса чиқар!

Сиёсат билан чайқовчилик қиладиганлар бўларкан. Бобомнинг айтгани тўғри, мабо-до дорилфунунларда сабоқ олиш савол-жавобдангина иборат бўлса, кўпгина домларнинг диди талабалариникидан пастлиги кўриниб қолади-ю, патта қоғозининг қиймати тушиб кетади. Хаёл бошқа, ҳаёт — бошқа экан. Қаллобликлардан энсам қотиб, китоби тоқчага итқитишга қарор қилдим.

Аммамнинг абрикос ўриги пишди. Бошқа навлар ҳали шира ҳам тортмаган. Бобом буни маҳкама масжидидаги улфатларига айтган эканлар, ишонишмабди. Ош буюрибдилар. Шу баҳона уларга «Омонлиқ-сомонлиқ — ҳеч кўрмайлик ёмонлик» қилди-моқчи бўлибдилар. Эҳ-э, у пайтда ош анқонинг уруғи!

Ойим ош дамлаб, тугунга ўраб, тоғаваччамнинг қўлига берди. Мен ярим челақ ўрикни кўтариб олганман. Шаҳар қайдасан деб йўлга тушдик. Маҳалладан чиқдик. Бўрнимга ош ҳиди урилиб, қорин демаган таталайди. Узоқлашай десам, паловнинг хидидан ажралгим йўқ. Шумлигим тутди.

— Сен пионермисан? — дедим Абдулхайга қараб.

— Ҳа, яқинда комсомол бўламан.

— Комсомолга нолойиқ пионерсан.

— Нега?

— Диндор чолларга худойи ош ташиб юрган йигит комсомолга лойиқми? Сиёсий онгинг паст, худони ташвиқ қилаётирсан ахир!

— Нега қуруқланасан, зўрмисан?

— Нодонлигингга раҳмим келаяпти. Ўқи, ўрган: сувда суз, ерда юр, осмон уз-ра уч...

— Нима, мен ерда сузаяпманми?

— Кел дўстим, очикчасига гаплашамиз. Ошдан озгинасини еймизда, қолганини олиб борамиз.

— Адам уришадилар.

— Э, галварс, комсомол адасидан қўрқадими? Эшитганмисан, Нурхондай қиз бола адасини кишт қилиб юборган!

— Қарасам, Абдулхайнинг ўзи ҳам ташвиқотга муҳтож эмас, қўрқувдан қутулло-маяпти холос, яна айлантиргандим, шилққа тушди. Анҳор бўйида тоғорани ўртага олдик-да, ҳужумга ўтдик.

— Қўрқма, — тасалли бердим унга. — Ошни урамиз, қолганини уйга олиб бориб, оиймга: бобомларга бошқа жойдан ош келиб қолди, деймиз!

Қоринни тўйғазиб, роса чўмилдик. Тоғорани кўтариб уйга келсак, оийм ҳайрон. Воқеани эшитиб, хурсанд бўлдилар, ошни хомталаш қилдилар. Бизга ҳам бермоқчи эдилар, ўйнагани кетиб қолдик.

Кечқурун келсак, жамоат жам. Отам махоркасини бурқситияпти. Тоғам ҳайкалдек қотиб қолган. Қизиғи шундаки, орага тушадиган хотинлар кўринмайди. Демак, масжид-да бобом бизни роса кутган. Йўқмиз. Уялганидан улфатларининг олдига ҳам кирмай боғга келса, ҳалиги гап... Қилган ишимиз — кони жиноят. Биз бўлсак, ақлимизни пешлашга қарор қилиб турганларида, ўз оёғимиз билан келиб ўтирибмиз.

— Хўш, мулло Ғайбулла, — отам тоғамга қаради. — Бундай жиноятга жазолаш шариатда жойизми?

— Йигитлар сабийлик ёшидан ошган.

— Нимани лойиқ кўрасиз?

— Жамоатга ҳавола қиламиз?

«Об-бо феодаллар, демократия қилишаяпти», — қулт этиб ютиндим.

— Қанча дарра урилсин?

— Элликта.

Бобом ўзича ҳисоб-китоб қилиб деди:

— Йўқ, қирқ беш дарра!

Ҳаш-паш дегунча мени тутга боғлашди. Тоғам ҳовуздаги хивичларни олиб, ҳавода савалай-савалай бир тутам қилиб, уришга тушди. Қарс!.. Оҳ, орқамга ўт олгандек йўл ушди... Бақирдим.

— Эссиз, ноғора йўқ, энди маҳаллани бошига кўтаради, — деди бобом. — Қори, ураверинг!

Навбат Абдулхайга келганда бобом зўр сиёсат ишлатди: ота ўз ўғлини урадимми?!

— Навбат Обиджон, сизга.

Қойил, отам тоғамнинг ўғлини урадиган бўлиб қўлига туфлаб қолди-ку! Абдулхай иккимиз битта дарахтга боғланганмиз. Маза қилиб эшитаман — бақириш навбати унга келди. Жазолаш тамом бўлгач, супага ётқизиб қўйишди. Эрталаб бобом тепамга келганида алам қилганидан ўрнимдан турмай ётавердим.

— Қалайсан болам? Энди чўмилсанг яранг йиринглайди. Ҳа, мана, малҳам олиб келдим, уч кунда шифо топиб кетасан.

— Сўзларингизда мантиқ йўқ. Калтак еса эшак олим бўлармиш...

— Қизиталоқ, бинойидек ақлинг борга ўхшайди. Чиқмаган жондан умид дегандек...

— Ол-а, калтакнинг тагида ўлиб кетарканмиз-да?!

— Ким билади... Ишқилиб тақдирингга ёзмаган бўлсин... Айтишларича ғазал битармишсан? Қани бир эшитайлик.

— Жаҳон золимлари титранг қўрқувдан!

Сиз эса, эзилган қуллар, барчангиз

Мардона, мардонә кўтариб исён!..

Пушкиннинг шеърини ўқидим. Бобом соқолларини тутамлаб, бир зум ўйланиб қолдилар.

— Ўртамиёна ғазал-ку, ёзғучиси жасоратли экан. Лекин, билиб қўй, ҳеч ким, айниқса бошлиқлар ғурурли одамларни ёқтирмайди. Уларга мўмин, қобил, нима деса хўп дейдиганлар керак.

— Шунақасидан ҳам бор. Эшитинг:

Диринг-диринг бодринг, кўчада ўйнаб юринг,

Катта одам буюрса бош уриб девор ёринг...

— Буниси тузук. Кўҳлик сўзлар билан пардоз берсанг, тирикчиликка ярайди. Қуруқ

момоқалди роқдек гулдираган ғазалнинг бозори чаққон. Ёмфир ўрнига ўтади-да!..  
Хўш, нима дейсан, шаҳарга улфатчиликка борарканми?

— Уриб майиб қилиб қўйдинглар. Утиролмасам...

— Сен ўтиргани эмас, хизматга борасан. Ҳа, энди, одам бўлсин деб орқангни уқаладик-да!

Одобли ва эътиборли китобларда одамлар шаҳардан қишлоққа сургун бўлса, биз бечора тескариси. Пашшага таланиб, оёқни харсанг тошларда чақа қилиш учун шаҳарнинг Ҳовузбоғ маҳалласига келдик. Бобом иккимиз ички ҳовлидамыз. Қолганлари бош ҳовлида.

Қуёш шаҳарда тез чиқадими, азондан қизитади-я!..

Бобом қуёшдан олдин турадиган одам, аллақачон намоз ўқиб, бозор айланиб келган бўлади.

— Ҳой, шайтони басир, насибадан қуруқ қолиб, ётасанми? Тур!

Сақраб тураман. Бобом дастшув кўтариб, сувга пишгани келаётган бўладилар. Бобомнинг кўринишлари салобатли бўлса-да, ҳаммага улфатижон ўртоқлар, фақат соқоллари бор, холос. Отам бобомнинг шу одатларини ёқтирмайдилар. Катта деган, ҳарқалай, ёшлар билан вати-воти гаплашиши яхшимас, деб қўядилар. Шундай-ку, чол тушкур ҳам анойи эмас: иккимиз қолсақ дилдагини тилга чиқарадилар, катталар келиб қолса — сипо, обрўталаб...

— Қани, — дедилар менга қараб, — тез юзингдан шайтонни сидиргин-да, чой қўй.

Маза, бобом ёпган нон, гул мураббо олиб келганлар. У кишига қийин, ўғиллари урушга бормаган бўлса ҳам, беш невараси жангдан қайтмади. Уларнинг учтасида оила йўқ. Иккисидан бола қолган. Қизларида — мени оймда ҳам бола сероб, холамда ҳам. Тоғам кесилиб чиққан, қолгани ҳам аравасини ўзи судролмайди? Отам яримта, ногирон.

Бобом икки пиёла чой ичиб, қўлимга пул берадилар.

— Жанггоҳга туш, бугун сайл бўларканми, бил. Пивохонага қара.

Разведкага кетаман. Музқаймоқ ўрнига папирос оламан, чекиб айланаман-да! Қайтиб, бобомга ҳисоб бераман:

— Сайл-ку бор, лекин пивохонада одам кўп.

Бобом ҳукм чиқаради:

— Унда шаҳарда қоламан. Алжиган, туртишганларни кўришга тоқатим йўқ.

Тўхтанг, бобомни таништирадим-ку! Бобом мошуруш табиб. Ҳеч кимга айтиб ўлтирманг-а! Дуо ўқимайдилар, балки синган-чиққанларни тузатадилар. Улфатлари келмаса, яхши, иккимиз отамлашамиз.

Айтганимдек, болокалоним жаҳонгашта бўлиб, Эронга борсалар сийға оларканлар-у, бошқа тарафга йўллари тушса, карвон қайтганида туянинг устида битта чодрали аёл ўтираркан. Тўғриси айтсам, ёзиш одобдан эмас, қариндош-уруғлар эшитиб қолса яхши гап бўлмайди. Отам билса борми, ҳар бир туки гимнастёркасини тешиб чиқади. Ғазалда дилингдагини тўкасан. Бизнинг пастарин ғазалимиз ҳикояда. Алдаш гуноҳ. Аслида бу ҳол ёмонга йўйгилик эмас. Гоҳо насл-насабдан гап кетса, бобом бош чайқаб, қоладилар:

— Хом сут эмган бандалар адашяптилар. Қадимда Туркистондан тортиб то Хитойгача масофадан келин олиб, қиз берар эдик. Энди-чи, қўшни Қўқонга ҳам қуда бўлиш қийин. Қариндош-уруғ қуда тутинаётибди. Насл бузилиб кетяпти. Қадимда балоғатга етган йигитлар қиз ўғирлаб келиб, янги қишлоқ, янги юртлар пайдо қилишган.

Шайтонлигим тутиб, дедим:

— Бобо, бошлиқ бўлсангиз Тоштрамнинг ётоқхонасига ҳужум қилиб, қиз олиб қочамиз. Чилонзорда бир жой кўрганман, ҳеч ким тополмайди. Уша ерда қишлоқ қуриб яшаймиз!

Бобом хахолаб кулади:

— Майли-ку, лекин Тамарани қандай қилиб отга ўнгарамиз. Жониворни дазмоллаб қўяди. Йўқ, қўлга тушиб қоламиз.

Тамара деган аёл бизнинг маҳаллада яшайди. Семиз, юрса ер зириллайди. Бобом ишга кетаётган пайтда кўпинча эшик олдида бўлади, унга бош эгиб салом беради. Иш жойи Тоштрамда.

— Бу гаплар ҳазил-ку, — деди бобом жиддий тортиб. — Лекин, қишлоқ қурадиган бўлсанг, имону зеҳнинг билан, ўз элу хешинг билан қур! Тўзимайсан...

\* \* \*

Бобомнинг айтишича, кўзнинг китоби бормиш. Қулоқ, ақл ҳам фаросатлиларда бўлармиш: кўрганни ўқиб, ақл тарозисида тўқини тўққа, пучини пучга ажратармиш. У киши Масжиди Жомага чиқаверишдаги харсанг тошни кўриб қолсалар эсларига Кўса маддоҳ тушиб кетади. Ана унда ўзларини тўхтатолмайдилар, воқеаларни тўкиб ташлайдилар.

Кўса маддоҳ дегани, кўча-кўйда ваъз айтиб юраркан. Ҳар ким атаганини берар,

хуллас, гап сотиб одамларни чўнтагини шиларкан. Ҳзи ўқимаган бўлса-да, ўқигандан зўр экан. Бир куни бозор ўртасида фатво қилибди:

— Кимки шолғом еса дўзахи!

Одамлар ҳайрон. Ахир шолғом емаган одам йўқ. Ўзбекнинг картошкаси авваллар шолғом билан қовоқ эди-да!

— Тақсири олам, бу нима деганингиз?

Кўса тилдан қолмайди:

— Шол бўлсаю ғам еса — дўзахи-да!..

Бобомнинг танзиманга одами йўқ. Бир куни қўлида бир нарсаларни кўтариб бораётган киши билан узоқ кўришди-да, кўрсаткич бармоғини ҳавода ўйнатиб менга таништирган бўлди.

— Ғулом Ҳасан Орифжонов! Матбаачи, босмаҳонани собиқ эгаси. Эҳ-эй, бу одамнинг хотирасига қулоқ солсанг Туркистоннинг машҳур одамларини таниб оласан. Шу кишида озгина иш бор-да! Юзтача китобга муқова ясаб берса, нур устига аъло нур бўларди.

— Бу одам сирач сотади-ку.

— Тақдирнинг тақозаси. Мабодо Тошкентни тити-пити қилганинда ҳам бу зотдай ҳаттот тополмайсан.

Бобомнинг жим ўтириб дам олганини кўрмасдим. Дам у ёқда, дам бу ёқда. Жуда бўлмаса кўчага чиқиб, дуч келганни гапга солиб, қизиқчилик қилар эдилар. Шаҳар дегани мавзесию маҳаллалари билан шаҳар. Маҳалла эса бойу камбағали, гадойу девонаси, киссавуру безориси билан обод.

Уруш даврида, ундан кейин ҳам Тошкент шаҳрида гадойлар кўп бўлган. Доим ғазал айтиб юрадиган биттаси маҳалладаги эгаси чақув бўлиб кетган хонадоннинг ташқарисидаги бостирмада яшарди. Гавдали, бўйнига жома ташлаб юрадиган гадой кўрпачушак қилиб ётиб қолади. Бобом уни соғайгунча бир қоса овқат билан йўқлаб турганлар. Кўнгиллари пок-да! Бир кун гадой бобомни чақириб, олдида катта пул қўяди-да, дардини айтади. Маълум бўлишича, ғўзал хотини бевафолик қилгач, елкасига тўнини ташлаб уйдан чиқиб кетган экан.

— Ўлсам йил-мовлятимни ўтказинг, — дейди у. — Қолганини лозим топсангиз, қишлоғимга олиб бориб, қариндошларимга топширинг.

Гадой икки кун ётиб вафот қилади. Уни бутун маҳалла кўмади. Орадан ҳафта ўтгач, чоллар йиғилиб маслаҳат қилишади.

— Бир мўмин банда бизга ишониб шунча бойликни ташлаб кетди. Қиёмат қарзни елкамиздан соқит қилайлик. Хўш, ким қишлоғига бориб келади?

Маҳалладан одам топилади: пул бўлгандан кейин саргардон ҳам сайлда! Уч киши кетади. Қишлоқни топишади. Исмини айтиб, чойхонадан сўрашади. Ҳеч ким танимайди. Қизиқ, наҳотки алдаган бўлса? Чойхонада ош дамлаб, худойи қилишаётганда гап айланиб ундан қолган мол-мулкка тақалади. Чойхоначи ўзгаради, кўзида ўт чақнайди. Қарабсизки, эрталабгача қишлоқнинг ярми қариндош, аза тутган...

\* \* \*

Бобом кейинги кунларда ўйчан, тўғриси, каловланиб қолди. Бозорда икки марта ҳассаларини йўқотиб, зўрга топдилар. Энди орамизда ёш ажратгулик тўсиқ йўқдек. Эрталаб азонда мени уйғотиб, иш буюрадилар. Соат бешда туришнинг ўзи бўладими!

— Болам, бугун дўстим келади. Бозорга тушиб, тўрттагина ёпган нон олиб чиқасан. Пашмак бор. Чўлоқ келиб қолса, ош дамласа яхши бўларди. Қўй сўйса арзийдиган одам...

Айтганларини қилиб, энди эркин нафас олаётганимда даллон эшиги очилиб, олифта кийинган эркакнинг қомати кўринди:

— Ассалому алайкум, кечирасиз, мош табибнинг уйлари шуми?

— Ҳа, келинг, хизмат!

— Бувимни олиб келгандик, кўриб қўйсалар.

Ичкарига кампирни олиб киришлари билан бобом ўзларини йўқотиб ҳайратдан қотдилар. Бошларидаги саллани тўғрилагандек тўр дўпиларини ушлаб-ушлаб қўядилар. Кампирнинг кийими оппоқ, бошидаги ёш келинлар орзу қиладиган чети шокилани шойи рўмолининг барларини елкасига ташлаб олган. Кўзларида сурма, қўлларида биллак узуклар. Қарашларида қандайдир ҳукмронлик муҳри бор.

— Тақдирни қаранг, яна учраштирибди-я? Эсингиздами, ўнг оёғим синганда ҳам боққан эдингиз? — Кампир маъноли кулди.

Қизик, бобом бироз талмовсираб турди-да, ўзига келиб, менга бақирди.

— Анқаймасдан тухум чақиб кел! Қозикдан янги рўмол олиб чиқ!

Ошхонага югурдим. Тухумни чақиб, оқидан сариғини ажратиб келсам, бобом аллақачон кампирнинг оёғини жойига солган эканлар. Пиёлада чой ҳам тутибдилар. Йигитлар қўлларини кўксиларига қўйиб, кампирни кўтариб чиқиб кетишди. Кўрпача устида кўкиш пул. Ҳайратда қолдим.

Катта пул... Бобом пулга қарамас, эс-ҳушлари кампирда эди.

Пул бобомни хурсанд қилмади. Лекин дўстлари келишига дастурхон безалиб, қуюқ-суюқ тайёр эди. Ҳаш-паш дегунимизча меҳмон ҳам келиб қолди. Саратонга қарамай икки тўн кийиб олган. Унғ қўлининг ярмиси йўқ. Бошидаги тоза салласи ўзига ярашган. Кимсан мударрис эшон. Даврага кесакиси аралашмади, яъни бобомнинг айтишича, бегона давранинг тилини билса ҳам, дилини билмайдиган улфат бўлмади. Пешинга яқин Мадаминбекка отбоқар бўлган киши кириб келгач, бобом мени кўчага ҳайдадилар: табиб йўқ, қабул қилмайди! Қани жангоҳнинг от камарига тушиб, калла ташлаб мириқиб чўмилсанг! Йўқ, харсанг тош устида ўтириб олиб, газетада Артек пионер лагерларида дам олаётган болалар ҳақида ўқийман. Кейин девор тешигидан ўзим бекитган папиросни олиб чекаман. Тутун томоқни қириб, нафасни кесади. Водопроводга бориб тўйиб сув ичаман. Бошимни чаяман.

— Дастурхонни йиғиб ол, мен кеч келаман, — дейди бобом улфатлари билан кўчага чиқиб. Ҳаммалари намозга кетишади. Буёғига мазза: шўрвани ур, паловхонтўрани ёнига қўшиб қизил уруғ қовундан тушир!.. Бобом кечга яқин келади. Эшон деганлари ўқимишли, инқилобчи бўлган экан. Мадаминбек билан жанг қилган. Барибир мен ҳеч тушунмайман, ақлим ҳали қотмаган-да. Билишимча, бозорда Туркистон диний нозирни жияк сотиб юрган экан, ўшани олдига тушишган. Хуллас, бобом хаёлга толиб, бугун боғга бормайдиган бўлди. Кечқурунги чўмилиш ҳам чиплакка чиқди.

Қоронғу тушиб, томдаги чигирткалар чириллай бошлади. Ҳовли ўртасидаги районни қимирлатсанг ҳам ҳид тарқалмайди. Айвондаги кўрпача устида ётиб, бобомни гапга соламан.

— Муҳаббат нима, бобо?

Бобом бош чайқаб, тўр дўпписини кияр эканлар, менга қарайди.

— Оламни тилга жо қилиб бўлармиди? Муҳаббат ҳам олам, болам... Бугун биласанми ким келди? Шарий хотиним.

— Бошқа хотинингизми, нега танимамайман? — ҳайронликдан ўрнимдан туриб, ўтириб олдим.

— Шаҳарни қози калони никоҳ ўқиган. Ичинг ёниб кетаётганга ўхшайди-а, қизиталоқ?.. Қадим муҳаббат ҳақида ким ўйларди дейсан. Тирикчилик ўтса бас... Жаҳон бувини биласан-а? Отадан етим қолиб, онаси билан бир ўзи қолганда маҳалланинг бойига никоҳ ўқитилганди. Қорни овқатга тўядиган бўлди деб, ўшанда бойни дуо қилишганди. Ҳозир ҳамма қизларнинг кўнглига қарайдиган бўлиб қолган. Ажаб замонлар келаяпти болам!

— Ҳалиги, хотин...

— Ҳа, уйланган даврим эди. Табибчилик қўлимдан келиб қолган. Бир куни айвонда ўтирсам ташқарига извош келиб тўхтади-да, ичкарига шаҳарни сўриб ётадиган бойнинг гумаштаси кирди. Оқ пошшони яқинлари билан тика-тик гаплашадиган одам-а?

— Қани, юринг, сизда юмиш бор! — деди.

Извошда бойнинг уйига кириб бордим. Ҳовуз бўйидаги супада бой етти қават кўрпачада ёнбошлаб ётибди. Мени катта хонага олиб киришди. Парда ортида аёл кишининг инграётгани эшитилди. Ёнимдаги, ҳожи дўппи кийган, бўйнига ридо ташлаб олган шаҳарнинг машҳур уламоси, соқолини тутамлаб:

— Номаҳрамсиз, ожизамизни кўрсатмаймиз, айтиб турасиз, аёллар айтганингизни бажарадилар, — деди.

Парда ёнидан ичкарига овоз бердим:

— Қаери синган?

— Чап сонларнинг юқориси...

— Бўлмаса оёқни ушлаб, суякни чиққан жойини топингда, олдига бураб тортинг!

Хонани чинқириқ босди. Аёл бечора ҳушидан кетди чоғи, бақир-чақир, елпиган овозлар эшитилди. Бойнинг юзини заҳар босган:

— Қизимни азоб чекишига чидамайман. Пошшонинг касалхонасига олиб бораман.

— Асло! — Кимнингдир баъмани овози эшитилди. — Шариятдан йўл топамиз.

Кувётўра хотинингизни талоқ қиласиз, табибга вақтинча никоҳлаймиз.

Келишилди. Бир соат ўтмай, шаҳарни машҳур қозиси келиб, талоқ қилинган келини менга никоҳлади. Хонага олиб киришди. Умрим бино бўлиб бундай кўҳлик аёлни кўрмаганман. Шойиларга беланиб ётибди. Ёнимдаги шум кампир туртмагунча ўзимга келолмадим. Дир-дир қалтирайман, гўё мен касалдек. Оёғини тахтакачлабманки, қани ўзимга келсам. Шум кампирнинг турткиси билан ташқарига чиқдим. Қўлимга ўн беш сўм беришди. Икки сигирнинг пули. Қараш қаёқда, эс-ҳуш тушмагур парда орқасида қолган. Пари кўргандек, жин чалгандек уйга келдим.

Ҳаловатим йўқолди, девонаман. Хаёл мени парининг олдига судрайди. Ҳожи менга ўқрайди. Эри сигир қараш қилади. Боқув яхши, илик ёғидан ош. Малакнинг ўзи ҳам соғлом эканим, ҳафта ўтмай оқсочининг елкасига қўлини қўйиб, ҳовуз атрофида айланиб қолди. Ўзимча ўйлайман: шарий хотиним, ундан кечиб бўладими?! Қайната ҳожи ҳолимни тушунди шекилли, юмшоқлик билан деди:

— Таҳдидли давр ўтди, энди талоқ қўйинг.



— Ҳали суяк битмаган.

Ҳожининг кўзи қўқон аравадек бўлиб кетди. Орада отам ҳам қимизхўрликдан келиб, елкамга муштлаб қолди:

— Гўрсўхта, хотинингни талоқ қил, йўқса ўзингни оқ пошшонинг темир зиндонидан кўрасан!

Уч кун ўтмай ҳовлига ёддайдан, сурбет йигитлар кириб келишди. Орқасида Ҳожи бува. Салом-алик йўқ, иккитаси мени ушлаб, тўнимни елкамга туширишди-да, кўлимни банди қилиб қиблага қаратишди. Йигитларни биттаси этик қўнжидан пичоқ чиқариб, биқинимга тиради.

— Баланд овоз билан хотинингни уч марта талоқ қиласан!

Мажбур бўлдим, болам. Ҳожи бува эшитиб:

— Шариат бўйича номаҳрамсиз, болам, бизнинг хонадон сизга бегона, афсус...— деб чиқиб кетдилар.

\* \* \*

Бобом ўринда чордона қуриб, даҳанига икки муштини тираганча хаёлга чўмиб ўтирарди.

— Муҳаббат инсоннинг қалбида бўлса керак-да, — деди у ва хўрсиниб кўйди. — Қани овқатни сузамиз. Ваҳоб занг-заҳар босиб келди. Оч бўлса керак. Муҳаббат наби бош сўкса эҳтимол. Хуллас, сенга, менга, Холматга. Э, Салим чатоқ бор-ку! Айб ўзида, аввал келинларини чақиртирмай эр-хотин яшади, мана бир ўзи шўппайиб ўтирибди.

Салим чатоқ бир ўзи яшарди. Қасосли дунё, ғиди-ғидисидан икки ўғил уй-жой қилиб чиқиб кетган. Узатилган қизи оёғини узган. Ҳаммасига ёш хотинга уйланганлиги сабаб. У ҳам чайқов бозорда ўйин кўрсатиб, бошини ерга қаратиб кетди. Ажалга тўзим берса яна қанча уйни бузиб, не-не кўнгилни хуфтон қилади. Хуллас, унга кишининг раҳми келади. Одам холис, кўча айланиб бобомнинг олдига келади. Эшик олдигаги харсанг тошга ўтириб, дам олади.

— Э, чатоқ келдилар! Эшитишимча, Соли ёғчининг маҳалласига йўрғалармишсан?

— Иброҳим тушмагур-а, оёқда зўрға турибман-ку, ўзим!..

— Топганингни ўша ёққа таширдинг!..

— Иброҳим, қўй ярамга туз сепма, шундоқ ҳам вайрона...

Бобом маъюсланиб қолади. Кейин гап қилади:

— Қариганингда муҳаббат бўлмаса кўрган кунинг бир тийин. Хўп, сенга бир маслаҳат,— у Салим чатоқнинг қулоғига нималардир деб шивирлайди. Чатоқнинг оғзи очилиб қолади.

— Иброҳим, йўқ кўлимдан келмайди...

— Тўғри, ақлингни бошингга илиб нималар қилмадинг. Шунда ҳам бола-чақангни ҳолидан хабар олиб турдинг, энди қарасин!

Салим чатоқ ўйланиб ўрнидан туради. Уша куни меҳмон кўп келиб, кечқурунга овқат қолмагач, бобом менинг жигимга тегиб дейди:

— Ўн қошиқ шўрва билан зоғора нон пириллаб кетарди-а?

— Айб ўзингизда, ўтган-кетганни боқамиз.

— Кўнглингни кенг қил болам, раҳматли бобокалонинг тўн олса бир ҳафта киймаган, бечораҳолга ечиб берган. Ифторни ҳам бир йўқсил билан қиларди.

Бир кун Салим чатоқ келмай қолганди, бобом хабар олгани жўнатди. Бориб қарасам чироқ ёниқ, эшикни тақиллатсам бир йигит чиқди.

— Бобом хабар олгин деган эдилар.

— Мош табибнинг неварасимисан? Бориб айт, ўғиллари бор экан, дегин!

Бу хабарни эшитган бобом ёқа ушлаб кулади.

— Олтиннинг тузоғига илинибди. Эҳ, хом сут эмган бандалар!..

Салим чатоқ ўзгариб қолди. Соч-соқоли олинган, бошида янги дўппи. Харсанг тошга келиб ўтиради-ю, кечаги овқатни ичмайди, нуқул ўғилларини, қизини мақтайди. Ой ўтмай у вафот этди. Ўғиллари маҳаллага олиб келиб кўмишди. Бобом безовта.

— Ишқилиб бир бало чиқмасин-да!

Икки ўғил, бир қиз ва куёвнинг ҳовлидан кетгилари йўқ. Ҳафта ўтмай бобом тирчилаб қолди. Уч эркак чатоқнинг иморатини буза бошлашди. Икки кун ўтмай ўрнидан майдон қолди. Ускунасини бўлиб олишибди. Кечқурун бобом роса кулиб, менга сирни очдилар.

— Олтиним бор, менга ким яхши қараса ўшаники, деган. Буни мен ўргатгандим. Роса олтин қидиришди. Баҳонада жиндай кун кўрди бечора.

Воқеани тушуниб, бобомнинг билармонлигига тонг қолдим.

Эшик тақиллаб қолди. Дарвоза олдида кўримли бир йигит турибди.

— Мош табибни чақиринг!

Бобом айтмоқчи, тиккатий китоб— одамни ўзимча ўқиб, зинфиллаганимча хабар қилдим. Бедилдан бошларини кўтариб ҳайрон қарадилар.

— Жуда ақлинг равшанлашиб қолибди. Чақир кираверсин.

Йигит кириб, бобом билан кўришиб:

— Кечирасиз, ўзимни таништирсам. Отам раҳматли урушда ҳалок бўлганлар. Бобом заргар растасида тирикчилик қилганлар,— деб менга эшиттирмай номини айтди.

— Э, у кишини Туркистон сарҳадида танимаган одам йўқ эди,— бобомнинг оғиз таноби қочди.— Уктам, зукко заргар эдилар. Ясаган тақинчоқларини ўртамиёна бойлар ҳам орзу қилаолмасди. Оқ пошшонинг хотинларига ҳам ясаганлар. Афсус, инқилобдан кейин бир кечада кўз юмиб қўяқолгандилар. Хунарларини олганмисиз?

— Йўқ... Ўзга юмуш билан келгандим.

— Хизмат?

— Маҳалламиз қариялари юбордилар. Иложи бўлса кечқурун ўтсангиз.

— Албатта борамиз.

Бобом кечқурун кетаётиб, дедилар:

— Боғга бормадик. Хай, чўлоқ келса кутиб турсин. Очиксанг товчадаги оқишоқ талқоннинг шўрини қурит.

Бобом кеч қайтиб, ҳовлидаги супада узоқ ўтирдилар. Кундузги иссиқ ҳовлидан кетган эмас.

— Майли, бугунгиси қизиқ. Қани, оёқни қўлга олгинчи!

Айтганларини бажо қилдим. Бобом чой ҳўплаб:

— Бугунги юзидан нур ёғилиб турган йигитни эслайсанми? — деб сўрадилар.

— Ҳалиги, сизни чақириб кетган саранжон-сариштаними?

— Ҳа, қонида бор-да. Бобоси нозиктаъб, ғазалхон заргар эди. Ясаган тақинчоқлари — аёлларнинг орзуси. Ҳатто Бухорои шарифдан келиб, муҳр буюришарди. Муҳрни дэ, ғазал билан битиб безардики, маҳлиё бўлиб қолардинг. Заргар инқилобдан сўнг, дўкони мусодара қилинган куннинг эртасига ўлади. Хотини билан бир ўғли қолган. Шу маҳалгача қариндошлари заргардан тилла, қимматбаҳо тошлари қолган деб ишониб яшашган. Ўғли урушда шаҳид кетган. Уларда Бухоро усталари ясаган мис сандиқ бўларди. Ушани қариндош-уруғлари давра қилишиб менинг гувоҳлигимда очишди.

— Роса тилла чиққандир?

— Қаёқда, ўғлининг расми билан хату борини давлатга топширганлиги ҳақидаги қоғоз чиқди, холос.

— Э, аттанг, Пўлат бойваччага ўхшаб эллик сўмликка мохорка ўраб чекмайдими-а?

— Пўлат бойваччанинг тақдирини орзу қилма!

— Ўзингиз айтасиз-ку, ҳамма китобни ўқиш керак деб.

— Кўй, ёмонлик ҳам юқумли бўлади. Одамнинг ақлини ўғирлайди.

Маҳалладаги Пўлат бойвачча ишламас, отасидан қолган бойликни совуриб, ҳамманинг ҳавасини келтириб юрарди.

— Ҳеч ким мени йўқладими? — сўраб қолдилар бобом.

— Хорунбой ота йўқлагандилар.

— Чакки қилибсан-ку, нега келган заҳотим айтмадинг?

Индамадим, Хорунбой отани ёқтирмасдим. Кўриниши тўнг. Ортиқча гапириш уёқда турсин, саломга алик ҳам олмайди. Доим ўйланиб юради.

— Нега Хорунбой ота сизни чақиради?

— Нодон болам, уни кимлигини биласанми? Олой маликасининг ўғли!

— Қанақа Олой маликасининг ўғли?

— Олой тоғининг-да, болам. У Абдулла Қодирий билан қамоқда бирга ўтирган.

— Қамоқ ҳақида гапирманг!.. Яхшиси боғга бормаймиз-а?

— Йўқ. Эртага пайшанба, отангни олдига тушиб, гуноҳларингдан фориг бўласан, яъни сочингни олдирасан. Кейин, у бир нарса беради, олиб чиқасан. Борақол болам.

Ошхонага югурдим. Бобом тушмагур ҳеч нарсани тушунмадилар. Қозоқлар мешда қимиз бериб юборишган экан. Икки косасини уриб олгандим, бутун танам ҳавода сузаётгандай кайф қилиб юрибман.

Кечқурун бобом намозни ўқиб бўлгач, уйга кириб артистлик қилиб қолдилар:

— Қораманми мен, барча олифталар сингари силлиқ ва равон гапирмайманми?..

Аммо дейман, сар лочиним Аброр тушмагур қийиб ташлайдида, қалбингни сел қилиб, оқизиб ташлайди. Ўзиям хўп топиб гапирганда болам, ундан қадимий доноларнинг хиди келади.

— «Отелло»ни Аброр Ҳидоятлов ёзмаган.

— Ким ёзган?

— Шекспир. Инглиз шоири.

— Уйлаб гапир, инглизлар бундай ёзмайди. Кейин, инглизлар бобокалонингни ўлдирган.

Бобомнинг отаси инқилобдан олдин Аффонга кетиб, ўша ерда қолиб кетган экан. Йигирманчи йилларда бўлса керак, инглизлар билан урушда шаҳид кетган деган хабарни эшитибди. Шу-шу бобом инглизларни ёмон кўрарди. У бир мунча вақт каловланиб турди-да, сўради:

— Ҳалиги гапинг ростми?

— Афишани ўқинг: «Отелло» Шекспир асари, адабий эмакдоши Ғафур Ғулом», деб ёзиб қўйибди.

— Балки Ғафур Ғулом ёзгандир? Мадрасада ўқиб юрган даврида.

— Ғафур Ғулом мадрасада ўқимаган.

— Кўрганни эшитган енгаркан... Хўп, у бўлмаса Абдорнинг ўзи ёзган. Балки оға ёрдам бергандир... Англия деганинг бир тупканинг тагида, ери бошқа, дини бошқа. Уша Шекспиринг ёзганда ҳам, уларда каландимоғ катталар йўқ дейсанми. Абдуллага ўхшатиб қамашворарди. Бундай миянгни ишлат.

Миямни ишлатиб кўрдим. Шекспир қотириб ёзганки, ҳамма халқ уни ўзиники қилиб олган. Буни бобом тушунармиди! Уйланиб ўтирсам бобом елкамдан тутиб қолди:

— Қани, кўзимга қара-чи, қимиз ичибсан-а?

— Қимизни нима қиламан, ана ариқда сув тўлиб ётибди-ку!

— Алдаяпсан, бола. Алдаш гуноҳнинг урғочиси бўлади. Бир марта алдасанг бола-лаб кетади.

— Ҳамма алдаса майли, мен алдасам ёмон экан-да?

— Ким алдайди?

— Ҳамма. Сиз ҳам алдайсиз.

— Шариатда изн бор. Масалан, иккита уришиб қолган мўминни, эр-хотинни яраштириб қўйиш учун алдов ишлатилса гуноҳ эмас.

— Хамирни қозон куяга булаб, мўмиёнасл қилиб сотса-чи?

— Мен табибман, нодон. Аввал инсон руҳини даволаб, кейин танага ўтилади. Руҳи тетик бўлмаган инсоннинг шифо топиши қийин. Мўмиёнасл отлиққа йўқ-ку, мен қаердан олай. Алдашим зарурат. Ҳеч кўрганмисан, фалон пул бер деб тама қилганим-ни? Йўқ.

\* \* \*

Хотира ўз йўлига, яшаш ҳам керак-ку! Кечқурун зерикиб, кўча деворнинг орқасида папирос чекиб ўтирсам бобом чақириб қолди. Кирсам ичкарида полвонсифат, кўзи қаттиқ, қоядек метин киши ўлтирибди.

— Қани, қўлларида ушла!

Ҳалиги кишининг оғир, қаттиқ қўлини олиб, ўзимга тортдим. Елкасидан чиққан экан. Туш урилган гавдасидан маълум, турмада бўлган. Кўкрагида доҳийларнинг расми.

— Карвон, қаерлардан сўраймиз?

— Тирикчилик кушхонада ўтиб турибди, йўлингиз тушса киринг, гўшт дегандек.

«Карвон» ўрнидан туриб, аста чиқиб кетди. Бобом уни эшиккача кузатиб қайтилар. Беш килоча гўшт ташлаб кетибди. Энди у ҳақда гап бўлади. Ҳақиқатан ҳам узоқ кутишга тўғри келмади, бобом супада ўтириб олиб, ҳикояни бошладилар:

— Кўча-кўйда уришиб, ҳеч кимга сўз бермай юрарди. Инқилобдан кейин уни милицияга ишга олишди. Узиям бир қоп юраги бор экан. Қилган қаҳрамонликларини айтиб, адо қилиб бўлмайди. Безориларнинг танобини тортиб бўярди.

— Олинг-а, у ташлаб кетган гўштни ҳақи-да, бу.

— Алжима,— бобомнинг аччиғи чиқиб, тескари ўгирилиб олди. — Сен нимани ҳам билардинг!..

Тилимни тишладим. Ўзи чоли тушмагурнинг ҳикояларига тушуниб бўлмайди. Қаҳрамонлари тоза эмас: бири аввал динга қарши чиқиб, кейин сўфи бўлган; иккинчиси, инқилобчи-ку, намоз ўқийди. Демак, китоб ёзадиганлар қаҳрамонларини хоҳлаган тоғорасида қорар эканлар-да!

Кизик, бобом мазорга ҳам ясаниб борадилар. Пешиндан кейин уйга Холмамат акани ташлаб йўлга тушдик. Олдинда бобом: оқ саллада, хитой шойисидан тикилган тўн, оёқларида ковуш. Асоларини дўқиллатмай, жимгина қадам ташлаб борадилар. Орқаларида мен. Аскар халтасидаги озиқ-овқатни кўтариб олганман. Мазоргача колхоз молини олиб тушган араваларга ўтирса ҳам бўлади. Йўқ, у киши фаришталарнинг гапидан чиқмай кетмоқдалар. Зах қабристонига яқинлашдик. Бобомнинг қадди тиккайди. Елкамдаги халтани олиб гумбазларга қарайман. Вақти келиб мени ҳам олиб келишади. Лаҳатда куйдирган калладек тиржайиб ётсам керак.

Гўрков пайдо бўлиб, бобом билан кўришди.

— Табиб ота, келинг хизмат?

— Барибир шу ерга келамиз-у, аммо ҳозирча хизмат йўқ.

Гўрков тугундаги ҳолвойтарни ва пулини олиб кетди. Гўрларни босмасликка ҳаракат қилиб, сўқмоқ оралаб ёнғоқ тагига етдик. Бобом бир чеккага ўтириб, Қуръон ўқий бошлади. Бир пайт қуруқ ўтларни шитирлаши эшитилди. Бобом анчайин маҳзун қарадилар.

— Охирги кошонамиз. Бу ерда оламни куйдирган, гуллатган бандалар ётади...

Бобом мистик, ўлганларнинг руҳи билан гаплашади. Менга кўзлари тушди-ю, чамаси фикримни ўқиб юзлари тундалашди. Тарас Бульба Андрейни отишдан олдин шу кўйга тушган бўлса керак. Жаҳл билан мозордан чиқиб кетдилар. Заҳарикнинг чойхонасида учрашдик. Олдиларига боролмай, ариқ бўйида ўтирибман. Қараб-қараб қўяман. Бир-биримизга хўмрайишиб ўрнимиздан турдик. Бедазордан ўтиб, колхоз даласини оралаб, анҳор бўйига етганимизда менга қарадилар:

— Болам, шу кетишингда ақлингдан айрилиб қоласан.

— Мен сизга нима қилдим?

— Кўпдан кулма. Халқдан ажралган кўкармаган.

— Келинг, ўғил болачасига гаплашайлик! Руҳ деган нарса борми ўзи? Ахир ўзингиз жағи тушган келинни жин тегиб ўқитганидан кулдингиз-ку?!

— Ёмонга қўшилибсан. Яна алжияпсан...

— Руҳ материя эмас, ундан дўппи тикиб бўлмайди.

— Офарин, руҳсиз одам ҳам дўппи тиколмайди. Руҳ бор оламда. Ўзинг ўйла: инсон оғриқни сезади, уялганда қизаради, кулса ғубори тўкилади. Бу нима?

— Танадаги кимёвий реакция.

— Кўрдингми, янгича илмда руҳ бошқача аталаркан!

Тўхтаб қолдим. Ҳақиқатанам кўз битта, уни халқлар ҳар хил ном билан аташса, ҳам, мазмуни бир-ку! Бобом ҳақ. Лекин тан олай десам ғурурим йўл қўймайди. Гаплашмасак ҳам бобом билан бир-биримизни тушуниб турибмиз. Бу қандай куч экан? Балки ўзига бино қўйган олимлар билмаган, идрок қилолмаган нарсаларини нодонлик ва жаҳолат деб эълон қилган бўлсалар-чи!

— Бобо, кечирасиз, айб менда.

— Баракалла болам, руҳинг тоза экан, ўзига ёпишган ифлосни қабул қилмади. Дунёда эр йигит, бахтли одам нодонлигини бўйнига олади, тузатади. Қани, юк халтангни ол, мен кўтариб олай, чарчагандирсан!

— Йўк, ўзим... Лекин айтинг-чи, инсон нега Ватанни яхши кўради?

— Руҳи бор-да, болам! Шу ерда яшаяпсан: ўрик ейсан, беҳи сувини ичасан... Таннинг шунга ўрганади. Бошқа ерга бориб қолсанг овқати ҳам, суви ҳам, ҳатто ҳавоси ҳам ёқмайди, ўз ерингни қўмсайсан.

— Ахир бу материалистик дунёқараш-ку?

— Сен эшитган гапларингни ақл тарозисида тортиб кўр. Руҳ бор. Ҳамма нарса ердан чиқади, ерга қайтади.

— Моддалар алмашинуви.

— Тушунмадим. Қани энди ақлинг қуйилиб, илмимизни замон тилига ағдарсанг. Унда биласанми, ман-ман деган олимларингни миси чиқиб қолади.

— Руҳ балки атомларнинг ҳаракатидир...

Қизиқ, анови тош бир вақтлар мен каби бола-ю, шу ерларда қўй боқиб юрган бўлса-чи?!.

— Оббо, болам тушмагур-а, соатни ол деса, кетмон кўтарасан-а!.. Шу, бир воқеа эсимга тушиб кетди.

— Айтиб беринг, нима десангиз қиламан?

— Тоғангни шафтолиси бор-а? Эртага азонда ўшандан ярим челақ терасан.

— Бермасалар-чи?

— Ўзинг биласан-ку! Ҳалигидақа...— бобом кулди.

— Бўпти!

Эрталаб кўзимни очсам қуёш чиқиб кетган, бобом қаергадир жанозага кетган экан. Йўлга отландим. Борсам, аммам текстилнинг лахтак дўконига кетган эканлар. Келинлари уйда, болалари билан овора. Девор ошиб боққа тушдим. Бир челақ шафтоли териб чиқсам, олпоқ ойим қараб турибди.

— Ҳа, нима гап?

— Адолат қиялман. Бобом бечора нима топсалар ташийдилар-у, аммам эса, ярим челақ шафтолини раво кўрмайдилар.

Оппоқ ойимнинг қўлларигади қуриган таёқ ерга тушди. Адолат, ҳақиқат тантана қилди-ёв? Сиёсат деганлари шу бўлса керак-да!

— Бор, девор паналаб кет.

Кийимларимни қоқиб равона бўлдим. Хуморидан чиқмоқчи эдим, чўнтакдаги папирос эзилиб, дабдала бўлибди. Ана ўғрилиқ! Бобом воқеани эшитиб, роса кулди. Шафтолини ҳазил билан паққос туширдик.

\* \* \*

Бобом табибчилик қиларди-ю, ҳукуматдан қўрқарди. Хужжати йўқ-да! Кимларгадир мўлтаяди, хушомад қилади. Гоҳида бирор мансабдорга ёқмай қолса, тоғам ўртага тушади.

Бирибир виждони патос боғлаган бир одам бобомни сотди. Кимлиги номаълум.

Майли худо кўрсатар. Эрталаб ҳарбий шим кийган, йилтираган хиром этикли икки киши уйга кириб келди-ю, бобомнинг ҳуши бошидан учди.

— Биз билан юрасиз!

Бобом қўллари қалтираб, дастурхондаги гижда нонни иккига бўлиб, белбоғларига тугдилар-да, юввош қўйдек уларнинг олдига тушдилар. Худо урганни бандаси ҳам ҳассаси билан туртади деганлари шумикин? Шундай қилиб, десангиз, шўри қуриб қолган бобом алламаҳалда инқиллаб-синқиллаб районга келади. Кўзига сирли бўлиб кўринган хоналарнинг бирида сўхтаси совуқ йигит ўтирарди. У бобомга ўқрайиб қараб, қўлидаги қоғозни ўқийди.

— Одамларни дин билан заҳарлаб юрибсизми?

— Болам...

— Қанақасига болангиз бўламан!

Эҳ, беозор бобом-а! Ҳақиқатан ҳам, бунақа ўғилни кўрмай туриб жанозасини ўқиган маъқул-ку!

— Уртоқ...

— Уртоқмиш!..

Бобом тилини тишлаб қолади. Улфат деса кулфатни ўзи. У кўзларини юмиб, беҳол турганида хонага кимдир кириб, йигит безовталаниб қолади.

— Сиз нега бу ердасиз?— сўрайди у.

Бобом индамайди. Йигит ғўлдирайди.

— Мош табиб шу киши бўлади,— дейди ҳалиги киши.— Буларни айблаш эмас, илмини ўрганиш керак. ТошМИга қоғоз қилиб беринг.

Бобом каловланиб, хурсанд бўлганидан эшик қолиб, деразага ташланади. Хайр-маъзур ҳам насия. Орқасидан кузатиб чиққан йигит ўсмоқчилаб сўрайди:

— Отахон, қақалоқ жиянимизнинг қўли синиб, қийшиқ битиб қолган экан. Иложи йўқмикин? Катта бўлгач кўнгли ўксиб юрмасин.

— Ёш боланинг тани хамир, олиб келинг, тузатамиз,— дея жўнаб қолади бобом.

Ҳалиги салобатли одам ким, қаерда кўрган экан-а? Эсига тушади: Ғулом Ҳасан Орифжонов матбаасида ишлаган шогирдлардан-ку! Чекист бўлганини эшитганди. Рус-тузем мактабини битирган. Оиласи, рус хотини бор.

Эртасига эшикдан қамчидек йигит ёшгина қизчани кўтариб кириб келди. Қўли қийшиқ битиб қолган экан. Бобом пўстдумба боғлаб, битган ўринни юмшатди-да, қайтадан солиб қўйди. Йигит атрофга қараб, бобомга анчагина пул қолдирди.

— Пулингиз керак эмас... Ҳалиги ТошМИга юборишса...

— Ота, бемалол бораверинг...— деди ҳалиги йигит қулиб.

Эртасига денг, Ғарб билан Шарқ табобати учрашди. Ғарб медицинасининг, иссиқ ва совуқ мижозларини тан олмаса ҳам, улкан дори фабрикалари, минглаб вакиллари, замонавий машинаси борким, бобомни эзиб ташласа керак деб ўйлайман ўзимча. Бобом донгдор профессорнинг олдига довдираб қолади.

— Илмнинг моҳияти амалда,— дейди у.— Гапга нўноқман. Зерзаварни ўрнига қўйиб гапиришни билмасам.

Профессор мамнун қулиб қўяди. Иккиси касаллар ётган хонага киришади. Бобом энг оғирини — сони синган беморни танлайди. Унга эса, енгилроғини кўрсатишади.

— Фарштаси йўқ, ичар экан, шифо топиши қийин, — дейди бобом.

— Ҳа, алкоголь билан заҳарланган... — ҳайрон бўлишади улар.

— Манави беморнинг аҳволи оғир. Операция қилмоқчимиз.

— Кераги йўқ. Кўринишидан завқли йигитга ўхшайди. Муолижа билан тузатиш мумкин.

— Касалнинг тузалиши инсон характери билан боғлиқми?

— Албатта. Касалнинг бир учи танда, бири қалбда бўлади. Ихлос-халос.

Профессор ҳам бир беморни танлайди. Бирга даволашга тушадилар. Бобом йигитнинг суякларини тахтакачлайди. Ва дейди:

— Гап шу: хурсандчиликнинг пайида бўл!

Бобом ихтиёридаги касал мuddатидан икки ой олдин тузалиб чиқади. Профессор ҳайрон. Мардлик қилади: Қўлига. «Халқ медицинаси ўрганилсин!» деб ёзиб беради. Бобом уйга келиб, ёш боладай қотиб-қотиб кулади.

Иккимиз ёлғиз эдик, бирдан бобом:

— Кетмон қаерда? — деб қолдилар.

Югуриб қолдим: тилла бекитган бўлсалар топсак, маҳалламиздаги бойваччага ўхшаб юз сўмликка махорка ўраб чекканим бўлсин! Эшикка қулф солиб келсам, бобом яқтак-кўйлақда кетмон уряптилар. Кўзлари қўрқинчли, танимай қолибман. Белни олиб, ёнларига тушдим.

— Ё олло, ўзинг шарманда қилма!..

Иккимиз терлаб-пишиб ишлаяпмиз. Бир пайт сандиққа ўхшаш бир нима кўринди. Устидаги ўралган намат чириб кетибди.

— Умидларимни ўлдирма-ей! Минг йиллик ақлни йўқотма-ей!

Бобом кетмонни кўтариб, сандиққа ўрган эди, тахтаси синиб ичидан сув сизиб

чиқди. Бобом лой тупроқнинг устига ўзини ташлаб, йиғлаб юборди. Узоқ йиғлади. Мен ҳайрон эдим. Намунча, тилла бўлса лойга қорилиб ётгандир. Чиқар... Йўқ, руҳлари учиб, девона қиёфасида ўринларидан турдилар. Даҳшатга тушдим. Бирдан супага чиқиб, узала тушиб ётиб олдилар. Нима қилишни билмайман.

Кўчага чопдим. Дуч келган одамни бошлаб, ҳовлига олиб кирдим. У супа ёнига келиб:

— Бобондан ажралибсан,— деди.

Қийиқчалари билан энгақларини боғлади. Олам кўз олдимда чир айланиб кетди. Буёғига нима иш қилаётганим, қаерга борганим эсимда йўқ.

— Ўрани кўмиш керак. Юқоридан келиб қолса...

— Нима қиларди? Китобда нима айб!..

— Ҳарқалай эҳтиёт зарур...

Кечаси болохонада ётдим. Азонда тобут олиб келишди. Ҳеч кимга қўшилгим йўқ. Узимча кашфиёт ҳам қилдим: бобом ўлганлари йўқ, руҳлари китобга, менга ўтди... Бу ёқда кўча одамларга тўлиб кетган. Қариндошлар қий-чув қилиб ётибди. Аллақайёқдан келган қозоқларнинг «Боврим»лаб йиғлашлари юракни эзади. Тобут демаган одамлар елкасида учади. Ҳамма Мош табиб билан хайрлашишга ошиқади: тобутга қўли тегса, бобом руҳини рози қилса...

Бобомнинг ўлимидан кейин қариндош-уруғлар ўртасида шивир-шивир оралади. Чамаси, мерос жанжали. Мол-ҳол-ку, келишиллар, тақсимланар. Бобомнинг ақли, донолиги-чи! Уни тақсимлаш мумкинми? Қолаверса, ким энди табиблик қилади?

\* \* \*

Бу ёғини ёзолмайман. Кўзимга ёш қуйилиб келаётибди. Бобомдан айрилиш оғир менга. Назаримда, улғайиб қолгандайман. Буни қарангки, ёшлигимдан ҳам жудо бўлиб ўтирибман. Алвидо, бобожон, алвидо, бобожон!..

## БАЧКИЛАР

Бирдан болақайнинг қулоқлари остида антиқа куй жаранглади. Ўйноқи ва дилрабо, заиф ва барра эди бу куй.

\* \* \*

Еримни кутавериб жигар-бандим қонга тўлди.

\* \* \*

Ҳамият ва ибо билан, истисно ва навозиш билан таъзим қилди қиз.

\* \* \*


У машшоқнинг дўкида меҳр кўрди, бирдан юмшаб устозининг елкасига қўлини қўйди.

\* \* \*

Вазири аълам қарсак чалди.

\* \* \*

У меҳмонларни меъеридан ўтиб кетмайдиган тавозе билан кутиб олиб, сўрига таклиф этди.



Нурулла Остонов

## БИР ОҒРИҚ, КЕЗИНДИ

## МЕНИНГ ЖОНИМДА

### Оддий оилада

Оддий оилада оддий болалар,  
оддий тақдир билан туғилаверар.  
Улар беланчаги шойи атласмас,  
куёш нури билан йўғрилаверар.

Оддий болаларнинг оддий кунлари  
уйдами, далада ўтаверади.  
Пахта қабартирар қўлчаларини,  
жабрми-ситамми ютаверади.

Жуда оддий бўлар улғайганида,  
оила тебратиб ўтади куни.  
Жисмида юргизсанг тегирмон тоши —  
суяги ун бўлар, чиқмайди уни.

Ташвиши иборат бўлар пахтадан,  
ёки, қилаверар берган ишини.  
Жағига бир бошлаб тушириб кўринг,  
ичига ютади синган тишини.

Қандай хокисор у, хокитуробдир,  
ишга эгни-боши ямалиб чиқар.  
Бошқалар жиноят қилса, у одам  
қилмаган ишига қамалиб чиқар.

Қулайроқ жойлашиб олинг бўйнига,  
сал ниқтаб қўйсангиз, кетаверади.  
Жар солинг, ғоялар сари олға деб,  
уларга қуруқ гап ўтаверади.

Бироқ фаромушдир хотирингиздан,  
ўн еттинчи йилни ёққан паллалар.  
Буюк инқилобни, ахир, ким қилган? —  
Оддий оиладан чиққан болалар!

## Алломишни уйғотган қўшиқ

Болам, узоқ йўлда узлуккан ёмон,  
Бегона жойларда кўзиккан ёмон,  
Кўнгилда қолган дард — бўз экан ёмон —  
Узоқ, ухладинг-а, Алломиш болам!

Элинг қул, ўтови вайрона бўлди,  
Суяклар хўрланди, паймона тўлди,  
Билмадим, бу қандай замона бўлди,  
Узоқ ухладинг-а, Алломиш болам!

Билмадим, кўзёшим қай кун қуриди,  
Кўзим қароғида гардун қуриди,  
Кўксимда Сайхуну Жайхун қуриди,  
Узоқ ухладинг-а, Алломиш болам!

Рақиблар шод бўлди кўриб ранжингни,  
Бойчибор қўмсайди шаҳдли қамчингни,  
Кимларга ташладинг ой юз Барчинни,  
Узоқ ухладинг-а, Алломиш болам!

Уйқудан тур, болам, қаддингни тоғ қил,  
Чақинни найза-ю, ойни белбоғ қил,  
Кўзимда не дард бор, бир қараб боққил,  
Узоқ ухладинг-а, Алломиш болам!

## Олтовлон ва еттинчи

Гуржи тоғларидан қочган оҳудек  
Тилимдан силқиди эрка бир имкон.  
Минг йиллик харсангни ёрган гиёҳман,  
Қонимда гупирди қадимий исён.

Бир ҳазин куйлади олти дўст гуржи,  
Авжида титрадим, тордай эшилдим.  
Тилимдан харсангдек кўчди фарёдим,  
Мен она тилимни жўрлаб, кўшилдим.

Гуржи чоғиридай юзлар олчаранг,  
Гуржи кўшиғидай ўйчан нигоҳлар.  
Гулхан бўлиб ёнди менинг тилимда  
Қадим «Муножот»лар, «Савт»у, «Сегоҳ»лар.

Дарёдек гупириб, дарёдек тошдик,  
Кўнгилнинг бир хилват ошиёнида.  
Шу лаҳза саросар элларни эслаб  
Бир оғриқ кезинди менинг жонимда.

Бир-бир қадаҳ сўзи айтди олти дўст,  
Бири уйғон, деди,  
Бири боқ, деди  
Ўзингни асрама яхши кунларга,  
Шу ёмон кунларга жонни ёқ, деди.

Бири бирлик, деди, бириси ҳурлик...  
Кўп бўлсин элингнинг мард ўғлонлари.  
Тилинг занг тортмасин даврон жабридан,  
Сўнмасин қалбингнинг дард — исёнлари!

Улар олтов эди, мен ёлғиз эдим,  
Май тўла қадаҳни кимдир тутди жим.  
Қани, ким кўшилар менинг сафимга?!  
Май тўла қадаҳни...  
Индамай ичдим...



Умр кундасига бошимни қўйиб,  
Ишқ куйин тинглайман муғгли найлардан.  
Тиланчи қўлидек қароғим бўм-бўш,  
Мен сени йўқотиб қўйдим қайларда?

Товонга чирмашган чексиз сўқмоқлар,  
Илон тилларидек йўлимни тўсди.  
Сен кетган, мен қолган дарё зимнида  
Қайроқлар тиғ бўлди, янтоқлар ўсди.

Мен сени унутдим майпараст янглиғ,  
Қизчалар лабида севги хол отди.  
Кўксига қистириб катта пулларни  
Лўлилар севгидан кулиб фол очди.

Жаллод кундасида умрим сўнадир,  
Айт, сени дараклаб борай қайларга?  
Чалғувчи лабида йиғлаган куйман,  
Дардимни айтаман энди найларга...


### Гул иси

Гул иси келади ҳаводан,  
кўксимга сиғмаган ул — қушдир.  
Оҳ, қандай сархушман, бу ҳаво  
лабларинг сингари намхушдир.

Кенгликлар кўксига бош қўйиб  
чуқурроқ олайлик нафасни.  
Кўксимга сиғмаган ул қушча  
синдириб ташласин қафасни.

Кўзларим эркалаб боради  
кўксингда йиғлаган ғунчани.  
Учиргил кенгликлар томонга  
кўксингга сиғмаган қушчани...





Паҳлавон Маҳмуд

## РУБОИЙЛАР

1

*Ё раб, манго элни такягоҳ айлама,  
Шоҳларга куним қўйма, жафо айлама.  
Сенга шукур, бўлди соқолим оппоқ,  
Энди мени юзи қаро айлама.*

2

*Тун бўйи минг дардга кўнарман, дўстлар,  
Гоҳ ёнаман, гоҳи сўнарман, дўстлар.  
Гарду ғуборимни ювар кўз ёшим,  
Ойинага охийр дўнарман, дўстлар.*

3

*Тўтигинам ширин мақоли яхши,  
Чимрилгувчи ул икки ҳилоли яхши.  
Кулгуда ўйнаб лаби тутқич бермас,  
Упмакка қулай тим қаро холи яхши.*

4

*Келгай десалар сурурда кўз ёшлардим,  
Йўлингга суман, гуллар эка бошлардим.  
Хокираҳингни кўзга суртиб сўнгра,  
Чеҳрангни кўриб, барин ўриб ташлардим.*

5

*Дунёнинг иши тўс-тўполон, жанг деб бил,  
Номарднинг эмас, марднинг иши танг деб бил.  
Дунёнинг иши бу — каъбатайну нарддир,  
Ростни ютар доимо найранг деб бил.*

6

*Рухинда бўлай десангки сердардларнинг,  
Мардга юкун, бу шартидир шартларнинг.  
Мард бўласан бош эгмайин номардга,  
Хизматига шай яшасанг мардларнинг.*

7

*Ҳолимни билиб кетмак учун келгайсан,  
«Бунча сени қийнади ким?» сўргайсан.*

Ойна бериб қўлингга, дерман: «Термул,  
Қўзғуда уни, эй қоракўз, кўргайсан!»

8

Уфқ томон томди қуёш бир лахта қон.  
Кесди кокил Зухро, ой бўлди ниҳон.  
Тонгга тун мотам тугиб, кийди қаро,  
Бир совуқ оҳ чекди, бир оташ фиғон.

9

Қилди наво тонг қуши хуш чоғ аро,  
Қўйганича лола дилин доғ аро:  
«Мангу эсанг, мард эсанг ҳам, май ич, тур,  
Сўнг ётасан мангуга тупроқ аро!»

10

Минг дод, ҳазин дил ўзига жавр ўлди,  
Фарёд, у дард, ғам ўтига қоврилди.  
Ҳайҳотки, қанча парвариш қилсам ҳам,  
Барбодки, мева бермайин соврилди.

11

«Мен бир умр ишқнинг бегонасиман,  
Ақлнинг ҳамроҳиман, ҳамхонасиман»  
Дейману, лек ул парирў менга томон  
Юрса тамом... мен яна девонасиман.

12

Дўст билма жаҳонни, дўстлиги оғиру пуч,  
Кийну нифоқдан ўзга йўқ зоҳири — пуч.  
Минг йил яшасанг ҳамки, — ўлим келгусидир,  
Минг мулкни эгалла, барибир, охири — пуч.

13

Бу кўзгу бир ғариб аҳвол кўринди,  
Жило бердим, ажойиб ҳол кўринди.  
Чиқардим ўзгалар айбини ёддан,  
Ўз айбим шунчалар яққол кўринди.

14

Ҳавас бирла кўнгилни ложарам қилма,  
Бўлиб олифта, танни муҳтарам қилма.  
Десанг, умрим бўлиб озод, азиз ўтсин —  
Ўзингни ҳеч бировга сен қарам қилма.

15

Мискин бу кўнгили... ҳаётдан ҳам безганман,  
Чунки унинг хорлигини сезганман.  
Кийдим дея тож, нўхта уриб бошимга,  
Зил салла юки бирла танним эзганман.

16

Маърифат — бурро тилим бул кун менинг,  
Хуш тиғи, сўз гавҳари, билким, менинг.  
Имтиёзлар мулкининг султонлари  
Тан берар, сўз давлати мулким менинг.

Бу икки юзли зоҳидда на ҳолат,  
Мунофиқлик удум, урфи — жаҳолат.  
Чала товус, чала каклик — оёгин  
Бири қирмиз, бири ола — разолат.

Ҳуш эмас кунлар нигор келмай туриб,  
Тонг ели бизларга зор келмай туриб.  
Айшни бошлайлик, азизлар, бизсиз ҳам  
Тезда келгувчи баҳор келмай туриб.

Айланмаки чарх, йўқ менда идрок, барибир,  
Ойнаи тийнатим эмас пок, барибир.  
Тер, ёш тўкибон тарбия бердим руҳга,  
Хокни қанча ювсанг ҳам хок, барибир.

Чин эру, мард бўлсанг агар сен, ҳама  
Хешу аёлингни бадар айлама.  
Богдан ошиб чиқса оғоч шохлари  
Ўткинчики бор, мевасин айлар таъма.

Ерга қадаҳ мисли қуёш айланади,  
Шод бўламан ва аста бош айланади.  
Ул мени тупроққа қўяр, йўқдир ажаб,  
Сўнгра мозоримдаги тош айланади.


Ер ишқида дил меҳр ила гулшан қилғай,  
Ҳар орзу-умидни ёқибон, шағм қилғай.  
Айлантириб ҳар шағмни кейин машғалга,  
Ер юзини бахт ила равшан қилғай.

Миш-миш эзади, хаста юрак инжилади,  
Дастимда менинг эмишки дур янчилади.  
Кўз не учун очилмасин, айтинг, ахир,  
Тил тикани лаҳзада минг санчилади?!

Ҳеч қаро тош дур каби маъдан бўлмас,  
Мурч ила занжабил ширин тағм бўлмас.  
Тинглаки, Пурёвали айтади сўз,  
Аслида номард сира одам бўлмас.

Дард мени ёлдирди, маломат — ватаним,  
Ишқ мени сўлдирди, муҳаббат — кафаним.  
Жаннат сеники, зоҳидо, мен булбули маст,  
Қуй мени куйдирдики, дўзах — чаманим.

Форсийдан **Матназар**  
**АБДУЛҲАКИМ** таржималари



Алоуддин МАНСУР таржимаси



Ушбу сура ҳам Маккада нозил қилинган бўлиб, қирк беш оятдан иборатдир.

Сура Оллох таолога ҳамду сано айтиш билан бошланиб, Унинг осмонлар ва Ерни бор қилган зот эканлиги ҳамда инсонларни ҳақ йўлга ҳидоят қилиш учун Ўзи билан улар ўртасида фаришталарни элчи — воситачи қилиб қўйганлиги ҳақида хабар беради.

Бу сурада ҳаёти-дунёдан кейин охират келиши ҳақ эканлигига осмону заминда кишилар кўз ўнгида кечадиган воқеа-ҳодисалар ҳам аниқ далолат қилиб туриши ва шу билан бирга, коинотдаги ҳар бир махлуқот ўзининг нечоғли мукамаллиги ва ўта нозик интизоми билан ниҳоят даражада қудрат ва ҳикмат эгаси бўлган бир Яратгувчи мавжуд эканлигига очиқ ҳужжат бўла олиши уқтирилади.

Сура мушрикларнинг жонсиз бутларга сифинишларини кескин қоралаш билан ниҳояланади.

Бу сура Оллоҳ таолонинг гўзал исмларидан бири бўлмиш «Фотир» — «Илк Яратгувчи» номи билан аталгандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Ҳамду сано осмонлар ва Ерни Илк Яратгувчи ҳамда (Ўзи билан бандалари ўртасида) фаришталарни икки, уч, тўрт қанотли элчилар (воситачилар) қилгувчи Оллоҳ учундир. У зот (яратган) махлуқотида Ўзи хоҳлаган нарсани зиёда қилур. Албатта Оллоҳ барча нарсаса қодирдир. 2. Оллоҳ одамлар учун не бир раҳмат-марҳаматни очиб қўйса, бас, уни ушлаб-тўсиб қолгувчи бўлмас ва (У) нени ушлаб қолса, бас, У зот (ушлаб қолгани) дан сўнг у (нарсани бандаларга) бирон юборгувчи бўлмас. У (Оллоҳ) қудрат ва ҳикмат эгасидир. 3. Эй инсонлар, сизларга Оллоҳ (ато этган сон-саноксиз) неъматни эслангиз! Сизларга осмону заминдан ризку рўз берадиган Оллоҳдан ўзга биронта яратгувчи борми?! Ҳеч бир илоҳ йўқ, магар Унинг Ўзигина бордир. Бас, қаёққа бурилиб кетмоқдасизлар?! 4. (Эй Муҳаммад), агар (мушриклар) сизни ёлғончи қилсалар, бас, (билингки), сиздан аввалги пайғамбарлар ҳам ёлғончи қилингандирлар. (Барча) ишлар ёлғиз Оллоҳга қайтарилур. 5. Эй инсонлар, албатта Оллоҳнинг (қайта тирилтириш ва бу дунёда қилиб ўтилган яхши-ёмон амалларнинг мукофот-жазосини бериш тўғрисидаги) ваъдаси ҳақ (ваъдадир). Бас, ҳаргиз сизларни ҳаёти-дунё алдаб қўймасин! Ва ҳаргиз сизларни Оллоҳ ҳақида (У барча гуноҳларни кечиб юбораверади, деб) алдагувчи (шайтон) алдаб қўймасин! 6. Аниқки, шайтон сизларга душмандир, бас, (сизлар ҳам) уни душман тутинглар! Шак-шубҳасиз, у, ўз фирқасини (яъни, ўзига эргашган кимсаларни) дўзах эгалари бўлишлари учун даъват қилур. 7. Кофир бўлган кимсалар учун қаттиқ азоб бордир. Иймон келтирган ва яхши амаллар қилган зотлар учун эса мағфират ва улуғ мукофот бордир. 8. Ахир (қилган) ёмон амали ўзига чиройли кўриниб, уни гўзал (амал) деб ўйлаган кимса (Оллоҳ ҳақ йўлга ҳидоят қилган зот каби бўлурми)?! Зотан, Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кимсаларни йўлдан оздирур ва Ўзи хоҳлаган кишиларни ҳидоят қилур. Бас, (эй Муҳаммад), жонингиз уларнинг (иймон келтирмаганлари) устида ҳасрат-надоматлар чекиб кетмасин (юрмасин)! Албатта Оллоҳ уларнинг қилаётган хунарларини билгувчидир. 9. Оллоҳнинг Ўзи шамолларни юборди. Бас, улар булутни қўзғатгач, Биз уни ўлик шаҳарга ҳайдаб, унинг ёрдамида ўлган (ўлик) ерни тирилтирдик. (Қиёмат қойим бўлган куни) қайта тирилиш ҳам шунинг ўзидир. 10. Қим куч қуч-қудратни истайдиган бўлса, бас, барча куч-қудрат Оллоҳникидир. (Ҳар бир) хуш сўз Унга юксалур ва яхши амални ҳам (Оллоҳ Ўз даргоҳига) кўтарур. Ёмон макр-ҳийлалар қиладиган кимсалар учун эса қаттиқ азоб бордир ва уларнинг макрлари ҳам ҳалок бўлур (яъни, ҳеч нарсадир). 11. Оллоҳ сизларни (аввал) тупроқдан, сўнгра нутфадан яратиб, кейин сизларни жуфт-жуфт (яъни, эркак-аёл) қилиб қўйди. Ҳар бир аёлнинг ҳомиладор бўлиши ҳам, кўзи ёриши ҳам, шак-шубҳасиз, Унинг (Оллоҳнинг) билиши-огоҳлиги билан бўлур. Ҳар бир умр кўргувчининг умри узун қилинмас ва (ё) умридан камайтирилмас, магар (буларнинг барчаси) Китобда (яъни, Лавҳуд-Махфузда битилган бўлур). Албатта бу Оллоҳга осондир. 12. Дарё-денгиз (лар) тенг бўлмас — буниси (бириси) ширин-тотли ва ичилиши осон, буниси (бошқаси) эса шўр-тахирдир. Сизлар (уларнинг) ҳар биридан янги гўшт (яъни, балиқ тутиб) ейсизлар ва тақадиган зеб-зийнат чиқариб олурсизлар. Ва сизлар (Оллоҳнинг) фазлу марҳаматидан (яъни, ризку рўзидан) иташларингиз учун (денгиз ва дарёларда сувни) ёриб кетаётган (юзаётган) кемаларни кўрурсиз. Шояд шукр қилсангизлар. 13. (Оллоҳ) кечани кундузга киритур ва кундузни кечага киритур. У қуёш ва ойни ҳам (сизларнинг манфаатингиз учун) бўйинсундириб қўйгандир — ҳар бири муайян муддатгача (яъни, қиёмат кунигача ўз фазосида) жорий бўлур. Ана шу Оллоҳ сизларнинг Парвардигорингиздирки, (барча оламларга) подшоҳлик ёлғиз Уникидир. (Эй, мушриклар), сизлар У зотни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз эса пўстлоқча нарсаса ҳам эга эмасдирлар. 14. Агар сизлар уларни чорласангизлар, дуоларингизни эшитмаслар. Агар эшитсалар-да, сизларга жавоб қила олмаслар ва қиёмат кунда уларни (Оллоҳга) шерик қилиб олганларингизни инкор қилурлар. (Эй, Муҳаммад, дунёю охират ҳақида ҳеч ким) сизга хабардор зот (яъни, Оллоҳ) каби хабар бера олмас. 15. Эй инсонлар, сизлар Оллоҳга муҳтождирсизлар. Оллоҳнинг Ўзигина (барча оламлардан) беҳожат ва (барча)

мақтовга лойиқ зотдир. 16. Агар у хоҳласа сизларни (Ер юзидан) кеткизиб, (Ўрингизга) янги бир халқни келтирур. 17. Ва бу (иш) Оллоҳга қийин эмасдир. 18. (Қиёмат кунида) ҳеч бир кўтаргувчи (яъни, гуноҳкор жон) ўзга жоннинг юқини (яъни, гуноҳини) кўтармас. Агар оғир (гуноҳ эгаси бўлган жон бировни) ўз юқи-гуноҳига (яъни, гуноҳининг бир қисмини кўтаришга) чорласа, (гарчи чорлангувчи унинг) яқин қариндоши бўлса-да, у (гуноҳдан) бирон нарса кўтарилмас (яъни, ҳар ким ўз амали билан машғул бўлиб, ота болага, ака укага қарашга имкон топмас. Эй Муҳаммад), сиз фақат ғайбадаги (кўзларига кўринмайдиган) Парвардигордан кўрқадиган ва намозни тўқис адо этган зотларнигина огоҳлантира олурсиз. Ким покдомон бўлса, у фақат ўз (фойдаси) учун покдомон бўлур. Ёлғиз Оллоҳгагина қайтилур. 19—20—21. Кўр кимса (кофир) билан — кўргувчи зот (мўмин), зулматлар (куфр) билан — нур (иймон), соя (жаннат) билан — жазирама (дўзах) баробар эмасдир. 22. Тириклар (мўминлар) билан — ўликлар (кофирлар) ҳам баробар эмасдир. Албатта Оллоҳ Ўзи хоҳлаган кишиларга (ҳақ даъватни) эшиттирур. (Эй Муҳаммад), сиз қабрлардаги кимсаларга (яъни, ўлик дилларга буни) эшиттира олгувчи эмасдирсиз. 23. Сиз фақат огоҳлантиргувчидирсиз. 24. Албатта Биз сизни ҳақ (дин) билан (мўминларга) хуш хабар элтгувчи ва (кофирларни) огоҳлантиргувчи қилиб юбордик. (Сизнинг умматингиздан аввалги) ҳар бир уммат ичида ҳам албатта бир огоҳлантиргувчи — пайғамбар ўтгандир. 25. Агар (мушриклар) сизни ёлғончи қилсалар, бас, (билингки), улардан аввалги кимсалар ҳам (ўзларига келган пайғамбарларни) ёлғончи қилгандилар. Ҳолбуки, пайғамбарлари уларга аниқ-равшан мўъжизалар, (илоҳий) саҳифалар ва (Таврот, Инжил каби) нури Китоб келтирган эдилар. 26. Сўнгра кофир бўлган кимсаларни (куфрлари сабабли) ушладим-жазоладим. Бас, Менинг инкорим — азобим қандок бўлди?! 27. Оллоҳ (Биз) осмондан сув (ёмғир-қор) ёғдириб, унинг ёрдамида рангу-рўйлари турли-туман бўлган меваларни чиқарганимизни кўрмадингизми?! Яна тоғлардан ҳам оқ, қизил — ранго-ранг йўл(ли тоғлар) ҳам, тим қора (тоғлар) ҳам бордир. 28. Шунингдек, одамлар, жониворлар ва чорва ҳайвонлари орасида ҳам ранг-баранглари бордир. Оллоҳдан бандалари орасидаги олим-билимдонларигина кўрқур. Шак-шубҳасиз, Оллоҳ қудратли, мағфиратлидир.

*Изоҳ: Бу икки оятда оламдаги барча мавжудотнинг Яратгувчиси ёлғиз Оллоҳ толо эканлиги таъкидланмоқда. Дарҳақиқат, илм-маърифат эгаси бўлган ҳар бир инсон осмондан ёғилган бир хил рангдаги сув сабабли қора ердан униб чиқадиган рангу рўйи турли-туман наботот оламига, усти-кўриниши ҳам, остида яширган дафина-хазиналари ҳам ранго-ранг тоғу тошларга — жамодот оламига ва заминнинг осту устида тарқалиб, ўзларига юкланган вазифаларини бош тортмасдан бажариб юрган ҳайвонот оламининг ранг-баранглигига ва ниҳоят, мана шу барча мавжудотдан фойдаланиб, уларни бошқаришни ўз зиммасига олган инсонларнинг рангу рўйлари ҳам, феълу атвор ва удум-анъаналари ҳам неча турфа эканлигига тафаккур ва ибрат назари билан боқса, Яратганнинг қудрату ҳунармандлигига тасанно айтмасдан қолмас. Шунинг учун ҳам мазкур оятда Оллоҳдан фақат ҳақиқий илм-маърифат эгалари қўрқиллари уқтириб ўтилди.*

29—30. Албатта Оллоҳнинг Китобини тиловат қиладиган, намозни тўқис адо этадиган ва Биз уларга ризқ қилиб берган нарсалардан махфий ва ошқора инфок-эҳсон қиладиган зотлар ҳаргиз касод бўлмайдиган олди-сотдидан (бу йўлда Оллоҳнинг марҳаматидан) умидвордирлар. Зеро (Оллоҳ) уларнинг ажрларини комил қилиб берур ва Ўз фазлу карамидан уларга яна зиёда (мукофотлар) ҳам берур. Албатта У (Оллоҳ) мағфиратли ва ўта шуқр қилгувчидир (яъни, озгина яхши амал учун кўп мукофот ато қилгувчидир). 31. (Эй Муҳаммад), Биз сизга ваҳй қилган Китоб — Қуръон ўзидан аввалги (илоҳий китобларни) тасдиқлагувчи бўлган Ҳақ (Китобдир). Албатта Оллоҳ Ўз бандаларидан огоҳ ва (уларнинг барча ишларини) кўриб тургувчидир. 32. Сўнгра Биз бу Китобга бандаларимиздан Ўзимиз танлаган зотларни (яъни, сизнинг умматингизни) ворис қилдик. Бас, уларнинг орасида (Қуръонни ўқиса-да, унга амал қилмайдиган) ўз жонига жабр қилгувчи ҳам бор, уларнинг орасида ўртача амал қилгувчи ҳам бор ва уларнинг орасида Оллоҳнинг изну иродаси билан мудом яхшилиқларга шошилгувчи ҳам бордир. Ана ўша (яъни, Қуръон-

га ворис бўлиш, Оллоҳнинг) катта марҳаматидир. 33. Улар олтидан бўлган билагузуклар ва марварид-маржонлар билан безанган ҳолларида мангу (турадиган) жаннатларга кирурлар. У жойда уларнинг либослари ҳарир-ипак бўлур. 34. Ва улар (жаннатга кирган чоғларида) дедилар: «Бизлардан ғам-қайғуни кетказган зот — Оллоҳга ҳамду сано бўлсин. Дарҳақиқат, Парвардигоримиз мағрифратли ва ўта шукр қилгувчидир. 35. У Ўз фазлу марҳамати билан бизларни мангу турадиган бир диёрга туширдик, бу жойда бизларга на машаққат етар ва на чарчоқ етар». 36. Кофир бўлган кимсалар учун эса жаҳаннам ўти бордирки, на уларга (иккинчи бор ўлиш) ҳукм қилиниб ўла олулар ва на улардан (жаҳаннам) азоби енгиллатилур. Биз ҳар бир кофирни мана шундай жазолармиз. 37. Улар у жойда: «Парвардигоро, бизларни (бу азобдан) чиқаргин, бизлар қилиб ўтган амалларимиздан бошқа яхши (амалларни) қилурмиз», деб дод-вой қилурлар. Ахир Биз сизларга эслатма оладиган (ҳар қандай) киши эслатма олгудек узун умр бермаганмидик?! Сизларга огоҳлантиргувчи (пайғамбар) ҳам келган эди-ку! Бас, энди (азобларингизни) тотаверинглар! Энди золим кимсалар учун бирон ёрдамчи бўлмас! 38. Албатта Оллоҳ осмонлар ва Ернинг ғайбини (сиру асрорини) билгувчидир. 39. У сизларни Ер юзида халифа қилиб қўйган зотдир. Бас, ким кофир бўлса, унинг куфри фақат ўзининг зиёнига бўлур. Кофир бўлган кимсаларга куфрлари Парвардигор ҳузурида фақат ғазабнигина зиёда қилур. Кофир бўлган кимсаларга куфрлари фақат зиёнкорликнигина зиёда қилур. 40. (Эй Мухаммад, мушрикларга) айтинг: «Хабар берингиз-чи, сизлар Оллоҳни қўйиб илтижо қилаётган бутларингиз (ниманинг шарофати билан илтижо-ибодат қилинишга сазовор бўлдилар?!) Сизлар менга кўрсатиб беринг-чи, улар Ердаги бирон нарсани яратганмилар, ёки уларнинг осмонларни (яратишда Оллоҳга) шерикликлари борми, ёхуд Биз уларга бирон китоб ато этдикмики, улар ўша (китобдан ўзларининг Бизга шерик эканликлари ҳақида) бирон ҳужжат устида бўлсалар (ҳужжатга эга бўлсалар)?! Йўқ, у золим кимсалар бир-бирларига («Бутларимиз бизларни шафоат қиладилар», деб) фақат алдовни ваъда қилурлар. 41. Албатта Оллоҳ осмонлар ва Ерни қулаб тушишдан ушлаб-асраб турур. Аниқки, агар улар қуласалар, У зотдан сўнг (яъни, Оллоҳдан ўзга) бирон кимса уларни тутиб тура олмас. Дарҳақиқат, У ҳалим ва мағфиратли бўлган зотдир. 42. (Макка кофирлари) агар уларга бирон огоҳлантиргувчи (пайғамбар) келса, албатта ҳар қандай умматлардан ҳам ҳидоят топгувчироқ бўлишлари ҳақида жонжаҳдлари билан қасам ичгандилар. Бас, қачонки уларга огоҳлантиргувчи (Мухаммад алайҳи-с-салом) келгач, (бу) уларни янада (аксинча, ҳидоятдан) узоқлаштирди, холос. 43. Улар Ерда мутақаббирлик қилган ва (пайғамбарга қарши) ёмон макр-ҳийла қилган ҳолларида (ҳидоятдан узоқлашдилар). Ёмон макр-ҳийла эса фақат ўз эгаларини ўраб-ҳалок қилур. Бас, улар фақат аввалгиларнинг суннатларига (кўргуликларига) кўз тутмоқдалар, холос (яъни, уларнинг ҳам бошларига аввалги динсизларнинг кунни тушар). Бас, сиз ҳаргиз Оллоҳ суннати-қонунининг ўзгарганини кўрмасиз ва ҳаргиз Оллоҳ суннати-нинг айланганини (яъни, азобга мустаҳик бўлган кимсалар қолиб, ўзгалар азобланганини) кўрмасиз. 44. Ахир улар Ер юзида сайр қилиб, ўзларидан аввалги (динсиз кимсаларнинг) оқибати қандай бўлганини кўрмайдиларми?! Ҳолбуки, (аввалгилар) булардан кўра кучли-қувватлироқ эдилар. На осмонлардаги ва на Ердаги бирон нарса Оллоҳдан қочиб қутулгувчи эмасдир. Зотан, У билим ва қудрат эгаси бўлган зотдир. 45. Агар Оллоҳ одамларни улар қилган бор гуноҳлари билан жазоласа эди, (Ер) устида (юзида) бирон жониворни қўймаган бўлур эди. Лекин У зот уларни (жазолашни) белгиланган муддатгача (яъни, қиёмат кунигача) қолдирур. Бас, қачон ўша муддат келгач, (уларнинг ҳар бирига қилиб ўтган барча яхши-ёмон амалларининг мукофот-жазоларини берур). Зеро, Оллоҳ бандаларини кўриб тургувчи бўлган зотдир.



# Ёсин сураси

36.

Саксон уч оятдан ташкил топган бу сура ҳам Маккада нозил бўлган. У Муҳаммад алайҳи-с-саломнинг ҳақ пайғамбар эканликларини тасдиқлаш билан бошланиб, у зотни ёлғончи қилган Қурайш кофирлари ва уларнинг топажак оқибатлари ҳақида хабар беради.

Бу сурада Оллоҳ таолонинг Антокия шаҳрига юборган элчилари ва шаҳар аҳли уларни ёлғончи қилганлари сабабли ҳалокатга дучор бўлганликлари тўғрисида ҳамда ўша ердаги иймон келтирганлиги шарофатидан, Оллоҳнинг марҳаматига сазовор бўлган Ҳабиб ан-Нажжор исмли солиҳ бир банда ҳақида ҳикоя қилинади.

Яна бу сурада ўқувчи эътибори кеча билан кундузнинг алмашиб туриши, ой ва қуёшдек буюк сайёраларнинг тиним билмасдан ўз фазоларида ўта нозик интизом билан айланишларидаги Яратганнинг қудратига далолат қиладиган жиҳатларга қаратилади.

Бу сурада иймон ва тақво аҳли учун ҳозирлаб қўйилган жаннат манзаралари ниҳоятда жонли лавҳаларда чизиб берилади ва кофирларнинг соқов бўлиб, қўллар тилга кирадиган, оёқлар гувоҳлик берадиган қиёмат кундаги аҳволлари бутун даҳшати билан баён қилинади.

Сура ўзининг илк ояти «Ё, Син» номи билан аталган бўлиб, унинг Қуръони каримда тутган ўрни-мартабаси ҳақида пайғамбар алайҳи-с-саломдан бундай ҳадиси шариф ривоят қилингандир. У зот: «Албатта ҳар бир нарсанинг қалби бордир. Қуръоннинг қалби «Ёсин»дир. Мен бу суранинг умматимдан ҳар бир киши қалбида бўлишини истар эдим», деган эканлар.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллоҳ номи билан бошлайман.**

1. Ё, Син. 2—3—4. (Эй Муҳаммад, ушбу) ҳикматли Қуръонга қасамки, ҳеч шак-шубҳасиз, сиз Тўғри йўл (яъни, ҳақ дин) устидаги пайғамбарлардан дирсиз. 5—6. (Бу Қуръон) ота-боболари (бирон пайғамбар орқали охират азобидан) огоҳлантирилмасдан, ғофил бўлиб қолган қавми огоҳлантиришингиз учун қудратли ва меҳрибон зот томонидан нозил қилингандир. 7. Аниқки, уларнинг кўпларига Сўз (яъни, азоб ҳақидаги ҳукм) ҳақ (муқаррар) бўлгандир. Бас, улар иймон келтирмаслар. 8. Дарҳақиқат, Биз уларнинг бўйинларига, то иякларигача (етадиган) кишанларни уриб қўйдик, бас, улар ғўддайиб (кимирлай олмай) қолдилар (яъни, улар Ҳаққа эгилмаслар). 9. Ва Биз уларнинг олдиларидан бир тўсиқ-парда, ортларидан бир тўсиқ-парда қилиб (тортиб), уларни ўраб қўйдик. Бас, улар (Ҳақни) кўра олмаслар. 10. (Эй Муҳаммад), сиз уларни огоҳлантирдингизми ёки огоҳлантирмадингизми, уларга баробардир — (улар барибир) иймон келтирмаслар. 11. Сиз фақат эслатма — Қуръонга эргашган ва ғойибда (яъни, кўрмай) туриб, Раҳмондан кўрққан кишиларнигина огоҳлантира олурсиз. Бас, ўша (кишиларга) мағфират ва улуг ажр (жаннат) хушxabарини беринг! 12. Албатта Биз Ўзимизгина ўлиқларни тирилтиурмиз ва уларнинг қилган амалларини ҳамда (қолдирган) изларини ёзиб кўюрмиз. Барча нарсани Биз очик Китобда (яъни, Лавҳул-Махфузда) белгилаб қўйгандирмиз. 13. (Эй Муҳаммад), сиз уларга (Антокия) кишлоғининг аҳлини — у жойга элчилар келган (юборилган) пайтини мисол (қилиб) келтиринг!

*Изоҳ: Ушбу ва қуйидаги оятларда сўз Ҳақ йўлига даъват қилиш учун Исо алайҳи-с-салом томонидан Рум мамлакатидаги Антокия шаҳри (қишлоғи)*

аҳолисига юборилган элчилар ҳақида боради. Бу қисса орқали Куръон Макка муширикларини Муҳаммад алайҳи-с-салога иймон келтирмасликнинг мудҳиш оқибатларидан огоҳлантиради.

14. Ушанда Биз уларга икки (элчини) юборганимизда, у иккисини ёлғончи қилишгач, учинчи (элчи) билан (уларни) қувватлантирдик. Бас, (бу учала элчи Антокия аҳлига): «Дарҳақиқат, биз сизларга (юборилган) элчилар-миз», деган эдилар; 15. Улар (ўшанда): «Сизлар ҳам худди ўзимизга ўхшаган одамларсиз. Раҳмон (Оллоҳ) бирон нарса — ваҳй нозил қилгани йўқ. Сизлар фақат ёлғон сўзламоқдасизлар», дедилар. 16. (Элчилар) айтдилар: «Парвардигоримиз билурки, бизлар, шак-шубҳасиз, сизларга (юборилган) элчилардир-миз. 17. Ва бизларнинг зиммамизда фақат (Оллоҳнинг ваҳйини сизларга) очик-равшан етказишгина бордир». 18. Улар дедилар: «Ҳақиқатан, бизлар сизлар ҳақингизда бад гумондадирмиз. Қасамки, агар (бу сўзларингизни) тўхтатмасангизлар, албатта сизларни тошбўрон қилурмиз ва сизларга биз томондан аламлар бир азоб етар». 19. (Элчилар) айтдилар: «Бад гумонингиз ўзларингиз биландир (яъни, сизлар бизлардан эмас, балки ўзларингизнинг куфрларингиздан бад гумонда бўлингиз!) Сизларга ваъз-насихат қилинса, (кабул этиш ўрнига дўқ-пўписа қилурмисиз)?! Йўқ, сизлар ҳаддан ошган қавмдирсиз!» 20. (Шу пайт) бир киши шаҳарнинг чеккасидан шошганча келиб, деди: «Эй қавмим, бу элчиларга эргашишлар! 21. Ўзлари ҳидоятда бўлган ва сизлардан бирон ажр-мукофот сўрамайдиган зотларга эргашишлар!»

*Изоҳ:* Ривоят қилинишича, бу киши шаҳар четида истиқомат қилувчи ҳудожий ва саховатли — Ҳабиб ан-Нажжор деган одам эди. У ҳамшаҳарлари ўзларини ҳақ йўлига даъват қилиш учун келган элчиларни ёлғончи қилишиб, ўлдиршимоқчи бўлиб турганларидан хабар топгач, шошганча уларнинг олдига келиб, мазкур оятлардаги сўзларни айтади. Бу сўзларни эшитган қавми: «Ҳали сен ҳам шуларнинг динидамисан?!» деганларида...

22. У айтди: «Нега мен ўзимни яратган зотга ибодат қилмайин? Сизлар ҳам (дунёдан ўтгач), ёлғиз Унгагина қайтарилурсизлар. 23. Мен У зотни қўйиб, (жонсиз бутларни) худо қилиб олайми?! (Ҳаргиз ундай қилмасман, чунки) агар Раҳмон менга бирон зиён етказишни истаса, у (бут)ларнинг оқловлари мени бирон нарсадан беҳожат қила олмас ва улар мени (Оллоҳнинг азобидан) қутқара олмаслар. 24. У ҳолда мен, шак-шубҳасиз, очик залолатда бўлурман. 25. Ҳақиқатдан, мен (жонсиз бутларга эмас, балки барчаларингизни яратган) Парвардигорингизга иймон келтирганман. Бас, мени тинглангиз!» 26—27 (Лекин жохил қавм Ҳабиб ан-Нажжорнинг сўзларига кулоқ солмай, уни қатл қилишгач, унга) «Жаннатга кир», дейилди. (Оллоҳнинг амри билан жаннатга киритилиб, у жойдаги ноз-неъмат ва иззат-икромни кўргач), у айтди: «Қани эди, қавмим ҳам мени Парвардигорим мағфират этганини ва мени иззат-икромли кишилардан қилганини билсалар эди!»

## ЙИГИРМА УЧИНЧИ ЖУЗЪ

28. Биз (Ҳабиб ан-Нажжорни ўлдирганларидан) кейин унинг қавми устига (уларни ҳалок қилиш учун) осмондан бирон қўшин (яъни, азоб фаришталарини) туширмадик. Биз (ҳеч нарса) туширгувчи бўлмадик. 29. Фақат биргина даҳшатли қичқирик бўлди-ю, (эшитилдию) баногоҳ улар «ўчиб» қолдилар (ҳалокатга юз тутдилар). 30. (Оллоҳнинг элчиларини ёлғончи қилиб, уларга озор-азият етказадиган барча) бандаларга ҳасрат-надомат бўлғай! Уларга бирон пайғамбар келмас, магар улар унинг устидан масҳара қилиб кулгувчи бўлурлар. 31. Ахир улар ўзларидан илгари ҳам қанча асрларни (авлодларни) ҳалок қилганимизни — ўшалар уларнинг олдига (яъни, бу дунёга) қайтиб келмасликларини кўрмадиларми?! 32. Ҳеч шак-шубҳасиз, (уларнинг) барчалари (қиёмат кунида) тўплангувчи, Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилингувчидирлар. 33. Ўлик-қуруқ ер улар учун (қайта тирилиш ҳақ эканига) бир оят-аломатдир: Биз уни (сув билан) тирилтирдик ва ундан (турли) дон-дунни ундириб чиқардик. Бас, улар ўша (дон)дан ерлар. 34. Яна Биз у (ер)да хурмозор ва узумзор боғларни (пайдо) қилдик ва унда чашмаларни оқишиб қўйдик. 35. Токи, (одамлар ўша боғларнинг) мевасидан есинлар учун (шундай қилдик). Ҳолбуки, у (мевалар)ни улар қўллари (билан) қилмаган (яратмаган) эдилар.

Ахир шукр қилмайдиларми?! 36. Ер ундириб-ўстирадиган нарсалардан, (одамларнинг) ўзларидан ва яна улар билмайдиган нарсалардан иборат барча жуфтларни яратган (Оллоҳ ҳар қандай айбу нуқсондан) пок зотдир. 37. Кеча (тун) ҳам улар (одамлар) учун (Бизнинг қудратимизни кўрсатиб турадиган) бир оятдир: Биз ундан кундузни ечиб олишимиз билан баногоҳ улар зулматда қолурлар. 38. Қуёш (бирон сония тўхтамай) ўз қароргоҳи сари жорий бўлур. Бу қудратли ва билгувчи зотнинг тақдири-ўлчовидир.

*Изоҳ:* Ердан минглаб марта катта ҳажмда бўлган қуёш то «кун ва ой бирлашиб кетадиган» қиёмат куни етгунича, бир нафас ҳам тинмай фазода айланаверади. Фақат қудратли ва доно зот — Оллоҳ таолонинг Ўзигина уни шундай тартиб-ўлчовга бўйсундириб қўя олур.

39. Биз ойни ҳам, у токи эски (хурмо) бўтоғи каби бўлиб (эгилиб), хилол ҳолига келиб) қолгунича бир неча манзилга белгилаб-тайинлаб қўйгандирмиз.

*Изоҳ:* Дарҳақиқат, бир ой давомида осмондаги ой йигирма саккиз манзил — жойда турли суратда пайдо бўлганидан, у — кишининг кўзига йигирма саккизта бўлиб кўринади. Сўнгера бир ё икки кеча кўринмасдан туради-да, яна ўша тартиб такрорланади. Агар қуёш кундузлари оламни нур ва ҳароратга тўлдирса, ой кечаларга ёруғлик бахш этиши билан бирга, вақт ўлчови бўлиб ҳам хизмат қилади.

40. На қуёш учун ойга етиш мумкин бўлур ва на кеча кундуздан ўзгувчидир (тун ўртасида кун, кун ўртасида тун бўлмайди. Қуёш, ой ва юлдузларнинг) барчалари фалакда сузиб юрур.

*Изоҳ:* Ушбу ояти каримада қиёмат қойим бўлгунича коинотдаги барча катта-кичик сайёралар фазода муаллақ сузиб юришлари баён қилингандир. Илм-фанга йигирманчи асрнинг бошларига келибгина маълум бўлган бу ҳақиқатлар ҳақида Қуръони карим бундан ўн тўрт аср илгари хабар бергани ибратлидир.

41. Биз уларнинг (инсонларнинг) авлод-зурриётларини (Нух пайғамбар билан бирга одамлар ва турли жониворларга) тўла кемада кўтарганимиз (ва тўфон балосидан нажот берганимиз), улар учун (Бизнинг қудратимизни кўрсатадиган) яна бир оятдир. 42. Яна Биз улар учун худди ўша (кемага) ўхшаш минадиган нарсаларини (катта-кичик бошқа кемаларни) ҳам яратдик. 43. Агар Биз хоҳласак, уларни фарқ қилурмиз-да, сўнг улар учун бирон ёрдамчи бўлмас ва улар (ҳалокатдан) қутқазилмаслар. 44. Магар Биз томондан бўлган марҳамат сабабли (гина) ва (маълум) бир вақтгача (яъни, ажаллари етгунча ҳаёт неъматларидан) баҳраманд бўлишлари учун (уларга бало-казолардан нажот берилур). 45. Қачон (мушриклар)га: «Раҳматга эришишларингиз учун олдиларингиздаги (дунё фитналаридан) ва ортингиздаги (охират азобидан) кўркинлар (яъни, иймонга келинлар)», дейилса, (улар қулоқ солмаслар). 46. Уларга Парвардигорнинг оятларидан бирон оят келмас, магар (келса ҳам) улар (ўша оятлардан) юз ўгиргувчи бўлурлар. 47. Қачон уларга: «Оллоҳ сизларга ризқ қилиб берган нарсалардан инфоқ-эҳсон қилинлар», дейилса, кофир бўлган кимсалар иймон келтирган зотларга (истехзо билан): «Агар Оллоҳ хоҳласа Ўзи таомлантириб оладиган кишиларга бизлар таом берурмизми?! Сизлар, ҳеч шак-шубҳасиз, очик залолатдадирсиз», дерлар. 48. Улар: «Агар ростгўй бўлсангизлар, (айтинглар-чи), мана шу ваъда (қилинган азоб) қачон бўлади?» дерлар. 49. Улар фақат биргина даҳшатли қичқирикни кутмоқдалар, холос. У (ўша қичқирик) уларни (ўлимдан мутлақо беҳабар ҳолларида кўча-қўй ва бозорларда бир-бирлари билан) жанжаллашиб турганларида олиб кетар (яъни, ҳалок этар). 50. Бас, улар на бирон васият қилишга ва на уйларига қайтишга қодир бўлурлар. 51. (Қиёмат соати етиб, Исрофилнинг) сури чалиниши билан баногоҳ улар қабрларидан Парвардигорлари (ҳузурига ҳисоб-китоб учун) суғурилиб чиқурлар. 52. Улар: «Эй бизларга ўлим бўлсин! Ким бизларни ётган жойимиздан (қабрларимиздан) турғазди?» деганларида, (уларга айтилур): «Мана шу Раҳмон ваъда қилган ва пайғамбарлар рост сўзлаган нарса — қиёматдир». 53. Фақатгина бир даҳшатли қичқирик бўлар-у, баногоҳ уларнинг барчалари Бизнинг даргоҳимизда ҳозир қилингувчидирлар. 54. Мана бу (шу) Кунда ҳеч бир жонга бирон зулм қилинмас ва сизлар фақат ўзларингиз қилиб ўтган амалларингиз сабабли жазоланурсиз. 55. Шак-шубҳасиз, жаннат эгалари бу Кунда (ўзлари истаган — орзу қилган) иш(лари) билан шод-хуррам

бўлгувчидирлар. 56. Улар ўз жуфтлари билан бирга, соя-салкин жойлардаги сўриларда ястаниб ўтирурлар. 57. Улар учун у жойда (хар турли) мева-чева мавжуддир ва улар учун чорлаган-истаган нарсалари ҳозирдир. 58. (Уларга) меҳрибон Парвардигор томонидан салом айтилув.

*Изоҳ:* Ҳадиси шарифда ворид бўлишича, жаннат эгалари ўзларига ваъда қилинган ноз-неъматлар ичиди, роҳат-фароғатда эканлар, баногоҳ устларида бир нур пайдо бўлув. Улар бошларини кўтариб, «Ассалому алайкум, эй аҳли жаннат», деб турган Парвардигори оламни кўрурлар».

Жаннат эгалари етажак бу саодати абадия зикр қилинган, энди қуйида дўзахийларнинг топажак азоб-уқубатлари ҳақида хабар берилади.

59. Эй жиноятчи кимсалар, мана бу Кунда (мўминлардан) ажралинлар!  
60—61. Мен сизларга: «Эй Одам болалари, шайтонга ибодат қилмангиз, чунки у сизларга очиқ душмандир. Менгагина ибодат қилинлар! Мана шу Тўғри йўлдир», деб буюрмаганмидим?! 62. Аниқки, (шайтон) сизларнинг ичингиздан кўп авлодни йўлдан оздирди. Ахир, ақл юритгучи бўлмадингизларми?! 63. Сизларга ваъда қилинган жаҳаннам мана шудир! 64. Сизлар (хаёти-дунёда) кофир бўлиб ўтганларингиз сабабли мана бу Кунда (жаҳаннамга) кирилингиз!  
65. Бу Кун Биз уларнинг оғизларини муҳрлаб қуюрмиз. Ва Бизга уларнинг қилиб ўтган ишлари ҳақида — уларнинг қўллари сўзлар ва оёқлари гувоҳлик берур. 66. Агар Биз хоҳласак, уларнинг кўзларини йўқ қилган (уларни кўр қилган) бўлув эдик. Ана у ҳолда улар йўлларига шошардилар-у, (лекин ҳеч нарсани кўрмасдилар); зотан, қаёқдан ҳам кўра олсинлар?! 67. Агар Биз хоҳласак, уларни турган жойларида (маймун, тўнғиз ё тош каби) бошқа нарсаларга айлантириб қўйган бўлув эдик. Сўнг улар (олдинга) юришга ҳам қодир эмаслар (бўлмадилар; ортларига ҳам) қайта олмаслар (қайтолмасдилар).


*Изоҳ:* Ушбу икки оятни шундай тушуномқ лозим. Оллоҳ таоло: «Ҳаётларини куфру исён билан ўтказган кимсалар Тўғри йўлга юрсинлар ва тавбатазарру қилсинлар, деб уларни инсонликларида қолдирган эдик. Лекин улар ўз динсизликларидан қайтмадилар ва оқибат-натигада жаҳаннам эгалари бўлиб қолдилар», дейди ва бу билан ҳали-ҳануз ҳаёти-дунёда бўлган кишиларни огоҳлантиради.

68. Биз кимга (узун) умр берсак, унинг хилқатини (жисму жонини) заиф-ночор қилиб қуюрмиз. Ахир ақл юргизмайдиларми (яъни, бир кишининг сурат ва сийратига ёш-яланглиги билан қари-қартанглиги ўртасида нақадар катта фарк борлигини кўриб, ибрат олмайдиларми)?! 69—70. Биз (Муҳаммадга) шеър ўргатмадик ва (шоирлик) унинг учун дуруст эмасдир.

*Изоҳ:* Муҳаммад алайҳи-с-салом модомики Оллоҳ таоло томонидан юборилган пайғамбар эканлар, демак у зот фақат ва фақат рост сўзламоқлари лозим. Шеърят эса кўтаринки, муболағали санъатдир. Бинобарин, ўз умматларига бир умр амал қиладиган дин арконларини ўргатадиган ва ғайб олами, охират диёри ҳақида хабар берадиган пайғамбар шоир бўлишлари дуруст эмасдир.

(Муҳаммад тиловат қилаётган нарса) фақат у тирик бўлган кишиларни огоҳлантириши учун ва кофирлар устига Сўз-азоб ҳақ бўлиши учун (нозил қилинган) бир эслатма ва очиқ-равшан Қуръондир. 71. Ахир улар, Биз улар учун Ўз (қудрат) қўлимиз билан қилган нарсаларни — чорва ҳайвонларини яратиб қўйганимизни — кўрмадиларми?! Мана, улар ўша (ҳайвон)ларга эгадирлар. 72. Биз ўша (ҳайвон)ларни уларга бўйинсундириб қўйганмиз. Ана уларнинг минадиган нарсалари ҳам ўша (ҳайвон)лардандир, ейдиган (таом)лари ҳам ўшалардандир. 73. Яна улар учун ўша (ҳайвон)ларда (турли) фойдалар ва ичимлик (сут-қаймоқ)лар бордир. Ахир, шукр қилмасларми?! 74. (Йўқ, улар шукр қилмадилар, балки) Оллоҳни қўйиб, ёрдам олиш умидида (ўзга) «худо»ларни тутдилар. 75. Улар ўша («худо»лари) учун — (уларнинг) ҳозирланган қўшинлари бўлган ҳолларида ҳам, у («худо»лар) уларга ёрдам беришга қодир бўлмаслар. 76. Бас, (эй Муҳаммад), сизни уларнинг сўзлари ғамгин қилмасин! Зотан, Биз уларнинг яширадиган нарсаларини ҳам, ошкор қиладиган нарсаларини ҳам билурмиз. 77. Инсон, Биз уни нутфадан — бир томчи сувдан яратганимизни, энди эса баногоҳ у (Ўзимизга) очиқ қаршилиқ қилгучи бўлиб қолганини кўрмадимми?! 78. У, Бизга «Чириб-битган суякларни ким ҳам тирилтира олур?» деб, мисол келтир-

ди-ю, (аммо) ўзининг (бир томчи сувдан) яралганини унутиб қўйди. 79: (Эй Мухаммад), айтинг: «у (чириган суяк)ларни дастлаб (бир томчи сувдан) пайдо қилган зотнинг Ўзи қайта тирилтирур. У (Ўзи яратган) барча халқни билгувчидир». 80. У сизлар учун ям-яшил дарахдан (ўтин, кўмирга айлантисан) олов пайдо қилган зотдир. Бас, сизлар ўшандан ўт ёқурсизлар. 81. Осмонлар ва Ерни яратган зот яна уларнинг ўхшашини яратишга кодир эмасми?! Йўқ, (албатта кодирдир). Унинг Ўзигина яратгучи ва билгувчидир. 82. Бирон нарсани (яратишни) ирода қилган вақтида Унинг иши фақатгина «бўл», демоқлигидир. Бас, у (наrsa) бўлур — вужудга келур. 83. Бас, барча нарсанинг эгаллиги Ўз қўлида бўлган (Оллох ҳар қандай айбу нуксондан) пок зотдир. Ёлғиз Унгагина қайтариурсизлар.



Мақкада нозил бўлган бу сура бир юз саксон икки оятдан иборатдир. Иймон-эътикод ва ундан етадиган фойдалар, куфру исён ва унинг зиёнлари ҳақида сўзловчи бу сурада Оллох таолонинг амру фармонларига мунтазир турадиган зотлар ҳақида зикр қилинади.

Сўнгра жинлар тўғрисида сўз юритилиб, айрим нодон кимсаларнинг, жинларнинг Оллохга яқинлиги бор, деган афсоналари рад этилади.

Сурада охират ҳаёти — жаннат аҳли мушарраф бўлган бахт-саодат, дўзахийлар дучор этилган азоб-уқубат ҳақида сўз юритилади.

Шунингдек, бир неча пайғамбарларнинг киссалари баён этилади ва уларнинг барчалари «чиройли амал қилгучи» бандалар бўлганликлари уқтирилади. Хусусан, Иброҳим алайҳи-с-салом Оллох таоло томонидан ўз ўғиллари Исмоилни қурбон қилишга буюрилишлари ва уларнинг ҳар иккиси Яратгunning амрига кулок қокмай итоат этган чоғларида, Тангри таоло жаннатдан бир кўчкор тушириб, Исмоил алайҳи-с-саломнинг ўрниларига ўшани сўйишга буюргани хусусидаги хабар билан иймон ва имтихон ҳақида ибратли мисол келтирилади.

Қуръони каримдаги бир неча сураларни Оллох Ўзи яратган айрим махлуқоти номига қасам билан бошлайди. Бу сура ҳам Яратгunning барча буйруқларини ижро этиш учун саф тортиб турадиган ҳақиқий иймон-эътикод эгалари номига қасам билан бошланганлиги сабабли «Ва-с-соффот» — «Саф тортиб тургучиларга қасам», деб аталгандир.

**Меҳрибон ва раҳмли Оллох номи билан бошлайман.**

1—2—3—4. (Оллох йўлида) саф тортиб турадиган, (Оллохнинг бандаларини гуноҳ йўлларида) мудом тўсадиган, (Оллохнинг каломини) доимо тиловат қиладиган (инсонлар ва фаришталардан иборат — барча) зотларга қасамки, шак-шубҳасиз, сизларнинг Илоҳингиз ягонадир. 5. (У зот) осмонлар, Ер ва уларнинг ўртасидаги бор нарсаларнинг Парвардигоридир. (У зот) бор кунчиқар жойларнинг (ва бор кунботар жойларнинг) Парвардигоридир. 6. Дарҳақиқат, Биз энг яқин осмонни юлдузлар билан зийнатладик (безадик). 7. Ва (уни) ҳар бир итоатсиз шайтондан-жиндан сақладик. 8—9. У (жин)лар энг юксак мавжудотларни (яъни, фаришталарнинг сўзларини) ҳаргиз эшита олмаслар ва (уларни) ҳайдаш учун, уларга ҳар томондан (юлдузлар) отилур. Улар учун (охиратда) доимий азоб бордир. 10. Магар бирон марта (бирон сўзни) илиб олган кимса (яъни, жин) бўлса, уни ҳам учар юлдуз қувиб етар (ва ҳалок етар). 11. Бас, (эй Мухаммад, Мақка кофирларидан) сўранг-чи,

улар(ни) яратиш қийинроқмикин ёки **Биз яратган зотларними?! (Яъни, фаришталар ва Еру осмондаги барча мавжудотни яратиш одамзодни яратишдан оғирроқ эмасми?!)** **Зотан, Биз (инсонларнинг асли-аввали бўлмиш Одам алайҳи-с-саломни) ёпишқоқ бир лойдан яратгандирмиз. 12. Балки сиз (уларнинг хайти тирилишни инкор қилаётганларидан) таажжубдадирсиз, (аммо) улар (сизнинг охират ҳаёти ҳақидаги сўзларингизни) масхара қилурлар. 13. Уларга (Қуръон билан) панд-насиҳат қилинса, панд-насиҳатни олмаслар. 14. (Сизнинг ҳақ пайғамбар эканлигингизга далолат қиладиган) бирон оят-мўъжизани кўрсалар, (дархол иймон келтириш ўрнига сизни) янада зиёдароқ масхара қилурлар. 15. Ва дерлар: «Бу фақат очик-равшан сеҳрдир. 16. Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетган чоғимизда ростдан ҳам яна қайта тирилгувчи эканмизми?! 17. Аввал ўтиб кетган ота-боболаримиз ҳам-а?!» 18. (Эй, Муҳаммад, сиз уларга) айтинг: «**Ҳа! Сизлар хор-зор бўлган ҳолингизда (албатта қайта тирилурсизлар)**». 19. У (яъни, қайта тирилиш) фақатгина (Исрофилнинг сури билан чалинган) бир қичқирикдир, холос, бас, баногоҳ улар (қайта тирилиб, «қунлари»ни) кўрурлар. 20. Ва: «**Эй ўлим бўлсин бизларга! Бу жазо қиёмат куни-ку!**» деб қолурлар. 21. Мана шу сизлар ёлғон деб ўтган, (ҳақ билан ботил) ажратиладиган Кундир. 22—23. (Эй фаришталар, сизлар) зolim-кофир бўлган кимсалар ва уларнинг ҳамтовоқларини ҳамда уларнинг Оллоҳни қўйиб ибодат қилиб ўтган нарсаларини тўплаб, дўзах йўлига бошланглар. 24. (Аммо то Менинг фармоним бўлмагунча) уларни тўхтатиб (дўзахга ташламай) туринглар! Чунки улар (аввал ҳаёти-дунёда қилиб ўтган куфру исёнлари тўғрисида) сўралгувчидирлар. 25. (У Кунда кофирларга дейилур): «**Нега бир-бирларингизга ёрдам бермаяпсизлар?!**» 26. **Йўк, улар бу Кунда (ҳеч нарса қила олмаслар, балки фақат Бизнинг ҳукмимизга) бўйинсунгувчидирлар. 27. Уларнинг бировлари бировларига қараб савол-жавоб қилурлар; 28. (Эргашувчилар ўзларини йўлдан урган пешволарига): «Ҳақиқатан, сизлар бизларга ўнг томондан (яъни, бизлар ишониб, яхшлик кутадиган томондан) келар эдинглар», деганларида; 29. (Пешволар) айтурлар: «**Йўк, сизлар ўзларингиз мўмин бўлмаган эдинглар. 30. (Ахир) бизлар учун сизларнинг устингизда бирон салтанат-ҳукмронлик йўк эди-ку! Йўк, сизлар ўзларингиз ҳаддан ошгувчи қавм эдинглар. 31. Бас, энди (бизларга ҳам, сизларга ҳам) Парвардигоримизнинг Сўзи — азоби ҳақ бўлди. Шак-шубҳасиз, бизлар (уни) тотгувчидирмиз. 32. Зеро, бизлар йўлдан озгувчи бўлганимиз сабабли сизларни ҳам йўлдан урдик**». 33. Бас, албатта улар (яъни, Оллоҳ йўлидан озган кимсалар ва уларни йўлдан урган пешволари) ўша Кунда азобда шерик бўлгувчидирлар. 34. Дарҳақиқат, Биз жиноятчи кимсаларни мана шундай (азобга дучор) қилурмиз. 35. Чунки улар, ўзларига (уларга): «**Ҳеч қандай илоҳ йўк, магар ёлғиз Оллоҳгина бордир**», дейилган вақтда кибр-ҳаво қилган эдилар. 36. Ва улар: «**Ҳали бизлар бир мажнун шоирни деб худоларимизни тарк қилар эканмизми?**» дер эдилар. 37. **Йўк, (Муҳаммад алайҳи-с-салом асло мажнун шоир эмасдир, балки) у Ҳақ (дин)ни олиб келди ва (ўзидан аввал ўтган) барча пайғамбарларни тасдиқ этди. 38. (Эй жиноятчи кимсалар), сизлар, шак-шубҳасиз, алам-ли азобни тотгувчидирсизлар. 39. Сизлар фақат қилиб ўтган жиноятларингиз сабабли жазоланурсизлар. 40. Магар Оллоҳнинг покиза банадалари бордирки; 41. Ана ўшалар учун маълум ризқ: 42—43—44. (Ҳар турли) мевалар бўлур. Ва улар ноз-неъмат боғларида, сўрилар устида, бир-бирларига рўбарў ўтирган ҳолларида ҳурмат-иззат кўргувчидирлар. 45—46. Уларга оқар чашмадан ичгувчилар учун лаззат бўлган оппоқ (шароб) косалари айлантириб турилурки; 47. У (шароб)да маст қилгувчи — ақлдан оздиргувчи нарса бўлмас ва улар ундан маст бўлмаслар. 48—49. Яна уларнинг олдиларида кўзларини (беғоналарга қарашдан) тийгувчи, гўё яшириб қўйилган (оппоқ) тухумдек (покиза, заҳаланмаган) оху кўзлар бўлур. 50. Бас, улар (аҳли жаннат) бир-бирларига қараб, савол-жавоб қилурлар. 51. (Шундай суҳбатлардан бирида) улардан бири деди: «**Менинг бир дўстим бор эди; 52—53. У (менга): «Ростдан ҳам сен (ўлганимиздан сўнг яна қайта тирилишимизни) тасдиқ этгувчилардан мисан? Бизлар ўлиб, тупроқ ва суякларга айланиб кетган вақтимизда, ҳақиқатан ҳам (қайта тирилтирилиб) жазолангувчимизми?**» дер (ажабланар) эди». 54. (Сўзлагувчи ҳаёти-дунёда охиратни инкор этган дўсти ҳақидаги ҳикояни тугатгач, жаннатдаги биродарларига): «**Сизлар (ҳам мен билан бирга ўша********

дўстимнинг дўзахдаги холи нима бўлганига) қарагувчимисизлар?» деди. 55. Сўнг ўзи қараб, уни (дўстини) дўзахнинг ўртасида кўргач; 56. Деди: «Оллоҳ номига қасамки, дарҳақиқат, сен мени ҳам ҳалок қилаёзган эдинг. 57. Агар Парвардигоримнинг неъматини (яъни, хидоятини) бўлмаса эди, албатта мен ҳам (сен билан бирга дўзахга) ҳозир қилингувчилардан (тушгувчилардан) бўлувчим эдим. 58—59. (Қани, менга айтгин-чи), бизлар фақат биринчи ўлимимиздан бошқа ўлгувчи эмас эканмизми?! (Бир марта ўлганимиздан сўнг қайта тирилиб) азоблангувчи эмас эканмизми?» 60. Албатта мана шу (аҳли жаннат етадиган неъматлар) улуғ бахтнинг ўзидир. 61. Бас, амал қилгувчилар мана шундай (мангу бахт-саодат) учун амал қилсинлар! 62. Мана шу (аҳли жаннатга ваъда қилганимиз) яхшироқ зиёфатми ёки заққум дарахтими? 63. Ҳақиқатан, Биз уни (яъни, заққум дарахтини) золим кимсалар учун фитна-алдов қилиб кўйдик.

*Изоҳ: Дўзахда заққум дарахти бўлиши ҳақида сўзланганида, кофирлар: «У ерда қандай қилиб дарахт ўссин, ахир дўзах ўти уни куйдириб юбормайди?» деб шак келтирганлар. Шунинг учун мазкур оятларда Оллоҳ таоло у дарахт тўғрисида ўз қудрати илоҳиясини баён этади.*

64. Дарҳақиқат, у дўзах қаърида ўсадиган бир дарахтдир. 65. Унинг бутқлари (даги мевалари хунукликда) худди шайтонларнинг бошларига ўхшар. 66. Бас, улар (яъни, дўзахийлар) албатта ундан еб, қоринларини тўлдиргувчидирлар. 67. Сўнгра албатта улар учун унинг (заққум меваларининг) устига қайноқ сувдан аралаштирилур (уларга мажбуран қайноқ сув ичирилур). 68. Сўнгра, шак-шубҳасиз, уларнинг яна дўзахга қайтишлари бордир (яъни, қайноқ сув уларнинг бутун ички аъзоларини куйдириб-битганидан кейин, энди дўзах ўти уларнинг баданларини куйдирувчи). 69. Албатта улар (яъни, Макка мушриклари) ўзларининг ота-боболарини йўлдан озган ҳолда топдилар. 70. Энди ўзлари ҳам уларнинг изларидан чопмоқдалар. 71. Аниқки, улардан аввал ўтганларнинг кўплари ҳам йўлдан озган эдилар. 72. Холбуки, Биз уларнинг (яъни, аввал ўтганларнинг) орасига огоҳлантирувчи (пайғамбар)ларни юборган эдик. 73. Бас, (эй Муҳаммад), огоҳлантирилган (ўша) кимсаларнинг оқибатлари қандай бўлганини кўринг! 74. Магар Оллоҳнинг покиза бандаларигина (ҳалокатга дучор бўлмадилар).

*Изоҳ: Мазкур оятларда Макка мушрикларининг иймон-исломга келмаганидан ғамин бўлган Муҳаммад алайҳи-с-саломга илғари ҳам ўзларига юборилган пайғамбарларни ёлғончи қилиб, ҳалокатга дучор бўлган қавмлар ўтгани эслатилади. Қуйидаги оятларда эса Оллоҳ таоло Ўзининг сўнги пайғамбарига аввалги пайғамбарлардан етти кишининг қиссаларини мўъжаз (қисқача) баён қилади.*

75. Қасамки, Нух (қавми уни ёлғончи қилган пайтда) Бизга нидо-илтижо қилди. Бас, (Биз) нақадар яхши ижобат қилгучидирмиз; 76. Биз унга ва унинг аҳли тобеъларига улуғ ғамдан (яъни, сувда гарқ бўлишдан) нажот бердик. 77. Ва унинг зурриётини (то қиёмат) боқий қолгувчи кишилар қилиб кўйдик. 78. Ва кейинги (авлод)лар орасида (Нух) ҳақида (гўзал мактовлар-олқишлар) қолдирдик. 79. Барча оламларда Нухга салом бўлмай. 80. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 81. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 82. Сўнгра бошқаларни (Нухни ёлғончи қилган кимсаларни) гарқ қилиб юбордик. 83. Шак-шубҳасиз, Иброҳим ҳам (Нух)нинг гуруҳидандир. 84. Эсланг, у Парвардигори (хузури)га тоза дил билан келди. 85. Ўшанда у отаси ва қавмига деган эди: «Нимага ибодат қилмоқдасизлар?! 86. Оллоҳни кўйиб сохта «худо»ларга (сиғинишни) истайсизларми?! 87. У ҳолда барча оламларнинг Парвардигори ҳақида (яъни, У зотнинг мушриклигингиз учун берадиган жазоси ҳақида) не (қандай) гумонингиз бор?!» 88—89. Сўнг у юлдузларга тикилиб туриб: «Албатта мен (вабо) касалига йўлиқувчидирман», деди.

*Изоҳ: Нақл қилинишича, ўша даврда кишилар ўртасида юлдузларга қараб фол очиш-мунажжимлик қилиш кенг ёйилган экан. Шунинг учун мушрикларнинг байрамини нишонлагани ҳайитгоҳга чиқиб кетаётган қавмдан ажралиб қолаётган Иброҳим алайҳи-с-салом, гўё юлдузларга қараб билиб олгандек, уларга: «Мен вабога йўлиқар эканман» дедилар. Бу сўзни эшитгач, вабо юқишидан қўрққан қавм...*

90. Дарҳол ундан юз ўғирган ҳолларида кетдилар. 91—92. Бас, (Иброҳим) аста уларнинг бутлари олдиға келиб: «(Мана бу тайёр таомларни) емайсизларми? Нега сўзламайсизлар?!» деди. 93. Сўнг уларға яқин келиб ўнг кўли (дағи болта) билан урди (чоғди). 94—95—96. Бас, (қавми) унинг олдиға шошапиша келишгач, деди: «Ўзларингиз йўниб-ясаб олган нарсаларға ибодат қилурмисизлар?! Ҳолбуки сизларни ҳам, қилиб (ясаб) олган бутларингизни ҳам Оллоҳ яратган-ку?!» 97. Улар (бир-бирларига) дедилар: «(Иброҳим) учун (олов ёкиладиган) бинолар қуриб, уни ўша оловға ташланглар.» 98. Бас, улар (Иброҳимға) макр қилмоқчи бўлган эдилар, Биз уларни тубан-мағлуб қилдик. 99. (У ўт ичидан эсон-омон чикди) ва деди: «Албатта мен Парвардигорим (буюрган тараф)ға кетгувчидирман. Унинг Ўзи мени (Тўғри йўлга) ҳидоят қилур. 100. Парвардигорим, Ўзинг менға солиҳ (фарзанд)лардан ҳадя этгин». 101. Бас, Биз унга бир ҳалим ўғилнинг (яъни, Исмоилнинг) хушхабарини бердик. 102. Энди қачонки, у (бола Иброҳим) билан бирға юрадиган бўлгач, Иброҳим: «Эй ўғилчам, мен (ҳадеб) тушимда сени (қурбонлик учун) сўяётганимни кўрмоқдаман. Энди сен ўзинг нима раъй-фикр қилишингни бир ўйлаб кўргин», деган эди; у айтди: «Эй отажон, сенға (тушингда, Парвардигор томонидан) буюрилган ишни қилгин. Иншооллоҳ, мени сабр қилгувчилардан топурсан (жумласидан эканлигимни кўурсан).»

*И з о ҳ : Саҳобалардан Абдуллоҳ ибн Аббос розиаллоҳу анҳу айтишларича, Оллоҳ таолонинг барча пайғамбарларининг кўрган тушлари ваҳйдир. Шунинг учун ҳам Иброҳим алайҳи-с-салом эндиғина ўн уч ёшға қадам қўйган ўғиллари Исмоил алайҳи-с-салом тўғрисидағи Оллоҳнинг амриға тўла розилик билан бўйинсундилар.*

103. Бас, қачонки иккиси ҳам (Оллоҳнинг ваҳйига) бўйинсуниб (энди Иброҳим ўз ўғли Исмоилни қурбон қилиш учун) пешонаси билан (ерға) ётқизган эдики; 104—105. Биз унга нидо қилдик: «Эй Иброҳим, дарҳақиқат, сен (кўрган) тушингни рост-бажо қилдинг». Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 106. Албатта бу (Иброҳимнинг ўз ўғлини қурбон қилишға буюрилиши) очик-равшан имтиҳондир, холос. 107. Биз (Исмоилнинг) ўрниға (Иброҳимға) катта бир (кўчкорни) сўйишни эваз қилиб бердик (уни жаннатдан туширдик). 108. Ва кейинги (авлод)лар орасида (Иброҳим) ҳақида (ғўзал мактовлар-олқишлар) қолдирдик. 109. (Биз томонимиздан) Иброҳимға салом бўлғай. 110. Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 111. Дарҳақиқат, у Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 112. Яна Биз унга — пайғамбар (ва) яхшилардан (бўлғуси) Исҳокнинг хушхабарини бердик. 113. Ва (Иброҳимға) ҳам, Исҳокқа ҳам (дину дунёларида) баракот бердик. Уларнинг зурриётидан чиройли амал қилгувчи ҳам, ўз жонига очик жабр қилгувчи ҳам бўлур. 114. Қасамки, Биз Мусо ва Ҳорунға (пайғамбарлик) инъом қилдик. 115. Биз иккисига ва уларнинг қавмиға, улуг ғамдан нажот бердик. 116. Ва уларни Ўзимиз кўлладик, бас, улар (Фиръавн ва унинг одамлари устидан) ғолиб бўлдилар. 117. Биз уларға равшан Китоб-Таврот ато этдик. 118. Ҳамда уларни Тўғри Йўлга ҳидоят қилдик. 119. Ва кейинги (авлод)лар орасида (Мусо ва Ҳорун) ҳақида (ғўзал мактовлар-олқишлар) қолдирдик. 120. (Биз томонимиздан) Мусо ва Ҳорунға салом бўлғай. 121. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 122. Дарҳақиқат, (булар) иккиси ҳам Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 123. Илёс ҳам, шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. 124. Эсланг, у ўз қавмиға деган эди: «(Оллоҳдан) кўркмайсизларми?! 125—126. Сизлар Баъл (деган олтиндан ясалган бут)ға сиғиниб, сизларнинг ҳам, аввалги ота-боболарингизнинг ҳам Парвардигорини — энг ғўзал-афзал Яратгувчи Оллоҳни тарк қилурмисизлар?!» 127. Бас, (қавми Илёсни) ёлғончи қилдилар. Энди албатта улар (дўзах азобига) ҳозир қилингувчидирлар. 128. Магар Оллоҳнинг покиза бандаларигина (азобға дучор бўлмаслар). 129. Биз кейинги (авлод)лар орасида (Илёс) ҳақида (ғўзал мактовлар-олқишлар) қолдирдик. 130. (Биз томонимиздан) Илёсға салом бўлғай. 131. Албатта Биз чиройли амал қилгувчиларни мана шундай мукофотлармиз. 132. Дарҳақиқат, у (Илёс) Бизнинг мўмин бандаларимиздандир. 133. Лут ҳам, шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. 134. Эсланг, Биз унга ва унинг барча аҳли тобеъларига нажот берган эдик. 135. Фақат (азобда) қолгувчилардан бўлган бир кампирға (яъни, Лутнинг хотини-



га нажот бермадик). 136. Сўнгра бошқаларни (яъни, Лутни ёлғончи этганларни) ҳалок қилдик. 137—138. (Эй Макка аҳли), аниқки, сизлар эрта-ю, кеч уларнинг устидан (улар ҳалок бўлган жойлардан) ўтиб турурсизлар. Ахир ақл юргизмайсизларми (яъни, Лутнинг қавми бошига тушган ҳалокат сизнинг ҳам бошингизга тушиб қолишидан кўркмайсизларми)? 139. Юнус ҳам, шак-шубҳасиз, пайғамбарлардандир. 140. Эсланг, у (ўз қавмидан ғазабланиб, Парвардигорининг изнисиз қишлоғидан чиқиб, одамлар билан) тўла бўлган кемага қараб қочган эди. 141. Бас, (кемадагилар билан) қуръа ташлашиб мағлуб бўлгач, (уни денгизга улоқтирдилар).

*И з о ҳ*: Ривоят қилинишича, Юнус алайҳи-с-салом ўзларини ёлғончи қилган қавмларидин ғазабланиб, уларни яқин-орада устларига қаттиқ бало гушиши ҳақида огоҳлантирадидлар ва ўзлари Оллоҳ таолонинг изни-фармони-сиз қишлоқларидан чиқиб кетиб, бир денгиз соҳилига бориб қоладилар ва ўша вақтда жўнашга шай турган, одамлар билан тўла кемага миниб, йўлга тушадилар. Аммо у кема денгизнинг ўртасида тўхтаб қолади. Шунда кемадагилар: «Орамизда ўз жомасидан қочиб келаётган бир қул бор, агар уни кемадан тушириб юбормасак, ҳаммамиз фарқ бўлишимиз тайин», дейишиб, ўрталарида қуръа ташлаганларида, қуръа Юнус алайҳи-с-саломга чиқади ва кемадагилар уни денгизга улоқтирадидлар.

142. Бас, уни (Парвардигорининг изнисиз ўз қавмини ташлаб чиқиб кетгани сабабли) маломатга лойиқ бўлгани ҳолда бир наҳанг-балиқ ютиб юборди. 143—144. Энди агар у (Оллоҳга доимо) тасбеҳ айтувчилардан бўлмаса эди, албатта у (балиқ) қорнида то қайта тириладиган кунларгача (яъни, қиёматгача) қолиб кетган (ҳалок этилган) бўлур эди. 145. Бас, Биз уни хаста ҳолида қуруқликка отдик (чиқардик). 146. Ва унинг устида (соя ташлаб туриши учун) қувоқ дарахтини ўстириб қўйдик. 147. Биз уни юз минг, балки ундан-да кўпроқ (одамга) пайғамбар қилдик. 148. Бас, улар (Юнусга) иймон келтирдилар. Сўнг Биз уларни (маълум) бир муддатгача (яъни, ажаллари етгунча ҳаёт неъматидан) баҳраманд этдик. 149. Энди (эй Мухаммад, Макка кофирларидан) сўранг-чи, қизлар (яъни, уларнинг гумонича, фаришталар Оллоҳнинг қизлари) Парвардигорингизники-ю, ўғиллар уларникимикан?! 150. Ёки Биз фаришталарни, улар гувоҳ бўлган ҳолларида, қиз қилиб яратдикмикан?! 151—152. Огоҳ бўлингизким, улар ёлғончиликлари туфайли «Оллоҳнинг боласи (қизлари) бор», дерлар. Улар, шак-шубҳасиз, ёлғончидилар. 153. (Оллоҳ) ўғилларни қўйиб, қизларни танлаб олган эмишми?! 154. (Эй Макка аҳли), сизларга нима бўлди?! Қандай (ноҳак-нораво) ҳукм чиқармоқдасизлар-а?! 155. Ахир эс-хушингизни йиғмайсизларми?! 156. Ёки сизлар учун (Оллоҳ бола кўргани ҳақида) бирон очиқ-равшан ҳужжат борми (келганми)?! 157. Бас, агар ростгўй бўлсангизлар, (мана шу даъволарингизни қувватловчи) китобингизни келтиринг-чи?! 158. (Мушриклар, Оллоҳ) билан жинлар (фаришталар) ўртасида насаб (яъни, ота-болалик бор, деб гумон) қилдилар. Қолбуки, жинлар-фаришталар (эса мушрикларнинг Оллоҳ азобига) ҳозир қилингувчи эканликларини аниқ билдилар. 159. Оллоҳ уларнинг (Оллоҳнинг боласи бор, деб) сифатлашларидан покдир. 160. Магар Оллоҳнинг покиза бандаларигина (мудом Оллоҳни, У зотга нолийиқ бўлган сифатлардан пок тутарлар). 161—162. (Эй Макка аҳли). шак-шубҳа йўқки, сизлар ҳам, сиғнаётган бутларингиз ҳам (бирон кишини, Оллоҳ)га қарши фитнага солгувчи — алдай олгувчи эмасдирсизлар. 163. Магар (Оллоҳнинг тақдири азалийсида) дўзахга киргувчи бўлган кимсаларнигина (алдай олурсизлар). 164. (Фаришталар дедилар): «Бизларнинг ҳар биримиз учун (осмонларда) аниқ-маълум бир ўрин бордир (ки, бизлар ўзимизнинг ана ўша ўрнимизда Оллоҳнинг амрини адо этурмиз). 165. Дарҳақиқат, бизлар (Оллоҳнинг йўлида) саф тортиб тургувчилардирмиз. 166. Дарҳақиқат, бизлар (Оллоҳни ҳар қандай айбу нуқсондан поклаб) тасбеҳ айтувчилардирмиз». 167—168—169. Дарвоқе, (Макка аҳли Куръон нозил бўлишидан илгари) «Агар бизларнинг олдимизда ҳам аввалгилар (нинг китоблари)дан бирон эслатма-Китоб бўлса эди, албатта бизлар ҳам Оллоҳнинг покиза бандалари бўлур эдик», дер эдилар. 170. Энди (Куръон нозил бўлгач) эса, унга кофир бўлдилар. Бас, яқинда (бу куфрларининг оқибати нима бўлишини) билиб олурлар. 171—172—173. Аниқки, Бизнинг пайғамбар бўлган бандаларимиз ҳақида: «Шак-шубҳасиз, улар қўллаб-қувватлангувчилардир ва

шак-шубҳасиз, Бизнинг қўшинимиз (бу пайғамбарлар ва уларга иймон келтирган кишилар) голиб бўлгувчилардир», деган Сўзимиз ўтган-собит бўлгандир. 174. Бас, (эй Мухаммад), сиз улардан (яъни, Макка кофирларидан маълум) бир вақтгача юз ўғиринг! 175. Ва уларни (яқинда, мағлуб бўлганларида) кўринг! Бас, яқинда улар (куфрларининг оқибатини) кўражаклар! 176. Ҳали улар Бизнинг азобимизни шоштирмақдамилар?! 177. Бас, қачон (Бизнинг азобимиз) уларнинг ҳовлиларига (яъни, устларига) тушганида, ўша огоҳлантирилган кимсаларнинг кунлари жуда ёмон бўлур. 178. Сиз улардан (маълум) бир вақтгача юз ўғиринг! 179. Ва уларни (яқинда, мағлуб бўлганларида) кўринг! Бас, яқинда улар (куфрларининг оқибатини) кўражаклар! 180. Қудрат эгаси бўлмиш Парвардигорингиз уларнинг сифатларидан (ҳар қандай айбу нуқсондан) покдир. 181. (Барча) пайғамбарларга (Оллоҳ томонидан) салом бўлгай! 182. Ҳамду сано барча оламларнинг Парвардигори Оллоҳ учундир. ➤

Давоми келгуси сонда



# Навобий гушани

## Навобий ғазалига Муҳйи мухаммаси

Фалак, ман кимга айлай дод, жаврингдин қилиб афгон,  
Ки, сандандур мани кўнглумда беҳад ҳасрату армон,  
Мани бир Лайливаш ишқида қилдинг ончунон сарсон,  
Бало дашти аро Мажнун манингдек кўрмамиш даврон,  
Қуюндек ҳар замон бир кўрмагон водийда саргардон.

Фироқ ўтига куйдурдинг таним, эй чарх, чун хошок,  
Кўнгул юз пора жаврингдин, на манда ақлу на идрок,  
Кунум — мотам, дилим — бирён, юзум — заъфар, кўзум — намнок,  
Тунум — дайжур, ўзим — ранжур, ичим — ғамноку бағрим — чок,  
Тилим — лолу таним — помол, ишим — афгон, сиришким — қон.

Жаҳон аҳли аро ҳеч ким манингдек бўлмамиш ғамгин,  
Қазо солғай жафоларға, қилурман ончунон тамкин,  
Ки, ҳоли зорими кўрғон халойиқ айлағай таҳсин,  
Фиғонимдин фалак ғамгин, сиришкимдин жаҳон рангин,  
На дардим ўтига таскин, на ҳижрон дардиға поён.

Мани хуршиди иқболим тушубдур буржи идбора,  
Фаровон доғи ҳасратлар бошимға тушди якбора,  
Манго раҳм айлағай душман, қилиб ҳолимға наззора,  
Бошим ғам тошидин ёра, таним ҳажр ўқидин пора,  
Кўнгул бу пораға чора тополмай, топмайин имкон.

Вафо кимдин умид этсам, манго айлар ситам пеша,  
Вафо нахлиға ургайлар жафодин оқибат теша,  
Бўлуб даврон жафосидин кўнгул ранжуру сад реша,  
Заифу дарду ғам пеша, наҳифу меҳнат андеша,  
Залилу бесару сомон, қотилу ханжари мижгон.

Жаҳондин айламанг уммид, эй аҳбоб хуррамлик,  
Кимики келди дунёға, кетар охирда минг ғамлик,  
Жаҳон аҳлин кўруб, ҳаргиз тополмай зарра одамлик,  
Кўзум намлик, қадим хамлик, ичим ғамноку мотамлик,  
На ҳамдамлик, на маҳрамлик, топиб юз меҳнату армон.

Мани ҳолимға куйгайлар тамоми дўст ҳам душман,  
На манда ёру, на ғамхору, на бир манзилу маскан,  
Эшит ҳоли табоҳимни, санго изҳор айларман,  
Фалак — раҳзан, замон — душман, бадан — равзан уза равзан,  
Қолиб жон ҳасратида тан, чиқиб тан кишваридин жон.

Жаҳон мотамсаро бўлмиш мани бахти сиёҳимдин,  
Ҳама халқи жаҳон маҳзун мани ҳоли табоҳимдин,  
Жаҳон ёнғай, фалак куйгай мани бу дуди оҳимдин,  
Бу аҳволи табоҳимдин, бу оҳи субҳгоҳимдин,  
Ҳам ўтлуғ дуди оҳимдин қарориб кулбаи аҳзон.

Бу оламда, аё Муҳйи, агарчандки меҳнат кўп,  
Агар ҳар қанча ғам чексанг, сўнгидин санга роҳат кўп,  
Насиб ўлса, худо бергай саодат бирла давлат кўп,  
Навобий, бўлса меҳнат кўп, ичарға жоми ишрат кўп,  
Неча бўлса суубат кўп, қилур ваҳдат майи осон.

Нашрга тайёрловчилар:  
**Аҳмаджон МАДАМИНОВ,**  
**Абдулатиф ТУРДИАЛИЕВ**



## Сўз улуғлигини таъбири

Алишер Навоийнинг тили, сўз бойлиги тўғрисида мақола ёзиш осон эмас. Навоийнинг лисоний олами шу қадар улкан ва беҳудуд уммонки, мутахассис ҳар қанча кунт ва изчиллик билан ҳаракат қилмасин, уни бутунисича қамраб ололмайди.

Шоир асарларининг тили бўйича олиб борилган, нашр этилган илмий тадқиқотлар, бу масала юзасидан туркийшуносликда қарор топган назарий қарашлар, адибнинг «Муҳокамат-ул-луғатайн» рисоласида ва бошқа асарларида ифодаланган фикр-мулоҳазалар Навоий лисоний оламининг умумий ва муҳим нуқталарини тавсифлашга ёрдам беради.

Алишер Навоий ижодини ўрганиш, унинг сирли лисоний олами билан танишиш жумҳуриятимиз мактабларининг қўйи синфларида бошланиши ҳар жиҳатдан тўғри ва ўринли удумдир. Мен ҳам Навоий шеърларини дастлаб мактабда ўқиганман. Илк бора шоирнинг қайси шеърларини ўқиганим ҳозир эсимда йўқ. Лекин шу шеърлардан олган мунгли, ёруғ, енгил таассуротларимни, мисраларнинг тотли мусиқасини, қофияларнинг оҳангини, сўзларнинг сеҳрини эслайман.

Кейинчалик Алишер Навоийнинг бошқа шеърларини, насрий асарларини ўқидим, унинг диний, тарихий, фалсафий-таълимий рисолаларини ўргандим, мутахассис сифатида адибнинг тил ҳақидаги фикр-қарашларини тадқиқ этдим. Буюк шоир тасаввуримда бутун қудрати, салобати билан тажассум топа борди.

Алишер Навоий — бутун туркий олам, жаҳон адабиётида бетакрор сиймо. Унинг мероси, шоирнинг ўз таъбири билан айтганда мусаннафоти, фикр-қарашлари барча кишилар учун азиз ва мўтабар. Навоий мероси, айниқса, биз учун қимматли.

Алишер Навоий ўзбек маданияти, адабиёти, тили, ижтимоий фикри тарихида бениҳоя катта ўрин тутди. Унинг ижоди туркий халқларнинг ватанпарварлик ҳаракати кучайган бир шароитда камол топди. Навоий ўзбек адабиётини намуна адабиёт — классик адабиёт даражасига кўтарди. Унинг номи Шарқнинг Фирдавсий, Низомий, Жомий каби улуғ адиблари қаторида туради. Санъаткор ўзбек адабиётини мана шу даҳолар яратган буюк адабиёт даражасига олиб чиқди.

Алишер Навоий даврида туркий шоирларнинг кўпчилиги форс тилида ижод қилар эди. Бу шоирлар ўз она тилидан кўра форс тилида ижод қилишни афзал кўришининг сабабини Навоий ишонарли далиллар билан кўрсатиб берди. Бу сабаблардан бири форс тилида ёзиш одат, анъанага айланганлиги бўлса, иккинчиси — форс тилининг енгиллиги, деб хулоса чиқаради шоир. Форс тилининг енгиллиги дейилганда унинг сайқалланганлиги кўзда тутилади. Бу тил қаршисида ишлов берилмаган, шеърхонлик оқшомларида қўлланмайдиган, тўғрироғи, жуда кам қўлланиладиган, кундалик сўзлашув эҳтиёжларига хизмат қиладиган туркий тил шоирларнинг кўзига, ҳеч шубҳасиз, оғир, шеърятдек нозик санъатга яроқсизга ўқшаб кўринар эди.

«Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида ўзи тўғрисида гапириб, Алишер Навоий шеър ёзишни форс тилида бошлаганини айтади. Лекин тушуниш ёшига етиб, туркий тил ҳақида фикр юритиш эҳтиёжи туғилгач, унинг кўз ўнгиде зебу зийнатлари сон-саноқсиз ўн саккиз минг оламдан ортиқ олам намоен бўлгани, фазилат ва етуқликда чек-чагараси бўлмаган тўққиз фалакдан ортиқ фалак кўргани, дур ва гуллари юлдузлардан равшанроқ хазина ва гулшан учратгани, аммо бу оламга ҳеч кимнинг қадами етмагани ва қўли тегмагани ҳақида ёзади.

Алишер Навоий туркий адабий тилни (эски ўзбек адабий тилини) тараққий эттириш, уни кўпчиликка манзур қилиш, бу тилни шеърят дунёсига тан олдириш қанчалик қийин ва машаққатли иш эканини яхши тушунди. Бунинг учун ўша даврда Мовароуннаҳр ва Хуросонда ҳукмрон бўлган форс тилидаги адабиётга мазмун ва бадий қиймат томонларидан тенг адабиёт яратиш зарур эди. Навоий бу улуғ вазифани тўла-тўқис амалга оширишга муваффақ бўлди.

Шуни айтиш керакки, туркий ва форсий тилларнинг ўзаро муносабати ҳақида Навоий ўзининг қатор асарларида фикр юритди. Масалан, «Ҳайрат-ул-аброр» дostonида шоир форс эли ўз она тилларида ёзилган асарларни ўқишдан хурсандлиги, туркийлар ҳам ана шундай бойликдан баҳраманд бўлишга лойиқ эканлиги, «Лайли ва Мажнун» асарининг охирида бу ривоятни туркча ҳикоя қилганлиги, туркийлар орасида хуштаъб, соф идрокли одамлар кўп эканлиги ҳақида ёзади. «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида туркий ва форсийнинг ифода қудрати бир-бирига қиёсланади. Бундай далилларга қараб Алишер Навоийни бутун умри давомида қизиқтирган, ўйлашга мажбур қилган лисоний мўаммо — туркий ва форсий тилларнинг бир-бирига муносабати, туркий тилнинг ифода қудрати форсий тилнинг таъсирчанлигидан кам эмаслигини исботлашга интилишдан иборат

бўлган экан, деган ҳаёлга бориш мумкин. Алишер Навоий асарлари тили билан, Навоийнинг лисоний қарашлари билан шуғулланган олимларнинг кўпчилиги ҳақиқатан ҳам шу йўсунда фикр юришиб, масалани икки тил баҳси билан чеклашга ҳаракат қилдилар. Ҳолбуки, Навоий даврида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги лисоний муаммолар доираси икки тил баҳсига нисбатан беқиёс даражада кенг ва чуқур эди.

Алишер Навоий асарлари тилининг ўзига хос қиёфаси ва тарихдаги ўрни тўғрисида фикр юритар эканмиз, ўша даврда ҳукм сурган тил вазияти ва унинг Навоий тилига таъсири ҳам таъзиқи масаласини четлаб ўтиб бўлмайди.

Навоий замонида Мовароуннаҳр ва Хуросонда бу ҳодиса ғоят мураккаб бўлганлигини кўрсатувчи далиллар кўп. Уларни Навоий асарларида ҳам учратамиз. «Муҳокамат-ул-луғатайн»да ўша даврда кенг тарқалган тўрт тил тўғрисида фикр юритилади. Булардан биринчиси араб тили бўлиб, шоирнинг таъкидлашича, фасоҳат ойини (равонлик, гўзаллик тарзи) ва балоғат тазйини (етуклик зийнатлари)да буюк ва ҳайратомузидир. Шу билан бир қаторда, Қуръони каримнинг, пайғамбар ҳадисларининг, буюк авлиё ва машойихлар ўғит-насиҳатларининг мана шу тилда ёзилганлиги ҳам муҳим қадрият сифатида айрича таъкидланади.

Бу тилни мана шундай юксак баҳолаган ва қадрлаган Навоий ўз асарларида арабча сўз ва ибораларни кўплаб ишлатаверган ва буни табиий ҳол деб билган. Ўз асарларига ном қўйишда ҳам анъанага мувофиқ арабча сўз ва ифодалардан фойдаланган. Бундан англашиладикки, ижод жараёнида Навоий ҳал қилган лисоний муаммолардан бири — бошқа тиллардан сўз олиш муаммоси — биринчи навбатда араб тилига алоқадор бўлган. Бунда, ҳеч шубҳасиз, шоирнинг Қуръон тилини мукаммал билганлиги (унинг арабча луғат тузганлиги маълум) катта ўрин тутган.

«Муҳокамат-ул-луғатайн»да зикр этилган тиллардан учтаси туркий, форсий ва ҳиндий тил бўлиб, булар ҳам асл ва мўътабар тиллар сифатида тавсифланган.

Навоий замонида Мовароуннаҳр ва Хуросонда форсийнинг мавқеи баланд бўлгани, туркийда ижод қилган адиблар ундан андоза олгани учун, бу тилдан туркийга сўз ўзлаштиришга ҳеч ким монелик қилмаган. Ҳозирги тилимиз билан эски ўзбек адабий тили орасидаги фарқлар кўп жиҳатдан Навоий даврида, ундан олдин ва ундан кейинги асрларда араб ва форс тилларидан олинган сўз ва иборалар ҳаддан ташқари кўпайиб кетганлиги билан изоҳланади. Ўз вақтида Абулғози Баҳодинхон ҳам бунга эътибор қилган эди. «Биздин бурун туркий тарих айтқанлар, — деб ёзган эди у, — арабий лафзларини қўшуб турурлар ва форсийни ҳам қўшуб турурлар... ўзларининг ҳўнарларин ва устодлиқларини халқа маълум қилмоқ учун. Биз мунларнинг ҳеч қайсини қилмадук анинг учунким, бу китобни ўқуғувчи ва тинглағувчи албатта турк бўлғуси турур, бас, туркларга туркона айтмак керак, то уларнинг барчаси фаҳм қилғайлар бизнинг айтқан сўзимизни».

Араб ва форс тилларидан олинган сўзларнинг кўпайиб кетганлигига, уларга тақлидан тузилган жумла ва ибораларга қараб, ҳозирги ўзбек тили эски ўзбек адабий тилининг тадрижий давоми эмас, деб исботлашга уринишлар бўлди. Бундай талқин тарафдорлари ҳозир ҳам бор.

Алишер Навоийнинг бевосита иштироки ва мадади билан классик тил даражасига кўтарилган туркий адабий тил қатор манбаларда чиғатой тили, Урта Осиё туркийси каби номлар билан аталгани маълум.

Чингизхоннинг иккинчи ўғлининг исми бўлган Чиғатой истилоҳи чиғатойилар сулоласи (1242—1370) даврида Мовароуннаҳрда яшаган туркий ва туркийлашган қабила ва элатлар ҳамда уларнинг тили, темурийлар даврида юқори нуқтага кўтарилган туркий адабий тил ва туркий адабиёт ифодаси сифатида қўлланади. Бутун бир халқнинг маънавий хазинасини якка шаҳс номи билан аташ мумкин эмас. Хорижий туркийшуносликда (баъзан ўзимизда ҳам) қўлланиб келаётган чиғатой истилоҳи англададиган тил билан бугунги тилимиз айна бир тилнинг турли босқичларини ёки бошқа-бошқа нарсаларни — мана шу масала устида фикр юритиш муҳимроқдир.

Темурийлар сулоласининг сўнгги йирик вакиллари билан бўлмиш Ҳўсайн Бойқаро вафотидан кейин Шайбонийхон бошчилигидаги кўчманчи ўзбеклар Мовароуннаҳрни, Хўросонни, сўнгра Хоразмни забт этиб, темурийлар ҳокимиятига барҳам берди. Олимларнинг таъкидлашича, юз берган тарихий воқеанинг нозик нуқтаси шундаки, номлари айтилган жойларда сиёсий ҳокимият, тўғрироғи, ҳоким сулола ўзгарди-ю, лекин маданий муҳит, тил, адабиёт, санъат жиҳидий ўзгаришга учрамади. Ҳокимият тепасига келган шайбонийлар, кўчманчи ўзбеклар темурийлар даврида юксак тараққий этган, чиғатой номи билан атаб келинган лисоний, адабий, маданий анъаналарнинг бевосита ворислари сифатида майдонга чиқдилар. Янги сиёсий муҳит таъсирида чиғатой истилоҳи ўрнига аста-секин ўзбек истилоҳи қўллана бошлади.

Демак, чиғатой ва ўзбек истилоҳлари билдирадиган лисоний, адабий ва маданий анъаналар бири иккинчисини ҳеч қачон рад этган эмас, улар бир йўналишдаги, бир кўринишдаги анъаналарнинг турлича номларидир. Бу мулоҳазалар қадимги тилимизни эски ўзбек адабий тили деган ном билан аташ ҳар жиҳатдан яқин ва асосли эканлигини кўрсатади.

Алишер Навоийнинг ўзбек адабий тили тарихидаги ўрнини аниқроқ тасаввур қилиш учун туркийшуносликда кўпдан буюн давом этиб келаётган яна бир илмий баҳсга тўхтаб ўтишга тўғри келади. Бу — Навоий тили, Навоий даври туркий адабий тилининг этник-лисоний замини ҳақидаги илмий баҳс.

Қатор олимлар — булар орасида В. В. Радлов, Ф. Е. Корш каби таниқли туркийшунослар бор — чиғатой тилини қорахонийлар даври китобий-адабий тилининг давоми сифатида талқин этдилар. Бу талқинда жон бор, албатта. Лекин Навоий тилини қорахонийлар даври тилининг давомидангина иборат дейиш, ҳақиқатга тўғри келмайди.

Бу муаммони адолатли ҳал қилиш учун Навоий замонида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган туркий аҳолининг мавқеи, маърифий даражаси ва таркиби ҳақидаги манбаларга мурожаат қилиш лозим. Навоий даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда туркий аҳолининг мавқеи жуда юқори бўлганини кўрсатувчи далиллар кўп. Сиёсий ҳокимият туркийлар (темурийлар) қўлида бўлганлиги ҳам шундан далолат беради. Иккинчи томондан, туркийлар яйлов, қишлоқ ва шаҳарларда етакчи, кўп ҳолларда асосий ёки бутун аҳолини ташкил этарди. Бобур ўзининг «Бобурнома» асарида Андижон тўғрисида гапириб, унинг аҳолиси туркийлар бўлганлигини айтади. Андижон «Эли туркдир, — деб ёзади Бобур. — Шаҳр ва бозорисида турки билмас киши йўқтур».

Навоий даврида Мовароуннаҳр ва Хуросонда яшаган туркий аҳолининг саводхонлик даражаси

ва маданий-маърифий савияси қандай бўлганлиги ҳали махсус ўрганилгани йўқ. Лекин мавжуд маълумотларга таяниб, бу ҳақда маълум хулосаларга келиш мумкин. Алишер Навоийнинг қатор асарларида туркий аҳолининг шоир ва олимлари, билимдон ва ғазалхон вакиллари тўғрисида қимматли маълумотлар бор. Е. Э. Бертельс ўзининг тадқиқотларида юксак маърифатли бутун-бутун туркий оилалар ҳақида ёзади. Бу маълумотларга туркигўй шоирлар ва шеър ҳаваскорлари томонидан тез-тез ўтказиб турилган ғазалхонлик оқшомлари ҳақидаги маълумотларни қўшсак, Навоий даврида туркий аҳолининг саводхонлик даражаси, маданий-маърифий савияси юксак бўлган, туркий зиёлилар тўлақонлик, қизғин ақлий ва маданий-маърифий ҳаёт кечирган, деган хулосага келиш қийин эмас. Бу маданий-маърифий муҳит, туркий зиёлилар фаолияти ва нутқи, олий ҳокимиятнинг хайрихоҳлиги Навоий ижодий фаолиятига, унинг асарлари тилига жиддий таъсир этган омиллардан бўлганини тўла ишонч билан айтиш мумкин.

Навоий даври туркий адабий тилининг этник-лисоний замини ҳақидаги масаланинг яна бир томони бор. Туркий тилининг ифода қудратини намойиш қилиш учун «Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида келтирилган 100 та феълнинг бир қанчаси Навоий асарлари тилида ҳам, бошқа манбаларда ҳам учрамади. Бу далил Навоий халқнинг жонли тилига жиддий қизиқиш ва ҳурмат билан қараганидан, халқ тили бойликларини тинимсиз ўргангани, тўплагани ва улардан фойдаланганидан далолат беради. Навоий тилининг этник-лисоний замини ҳақида гапирганда, адабий-китобий анъана, туркий зиёлилар нутқи, шуларга ўхшаш бошқа омиллар билан бир қаторда шоирни қуршаган туркий халқ ва қабилалар, қавмлар тилини, Навоий асрида Мовароуннаҳр ва Хуросондаги ирқий ҳамда шевага хос манзарани эътибордан соқит қилиш мумкин эмас.

Бу масала дастлаб Навоий асарларида тилга олинган. «Муҳокамат-ул-луғатайн»да етти иқлимнинг ҳар бирида неча мамлакат ва вилоят борлиги, ҳар қайси мамлакатда қанча шаҳар, қасаба (қишлоқ), кент мавжудлиги, бу жойларда, даштларда, оролларда, дарё соҳилларида турли улус ва қабилалар яшаши айтилиб, «ҳар жамоат алфози (нутқи, сўзлари) ўзгаларидин ва ҳар гуруҳ иборати (иборалари, матни) ёналаридин мутағайир (фарқли) ва бир неча хусусият била мутаммайиздурки (айрича) ўзгаларда йўқтур» дейилади. Бу ўринда Алишер Навоий турли оила тилларидан кўра туркий тиллар, туркий лаҳжа ва шевалар тўғрисида гапираётганини пайқаш қийин эмас. Навоийнинг бошқа асарларида, хусусан «Мажолис-ул-нафоис»да хоразмийча туркий тил ифодаси ишлатилгани ҳам шундан далолат беради.

«Муҳокамат-ул-луғатайн» асарида умумий тарзда зикр этилган улус, қabila, жамоат ва гуруҳларнинг қайси қabila, уруғ, халққа мансублиги очиқ кўрсатилмаган. Лекин Навоий асарлари тилининг этник-лисоний таҳлили бу масалага ойдинлик киритишга ёрдам беради. Тадқиқотлар кўрсатдики, Навоий асарларида қорлуқ унсурлари билан бир қаторда ўғиз ва қипчоқ унсурлари ҳам сезиларли миқдорда учрайди. Бу фикр Навоий сиёсий вазиятига ҳам тўғри келади. Темурийлар давлатларида қорлуқлар билан бир қаторда ўғизларнинг етакчи ўрин тутганини, вақт ўтиши билан қипчоқлар таъсирининг ошиб борганини кўрсатувчи далиллар кўп.

Алишер Навоий даҳосининг қудрати шунда намоён бўлдики, у мана шу турли тил, лаҳжа ва шеваларда гапирувчи туркий аҳоли учун бирдан-бир тўғри лисоний ечим топа олди. Лаҳжалардан бирини танлаб, ўзини бошқа лаҳжа ва шевалардан чеклаш йўлидан бормади. Шоирнинг ўз таъбири билан айтганда, турк назмида алам тортиб (байроқ кўтариб, юриш қилиб) мамлакатни (турк оламини) бутунлигича, тўлалигича забт этишга, яққалам қилишга (бир хил гапирадиган, бир адабий тилда сўзлайдиган қилишга) жазм этди ва бунга муваффақ бўлди. Шунинг учун ҳам қатор шарқшунос ва туркийшунос олимлар бу адабий тилни Урта Осиё туркий адабий тили сифатида талқин этдилар.

Навоий тилининг ҳозирги ўзбек адабий тилига муносабатини ҳал қилишда адабий-лисоний анъаналар, яъни ёзма манбалар билан бир қаторда икки даврнинг этник-диалектологик вазиятларини бир-бирига қиёслаш катта аҳамиятга эга. Агар биз Навоий асарлари тилида кучли адабий-китобий анъана, араб ва форс тилларининг таъсири билан бир қаторда қорлуқ, ўғиз ва қипчоқ лаҳжаларининг излари очиқ-ойдин мавжуд эканини, бу лаҳжалар ҳозирги ўзбек тилининг таркибий қисмлари эканини ҳисобга олсак, бу хусусда икки хил фикр юритишга ўрин қолмайди. Алишер Навоийнинг бевосита штироки ва ҳомийлигида классик адабий тил даражасига кўтарилган туркий адабий тил билан ҳозирги адабий тил айна бир тилнинг турли босқичларидир.

Эски ўзбек адабий тили, хусусан Навоий тили халқимиз ижодий қудратининг бебаҳо маҳсулидир. У ҳозирги адабий тилимиз шаклланишида замин ва таянч манба бўлди. Шу билан бир қаторда, эски ўзбек адабий тили, жумладан Навоий тили, бу тилда ёзилган ва сақланиб келаётган адабий, тарихий, илмий ва бошқа манбалар халқимиз учун битмас-туганмас маънавий хазинадир. Бу хазинадан оладиган руҳий озқамиз бугунги ва келгуси ақлий-маънавий ҳаётимизнинг тўлақонли ва соғлом кечishiга ёрдам беради.

Навоий лисоний оламининг биз учун қиммати ва аҳамияти мана шунда.

**Иристой ҚУЧҚОРТОВЕВ,**  
**ЎзФА муҳбир аъзоси,**  
**филология фанлари доктори, профессор**

Е. Э. Бертельс

## УЛУҒ ЎЗБЕК ШОИРИ

Навойи ҳазратларининг 550 йиллик тўйи жумҳуриятимиздагина эмас, балки чет элларда ҳам кенг нишонланмоқда. Аҳли дунё тафаккурияти ўсишида бебаҳо ўрин тутган шариф шоиримиз меросини халққа яқинлаштириш, халқ руҳиятининг узвий бир бўлагига айлантиришда катта-кичик навойишуносларни ана шу санаи муборакларида эслаб ўтиш биз учун ҳам фарз, ҳам қарз. Эсланишга лойиқ зотлардан бири, шубҳасиз шарқ халқлари адабиётининг солиҳ билимдони, СССР, Эрон, Дамашқдаги Араб Фанлари академияларининг мухбир аъзоси, Ўзбекистон ва Тожикистонда хизмат кўрсатган фан арбоби Евгений Эдуардович Бертельс (1890—1957) бўлади. Бу олим биргина улуг бобомиз ижоди эмас, балки бутун туркий халқлар адабиёти форс-тожик адабиётига тақлиддан иборат, деган XIX аср Европа шарқшунослигида ҳукмрон бўлган ғайриилмий қарашларни рад этиб ташлади. Ғарб олимларининг илмий қусурини Шарқ адабиётининг ўзига хос хусусиятларини англамасликда, шарқ шоирлари ижодига ғарб адабиётдаги ўлчовлар билан ёндашишда кўрди ва «ғазал мулкининг султони»ни ҳар томонлама муҳофаза қилди. Навоий ижоди жаҳон адабиётдаги ноёб ҳодисалардан бири эканини исботлаб берди. «Хамса»нинг фан учун мўътабар қўлёзма нусхасини ҳолоқатдан сақлаб қолишда жонбозлик кўрсатди.

Олимнинг ушбу мухтасар тақризи (1948 йили ЎзФА нашриётида чоп этилган «Улуғ ўзбек шоири» тўплами муносабати билан ёзилган 1949 йили «Советская книга» журналининг 1-сонида босилган эди. Кейинчалик у олим Танланган асарларининг «Навойи ва Жомий» деб аталган китобида чоп этилган. Мазкур тақризда йирик тадқиқотчи Навоий ва у яшаган давр маданиятига оид бирёқлама талқинларга ўз муносабатини билдиради. Бертельс илгари сурган фикрлар ҳамон ўз аҳамиятини йўқотмагани тўғрисида биз ойнома мухлисларини у билан таништирмоқчи лозим топдик.

Тақриз ёзилаётган бу тўплам улуг шоир таваллудининг 500 йиллик тўйи муносабати билан 1948 йил май ойининг иккинчи ярмида Тошкентда ўтказиладиган шодиёнага бағишланган. Китоб Я. Ғ. Ғуломовнинг «Навойи даврини ўрганишга доир» мақоласи билан очилади. В. В. Бартольднинг юқоридида қайд этилган асарига ва 1946 йилги тўпламдан жой олган А. Ю. Якубовский мақоласига маълум даражада ўхшайди. Асарда тарих, иқтисодиёт ва маданиятнинг турли масалалари ҳақида фикр юритилиб, аввалги мутахассислар томонидан чизилган XIV—XV аср Урта Осиё ҳаёти манзаралари янги жиҳатлар билан тўлдирилади. Мақолада қизиқарли маълумотлар келтирилади, лекин уларга берилган таърифлар бир текис муваффақиятли чиққан эмас. Муаллиф айтишича, мўғул хонлари «ўз ҳокимиятларини мустаҳкамлашда жаҳолатпараст дарвишларга суянганлар».

Лекин дарвишлик жамоаларининг ўсиши XII—XIII асрларга тўғри келгани аён ҳақиқат. Дарвоқе, мўғул хонлари бу муносабатларга ҳеч қандай янгилик киритмай, ўз салафлари сиёсатини давом эттирдилар, холос. 16-саҳифада муаллиф нақшбандия дарвишларини фан ва маданиятнинг ҳасадгўй муҳолифлари деб атайди. Бундай умумлашма таърифни тўғри деб бўлмайди. Албатта, жамоанинг баъзи бир вакиллари дунёвий фанлар ривожига қарши курашдилар. Лекин бу хусусият бутун жамоага хос эдими? Шуни эсдан чиқармаслик керакки, ўша давр маданиятининг икки тараққийпарвар вакили — Жомий ва Навоий шу тариқатга мансуб эдилар. Уларнинг тараққийга муҳолиф тариқатга аъзо бўлиши ҳақиқатдан йироқдир. Кўриниб турибдики, XV аср илғор кишилари кўзи ўнгидида нақшбандийлик, баъзи бир тарихчиларимиз тасвирлаганидек ваҳимали эмас.

Навбатдаги, Р. Н. Набиевнинг «Мовароуннаҳрнинг XV асрдаги сиёсий-иқтисодий ҳаёти тарихидан» мақоласи нақшбандия тариқатининг машҳур намояндalarидан бири Хожа Аҳрор таърифига бағишланган. Муаллиф бу бадавлат руҳонийни иложи борича қора бўёқларда ёритишни ўз олдига мақсад қилиб қўяди. Шунга қарамай, муаллиф бунинг урдасидан чиқолмаган, натижада қатор ноаниқликлар юзага келган. 32-саҳифада муаллиф Навоий томонидан Султон Ҳусайннинг ўғлига ёзилган машҳур мактуб ҳақида гапирди, лекин негадир шундай қайд этади: «У гарчи вилоят ҳукмдорига бағишланган бўлишига қарамай, мактубда Навоий мамлакатни қандай бошқариш ҳақида гапирди». Нима учун «гарчи»? «Гарчи» эмас, мактуб айнан вилоят ҳукмдорига битилган. Навоийнинг ҳокимият жиловини қўлида тутмаган кишига панд-насиҳат қилиши ҳар қандай мантиққа зиддир! Лекин гап бунда эмас. Навоий мамлакат учун бир қатор фойдали тадбирларни, чунон-

чи, «тамға»<sup>1</sup> солиғини жорий этмасликни таклиф этади (33-саҳифа). Навоий билдирган таклифлар ҳақида муаллиф бундай дейди: «Шубҳасиз, баён этилган тадбирлар Навоийнинг жамият олдидаги катта хизматиридир». Бироқ, биз 38-саҳифада қуйидаги даъвога дуч келамиз: «Хожа Аҳрор ўзининг ташқи савдо ишларини юргизишда халақит бергани учун, «тамға» солишини бутунлай бекор қилиш масаласини қўйди...» Нега энди бу таклифни Навоий айтса ижобию Хожа Аҳрор айтса салбий бўлади?

Я. Ф. Фуломов мақоласида баён этилишича, Султон Ҳусайн амалдорлари, жумладан Навоий ҳам халқни беҳисоб машаққатлардан қутқариш ниятида ўз маблағлари ҳисобидан фуқаро зиммасидаги солиқларни тўлаганлар. 40-саҳифада Р. Н. Набиев қуйидагича маълумот келтиради: бир сафар Хожа Аҳрор ҳам худди шундай иш тутиб, яъни 300 минг динор тўлаб тошкентликларни оғир солиқдан қутқаради. Бироқ, дейди мақола муаллифи, «бу сохта ҳаракат Хожа Аҳрорнинг одамларга ғамхўрлигини кўз-кўз этиш мақсадида қилинган бўлиб, аслида хайрихоҳликдан нишона ҳам йўқ эди». Кўз-кўз қилишни ёки бошқа нарсами, ҳар ҳолда одамлар солиқдан озод этилган. Нега энди бу ишни Навоий ва бошқа амалдорлар томонидан қилинса, ўзини кўрсатиш эмас-у, Хожа Аҳрор амалга оширса сохта ҳаракат дейилади! Биз Хожа Аҳрорни ёқламоқчи эмасмиз, аммо шуни ёдда тутиш керакки, Жомий ва Навоий унга ҳурмат билан муносабатда бўлганлар, уларнинг мамлакатни бошқариш ҳақидаги қарашлари кўп жиҳатдан Хожа Аҳрор қарашларига яқин эди. Мулоҳаза қилиб кўрилса, мақолада келтирилган маълумотлар асосида Хожа Аҳрор замонасининг оддий феодал амалдорларидан ҳам ёмонроқ бўлган деб ўйлаш, асло мумкин эмас.

Балки, муаллифнинг унга нисбатан ҳаддан ташқари совуқ муносабатини «Хожа Аҳрор гуруҳи билан ҳақиқий дарвишлик ўртасида ҳеч қандай умумийлик йўқ эди», деган сўзлари билан изоҳлаш мумкин. Ҳақиқий дарвишлик унчалик ижобий ҳодиса эмас. Жомий XV асрдаёқ дарвишликни қоралаган. Навоий ҳам худди шундай муносабатда бўлган, қатъий айтиш мумкинки, улар ҳақ эдилар.

«Навоийнинг баъзи бир ижтимоий-сиёсий қарашлари» деб номланган учинчи мақола В. И. Зоҳидов қаламига мансуб. Муаллиф сўзни форс тасаввуф шоири Жалолоддин Румий (XIII аср) ва Навоийнинг инсонга бўлган қарашларини бир-бирига зид қўйишдан бошлайди. Мақола муаллифнинг фикрича, Румий инсонни «мавҳум худонинг сояси» деб ҳисоблаб, ундан нафратланган, Навоий эса «ҳатто фаришталарни инсон олдига сажда этишга мажбур этган». Бироқ, муаллиф томонидан қайд этилган Навоийнинг сўзларини Қуръоннинг маълум жойидан олинган оятнинг бошқача ифодаси деб тушуниш керак, холос. Румий инсондан жирканган эмас, балки уни ҳатто «фаришталардан аъло» деб ҳисоблаган. Шундан кейин муаллиф Навоий синфий кураш (қаранг, 60-саҳифа) ҳақида тушуночига эга бўлмаганлиги тўғрисида атрофлича гапирди ва Навоий уни билмаган, Навоий буни билмаган деб бот-бот такрорлайди. Мақолада Навоийдан келтирилган иқтибослар ҳаддан ташқари ноаниқ, муаллиф ўз фикрларини изоҳлаб бормади, шу билан бирга «текинхўр руҳонийларнинг вакиллари», «ярарамас» каби XV аср учун мутлақо ёт бўлган ибораларни қўллайди. Шундай қилиб, В. И. Зоҳидовнинг тадқиқоти унчалик ишонарли чиқмаган. Муаллиф XV аср кишиларининг фикрлаш тарзини ҳисобга олмай, уларни замонавийлаштирган. Мақола имло ва матбаа хатолари билан тўлиб-тошиб ётибди. Қолаверса, тўпلامда ғиж-ғиж хато учрайди. Чамаси у муҳаррир томондан диққат билан кўриб чиқилмаган. 62-саҳифадаги уч изохда машҳур суфий имом Ғаззолийнинг китоби Аҳмад Яссавийга нисбат берилган.

«Навоийнинг ғоялар дунёси» сарлавҳали мақола М. Ойбек ва А. Дейч қаламига мансубдир. Мазкур иш Навоий дунёқарашининг асосий нуқталарини аниқ очиб берган. Унда бир қатор қизиқарли мулоҳазалар бор ва бу фазилат улуғ шоир ижодини ўрганишни чуқурлаштиради. Фурсатдан фойдаланиб, баъзи бир ноаниқликларни қайд этамиз. 85-саҳифада шундай дейилади: «Худони оламга сингдириш ғояси шорининг севган мавзуи». Бироқ, бирорта мусулмон мутафаккири даҳрий бўлмай туриб, «сингдириш» ғояси ҳақида гапиролмасди. Навоий ҳам бундай деб ўйламаган, балки ҳамма вақт оламдаги худонинг «инъикоси» ҳақида гапирган. Уша саҳифада Навоий суфийларнинг дунёни билиш мумкин эмас деган фикрларига салбий қарагани ва онгни устун қўйгани тўғрисида гапирилади. Бироқ 86-саҳифада ўқиймиз: «ҳақиқатни идрок этишда, онгни инкор этган». Тўғри, Навоийда зиддиятлар бор, лекин Жомийга яқинлиги туфайли у дунё сезгилар орқали анғиланади деган фикрда турган ва онгни билишнинг ягона манбаи деб ҳисобламаган. 100-саҳифада муаллифлар Навоийни фатализм (тақдирган тан бериш)га қарши курашга мажбур қилишди ва шоридан иқтибослар келтиришди, лекин уларни тақдирга тан беришни инкор этиш эмас, балки эътироф этиш деб ҳисобламоқ керак. Бироқ бундай англашилмовчилик кўп бўлмай, мақола юқорида айтганимиздек қизиқарлидир.

«Ҳирот шаҳрининг XV асрдаги тарихий топографияси» номли мақола М. Е. Массон қаламига мансуб. Муаллиф камтарлик билан 1946 йилги тўпلامда чоп этилган А. М. Беленицкий мақоласини бир қадар тўлдирмоқчи эканлигини айтади. Тўлдиршига мўлжалланган манбалар борган сари кенгайиб, жуда катта рисола ҳолига келади ва шубҳасиз, тўпламнинг гўлтожи саналади. Манбааларнинг кенг истифода этилиши А. М. Беленицкийнинг иши тўла-тўқис эмаслигини ва М. Е. Массон томонидан «хом» дейилиши тўғри эканини аниқ-равшан кўрсатади.

Тўплам Я. Ф. Фуломовнинг Темирнинг дафн этилиши ҳақида қизиқарли ва муҳим маълумотларни ўз ичига олган яна бир мақоласи билан яқунланади, Афсуски, бу мақолада ҳам муҳаррирнинг қатъий қўли йўқлиги сезилиб турибди. Бу қатъиятсизлик оқибатида «ансамбллик» сингари услубий бефарқликка ва анча матбаа хатоларига йўл қўйилган, аниқса, шарқона сўзлар нотўғри ишлатилган. Гарчи, 1946 йилги тўплам ҳам юзаки таҳрир этилган ва кўп матбаа хатолари билан чоп этилган бўлса-да, ушбу тўпلامда тузатишларга ҳаддан ташқари эътиборсиз қаралгани кишини ҳайрон қолдиради.

Тўпламга умумий баҳо бериб, шуни эътироф этиш лозимки, у баъзи бир нуқсонларга қарамай, улуғ шоир ҳаёти ва ижодини ўрганишни тезлаштиради.

Абдурасул ЭШОНБОБОВ таржимаси

<sup>1</sup> Тамға — ҳунарманд ва савдогарлардан олинадиган солиқ.





## Фируз

(1845—1910)

Фируз тахаллуси билан шеърлар ёзган Муҳаммад Раҳимхон Соний 1863—1910 йилларда, қарийб қирқ етти йил мобайнида Хива хони бўлди. Муҳаммад Раҳимхон ҳукмронлиги даврида мамлакатда маълум маданий ишлар амалга оширилди, масжидлар қурилди, мадраса ва илм ишлари ривожланди. Хива ва унинг теварак-атрофидаги аҳли илм, шоир ва адабиётчилар саройга йиғилиб, адабий марказ вужудга келтирилди. Муҳаммад Раҳимхоннинг бевосита ҳомийлиги остида ўнлаб истеъдодли шоирлар, ажойиб созандалар, ҳуснихат эгалари — хаттотлар етишиб чиқди. Айниқса, Хивада лито-типографиянинг барпо этилиши Муҳаммад Раҳимхон амалга оширган ижобий ишларнинг бири бўлди. Бу даврда, ҳатто, маданий ишлар ривож олган Тошкентда ҳам ҳали бунақа босмаҳона қурилмаган эди. Атоқли шарқшунос олим Е. Э. Бертельс Муҳаммад Раҳимхон фаолиятини «буюк маърифатпарварлик» деб баҳолаган эди.

Феруз бадий ижодда ҳам ўзига хос иқтидорга эга. Ҳазаллари ғоят оҳангдор, мусиқий. Шу сабабли ҳам унинг кўпгина ғазалларига куйлар басталанган. Табиатан пурзавк санъаткор Муҳаммад Раҳимхон яратган куй-қўшиқлар халқ орасида кенг шухрат топди.

Фируз лириканинг ғазал, мухаммас, мусаддас ва бошқа жанрларида ижод қилиб, ўз шеърларини бир девон ҳолида жамлаган. Шоир мероси бугунги кунда Абу Райҳон Бериуний номидаги Шарқшунослик институти фондида сақланмоқда.

*Оҳким, бир дилрабо ишқиға дучор ўлмушам,  
Холин истаб доми зулфиға гирифтор ўлмушам.*

*Лаълидин ўпмик тилаб, топмай муроду мақсадим,  
Новаки мужгон бирла сийна афгор ўлмушам.*

*Ҳар неча васлин тилаб жон жавҳарин қилсам фидо,  
Топмай онинг илтифотин дийда хунбор ўлмушам.*

*Бир тараҳҳум айламас ҳолим кўруб ул сангдил,  
Олло-олло, мубталои бўйла дилдор ўлмушам.*

*Равшан этмак истабон хоки қудумидин кўзум,  
Естонибон йўли узра туфроқ осор ўлмушам.*

*Оҳким, айлар манга ҳар кун итоб узра итоб,  
Билмай онинг боисин қўб ҳоли душвор ўлмушам.*

*Зарра янглиғ изтироб этсам нетонг Фируздек,  
Гар қуёш руҳсор дилбар ишқида зор ўлмушам.*

Эй фалак, нетдим сани, душманлиғ изҳор айладинг,  
Нотавон кўнглум туганмас ғамға дучор айладинг.

Солибон айру малаксиймо ҳабибимдин мани,  
Ғулсурат, девсийратлар била ёр айладинг.

Васл ила бирдам ҳуш этмай хотири ношодими,  
Доимо дарду фироқу ғам аро зор айладинг.

Ҳажр тигидин қилиб жисмимни сартосар яро,  
Жони зоримни машаққат бирла афғор айладинг.

Давлати васлин муяссар айлабон агёрға,  
Меҳнату ҳажриға кўнглумни сазовор айладинг.

Бир лаби майгун, кўзи хумор ҳижрони аро.  
Қон ёшим кўзда равон, жонимни бемор айладинг.

Бир йўли айланмайин Фирузнинг жони била,  
Эй фалак, нетдим сани, душманлиғ изҳор айладинг.

\* \* \*

Юз очиб гар этса ул шўх ошкоро ҳуснини,  
Кўргач, ўлғай ҳар киши мажнуну шайдо, ҳуснини.

Зарра янглиғ олдида кун зоҳир айлар изтироб,  
Ногаҳон гар кўрса ул хуршид сиймо ҳуснини.

Сабр ила тоқат кўнгул мулкидин кетмишдур бари,  
Қилғоли, кўр, бир нафас онинг тамошо ҳуснини.

Ё малак, ёхуд пари ҳусн ичра монанди эмас,  
Ким, анинг ҳақ айламиш оламда якто ҳуснини.

Сафҳаи оразда мушкин хатти сиёҳи хол ила,  
Айламиш бир зийнат ул ойнинг сирупо ҳуснини.

Жаннат ичра ҳуру ғилмон суҳбатин қилмас ҳавас,  
Равзаи васли аро кўрган дилоро ҳуснини.

Ёраб, ўлғайму муяссар бир кеча Фирузға,  
Лаълидин ўпмак, тамошо айламак ё ҳуснини.

\* \* \*

Бу кеча базмим аро, не бўлди, ёрим келмади,  
Уртади ҳижрон ўтига йўқу борим, келмади.

Кел деганда «яҳши, келгум» деб эди, фарёдким,  
Билмадимким, не сабаб бўлди, нигорим келмади.

Неча кундурким, қолиб ҳижрон аро махмурман,  
Тарқатурға жом васлидин хуморим келмади.

Келмакига ваъда айлаб эрди бу тун, оҳким,  
Ҳаддидин йўлида ошти интизорим, келмади...

Бўлди базмим гулишани кетгач хазони боғдек,  
Они айларға гулистон навбаҳорим келмади.

Хор аро гулдек бўлурға ҳўблар ўртосида,  
Сарвиқаду гулжабину гулузорим келмади.

*Ишқ сиррин кимга шарҳ айлай ман эмди, дўстлар,  
Махрами розу нихону ошкорим келмади.*

*Нола айларман туну кун ҳажрида Фируздек,  
Кўнглига таъсир этиб афғони зорим келмади.*

## Доий

Доий тахаллуси билан шеърлар ёзган Ҳожи Юсуф Охунд XIX аср охири — XX аср бошларида яшаган бўлиб, туғилган ва ўлган йиллари номаълум. Муҳаммад Раҳимхон саройида хизмат қилиб, пайровлар ва мадҳиялар ёзиб юрган Доий ижоди фақат мазкур мавзулар билан чекланиб қолмайди. Табиатан дадил, гапга чечан Доий ҳеч тап тортмасдан бой-боёнларни фош қилувчи ҳажвиялар ҳам ёзган. Эл орасида изза бўлган шахслар бир неча бор хонга келиб арз қилишса ҳам, Муҳаммад Раҳимхон Доийга қаттиқ гапирмаган, аксинча, ўзи унга амалдорларни ҳажв қилувчи шеърлар ёзишни буюрган, илтифотлар кўрсатган. Хоннинг бу муносабатидан фойдаланган Доий золим амалдорларнинг устидан кулиб, уларни изза қилиб юрган ва шу тариха фуқаронинг кўнглини кўтарган.

Доийдан бизга мерос бўлиб қолган девон Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институтида сақланмоқда. № 908 рақамли мазкур мажмуадан шоирнинг ўзбек ва форс-тожик тилларида ёзилган турли хил жанрдаги асарлари ўрин олган. Девонда, одатдагидек, ғазал жанрида битилган шеърлар кўп. Уларнинг аксарияти ишқий мавзуда. Бироқ лирик шеърларида ҳам шоирнинг ўзига хос дадиллиги, ҳажвга мойиллиги сезилиб туради. Навоий, Огаҳий, Фируз ғазалларига битилган тахмисларида шоирнинг салоҳияти, айниқса, бўртиб туради.

Доийнинг ижоди деярли ўрганилмаган. Эътиборингизга ҳавола этилаётган ушбу ғазаллар Доий шеърятидан бир шингил, холос.

\* \* \*

*Ишқ ўтин ёқди бугун бағримни айларга кабоб,  
Ўтга берди хонумоним жисм ўтин айлаб хароб.*

*Кўрса ағёр аҳлини лутф айлабон беҳад анга,  
Ман ғарибу зорга айлар тазаллум беҳисоб.*

*Шум рақибимга сўз айғоч<sup>1</sup> лаъли шаккар ҳолидин,  
Рашк этиб жону дилимга тушди ҳар дам изтироб.*

*Ишқ аҳлин этгали маҳрум ой юз нуридин,  
Зулфи барчинин тараб, юз устига айлар ниқоб.*

*Қошлари тигин чекиб бошимга келса, айлагум  
Ўз вужудимни тахайюл сув уза турғон ҳубоб.*

*Ашки дуррин йўлига ҳар дам сочар икки кўзум,  
Доим истиғно била этгуси мандин ижтиноб.*

*Йўлида субҳу масо ман арзи аҳвол айласам,  
Бу ҳазинга бермади дашном бирла ҳам жавоб.*

*Остонида ётурман посбон итлар каби,  
Ит қаторида ўлай, ҳаргиз, манга этмас хитоб.*

*Ҳусни авсофини Доий айламишдур бир китоб,  
Ҳар кеча ўқуб онинг васфидин ўлғай комёб.*

<sup>1</sup> Айғоч

\* \* \*  
Қаддинг ҳажрида, эй бераҳм жаллод,  
Қилурман кеча-кундуз оҳу фарёд.

Сани шамшод қаддингни ҳавоси,  
Қаддимни қилди хам, эй сарви озод.

Ажаб ширинлиқодурсанким, ўлмиш  
Ҳўбон Ҳисравлари ишқингда Фарҳод.

Санингдек бир париваш йўқ жаҳонда,  
Бўлубсан ҳайфу жавр этмакка муътод.

Ҳама ҳусн аҳлини султонидурсан,  
Санга сандин ҳамиша айладим дод.

Ажаб сангин дил эрмишсан, ки ҳаргиз  
Бу Доий ҳолидин бир қилмадинг ёд.

\* \* \*  
Зулм беандоза этган бизга ё гардунмудур,  
Ё ўшул бебоки золим кўзлари пурхунмудур?

Ё ҳино ёқмиш ўшул шўхи ситамгар илкига,  
Ё қўли ишқ аҳлини қони била гулгунмудур?

Ё ҳама ошиқлара зулм айламак ойн анга,  
Ё мани бечораға жаври они зафрунмудур?

Қатли ом этмакка ул қотил кўзи мойил эрур,  
Ё муҳаббат аҳлин ўлтурмак анга қонунмудур?


Ишқ ўтиға ё манинг сийнам эрур оташкада,  
Ё ҳама ишқ аҳли садри ул ўтиға нунмудур?

Ё ман ўлмишман ўшул хунхорнинг ошuftаси,  
Ё бори олам эли ул соҳира мафтунмудур?

Ё ҳама изҳори ишқ этган кишини ўлдурур,  
Ё ўлумга мустаҳиқ бу Доий бир маҳзунмудур?!

Нашрга тайёрловчи  
Гулсара ИСМОИЛОВА





Алижон Ғаниев

## Меъморчилик madux ilshomasi

Маълумки, кейинги пайтларда марказий ва жумҳурият матбуотида тарихий обидаларнинг аҳволи, уларни келажак авлодларга етказиш масалаларига бағишланган мақолалар тез-тез чоп этилаёпти. Бу қувончли ҳодисадир. Севимли ойномамиз «Шарқ юлдузи»да босилган. «Араб ёзуви-ни урганиш ҳақида» деб номланган мақолада (1989 йил, 9-сон) ҳам шу масала ҳусусида сўз юритилган. Мақолада шундай фикрлар бор: «Асрлар оша яратилиб, боболаримиз мерос этиб кетган ёдгорлик обидаларини сақлаш ва келажак авлодга етказишда ҳам арабий ёзувнинг хизмати катта. Ҳозир эса, афсуски, халқ оммаси олдида кўпгина ёдгорликлар ўзининг асл моҳиятини йўқотмоқда. Масжид, мадраса ва мақбаралар қуруқ қузатиб, томоша қилиб кетадиган жойларга айланиб қолган. Аслида ҳар бир обида ҳақида тўғри маълумот бериш лозим. Уларнинг жамият тараққиётига қўшган ижобий ҳамда улкан ҳиссаларини очиқ айтиш керак. Бугунги кунда сайёҳларни бошлаб юрувчиларнинг турли ёдгорликларга берган талқинларини эшитиб ёқангизни ушлайсиз. Гўё кошнларда ишлатилган заррин безакларни ўтмишдагилар молу дунёсини, бойлигини кўрсатиш учун ўйган эмиш. Баланд пештоқ ва гумбазларни эса, ҳукмдорлар ўз қудратини кўз-кўзлаш учун қуришган, деб таърифланади. Оқибатда ёдгорликларга меҳр сусаяди...»

Бу батамом тўғри фикр. Шахсан менинг ўзим Самарқанд ва Бухородаги, Хевадаги обидаларни кўргани борганимда сайёҳларни бошлаб юрувчилар оғзидан бу каби таърифларни бир неча марта эшитганман, уларга эътироз билдирган пайтларим ҳам бўлган. Бу меъморчилик тарихидан беҳабарлик оқибатида пайдо бўладиган фикрлардир.

Тарихдан маълумки, Ўзбекистон қадимдан фан ва маданият юксак даражада тараққий этган ўлка бўлган. Бизга авлодларимиз ниҳоятда бой меросни қолдириб кетишган. Бу мероснинг бир қисми ўзимизда, кўп қисми эса хорижий мамлакатлардаги музейларда, кутубхоналардадир. Шундай ёдгорликлардан бири — Аҳмад Яссавийнинг машҳур мақбарасидаги юксак санъат асари бўлган қозон ўтган йили яна ўз жойига қайтарилди. Матбуотда шу ҳақда хабар босилганда ўз маданиятининг шинавандаси бўлган ҳар бир ўзбек чин юракдан севинди.

Халқимизнинг фалсафа, тиббиёт, тарих ва бадийияга оид бўлган, араб имлосида битилган кўпгина қимматли китоблари, амалий санъат асари бўлган буюмлари босқинчилар томонидан талон-торож қилинган бўлса, Октябрь инқилобига қадар бунёд этилган деярли барча масжид, мақбара, мадрасалари ва бошқа диний обидалари қаровсиз қолди ёки вайрон қилинди. Масалан, Тошкент шаҳрининг ўзида XX аср бошида 349 та масжид ва 17 та мадраса бўлган экан. Ҳозир қани ўша бинолар? Улар йўқ. Сабаби, сталинизм йиллари мамлакатимизда ўтмиш меросига ленинча муносабат мезонлари кўпол равишда бузилди. Халқ ўртасида даҳрийликни тарғиб қилиш ва динга қарши кураш ниқоби остида миллий меъморчилигимизнинг ажойиб намуналари бўлган минглаб масжидлар, юзлаб мадраса бинолари вайрон қилинди ёки омборхоналарга, пахта қуриладиган жойларга айлантирилди. Хўш, шу иш тўғри бўлганмиди? Динга қарши курашиш учун масжид ва мадрасаларни бузиш шартмиди? Улар эскилик сарқитларимиди? Масжид, мадраса бинолари, мақбаралар, аввало меъморчилик обидаларидир. Шу боисдан бу биноларнинг тақдирини ҳал этиш чоғида мана шу нуқтаи назардан келиб чиқиш керак.

Хўш, меъморчиликнинг ўзи нима? Меъморчилик — бинолар қуриш ва безатиш санъатидир. Қадимда меъморчиликни санъатларнинг энг кўҳнаси, онаси деб аташган, унга «тошли симфония», «тошдаги мусиқа», «қотиб қолган мусиқа» деб таъриф беришган. Гўзал биноларда уни бунёд этган кишиларнинг ички дунёси, руҳи, қалб жозибаси акс эттирилган. Шунинг учун ҳам таниқли меъмор Мис Ван дер Роз «меъморчилик — руҳни ифода қилиш соҳасидир», деб бежиз айтмаган.

Меъморчилик ва тарих. Меъморчилик ва дин. Уларни бир ота-онанинг фарзандларига ўхшатадилар. Инсоният вужудга келганидан бери уруғлар, қабилалар, эл ва элатлар, давлатлар ўртасида қонли урушлар давом этиб келаяпти. Тарихчиларнинг маълумотига қараганда, кейинги 7000 йил мобайнида сайёрамизда 15000-20000 атрофида катта-кичик урушлар бўлиб ўтган экан. Демак, бу давр мобайнида Ер қуррасида ҳар йили ўртача 2-3 уруш бўлиб турган. Бу урушларда кўплаб қабила ва элатлар, халқлар қирилиб, ер юзидан ном-нишонсиз йўқ бўлиб кетишган. Ҳозир бизга айрим халқларнинг ер юзида яшаганликлари улардан қолган меъморчилик обидалари орқалигина маълум. Шунинг учун ҳам буюқ рус ёзувчиси Н. В. Гоголь, «меъморчилик ҳам тарих йилномасидир», деган.

Бу демак, халқ ўзининг куй, қўшиқ, лапарларидан айрилганида, тилидан жудо бўлганида, ҳатто жисман ер юзидан йўқолиб кетганида ҳам меъморчилик обидалари шу халқ ҳақида келажак авлодларга сўйлаб туради. Сабаби, бундай ёдгорликларда халқнинг тили, дини, руҳи, қалбдаги тароналари ўз ифодасини топган бўлади.

Кўҳна тарих инсониятга энг қадимги меъморлар номини сақлаб келади. Шундай меъморлардан бири мисрлик Ибн Хатопдир. Асли табиблик ва дурадгорлик билан шуғулланган бу одам илк бор тошлардан Миср фиръавнларидан Жасурнинг зинапоясимон мақбарасини ясаб машҳур бўлиб кетган. Ҳозиргача сақланиб қолган бу ажойиб мақбаранинг баландлиги йигирма қаватли бинонинг баландлигига тенг бўлиб, эни 60 метр, томонларининг узунлиги 108×121 метр. Мақбара эрамизгача бўлган даврдан 2780 йил муқаддам қурилган.

Жамиятда қайси дин ҳукмрон бўлса, меъморчилик ёдгорликлари ҳам шу дин учун хизмат қилган. Масалан, христиан дини ҳукмрон бўлган жойларда кўплаб қаср, черков, монастырлар қурилган бўлса, муслмонлар яшайдиган жойларда мадраса, масжид ва қорихоналар қурилиши авж олган. Дин учун хизмат қилган бу муҳташам ва гўзал бинолар қурилишида халқ орасидаги энг тажрибали меъморлар тақлиф этилган. Масалан, тарихдан шу нарса маълумки, Россиядаги кўплаб диний обидалар, подшо оиласи, катта савдогарлар, зодагонлар учун бинолар қурилишига Оврўпа мамлакатларидан тақлиф этилган П. Солари, Ж. Кваренги, Ж. Трезини, Ф. Растрелли, О. Бове каби ўнлаб таниқли меъморлар жалб қилинган. Ҳиндистондаги машҳур Тож Маҳал мақбарасини қуришда бухоролик ва самарқандлик меъморлар меҳнат қилганликларини ҳинд дўстларимизнинг ўзлари тан олишади. Ленинграддаги Исакиевский собори (1818—1858 йй.) француз меъмори О. Монфераннинг қарийб қирқ йиллик меҳнати натижаси эканлиги ҳам кўпчиликка маълум. Меъмор вафот этгач, васияти инобатга олиниб, ўзи қурган қаср ёнига дафн этилган. Москвадаги Успенский собори (1475-1479 йй.) қурилишида итальян меъмори А. Фиораванти жонбозлик кўрсатган. Аммо меъморчилик обидалари қаерлик усталар томонидан бунёд этилган бўлмасин, қурилган жойидаги халқнинг маданий мероси ҳисобланади. Шу жумладан, диний обидалар ҳам халқ маданиятининг бир қисми саналади. Уларни турли баҳоналар билан бузиш, оёқости қилиш ёки беписанд муносабатда бўлиш ўтакетган маданиятсизликдир. Зотан инсоннинг қай даражада тарбияланганлиги, маданий савияси аввало ота-онасига, динига, авлод-аждодлари қолдириб кетган маданий меросга муносабати билан ўлчанади.

Обидаларни бузиш эмас, балки кўз қорачиғидек асраш керак. Барча маданиятли мамлакатларда мавжуд меъморчилик обидалари руйхатга олиниб, қурилиш тарихи ўрганилиб, устаси аниқланиб, таъмирланган ва уларга меъморчилик илми нуқтаи назаридан тўғри, холис баҳо берилган.

Қадимий Римда яшаб ўтган меъмор Марк Витрувийнинг сўзларини эслайлик. Унинг фикрича меъморчилик иншоотлари уч хил сифатга эга бўлиши керак: фойдалилик, мустаҳкамлик, гўзаллик. Ҳар қандай иморат инсон учун, одамлар эҳтиёжини ўйлаб бунёд этилади. Бу демак, у мустаҳкам, гўзал бўлиши ва одамларга узоқ муддат хизмат қилиши керак.

Меъморчилик ёдгорликларига сайёҳатчиларни бошлаб борувчилар, кошинларда ишлатилган заррин безакларни ўтмишдагилар мол-дунёсини, бойлигини кўз-кўз қилиш учун ўйган, деганидан кўриниб турибдики, бундай кишилар меъморчиликнинг асл моҳиятини тушунмайдилар. Аслида эса ажойиб нақшлар меъморчиликнинг ажралмас бир қисмидир. Гўзал ва улғувор биноларни бунёд этишда ҳар хил қурилиш услубларидан фойдаланилган. Қайси бино қандай услубни тақозо этишини ҳаётнинг ўзи белгилаб берган.

Меъморчиликда роман, готика, ренессанс, баракко, классицизм ва бошқа услубларда қурилган бинолар бор. Баракко услубида қурилган қасрлар кўпроқ олий табақага мансуб дин пешволари ва аслзодалар учун хизмат қилган. XVIII асрда Италияда бунёд этилган кўпгина қасрлар, черковлар шу услубда қурилган, кейинчалик эса бошқа Оврўпа мамлакатларига тарқалган. Баракко услубида қурилган қасрларнинг ўзига хос белгиси шундаки, улар ниҳоятда муҳташам, ҳажмий-режалаштириш ечимлари мураккаб, бинонинг ички ва ташқи қисми ҳайкалларга, меъморий бичимларга бой, бинони безашда мрамар, олтин сувидан кенг фойдаланилган.

Хўш, бизнинг масжидларимиз меъморчиликнинг қайси услубида қурилган? Уларнинг қурилиш услуби жуда қадим замонларга бориб тақалади. Эрамизга қадар бўлган XIV—XIII асрларда (бундан 3300—3400 йиллар муқаддам) Мисрнинг янги пошолоғи даврида яратилган «Омон эҳроми» қурилишидаги услуб устун-болор услуби сифатида меъморчилик тарихига кирган. Уша даврнинг ниҳоятда улкан сифиниш комплекси ҳисобланган Қарноқдаги «Омон эҳроми» марказида жойлашган устунларнинг диаметри 3,4 метр, баландлиги эса 20,4 метр бўлган.


Кейинчалик қадимий Юнонистонда бу услубда қурилган биноларни «юнон ордер» системасида қурилган иншоотлар деб аташди. Қизиғи шундаки, ҳозирги замон осмонўпар бинолар қурилишида қўлланиладиган «синчли» иморатлар асосини ҳам устун-болор услуби ташкил этади.

Юқорида айтганларимиздан шундай хулоса чиқариш мумкинки, масжидлар, мадрасалар ва бошқа диний обидалар эскилик сарқити эмас, балки маданий меросимизнинг бир қисмидир. Ҳеч бир ҳукуматга ҳеч бир замонда халқни бу меросидан маҳрум қилиш ҳуқуқи берилмаган. Аммо бўлар иш бўлиб ўтди. Қатоғон йиллари ўлкамиздаги кўпгина масжид, мадраса бинолари вайрон қилинди ёки вайрон бўладиган ҳолатга тушиб қолди. Ҳозир эса, энг муҳими ўтмишдаги хатоларни такрорламасдан, бу меросимизга янгича муносабатни шакллантиришимиз керак. Бунда биринчи қадам сифатида илгари диндорлардан тортиб олинди, халқ хўжалиги эҳтиёжларига хизмат қиладиган биноларга айлантирилган обидаларни ўз эгаларига қайтариш лозим.

Жумҳуриятдаги барча мавжуд меъморчилик обидаларини қайта рўйхатдан ўтказиб, уларни таъмирлаш ишлари кенгайтирилса, нур устига аъло нур бўлур эди.

Жумҳуриятимиздаги дорилфунунларда, педагогика, чет тили олий ўқув юр்தларидаги ижтимоий фанлар факультетлари ўқув дастурига меъморчилик тарихи қисқа курси киритилса, сайёҳатчиларга хизмат кўрсатадиган ташкилотларда ўтмишига тош отадиган чаласавод ходимлар камроқ бўларди.

Қайси миллат ўз ўтмишига тош отишни одат қилса, бундай миллатнинг келажаги бўлмайди. Буни биз ҳеч қачон унутмаслигимиз керак.



## Афросиёб: афсонами ёки таърихий шахс

Қадим-қадим ўзбек маданиятининг Урта Осиёга кўрсатган таъсирини кўҳна Византиянинг қадимги Русга кўрсатган таъсири билан қиёслаш мумкин.

Советгача бўлган даврларда ва совет даврида ҳам Ўзбекистон бизнинг Шарқдаги сўзимиз ва юзимиз бўлиб келган... Биз Туркистон тоғлари ва кенг чўлларида бирга яшаймиз. Болаликдан қадим тарих ва маданиятга эга ўзбек халқига ҳурмат руҳида тарбияланганмиз. Ўзбек халқи ўзининг гўзал миллий хусусиятлари билан ҳеч қандай шак-шубҳасиз барча тан олган шундай ҳурматга лойиқ.

Чингиз АЙМАТОВ

Афросиёб ҳақида Шарқ оламининг, хусусан Эрон ва Туроннинг деярли ҳамма алломалари, адибу тарихчилари муайян тарзда маълумот бериб ўтганлар. Улардан баъзилари Афросиёбни золим подшо деб таърифлашса, (масалан, Беруний, Кошғарий, Наршахий, Табарий, Фирдавсий, Рашидиддин, Навоий ва бошқалар), баъзилари уни Туроннинг улуғ таянчи, дунёнинг машҳур ҳукмдорларидан бири сифатида тасвирлайдилар.

Мисолларга мурожаат қилайлик:

Машҳур «Қутадғу билиг» китобининг муаллифи Юсуф Хос Ҳожиб Афросиёб ҳақида:

**Бу турк беклариндан, оти белгулик,  
Тўнға Алп эрди, қути белгулик.  
Тожиқлар айур они Афросиёб.  
Бу Афросиёб олди элларни талоб, —**

деб ёзади.

«Ғиёс-ул-луғот»нинг муаллифи ҳам Афросиёбни Туроннинг улуғ шоҳи, ғоят шижоаткор ва баҳодир киши бўлган, деб ҳолисона баҳо беради. (Қаранг: Ғиёс-ул-луғот. 1-жилд. Душанбе, 1987, 76-бет.)

Алишер Навоий эса «Хамса» асарида Афросиёб ҳақида қуйидагича хабар беради:

**Яна шоҳлик қилди Афросиёб,  
Вале қилди Эронни зулму хароб.  
Замонида гар эрди обод кам,  
Ани қўймади чархи обод ҳам.**

Ҳазрат авлиёлар ва ҳукамолар тарихига бағишланган махсус «Тарихи мулуки Ажам» асарида ҳам Афросиёбнинг жанглари, Эрон халқига қилган зулмлари ҳамда куёви Сиёвуш ҳақида анчагина маълумотлар бериб ўтган. Лекин маълумотларнинг баъзилари афсонага йўғрилгани сезилиб туради. Дарҳақиқат, Алишер Навоийнинг ўзи ҳам Афросиёб тарихини ёзишда, асосан Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги маълумотлардан фойдаланганини айтади.

«...Ва замонидин олтмиш йил ўткондин сўнгра Тур ўғли Афросиёб сипоҳ тортиб анинг (подшоҳ Манучеҳнинг — Х. Д.) устига юруди. Ул Табаристон сори тортиб, урушмади. Аму суйидин норини анга мусаллам тутиб, яраш бўлиб, Афросиёб қайтди».

«Афросиёб... Эрон мулкини андоқ буздик, оз ерда маъмурлуқ қолди, йиғочларни кести ва иморатни йиқти ва коризлар била булоғларни кўмди». Яна «...Ва ўн икки йил Эрон мулкида туруб, бузурглик қилди».<sup>1</sup>

Алишер Навоий Афросиёбнинг фаолиятини қуйидагича яқунлайди:

**Чу Афросиёб ўлди олам шаҳи,  
Эмас эрди иш сирининг оғаҳи.**

<sup>1</sup> Алишер Навоий. Асарлар. 14-жилд, 190—191-бетлар.

«...Рустам Сиёвуш қонини тилади. Туронга черик тортиб, ниҳоятсиз қатл қилди. Ва Афросиёб андин қочди ва Рустам Афросиёб Эронни бузғондек Туронни бузув, ёндириб келди». Яна: «...Кайхисрав ўзи азим черик тортиб юрди. Афросиёб туруш бермади, дағи юз қайтарди... Неча қатлаким туруб урушти, фатҳ ва зафар Кайхисравга эрди. Хоразмда урушиб, Шайданиким, Афросиёбнинг ўғли, ўлтурди». (Уша асар, 195-бет).

Кўринадики, улўф адибимиз Афросиёбни унчалик хайрихоҳлик билан тасвирламаган. Балки у Афросиёб ҳақида ўзи билган ҳақиқатни айтишни эп кўргандир. Эҳтимол, Афросиёбга нисбатан бундай тушунчанинг шаклланишида, Навоийнинг ёшлиқда униб-ўсган муҳити ва Афросиёбдан кўпроқ жабр топган Эрон (форс) халқи адiblари ёзган асарларнинг таъсири бўлгандир?!

Дарҳақиқат, Маҳмуд Кошғарийнинг «Девону луғотит турк» (1069—1072 й.) асарида хабар берилганидек, Афросиёб аслида Турон ҳокими бўлишига қарамасдан, у Эрон мамлакатини ҳам босиб олган ва жуда кўп вақтини жангу жадалларда ўтказган.

«Девону луғотит турк» асарида ўқиймиз: «Туркларнинг улўф хони Афросиёбни Тўнға Алп Эр деб атади. Иўлбарс каби кучли, баҳодир одам демақдир» (3-жилд, 379-бет). Шунингдек, Тўнға сўзининг «метиндек қаттиқ, кўпориб бўлмас даражада мустаҳкам» деган маънолари ҳам мавжуд эканлиги «Девон»нинг бошқа жойларида узук-юлуқ бўлса-да, айтиб ўтилган.

Яна: «Кенд — шаҳар. Бундан олиниб Кошғарни Ордукент — хон турадиган шаҳар, марказ маъносида қўлланади. Чунки бу шаҳарнинг ҳавоси яхши бўлгани учун Афросиёб шу ерда турар эди» (3-жилд, 329-бет).

Бу қомусий асарда Афросиёбнинг фарзандлари ва у қурган шаҳарлар ҳақида ҳам ҳар жойда турли хил маълумотлар бериб ўтилган:

«Қаз — Афросиёб қизининг номи. Қазвин шаҳрини шу қурғондир. Бу сўзнинг асли (маъноси) қаз ўйини — фоз ўйнайдиган жой демақдир. Чунки у шу ерда турар ва шу ерда ўйнар эди. Шунинг учун баъзи турклар Қазвинни турк шаҳарларидан ҳисоблаганлар. Шунингдек, Қум шаҳри ҳам чегара ҳисобланади. Чунки қум туркча сўздир. Афросиёбнинг қизи бу ерда ов қилар ва ўйнар эди. Баъзилар турк шаҳарлари чегараси Марваш — Шоҳижондан бошланишини сўзлайдилар. Чунки Қазнинг отаси Тўнға Алп Эр — Афросиёбдир. У Таҳмурасдан уч юз йил кейин Марвни бино қилгандир» (3-жилд, 163-бет).

Улкан тарихчи академик В. В. Бартольднинг Ҳамза Исфаҳоний гувоҳлигига асосланиб қайд қилишига кўра, Марв шаҳрида Афросиёб томонидан қурилган бионинг қолдиқлари бўлган. (Қаранг: В. В. Бартольд. Сочинения, том 4, М., 1971, стр. 178.)

Девонда яна: «Барсған — Афросиёб ўғлининг номи. Барсған шаҳарини бино қилган шудир. Маҳмуднинг отаси шу шаҳардандир» (3-жилд, 424-бет) дейилади.

Эътибор берган бўлсангиз, Афросиёбнинг асл номи (Алп Эр Тўнға) каби фарзандларининг исмлари ҳам туркча маъно ташиди. Масалан: Қаз — «ғозни англатса, Барсған — Барс + хон (Иўлбарсхон) деган маъноларни ифодалайди. Шунингдек, мазкур асарда Афросиёбнинг Барман деган яна бир ўғли борлиги ҳақида маълумот берилган: «Барман — киши исми (Афросиёбнинг ўғли)» (3-жилд, 424-бет). Бизнингча, Барман сўзининг луғавий маъноси «мавжудман», «ҳаётман» (борман) демақдир.

Улўф аллома ўз битикларида Афросиёб ва унинг болалари томонидан қурилган ва обод этилган шаҳарлар ҳақида ҳам махсус тўхтаб ўтади, бирма-бир маълумотлар беради. Бу жиҳатдан унинг, айниқса, Самарқанд ҳақида берган маълумоти алоҳида аҳамиятга моликдир:

«Кенд — ўғизлар ва улар билан яқин турувчилар тилида қишлоқ. Кўпчилик турклар наздида вилоятдир. Шунинг учун Фарғонани Узкент — ўз шаҳримиз дейдилар. Самарқандни катталиги учун Семизкент — семиз шаҳар дейдилар. Буни форслар Самарқанд тарзида қўллайдилар» (1-жилд, 330-бет).

Яна бир жойда: «Самарқанд энг эски шаҳардир... Унинг асл номи Семизканд — катта шаҳар демақдир» (1-жилд, 499-бет), деб ёзади.

Самарқанднинг турклар ва кўпчилик аҳоли томонидан «Семизканд» деб аталганини XV асрда Темур саройига келган испан элчиси ва саёҳатчиси Клавиho ҳам тасдиқлаган. Демак, Самарқанднинг Семизканд деб аталиши узоқ муддат давом этган. Эндиликда, бадиий адабиётда, хусусан шеърятда, ўрни келганда, услубий бунёдкорликни, ранг-барангликни ошириш учун «Самарқанд» билан бир қаторда «Семизкент» сўзини ҳам қўллаб бўлади, чунки бу сўзларнинг ўлчови бири-бирига мутаносибдир.

Самарқанд шаҳрининг номи ўша вақтларда ҳам туркча (ўзбекча) — Семизкент, ҳам форсча (тожикча) — Самарқанд тарзида қўлланганлиги бу қадимий азим шаҳарда азал-азалдан ўзбек ва тожик халқларининг бошқа шаҳарларда, ўша қадим даврларда ҳам ёнма-ён аҳил яшаб келиши «Девону луғотит турк»нинг бошқа ўринларида бир неча марта таъкидланган. Масалан, асарнинг биринчи жилдида Боласоғун шаҳрига муаллиф қўйидагича таъриф беради: «Боласоғун энг катта шаҳарлардан бири эди. Халқи ҳам туркий, ҳам сўғдча сўзлашур эди. Эски номлари қуз урду ва қуз улус. Бухоро, Самарқанддан кўчиб борган сўғдоқлар Боласоғунда жойлашиб қолган ва турклашиб кетган эдилар» (486-бет).

Шунингдек, Маҳмуд Кошғарий мазкур асарида киши номларидаги «Тегин» (текин) унсури кимларнинг номига нисбатан қўлланиши ва қай тариқа юзага чиққани хусусида ҳам қизиқ маълумотлар беради. Масалан, Тегин (текин) сўзи ўша давр удумлирига кўра шахзодаларнинг номига нисбат бериб, қўшиб айтилган. «Тегин — аслида бу сўз қул демақдир. Алп Тегин — баҳодир қул... сўнг бу исм Афросиёб болаларига ҳам қўллана бошлади. Афросиёбнинг болалари бирор иш, воқеа, хабарни айтганда ёки ёзганда оталарига ҳурмат юзасидан ўзларини камситиб, «қулин-гиз фалон қилди» деб, «қулингиз» ўрнида «тегин» сўзини ишлатар эдилар. Сўнг бу сўз уларга от бўлиб қолди. Бошқа қуллардан ажратиш учун бу сўзнинг ёнига яна бир нарса қўшиб ишлатилади». (1-жилд, 391—392-бетлар.)



Кошғарий билан Наршахийнинг Афросиёб ҳақида берган маълумотлари бир-бирини тўлдирди ва яхлит фикрга келишга имкон беради.

Абу Бакр Муҳаммад ибн Жаъфар Наршахий ўзининг машҳур «Бухоро тарихи» асарига (943—944-йилларда ёзилган) қайд этишча, Афросиёб Ромтин (Ромитон) қишлоғини қурган экан. «...Бу катта бир куҳандизга эга ва мустақкам бир қишлоқ бўлиб, Бухородан қадимийроқдир. Баъзи китобларда бу қишлоқни Бухоро деб атаганлар. Бу қишлоқ қадим вақтларда подшоҳларнинг турар жойлари бўлган, (кейинроқ эса) Бухоро шаҳри бино бўлгандан кейин, подшоҳлар қиш фаслидагина бу қишлоқда турадиган бўлганлар. (Бу ерлар) ислом давлатига ўтганда ҳам шундай бўлиб турган. Марҳум Абу Муслим Бухорога келганида шу қишлоқда турган. **Бу қишлоқни Афросиёб бино қилган.** (Барча таъкидлар бизники — Х. Д.) Афросиёб ҳар вақт вилоятга келганида шу қишлоқдан бошқа жойда турмаган». («Бухоро тарихи», Тошкент, 1966, 23-бет.)

Сал ўтиб, муаллиф Афросиёб ва унинг куёви Сиёвуш ҳақида қуйидагиларни ёзади: «Сиёвуш ибн Кайковус ўз отасидан қочиб Жайхун дарёсидан ўтиб, Афросиёбнинг олдига келди. Афросиёб уни яхши қабул этди ва ўз қизини унга хотинликка бериб, айтишларича, барча мулкни ҳам унга топширди» (28-бет).

Баъзи ривоятларга қараганда, Афросиёб билан Сиёвушнинг аввалдан бориш-келиши бўлган. Шу боисдан ҳам ўгай онасининг дастидан отаси билан ораси бузилганда Бухорога қочиб келган Сиёвушни Афросиёб ўзининг одамидай қабул қилади ва қизини унга хотинликка берибгина қолмасдан, Бухородаги барча мол-мулкни унга тортиқ этади.

Лекин душманлар Афросиёб билан Сиёвуш ўртасига нифоқ солади. Сиёвушни ғаразғўйликда айблаб, Афросиёбнинг кўнглида унга нисбатан чуқур шубҳа аломатларини уйғотади. Худди шу лавҳалар Навоийнинг «Тарихи мулуки Ажам» асарига кенгроқ ёритилган. Афросиёбнинг Сиёвушга Туркистон вилоятини берганлиги айтилган ва уларнинг орасини бузган шахсларнинг ҳам номлари келтирилган. Натижада «Афросиёб уни (Сиёвушни — Х. Д.) ўлдирди ҳамда ана шу ҳисорда шарқий дарвозасидан кириверилишда «Дарвозайи ғуриён» деб аталган сомонфурушлар дарвозасининг ичкарисига дафн этдилар. Шу сабабли Бухоро оташпарастрлари ўша жойни азиз тутадилар ва унга атаб ҳар бир эркак киши ҳар йили наврўз кўни қуёш чиқишидан олдин ўша жойда биттадан хўроз сўяди. Бухоро аҳолисининг Сиёвушнинг ўлдирилишига бағишлаб айтган марсиялари бўлиб, у барча вилоятларга машҳурдир. Куйчилар унга мослаб куй тузганлар ва қўшиқ қилиб айтадилар. Қўшиқчилар уни «оташпарастрлар йиғиси» дейдилар. Бу гаплар бўлганига ҳозир **уч минг йилдан ортиқроқ вақт ўтди**» (28-бет).

Яна бир хил ривоятларга кўра, шундан кейин Эрон шоҳи Кайковус Сиёвушнинг ўғли Кайхусравни ўз ихтиёрига олиб келтиради ва уни ёшлигидан бошлаб Афросиёбга қарши адоват руҳида тарбиялайди. Наршахий шу воқеанинг яқун қисмини қуйидагича қисқача баён этади: «Сиёвушнинг Кайхусрав номи ўғли бўлиб, у отасининг қонини талаб қилиб кўп лашкар билан бу вилоятга келганида Афросиёб шу Ромтин қишлоғини ҳисор қилиб турган. Кайхусрав ўз лашкари билан икки йил шу ҳисор атрофини ўраб турди ва унинг рўбарўсига бир қишлоқ бино қилиб, у қишлоқни Ромуш деб атади. Уни яхшилигидан Ромуш деганлар. Бу қишлоқ ҳозиргача ободондир. Кайхусрав Ромуш қишлоғида оташпарастрлар ибодатонасини кўрди; оташпарастрларнинг айтишларича, бу ибодатхона Бухородаги оташпарастрлар ибодатхоналарининг энг қадимийсидир. Кайхусрав икки йилдан кейин Афросиёбни тутиб ўлдирди. Афросиёбнинг гўри Бухорода Маъбад дарвозасида раҳматли Хожа Имом Абу Ҳафс Кабир тепалигига туташган катта тепалик устидадир. Бухоро аҳолиси Сиёвушнинг ўлдирилиши тўғрисида ажойиб ашулалар тўқиганлар: куйчилар бу қўшиқларни «Кини Сиёвуш» — «Сиёвуш жанги» деб атайдилар. Муҳаммад Ибн Жаъфар (ан-Наршахий) ўша вақтдан буён **уч минг йил ўтган** (дейди). Яна худо билимдонроқдир» (23—24-бетлар).

Юқорида айтилганидек, Кошғарий ҳамда Наршахийнинг Афросиёб ҳақида берган маълумотлари бир-бирини тўлдирмоқда. Масалан, Наршахий Сиёвуш ва Афросиёбнинг ўлимлари тафсилотларини, уларнинг жасадлари қаерга кўмилганини аниқ кўрсатади. Лекин Афросиёбнинг фожиали ўлиmidан кейинги халқ йиғисини бермайди.

Кошғарий асарига бу ўринлар бўлмаса-да, аммо Афросиёб ўлимидан кейин халқнинг қаттиқ қайғуга, ташвишга тушганилиги, марсиялар айтиб узоқ вақт йиғлаганлиги хусусида бир талай ишончли маълумотлар келтирган:

**Алп Эр Тунга ўлдиму,  
Эсиз ажун қолдиму,  
Ўзлак ўчин олдиму,  
Эмди юрак йиртилур (1-жилд, 77-бет).**

Яна:

**Улушиб эран бўрлаю,  
Йиртиб ёқа урлаю,  
Сиқриб уни юрлаю,  
Сигтаб кўзи уртилур.**

Мазмуни:

Афросиёб ўлгач, одамлар бўрилардай увлашдилар, ёқа йиртиб уввос солдилар, (чолғувчилар) ўз асбобларидай ингичка овоз билан чинқиришдилар, қаттиқ йиғидан кўзлари йиртилди (кўз ёшлари тинимсиз тўкилди).

Демак, Афросиёб тарихий шахс! Туроннинг машҳур ҳукмдори ва ўзининг узоқ подшоҳлик сулоласига эга бўлган улуғ зот. У деярли барча туркий қавмларнинг энг қадимги буюк аждодларидан биридир. Дарвоқе, унинг сулоласи яқин вақтларга қадар Самарқандда ва Басра (Ироқ)да давом этиб келганлиги ҳақида машҳур тарихчи Рашидиддин ва шарқшунос В. В. Бартольд ўз асарларида қимматли маълумотлар ёзиб қолдирганлар. Масалан, Рашидиддин ўзининг «Жоме-ат-таворих» асарига «Хоразмшоҳ ҳар томондан қўшин тўплади ва уни Мовароуннаҳр мамлакатини

босибди олиш мақсадига Вухорога бошлаб, у атрофдаги ҳокимларга, хусусан Самарқанднинг собиқ ҳокими, Афросиёб авлодларидан бўлган султон Усмонга хушхабар юбориб, уларнинг ҳаммасини ўзининг яхши ваъдалари билан умидвор қилди», деб ёзади. (Қаранг: Рашид ад-дин. Сборник летописей. Т.1, кн. 2, М.—Л., 1952, 191-бет.)

Ушбу парчадан кўриниб турибдики, Афросиёбнинг авлодлари хоразмшоҳлар даврида ҳам Самарқандда яшаган экан. Академик В. В. Бартольд эса ўз асарларидан бирида Афросиёб авлодлари XV асрга қадар Басрада яшагани, у ерларда ҳоким бўлганликлари тўғрисида далиллар келтиради. (Қаранг, В. В. Бартольд. Сочинения, том VII, Москва, 1971, 147-бет.)

Демак, тарихчилар, археологлар, жамоатчилик вакиллари, филологлар, қаламкашлар ва бошқа соҳа ходимлари ҳамжиҳат ҳаракат қилсалар, кунт билан ўргансалар Афросиёб авлодларининг шажарасини тиклашлари мумкин.

Шу кунга қадар афсонавий сиймо деб юритилган Афросиёбнинг тарихий шахс эканлигини юқорида келтирилган далиллар бемалол исботлай олади, деб ўйлаймиз. (Биз ўз мақоламизда, асосан бадий-афсонавий либосга ўралган Фирдавсийнинг «Шоҳнома»сидаги маълумотларга атай тўхтамадик. Афросиёб ҳақида ўрганилмаган бошқа тарихий манбалар ҳам, шубҳасиз, бор!)

Афросиёб тарихи аввало тарихчиларимизни қизиқтириши лозим эди. Афсуски, улар ҳамон жим. Нега?

Бизнингча, буни қуйидаги сабаблар билан изоҳлаш мумкин.

Биринчидан, Эрон шоирлари ва тарихчилари асарларида Афросиёбнинг атай афсонавий сиймода акс эттирилиши баъзи бир Европа ва рус тарихчилари нуқтан назарларига таъсир қилган (ёки бошқачароқ айтганда, уларнинг айримларига жуда қўл келган). Яна шунинг учун ҳам, Урта Осиё ва Шарқ тарихининг билимдони академик В. В. Бартольд ўзининг дастлабки мақолаларида Афросиёбни Туроннинг афсонавий шоҳи деб атаган эди. Бу фикр кўпгина тарихчилар учун ўтиб бўлмас чегарага ёки Турон тарихига баҳо бериш мезонига айланиб қолди.

Афсона масаласига келганда шунини айтиш керакки, Шарқ адабиётида тарихий шахслар сиймосини афсонавий тусда ёритиш етакчи мезонлардан бири бўлган. Масалан, пайғамбар Мухаммад алайҳи-с-салому ҳазрати Али ҳақида, Хожа Аҳмад Яссавий Амир Темур... ҳақида қанчадан-қанча афсона-ривоятлар мавжуд. Уларга суяниб биз бу буюк зотларни тарих саҳифаларидан чиқариб ташлашимиз керакми?! Аксинча, афсоналар тағида маълум ҳақиқатлар бўлади ва уни биз теран англаб олмағимиз керак. Шарқ тарихининг, адабиётининг ана шу хусусиятини, мантиқини В. В. Бартольд кейинчалик тушуниб етиб, Афросиёбнинг тарихий шахс эканини билвосита (унинг авлодлари орқали) бўлса-да, тан олган эди.

Биз ўзбек халқи тарихини, Самарқанд шаҳрининг неча ёшга кирганини аниқлашда ҳам, давтал Афросиёб тарихидан бошлаб ўрганишимиз керак эмасми?! Лекин илмий жамоатчилик бу ишга киришган эмас. Балки уларнинг тил тишлаб туришига профессор И. И. Умняковнинг Самарқанднинг ёшини белгилашдаги мезони халақит бераётгандир?! Афсуски, академик С. П. Толстов бу чиқиқни Сиёвушга боғлаб аллақачон узайтирган эди. (Қаранг: С. П. Толстов. Қадимги Хоразм маданиятини излаб. Тошкент, 1964.)

Таниқли туркшунос олим Л. Н. Гумилев эса бу фикрни Афросиёб масаласида маълум даражада давом эттирган дейишимиз мумкин. (Қаранг: Л. Н. Гумилев. Древние тюрки. Москва. Наука. 1967.)

Ана шундай далил-исботлар бўлишига қарамасдан, айрим тарихчиларимиз Афросиёб номини гўё топоним (жой номи) сифатида — «атрофи сиёб» деган сўзлардан келиб чиққан, деб тушунтириб келмоқдалар. (Қаранг: А. Мухаммаджонов. «Чоч ва Шош — қадимий Тошкент. «Тошкент оқшоми». 18-март, 1983 йил.)

Яна бир бор қайта айтишга тўғри келади: Афросиёб жой номига мутлақо боғлиқ эмас, балки антропоним, яъни киши номига англатади. Чунки унинг асл номи — **Алп-Эр-Тўнға**. Афросиёб эса унга форслар томонидан берилган номдир. Бу масала тарих фанлари номзоиди Т. Қодированиннг «Шарқ юлдузи» ойнамасининг 1984 йил 1-сонида босилган «Сўз тағида сўз бор» мақоласида ҳам кенг ёритилган эди.

Иккинчидан, тарихчиларимиз энг қадимий шахримиз — Самарқанднинг тарихи 2500 йилга бориб тақалади, демак бошқа шаҳарлар ёши ундан ошмаслиги керак дегандек, Бухоро, Тошкент, Хиванинг тарихини ҳам икки минг ёки 2200 йил атрофида белгилашга уриниб келмоқдалар. (Ҳақиқатнинг тўла акс этиши учун шунини таъкидлаб ўтмоқчимизки, академик А. Асқаров 1990 йилнинг июнь ойида, радио орқали берилган бир суҳбатида, сўнги вақтда очилган баъзи қатламлар шаҳар тарихининг 2600 йилга етиши тўғрисида хулоса чиқаришга имкон бермоқда, деб айтди.) Эҳтимол, археологлар ҳали Самарқанднинг энг қадимги қатламини, ундаги керакли нуқтани топа олмаётгандир. Лекин бизнинг (туронликларнинг) тарихимиз ғаразгўй тарихчилар изоҳлаганидек, сўғд давридан айтарлик даражада нарига ўта олмаяпти.

Учинчидан, афсусланарли жойи шундаки, етакчи тарихчиларимизнинг баъзи бирлари ўзбек халқининг келиб чиқишини, унинг ўзагини форсча ёки икки тилда сўзлашувчи бир гуруҳга олиб бориб тақаяптилар. Ҳатто шажара дарахтимизнинг асосий танасини форсийлар ташкил этади, деб ўқитишга ҳаракат қилмоқдалар. (Қаранг: А. Асқаров. «Ўзбеклар қандай келиб чиққан?» «Фан ва турмуш», № 3, 1985 й.) Бундай ғояни илгари ўртага ташлаган бўлсалар-да, лекин ошқора айтишга на европалик ғаразгўй олимлар, на форс тарихчилари журъат этган эдилар.

Ҳамма халқнинг ўзагини ўша халқларнинг туб вакиллари ташкил этса-ю, ўзбек халқининг ўзагини икки тилда гаплашувчи чала форсийлар, чала туркийлар ташкил этса, бу қайси мантиққа тўғри келади?!

Ўзбек халқи ва ўзбек миллати таркибида ҳам, тожик миллати таркибида ҳам икки тилда сўзлашувчи (форсий-туркий) кишилар анча бор. Лекин улар бу халқлардан ҳар бирининг ўзагини эмас, қўшимча қатламини ташкил этади, деб айтиш адолатлироқ бўлади. Бизнингча, биргина тарихчиларнинг эмас, ҳаммамизнинг ҳам Афросиёб — Алп-Эр-Тўнға тарихини ўрганиб, уни халққа етказишда ўзимизга яраша камчилгимиз бор. Ҳолбуки, ўқувчилар бундай пайтда олимларнинг сўзига кўпроқ қўлоқ солади. Шу билан бирга, адилбаримиз ҳам Афросиёб тарихини ўрганишда ўзларини четга олмасликлари даркор. Чунки Афросиёб тарихи — Туроннинг тарихи, туркий халқларнинг (халқимизнинг) тарихи демакдир!

Афросиёб тарихини тўғри ўрганиш ва ёритиш Самарқанд, Бухоро каби шаҳарларнинг ёшини аниқлашга, халқимиз тарихини адолатли ўрганишга имкон беради, муҳим мезон бўлиб хизмат қилади. Афросиёбнинг тарихий шахс эканини эътироф этиш ўзбек халқининг азал-азалдан марказлашган Турон давлатида (ҳозирги Урта Осиёда) яшаб келганлигини, бой қадимий тарих ва маданиятга эга эканлигини яна бир марта исботлашга имкон беради. Шунинг баробарида, баъзи бир миллий низолар келиб чиқмаслигига замин яратади.

Шундай экан, ҳадемай биз туркистонликлар иноқлашиб, бошқа қардош халқлар билан бирлашиб, аҳли дунё кўз ўнгида қадимий Турон давлатининг ташкил топганига 4050 йил тўлганлигини (Наршахий «Бухоро тарихи»да Афросиёб 3 минг йил олдин яшаганини айтган эди. Ана шу рақамга асар (944 й.) ёзилгандан кейинги ўтган давр — 1047 йилни қўшсак, 4047 йиллиги ойдинлашади) тантанали равишда, аҳиллик билан нишонлашимиз лозим. Ана шунда Самарқанд — Семизкентининг куйиб кетган ярим умрини бемалол тиклашимиз мумкин.

Худойберди ДОНИЕРОВ,  
филология фанлари доктори, профессор



\*

## Бачкилар

\*

Унинг руҳи шод, кўзларида севинч учқунлари чақнади.

\* \* \*

Малика шуурли аёл эди, қалтис вазиятдан усталик билан чиқди.

\* \* \*

Гапларингдан маълум бўлдики, эрингнинг тўрт мучали соғ одам экан.

\* \* \*

Жаҳлнинг раъйига қараганлар имондан айриладилар.

\* \* \*


Агар нима учундир жабр тортиш лозим бўлса мен тайёр.

\* \* \*

Улар бўкиб-бўкиб йиғладилар, тўйиб-тўйиб ҳасратлашдилар.

\*

\*



## Насрдаги назоқат

Биз бадий асарнинг тили ҳақида гапирганимизда, кўпинча М. Горькийнинг «Тил адабиётнинг биринчи унсури, асосий куролидир», «тил — адабиётнинг асосий материалидир» деган фикридан қолиб ясаб олиб, шу мулоҳазанинг «фактлар, ҳаёт воқеалари билан бирга» деган қисмини эсдан чиқариб қўямиз. Менинг назаримда, М. М. Бахтининг бадий асар тилига тааллуқли қуйидаги сўзлари ғоят ўринлидир. «Шоир тил оламида ижод қилмайди, у атиги тилдан фойдаланади, холос. Муаллиф-санъаткорнинг ижодий тафаккури ҳеч қачон тилдаги тафаккурга мос келмайди, тилдаги тафаккур соф бадий вазифаларни сурункасига бошқарувчи материал, жараёндир...» Бу фикрлар М. Горькийнинг гапини дастак қилиб, тилни мукамал билган одам бемалол бадий ижод соҳасида қалам тебратиши мумкин, дегувчи кишиларнинг нисбатан бирёқлама фикрлари билан келиша олмайдими.

Бизнинг тилшунослар шаклининг, адабиётшунослар эса мазмуннинг талқинига кўпроқ эътибор беришади. Ваҳоланки, биз бадий асарга санъатнинг бир тури сифатида қарашимиз, унинг шаклини мазмунидан, этни суягидан ажратиш зинҳор-базинҳор мумкин эмаслигини ҳис этишимиз лозим. Ҳар бир тушунча фикрни тийраклаштиргани каби ҳар бир тил унсури матнда муайян вазифани бажаради: матн мазмунини, табиатини, руҳияти ва оҳангини юзага келтиради. Рассом қўллаган бўёқ, бирорта чизиқ ёки мусиқачи қуйидаги қандайдир парда ғоя ифодасига қанчалик хизмат қилса, ижодкор ишлатган сўз, сўз бирикмаси ҳам унинг мақсадига шунга ўхшаш тарзда хизмат қилади. Уша аниқ ва ўз ўрнида қўлланган рангин унсурлар йиғиндисидан асарнинг ўзига хос яхлит матни юзага келади; унинг жозибаси, руҳи китобхон маънавий оламидан ўрин олади. Биз асосий эътиборни яхлит олинган матннинг жозибаси, таъсирчанлиги, оҳангига қаратаймиз. Дарвоқе, гапимиз шу хусусда, яъни «Кўнгул озодадур...» қиссасининг тили тўғрисида бўлади.

«Бу оламда мудом ўз хаёллари билан қолган инсон бахтлидир. Мен бунингдек саодатни дунёнинг ҳеч қайси лаззатига алмашмаган бўлувдим. Лекин, ўлим ёмонгаким, ҳеч вақт ёлғиз қолмоқча имкон бермагай!» Ёзувчи ўз қаҳрамонини ўша икки ҳолат — «ўз хаёллари билан танҳо» қолиш ҳамда «ёлғиз қолмоқча имкон» бермаган ҳолатларда ҳаракат қилдиради. Шу йўналишда қаламга олинган яхшилик ва ёмонлик, ҳақиқат ва ҳақсизлик, адолат ва ёвузлик ўртасидаги зидликни ифодаловчи анъанавий мавзу қаҳрамон тилидан ўзига хос тарзда баён этилади. Бош қаҳрамон Фулом Гулханийга ғойибона муурожаат қилиб ўз саргузаштларини чиройли, нафис, жозибали лутф билан сўзлаб беради. Хўш, ёзувчи асар тилидаги бундай сифатларга қандай эришган?

Авваламбор, ёзувчининг «топилмаси» — муваффақиятли танланган қаҳрамон хусусида икки оғиз гап. Маълумки, китобхон зийрак одам, уни мантиқсиз воқеалар, ғализ тил билан асарга боғлаб қўйишнинг иложи йўқ. Масалан, айнан Фуломнинг ўрнига сотувчи, учувчи ёки темирчи танланган бўлса-ю, улар «бир айёми нафаржомда барчамизни машваратга чорладилар...», «сўзлари ҳам, хоксор музтар қиёфаси ҳам менга тажассуми риё бўлиб туюлди...» ёки «ёнғоқдан ясалиб, нақшу нигор ўймакорлик ила жило берилган...» каби сўзлаши ғайритабиий туюлади. Табиий бўлиши учун эса ёзувчи яна қандайдир усулларни ишга солиб, ҳаётини асосини келтириб асарни бекорга «семиртирган» бўлар эди. Ёзувчининг «топилмаси» — ҳикоянавис Фулом, кўҳна адабиёт билан шуғулланадиган киши, бутун ўй-хаёли, вужуди билан «Зарбулмасал»га сингиб кетган Фулом! Бундай ёш олимнинг ўша давр тилидаги сўзларни ишлатиши ҳам, Гулханий билан хаёлан, ғойибона сўхбат қуриши ҳам, қачонлардир қайсидир юртларда дунёнинг устидан кулиб ўтган «поёнсиз хаёллар соҳибни Николай Васильевич Гоголнинг» ҳамда «ёруғ ғусса билан йўғрилган сирли қиссалар ижодкори» Ханс Христиан Андерсеннинг Гулханийга ошно тутиниб, кўзи олдида намоён бўлиши ҳам, «Зарбулмасал»даги воқеаларни бугунги кун ҳодисалари билан қиёслаши ҳам табиийликдан йироқ эмас. Муваффақиятли танланган ана шу қаҳрамон ёзувчи қалбидидаги нозик туйғуларни бугун кам қўлланадиган нафис сўзлар билан ифодалашга имконият яратиб берган. Унинг тилида кўҳнар-ган «бундоғ», «шундоғ», «қандоғ», «ила», «бўлуру», «ўлтирмоқ» каби сўзлар бугунги кўринишлари билан бирга қўлланиб, асар тилининг ранг-баранглигини таъминлаган. Унинг тилида ишлатилган форсча-тожикча, арабча сўзлар ёки «нақ тажассуми изтироб», «банди бечоралар», «айёми нафаржом», «шаҳри азим», «пои мийда», «адои тамом», «аззойи бадан» каби бирикмаларнинг келиши ўқувчида эътироз уйғотмайди, аксинча, Фуломнинг мумтоз адабиётнинг нақадар ошғи эканлигига ишонч орттиради. Тилдаги бу унсурларнинг барчаси ёзувчининг мақсадини ёрқинроқ ифодалашга, ҳаётнинг ҳар хил сўқмоқларига бош уриб чиққан, «қонига ташна қилган» илмий иши изида изтироб чекаётган Фуломдай ёш олимнинг ҳаёт тарзини тасвирлашга хизмат қилади. Сўз қўллаш масаласининг адабий жараён учун муҳим бўлган иккинчи томони ҳам мавжуд; баъзи мақолаларда кўпгина ёзувчилар асарлари тили бир-бирига ўхшаб қолаётганлиги, улар бир қалам-каш томонидан ёзилаётгандай таассурот уйғотаётганлиги тўғри таъкидланапти. «Дунёнинг энг бой, энг бахтсиз тили» (Фитрат) имкониятлари эса хечқисдир. Фақат ундан ижодий фойдалана билиш лозим. Зора, ҳазинамиздаги жавоҳирлар бугунги луғатимизнинг мулкига айланса. Х. Сул-

тоновнинг «Кўнгил озодадур...» қиссасини шу йўналишдаги биринчи тажриба сифатида қараш тўғри бўлмаса керак. Чунки, бу маълум даражада эришилган малақадир. Негани, ёзувчи «Саодат соҳили»да тарихий муҳитнинг руҳини бериш учун, «Адаш қарвон»да имони пок диндорнинг нафис ифодаси учун хазинамиздаги рангин сўзларни истифода этади.

Ёзувчи — санъаткор шахс. У сўзларнинг маъно живаланишларини яхшироқ фарқлайди, рангдор, жанрндор сўзларни бошқаларга нисбатан аниқроқ кўради, ҳис этади. Ёзувчи доимо дилидаги бор гапни ўқувчига етказиш учун ўша рангин сўзларни қўллайди. Б. Эйхенбаум бадий сўз қадри хусусида гапирга туриб шундай дейди: «Расмий иш қоғозлари, илмий наср учунгина яратилган ўлик сўзлар мавжуд — уларда на жон бор, на қон. Шу билан бирга азалдан келётган сўзлар борки, уларнинг ўзлари келганда ҳеч нарса бермаса ҳам, бошқа сўзлар билан бирлашган пайтда татсиранчлик шувъласининг теранлашуви ва эркинлашувиға имкон беради. «Кўнгил озодадур...» қиссасида ёзувчининг азалдан таъсиранчлик шувъласига эга бўлган сўзларни бошқа сўзлар билан ёнма-ён қўллаб, озода кўнгил торини чалишга уринишини кўраимиз. Қиссанинг бошланишидаёқ нафис чизгилар билан безалган қаҳрамоннинг руҳий ҳолатини тасаввур қиламиз: у «қонига ташна қилган» ишига шу даражада берилиб кетгани, баъзан қушлар билан тиллашади, баъзида ўзи билан ўзи талашади, ёки куйидаги манзаранинг гувоҳи бўлади: «...гулхан теграсида ҳаммом гулаҳ-хонасини макон тутган мавлоно Гулханий ўзи сингари озодаваш хаёл соҳиблари — Махзүф, Мажзуб, Мунтазир қаллусли уч ринд шоир билан суҳбат қуриб ўлтирган буларди». Шу хаёлий ҳолат тасвири учун тахалланган унсурларга эътибор берайлик. «Теграсида» сўзининг ўзбек тилида бир неча — «теварагида», «атрофида», «ёнида» каби кўринишлари мавжуд. Лекин улар озғани нутқимизда, рўзномаю ойномаларда, расмий иш қоғозларида кўп қўлланади. «Теграсида» сўзи каби бадий бўёққа ҳам эга эмас. Қолаверса, ёзувчи топиб қўллаган сўзни оммавий тарзда ишлатишнинг имкони йўқ. Ёки «озодаваш хаёл соҳиблари» — бир томондан баландпарвоз бирикмага ўхшаб кўринади. Аслида эса «тоза хаёл эгалари» бирикмасидан кўра анча бадийроқ, жозибалироқ ва оҳангдорроқдир. Асардаги Фуломнинг Гулханийга «Эх, Мавлоно Гулханий», «Эй, Муҳаммад Шариф», «Аё, Мавлоно Гулханий», «Мавлоно Гулханий» тарзида мурожаат қилишлари умуман матндаги такрорланувчи унсурга мисол бўлади. Лекин шу вазифа билангина чекланиб қолмайди. Воқеалар ривожини ҳам таъминлайди. Муайян бир образ даражасига кўтарилган Гулханий жим ўтирмайди; ўз саргузаштларини қайта эслаши учун Фуломга туртки беради, маталлар айтиб асар мазмунини бойитади. Лекин шунини айтиб қўйиш керакки, ғойибона мурожаат билан боғлиқ оҳанг, ўз хаёллари билан танҳо қолган кимсаннинг тинчлиги йўқолгандан кейин, қиёя қилиш усули ўзгариши баробарида бошқача тус олади. Асар саҳнасиға Шодийёр кириб келгач, воқеалар қайта эслаш орқали эмас, балки тўғридан-тўғри ривожланиб боради. Энди Фулом Гулханийни «судраб» юришга, ўз дардини айтиб мурожаат қилишдан кўра Гулханийнинг аҳволини баён этишга мажбур бўлади. Гарчи бу ҳолат воқеалар силсиласига боғлиқ бўлса ҳам, асарнинг умумий руҳига заҳа етказган.

Энди алоҳида бир сўз ёки сўз бирикмасининг муайян жумла таркибида такрор келиши ҳодисасига қайтасак. Бу хусусиятни ёзувчининг «Адаш Қарвон» қиссасида ҳам кузатишимиз мумкин. Насиббекдай ўғлидан ажралган отанинг ҳолатини муаллиф куйидагича беради: «Отаси ўлганда унинг кўзи куйди, онаси ўлганда жигари куйди, қариндош-уруғлари ўлганда тамоғи куйди, танишлар, нотанишлар ўлганда димоғи куйди, аммо Насиббек ўлганда, Насиббек ўлганда юраги куйди, куйиб-куйиб кул бўлди...» Адаш Қарвон отасининг ҳам, онасининг ҳам, танишу нотанишларининг ҳам азасига чидаган, қалбида нимадир йўқолган; ҳар бир йўқотишни «ўлганда» ва «куйди» сўзларининг такрори ана шу тахлит кучайтириб боради.

Кўчирмадаги «Насиббек ўлганда» бирикмасининг икки марта қайтарилиши эса инсон қалбидаги ғам-аламнинг тўлқини ҳапқириб, ўз қирғоғидан тошиб кетаётган ҳолатини гавдалантиради. Бу виси ўлганда Адаш Қарвоннинг аҳволи баён қилинади, Насиббекнинг ўлими китобхон учун сир, унинг хаёли «Насиббек қандай ўлди экан» деган савол-жумбоқ билан банд бўлади. Ёки яна бир мисол: Адаш Қарвон жигарбандидан ажралган, у афсус-надоматлар чекмоқда.

«Чунки...

Чунки, гумроҳ босмаса, ўша куни умрида бормаган Баландмачитга намозга отланадими? Гумроҳ босмаса, колхоз боғидаги қоровулхонага — қамш чайлага ўғлини атай қақириб, милтиқни ўз қўли билан тутқазадими? Гумроҳ босмаса, бёққа ёв кириб келаётгани йўқ эди, милтиқни беркииб кетса бўлмасмиди? Гумроҳ босмаса, эшакка минаётганида этак томонидан салом бериб келган бадбахт Сатторини чайлага йўлатармиди?..»

Асардаги бу савол-жумбоқларнинг такрори бир неча вазифани бажариб келган. Унда пушаймони ичига сифмай мункиллаб қолган Адаш Қарвон аянчли ҳолатининг ифодаси ҳам, кейинги воқеаларни баён қилиш учун воситачили ҳам, ғам-алам, афсус-надомат оҳангининг кучайтирилиши ҳам бор. Ёзувчининг услубига хос бу хусусиятнинг намён бўлишини «Кўнгил озодадур...» қиссасида ҳам кузатамиз. Фулом ўз ишхонаси ҳақида «...озгина салом-алик, озгина газетхонлик, озгина кашандалик, озгина гийбат, озгина ҳасад, озгина хушодад, озгина ҳақиқат, озгина овқат, озгина сайр, озгина шахмат» дейди. Бу ўриндаги «озгина» сўзида таъкид, ҳеч нарса қойилмақом қилмай ивирсиётган кимсаларнинг ишхонадаги фаолияти мўжасам. «Озгина» сўзи ўзининг аниқланмишлари билан келиб оҳангни майдонга келтирган. Маълумки, мумтоз адабиётимизда насрдаги ички қофия «сажъ» деб юриллади. Қисса тилида юқоридаги мисолда кўрганмииз каби сажма ҳам белгилар учрайди. Фулом ўз ҳамкасбларидан илм жиҳатидан ҳам, одамийлик жиҳатидан ҳам анча устун. У ноиложликдан баъзан киноявий қочирқиқлар қилади. Бу фазилат «Зарбулмасал»дай киноявий услуб асосига қурилган асар билан шуғулланиб юрган кишининг табиатиға мос келади.

«Кечқурун уй-уйига тепа тўйига бўлганда биров дўконга жўнайди — гўшт истаб, биров боғчага йўл олади — боласини истаб, бировлар эса шаҳар кезмоққа тушади — май истаб...» Бу кўчирмада бошини тебратиб, қўлини силтаб йўналишларни кўрсатаётган Фуломнинг қиёфаси, нималарнингдир илминда турли томонга тарқаб кетаётган кишиларнинг аянча мойил қиёфаси ўз ифодасини топган. Бунга ўхшаш тасвир ифодалари озода кўнгил ойнасада юз кўрсатади. Ундаги ички софлик ташқи маразларни сингдира олмайди. Қаҳрамон ўз мулоҳазалари билан «озодаваш хаёл соҳиблари»ға ошно, шикаста кўнгил кимса сифатида, айна пайтда «ҳайф сизнинг тарихан чеклан-

ган масалангизга-ю, хайф менинг нодон умримга!», «аслида мен ажиб лақма, ажиб аҳмоқ эканман», дея иложсиз қочириқ қилаётган киши сифатида кўз олдимизда гавдаланади.

Қисса тилидаги бадийлик сифатларини таъминловчи яна бир муҳим хусусият такрор ва жуфт сўзларнинг кўплаб қўлланишидир.

Ғулум Гулханийнинг навбатдаги ундаши билан «ғаройиб бир масал» ва «чин марсия» оралиғидаги воқеаларни, яъни поймол бўлган муҳаббат можаросини баён қилишга киришади ва куйидаги манзаранинг чизгисини беради: «...Шу тариқа унга банди бўлиб, асиру мафтун бўлиб, зулфи занжирини бўйинига боғлаб, изларини кўзимга суртиб тоғу тошлару бепоён водийлар бўйлаб эргашиб кетаверсам... Майли, у мени сезмасин, меҳру марҳаматини инъом этмасин, фақат мени ит каби қувламаса бас, ит каби ортдан узоқ-узоқларга эргашиб кетаверсам, нафасини туйиб турсам, кўзларим ўнгида оқ, оппоқ қўйлағи ҳилпираб, сочлари тўлқин-тўлқин чайқалиб бораверса... шунинг ўз кифоаи ётади. «Меҳру марҳамат» жуфтлиги хусусида ҳам шундай дейиш мумкин: уларда инсондаги «меҳр» ва «марҳамат» каби фазилатларга дахлдор, дейлик, «хушмуомилалик», «очиқ юзлилик», «табассум қилиш» каби нозик маънолар ҳам мужжасам. «Тоғу тошлару бепоён водийлар» Ғулумга писанд эмас. «Узоқ-узоқларга эргашиб кетаверсам» бунда ошиқ маъшуксининг висолига етишиши, орзу-истагининг рўёбга чиқиши йўлида ҳеч нарсдан қайтмаслик эҳтироси зоҳир бўлган. Аммо Ғулум орзусига етмади, «...суқ назарлардан пинҳон тутган озода гулзорни сигир эмас, қутирган ҳўкиз поймол қилди», унинг ишқи «барбод бўлди обод шаҳарларда» (М. Кенжабоев). Қундуз ор-номусни андиша қилиб, қандайдир «гулибеорга» айланиб қолмаслиги учун ўзи ўзини осиб қўйган эди.

Асарнинг баъзи жумлаларидаги товушлар уйғунлигини, товушдошлик ҳодисасини бадий гўзал тилни юзага келтирган яна бир муҳим хусусият сифатида қараш мақсадга мувофиқдир. Маълумки, кўҳна адабиётда товушдош сўзлардан фойдаланиб яратилган бадий санъат «тавзий» деб юритилади. Ғарб адабиётшунослигида эса мисралар, сўз бошида бир хил товушларнинг келиши «аллитерация» деб аталади. Шейрий асарларда учрайдиган бу латиф санъатга кўҳна адабиётимизда ҳам, бугунги шеърятимиздан ҳам намуналар келтиришимиз мумкин:

**Парирулар паришон зулфидек хотир паришонам,  
Паришонлик недан, хотир паришонлик-ла ҳайронам.**

(Сиддиқий-Ажзий)

«Шейрда муайян ҳолат чизиланти. Бу — хотирпаришонлик. У сочилган сочга қиёс қилинанти». (Б. Қосимов. «Ёшлик», 1987 й., II-сон.) Шейрдаги муайян ҳолат чизгисини шоир ўзига хос оҳанг билан берган. Бу оҳанг эса мисралардаги сўзлар ҳамда товушдош сўзлар такроридан ҳосил бўлган. Ёки «Эркин Воҳидовнинг куйидаги шеърига қулоқ солсангиз ундаги ҳамма сўзлар «қ» товуши билан бошланганлиги учун алоҳида оҳангдошлик борлигини сезасиз ва шоирнинг маҳоратидан завқланасиз:

**Қаро қошинг, қалам қошинг,  
Қийиқ қайрилма қошинг қиз.  
Қилур қатлимга қасд  
қайраб —  
Қилич қотил қарашинг, қиз...»<sup>1</sup>**

Биз келтирган мисоллар асосан, кўриш сезгиси билан боғлиқ. Аслида, шеърларда юзага келган оҳангни ҳис этиш, қайси товушлар йиғиндиси шеърхонга лаззат бағишлаётганини аниқлаш анча мушкул иш. Насрий асарнинг тилини гўзаллаштирувчи бу ҳодисани уларда кузатиш яна ҳам мушкулроқдир. Шу қийинчиликлар сабаб бўлса керакки, биздаги насрий асарлар тилига тааллуқли ишларда товушлар билан боғлиқ илмий изланишлар учрамайди. Асардаги нафосатнинг, бадийликнинг бир қирраси эса «сўзларнинг бир-бирига товуш ё маъно жиҳатидан ёхуд ҳар икки жиҳатдан муносиб» (А. Рустамов) келиши билан вобаста масаладир. Биз товушларнинг ўша муносиблиги «Кўнгул озодадур...» қиссаси тилини гўзаллаштирувчи бир хусусият эканлигини баъзи мисоллар орқали исботлашга уриниб кўраман.

Ғулум Қундуз билан танишган, уни ҳар куни дорилфунун йўлакларига кутишга одатланган. Ёзувчи Қундузнинг бошқаларга ўхшамаган табиати, латиф назокатини Ғулум тилидан шундай беради: «Фаранг-румо бўлимидаги Ҳою-Ҳаваслар, ёлғон Ҳашамлар унга зигирча ҳам юкмаган эди, қиз бола боши билан бу оханграбо таъсиридан мусаффо қолгани мени мудом Ҳайратга соларди. Бу кўчирманинг маълум бир қисмида «б» товушининг, умуман гапнинг ўзида «ҳ» товушининг ҳукмронлиги сезилади. «ҳ» товушининг талаффузида майинлик, нозиклик, ҳар томонлама гўзал қизларга хос латофат бор. Товушдаги ўша хусусият Қундузнинг табиати билан уйғунлашиб кетган, қаҳрамон табиатининг қандайдир нозик қирраларини ифода этган, асар тилини равонлаштирган. Товуш табиатининг ифода қилинаётган фикр табиатига баъзан мос келиш ҳолати куйидаги кўчирмада ҳам яққол сезилади: «Қундуз кетди. Ўзи билан бирга бир умрлик армонларимни то қабрга киргунимга қадар суяк-суякларимни сирқиратадиган интиқом туйғусини, аламли ва шармисор бир сирни ҳам олиб кетди». Жумланинг маълум бир қисмида «б» ва «с» товушларининг умуман эса «р» товушининг кучайганлиги сезилади. «Р» товушининг табиатида титроқлик бор, «р» товуши ўз ун-

<sup>1</sup> Кўчирма А. Рустамовнинг «Сўз хусусида сўз» (1987 й.) китобидан олинди.

лиси билан қанчаллик таъкидлаб айтилса, чўзиброк талаффуз қилинса, юраги армон, афсус-надо-матга тўлган киши шунчалик ўзини енгил ҳис қилади. Асарни бошдан-охир ана шундай санъат асосида ёзишнинг имкони йўқ, албатта. Ёзилган тақдирда ҳам мазмун сийқаланиб, шакл биринчи ўринга чиқиб қолиш эҳтимоли йўқ эмас. Лекин «Кўнгул озодадур...» қиссасининг тилида ўша хусу-сият ўз табиийлигини йўқотмаган. Асар тилидаги «Энди менинг чекимга тушгани ачч-чиқ армон эди, холос, чекка тушгач эса, чекланмоқдан ўзга чора йўқ...» («Ч»), «Зарофатли одамнинг ўзи за-монамизда оз қолди, мавлоно Гулханий» каби жумлаларнинг самимийлиги фикримизни исбот-лайди. Матннинг ана шундай нозик қирраларини кўриб товушдошлик бадийликка хизмат қилаёт-ганига қаноат ҳосил қиламиз.

Энди қиссадаги ҳам Фулом, ҳам Гулханий нутқидан бир мунча фарқланиб турган Жўллибой ака ва Шодиёр нутқи хусусида икки оғиз гап. Маълумки, адабий тилга хос бўлмаган тил қатлам-лари персонажлар нутқини хусусийлаштиришда, қаҳрамоннинг белгили томонларини намоён этишда катта аҳамиятга эга. Асарда онда-сондагина кўзга ташланувчи Жўллибой ака ўзининг са-мимийлиги, инсоний қиёфаси билан яхши таассурот қолдиради. Ёзувчи унинг нутқиде «ўка» сўзини «ўка» тарзида қўллайдик, бу сўзнинг чин юракдан айтилиши қаҳрамонни китобхон қалбига жой-лаб қўяди. Жўллибой ака Муовинга ўхшаб Роҳибарнинг исми шарифларига «сўзбўрони ёғдириб, суҳандонлик қилмайди. Фулом койиб берган маҳалида ҳам кўнгилдаги гапни тўкади қўяди: «Одам бўлмайсан, ўка, шунча кундан бери ёрилиб кетмаганингни қара». Унинг шу тарздаги гапларида самимийлик, табиийлик мавжуд; ўз укасидай бўлиб қолган Фуломни койиши, унинг аҳволига ачини-ши сезилади. Ёзувчи бу образнинг табиатига мос исм ҳам танлаган — Жўллибой, хотинининг исми ҳам оддийгина — Ойпора. Шодиёрнинг нутқиде «классний товар», «салют» «настоящий псих», «сволочь» каби олифтаноме чет сўзлари қўлланилади. Шунинг баробарида унинг нутқи шева сўзлари орқали хусусийлаштириладики, бу ҳолат баъзи китобхонларда эътироз уйғотиши мумкин. Ҳайвоний ҳирсларга берилиб ўзлигини, ўзининг инсоний қиёфасини йўқотган шодиёрларнинг на тили-забонининг, на эл-юртининг тайини бўлади. Назаримда, ёзувчи бу қаҳрамони учун салбий сифат бўёқларини меъеридан кўпроқ сарфлагандай кўринади. Албатта, Шодиёр образига эскича талқинлар асосида ёндашиб, «етук салбий образ» сифатида қараш мумкин бўлар. Лекин бугунги янгича қарашлар ҳаётининг мураккаб муаммолари гирдобидеги тирик инсонни талаб қилади. Қисса-даги Шодиёр билан боғлиқ лавҳаларнинг барчасида, унинг бир марта дарс қилиб ўтирганидан ва яна бир марта Фуломнинг «Илтимос, товушини пасайтирсангиз», деган ўтинчини қониқтиргани-дан бошқа бирорта ижобийроқ хусусияти кўзга ташланмайди. Шодиёр савол беради-ю, жавобни эшитмайди; оддийгина рўзғор ишларидан ҳам беҳабар, ичгани ароқ, қилгани кайфу сафо; имти-ҳонлар учун рўйхат тузиб, таниш-билишчилик қилиб ўқийди, (эрта ётиб кеч туради, куну тун ўй-хаёли фоҳишабозликда, энг нозик масалаларда ота билан бола ўртасидаги одамийлик мезонлари ҳам бузилади... Фикри ожизимизча, буни кичик бир камчилик, образ яратишдаги бирёқламалик тарзида талқин этиш мумкин. Аммо мазкур нуқсонни мавзумиз асоси бўлган яхлит матн жозибаси, гўзал ифодалар «кўзга ташланмайдиган қилиб қўяди» (И. Султон).

Шу ўринда яна бир мулоҳазани айтиб ўтишга тўғри келади. Қисса «Кўнгул озодадур...» деб номланган. Гулханий ҳам асарда:

Кўнгул озодадур дунёга арзи эҳтиёж этмаз,  
Тариқат солики бу йўлда майли издивож этмаз,—

тарзда ғазал ўқийди.


Ҳақиқатан ҳам, ғазал 1974 йил Ф. Исҳоқов томонидан нашрга тайёрланган китобчада шу кў-ринишда берилган. Х. Султоннинг мазкур нашрдан фойдаланган кўринади. Қиссадаги баъзи далил-лар ҳам шунга тасдиқлайди. Бироқ Х. Ёқубов томонидан нашрга тайёрланиб, 1958, 1960 йилларда чоп этилган китобчаларда ғазал:

Кўнгул озурдадур дунёга арзи эҳтиёж этмаз,  
Тариқат солики бу йўлда майли издивож этмаз,—

тарзида берилган. «Озурда» сўзи «Навойи асарлари луғати»да «озор чеккан», «ранжиган» каби маъноларда изоҳланган. «Озода» ва «озурда» сўзларининг фарқланиши ғазал мазмун-мундари-жасининг тақомили учун муҳим аҳамиятга эга. Бу масала мумтоз адабиётимиз мутахассислари-нинг эътиборидан четда қолмаса керак, албатта.

Баҳодир КАРИМ,  
ТошДД талабаси





## КЎЗЛАРИМ КЎКИДА КУЮК ЮЛДУЗЛАР

**Зебо Мирзаева. «Тун маликаси», Ғафур Ғулум номидаги Адабиёт ва санъат нашриёти, Тошкент — 1990.**

Шу кеча узоқ фурсатгача осмонга тикилиб ётдим. Нигоҳим тун қаъридаги сирли бировни кўриб қолишим истар, уни мендан бошқа ҳеч ким кўра олмастлигини хоҳлар эдим. Кимдир, ниманидир кутиб хонамнинг деразасини, кўнглимнинг даричасини очиб қўйгандим. Ул тилсимнинг келар йўлини ноқсимон тунчиरोқ ва соғинч тўла кўзларим ёритарди. Одамлардан, китоблардан ҳафсалам пир бўлиб улгурганида бир тўлкин майин ва маҳзун, фузун шаббода капалакдай қанот қоқди-да, кўлимга қўнди. Мен бул капалакни танидим: номаълум шоирнинг биринчи китоби эди. У — «Тун маликаси» сингари кўлимдан тутди-да, мени ўз ортидан етаклаб кетди:

**Тераклар — фалакка ичилган қасам,  
Ой — қизнинг кўкдаги синиқ кўзгуси.  
Япроқлар — шохларга битилган ҳасрат,  
Изғирин — кузакнинг ачиқ кулгуси.**

Мен малика ортидан қадам ташлар эканман, нафис кўйлагининг латиф шитирлаши, лабларидан шовуллаб таралаётган қўшиқлар қалбимга эшитилар, хайратларим камалакдай гуногун эди.

**Азизим, дунёни босди совуқ сел,  
Кулгуларим тошдан, кўз ёшим тошдан.  
Ахир кел, фақат кел, ким бўлсанг ҳам кел,  
Бекор ошганим йўқ ўн саккиз ёшдан.**

Маликам ҳазон янглиғ бандидан узилган Муҳаббатим учун қора кийинганини ногаҳон англадим. Дафъатан англаб етдимки, у одамларнинг кибри кўзларидан қочиб, одамларнинг таъқиб этувчи нигоҳларидан қочиб, фақат кечаларигина олам кезгани чиқар экан. Эй дунё, бировнинг муҳаббати билан бировнинг нима иши бор?! Муҳаббатнинг тирик қурбонини нега бармоғингни бигиз қилиб кўрсатасан, эй Одам! Ахир маликалар ўз кўнглилари, ўз руҳлари ичида ҳур бўладилар-ку. Уларнинг улуғ ҳурликлари қаршида бизнинг лоқайдлик, мўътадиллик ва иложсизликдан моғорлай бошлаган вужудимиз тариқдан ҳам митти нуқтага айланади. Нима қиламиз осмону фалакда учиб юрган уларнинг озод ва эркин, кучли ва жасур қанотларига тор ва майда тафаккуримизнинг чириган тўрини ташлаб:

**Оғир туш аралаш тутилган дарддай  
Энасан, куясан, уйғонолмайсан.  
Дунёга отасиз келган фарзанддай,  
Сен бу севгинг билан мақтанолмайсан...  
Кечиккан ишқ...  
Кечиккан ишқ.**

Зебонинг ўз шеърий дунёси бор. Бу дунё

ранг-баранглиги, хилма-хиллиги, зиддиятларга тўлалиги, мураккаблиги билан ҳам гўзалдир. Муҳими, Зебо ўз оламида хийлагина ҳур.

**«Алҳамду» сурасин ишққа алишдим,  
Пайғамбар қонига қоним туташди.  
Суюгим қаладим минг йиллик ўтга,  
Қиёмат кунига жоним туташди.  
Дуобад айладим, таним хор бўлсин,  
Рухим — Худо бўлсин,  
Худо ёр бўлсин!**

Тенгдошларимиз орасида Зебо биринчи бўлиб катта денгиз сари катта кўприк солди. Биз тенги ва бизнинг оптимиздан келаётган қалам муҳибларининг ақсарияти ана шу кўприкдан ю-р-и-б ўтади. Узга йўл йўқ. Бу кўприк эса, етарлича мустаҳкам, деб ўйлайман. Бу кўприк Вафо Файзулла, Қудрат Бобожон, Ғулум Мирзо, Иқбол, Дилшод Шамс, Бобомурод Эралиев каби ёши мен қатори шеърнависларни Абдували Қутбиддин, Эшқобил Шукур, Чори Аваз, Абдул Жалил, Аъзам Уктам, Рауф Субҳон, Ҳалима Аҳмедова, Зебо Раҳимовалар авлоди билан туташтирувчим, бу кўприк дарё устига эмас, балки гоҳ тўфонли, гоҳ сокин наҳр ичига кўндаланг қурилгандир. Шу йилларда биринчи тўртликларини айтаётганлар ашъор яхши ва ёмонлигини Зебонинг мисраларига нисбатан ўлчайдилар деган кишини иккилантирувчи гумона бор кўнглимда. Зебро, қуйидаги мисраларнинг қуймалиги, самимийлиги шундан шаҳодат беради:

**Бир қишлоқ бор, тоғ орасида  
Соғинчларим сиғинган қишлоқ.  
Қирларининг қоқ ёрасидан  
Уйғонади қон-қон қизғалдоқ.**

Бир қарашда, Зебо йиғлоқи шоирага, бугунги куннинг долзарб масалаларию муаммоларидан узилиб қолганга ўхшайди. Бироқ шу нарса аёнки, «социалистик реализм»ни методология қилиб олган совет (шунақа ҳам адабий танқид бўларканми!) адабий танқидчилиги ўқтирганига бутунлай зид ўлароқ, сентименталлик чинакам шоирнинг ботиний, руҳий қудратидан далолат беради. Шоира ўзи ҳақида «қўллари толиб қолгунича», ўзини аямай, ўз-ўзига, ўз жонига шафқатсизлик билан ёзади:

**Соғинч бор...  
Дард бор, бор илтижо...  
Кечмиш бор, келмиш йўқ, бор хато...  
Бесарман,  
Макруҳман,  
Телбаман,  
Кетдим. Хайр энди юракдан  
Видо.**

Ёки: «Бу тунда милён йил йўл юриб улар бурчагини топмаган «ит»ман».

Қизиқки, Зебо шеърларидаги Аёл тимсоли Шарқ аёлига руҳан ўхшамагандек кўринади: «Сўнг унинг ёнига бордим:— Кетаман!— Қаёққа?— Фарқи йўқ!.. Тез кузатиб қўй!.. Кетдиму келар деб ўйлаган эдим, Қарасам, ортимда ҳеч ким йўқ эди!..» Лекин маълум доирадаги одам-



лар тўқиб чиқарган майда-чуйда тартиблар, бачкана қондалардан юксакликка кўтарила олган кўнгил ўз кўзига чуқур, узоқ ва тикилиб қарайди. Хур кўнгилнинг барча гуноҳлари адолатлидир, кечиримлидир. Шу маънода, у Абдулла Ориф шеъринг мактабининг лаёқатли, иқтидорли толибасидир.

Зебонинг зебо шеъринг тўлқинлари муҳаббатни адолатсизликдан муҳофаза қилиш дарёсидан оқади. У атроф-жавонибга гоҳ бирдай, гоҳ бир бошдан мурожаат қилади. Узини ташлаб кетган ўзини тинимсиз излайди:

**Узим, қайда қолдинг бу оқшом,  
Бун тун кимнинг тушига кирдинг!**

Кунма-кун такомиллашиб бораётган шеър санъатига Зебо ўзига хос оҳанг олиб кираяпти. Бу услубнинг ўзига хос хусусияти сўз, оҳанг ва мисолларнинг ички тадрижий ҳаракати, шаклнинг фаоллигидир. Бу йўлда муваффақиятларга эришди, муваффақиятсизликларга учради. Зеро, ҳаракатдаги одамнинг йўли шу тарздан иборатдир.

**Кўзларим кўкида куюк юлдузлар.  
Қорайиб қотдилар, қаҳрабо!  
Эй, менинг талотўп, бағримга бу кун,  
Кирмоқчи бўлганлар, марҳабо!**

**Бугун мен сизники, азиз баҳорлар,  
Видолар, баётлар — меники!  
Кўёшни қон қилиб ичган шаҳарлар  
Синажак қанотлар меники!**

Зебонинг тимсоллари шеърнинг руҳидан табиий равишда ўсиб чиқаверади: «Кейин чиқиб кетдим... Телба тун аро Сағира арвоҳдай кездим бетайин...», «Гулпушта тагида юзаки кўмиб, Суюксиз боладай йиғлайди булоқ».

Товушлар, сўз ва оҳангнинг қуймалигига қаранг:

Кўрдим: тўзон каби тўзади зорим.

Мен — тушман...

Сўрайман сендан ўзгага

Кўрсатмасин энди Парвардигорим!..

Тўпلامдан жой олган тарихий мавзудаги шеърлар Зебонинг имкониятлари даражасида ёзилмаган. Буни шоиранинг ўзи ҳам яхши тушунишига аминман. Чунки бу шеърлар ижтимоий фикр

билдириш учун (ҳозир русумга айланиб қолганидек) ўз-ўзига буюртма билан ёзилгани шундоққина кўриниб турибди. Зебонинг шеъринг ифода услуби шунақаки, у ўз кўнглига қанчалик чуқур кирса, қайтиб чиқмайдиган бўлиб ўз юрагига тўрлаб кирса, шунчалик ғамгин йиғлайди, шунчалик қувноқ кулади.


Зебо тенгдошлари орасида ўз-ўзини энг кўп даражада намоён эта олган шоира. Аммо унинг айрим машқларига, чамамда, ўзи суноб ўқигани учун бўлса керак, баъзи таниқли шоирларнинг кенг ёйилган шеърларидаги оҳанглар, сўзлар, шакллар ўтиб қолади. Буни Зебонинг ўзи пайқамаган бўлиши ҳам мумкин. Чунки бу алдоқчи таъсирдир, яъни маълум сўз, оҳанг ёхуд шакл сизга шу қадар сингиб кетадики, сиз унинг ўзингизникими, бошқаники эканини ажратолмай қоласиз. Тақлид — тўла маънодаги таъсирланишдир. Тўғрироғи, меъёридан ортиқ таъсирланишдир. Шубҳасиз, ҳар нарсанинг меъёри бўлгани яхши... Масалан, «Хуқуқим йўқ бир лаҳза Сизни бегим демоққа» (Ҳалима Ҳудойбердиева), «Юртимдаги лашкар тепалар» шеъри (Шавкат Раҳмон), «Тугаб борар ойдин кечада Кечаларнинг маънос эртаги...» мисралари (Рауф Парфи), «Токи туғилгунча бирорта Рустам, Башорат этгунча бирорта наби» сатрлари (Шавкат Раҳмон), «Кўзлари ёрийди тўнғич баҳорнинг» мисраси (Муҳаммад Солиҳ), «Кетмоғим шарт эди...» (Омон Матжон), «Овозинг... қайларда ахир, овозинг?» «Давонаваш шамоллар билан» сатрлари (Эшқобил Шукур) мисраларини ёдга туширади. Менимча, Зебонинг иқтидори даражасидаги қаламкаш шу каби жузъий эътирозларга ҳам ўрин қолдирмаслик учун ўзида ижодкорлик кучини топа олади.


Зебо бир ўринда «Шомсаҳар» деган сўз ишлатади: «Шом» + «саҳар» (?) мантиқсизлик. Тўпلامдаги шеърларда бундай эътирозларга сабаб бўладиган бошқа сўзлар ҳам йўқ эмас.

Тўпلامда босмаҳонанинг айби билан анчагина ҳарфий хатолар ўтган. Масалан, «Газарру тошига бошимга қўйиб» да «бошимни» сўзи нотўғри ёзилган.

Зебо Мирзаеванинг «Тун маликаси» тўплами кейинги йиллардаги яхши китоблардан бири эканига шубҳа йўқ.

Салим АШУР





## ТИНИҚ КҮЗГУ

Сарбадорлар ҳаракати XIV асрнинг биринчи чорагида, дастлаб Хуросонда соф ижтимоий йўналиш сифатида майдонга келгани маълум. У, асосан мўғул боққинчиларига қарши қаратилган ялпи озодлик кураши тарзида рўй берган. Турли табақалар: деҳқонлар, зиёлилар, ҳунармандлар ҳамда қулларнинг ҳам анчагина қисми бу ҳаракатда фаол қатнашганлар.

Уларнинг «сарбадорлар» — дорга осилувчилар деб ном олишлари бежиз эмас. Сарбадорлар юртни мўғуллар зулмидан озод қиламиз, акс ҳолда дорга осилишга тайёрмиз, чунки зулм-истиб-додга бундан кейин чидаб бўлмайди, деган қатъий қарорга келган эдилар.

Табиийки, тарихий асар авваламбор ўзининг ҳаққонийлиги, ҳаётийлиги билан ажралиб туриши керак. Муҳаммад Али ҳам масаланинг ана шу муҳим томонини назарга олган ҳолда тарихий ман-баларни атрофлича пухта ўрганган.

Айниқса, романда талқин этилган тарихий ҳукмдор шахслар Амир Темур, Амир Ҳусайн, Амир Қозоғон, Туғлуқ Темур, Жета султони Илёсхўжа ва бошқаларнинг сиймоси ишончли чизилган.

Самарқанд ўша даврларда ўз қисматига ташлаб қўйилган шаҳарлардан бири эди. Бу ерда турли миллат ва элатларга мансуб ҳар хил касб-кордаги одамлар истиқомат қилишарди. Улар ҳам сарбадорлар қаноти остига бирлашиб, ўз гўшаларини, ўз масканларини ҳикоя этишга тайёр тур-ганлар. Романда бу борада шундай ёзилади:

«— Кофирлар исломни танимайдилар, холос, лекин улар худога ишонмайдиган осийлар, даҳрийлар эмаслар... Уларнинг ҳам ўз худолари бор, улар фақат ғайридиндилар. Кўнгиллари тўғри, ниятлари пок эса, қайси диндин бўлмасин, маслағимиз бир бўлса, биз ўша билан дўстимиз... Ундан кейин, ислом миллат ажратмайди...» Муаллиф бу билан муқаддас курашда миллат-эйти-қодларидан қатъи назар ҳеч ким четда қолмаганлигини тўғри ифодалайди.

Асарда иштирок этган Мавлонозода, Абубақр Калава, камонмерган Хурдак Бухорий, Хожи-барлос, Улжой Туркон Оқа, Сароймулкхоним, Қутлуғ Туркон оқа, Такина хотун, Аббос Баҳодир, Шайх Ҳасан Журий ва бошқа тарихий шахслар бир-биридан кескин ажралиб турадиган хусусияти, бор бўй-басти билан мукамал чизилганини ҳам айтиб ўтиш керак. Тўқима образлардан Абубақр Калаванинг хотини Қорасоч бека, қизи Жаҳонбека, Абдумавлон юз (боғбон), Ахий Жаббор, Або-муслим, Худобанда ва унинг синглиси ҳам ёрқин бўёқларда тасвирланган.

Қавомиддин қози каби фирибгар, таъмагир кимсаларнинг хатти-ҳаракатлари, тубанликлари тасвирига ҳам китобхон шубҳа билдирмайди.

1365 йили фасли баҳорда Чиноз кенгликлариде Мўғулистон хонининг ўғли Илёсхўжа билан Амир Темур ва Амир Қозоғойнинг невараси, Балх ҳоқими Амир Ҳусайннинг бирлашган кучлари ўртасида қизгин тўқнашув бўлган. Жанг вақтида қаттиқ жала қуйган: ҳаммаёқ лойга айланиб, аскарларнинг ҳаракат қилиши қийинлашган. Шу сабабдан, бу муҳораба тарихга «Жанги Лой» номи билан кирган. Дастлаб Темур қўшини бир мунча устунликка эришган. Аммо Ҳусайн лашкари қатъиятсизлик кўрсатади. Бу ҳол душман кучларининг руҳини кўтаради ва натижада мўғуллар жангда ғалабага эришадилар. Ана шу тарихий манзаралар романдаги «Жанги Лой» бобида бадий ифодасини топган. Жангда мағлубиятга учраган ҳар иккала ҳоқимнинг кетиб қолиши Моваро-уннаҳр юраги бўлмиш Самарқандга бемалол йўл очиб берган.

Илёсхўжа Самарқандни осонликча ишғол этиш ва улкан бойликка эга бўлишни хаёл қилганди. Ўша пайтларда Самарқандда мудофаа истеҳкомлари қарийб йўқ эди. Қалъа деворлари Чингизхон истилоси даврида бузилиб кетганди. Буни мўғул ҳукмдори яхши билар эди. Бироқ иш у кутгандай бўлиб чиқмади. Самарқанд аҳли Абубақр Калава, Мавлонозода, Хурдак Бухорий ва бошқа етакчи-лар раҳбарлигида ёвга қарши мардона курашган ва душман устидан порлоқ ғалабага эришганлар. Муҳаммад Али ўз романида шу воқеаларни тасвирлар экан, агар халқ бир ёқадан бош чиқарса, иноқ-иттифоқ, бир жон, бир тан бўлиб ҳаракат этса, кўзлаган мақсадига албатта етиши мумкинли-гини алоҳида таъкидлайди.

Афсуски, Самарқанд сарбадорларининг ғалабаси узоққа бормаган. Амир Темур ва Амир Ҳусайнлар зудлик билан Самарқандга йўналганлар. Улар Самарқанд атрофида тўхтаб, сарбадор-лар раҳбарларини музокара учун чорлаганлар ва хиёнаткорлик йўлига ўтиб, тутиб қатл эттирган-лар. Амир Темур томонидан Мавлонозоданинг ўлимдан сақлаб қолиниши ҳам тарихий ҳақиқат.

Хуллас, сарбадорлар ҳаракати шу тариқа заволга учраганлиги асарда тарих ҳақиқатига мос ҳолда ўз аксини топган.

Энди мазкур романда тарихий воқеаларга зид келадиغان айрим ўринларга тўхталайлик. Бир ўринда шундай ёзилади: «Сарбадорлар қиссасидан мутассир бўлган дарвозабон уф тортиб деди: — Абубакр оғал Бу ерда ҳам сиз айтганлардан қолишмайдиган воқеалар бўлди. Амир Қозонни кўёви, Хоразм амири Қутлуғ Темур Бўлдой қатл қилдирди, буни биласиз. Мўғуллар уч бор чопқун уюштирдилар. Амирзода Абдулла бўлса қувғину мискинликда. Самарқандда ҳисори шодмон амири Баён сулдуз даврон тизгинини кўлга олмиш эди. Ул ҳам қайғадир қочиб қолди...» Бу ерда авваламбор ким кимни қатл қилдиргани мавҳум қолган. Жумлалар ҳам шу тарзда тумтароқ, ғализ битилган. Муҳими шундаки, асарда «Хоразм амири Қутлуғ Темур» номи аниқ тилга олинган. Дарҳақиқат, Қутлуғ Темур Хоразм амири бўлган ва у 1336 йили вафот этган. Лекин Муҳаммад Али асардаги воқеалар 1363—1366 йилларга тааллуқли. Шундай бўлгач, бу тарихий шахснинг кейинги воқеаларда иштирок этиши ақлга сиғмайдиган ҳолдир.


Асарда Абубакр Калаванинг кигизга ўтирғизилиб, подшоҳ этиб кўтарилиши тасвирланади. Бу нарса сарбадорлар маслағига зид келмасмикин?! Муаллиф масаланинг шу томонини ҳам ўйлаб кўрса ёмон бўлмасди. Қолаверса, Туркистон, хусусан, Мовароуннаҳр диёрида қадимий удумга биноан янги хонни фақат оқ кигизга ўтказиб кўтарганлар. Мазкур романда эса бундай эмас. Муҳаммад Али бунга жиддий эътибор бермаган кўринади.

Шубҳасиз, ниҳоятда мураккаб воқеаларга, зиддиятларга тўла бўлган оғир даврни қаламга олиш осон кечадиغان иш эмас. Бундай юкни кўтариш учун ижод кишиси гоёт меҳнатсевар, саботли, билимли ва теран қобилиятли бўлиши зарур.

Муаллиф бу машаққатли йўлни зўр кўтаринки бир руҳда енгиб ўта олганидан хурсандмиз. Мазкур романи ўз саҳифаларида чоп этган «Шарқ юлдузи» ойномасига чексиз миннатдорчилигини билдираемиз.

**Ҳабибулла ЗАЙНИДДИНОВ**





Зулфия Шодиева

## Икки ҳикоя

### Шимпанзенинг ширин ўйлари

Маймун одам бўлишни орзу қилибди. Табиатга илтижо этибди:

— Мени одамга айлантир, ўрмондаги шеру айиқ, ҳаккаю шақилдоқ мазаҳидан, кулгисидан ўлиб бўлдим?!

Сахий табиат маймунни одамга айлантирибди. Лекин, одамга айланган маймун, улар даврасида ҳам ўзини эркин сезмабди. Яна табиатга ялинибди:

— Одам тинмайдиган зот экан. Мен дангасароқман. Бунинг устига, улар ерига қўланса дори сепаиб, шундан нафас олар экан, чидолмадим. Мен ўрмонда, тоза ҳавода, гўзаллик бағрида юрганман. Яхшиси гўзал оҳуга айлантириб қўяқол, дикир-дикир ўйнаб бир яйрай.

Табиат, ҳай майли, дебди-да, уни оҳуга айлантирибди. Оҳулар бегонасирашмабди. Бир муддат улар билан ўйнаб-кулибди. Бирдан шер пайдо бўлиб, зўрға омон қолибди.

— Шердан қоч, айиқдан қоч... Э, бу даҳшат-ку!..— У табиатга бош эгибди.— Ана қушлар... яйраб учаяпти. Яхшиси, қуш бўлақолай!

Табиат уни қуш қилиб кўкка учирабди. Энди яйрайман деганда ўқ овози гумбурлабди. Дод дебди, доди табиатга етиб, айиққа айлантирибди. Айиқнинг ҳам аҳволи вой экан. Шўрвага дорига отадиганлар кўп бўлар экан. Юрак ҳовучлаб турганида табиат сўрабди:

— Қўрқаётибсан... Нима, яна одам қиёфасига киритайми?

— Йўқ, йўқ, шўримни қуритма,— дебди маймун.— Нима қилсанг қил, фақат одамга айлантирма!

## Пешонага битилгани

Зулхумор, мана, ўттиздан ошибдики, дурустроқ куёв тополмайди. Ўзларича конкурс шартларини ҳам тузиб чиққанлар. Шарт ўлгур нақ йигирма параграфу эллик олти рақам билан номерланган. Қўшниси Нигорахоннинг айтишича, бу шартларга жавоб берадиган йигит ҳали дунёга келмаганмиш. Ҳа, энди пешонага битилгани бордир.

Бугун эрталаб икки қўшни уйларида баравар чиқишди. Нигорахон эшигини қулфлаб, яна текшириб ҳам кўрди. Зулхумор эса шунчаки ёпиб қўя қолди. Буни кўрган дугонаси елка учираб деди:

— Қулфлашни унутдинг шекилли? Яна...

— Уйимга ўғри кирсами... — Зулхумор кулиб жавоб берди. — Зўр иш бўларди, раҳми келиб бирон нарса ташлаб кетарди. Кеча куни бўйи сантехникни кутдим, камбағаллигимни билиб, уям келмади. Водопровод қувурларидан сув оқяпти, остига тоғарачалар қўйганман.

Зулхумор ишдан қайтиб уйга кириши билан кўзи стол устида турган хатга тушди. Қўрқиб кетди. Секин хатни олиб, курсига ўтирди.

«Девордаги суратингизга қараганда, чиройли экансиз, — деб ёзарди хат эгаси. — Лекин уйингиз наmunча шип-шийдон? Камбағалликданми ёки зеб-ҳашамга товлари йўқми? Мендек ўғрини тирикчиликдан қолдирдингиз — раҳмим келиб, водопроводни тузатиб қўйдим. Чамаси, ваннанинг қувурлари ҳам чатоқ!

«Қизик, — деди ўзига-ўзи Зулхумор. — Уйимга кирган одам тўғрими, ўғрими? Емон одам бўлганида ниманидир илиб кетарди, виждони бор экан...»

Эртаси куни ишдан қайтиб, стол устидан яна хат олди:

«Ваннанинг қувурларини тузатиб қўйдим. Қароқчи слесарлар бу иш учун камида

ўн сўмингизни шилиб кетишарди. Эртага батареяларни ҳам кўриб кўярман. Лоақал нон билан шакар қолдириб кетинг, чойни ўзим дамлаб оларман».

Зулхумор кечаси билан ўйланиб чиқди. Эртаси куни дастурхонни баҳоли қудрат безатиб, столда шундай хат ёзиб қолдирди. «Сизни ортиқча уринтираётганимдан жуда хижолатдаман. Раҳмат сизга. Иложи бўлса, газ печкасиниям бир кўриб кўйсангиз».

Улар ўртасида шу тариқа алоқа бошланди:

«Суратингизга қараб-қараб ишлаш завқли. Аммо сал зерикаяпман. Нега уйингизда телевизор, радио йўқ?»

«Телевизор, радио кўшимда бор. Жуда баланд кўйишади. Ўзларига ҳам, менга ҳам етади... Илтимос, электр дазмолимниям созлаб берсангиз».

«Бекорчи экан, деб ҳадеб иш буюраверасизми? Уғрилиқ қилишга кўлим тегмай қоляпти-ку. Менинг тирикчилигимниям ўйланг-да».

«Ўйланганмисиз?»

«Йўқ. Ўзлари нега сўққабош юрибдилар?»

«Йигитлар конкурсимдан ўтишолмаяпти... Стол клеёнкаси остида пул бор. Малол келмаса, йўл-йўлакай квартира пулини омонат кассага тўлаб ўтсангиз».

«Ишни жуда кўпайтириб юборяпсиз. Ҳалол яшашга деярли ўрганиб қолдим. Кўрқиб кетяпман...»

Бир куни Зулхумор ишдан барвақтроқ қайтди. Хаёл сурганича уйга кириб келди-ю, ошхона эшигининг синиқ ойнасини янгилаетган қорамғиздан келган йигитни кўриб, чўчиб тушди. Йигит жингалак сочларини ўнғайсизланиброқ силаб тургач, унга қараб мулоим жилмайди. Йигитмисан йигит! Жилмайиши намунча чиройли! Ўзиям барваста...

Улар бир-бирларига тикилганларича туриб қолишди. Пича қизаришди...

— Ҳеч кимга ўхшатмайтибсизми?

— Йўқ.

— Бир ойдан буён танишмиз-ку!..

— Э, нима қилиб турибсиз, бу ёққа ўтинг!..

Қиз меҳмонни дастурхонга таклиф қилди.

— Уйингизга меҳмон келиши керакмиди?

— Меҳмоним келди.

— Ҳа... Ким бўлиб ишлайсиз?

— Оддийгина қаламқаш.

— Қаламкашининг ҳам оддийси ё мураккаби бўладими? Тагин мени ёзиб юрманг.

— Қизиқмисиз... Сизни ёзсам, ўзимни ҳам кўшиб ёзишимга тўғри келади.

— Ўз оёғим билан келиб ўтирибман...

— Ўз оёғингиз билан келганингиз йўқ, сизни таклиф қилдим. Келинг, яхши-яхши гаплардан гаплашиб ўтирайлик.

...Мақтабда ўқиб юрган чоғларимда жуда шўх қиз бўлганман. Нуриллаева деган тил-адабиёт ўқитувчимиз бўларди. Худди отарчи хотинларга ўхшаб тилла тақинчоқларга ботиб юрарди. Билимсиз, дарс бериш қобилияти паст эди. Бир куни мактабга комиссия келадиган бўлди. «Шу кунга диктант кўйдим, — деди у. — Ёзаётганларингда менга қаранглар: ундов кўйиш керак бўлса бурнимни кўрсатаман. Кўзимга ишора қилганим «нуқта», сўроқ — қулоғим; юмшатиш белгиси — қошим; — оғзим. Тушундиларингми?...»

Шундай қилиб, комиссия келди, дарс бошланди. Ўқитувчимиз худди айтганларидай бизга «ёрдам» бердилар. Бир вақт денг, комиссия ўтиргани хаёлимда йўқ, ўқитувчининг қўли ҳаракатга келиши билан: «Қулоғингизни кўрсатаверманг, сўроқ кўйишни шундоғам биламиз», деворибман. Ана энди, ундан кўрган кунларим...

— Сиз беозор, ҳақгўй, шўх бўлгансиз... Тушунтира олдимми?

— Тушундим, ўзингиз мактабни қачон тугатгансиз?

— Қачонлар... Саккизни тугатиб, ишга кирганман.

— Ҳозир қаерда ишляпсиз?

— Ишлаганимда сизникига кирармидим...

— Унда ҳаммасини битта қилиб ишлар экансиз.

Йигит хаёлга чўмди. «Наҳотки, мени ҳам ҳурмат қиладиган одам бўлса? Ҳеч нарсага тушунолмапман. Демак, яхши томоним ҳам бор экан-да!» У хўриллатиб чой хўплади.

— Уч ой ишладим, маош беришга келганда фирромлик қилишди. Кейин...

— Шунақами? Э-ҳэ, ажойиб одам экансиз. Сизни бу йўлга бошлаган ишхонангизни мастери ёки бухгалтери. Агарда улар панд бермаганларида бу йўлга кирмаган бўлардингиз. Уша мастер — ўғри!..

— Ростдан-а?! Ўзимни ўзим тушунолмай қоляпман...

— Ҳамманинг қанақалиги ўзига эмас, бировларга маълум.

— Ҳеч ким менга шунақа яхши гапларни гапирмаган. Ҳаттоки, қариндош-уруғларим ҳам. Улар катта-катта ишларда ишлашади. Менинг ота-онам оддий одамлар бўлишган. Ўлиб кетишган. Қариндошларим мени ҳозир ҳатто танишмайди.

— Сиздай олижаноб қариндошининг ҳолидан хабар олмаган одамлар катта лавозимларда ишлаб бошқаларни қандай тарбиялар эканлар?!

— Раҳмат, кўнглимни кўтардингиз.

— Ишонаман, ҳамма гапларингизга ишонаман. Сиз — тўғри одамсиз. Хоҳласангиз, ҳаётдан бемалол ўз ўрнингизни топасиз.

— Дунёга қайтиб келгандай бўлдим.

Шу пайт ҳамдевор кўшининг уйидан ҳар доимгидай яна баланд мусиқа овози эшитилди. Шундай қизгин суҳбат давом этаётган пайтда булбулнинг хониши ҳам ёқмасди. Мусиқа эса, гапнинг белига тепди. Йигит шарт ўрнидан туриб, балкондан бўйнини чўзди. Жahl билан: «Радионгни пасайтир! Бу ер сенга Олой бозорими!» деганди, бирдан ҳаммаёқ жимжит бўлди. Зулхумор хурсанд бўлиб деди:

— Мен юз марта айтсам ҳам қулоқ солишмасди. Мана, сиз бир марта айттингиз, дарров пасайтиришди. Ҳаттоки, ўчириб ҳам қўйишди. Ҳарҳолда эркак кишисиз-да.

— Турмушга чиқмаганмисиз? Тагин айбга буюрманг, сўраганим учун.

— Нега энди. Сўрашга ҳаққингиз бор. Айтдим-ку, конкурсимдан ҳеч ким ўтмаган. Энди эса, ўзим конкурсдан ўтмай қолаётганга ўхшайман.

— Унақа деманг! Неча ёшдасиз?

— Аёллар менга эллик ёш беришади, эркаклардан ёшимни сўраганим йўқ. Ўзим энди ўттиздан ошдим.

— Аёллар доим бир-бирларига катта ёш беришади. Ишонманг. Ўттиздан ошган бўлсангиз ҳам ўн саккизга энди кирганга ўхшайсиз. Ешни кўпинча эркаклардан сўраш керак. Эркаклар кампирларни ҳам «ҳой қиз» деб чақирашади. Жуда ҳам озғинсиз...

— Нима?

— Кечирасиз, нозиксиз. Белиңгиз ниначининг белидай-ку, аммо эшшакдай меҳнаткашга ўхшайсиз?

— Вой, шўрим! Бу қанақа ўхшатиш??

— Кечирасиз, мақтолмадим... — йигит довдираб, яна унинг кўнглини кўтармоқчи бўлди. — Кўзларингиз чумолининг кўзидай гўзал, ўткир. Ҳамма нарсани аниқ кўради. Ҳаттоки, менинг ҳам яхши томонларимни кўриб турибди.

Йигит Зулхуморга яқинроқ келди. Унинг кўзларидан секингина ўпиб қўйди. Зулхумор эса, чўчиб кетди.

— Нега қўрқасиз? Мен сизни жуда ҳам довурак қиз деб биламан.

— Тўғри, лекин мен, йигит қизни ўпганда портлаш юз беради, деб ўйлардим. Йўқ... адашибман.

Йигит ўзини оқлашга ўтди:

— Тагин менинг ўпишимни бошқачароқ тушунманг, бу самимий ўпиш. Яъни, акаларча... Сиз менга шундай яхши гапларни гапирдингизки, қандай миннатдорчилик билдиришимни... билолмай қолдим...

Йигит яна дастурхон атрофига ўтирди. Зулхумор унга, бўлаётган воқеага, ўзига ҳайрон қоларди. Яна суҳбатни Зулхумор давом эттирди:

— Самимий ўпиш дедингизми?

— Ҳа... Улай агар, самимий, дўстона, акаларча ўпиш.

Йигит унга тикилиб, ўйлаб қолди.

— Намунча менга тикилиб қолдингиз?

— Менми?... Ҳа, шундай ўзим... Наҳотки, сизга ҳеч ким севги изҳор қилмаган бўлса?

— Таъбим нозик. Биттаси овқатни чапиллатиб ерди. Иккинчисининг бурни қалампирга ўхшарди.

— Тушунарли, — деди у, нечукдир алам-аччиқ билан. — Сизга жиддий, кейин хунук одамлар ёқмас экан. Менинг бурним ҳам қалампирга ўхшайди. Хўш, нима қилишим керак? Сизнинг гўзал бурнингиздан менга нима фойда. Мен сиз билан дўстона, холос!..

Зулхуморнинг яна қайсарлиги тутди:

— Ҳо-ҳо... Нега энди шундай чиройли бурнингизни ҳақоратлаяпсиз? Тушунарли... Бу билан менинг қошимни «эркак қош» демоқчи бўляпсиз.

— Нималар деяпсиз? Мен сиз билан уришгани келганим йўқ. Э, қаёқдан ҳам сизникига келдим-а! Уғри бўлсам...

— Сиз тўғрисиз! Яна бир марта такрорласангиз, шу жойни ўзингиз учун қамоқ деб билаверинг.

— Уйингизнинг қулфи бўлса экан.

— Ичкаридан кўрпа йиғиб тўсаман... Ҳадеб эшигингизни қулфи йўқ, деб таъна қилавермасдан, эркак кишисиз, қулф ўрнатиб берсангиз бўлмайдимми?

Улар бир-бирларига тикилиб қолишди. Пича қизаришди. Кейин, яна дастурхон атрофига ўтиришди. Суҳбатлари адо бўлмасди...

## КИНОЯЛАР

\* \* \*

Тойчоқ ўсса от бўлади,  
Асил тулпор зот бўлади.  
Қўзичоқлар бўлар кўчқор,  
Шохларида ўйнар виқор.  
Товуқ бўлар жўжалар ҳам,  
Елғиз менинг дилимда ғам:  
Сичқон ўсиб мушук бўлмас  
Ва ёки ҳеч кучук бўлмас...

**Қадам Саидмурод,  
«Сичқоннинг армони».**

Лайча ўсса ит бўлади,  
Сирка ўсса бит бўлади.  
Наҳанг балиқнинг боласи,  
Ўса-ўса кит бўлади.  
Хўтик ўсса бўлар эшак,  
Бўталоқ-чи, бўлар туя.  
Бузоқ ўсиб сигир бўлар,  
Қассоб гар қилмаса қия.  
Ёзаверсам бундай гапни.  
Чўзилиб роман бўлади.  
Кўплар ўқиб бу шеъримни,  
Тоб қочиб ёмон бўлади.

**Бугун Улуғбек қўймай,  
Шеър ёзиб беринг, дейди.  
Эртага Биринчи Май,  
Шеър ёзиб беринг, дейди...**

**Нуриддин Бобоҳўжаев,  
«Шеърники севибсан».**

Улуғбек ўғлим жуда  
Шеърятга ишқибоз.  
Эртаю кеч қўлимга  
Тутқазар қалам-қоғоз.  
Дада, эртага байрам,  
Шеър ёзиб беринг, дейди.  
Овқатни ҳам доимо  
Шеъримни ўқиб ейди.  
Агарчи шеър ёзмасам,  
Ер тепиниб йиғлайди.  
Ёзиб бермагунимча,  
Юрак-бағрим тиглайди.  
Қутулай деб ғурбатдан,  
Мажбуран ёзаман шеър.  
Бизнинг ўғилда шундай  
Жа ғаройиб характер.  
Баъзан тегмаса қўлим,  
Ёзгум дейман эртага.  
Бу шеърни ҳам ёздирган  
Деворий газетага.

\* \* \*

Сен кулганда, кулар юлдуз  
Осмонда ой кулади.  
Сен кулганда, қайнар булоқ,  
Шаршара, сой кулади...

**Умида Абдуазимова, «Сен кулганда».**

Сен кулганда, кулар от,  
Яйловда той кулади.  
Сен кулганда, тишлари йўқ  
Ҳатто бобой кулади.  
Сен кулганда, кулаверар  
Бошқалар ҳам кўшилиб.  
Бу кулгунинг оқибати  
Яхши бўлсин, ишқилиб.

**Юрагинг — ҳануз мен  
Кезмаган олам.  
Кипригинг — ҳануз мен  
Сезмаган майса.  
Еноғинг — ҳануз мен  
Ҳидламаган гул...**

**Нормурод Норқул, «Юрагим».**

Дудоғинг — ҳануз мен  
Ўпмаган ғунча.  
Рухсоринг — ҳануз мен  
Емаган кулча.  
Кўзларинг — ҳануз мен  
Кўрмаган фонар.  
Кўкрагинг — олма-ю,  
Юзларинг — анор.  
Шу ёғи етади  
Десанг, тўхтатай.  
Йўқса, сўз заҳирам  
Ҳали ўн қанор.

\* \* \*

**Навбатини кутар фасллар,  
Навбат билан тун ҳам, кундуз ҳам,  
Навбат билан ёмғир, қор ёғар,  
Навбат билан берилар сўз ҳам...**

**Мафтун Жўра, «Навбат».**

Ўйлаб кўрсам, ҳозирги пайтда  
Навбат билан бўлмоқда ҳар иш.  
Туғилиш ҳам навбат, ҳаттоки,  
Мумкин эмас навбатсиз ўлиш.  
Бир ҳисобда галма-галига,  
Бўлгани соз ҳар қандайин кор.  
Лекин, бундай шеърга киноя,  
Зудлик билан чиқиши даркор.

# ● Мундарижа ●

## ШЕЪРИЯТ

Сирожибдин Сайид. Таназзул ёки бир бечоранинг изтироблари . . . . .	2
Носир Муҳаммад. Ғазаллар . . . . .	50
Абдулла Қўшбоқ. Юрагимни сенга олиб боряпман . . . . .	53
Эркин Самандар. Аждодлар қиличи. Тарихий фожиа . . . . .	73
Абдул Жалил. Ҳар баргида минг дард дарахтнинг . . . . .	81
Нурилла Остонов. Бир оғриқ кезинди менинг жонимда . . . . .	159

## НАСР

Музаффар Мирзо. Паноҳ. Қисса . . . . .	19
Омон Мухторов. Осмондан тушган одам. Қисса . . . . .	55
Омонулла Оллаёров. Менинг қуралай опаюним. Қисса . . . . .	83
Акбар Юнусов. Хазончинак. Қисса . . . . .	131

## БИР ДАРАХТ НОВДАЛАРИ

Уйғур шеърятидан намуналар . . . . .	113
--------------------------------------	-----

## САРГУЗАШТ, ФАНТАСТИКА

Илҳом Зойиров. Жаннат. Хаёлий ҳикоя . . . . .	117
-----------------------------------------------	-----

## БУЛОҚ КЎЗ ОЧДИ

Шухрат Деҳқон. Дарз. Ҳикоя . . . . .	123
Улмас Хусайн. Тунда Регистонга қўнаркан ҳилал . . . . .	127
Абдуракул Жумақулов. Олиб келди исмингни шамол . . . . .	129

## ДУРДОНА

Паҳлавон Маҳмуд. Рубойлар . . . . .	162
ҚУРЪОН . . . . .	165

## НАВОИЙ ГУЛШАНИ

Навоий ғазалига Муҳйи мухаммаси . . . . .	179
-------------------------------------------	-----

## НАВОИЙХОНЛИК

Иристой Кўчқортоев. Сўз уммонидаги гавҳарлар . . . . .	180
Е. Э. Бретельс. Улуғ ўзбек шоири . . . . .	183

## АСР САДОЛАРИ

Феруз, Дойи. Ғазаллар . . . . .	185
---------------------------------	-----

## МУЛОҲАЗА, МУҲОКАМА, МУНОЗАРА

Алижон Ғаниев. Мезморчилик тарих йилномаси . . . . .	189
------------------------------------------------------	-----

## МЕРОСИМИЗНИ УРГАНАМИЗ

Худойберди Дониёров. Афросиёб: афсонами ёки тарихий шахс . . . . .	191
--------------------------------------------------------------------	-----

## АДАБИЙ ТАНҚИД

Баҳодир Каримов. Насрдаги назокат . . . . .	196
---------------------------------------------	-----

## ТАҚРИЗЛАР

Салим Ашур. Қўзларим кўкида куюк юлдузлар . . . . .	200
-----------------------------------------------------	-----

## АКС САДО

Ҳабибулла Зайниддинов. Тиниқ кўзгу . . . . .	202
----------------------------------------------	-----

## ГУЛҚАЙЧИ

Зулфия Шодиева. Шимпанзенинг ширин ўйлари, Пешонага битилгани . . . . .	204
Уткир Саидов. Киноялар . . . . .	207

На узбекском языке

«ШАРҚ ЮЛДУЗИ»

№ 7

Журнал Союза писателей Узбекистана

Ордена Трудового Красного Знамени типография издательства  
ЦК КП Узбекистана, Ташкент — 1991

Техник муҳаррир Ю. Абдуллаев      Рассом Ф. Алимов      Мусаҳҳиҳлар Ш. Мусаев, И. Нормуродова

Таҳририятга келган бир босма тобоқча бўлган материаллар муаллифларга қайтарилмайди. Ойномадан рўхсатсиз материал олганлар жарима тўлашлари шарт. Таҳририят ўз тавсиясига кўра амалга оширилган таржима асарларини қабул қилади. Ойнома матбаасига оид нуқсонлар (саҳифалар етишмаслиги, чалкаш босилгани) бўйича ушбу ташкилотга мурожаат қилинг: Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41. Ўзбекистон КП МК нашриёти. Обунага монелик кўрсатилган ёки ойнома ўз вақтида етиб бормаган тақдирда: Тошкент 700000, Широкая кўчаси, 2. Жумҳурият «Союзпечать» агентлигига мурожаат қиласиз.

Теришга берилди 4.05.91 й. Босишга рўхсат этилди 16.05.91 й. Қоғоз формати 70×108<sup>1</sup>/<sub>16</sub>. Офсет босма усулида 2-қоғозга босилди. Босма тобоғи 13. Шартли босма тобоғи 18,2+0,35 (зарварақ). Шартли-рангли босма листи 19,25+0,25 (зарварақ). Нашриёт ҳисоб тобоғи 20,2. Тиражи 112033. Буюртма 5315. Баҳоси 2 сўм.

Ўзбекистон Компартияси Марказий Комитети нашриётининг Меҳнат Қизил Байроқ орденли босмаҳонаси. Тошкент — П, «Правда» газетаси кўчаси, 41.